


84(543)
433

Ўткир АБДУРАҲИМОВ


ЗУЛМАТДАГИ САЛТАНАТ



Ўткир АБДУРАҲИМОВ

ЗУЛМАТДАГИ САЛТАНАТ

*Детектив қисса
Биринчи китоб
Тўртинчи наشري*



929683

ТОШКЕНТ
“YANGI NASHR”
2018

УЎК: 821.512.133-3
84(5Ў)7
А15

Абдурахимов, Ўткир

Зулматдаги салтанат/Ў. Абдурахимов. — Тошкент:
«YANGI NASHR», 2018. 368 б.

Китоб 1.. — 4-нашри. — 368 б.

ISBN-978-9943-22-320-2

КБК 84(5Ў)7

Собиқ шўро даври инсоният тарихидаги энг мураккаб, жуда кўп сиҳифалари яширин давр эди. Шу жиҳатдан шўролар ўрнатган ҳокимиятни зулматдаги салтанат эди десак, кўп ҳам адашмасак керак.

Ёзувчи Ўткир Абдурахимов “Зулматдаги салтанат” асарида ўша жамиятнинг махфий олами — жиноятчилар дунёсини қаламга олади. Асарни ўқир экансиз, Сиз соддадил, ҳалол, меҳнат қилиб чарчамайдиган ва ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, ориятли бир йигитнинг қандай қилиб жиноятчилар оламига тушиб қолганлиги ҳамда уларнинг етакчиларидан бирига айланганлиги қисмати билан танишасиз. Жиноят оламидаги кўп истеъдод эгалари тақдирига боқиб, агар имконият йўли тўсилмаганида, улар замонасининг зўр ишбилармонлари, етук инсонлари бўлиши мумкин эди-ку, деган ўйдан қалбингиз алланечук бўлиб кетади. Бугунги мустақиллик замонимизга шукроналар айтасиз.

“Yangi nashr” нашриёти шу пайтгача Ў. Абдурахимовнинг “Зулматдаги Салтанат”, “Ҳукмдорнинг қарғиши”, “Фироқ водийси”, “Каромат соҳиби” каби асарларини чоп этди. Ушбу асарлари ва “Тақдир ўйинлари”, “Тақдирдан қочиб бўлмас” детектив қиссалари (жами 6 та асар) босмадан чиқарилмоқда. Нашриётда муаллиф ҳаётлигида китобхонлар ҳукмига ҳали умуман ҳавола қилинмаган янги асари ҳам чоп этишга тайёр ва бу асар ҳам яқин орада сиз азиз китобхонларнинг қўлингизга тегади.

ISBN-978-9943-22-320-2

© “Yangi nashr”, 2018 йил

МУҚАДДИМА

Кеч куз. Ҳаво бирданига совиб кетди. Осмон тез-тез қовоғини солишига қарамай, ёмғирдан дарак йўқ. Далаларда ҳосил деярли қолмаган, деҳқонлар энди фақат қолган-қутган кечки картошкани йиғиштириб олиш ташвишида.

Бўстонлиқ райони тайёрлов идорасига қарашли ёғоч омборхонасига кеча бирданига Свердловскдан саккиз вагон тахта келди. Тайёрлов идораси директори Вазген Айрапетян омбор мудир Суннатиллани шоширар, вагонлар ижарада эканлиги учун тезликда бўшатиб, жўнатиб юборишни талаб қиларди. Шу туфайли Суннатилла шаҳардан беш-олти талабани шахсий “РАФ” русумли кичик автобусида олиб келган, ҳар бирига йигирма беш сўмдан беришга ваъда қилганди. Талабалар кечаси билан тахталарни туширишгач, тайёрлов идорасининг экспедитори Венера Пак бўшаган олти вагонни қайтариб юбориш мақсадида ҳужжатларни расмийлаштириш учун шоҳбекат бошлиғининг олдига кетди, қолган иккитасидаги тахтани туширишга вақт етмаганди.

Тахта омбори қоровули Фулом ака талабаларга раҳми келиб, ўз “меҳмонхона”сида биров ҳордиқ чиқариб олишларига рухсат берган, қоровулхонага шундайгина туташ новвойхонадан ўнга иссиқ нон харид қилиб, кечки овқатдан қолганини буржуйкада иситиб, талабаларнинг уйқудан туришларини кутаётганди. Печканинг устида қумғон қайнаб турарди.

Суннатилла келиб, талабаларни уйғотди. Улар зўрға туриб, бирин-кетин юз-қўлларини совуқ сув билан ювгач, дастурхонга ўтиришди. Фулом ака чой дамлаб, уларнинг олдига қўйди-да, қозондаги овқатни сопол лаганга сузиб келтирди. Навқирон йигитлар овқатга ташланишди. Шу пайт уларнинг овқатни иштаҳа билан шошиб-пишиб ейишларини жимгина кузатиб турган Фулом аканинг ёшлиги кўз ўнгидан ўта бошлади. Талабалар лаганни бўшатиб, чойни ҳўриллатиб ичарканлар, Суннатилла уларга:

– Тез бўлларинг, чойни тахтани тушириб бўлгандан кейин ҳам ичаверасанлар, вагонларга жарима ёзилса, сенларга бериладиган пулдан ушлаб қоламан, – деди.

– Ака, – деди қўкқўз бир талаба йигит, – туни билан ишладик, олти вагонингизни бўшатиб бўлдик, қолган иккитасини ҳам икки соатда бўшатиб берамиз. Ваъдага вафо қилинг-да!

– Сенларга ким қўйибди ваъда, вафо деган сўзларни, тез туриб, ишларингни қилларинг.

Фулом ака бир чеккада бош чайқаб тураркан:

– Укалар, бориб тахтани тушираверинглар. Чойни ўзим дамлаб, олдингизга олиб бораман, – деди.

– Раҳмат, амаки, – дея талабалар дастурхонга фотиҳа ўқишиб, қўзғалишди.

Районда иккита сутчиликка, бешта қўйчиликка, олтита мева-сабзавотчиликка ихтисослашган совхозлар фаолият олиб борарди. Бундан ташқари, йирик ўрмончилик хўжалиги, тахталарга дастлабки ишлов бериш цехи, асаларичилик, қуёнчилик, табиий шифобахш ўтларни йиғиш билан шуғулланадиган махсус давлат хўжаликлари бор эди.

Душанба кунлари район партия қўмитасида “секретарлар соати” тутагандан сўнг ушбу давлат хўжаликлари партия ташкилоти секретарларининг Фулом аканинг “меҳмонхона”сига тушликка ташриф буюришлари анъанага айланган. Улар навбатма-навбат мошкичири учун зарур бўлган масаллиқлар: думғаза, пўстдумбани бир ҳафта олдин келтириб, Фулом акага ташлаб кетишар, у масаллиқларни тузлаб, зиралаб, келгуси ҳафтагача сур қилиб қўяр, мошкичирини тайёрлар, йиғилишдан чиққан секретарлар унинг меҳмонхонасига тўпланишарди.

Навбатчи секретарь тушликка озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари тўрт дона ароқ ва битта коньяк келтирар, Фулом ака коньякдан бир пиёласини ичиб, қолганини “менга бир ҳафтага етади”, деб тахмонга қўярди. Секретарлар эса тўрт шиша ароқни ичиб, мошкичирини еб, чақчақлашиб ўтиришар, шахмат ишқибозлари бир-икки партия суришар, янгиликлардан суҳбатлашиб, кейин ўз хўжаликларига жўнаб кетишарди. Бу одатий ҳолга айланган бўлиб, Фулом аканинг

мошкичирисини нафақат улар, балки район раҳбарлари ҳам билишарди.

Фулом ака қорамағиздан келган, тўғри юзли, баланд бўйли, кенг яғринли, паҳлавонсифат, мушаклари бўртиб чиққан, худди умр бўйи спорт билан шуғулланган одамдек эди. Шу жуссаси билан қадамлари енгил, ҳатто юрганида билинмасди. У қишин-ёзин ёқаси ёпиқ русча қўйлагини кийиб юрар, ҳеч қачон унинг ечингани ёки бирор анҳорда чўмилаётганини кўришмаганди. Сабаби бўйнининг ўнг томонидан ичкарига қараб кетган чандиғи бор эди. Ўчоқ бошида доимо рўмолини елкасига ташлаб, тўрқовоқдаги беданаларининг сайроқ овозларини тинглаб, уларга тақлид қилиб, мошкичири тайёрларди. Ҳар замонда шийпон олдида турган қафасдаги какликларга ҳам тақлид қилар, аммо бедананинг сайрашига алоҳида меҳр қўйганлигини гап орасида қистириб қўярди.

Одамлар Фулом аканинг исмига “ўғри” номини қўшиб айтар, аммо бунинг сабабини ҳеч ким билмасди. Унга шу ҳақда савол берилганда, кулимсираб: “Ёшлиқда шундай бир воқеа бўлганди”, — дерди-ю, мавзунини давом эттиришга қўймасди. У ҳеч қачон ўзи ҳақида суҳбатдошларига гапирмас, бу ҳақда сўз очилса, берилган саволга жавоб бермасди. Шуниси ажабланарли эдики, бундан беш йил муқаддам омборхонада қоровул учун чайланамо кулба бор эди, холос. Фулом ака қоровул бўлиб келди-ю, бу ерда икки уй ва бир айвон, ошхона, шийпон пайдо бўлди. Уй олдида арматура, уголниклардан ишжом тортилди. Ишжом ости бир қулоч чуқурликда кавланиб, кеч кузда у гўнг ва бузилган пахса деворнинг кесаклари билан тўлдирилган, эрта баҳорда эса тўрт хил икки йиллик узум қўчатлари экилганди. Узумлар ўтган йили нишона берган, бу йил эса айни мевага кирган пайт. Фулом ака махсус тўрт ғилдиракли нарвоннинг устига чиқиб, хомтоқ қилар, олтингугурт пуркар, узум бошларини арилардан сақлаш мақсадида дока билан ўраб қўярди. Бундан ташқари, уй атрофига “П” шаклида тўрт юз тупдан ортиқ “Калифорния” навли терак эктирган, ариқ қаздирган, унда доимо сув оқиб туришини таъминлаганди.

Бир куни эшик очиқ қолганида секретарлардан бири унинг ҳамиша ёпиқ турадиган ётоғига қўз қирини ташлаган

ва у ерда кўрганларини ҳамкасбларига гапириб берганди. Хонада Николай подшоҳ давридан қолган, икки киши бемалол ухлайдиган катта сим кароват, Каъбатуллоҳ расми, китоб жавони бор экан. Аммо унинг ичкарига мўралаётганини сезган Фулом ака дарҳол эшикни ёпиб қўйибди.

Фулом ака доимо озода кийиниб юрар, ҳатто елкасига ташлаб юрадиган рўмоли ҳам ювилган, дазмолланган бўларди. Кўпинча унинг олдида ёши олтмишлардан ошган Маша хола келиб, уй-жойларини йиғиштирар, кийимларини ювиб, дазмоллаб кетарди. Айрим вақтлар Фулом ака уни ҳам дастурхонга таклиф этар, овқат пишпунча гармонини чалиб, эски, ҳазин рус қўшиқларидан куйлаб, меҳмонларни хушнуд этарди. Маша хола баъзан қора нондан харид қилиб, қўлбола квас тайёрлар, ёзнинг иссиқ кунларида Фулом ака ҳузурига келган одамларга қиррали рус стаканида қуйиб берарди. Айрим вақтларда ана шу квасдан русларда одат бўлган “окрошка” овқатини тайёрлаб, уни ҳам музлаткичда сақлар эди. Секретарлар Маша холани Фулом аканинг рафиқаси деб билишар, аммо унинг қоровулхонада муқим яшамаслигидан ҳайрон бўлишарди. Маша холанинг уйи қаерда эканлигини ҳам ҳеч ким билмасди.

Фулом аканинг ёшларга қўшилишиб, бир-икки пиёла коньяк ичишига улфатлари ҳайрон бўлишарди. У ҳазилкаш, сўзга чечан, шоиртабиат инсон бўлиб, Умар Ҳайём, Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимий, Махтумқули ва бошқа шоирларнинг шеърларини ёд билар, ифодали ўқир эди.

Меҳмонхонаси бурчагида иккита диван бўлиб, ёнида бир-икки одамга етарли ўрин-кўрпа тахлаб қўйилганди. “ВЭФ” транзистори, “Чайка –14” рангли телевизор ва “Днепр” русумли музлаткичи ҳам бор эди.

Фулом ака мошкичирини тайёрлаётган пайтда транзисторини ўчоқ бошига олиб борар, доимо лирик ашулаларни эшитишга иштиёқманд эди. Бир куни “Хўжакент” совхози партия ташкилотининг секретари мошкичири учун масаллиқ олиб келганида, унинг немис адиби Гётенинг олмон тилида чоп этилган асарини ўқиб ўтирганини, сўнг Фулом ака китобни дарҳол газетанинг тагига беркитиб қўйганини кўрган. Фулом аканинг

меҳмонхонасидан доимо “Правда”, “Комсомольская Правда”, “Известия”, “Литературная газета”, “Совет Ўзбекистони” каби газеталарни, “Муштум”, “Фан ва турмуш” журналларини топиш ва ўқиш мумкин эди, чунки у, бу нашрларга мунтазам обуна бўларди. Секретарлар ўзларича: “Ғулом ака бир вақтлар илмий иш билан шуғулланган, ихтиролар муаллифи, кейинчалик қандайдир сабаблар билан ташлаб юборган”, деб ҳам ўйлашар, аммо уларнинг бу ҳақда берган саволларига кулимсираб, ҳақиқатан, бир вақтлар “катта илмий кашфиётлар” қилганлигини ҳазил аралаш гапириб ҳам қўярди.

Энг ажабланарлиси шунда эдики, шийпоннинг ёнида кичкинагина ҳужрага ўхшаган хона қурилган, унинг ҳовли саҳнига ва ташқи сайҳонликка чиқадиган эшиклари бор. Хона ичида турли спорт инвентарлари: бир ва икки пудли тошлар, ҳар хил ҳажмдаги гантеллар, эспандер, турли хил коптоқлар, кураш матрацлари ва қўлбола штанга бўлиб, сайҳонликда эса турник, волейбол тўрларини тортиш учун ёғочдан ишланган устунлар бор эди. Кичкинагина футбол майдончаси ҳам бўлиб, дарвозалари ёғочдан қилинганди. Бу ишлар Ғулом аканинг шу ерга қоровул бўлиб келганидан сўнг амалга оширилганди...

Шу маҳалладаги турли миллатга мансуб болалар куннинг иккинчи ярмида Ғулом аканинг олдида келишар, шу ерда спорт билан шуғулланишарди. Ғулом ака эса ўтказилаётган машғулотларни табуреткага ўтириб олиб соатлаб кузатар, баъзи пайтларда ғайрати жўшиб кетиб, машқлар қандай бажарилиши кераклигини эринмай тушунтирар ва ўзи ҳам амалда кўрсатиб берарди. Лекин бу ишлари учун ҳеч қандай маблағ талаб қилмас, ҳатто болаларнинг машғулотдан сўнг душда мириқиб чўмилиб олишларига қаршилиқ қилмасди. Фақат ювиниб бўлганларидан сўнг “качалка”дан сув чиқариб, бочкани тўлдириб қўйишни уқтирарди. Чунки бочкага сув қуйиш учун камида икки одамнинг хизмати талаб этиларди.

Аммо болаларга спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланиш кераклиги тўғрисида асло гапирмасди. Спорт билан шуғулланиб юрган болалардан бирортасининг тамаки чекканлигини кўриб қолса ёки сезса, дарҳол дашном берарди.

Баъзилар Фулом аканинг тонг саҳарлаб турникда енгил турдаги машқларни бажараётганини кўриб қолишарди. Мана шу томонларини билган, кўрган одамлар уни бир вақтлар спорт устаси бўлган деб ҳам фараз қилишарди. Кўпчилик унинг яна бир хислатидан ҳайрон эди: суҳбатдошининг кўзларидан нима демоқчилигини бир қарашдаёқ англаб олар, шериги гапирмаса ҳам, қандай масала юзасидан фикр қилаётганини айтиб берарди...

Бир куни болалар тўп ўйини билан овора бўлиб, молларини қаровсиз қолдирган, натижада бир ночор оиланинг бир яшар таначасини машина уриб кетган, ҳайдовчи эса қочиб қолган. Бечора боланинг онаси бузоқ дардида “ер юткур” деб қарғар, Фулом акадан ҳам хафа бўларди. Шунда Фулом ака болалардан машина нишонини суриштириб, аниқлаб олди, мол эгасидан эса милицияга хабар бермасликни илтимос қилиб, молнинг хунини ундириб беришини айтди. Дарҳақиқат, орадан уч кун ўтмай машина ҳайдовчиси ўлган молнинг хунини тўлади. Қизиги, у берган пулга ана шундай иккита тана олиш мумкин эди.

Ҳар замонда унинг қандайдир ҳисоб-китоб қилиб ўтирганига бировнинг кўзи тушиб қолса, у дарҳол нафис қилиб ишланган кўзойнагини олиб, қўлидаги ёзувларини қўйнидаги ички чўнтагига шошилиб солиб қўярди. Баъзи пайтларда қандайдир шеърлар ёзиб ўтирганини ҳам кўриб қолишарди. Шунда у кулимсираб: “Бир илҳом келди-да”, дер, аммо ижодидан бирор сатр ўқиб бермасди.

Фулом ака пишириб берган овқати учун ҳақ олмас, бир-икки марта пул узатганларида хафа бўлганди. “Сизлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, улфатчилик қилсам, ёшлигим ёдга тушади, кўнглим кўтарилади”, — деб таъкидларди.

Бу галги навбат “Сойлиқ” совхози партия ташкилотининг секретари, ёши бошқаларига нисбатан сал улўғроқ Эгамберди Раҳимбердиевники эди. Одат бўйича хўжалик партия қўмиталари секретарлари ҳар душанба куни масаллиқ келтиришарди. Фулом ака аввалги ҳафтада келтирилган масаллиқни қозонга солиб, бу кунгисини, юқорида айтганимиздек, тузлаб, зиралаб, намак тортиши учун салқин жойга осиб, қотириб қўярди. Эгамберди бу одатни бузиб, якшанба куни бозорга борганлиги учун “масаллиқни

биратуласи ташлаб кета қолай”, деган ўйда Фулом аканинг қоровулхонасига йўл олди.

— Фулом ака, ҳов, Фулом ака, қаердасиз?

Доимо ёпиқ турадиган хонадан аллақандай овозлар эшитилмоқда эди. Эгамберди хона тарафга бир неча қадам ташлади. Шу пайт эшик очилиб, Фулом ака чиқди ва дарҳол уни ёпди. Эгамберди қоровулнинг кўзларидан ғазаб ўти чақнаётганини кўриб, қўлидаги пакетларни ерга тушириб юборди.

— Нима гап? — деб тўнгиллади Фулом ака.

— Масаллиқни келтиргандим, шуни ташлаб кетмоқчи эдим, бемаҳал келган бўлсам, узр, Фулом ака.

— Ука, нега бугун келтирдингиз, ахир, ҳар душанба кунига келишганмиз-ку?

— Йўлим тушган эди, Фулом ака. Биратула ташлаб кетмоқчи бўлувдим, — деди Эгамберди довдираб.

— Овора бўлибсиз-да, ука. Бундан кейин бунақа қилманг, душанба кунига келишганмизми, белгиланган вақтда олиб келинг, улфатларингизга ҳам шуни тайинлаб қўйинг. Биз ҳам одаммиз, якшанба кунлари ўзимизнинг холис ташвишларимиз бор. Майли, келтирибсиз, сўл устига қўйиб кетаверинг, кейин ўзим олиб, тузлаб қўяман, — дея дакки берган Фулом ака хайрлашмай яна хонасига кириб кетди.

Эгамберди ҳайдовчиси Сапар билан биргаликда масаллиқларни туширди-да, “Фулом аканинг хонадонига Маша опа бўлса керак, безовта қилиб қўйдим-да” деган ўй билан ўнғайсизланган ҳолда кўчага чиқди.

У Фулом ака ғазаб билан чиққанида унинг кўзларидаги чақнаган ўтдан деярли ўзини йўқотиб қўйганини ёдга олди. Раҳимбердиев ҳаётида бундай қаҳрли кўзларни ҳеч кўрмаганди. Бу кўзларда аллақандай оддий тафаккур билан англаб бўлмайдиган куч яширинганини ички бир туйғу билан идрок этди. Ўзича: “Ё, тавба, шунақа қаҳрли, ғазабли қарашлар ҳам бўлар экан-да”, деб масаллиқни шу кунги келтирганига пушаймон ҳам бўлди. Яна ўзича: “Шу Фулом ака эдими ёки бошқа одамми?” деб ўйлаб ҳам қолди.

Кўчага чиқиб, машинага ўтиришмоқчи бўлишганди, ўнг томондаги орқа филдиракнинг дами чиқиб кетганлигини кўрган ҳайдовчи бир тепиниб сўкинди. Сўнгра Эгамбердига тўнгиллади:

— Сизга неча марта айтдим, шиналар тамом бўлган, бир куни йўлда қолиб кетамиз деб. Янгисини олиб беринг деганимга ҳам ярим йил бўлди. Усталар ҳам буларни ямайвериб эслари кетди.

Ҳайдовчи гилдиракни ечиб олиб, кўтарганича вулканизацияга равона бўлди. Эгамберди эса чўнтагидан сигарета олиб тутатди-да, ҳайдовчининг келишини кутди.

Шу пайт Фулом аканинг қоровулхонасидан қўлларида биттадан дипломат кўтарган, башанг кийинган икки йигит чиқди. Улар Эгамбердига ғалати қараш қилиб, қоровулхонадан юз қадамлар нарида турган “ВАЗ—2106” русумли енгил автомашинага ўтириб, Тошкент йўналишида ҳайдаб кетишди. У пайтларда рақамли дипломатлар Ўзбекистонда деярли учрамас, ҳар замонда хориждан келган сайёҳларда кўринмаса, катта амалдорларда ҳам бўлмасди. Шундагина Эгамберди Фулом аканинг меҳмонлари шулар эканлигини тушунди. Бу пайтда Фулом ака ҳовлидаги “качалка”дан сув чиқармоқда эди.

Эртасига партия соатидан сўнг секретарлар Фулом аканинг меҳмонхонасига келишди. Фулом ака, худди ҳеч нарса бўлмагандек, Эгамберди билан ҳамма қатори сўрашди. Кун бугун илиқ бўлганлиги учун жой шийпонга қилинганди. Улар бор нарсаларни столга қўйиб, гурунглашиб шакароб қилишди. Шахмат ишқибозлари эса дона суриша кетишди. Омборхонада талаба йигитлар сўнгги тахталарни тушириб, ердагиларни бостирма остига тахлашаётганди. Фулом ака ўчоқдаги оловнинг тафтини пасайтириб, чўғини қолдирди-да:

— Бироз шира тортсин, ўн беш дақиқадан сўнг сузаман, — деб елкасидаги рўмоли билан терлаб кетган пешонасини артди. Ўчоқдаги олов тафтидан унинг қорамағиз юзлари қизарган, баданига ёпишиб турган кўйлагидан Фулом аканинг барваста қомати, бир пайтлар жуда катта кучга эга бўлган мушаклари баралла бўртиб турарди. Фулом ака ювинадиган мослама олдида бориб, юз-қўлларини чайди-да, рўмоли билан артиниб, ўзига жуда ярашган мўйловларини силаб қўйди.

Барчалари дастурхонга ўтиришди. Шийпоннинг бир бурчагида “Ленин” ва “Қизил Ту” совхозининг партия

ташкilotи секретарлари шахмат суришаётганди. Фулом ака уларга қараб:

– Ўйинни бас қилинглар, ҳозир овқатни сузаман, – деб ўчоқ бошига кетди.

Овқат сузилиб, тановул қилаётганларида омборхона саҳнидан бир йигитнинг асабийлашган ҳолда омбор мудирин Суннатилла билан жанжаллашаётган овози эшитилди. Ҳамманинг диққат-эътибори шуларга қаратилди. Ҳовлида трактор ҳайдаб келган бир йигит омбор мудирига ялинаётганининг гувоҳи бўлишди.

– Суннатилла ака, инсоф қилинг-да, мен тилинган тахтага пул тўлаганман, сиз эса ярмисини гарбил қилиб беряпсиз. Яна харид қилишга маблағим йўқ, бор-йўғи биттагина соғин сигирим қолди, етти оғиз менинг қўлимга қараб турибди, ахир, томни ёполмай қоламан-ку. Ҳеч бўлмаса, яна икки кубини тилинган тахтадан қилиб беринг, жон ака, Худо хайрингизни берсин.

– Хоҳласанг, ол, хоҳламасанг, туёғингни шиқиллат, – деб жавоб берди Суннатилла.

Бу мулоқотни эшитган Фулом ака шийпондан тушиб, тўғри Суннатилланинг олдига борди-да, бармоғини бигиз қилиб унинг қорнига ниқтади:

– Ёрилиб кетасан, ука. Сенга маслаҳатим, инсоф билан иш қил, шунда барака топасан.

– Нега менинг ишимга аралашасиз, бориб қоровулчилигингизни қилинг, яна бир марта шундай қилсангиз, бўшатиб юбораман. Бу ерга қоровул бўламан деганлар сон-мингта. Бундан кейин, бу ерга одам йиғиб маишат қилишингизни ҳам ман этаман, тушундингизми? Мени Айрапетян ҳимоя қилади деб ўйламанг, унга сиз қилиб юрган маишатингизни айтиб бераман, – деб ўшқирди Суннатилла.

– Майли, ука, ихтиёр ўзингда. Худодан ҳам қўрқмайдиган суллоҳ экансан. Айтиб қўяй, топган молу дунёнг ўзингга ҳам, фарзандларингга ҳам насиб қилмайди, чунки муҳтожларнинг ҳақини еяпсан, номард, – деб ортига қайтди қоровул.

Орқасидан Суннатилланинг. “Шу бугуноқ аризангизни ёзинг, сиздақа насиҳатгўй менга керакмас”, – деган овози келди.

Бу жанжалнинг гувоҳи бўлган партия қўмитаси секретарлари бош чайқаб, омбор мудирининг инсофсизлигидан ғазабланиб ўтиришарди. Шунда Эгамберди чидолмай Суннатиллага деди:

– Ука, инсофсизлик қилманг, бир бечора оила экан. Ҳар бир эзгу ишнинг хайр-садақаси бўлади, ёрдам бериб юборинг.

– Энди сиз қолган эдингиз, менинг ишимга аралашмаган. Хоҳласам, сизларни иккинчи марта бу даргоҳга қадам босмайдиган қилиб қўяман. Индамасдан овқатларингни еб кетавермайсанларми?

– Ўзи инсофинг йўқ бола экансан-да, – деди Эгамберди ҳам ҳафсаласи пир бўлиб.

Кейинги ҳафтадаги тушликда барча партком секретарлари овқатланиб ўтиришганида, Суннатилланинг ўрнига бошқа омбор мудир ишлаётганини кўриб, Фулом акага савол беришди:

– Фулом ака, омбор мудир ишга ўзгариб қолибдими? Олдингиси қаерда ё меҳнат таътилига чиқдими?

– Қайдам, билмадим, бошқа иш топибди, шекилли, кетиб қолибди, – деб жавоб берди.

– Кетгани яхши бўлибди, жуда суллоҳ экан, – деб гапга аралашди Жданов номли совхоз партия ташкилотининг секретари Ўринбосар Турдалиев.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Суннатилланинг уйини ўғрилар уриб кетгани, бор-йўқ бойлигини шипириб, ҳатто унга тегишли “РАФ” автомашинаси ҳам сирли равишда ғойиб бўлганлиги, ўзи эса бу кулфатларни кўтаролмай жиннихонага тушганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Қизиги, қандайдир бир сахий одамлар Матлаб тракторчининг уйига беш куб метр тилинган тахта ҳам ташлаб кетишибди.

Фулом аканинг бирорта одам билан дўст тутингани ёки улфатчилик қилганини ҳам ҳеч ким эшитмаганди, фақат унинг Андрей исмли бир ошнаси бўлар, у ҳар замонда алмисоқдан қолган, аммо ҳали ҳам юрадиган “Москвич–412” русумли енгил автомашинасини миниб келарди. Икки ошна қармоқларни олиб, Чирчиқ дарёсининг юқори оқимига жўнашар, бир-икки кун ўзлари доимо форель балиги овлайдиган жойда қолишар. Маша хола тутилган балиқдан

уч-тўрт оворали уха пиширар, гармонини олиб, эски рус қўшиқларидан куйлар, хуллас, дам олиб қайтишарди.

Кўпинча Фулом ака балиқ овидан маъюс бўлиб қайтарди, чунки дарё қирғоғида бутун ўтган умри кўз олдида намоён бўлар, ёшлиги, навқиронлиги, ва ниҳоят, мана, қарилик кунлари ҳам худди бир ҳикоядек липиллаб ўтарди. Аммо бу ҳолат шахсий сир бўлиб, Маша холадан бошқаси билмасди.

Фулом ака ҳар пайшанба куни қаергадир кетарди. Уни доимо шу куни “ГАЗ–2410” русумли машинада Аким исмли йигит олиб кетар ва жума куни кечқурун қоровулхонасига олиб келиб қўярди. Унинг қаерга бориб келишини ҳеч ким билмасди...

Фулом ака қоровулхонани тарк этганида, бир ёш йигит то ўзи келгунча унинг ўрнини эгаллаб турарди. Бундай интизомсизликка тайёрлов идорасининг раҳбарлари панжа орасидан қарашар, чунки у шу ерда яшаётганидан бери омборхонада четдан ўғрилик бўлмас, бўладиган қаллобликлар фақат омбор мудир ва муовини томонидан амалга ошириларди. Тайёрлов идорасининг раҳбари Вазген Айрапетян Фулом акага нисбатан ҳурмат билан муомала қилар, агар мабодо у бирорта таклиф ёхуд мулоҳаза билан ҳузурига кириб қолса, айтганларини дарҳол бажарарди. Айниқса, идора ходимларига байрам муносабати билан мукофот берилиши мўлжалланса, Айрапетян ўз қўли билан рўйхатга Фулом аканинг фамилиясини ҳамма қатори тиркаб қўяр, бу ҳолат эса барча ишчи-хизматчиларни ҳайрон қолдирарди.

Бир-икки марта Фулом ака ўсал бўлиб ётиб қолганида унга балиқ овига ёки Тошкентдек шаҳри азимга иш билан кетганида ўрнига қоладиган йигит ва Маша хола қараб турар врачларни айтиб келишар, ҳар қандай дорини бир зумда муҳайё қилишарди. Бир куни район шифохонаси врачлари Фулом акага суяклар оғригига қарши бир малҳамни ёзиб, бу дори жуда камёблиги, фақат Москвада, 1- сонли Кремль тасарруфидаги аптекада тайёрланишини олдиндан огоҳлантирди. Чунки бу малҳамга Жанубий Америка қитъасидаги денгиз илонларининг заҳари аралаштирилиб тайёрланар, шу сабабли ниҳоятда ноёб, фақат ҳукумат раҳбарлари учун буюртма билан келтирилар экан.

Рецептни олган йигит индамай ташқарига чиқиб кетди.

Орадан ярим соат ўтмасдан қайтиб келиб, дори бугун кечки рейс билан етказилишини, Тошкентдаги дўстлари кутиб олиб, эрта билан келтиришларини маълум қилди. Врач бу муаммонинг шундай тезда ҳал бўлганлигидан ҳангу манг бўлди...

Фулом ака камдан-кам врачларга мурожаат қилар, юрагини, ўпкасини эшитмоқчи бўлганларида, доимо фақат кийиб юрадиган қўйлагининг устидан фонендоскопни қўйиб текширишларига рухсат берарди. Бундан кўп врачлар бош чайқаб, буни унинг диндорлигига йўйишарди.

* * *

1922 йилнинг ёзида Фарғона водийсида об-ҳаво ниҳоятда иссиқ келиб, Бешариқ туманида юз-кўзни куйдириб эсаётган иссиқ гармсел шамоли қишлоқ хўжалиги экинларини деярли қуритиб кетди. Бунинг устига, Сирдарёда сув сатҳи пасайиб, суғорма ерларга сув чиқарадиган чигирларни айлантirmай қўйди. Баъзи бир деҳқонлар бирлашиб, чигирга ҳўкиз, эшакларни қўшиб, оз миқдорда бўлса ҳам сув чиқаришга ҳаракат қилишди, аммо бу саъй-ҳаракатлардан мурод ҳосил бўлмади. Чиқарилган сув даладаги экинларнинг ўндан бирига ҳам етмай қолди.

Дарё ўзанида жойлашган Данғара уездидаги шахсий хонадонларнинг кўпчилиги шоли етиштириш билан шуғулланарди. Ўша йили қурғоқчилик натижасида шоли бош тортмасдан қуриди. Аксарият аҳолининг бу йилги қишдан эсон-омон чиқиши даргумон бўлиб қолди. Шу сабабли кўпчилик оила бошлиқлари, навқирон йигитлар Тошкентга бориб мардикорлик қилиш, бола-чақа боқиш учун бирор сўм ишлаб келиш мақсадида тўп-тўп бўлиб жўнаб кетишди.

Октябрь тўнтаришидан кейин ташкил этилган шўро ҳукуматининг туман ва қишлоқ ижроқўмлари ҳали бу ҳудудларда ўз фаолиятларини тўлиқ бошлай олмаган давр. Ҳар замонда қизил юлдузли кийим кийган отлиқ шўро эскадронлари қишлоқларга келиб қолмаса, бундан бошқа ўзгаришлар йўқ.

Вадуд домла маҳалла масжидида имомлик қилиш, бомдод намозидан кейин болаларга бошланғич мактабда дарс бериш

билан тирикчилик қиларди. У ота-боболари ҳам ўқитувчилик касби билан шуғулланган ўртаҳол зиёли оиланинг фарзанди эди. Ўзи ҳам Бухородаги мадрасада таҳсил олган хотини Хуршида ая ҳам саводли бўлиб, қиз болаларга алифбо ва ҳуснихатдан дарс берарди.

Домла масжиднинг ёнида жойлашган тахминан эллик бола сигадиған мактабда болаларга алифбо, ҳуснихат дарсларидан сабоқ берарди. Ўқиш иккига бўлиб ўтказиларди: бомдод намозидан сўнг катта синфларга, пешиндан сўнг эса бошланғич синф ўқувчиларига. Катта болалар Қуръони карим ва Ҳадиси шарифни мустақил мутолаа қила бошлаганларидан сўнг ўқиш тугаган ҳисобланарди. Домла, болаларга диний билимлар бериш билан бир қаторда, баҳолиқудрат дунёвий илмлардан таълим беришга ҳаракат қилар, айниқса, ўзбек тили ва адабиёти, математика, жўғрофия фанларидан ўз тафаккури доирасида дарс ўтарди. Шу сабабли бу мактабни битирган ёшлар анча билимли ҳисобланар, баъзилари Қўқон шаҳрига бориб, ўша даврдаги ҳисоблаш (бухгалтерия) махсус ўқув юртини тугатиб келарди.

Домланинг тўрт фарзанди бўлиб, каттаси Ойшахон, ундан кейин Фулом, Фахринисо, энг кичиги эса беш ёшга қадам қўйган Музроб эди. Фулом энди ўн икки ёшга тўлганига қарамай табиат инъом этган куч-қуввати, бақувват мушаклари, баданининг қаттиқлиги, оғир юкларни ҳам кўтара олиши билан ажралиб турарди. Ўқиш-ёзишга унча иштиёқи йўқ, хивчин отини миниб олиб шўхлик қилгани-қилган эди. Аммо домланинг қовоғи уюлганини кўриши билан дарҳол тинчиб қоларди.

Домланинг қайноғаси бўлмиш Умрзоқ кемачи Сирдарёдан одамлар ва уларнинг юкларини ўтказиш билан шуғулланарди. Ўзи дарё ёқасидаги уйида муқим яшаса ҳам, қишлоқдаги хонадонида унинг ўғли оиласи билан истиқомат қиларди. Умрзоқнинг хотини ўғли ҳали ёшлигида ўсал бўлиб оламдан ўтганди. У дарёнинг бўйида муқим яшаб қолганидан сўнг, ўғли вояга етгач уни кейин уйлантириб, онаси билан қишлоқда ўша хонадонда қолдирганди.

Ўғли қишлоқ оқсоқоли идорасида мирза бўлиб ишлар, етарли мол-ҳоли бор, бошқаларга нисбатан тўқ яшарди. Томорқаси ҳам анча кенг, доим унда рўзгор учун сабзи,

пиёз, ошкади, зиғир, кунжут, кечки картошка, шолғом етиштириб, ҳатто ҳосилининг бир қисмини домланикига ҳам ташлаб кетарди. Ундан ташқари, ота-бола Сирдарёнинг ёқасидан олти танобча ер ўзлаштириб, сув чиқариб, девзира шоли ҳам етиштиришар, керагидан ортиғини сотиб, ҳар йили бир-иккита новвос олиб боқишарди. Хуллас, бу оила рўзғори бут ҳисобланарди.

Умрзоқ ака бўш пайтларида овчилик, балиқчилик билан шуғулланар, баҳор ва кузда ўрдак, ғоз отар, қирғовул, беданаларга тузоқ қўяр, балиқ ушларди. Ҳар тарафдан келган савдогарлар унинг меҳмонхонасида дам олишиб, азонлаб Қўқон бозорига жўнаб кетишарди. Шунда кўпчилиги балиқ ёки ов паррандаларидан овқат тайёрлаб беришни илтимос қилишарди.

Ҳар замонда ўғли Қўқон бозорига бориб, отасининг қўшоғиз милтиғи учун қўрғошин, пистон ва борут харид қилиб, ташлаб кетарди.

Кўпинча Фулом тоғасининг милтиғини томоша қилгани ўртоқлари билан борарди. Умрзоқ ака уларга балиқ қовуриб берар, Фулом кетаётганида қолганини ўраб, бериб юборарди.

Баҳорда кечув шиддатли ишлар, савдогар-тижоратчилар кўпайган маҳалда ўғли келини билан бирга келишиб, меҳмонларга овқат тайёрлашда ёрдамлашиб туришарди. Ҳар замонда қизи ва куёви ҳам ёрдамлашарди. Вадуд домла ҳам оиласи билан бўш пайтларида келиб, қарашиб турарди. Умрзоқ ака савдогарларнинг талабларига мувофиқ гуручдан тайёрланган бўзани махсус хумларда сақлар, сўраб қолсалар, сопол чойнакларда келтириб қўярди. Аммо унинг ўзи истеъмол қилганини биров кўрмаган.

Фулом гўдаклик пайтларидаёқ: “Тоғойимнинг олдида бораман”, деб жанжал қилар, шунда опаси етаклаб келиб, Умрзоқ акага ташлаб кетарди. Дарёнинг бўйига келган Фулом уйига кетгиси келмас, то қишлоқдан келиб, мажбурлаб олиб кетмагунларича шу ерда юраверарди. Умуман, бу қишлоқда барча бир-бирига қариндош, уруғ-аймоқ бўлиб кетган, бегонаси йўқ эди.

Бу йил қурғоқчил келиб, дарё сувининг сатҳи ҳаддан ташқари пасайиб кетгандан сўнг, паромни боғлаб қўйишга мажбур бўлди. Энди тижоратчилар, водийга келаётган одамлар

бемалол кечувдан ўта бошлашганди. Кечувда сув отларнинг қорнигача чиқар, паромнинг ҳожати қолмаганди.

Фуломнинг кичик тоғаси Раззоқ Тошкентта оиласи билан кетганига олти йил бўлди. Тошкентлик машҳур заводчи Азимбойнинг боғида боғбон бўлиб ишлар, ҳар йили онасини кўриб кетиш учун қиш пайтида келиб-кетарди. Унинг гапига қараганда, бой жуда инсофли, адолатли одам экан, меҳнатлари учун яхшигина ҳақ тўларкан. Кунига уч маҳал катта қозонда атала, мастава, шўрва пишириларкан, барча хизматкорлар оилалари билан катта кастрюлларда овқатни боғ ташқарисидаги уйларига олиб кетишаркан. Ҳафтада бир марта пайшанба кунини ош пишириларкан.

Раззоқ онаси ҳаётлигида ҳар йили хабар олар, бирор қоп ун, каллақанд, уч-тўрт сўм бериб кетарди. Онаси вафот этганидан бери, мана, уч йил ўтди ҳамки, қишлоққа келмади. Умрзоқ ака доимо ундан хавотир олар, Тошкентдан келган ёки ўша томонларга кетаётган савдогарлардан хабар олишни илтимос қиларди. Ҳар замонда улардан баъзи бирлари укасининг соғ-саломат эканлигини, ташвишлари кўплиги боис келолмаётганлигини айтишарди.

Вадуд домла уйи томдан қишда чакка ўтганлиги сабабли қайта лойсувоқдан чиқариш ташвишига тушиб қолди. Жиянларини ҳашарга айтиб келди. Сомонли катта лой қилиб қўйди. Жума кунини барчалари жомакорни кийиб, эрта саҳарлаб ишга тушишди. Жиянлари ва укаси лойни етказиб беришар, домла андавада лойни қалин қилиб суваб турарди. Мўлжалланган ишларни оқшомгача тутатиб тушаётганларида, деворга қўйилган шоти синиб кетди, домла уч газ масофага отилиб, чалқанчасига йиқилди. Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг домланинг жанозаси бўлди. Марҳумни лаҳадга қўйиб келишгандан сўнг, яқин қариндош-уруғлардан ташқари барча тарқалди. Умрзоқ ака эндигина ўн икки ёшга тўлган Фуломни ўзи билан бирга олиб кетди.

— Фулом менга қарашиб юрсин, энди рўзғорни боқадиган йигит бўлиб қолди, — деди синглисига.

Яхшиямки, баҳорда опасини турмушга бериб юборишган, оилада энди тўрт оғиз қолишганди. Фулом тоғасига қарашар, биргаликда балиқ, ўрдак, ғоз ва бошқа ов паррандаларини овлардилар. Тоғаси ўлжанинг тенг ярмисини унга берар, онаси уларни гузарда арзон-гаров

сотиб, рўзгорга ишлатарди. Савдогарлардан тушадиган маблағдан ҳам тоғаси унга улуш ажратар, хуллас, амал-тақал қилиб тирикчилик қилишарди. Соғиб юрган сигирлари эгизак туғиб берди, бу оила учун чинакам байрам бўлди.

Хут ойида Раззоқ тоғаси Дангарага келди. Бир кеча акасиникида тунагандан сўнг опасига Фуломни ўзи билан бирга олиб кетмоқчилигини билдирди. Опасининг қўлига уч сўм пул берди-да:

— Эгачи, Фулом катта йигит бўлиб қолди, мен билан бирга кетсин, бой отадан илтимос қиламан, боғда менга қарашиб юради. Узумларни очиб, боғни тартибга солгандан кейин, рўзгорга керакли бўлган маблағдан бериб юбораман. Хўжайин — сахий одам, доимо етимларнинг бошини силаб юради, — деди.

Опаси кўзида ёш билан деди:

— Иним, бу кетиб қолса, қийналиб қоламиз-ку?

— Эгачи, бу ерда юргани билан йилига ўн-ўн беш сўм тополмайди. У ерда, Худо хоҳласа, ҳар йили камида ўн сўмлик бўлади, қорни ҳам тўқ, шунинг учун мен билан кетгани маъқул.

Онаси Фуломга қараб сўради:

— Тоғанг билан кетасанми?

Ўспирин ўйчан елка қисди.

Қўқондан поездга ўтириб, Тошкентга келишди. Қалин қор ёққани билан унча совуқ эмасди. Анча йўл босиб, ниҳоят, Бошлиқ маҳалласига келишди. Қўрғон олдида етганларида, дарвоза очилиб, ҳовлидан чиқиб келаётган фойтун кўринди. Раззоқ эгилиб, бошига оқ салла ўраган, ёши эликлардан ошган, келишган бир одамга ва извошчига салом берди. Фулом ҳам тоғасига тақлид қилди.

— Ваалайкум ассалом, — деди саллали одам. — Раззоқ, бу йигитча ким, нега олиб келдингиз?

— Бой ота, бу жияним, исми Фулом. Язнам оламдан ўтиб қолибдилар, оиланинг энг каттаси — шу. Эгачим қийналибди, ижозат берсангиз, ёнимда юрса, — деди.

— Маъқул, меҳнат қилишни биладим, дангаса, иш ёқмас эмасми?

— Йўқ, йўқ, бой ота, қишлоқда ўсган йигит, меҳнатдан қочмайди, қолаверса, қаватимда бўлади. Ҳеч хавотир

олманг, икки чорикорнинг меҳнатини қилади, Худо хоҳласа, — деб жавоб берди Раззоқ.

— Майли, ёнингда юраверсин, йилига ўн сўм ҳақ бераман. Яхши бўлса, ошини, ёмон бўлса, бошини ейди. Йигитчага бу ҳақда тушунтириб қўйинг, — деди ва ён чўнтагидан соатини олиб, қопқоғини очди-да, извошчига деди:

— Холмат, ҳайда, кечга қоляпмиз.

Қиш кунлари бўлгани учун Фулом жодида беда майдалар, қудуқдан сув чиқарар, бўрдоқига боқилаётган қўйларга ем солар, кун илиганда сой бўйига сигирларни арқонлар, хуллас, эрта тонгдан қош қорайгунча тоғасининг ёнида елиб-югуриб хизмат қиларди.

Эрталабки нонуштага бир коса ошқовоқ солинган ширчай, тандирда ёпилган иссиқ зоғора нон, тушликка суюқ, кечки овқатга қуюқ қилинар, барча қарол ва хизматкорлар оилалари билан бир қозондан овқатланишарди. Қорин тўяр, иш ҳам шунга яраша эди.

Ҳафтада бир марта ош бўлар, баъзи байрам кунлари каллақанд ҳам тегиб қоларди. Умумий овқатдан ташқари ўзлари ҳам қумғонга чой дамлаб, ёнғоқ, туршак, майиз, қоқи, пашмак ва зоғора нон билан кечқурунлари тамадди қилишарди. Кўпинча уларнинг олдига Ўроз исмли чорикор ташриф буюрар, унинг асосий иши жувозда зигир ва кунжутдан ёғ чиқариб, одам бўйи келадиган хумларга қўйиш эди.

Баҳор бошланиб, кунлар исий бошлаши билан боғда иш қизирди: боғ оралари чопилиб, қўмилган узумлар очилар, ясси ярим доира қилиб ишқомларга тараларди. Шундай қилиб, қарийб тўрт йил ўтди. Бу орада Фулом Данғарага беш марта бориб келди. Ҳар гал уйига борганда бир қоп буғдой уни, каллақанд, ўн сўм пул ташлаб келарди. Тўртинчи йилдан бошлаб бой унинг маошини икки бараварга кўтарди.

* * *

Оқшом. Осмонда ой ва юлдузлар порлаб турибди. Ўқчи маҳалласидаги масжидда хуфтон намозини ўқиб чиққан ёшу қари қўлларидаги фонусларини кўтарганича уйларига шошилишарди. Бир хонадондан ҳазин най навоси эшитилар, бу саз муаллифи аёли вафот этганидан сўнг эс-ҳушини

йўқотган мулла Абдусамад бўлиб, ҳар кеча тун пардасини қоплаши билан найида “Муножот”, “Чўли ироқ” ва шу каби дилни ўртовчи куйларни чалгани-чалган эди. Фарзандлари бир неча бор тақиқлаганига қарамай, бу одатини тарк этолмасди. Ахийри маҳалла оқсоқоли уларга оталарига тазйиқ ўтказмасликларини тайинлагандан сўнггина тинч қўйишди. Найнинг бу ҳазин, кўнгилни пора этгувчи куйи инсоннинг фикри-зикрини узоқ-узоқларга етакларди. Одамлар бу куйларга шунчалик ўрганиб қолган эдиларки, мабодо унинг садосини бир кун эшитмасалар, хавотирланиб, созандадан ҳатто хабар оладиган ҳам бўлиб қолишганди.

Маҳалладаги ҳашаматли иморатнинг меҳмонхонасида Азимбой, Арслонбек ва бир вақтлар Тошкент генерал-губернатори ҳузурида миршабларнинг бошлиғи бўлган Қаландар мўйлов суҳбатлашиб ўтиришарди. Қаландар мўйлов суҳбатдошларига бир-бир қараб олиб, аста сўз бошлади:

— Азимбой, тезда мол-мулкингизни қўл остингизда ҳалол хизмат қилаётган қаролларга бўлиб беринг. Эрта-индин шўролар ҳукуматидан махсус ишчи гуруҳи келяпти, сиз рўйхатда биринчилар қаторида экансиз. Хабарингиз бор, қайним Ер нозирлигида ишлайди, ана шу махфий ҳужжатга кўзи тушиб қолибди.

— Шўролар мол-мулкни мусодара қилишни дастлаб шаҳардан бошлашибди-да, — деди Арслонбек. — Шаҳарларда бу шум тadbирларини амалга ошириб бўлганларидан сўнг қишлоқларга ўтсалар керак. Астаффируллоҳ!..

— Нима бўлганда ҳам, мол-мулкни, қиймати бор нарсани ўз одамларимизга, қўл остимизда умид билан ҳалол меҳнат қилган қаролларимизга бўлиб берганимиз маъқул кўринади. Акс ҳолда, шунча пешона тери билан топган бойлигимиз шўроларнинг қўлида талон-торож бўлиб кетади. Мен ҳозир қароллар, чорикорларга мол-мулкимни қай йўсинда бўлиб бериш тўғрисида ўйлаяпман. Боғ-роғларни Раззоқ ва унинг жиянига, мойжувозни Ўрозга, дала ҳовлини Холматга, отулов, ўн саккиз таноб ерни Бакирга берсаммикан? Қолган ерларни чорикорларга оила аъзолари сонига қараб тақсимлаб чиқсам, ўзимга пахта хомашёсини қайта ишлайдиган корхонани қолдирсам, қандай бўларкин деб мулоҳаза қилмоқдаман, — деди Азимбой ўйчан.

— Сиз, яхшиси, шаҳар ижроқўмига бориб, корхонани ҳукуматга топширишингиз ҳақида арзнома беринг, акс ҳолда, кейинчалик сизни бой деб, қулоқ қилишлари мумкин, бунинг олдини олиб қўйганингиз маъқул.

— Ҳа, бу мулоҳазаларингизда жон бор, Қаландар оға, менга ҳам шу йўл оқилона кўринади. Агар шу ишни қилмасам, оилам кўча-кўйда сарсон-саргардон бўлиши эҳтимолдан холи эмас, — деб жавоб қайтарди Азимбой.

Суҳбатга қулоқ солиб ўтирган Арслонбек ғазаб билан деди:

— Азимбой оға, бу кунлар ҳам ўтар, лаънати болшовойларнинг бугун ошиғи олчи бўлса, эртага бизнинг кўчамизда ҳам ҳайит бўлар. Ҳеч бир ўкинманг, ўзингизга яқин бўлган одамларингизга кўчмас мулкни хатлаб беринг, вақти келар, тузингизни ичган одамлар, ахир, кўр эмас-ку, замон ўзгарса, яна ўз ҳолига қайтар, иншооллоҳ.

Улар хўроз қичқиргунча суҳбатлашиб ўтиришди. Қаландар мўйлов фотиҳа қилиб, уйига кетишга чоғланди. Азимбой уни дарвозахонагача кузатиб чиқди.

Азимбой, ўйлаганидек, мол-мулк, ер-сувларни ўз қарол ва чорикорларига тақсимлаб берди. Раззоққа саккиз таноб боғ, омборхона, пешайвонли уй, битта от тегди. Бой унга жиянини ҳам унутмасликни тайинлади. Раззоқ жиянига ўн сўм пул, икки қоп буғдой бериб, Қўқонга борадиган поездга чиқариб қўйди. Бироқ барибир Азимбой шўро ҳукумати томонидан қулоқ деб эълон қилиниб, Уралга сургун қилинди.

1931 йилнинг ёзи ниҳоятда қургоқчиликда ўтди, раиятнинг ҳаёт кечириши оғирлашди. Шу даврда Россиянинг Самара губерниясидан рус миллатига мансуб қанча оилалар, уй-жойсиз безори болалар Тошкент шаҳрига оқиб кела бошлади. Уларнинг гапига қараганда, “Тошкент — нон шаҳри” деган гапни эшитишган, шу сабабли очликдан ўлиб кетмаслик учун бу ерга кўчганлар. Бозорларда рус безори болалар ўғрилик, талончилик билан шуғуллана бошлашди. Айниқса, улар новвойлар, ошпазларнинг уйини куйдиришди. Новвойларнинг саватидаги нонлари бир дақиқада талон-торож қилинар, ҳеч қандай куч бундай ўзбошимчаликка барҳам беролмасди.

Безори болаларни маълум муддатга қамаб қўйишар, аммо боқолмай, яна қўйиб юборишарди.

Ўша йиллари колхозлаштириш сиёсати бошланиб, Раззоққа қарашли саккиз таноб боғ ҳам “Қушбеги” жамоа хўжалиги ихтиёрига ўтиб кетди, ўзи шу ерга боғбон сифатида ишга қабул қилинди. Раззоқ бисотида ортиқча бир қанор қопдаги бўлган буғдойни Миробод бозорига сотиш учун олиб борди. Буғдойни кўтарасига пуллаб, жиянига битта этик харид қилиш ниятида, кавушдўзлар растасига кириб, савдолашаётган пайтида, киссавурлар белбоғини қирқиб, пулни ўмариб қочишди. Раззоқ ҳангу манг бўлганича қолди. Киссавурларнинг орқасидан чопиб кетган Фулом уларни растадан чиқиш жойида қувиб етди. Белбоғни тортиб олмоқчи бўлганида, унга мушт туширдилар. Ғазаби қўзиган Фулом улардан бирини даст кўтариб, калласи билан ерга итқитди. Боши ёрилган безори бола бироз типирчилаб, жони узилди. Шу орада миршаблардан бири унинг қўлини қайириб, миршабхонага судраб кетди. Миршаблар киссавурлардан бирини ҳам ушлаб келишди. Раззоқнинг ҳар қанча тушунтиришига қарамай, Фуломни ҳибс этишди.

Кечкурун бир киссавур бола камерада намоз ўқиётган Фуломнинг орқасидан тепди. Жаҳли чиққан Фулом намозни тўхтатиб, уни қулочкашлаб туширди. Камерада ўтирган самаралик безори болалар унга ёпишиб, обдон тепкилашди, чалажон қилиб ташлашди. Кечаси ўзига келган Фуломнинг кийимлари йиртилган, оғзи-бурнида қон қотиб қолган, кўкрак қафаси зирқираб оғрир эди. У ўрнидан туриб, биринчи бўлиб тепган боланинг тепасига келди. Уни ётган жойидан даст кўтариб, камера деворига боши билан урди. Дод-вой овозидан уйғонганлар камерада бўлаётган муштлашувдан ҳангу манг бўлиб қараб туришарди. Фуломнинг кўзларида шундай ғазаб ўти бор эдики, қайси бирига яқинлашса, додлаб бақирганча миршабларни чақирдишарди.

Навбатчи ҳам қаёққадир чиққан эканми, у келиб аралашгунча, Фулом киссавурлардан уч нафарини ўласи қилиб калтаклаб бўлганди. Эртасига уни суд қилишиб, Тошкент авахтасига қамашди. Раззоқнинг бир неча бор миршабларга мурожаат қилиши, воқеа тафсилотларини сўзлаб бериши натижасиз қолди. Фуломни авахтахонадан

тўппа-тўғри биринчи бор қамалганларни тарбиялайдиган Товоқсой лагерига жўнатишди. Шундан сўнг Раззоқ икки марта Фуломдан хабар олгани лагерга борди. Фулом ўзига тегишли бўлган маблағларни онасига жўнатишини, аммо ўзининг қамалиб қолганлигини билдирмасликни тоғасидан илтимос қилди...

* * *

Лагерда уни тўртинчи бўлинмага ўтказишди. Лагерь бошлиғи Рахматуллин деган татар йигити экан. У, бу ердаги тартиб-интизомни тушунтирди.

Зонадаги хумдонда кечаси-ю кундузи гишт пиширилар, маҳбуслар навбатма-навбат саккиз соатдан ишлашарди. Ишдан бўш пайтларда лотин алифбосида бошланғич таълим берилар, дарсга қатнашиш қатъий назорат қилинарди. Анча хат-саводи бўлган Фуломга дарсларни ўзлаштириш унча қийин бўлмади.

Лагерь цехларидан бирида темирчилик устахонаси бўлиб, у ерда омон, акушник, қишлоқ хўжалигига керакли бўлган турли хил ускуналар ишлаб чиқаришарди. Фуломни шу цехга ишга юборишди. Иш бошқарувчи Герасим деган одам экан. Фулом унинг олдида келганида худди қул бозоридаги каби ўзича бир нарсаларни тўнғиллаб, барваста қадди, кенг елкасини, бақувват мушакларини пайпаслаб кўриб, темирчига ёрдамчи қилиб тайинлади. У қаттиққўл инсон бўлгани билан, ниҳоятда адолатли эканлиги тўғрисида гап-сўзлар юрарди. У янги маҳбусдан бўлган воқеаларни батафсил суриштиргач, унга нисбатан бошқача муомалада бўла бошлади.

Кейинчалик Герасим Фуломга махсус жанговар машқ усулларини ўргата бошлади. Ҳатто ўша пайтлар кўпчиликка маълум бўлмаган у-шу, каратэ, дзю-до, кун-фу ва бошқа кураш усулларида таҳсил берди.

Узоқ масофадан туриб совуқ курол (пичоқ, ханжар) билан мўлжалга уриш, улардан ҳимояланиш, икки оёқни қайчи қилиб рақибнинг халқумига тепиш, уйқу томирига уриш каби машқларни ҳам ўзлаштириб борди. У ҳар куни Фуломни

турникда тортилишга, “қуёш” машқини бажаришга мажбур қилар, орадан икки ҳафта ўтгандан сўнг бу хилдаги жисмоний ҳаракат турларини мураккаблаштириб, қийинлаштириб борарди. Шогирди бу машқларни ҳеч қийналмай ўзлаштираётганидан мамнун бўларди. Ҳатто улардан баъзи бирларини ўзидан яхши ва тез бажаришидан ҳайрон бўларди. Фуломдаги ўзлаштириш худди илгари шуғулланиб, кейин ташлаб юборган одамнинг қайта машқларга ўтганига ўхшарди.

Бундан ташқари шогирдига рус ва немис тилларини ҳам астойдил ўргата бошлади. У Фуломнинг машқ ва дарсларни осонликча ўзлаштиришидан ҳайратга тушарди.

— Фулом, бу жисмоний ва руҳий машқларни яхши ўзлаштир. Ҳаёт жуда мураккаб. Сен эндигина ҳаётга қадам қўймоқдасан. Бу ҳаёт учун “раҳм-шафқат, адолат” деган тушунчалар бегона, ҳали уни тушуниб етгунингча, неча марта бурнинг қонайди, — дея у ҳар замонда насиҳат ҳам қилиб қўярди.

Шунингдек, у Фуломнинг беш вақт намоз ўқишига қаршилиқ қилмас, ўзи ҳам кўкрагида бут осиб юрар, ҳар замонда чўқиниб қўяр ва дерди:

— Фулом, инсон нимагадир ишониши, илоҳий куч борлигига амин бўлиши керак. Чунки борликда мавжуд ҳамма нарсанинг яратувчиси ягонадир.

Темирчилик устахонасида Фулом Герасим раҳбарлигида турли хил қулфларни калитсиз очиш, йиғиш, бузиб-тузатиш, электр энергияни аввалдан ўчириш машқларини ҳам ўта бошлади. Фулом Герасимнинг бу машқларни унга нима мақсадда ўргатаётганлигини ҳеч сўрамас, у эса бу ҳақда гапирмасди. Машқлар бошланганига олти ой ўтмасдан Фулом уларни ҳар куни қайтармаса тура олмайдиган бўлиб қолганди. Шу жисмоний машқларни бажармаса, худди ўзини бемор бўлгандек ҳис эта бошлади. Энди у Герасимсиз ҳам бу турдаги жисмоний машқларни мунтазам бажара оларди. Ҳар бир машқдан сўнг об-ҳавонинг қандай бўлишига қарамасдан совуқ сувда ювинар, ёғингарчилик кунлари бўлса ярим яланғоч ҳолда машқ қиларди.

Кейинчалик Герасим Фулом билан фақат рус ва немис тилларида сўзлашадиган бўлди. Бир куни Герасим унга немис

тилида ёзилган кичкина китобчани бериб, ҳар куни ўзлаштирган дарси бўйича жавоб талаб қила бошлади. Шундай қилиб орадан икки ярим йил ўтди. Фуломни Пермь областидаги лагерга этап билан жўнатадиган бўлишди. Бу вақтга келиб, у немис ва рус тилларида бемалол сўзлашадиган, ҳатто ёзоладиган даражага етганди.

Бу давр ичида Фулом Герасимдан жиноят моддаларининг моҳияти, қамоқхонада маҳбус ўзини қандай тутиши, охириги бир бурда нонни ҳам тенг бўлиб ейиш кераклиги, ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч қачон шерикларини сотмаслик каби ҳеч қайси манбада ёзилмаган қоидаларни ўзлаштириб олганди. Фуломнинг этапга жўнатилишидан олдин Герасим ундан озодликка чиққанидан кейин Ленинград шаҳрига бориб, “Ангел” лақабли инсонни топиши, унинг ҳар қандай топшириқларини сўзсиз бажариши ҳақида ваъда олди. Ангелни қаердан, қандай қилиб топиши, ҳатто айтиладиган паролни ҳам батафсил тушунтириб қўйди.

Орадан бир неча йиллар ўтгандан сўнггина Фулом ўзининг биринчи устози Герасимнинг ҳақиқий исми-шарифини, миллатини билди. У Поволжьеда кулак оиласида туғилган, миллати немис, ота-боболари асли Германиянинг Бавариясидан бўлган Генрих Шульц экан...

I фасл. ЖИНОЯТ ОЛАМИДА. ПЕРМЬ, 25/12 ҚАМОҚХОНА ЛАГЕРИ...

1934 йил. Эрта куз фасли. Дарахт барглари, айниқса қайин дарахтларининг яшил япроқлари ўз тусини ўзгартира бошлаган.

Қўп жойларда тўхтаб, турли қамоқхоналардан йиғилган маҳбусларни ортган поезд, мана, деярли икки ойдириқ йўлда. Вагонларидаги ҳар бир қафасга маҳбуслар тўрттадан қилиб жойлаштирилган, қатъий назорат остида. Бироз вақт ўтгач поезд секинлай бошлади ва, ниҳоят, сўнгги манзил — Пермь областидаги Рузаево шохбекатида келиб тўхтади. Аллақачон қўриқчи итлар билан шай бўлиб турган қуролланган аскар ва офицерлар тезда поезд вагонларини ўраб олишди. Вагонлар эшигини очишиб маҳбусларни бирин-кетин туширишди. Уларни сафга тизишгач, икки томондан қуршовга олишиб, лагерга томон олиб кета бошлашди. Аскарлар офицерларнинг буйруғига кўра ҳеч бир маҳбусни эътибордан четга қолдирмас, қўриқчи итлар эса тинмай ҳуриб, даҳшатли қиёфада ирилларди. Йўл-йўлакай саф олдида бир ҳарбий чиқиб, маҳбусларни огоҳлантириш мақсадида уларга қарата баланд овозда хитоб қилди: “Шаг влево, шаг вправо будет рассматриваться как попытка к бегству, огонь на поражении открывается без предупреждения”.

Шохбекатдан тахминан ўн километрлар юрилгандан сўнг қамоқхона соқчиларининг кузатувчи миноралари кўзга ташлана бошлади. Бир неча солдат ва офицерлар лагерь майдонига кириб келган маҳбусларнинг қўлларидаги қопчиқларини титкилаб чиқишди, тақиқланган буюмларни мусодара қилишди. Шундан сўнг ўртага подполковник унвонидаги бир барзанги зобит чиқиб, маъруза қилди:

— Лагеримизга жазо муддатини ўташ учун келдингиз. Бу ерда тартиб-интизом қатъий. Тартибни бузган маҳбус учун карцер ва махсус изоляторлар мавжуд. Ҳар қандай тартиббузарлик ниҳоятда қаттиқ жазоланади. Мен — лагернинг бошлиғи подполковник Самойло. Ўринбосарларим: майор Калинин, капитан Усачевлар. Бизга мурожаат қилганингизда “гражданин бошлиқ”, деб айтасиз. Эртадан бошлаб бир

қисмингиз дарахт кесасиз, бир гуруҳингиз эса цехда ёғочдан турли хил материаллар тайёрлаш билан шуғулланасиз. Лагерьимизда медицина пункти бор, беморлар учун йигирма ўринли лазарет мавжуд. Ошхона, ҳожатхона ва казарма доимо озода, тоза бўлиб туриши шарт. Ҳар бир казармага каполар тайинланган, улар навбатчилик ва ўзаро санитария-гигиена ҳолатини назорат қилиб, тегишли ишларни амалга оширишади. Каполарнинг берган топшириқлари сўзсиз бажарилиши зарур, тушунарлими? Уйқудан туриш маҳаллий вақт билан 06.00 да, ухлаш учун рухсат кеч соат 23.00 да. Кундузи ёки шу вақт бўлмагунча кароватларга ўтириш ман этилади, тартибни бузганлар учун, марҳамат, карцерда дам олишга йўланма берилади.

Бу ерда ҳам Фулом худди олдинги — тўртинчи отряддагидек 4-блокка тушди. Яхшиямки, бир қафасда, бир этапда келган Сергей Мамонтов билан Фуломга бир казармадан жой тегди. Фулом тепадаги, у пастдаги жойни эгаллашди. Келганларнинг ичидан Фулом бирорта ватандошини тополмади. Вагонда келаётганларида Сергей қамоққа тушиш тарихини айтиб берганди. Унинг сўзларига қараганда, Ленинграддаги тилла ломбардини ўмаришган, беш ой маза қилиб кайф-сафо қилишган, аммо милиция ходимлари уларни Москва шаҳридаги бир малинада қўлга олган.

Шериклари билан келишиб, бир ўзи жиноятни бўйнига олган ва саккиз йил қатъий режимли зонага жазо муддатини ўташ учун ҳукм қилинган. Жазо муддатининг икки йилини Қозогистондаги 62/10-лагерда ўтаган, энди этап билан буёққа юборилаётган экан. Фулом ҳам қамалиш сабабларини айтиб берди, аммо Герасим тўғрисида оғиз очмади.

Жиноят оламининг ҳам турли соҳаларга ихтисослашишини Фулом Товоқсойда ўтирганида Герасимдан батафсил эшитганди. У, “домушник, избач”, “форточник”, “карманник”, “шулер”, “медвежатник”, “фарцовщик”, “кум”, “фармазон”, “хазар”, “чахи”, “хао”, “шавка, шептало”, “черный ворон” деган атамалар ва ҳоказо жиноят оламидаги тушунчаларни тўлиқ ўзлаштирганди. “вор в законе”, “сходняк”, “смотрящий”, “пахан”, “подпахан”, “положенец”, “мужик”, “зек”, “урка” деган атамаларни

билиб олганди. Лагерда ана шу жиноят оламининг барча намоёндалари бор. Улар орасида миллат ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги, билъакс, қилган хизматлари туфайлигина маълум мансаб поғоналарининг тақсимланиши бўйича билими бор эди. Ўғрилар оламидаги ўрнатилган тартиб-қоидалар борасида Герасим мукаммал маълумот берган ва унга доимо қатъий амал қилишни Фуломга тайинлаган эди.

Тўртинчи блокка тушганларнинг барчаси дарахт кесишга жўнатилди. Ўрмондаги дарахтлар, асосан, пихтали, оқ ва қора қайин, листвинница туркумига мансуб бўлиб, энг баландларининг бўйи 30—40 метрларга борарди. Бир гуруҳ маҳбуслар дарахтларни арралаб йиқитар, иккинчиси эса шох-шаббаларини каллаклаб, дастлабки ишловга тайёрлашарди. Ёғочларнинг аксарияти Пермдаги шоҳбекатга жўнатилади, бир қисми эса турли хил халқ истеъмоли молларини яшаш учун цехга ташиларди. Маҳбусларнинг гапларига қараганда, лагерда Миша Чухрай деган пахан беш йилдан бери шу ерда ҳибсда экан.

Фулом барча намоз фарзларини адо этолмас, фақат бомдод ва хуфтонни ўқирди. Бир куни “Чижик” лақабли маҳбус унинг намоз ўқиётганини кўриб, устидан кулди, “басурман” деб оёғи билан тепиб ўтиб кетди. Намозни ўқиб тугатган Фулом унинг олдида бориб, дарҳол кечирим сўрашини талаб қилди. Аммо у ёнидаги шерикларига қараб:

— Мана бу басурман узр сўрашни талаб қилмоқда. Қани, йигитлар, кечирим сўраш қандай бўлишини бунга бир кўрсатиб қўйинглар, — деди пинагини бузмай. Икки йигит ўрнидан туриб, Фуломга ҳамла қилди, аммо у биринчи мушт тушишини кутиб, сўнгра иккаласини ҳам бир мушту тепки билан ағдариб ташлади. Йиқилган йигитларнинг бирининг оғзидаги учта тиши синиб тушган, бурун суяги пачоқланган, иккинчисининг эса қобирғаси ёрилганди.

Бундай ҳаракатни кутмаган шериклари ва Чижик қўлига заточкани олиб, унга ташланишди. Бигизга чап бермоқчи бўлди, аммо у ўнг сонига бир қадар киришга улгурганди. Фулом бир ҳамла билан қайчи усулида Чижикнинг ҳалқумига тепди. У нафас ололмай бир-икки сония қотиб туриб, сўнгра ерга йиқилди. Оғзи-бурнидан қон аралаш кўпик келди. Шу пайт казармага чопиб кирган бир нечта

назоратчи аскарлар қўлларидаги дубинка билан Фуломни обдон савалаб, ерга йиқитдилар. Сўнгра судраб олиб чиқишиб, карцерга қамашди.

Карцер узунасига уч метр, энига икки метр, фақат битта ётадиган цемент супаси бор, холос. Лагерь раҳбари Фуломни ўн суткага қарцерга қамади, сабабини суриштирмади ҳам. Унга ҳамла қилган учала маҳбус лазаретга жўнатилди. Бу муштлашиш лагерда анча шов-шувларга сабаб бўлди. Ниҳоят, ўн кундан сўнг Фулом карцердан озод қилиниб, лагерь бошлиғи хузурига чақиртирилди...

II фасл. ҚИРОЛ ҲУЗУРИДА...

Ленинград. Собиқ Санкт-Петербург кўчаларининг бирида елиб бораётган “Мерседес-Бенц” русумли енгил автомашина ҳайдовчисининг ёнида бошига шляпа, эгнига бостондан тикилган костюм, плаш кийган, галстукли, хушбичим киши ҳозирда Ўрта Осиё колонналарининг бирида жазо муддатини ўтаётган Мастердан келган малява ҳақида ўйлаб кетмоқда.

Устанинг берган хабарига қараганда, Товоқсой лагеридан эс-ҳуши жойида, қатъиятли, келажакда умид қилса бўладиган, у томонидан лақаби “Басурман” деб қўйилган бир ёш ўзбек йигити Пермь қамоқхона лагерига жўнатилган. Унинг таъкидлашича, бу йигит шарқ кураш усулларини мукаммал эгаллаган, кучли жисмоний тайёргарликка эга ҳамда рус ва немис тилларидан сабоқ олган. Махсус сейфларни калитсиз очиш бўйича, етарли бўлмаса-да, маълум тушунчага эга. Маляванинг тафсилотлари билан танишиб чиққан бу одам дарҳол Қиролга хабар қилиш лозимлигини тушунди.

Бу замонавий, дид билан кийинган одамни учратганлар бундан тўрт-беш йил олдин фаолияти тутатилган НЭП вакилларида бири бўлса керак, деб тахмин қилиши мумкин эди. Енгил автомашина Васильев ороли номи билан машҳур, инқилобдан олдин Санкт-Петербург аслзодаларининг ёзги дам олиш қароргоҳи жойлашган манзилга бурилиб, бир дала

ҳовли дарвозаси олдида тухтади. 1 ашқаридан қараганда, бу иморат атрофдагилардан ҳеч қандай алоҳида белгилари билан ажралиб турмасди. Бунинг устига, дала ҳовли бир академикка қарашли бўлиб, саҳни иккига бўлинган, ўртада девор бор, иморат уйнинг тубида жойлашган эди. Бу ерда қоровулхонаси бор дарвоза бўлиб, қаттиқ қўриқланарди. Умуман, бу ерга киришнинг иложи бўлмас, дала ҳовлиларнинг бошланиш жойида махсус қўриқчилар гуруҳи мавжуд эди, чунки бу ерда обком секретарининг қароргоҳи жойлашган, махсус рухсатномасиз ўтиш тақиқланганди.

Ичкаридан итнинг қаттиқ ҳургани эшитилди. Дарвоза очилиб, енгил автомашина ичкарига киргандан сўнг, ундан йўловчи тушди. Уни уйга кираверишдаги эшик олдида оддий кийинган, елкасига сочиқ ташлаб олган қирқ ёшлар чамасидаги одам кутиб олди. Улар фақат бош қимирлатиб сўрашишди. Келган одам ичкарига кириши билан шляпаси ва плашини қозиққа илди, оёқ кийимини ечиб, жавонда турган шиппакни кийди. Тошойнага қараб, тўзиган сочларини таради-да, кутиб олган шляпали кишидан: “Ўзидами?” – деб сўради. “Ҳа, сизни кутмоқдалар”, – деган жавобни олгач, хонага кирадиган эшик тутқичига қўлини узатди.

Ичкарида, рус камини олдидаги бир ўриндикда ёши элликлардан ошган, устига шойидан тикилган халат кийган, соқол-мўйлови қиртишлаб олинган, чап кўзига қора боғич таққан одам тиззасидаги бароқ мушукни силаб ўтирарди. Олдига қўйилган кичкина столда газета, журналлар. Уйнинг деворлари рус ва хориж рассомларининг асарлари билан безатилган. Бу ерда Айвазовский, Шишкин, Репин, Рембранд, Пикассо, Леонардо да Винчи, Ван Гог каби рассомлар ижодига мансуб асарларни кўриш мумкин.

Ўриндикда ўтирган одамнинг шундайгина тепасида “Рус ўрмони” расми ўрнатилган бўлиб, унда тасвирланган она айиқ ва унинг уч боласи худди тирикдек эди, биринчи бор кўзи тушган одам ҳайвонлар ҳозир расмдан тушиб келадигандек тасаввур қиларди. Ёнида эса Айвазовскийнинг “Денгизда бўрон” расми илинган. Деворга ишланган қатор жавонларга рус ва хориж ёзувчи, шоир, фан ва маданият,

давлат арбобларининг ижодига мансуб китоблар териб қўйилганди.

Афтидан, хонадон соҳиби китоб мутолаа қилиб ўтирган, чунки стол устида Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” асари очиқ турганди. Каминга қарама-қарши тарафдаги ойнаванд жавонда шарқ санъатига тегишли олтин, бронза, мис ва қимматбаҳо металллардан ясалган қурол-аслаҳа ва бошқа турли буюмлар: кумғон, чой идиш, тарелка, пиёла, лаган, товоқлар терилган. Ундан ташқари, махсус қалин ойна остида кўзлари, патлари қимматбаҳо тошлар ва соф олтиндан ишланган иккита, эркак кишининг муштидан каттароқ товуслар бўлиб, ерда худди дон каби сочиб қўйилган олтин доначаларни урғочиси чўқилаётгани, эркаги эса бошини тик қилиб, дум патларини ёйиб мағрур тургани акс эттирилган ноёб ишланма турарди. Кейинги жавонда хитой чиннисидан ишланган турли хил идишлар, бир тўда отларга бўрилар ҳужуми ва уларга қарши айғирнинг орқа оёқлари билан тепинаётган ҳолати акс эттирилган, пастидида устига қимматбаҳо тошлардан ёпқич қилиб ишланган иккита фил ҳайкалчалари бор эди.

Ҳар бир бурчакдаги қафасда экзотик, сайроқи қушлар бўлиб, кетма-кет уларнинг хонишлари эшитилар, эшикка қарама-қарши томонда эса каттагина аквариум ўрнатилган. Унда сузиб юрган турли шакл ва тусдаги балиқлар яққол кўзга ташланади. Хона бурчагида ҳар ярим соатда занг урувчи одам бўйи келадиган антиквар соатнинг тинимсиз чиқиллаши ўтиб бораётган умрдан дарак бериб тургандек гўё. Келган одам остонадан қадам қўйиши билан кучли тембрда занг урди. Соатга қарама-қарши тарафдаги бурчакда махсус тахтада икона ўрнатилган, иккала ёнига шам ёқиб қўйилган.

Меҳмоннинг кирганини кўриб, соат милларига назар ташлаб олган мезбон тиззасидаги мушукни гиламга қўйди-да:

— Бор, бирпас ўйнаб кел, қароқчи, — деди.

Мушук эса чиройли кўзларини хонага кирган одамга норози оҳангда қадади-да, сўнгра эшик тарафга йўналди.

Хонадон соҳиби, жиноят оламида “Адмирал Нельсон” тахаллуси билан танилган, кўплаб йирик ўғриликларини

шахсан содир этган ва ташкил қилган, машҳур медвежатник эди. Унга бундай лақабнинг берилиши сабаби ёшликда чап кўзидан ажралганида эди, шу боис уни машҳур денгизчи адмирал Нельсонга менгзашарди.

Бу одамнинг ҳақиқий исми-шарифи аллақачон унутилиб кетган, ҳатто энг яқин ёрдамчилари ҳам билишмасди. Келган одам аслзодалар оиласидан чиққан, жиноят оламида ўзининг билими, хулқи, маданияти ва хушмуомалалиги, ўғриларнинг жаргон тилида ҳеч қачон сўзлашмаслиги билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган, жиноят йўли билан топилган маблағ ва бойликларни сақловчи, ўғрилар ичида “Ангел” тахаллуси билан танилган, Адмиралнинг энг яқин ёрдамчиси ва муовинларидан бири эди.

Меҳмон ва хонадон соҳиби индамайгина қаттиқ қўл сиқишиб сўрашишди. Меҳмон рўпарадаги ўриндиққа ўтирганидан сўнг, мезбон унинг олдида чет эл сигараси ва олтин ёндиргични суриб қўйди. Меҳмон шошилмай сигарадан олиб, стол устида турган кичкина қайчи билан учини қирқиб, сўнгра тутатди. Тамакини тортди ва ҳузур қилиб тутун чиқарди.

Эшик очилиб, меҳмонни кутиб олган одам ғилдиракли аравагани суриб кирди-да, стол устидаги китоб, газета ва журналларни жавонга қўйиб, ёпқични очиб, столга графин, биллур қадаҳлар, майда қилиб кесилган лимон, дудланган оқ, қизил балиқ, икра, сарийғ, қора ва оқ нон, турли хил газаклар ҳамда санчқиларни қўйиб, “бошқа камчиликлар йўқми?” дегандек мезбонга қаради.

— Раҳмат, Степа, боравер, — деди Адмирал.

У аравачасини итариб, аста эшикни ёпди-да, хонадан чиқиб кетди. Меҳмон биллур қадаҳларга ярим қилиб, графиндаги ароқдан қўйди. Улар бир оғиз ҳам гапирмай ичишди. Сўнгра газак қилишди. Шундан сўнггина меҳмон мезбонга қараб деди:

— Адмирал, Устадан малява келди.

— Ўқи, — деди қисқагина қилиб мезбон. Меҳмон чўнтагидан думалоқ қилиб ўралган бир варақ қоғозни олиб, унда ёзилган сатрларни ўқиб берди. Мактуб мазмуни билан танишган мезбон узоқ ўйланиб қолди. Ўрнидан туриб, дераза

остидаги махсус ўриндиққа ўрнатилган аквариум олдига бориб, балиқларга ем соча бошлади. Тахминан ўн дақиқа сукут сақлаб, сўнгра меҳмонга деди:

— Кўряпсанми, Ангел, ўша пайтда “устани Ўрта Осиёга юборайлик”, деб таклиф киритганимда, сен, Филон — икковинг қарши чиққан эдинглар. Бу ҳудудларда бизнинг таянч нуқталаримиз йўқ. Россиядаги зоналарда деярли жой қолмади, ҳаммаси сиёсий маҳбуслар билан тўлиб, аҳвол танг бўлганлиги учун аксарият маслакдошларимиз, ҳамкасбларимизни айнан шу минтақада жойлашган қамоқхона лагерларига жўнатишмоқда. Шу сабабли у ердаги зоналарни доимо ёдда тутиш, имкон борича бизга содиқ ўз одамларимизни тарбиялашимиз зарур. Ундан ташқари, бу минтақада тарих, адабиёт ва маданиятга боғлиқ, қиймати пул билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо бойликлар бор. Биз уларни имкони борича олиб чиқиб кетишимиз керак. Булар бизга қарашли бўлиши керак ва бизга хизмат қилиши шарт. Ҳеч бўлмаса, сен буни тушунасан-ку, Ангел?

Адмирал бироз сукут сақлаб, сўнгра гапини давом эттирди:

— Антикварларнинг берган маълумотларига қараганда, хорижликлар ўша ердаги маҳаллий аҳолидан бўлган, миллати яҳудий заргарларни ёллаб, арзимаган пулга уларни ташиб кетишмоқда. Айниқса, бундай ишларни Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларидаги инглиз разведкаси “Интеллеженс сикрет сервис”нинг резиденти майор Бейли қўплаб амалга оширганлиги тўғрисида маълумотлар олинган. Бундай ҳолатларга зудлик билан тўсқинлик қилишимиз ва бу бойликларни ўз мулкимизга айлантиришимиз шарт. Ангел, сен тасаввур ҳам қилолмайсан, биргина Ануштегинлар сулоласи ҳукмдорлик қилган даврдан қолган Хива хонининг тахти қанча туради? Биласанми, менга ана шу тахт учун камида бир миллион АҚШ доллари ёки 650 минг фунт стерлинг беришмоқчи. Тахт эса ҳозир кимнингдир уйида кераксиз матоҳ ҳолида ётибди. Чунки бу тахт 1920 йилда Хива хонлиги тугатилганда йўқолган. Унинг Хоразмдан олиб чиқиб кетилганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ана шундай ноёб бойликларни

қидириб топиб, аста-секинлик билан хориж коллекционерларига пуллаш керак. Бу хилдаги фаолият кўп харажатни талаб этмайди, бундан ташқари, ўмарган ҳар бир сейфингдан кўра фойдалироқ.

У бир жавонни очди-да, тилла нақшлар билан безатилган бронза човгумни қўлига олиб, деди:

— Мана шу матоҳга қанча пул беришади?

Ангел ўйлаб ҳам ўтирмай, жавоб қайтарди:

— Адмирал, мен антиквариат баҳоловчиси эмасман. Шундай бўлса ҳам, айтишим мумкин: бунга 500–600 АҚШ доллари беришса керак.

Унинг жавобидан суҳбатдоши ҳузур қилиб кулди ва деди:

— Ҳаммангнинг айбинг ана шунда-да. Сенларга банк сейфини ёки бирорта неэпманнинг уйини ўмариш бўлса, бас, шунга шуқур қилиб юраверасанлар. Хўп, майли, хафа бўлма. Бу ноёб, тарихий қумғоннинг нархи 40 минг АҚШ доллари туради, ҳамкасб, тушундингми? Бу тарихий ёдгорлик — буюк Амир Темурга тегишли нодир буюм. Экспертлар гардишидаги сатрларни ўқиб, таҳлил қилиб, бу ўша буюм эканлигини тасдиқлашди, ҳатто хулоса ҳам ёзиб беришди. Бу буюмни қанчага харид қилганимни биласанми? Эшитсанг, ишонмайсан, бор-йўғи икки қоп буғдойга. Тўғри, уни қидириб топиш ва бу ерга келтириш учун маълум миқдорда маблағ сарфланди, аммо бу қилинган харажатларни юз минг марта қоплайди, бундай нарсалар ҳали у ерларда жуда кўп. Шулар бизнинг мулкимиз бўлиши зарур, бунинг учун эса бу ҳудудларда мустаҳкам таянч нуқталаримиз, ўз одамларимиз бўлиши шарт.

“Уҳ, Адмирал, қандай ишларни режалаштиряпти-я. Дарҳақиқат, бундай буюмлар кўчмас мулк-ку. Вақт ўтиши билан уларнинг қиймати доимо ўсиб боради, ҳеч қандай инқирозий жараёнлар салбий таъсир этмайди, билъақс баҳоси мунтазам ошиб боради”, деган фикрларни миясидан ўтказди Ангел.

— Биздан уёқда ким бор? — туйқус сўради Адмирал.

— Филай, Весёлий ва яна бир-иккитаси.

— Филай бундай ишларга ярамайди, унга ҳўроз хизмати-ю, бировнинг чўнтагини тозалашни топшириш мумкин, холос. Весёлийга келсак, бу вазифани уддалайди, чунки

ақли-фаросати жойида, фақат унга тегишли кўрсатма бериб қўйиш шарт. ГУИТУдаги одамларинг билан келишиб, Весёлийни шу этапга кирит, бир қафасда келишсин. Хатдаги йигитчани синаб кўрсин, ички дунёси, юриш-туриши, келиб чиқиши, умуман, ўзинг биласан. Уста бекордан-бекорга малява юбормайди. Қани, кўрайлик-чи, бирор нарса чиқадиган бўлса, қолганларини кейин ҳал қиламиз.

Адмирал қутидан сигара олиб, шошилмай учини қирқиб ёндирди-да, сўнгра гапини давом эттирди:

— Эҳ, бизнинг касбимизни эгаллайдиган ёшлар борган сари камайиб бормоқда, зўрлик, талончилик авж олмоқда. Ёшлар “тушунча” билан яшашни хоҳлашмаяпти. Одам ўлдириш одатий тусга кирмоқда, Ангел. Бунинг олдини олиш, бундай қонли ишлар билан шуғулланаётган гуруҳ раҳбарларини жазолаш зарур, акс ҳолда, шунча қилган саъй-ҳаракатларимиз, қурган салтанатимиз парчаланиб кетади. Ҳеч бўлмаса, сен шунини тушуняпсанми?

— Ҳа, Адмирал, кунини кеча ҳам мамлакатнинг кўп жойларида савдо шахобчаларига талончилик ҳужумлари уюштирилиши натижасида бир нечта савдогар ва инкассаторлар ўлдирилганлиги тўғрисида маълумот олди. Аҳвол жиддийлашиб бормоқда, рухсат берсангиз, минтақадаги авторитетларни йиғиб, айбдорларни қаттиқ сўроқ қилиш вақти келганини ҳис этиб турибман, — деди Ангел.

— Ҳа, баракалла, энди менинг огоҳлантиришларим бекор эмаслигини англабсан. Ҳудудлардаги авторитетларни, албатта, йиғиб, қаттиқ сўраймиз, ҳатто бир-иккитасидан тожникичи ҳам оламиз. Мана бу китоб ўтган асрнинг охирида яшаган машҳур немис криминалисти Крауһнинг фикрлари асосида ёзилган. Мана бу жойини ўқиб кўр. Унда изқуварларнинг ички дунёси очиб берилган. Криминалистика билан шуғулланувчи органларда муҳим аҳамиятга молик бўлган ёзилмаган бир қонун бор экан. Оддий ўғрилиқ бўлса, уларнинг қалласида “топсак — топармиз, топмасак — ётаверар”, деган мулоҳаза юраркан.

Мабодо ўғрилиқ одам ўлдириш орқали содир этилган бўлса, бу ҳодиса уларнинг миёналарида касб фаолиятини қитиқлар, жиноятни очиш улар учун профессионал бурч

бўлиб қоларкан. Айниқса, бундай ғоявий фикрлар ана шу жиноятни тафтиш қилиш пайтида уларнинг нафақат жисмоний, билъакс ички туйғуларини жунбушга келтирар ва бу воқеликнинг ижрочиларини топиш учун барча маҳоратларини ишлатиб, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмас эканлар. Бу эса шундай тушунча билан яшаётган касбдошларимизга ҳам маълум қийинчиликлар туғдириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бўлган муносабатларни зиддиятлаштириб қўяркан. Жуда ақлли одам бўлган экан, бу Краух. Майли, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз. Сен ҳозир... Лақаби нима эди? Ҳа, Басурман. Шу ҳақда Пермга хабар қил. У ерда биздан ким бор?

— Чухрайни шу лагерга жойлаштирганмиз, — деди Ангел.

— Унга малява юбор, йигитча қизиққонга ўхшайди, тагин ўзимизникилар ўлдириб қўйишмасин. Уни асрасин, бизга қарашли бола эканлигини билдириб қўй. Тушлик ҳам бўлиб қолибди, энди ошхонага юр, овқатланиб кетасан, — деди Адмирал.

Орта қайтаётганида Ангел Қиролдан эшитган фикрларни таҳлил қилиб кетаркан, унинг ҳақлигини тан олди ва Адмиралнинг бекорга жиноят оламининг энг етакчи раҳбари эмаслигига шубҳаси қолмади. Жиноят оламининг энг чўққисида турган Ангел минтақалар билан алоқа боғлаш, марказдан туриб уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ҳамда умумий ғазнага тушадиган маблағларни назорат қилиш билан шуғулланарди. Хизмат поғоналарида у тўртинчи ўринни эгалларди. Умуман, Сходняк бошқарув Кенгаши 15 кишидан иборат бўлиб, раҳбарлари Адмирал, Филон, Бистрий ва Ангел эди.

СССР ҳудудида ёки рус криминал олами томонидан хорижда қилинадиган бирорта йирик ўғрилиқ бу одамларнинг фатвосисиз амалга оширилмасди. Минтақаларда тождор ўғрилардан бошлиқлар ва ғазначилар тайинланган, улар жиноий йўл билан топган улушларининг чорак қисмини мажбурий равишда марказий ғазнага ўтказишар, қолганлари ўша ҳудуддаги зоналарда ўтирган маҳбусларга ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатишга, навбатдаги жиноятларни амалга оширишга, ўз тижорат

ишларини ташкил этишга сарф этилар, яна бир қисми эса захира сифатида ғазначида сақланарди. Бу маблағдан ҳудуд бошлиғи — смотряший, яъни тождор ўғрининг рухсатисиз бирор тийини ҳам ҳеч қандай тадбирларга ишлатилмасди. Бу улар дунёсида ёзилмаган қонун эди.

Ҳар икки йилда бир марта ҳудуд бошлиқлари билан маслаҳат кенгаши ўтказилар, тадбирлар ишлаб чиқилар ва уларнинг ижроси марказдан назорат қилинарди. Ана шу кенгашда уч ёки тўрт кишининг тавсиясига биноан номи чиққан ўғриларга тож кийдирилар, ўғрилиқ қонунини бузганлар тождан маҳрум қилинар ва уларга нисбатан тегишли жазо тайинланарди. Мабодо, айбдор бу суддан қочиб, яширинган бўлса, марказнинг махсус гуруҳи излаб топиб, жойида ҳукми ижро этиб келарди. Бу вазифа фақат сходняк қарори билангина амалга ошириларди. Қиролнинг якка ўзи ҳам маслаҳат кенгаши аъзоларининг розилигини олмай туриб бундай ҳукм чиқаришга ҳақли эмасди...

III фасл. ЭЪТИҚОД УЧУН ЗУЛМ. АДОЛАТ ИСТАБ...

Подполковник Самойло раҳбарлик қилаётган лагерда бунақа ур-калтак сўнгги уч йилда бирор марта ҳам рўй бермаганди. Унинг колонияси энг интизомли, доимо берилган ишлаб чиқариш режаларини бажариб юрган лагерлардан ҳисобланар, ҳар йили ҳатто бошқарманинг ташаккурномалари, баъзи вақтларда қўчма Қизил байроғини олишга ҳам муяссар бўлиб турарди. Майли эди, авторитетлар орасида тўқнаш бўлган бўлса. Кечагина этап билан келган ёш маҳбус томонидан бундай тартиб бузилиши бутун колонияни оёққа тургазди. Хуфияларнинг берган ахборотларига қараганда, бу Басурманнинг мислсиз жисмоний қувватга эгалиги, ҳеч ким билмайдиган жанг усулларини қўллаши барчани лол қолдирган. Гап унинг жисмоний кучида эмас, чунки маҳбусни эгиб олиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди. Аммо рапорт ёзса, қолоқ,

доимо текшириш ўтказиладиган лагерлар қаторига тушиб, навбатдаги унвон ўрнига боридан ҳам ажралиб қолиш ҳеч гап эмасди. Ана шу ташвиш, воқелик тафсилотлари уни безовта қиларди, холос. Подполковник бу маҳбуснинг шахсий жилдини ўрганаркан, илгари жиноят оламига алоқаси бўлмаганлиги, тасодиф туфайлигина қамоққа тушганлигига ақли етди. Аммо унинг янги кураш санъатини эгаллаганлиги ҳайратга солди.

Навбатчи кириб, маҳбус келтирилганлигини маълум қилди.

“Йўқ, йўқ, — деди ўзича Самойло, — бу ерда қандайдир сир яширинган, акс ҳолда, бу Басурман бундай жисмоний тайёргарликка эга бўлиши мумкин эмас. Нима бало, диверсантмикин ёки жиноят оламининг ҳали органларга маълум бўлмаган вакилимикан? Шундай фикрга келсак, ундай ҳолда бу сирни зонадагилардан яшириб бўлмасди. Дарҳол, ташқаридан малява келиб, лагерь пахани уни ўз қаноти остига олган бўларди. Бунинг устига, диндор. Жуда қизиқ... Бу маҳбусга жиддий эътибор беришга тўғри келади. Хуфияларга топшириқ бериш керак, ҳар бир қадамини кузатиш, алоқаларини аниқлаш лозим.

Агар у жиноят оламига тегишли бўлмаса, умрини тугаган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ўғрилар унинг қилмишини асло кечирмайдилар, бирорта “бахтсиз ҳодиса”ни уюштириб, ўлдириб юборадилар. Эҳтимол, шундай бўлгани маъқулдир. Албатта, буюк доҳиймиз Сталин айтган сўзларда айни ҳақиқат яширинган: “Одам йўқ — муаммо ҳам йўқ”. Нима бўлганда ҳам, бу муаммо билан жиддий шуғулланишга тўғри келади, падарига лаънат, бу Басурманнинг...”

Хонасига маҳбусни киритишди. У зонадаги тартибга мувофиқ, чақиртирилиши муносабати билан келганлигини билдирди. Самойло маҳбуснинг келишган қадди-қоматига, куч-қувватга тўлиб турган мушакларига, калтақдан кўкариб кетган қовоқларига назар ташларкан, савол берди:

— Хўш, Вадудов, зонага кела солиб ҳунарингни бошладингми? Билиб қўй, ҳар қандай кичкина тартиббузарлик учун қўшимча жазо муддати ва қарцер доим бўлмай. Интизомни бузаверсанг, умрбод ташқи дунёни бир умр панжара ортидан кузатишингга тўғри келади.

— Гражданин бошлиқ, Оллоҳ шоҳид, бу жанжални мен бошлаганим йўқ. Иккинчидан, пешонада борини қўраверамиз, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

Бу мулоҳазани эшитган Самойло яна ўйлаб қолди: “Маҳбус, олинган маълумотда кўрсатилгандек, унчалик содда эмас, анча пишган кўринади. Бу сўзлари билан нимани исботламоқчи? “Мен айбдор эмасман, ўзлари ҳақ-ҳуқуқимни таҳқирлашди”, демоқчими ёки “сен ўзинг раҳбарлик қилаётган зонангда тартиб-интизомни ўрнатиб қўй”, деб шаъма қиялпими? Афтидан, ор-номусини ҳимоя қилоладиган одамга ўхшайди”.

— Майли, — деди ўзини бироз юмшагандек кўрсатиб, — ҳар бир тартиббузар қилган интизомсизлигига яраша жазосини олади. Мени ҳозир бошқа масала қизиқтирмоқда. Айтгин-чи, бу кураш усуллари қарорда, кимдан ўргангансан?

— Қандай кураш усуллари? Тушунмадим.

— “Тушунмадим” эмиш. Сен урган уч маҳбусдан бири бундан кейин, агар тирик қолса, умуман гапиролмайди, иккинчисининг қовурғаси икки жойидан синиб кетган, учинчиси бурнидан ажралиб, энди доимо пучуқ бўлиб юради. Бу кураш усуллари оддий одамлар билмайди, ошна. Қани, қайси диверсантлар мактабида таълим олгансан? Бир гапириб бергин-чи. Ҳаммасини очиқчасига айтиб бермасанг, яна карцерга марҳамат қиласан.

— Гражданин бошлиқ, диверсант дегани нима? Тушунмадим. Кейин ҳеч кимдан урушишни ўрганмаганман. Ўзи шундай тўғри келиб қолди, ўзимни ҳимоя қилмасам, калтак остида қолардим, — деб жавоб берди Фулом.

Бу гапни эшитган бошлиқ яна ўйланиб қолди: “Дарҳақиқат, бу ё ўта содда одам ёки пихини ёрган жиноятчи, аммо бирор марта ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг диққат-эътиборига тушмаган. Шу туфайлигина у ҳақида маълумот йўқ. Ўйлаган режам тўғри, доимо уни кузатиб юриш, ташқи дунё билан алоқаларини аниқлаш ва шунга қараб иш кўриш лозим”.

Шундай қарорга келгандан сўнг, маҳбусга ўз блокига кетишга рухсат берди.

Баракка етиб келганида, соат 23 дан ошган, ҳамма ўрнига кириб ётган, фақат навбатчи чироқлар ўчирилмаган эди. Энди ўрнини очиб, ётмоқчи бўлганди, орқасидан елкасига бировнинг қўл қўйганлигини сезиб, сергакланди.

— Басурман, орқанга қарама, ҳозир аста чиқиб, 2-блокка борасан, каптёркага кирасан, сен билан братва сўзлашмоқчи. Қўрқма, ўз фикрингни бемалол изҳор қилавер, аммо ёлғон сўзлама, акс ҳолда, бошингда ёнғоқ чақишади, — деди ортида турган одам.

У орқасига ўтирилиб улгурмай, шарпа ғойиб бўлди. Фулом аста кийимини қайтадан кийиб, ташқарига чиқди ва айтилган манзилга қараб юрди. Шу пайт бир шарпа ортидан келаётганини ички туйғу билан сезиб, ҳушёрликни кучайтирди, аммо кузатувчи ундан ўн қадамча нарида эди. Фулом тўхтаса, у ҳам жойида қолар, юрса, орадаги масофани қисқартирмай ҳаракат қиларди.

Блокка келганида, навбатчи баракнинг охирига ишора қилди. Баракнинг саҳни тугаши жойида кичкинагина хона бўлиб, каптёрка шу ерда эди. Бу хонада маҳбусларнинг қишки кийимлари, захирадаги кўрпа-тўшак, ёстиқ ва бошқа зарур нарсалар вақтинча сақланарди.

Фулом каптёрка эшиги олдида тўхтамасидан, у очилди, ичкарида учта маҳбус қўлда ясалган стол олдида ўтиришар, дастурхонга бир шиша очилмаган ароқ, турли газаклар қўйилган, хонадан кучли тамаки ва тер ҳиди келарди. Каптёрка шу даражада иситилган эдики, хонадаги маҳбусларнинг ҳаммаси майкачан ўтиришарди. Баданларининг очиқ жойларида татуировкалари кўриниб турарди. Ўртада ёши элликлар атрофидаги одам папирос тутатиб, ёнидаги шериклари билан суҳбатлашиб, кулишиб ўтирарди. Чап тарафдаги маҳбус қўлидаги калитини ўйнатиб, қизиқарли бир ҳикояни сўзламоқда, шекилли, қолганларнинг диққат-эътибори унда эди. Ўнг томондагиси эса тиззасидаги гитарани эринибгина, паст товушда чертиб ўтирарди.

Фулом ичкарига қадам қўйгач, ўнг қўлини кўтариб, маҳбуслар тилида “привет, братве!” деб сўрашди. Ҳангомани гапираётган маҳбус сўзини тўхтатди.

— Агар ҳазиллашмаётган бўлсанг, салом. Ўтир, меҳмон бўласан, — деди ўртадаги одам.

Фулом унинг қарашидан шу одам лагернинг норасмий иккинчи бошлиғи эканлигини тушунди. Чухрай ҳақида унга Сергей гапирган, аммо у дарахт кесишга чиқмаслиги, ошхонада ҳамма маҳбуслардан олдин овқатлангани учун уни ҳеч кўрмаганди. Калитни ўйнаётган маҳбус унга бўш ёғоч қутини оёғи билан суриб қўйди. Фулом қутига ўтирди ва бериладиган саволни кутиб, сергакланди.

Ўтирганларнинг вазоҳатидан у бу ерга жазоланиш учун эмас, балки суҳбатлашишга чақиртирилганлигини сезд. Ўртадаги одам унга диққат билан қараб, тугаётган папирос қолдиғини тўп гилзасидан қилинган қулдонга эзиб ўчирди-да, ароқни бир қўлида очиб, алюмин кружкаларга яримлатиб қуйди. Биттасини индамай Фулом тарафга суриб, шерикларига имо қилди. Ҳаммалари қадаҳларни қўлларига олиб, уриштириб ичишди. Фулом ҳам уларга қўшилди. Фулом биринчи марта ароқни Товоқсойдаги лагерда Герасим билан татиб кўрганди шунда бу ичимлик унга худди заҳарга ўхшаб туюлганди. Ҳозир эса сергакликданми ёки ўрганишданми, мойдек ёқиб, томоғини қизитиб ўтди. Шундан сўнг Чухрай унга юзланиб, деди:

— Қани, қаҳрамон, таржимаи ҳолингни бир куйлаб берчи. Қаердансан, модданг қанақа, нимага ўтирибсан?

Фулом шошилмай ҳаммасини гапириб берди, улар унинг сўзини бўлмасдан эшитишди. Фақат Товоқсойда Герасимдан таълим олганлиги ҳақида сўзламади. Сўзини тугатгандан сўнг, гитара чалиб ўтиргани:

— Ҳа, ҳаммаси ҳақиқатга яқин, худди шундай ахборот олинган, — деди.

Ўртадаги одам навбатдаги папиросни бош бармоқсиз қўли билан эзгилаб, стол устида турган чироқдан тутатди-да, савол берди:

— Нима сабабдан учта маҳбусни майиб қилдинг?

Фулом бўлган ҳангомани сўзлаб берди. Улар биринчи бўлиб муштлашишни бошлаганликларини, бигиз билан ҳужум қилганликларини айтди.

— Ҳа, худди шундай бўлган, — деди гитара чертиб ўтирган маҳбус, бошини гитара оҳангига мос ирғаб.

— Басурман, улар ҳали қилган ишлари учун жазоларини олишади, ўзинг ҳам муносиб жавоб берибсан. “Тегмаганга тегма” деган гап бор, бу ерда ҳокимият, ўзига яраша тартиб, қонун-қоидалар мавжуд. Сал нарсага мушт кўтариб, ҳаммани калтаклайверсак, оқибати яхшилик билан тугамайди. Энди менга айт-чи, озодликка чиққанингдан сўнг қаерга боришинг керак?

— Бу нарсани айтолмайман, чунки бу сир менга тегишли эмас, — деди Фулом.

Унинг бу сўзларидан барчалари бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Яша, мана бу ҳақиқий эркакнинг сўзи, — деди гитара чалаётгани.

Чухрай шерикларининг ҳўмрайиб қараганини кўриб, “кечирасиз” дея ароқни кружкаларга қуя бошлади.

— Менга қара, Басурман, ташқаридан малява келди, сени ўз ҳимоямизга олишимиз керак экан. Бугундан бошлаб сенга ҳеч ким тазйиқ ўтказмайди, сен эса муштингни аяб ишлат. Агар яна шундай иш қиладиган бўлсанг, жазоланасан, — деди Чухрай.

Кружкадаги ароқни барчалари ичишгандан сўнг, унга кетишга рухсат берилди. Яна бир шарпа уни блоккача кузатиб қўйди.

Чухраининг саъй-ҳаракатлари билан лазаретдан даволаниб чиққан маҳбуслар бошқа зонага этап қилинди...

* * *

Лагердаги ҳаёт бир маромда ўтиб борарди. Маҳбуслар кучли ёғингарчилик кунлари ёғочни қайта ишлаш цехида ишлашар, тахтадан ва унинг чиқиндиларидан турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришарди. Бу цехда ҳатто ёғоч белкурак, табуретка, шкаф, стол, стул ва бошқалар буюртма асосида тайёрланарди.

Фуломни тўсатдан ошхонага нон кесадиган ва тарқатадиган вазифага ўтказишди. У ўзига топширилган ишга сидқидилдан киришди. Ошхона фаолиятини бошқариб бориш Савельев шарифли старшинага топширилган экан. Нон тарқатишда Фуломдан ташқари “Хниш” лақабли маҳбус ҳам

қатнашарди. Автокачкага ўрнатилган махсус тўрт бурчакли бир жуфт кутида нон ташиларди. Бу идиш қўшотли аравага ўрнатилган бўлиб, унда ҳар куни соат ўнларда маҳсулот келтириларди. Бу ишни бир вақтлар маҳбус бўлган Силантий бобо амалга оширарди.

Чол нонларни тушириб олгунларича пиллапояга ўтириб олиб, ўткир қўлбола тамакини тутатиб, сўкинишдан бўшамасди. Ошхонада навбатчилик қилаётган маҳбусларга “салаги”, деб бақириб ҳам қўярди. Гап-сўзларга қараганда, Силантий бобо қўполлик қилгани билан, ўзи жуда оққўнгил, маҳбусларга ҳар замонда яширинча самагон, махорка, ҳатто папирос, қуруқ чой ҳам келтириб бераркан.

Фулом нон тарқатиш бўлимига ўтказилгандан кейин орадан ярим йилча вақт ўтди. Бир куни уйқу пайти Фулом яна Чухрай ҳузурига чақиртирилди. Каптёркага келганида, Чухрайнинг бир ўзи ўтирар, бошқа ёрдамчилари йўқ эди. У Фуломга бир қараб олиб, деди:

— Ўтир, Басурман, маслаҳат бор. Хўш, янги ишингдан мамнунмисан?

— Раҳмат. Менинг у ерга ўтказилишим сизнинг хизматингиз эканлигини дарҳол англадим. Кеч бўлса ҳам, ташаккуримни қабул қилинг, — деди Фулом.

— Миннатдорлигингни озодликка чиққанингдан сўнг тепадагиларга билдирасан, мен топшириқни бажардим, холос. Энди мақсадга келсак, сени бу ердан чиқариб юбориш тўғрисида топшириқ олдим. Хўш, бу масалага қандай қарайсан?

— Мен тушунмадим, — дея савол назари билан қаради. — Сиз суд ёки лагерь бошлиғи эмассизки, “бор кетавер, энди озодсан”, десангиз.

— Тўғри, мен судья ҳам, лагерь бошлиғи ҳам эмасман, лекин бу зонада менинг айтганларим бўлади, шунинг учун шу ердан. Энди сени бу ердан қочиришимиз керак, чунки озодликда ҳали қиладиган ишларинг кўп экан. Тушундингми?

Хуллас, улар ярим кечасигача турли режалар тузишди.

Нон келтирилиш вақти тўсатдан ўзгартирилган. Энди Пермь шаҳридаги нон ишлаб чиқарувчи завод лагерга ўз маҳсулотини кечқурун соат йигирма иккидан кейин

берадиган бўлибди. Шунинг учун нон қабул қилувчилар тунда ишлашга мажбур эди. Нега нон етказиб бериш вақти ўзгартирилганини ҳеч ким билмасди. Бу ҳақда лагеръ маъмурияти нон заводи раҳбарига ёзган хатига қуйидаги жавобни олди: “Шаҳарга жойлашган янги ҳарбий қисмни нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида лагерга нон етказиб бериш муддатларига тегишли ўзгартиш киритилди”.

Лагеръ маъмурияти иложсизликдан шу муддатга розилик берди. Шу аҳволда қарийб бир ярим ой ишлашди. Нон етказиб бериш муддатлари ўзгармагунча Фулом ошхонага овқатланиш учун кирган Сергей билан ҳар замонда бош қимирлатиб саломлашиб қўярди. Бу муддат ўзгариши билан нон қирқиш тонгга яқин тугар, уларни ўн кишилиқ столларга териб чиққунларича биринчи хўроз қичқирғи эшитиларди. Нон етказиб бериш графиги ўзгариши муносабати билан қўшимча яна битта маҳбус берилди. Бу Сергей эди.

Энди икки навбатчи нонни қабул қилиб кесар, столлар устига жойлар, бу вақтда биттаси дам олса, эрталабки нонуштада дам олган киши навбатчилик қиларди. Улар ўзаро келишиб, дам олиш навбатларини тақсимлаб чиқишди. Бу орада Фулом бир неча марта Чухрай ҳузурига чақиртирилди.

Пермь областида об-ҳаво август ойидан бошлаб серёмғир бўлар, октябрдан эса ёмғир аралаш қор ёғарди. Ҳаво тез-тез айниб, ёғингарчилик мавсуми бошланди. Бу мавсумда, одатда, дарахт кесиш ишлари тўхтатилиб, ҳаммаёқни қор қопламагунча ўрмонга чиқилмасди. Маҳбуслар энди ёзда кесилиб, олиб чиқиб кетилмаган дарахтлардан турли халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга жалб этилди...

* * *

Куз фасли кириб, кучли ёмғирли кунлар бошланди. Сергей шериги билан кечаси нонни қабул қилиб, аравани бўшашишга тушишди. Осмонни қуюқ қора булут қоплаган, ёмғир челақлаб қуярди. Одатини тарк этмай пиллапояда ўткир тамакисини тутатиб ўтирган Силантий бобо бир маҳбус

араванинг орқасига ўтиб кетганига кўз қирини ташлаб, мамнун ҳолда иккинчи қутидан нон тушираётганларга “орқангни тез-тез қимирлатиб ишласаларинг, ўлиб қоласанлар, сен салагалар”, деб дашном берарди. Нон тушириш жараёнини кузатиб турган старшина бобонинг маҳбусларга бераётган дашномидан хоҳлаб кулар, чол худди образга кирган актёрдек бандиларга баттар бақириб, ҳатто ҳақоратлашга ҳам ўтарди. Шунда нон тушираётган маҳбуслардан бири:

— Силантий, ҳаддингдан ошаверма, акс ҳолда, жавобини олиб қолишинг ҳам мумкин, — деди.

— Буни қара-я. Эй, жулдурвоқи, сен энди қамоқхона нонини еяпсан, мен эса бу ерларда навқирон йигитлигимни ўтказганман, мишиқи, — деб жавоб берди.

Маҳбус у билан тортишиб ўтиришни ўзига эп кўрмадими ёки Сергейнинг унга хўмрайиб қарагани таъсир этдими, индамай ишини давом эттирди. Одатига ҳилоф равишда Силантий бобо бу гал бўшаган баркашларни араванинг ичига ўзи яхшилаб тахлай бошлади. У ўзича тўнғиллаб, олдинги галдаги навбатчилар баркашларни тахламай қўйганликлари учун бир-иккитаси яроқсиз ҳолга келганлигини сўзлаб, ўша кунги навбатчи маҳбусларнинг гўрига роса ғишт қалади, уларни чала туғилганлар, деб ҳақоратлади. Шундан сўнг нон қутиларининг эшикларини ёпиб, аравани ҳайдаб кетди. Дарвозага яқин қолганида аравани тўхтатиб, бир муддат отнинг қоринбоғини тортди. Қўйнидан ўткир ҳидли самагон шишасини олиб, оғзидаги ёғоч қопқоқни куч билан суғуриб, сўкиниб, от-аравага, нон ташиладиган қутиларнинг устига самагонни тамакига аралаштириб сепди, тагида қолганини ичди-да, чўқиниб қўйиб, аравани ҳайдаб, дарвоза олдида келиб тўхтатди.

Ёмғир авжига чиққан, тўрт қадам наридаги одамни кўриш мушкул эди. Дарвоза ёнидаги қоровулхонадан чиққан солдат ва зобит, нон ташиладиган қутиларни назоратдан ўтказа бошлашди. Итларини араванинг устига чиқишга, қути ичига киришга мажбур қилди. Улар эса ғингшиб, тезда қайтиб тушишди. Аравадан ва чолдан келаётган ҳиддан зобит ижирганиб, деди:

— Нима бало, Силантий бобо, ҳожатхона ичига тушиб чиққанмисиз?

— Менга бундай савол бергунча, ўз ишингни қилсангчи, каллаварам.

Зобит, даструмоли билан бурнини ёпиб, дарвозаларни очишни қуриқчиларга қўли билан ишора қилди. От-арава қамоқхона ҳудудидан чиқиб, шаҳарга юрмай, тўғри ўрмон тарафга қараб ҳаракатлана бошлади. Ўрмонга кирганларидан сўнг бобо отларни дарахтларнинг панасида тўхтатиб, биринчи қутининг ичига кириб, баркашларни бир чеккага итқитиб, бош томондаги тунукани қайирдида: “Бўлди, чиқа қол, лагердан чиқиб кетдик”, — деди.

У ерда қандайдир ҳаракат бошланди. Бироздан сўнг бир маҳбус зўрға сирғалиб тушиб келди. Силантий бобо индамай нон қутиларини аввалги ҳолидагидек тахлаб, отларни ниқтаб, аравани ҳайдаб кетди. Бир муддат ўтгандан сўнг ўрмон қоровулининг уйи олдида тўхтади.

Арава келаётганини эшитган икки йигит тезда чиқиб, бобони кутиб олишди. Ота ҳеч қаерга қарамай ўрмончининг бостирмаси остида аравасини тўхтатди. Қути ичидан маҳбус чиққанидан сўнг ичидаги баркашлари туширилиб, қутини ағдаришди ва ўрнига шу ерда турган айнан шундай қутини ўрнатишди, баркашларни қайта ортиб беришди. Силантий уларнинг бирортасига ҳам эътибор бермай, келган йўлига аравани қайта ҳайдаб кетди. Кетиш олдидан: “Ўрмончининг от-аравасини мен келган йўлга ҳайдаш ва бурилиш жойидаги изларни йўқ қилиш эсларингдан чиқмасин”, — деб огоҳлантириб қўйди.

Кутиб олганлардан бири ўрмончининг қўшилган от-аравасини унинг изидан ҳайдаб кетди. Иккинчиси эса қамоқдан қочган маҳбусга ичкарига киришни имо қилди, чунки у ивиб кетган, нафас олиш учун қутининг тепасидан парма билан очилган тешиклардан ёмғир сувлари обдон кириб, усти-боши ҳўл бўлиб кетганди. Ўзи эса қўлидаги канистрадаги суюқликни қути устига сепиб, ўт қўйиб юборди. Уйга кирган маҳбус украинча боршнинг ҳидини олиб, қорни ниҳоятда очганлигини ҳис қилди.

Стол устида нон, тузланган қўзиқорин, пиширилган картошка, қўк пиёз ва бошқа газаклар борлигини кўрди.

Ташқаридан кириб келган йигит ўзини Саша деб таништириди-да, ички ва ташқи кийимликлар келтириб, алмаштиришга имо қилди. Унинг қамоқхона кийимларини ташқарига олиб чиқиб, бензин билан обдон ҳўллаб, ёнаётган қути устига ташлади. Фақат кийимдаги маҳбуснинг шахсий рақами ёзилган жойини қирқиб олиб, чўнтагига солди.

Мўлжаллаган ишларини қилиб бўлгандан кейин ичкарига кириб, таги чуқур тарелкаларга қайнаб турган боршдан қўйди, стол устига қаймоқ қўйди. Битта шишани очиб: “Озодликка чиқишинг билан табриклайман”, — деб уриштириб, ичиб юборди. Мамнун ҳолда томоғини қириб олиб, газакка ёпишди. Ғулом ҳам ўзига қўйилган ароқни бир кўтаришда сипқорди-да, овқатга ташланди. Индамай икки тақсимча борш ичди. Овқатланиб бўлишгандан сўнг мезбон деди:

— Басурман, сени ҳозир барча жойлардан излашади, айниқса, темир йўл, шаҳар ичидан. Шу туфайли маълум муддат, то изқуварлар тинчигунча ўрмоннинг одам бормас жойида истиқомат қилиб турасан. Биз эса қамоқхона кийимидаги одам поездга осилмоқчи бўлганда тагига тушиб, рельслар остида майдаланиб кетибди, деб овоза тарқатамиз. Бунинг учун сенинг гавданга мос ўлик топишимиз, унга қамоқхона кийимини кийдиришимиз, сўнгра темир йўлнинг бирор манзилида мўлжаллаган ишни амалга оширишимиз, қон гуруҳингга мос қон излашимиз, уни сепиб чиқишимиз керак. Айниқса, бармоқ изларини ололмайдиган қилиб ташлашимиз ўта зарур, акс ҳолда, бу бошқа одам эканлиги маълум бўлиб қолади. Сенга паспорт ва керакли ҳужжатларни тайёрлашимиз зарур, бунга ҳам маълум фурсат керак бўлади. Ҳозир шеригим фотоаппарат олиб келиб, паспорт учун суратга туширади. Қорнингни тўйдириб, биров дам олганингдан сўнг, сени режалаштирган манзилга олиб бориб жойлаштирамиз. У ерда геологлар экспедицияси бир неча кун бўлиб қайтишди. Энди келаси мавсумгача манзилларига келишмайди. Хавотир олма, у ерга бу вақтда ҳеч ким бормайди. Барча озиқ-овқат, керакли нарсалар ҳозирлаб қўйилган. Ҳар уч кунда хабар олиб тураман, кўп қолиб кетмайсан. Ментлар, вертухайлар тинчигач, сени у ердан олиб чиқиб кетамиз. Тушундингми? — дегач, биров ўйланиб

туриб сўзида давом этди. — Мабодо бирор хавф туғиладиган бўлса, яширинадиган бошқа жой ҳам ҳозирлаб қўйганмиз. Ўша жойдан узоқ бўлмаган ерда, сой бўйида бир ғор бор, бу эҳтиёт чораси учун, ўша жойда турасан. Такрорлайман, бу асосий манзилдан ташқари, ҳар эҳтимолга қарши. Мабодо сени геологларнинг уйидан тополмай қолсак, ўша ердан, албатта, топишимиз шарт. Тушундингми? Ҳозир эса икки соат вақтимиз бор, мана бу ерда, — пўстинлар солинган жойни кўрсатиб, — бироз мизғиб ол, — деб стол устидаги бўш тарелка ва қошиқларни йиғиштира бошлади.

Фулом у кўрсатган жойга ётди, аммо бугунги ташвишларданми ёки ҳаяжондан уйқуси келмай, аранг бироз мудради. Лекин кўзи юмуқ бўлса-да, тиқ этган товушни ҳам эшитар, хуллас, сергак эди. Ташқаридан арава ғилдиракларининг ғичирлаган овози келди. Бу пайтда тонг отганди...

Пиллапояда икки одамнинг бир-бири билан аста гаплашаётган овозлари эшитилди. Улар нималарнидир маслаҳатлашишди, сўнгра бироз баҳслашишди, кейин бир хулосага келишдими, “майли, Аким, сен айтгандек бўла қолсин”, деган овози эшитилди. Фулом ўрnidан туриб, бир керишиб олди-да, юз-қўллари совуқ сув билан чайиб, ташқарига чиқди. Шериклари тамаки тутатиб ўтиришарди. Уни кўрган Саша:

— Басурман, дам олволган бўлсанг, ҳозир Аким сени паспорт учун расмга туширади, — деб уни ичкарига бошлади. Оқ чойшабни ёзиб, табуреткани қўйди. Олдин юз-жағларига совун кўпигини пуркаб, соқолини устара билан қириб ташлади, ўзига ярашган ингичка мўйлабини тўғрилаб, ёнларини қиртишлади.

Ювиниб олганидан сўнг янги қўйлак, галстук ва костюм кийдириб, табуреткага ўтиришга имо қилди. Фулом ўтирганидан сўнг унинг уёқ буёғини тўғрилаб, штативга қарашини тайинлади. Бу пайтда Аким штативни оёқларига ўтқазиб, унинг пардаси остидан Фуломнинг аксини кузатаётганди. У бир неча марта маҳбусни тасвирга тушириб, плёнкани чиқариб олди-да, ҳовлидаги озиқ-овқат сақланадиган ертўлага тушиб кетди. Ярим соатлардан сўнг

оқартирилган плёнкани олиб чиқиб, Саша билан кўра бошлашди ва уни ўраб, ички чўнтагига солиб қўйди.

Бу орада печканинг устидаги овқат қайнаб, виқирлаган овоз чиқара бошлади. Қолган овқат иситиш учун қўйилган экан. Стол устида яна бир шиша ароқ пайдо бўлди. Улар овқатланиб бўлишгандан сўнг, ёмғир ёғаётганига қарамай, иккита қопчиқни елкаларига ортмоқлаб, брезентдан қилинган ёпқични ёпиниб, ўрмон ичига илгарилаб кетишди.

Куз ўрмони юришга халақит берар, оёқ остида барг-хазонлар бисёр бўлишига қарамай, лой ёпишар, кўп жойларда қулаган дарахтларни айланиб ўтишга тўғри келарди. Тахминан уч соатларда саккиз чақиримча йўл босиб, бир сойнинг бўйидан чиқишди. Саша Ғуломни олдинга бошлади. Қопчиқларни дарахт панасига қўйишди. Аким эса келган жойларида тўхтаб, тамаки тутатиб турди.

Сойнинг қирғоғидаги тошлардан сакраб ўтиб, унинг ғарб томонидаги бир бута олдида тўхташди. Ташқаридан қараганда, бу ерда яширинадиган ғор борлиги умуман билинмасди, чунки куюқ бўлиб ўсган чангаллар ғор оғзини тўлиқ ёпиб турар, синчиклаб қаралса ҳам, улар бир четга сурилмагунча ғорни аниқлаб бўлмасди. Саша буталарни суриб, икковлари ичига киришди. Ярим одам бўйи келадиган ковак кўринди. Саша чўнтак фонарини ёқиб, ғорни ёритди. Ғор Ғулом ўйлаганидан анча кенг, шифтлари баланд, бир одам бемалол эгилмай ҳаракат қила олади. Ғорнинг бир чеккасида ёғочдан қилинган сўри, табуретка, шам, керосин билан ёнадиган чироқ, бир идишда керосин, тахмонда туз, идиш-товоқ, гутурт ва бошқа нарсалар бор эди. Зах ҳавосидан анча вақт бу ерда одам бўлмаганлиги билиниб турарди. Ҳаммасини мамнунлик билан кўздан кечирган Саша деди:

— Бу эҳтиёт шарт учун қилинган жой. Басурман, буни қара, “Метрополь” меҳмонхонасидан кам эмас, фақат қизлар йўқ, холос.

Сўнгра Ғуломни ташқарига бошлаб, манзилни аниқ топиш учун айрим белгиларни тушунтирди:

— Геологларнинг уйидан анави тепалик яққол кўриниб туради. Шу тепаликка қараб юрасан, сой бўйига тушганингдан сўнг, биттагина бута кўринади, бу — белги, атрофда бошқа бута йўқ, барини чопиб ташлаганмиз. Ҳамма белгиларни

яхшилаб эслаб қол. Бирорта кутилмаган ҳодиса юз берса, шу ерга яширинасан, сени шу жойдан топамиз. Хавотир олма, узоғи билан бир ҳафта ичида аҳвол тинчиши керак, шундан кейин сафарни давом эттирасан, сайёҳ, — деб елкасига қоқиб қўйди.

Улар сойдан кўтарилиб, яна ўрмон орқали йўлларини давом эттиришди. Сойдан тахминан бир ярим чақирим юрганларидан сўнг ўрмон ичида бир овчининг уйига дуч келишди. Эшигига “Х” шаклида иккита тахта қоқилган, кичкина туйнукчасига ҳам ёғоч тахта ўрнатилганди. Саша уйнинг орқасидан ломга ўхшаш бир темирни олиб келиб, қоқилган ёғочларни кўчириб ташлаб, эшикни очди. Ичкарига киришганда супага ўхшаш хонада ёғоч сўрига бир нечта ҳайвон териси тўшаб қўйилганлигини кўришди. Тахмонда ёрдаги сингари барча кундалик зарур нарсалар тартиб билан териб қўйилганди. Саша ва Аким елкаларидаги қопчиқларини столга қўйиб, қўйинларидан бир нечта газетани ҳам чиқаришди. Ўртада кичкинагина буржуйка бор, карнаклари ёнига тахлаб қўйилганди. Ҳаммасини бир-бир кўздан кечириб бўлишгандан сўнг Аким Фуломга деди:

— Басурман, мана бу қопчиқда озиқ овқатлар ва бошқа зарур нарсалар бор. Бу ердаги егулик сенга бемалол бир ҳафтага етади. Мен уч кундан сўнг хабар оламан, имкони бўлса, қош қораймагунча печкани ёқма. Ҳозир ўрмонда ҳеч ким бўлмайди, шундай бўлса ҳам, эҳтиёт шарт. Чунки, ким билсин, сенинг зонадан қочишинг ментларнинг миясига қандай фикрни келтираркин. Зонанинг бошлиғи Самойло — анча уддабурон, фирибгар одам. Агар бизнинг қиладиган ишимизга ишонмаса, қандай чора кўраркин, билмадим. Бир ҳисобда, сенинг “ўлиминг” уни қониқтиради, лекин ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт бўлган маъқул. Шундайми, Басурман? — деди ва ички чўнтагидан “Наган” русумли тўппонча, бир қути ўқ ва зонада ясалган, ўткирлигидан соқол олса бўладиган битта пичоқ берди. Булардан қандай фойдаланишни биласан, — деб хайрлашиш учун қўлини узатди.

Меҳмонларни кузатишдан олдин уларга кейинги гал келганларида озгина писта ёғи, гуруч, сабзи, пиёз ва янги

гўшт келтиришларини илтимос қилди. Мезбонлар ҳайрон бўлиб, сабабини сўрашди. У эса: “Кейин ўзларинг хурсанд бўласизлар”, — деб жавоб берди. Улар келган йўллари орқали орқага қайтишди. Меҳмонларни кузатиб, янги кошонасини ўзлаштира бошлади.

Кираверишда анчагина ўтин тайёрлаб қўйилган, сақич билан обдон сувалган каттагина ёғоч бочка, бир бурчакда катта темир чойнак, олтита алюмин кружка, шунча дона алюмин товоқ ва қошиқ, кичкина декча, това, рус нони ёпиладиган тўрт дона қолип, болға, арра, болта ҳам бор экан. Фулом қопчиқлардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб, бирин-кетин жойлай бошлади. Бир кичкина халтадаги тамаки ва газеталарни алоҳида қўйди. Фулом зонага тушгандан сўнг аста-аста чекишга ўргана бошлаганди. Ҳамма нарсани жойлаштириб бўлгандан сўнг нонни пўстинга ўради, қотирилган гўшт, колбаса ва айнийдиган нарсаларни қопчиққа қайта жойлаб, доимо шамол келиб турадиган туйнук олдиға осиб қўйди.

Ўрмонда тезда қоронғи туша бошлади. Чироқни ёқиб, печкага майда ўтинлардан қалади ва пуфлаб ўт олдирди. Бироздан сўнг хона исий бошлади. У ёмғир суви солинган чойнакни печканинг устига қўйди-да, хаёлига бир фикр келиб, ёғоч бочкани тарновнинг тагига юмалатиб олиб борди. Бочканинг ичини яхшилаб тозалаб, тарновнинг тагига қўйгач, ёмғир суви оқиб тушишини мамнунлик билан кузатиб, сўнгра ичкарига кирди. Кружка, қошиқ, товоқларни эринмай қайнаган сув билан ювиб, сочиқ билан артди. Бўшаган чойнакка қайтадан сув тўлдириб, печканинг устига қўйди.

Ташқарига чиқиб ёзилмоқчи бўлди, аммо ўн қадам наридаги усти ёғочдан қилинган мустаҳкам ҳожатхонага кўзи тушиб, геологларга хаёлан раҳматлар айтди. Ҳожатхонадан чиқиб, қўлини тарновдан оқаётган ёмғир сувига ювгач, ичкарига кирди. Қўлини сочиқ билан артаётганида хонанинг бир бурчагидаги алюмин кастрюлкага кўзи тушди. Очиб кўрганди, эритилган ҳайвон ёғи қотиб қолган экан. Бундан жуда хурсанд бўлди. Ёғдан озгина товага солиб, печканинг устига қўйиб, картошкани тозалай бошлади. Паррак-паррак

қилиб кесиб, қизаргунча пиширди ҳамда консерваланган гуштни очиб, устига ағдарди. Бу орада чой ҳам қайнади. Ўтириб овқатланди, шакарли чой ичди, битта махоркани ўраб, ҳузур қилиб чекди...

* * *

Куз ўрмони жуда сокин бўлиб, ёмғир ёғиши, шамолнинг гувиллаши, дарахтларнинг тебраниши кўнгилга хушқайфият, кўтаринки руҳ бағишларди. Фулом эрта тонгда таҳорат олиб, намоз ўқигач, чойнакни печкага қўйиб, жисмоний машқларни бажарар экан, бу даргоҳдан ажралмаган ҳолда, ўзини ажиб табиат қўйнига сингишиб кетгандек сезарди. Ярим яланғоч ҳолда жисмоний машқларни бажарар, сўнгра бочкадаги сувдан челақка олиб, ҳузур қилиб ювингач нонуштага ўтирарди. Кечагидан қолган овқатни товада иситиб, маза қилиб ерди. Ётиб юрган тахта супа остидаги эски жомадондан геологларнинг эсдаликлари ёзилган қора дафтарлар ва Александр Дюманинг “Граф Монте Кристо” номли китобини топиб олди.

Бу топилма Фуломнинг кўзига худди дунёнинг бебаҳо бойлигидек кўриниб, хурсанд бўлиб кетди. Энди кунлар зерикарли ўтмаслигига амин бўлди. Аввалига геологларнинг қора дафтарини ўқий бошлади. Уларнинг жимжимадор қилиб ёзган сатрларини ўқиш анча мушкул бўлса ҳам, мазмунини тушуниш қийин эмасди. Геологлар бу ерлардан нефть ва бошқа қазилма бойликларни излаганликлари уларнинг дафтарга туширган шаклларида, кўрсатган координатларида сезилиб турарди. Дафтарларни кўриб бўлганидан кейин китобга ёпишди. У ердаги воқеаларни қизиқиб мутолаа қилди...

Шу алфозда уч кун ўтди. Фуломнинг уйи атрофида ҳар доим иккита зағизғон сучиб юрар, улар тўкилган ювинди ва нон ушоқларига дарҳол ташланишарди. Бундан ташқари, пихта дарахтларида ўнлаб ҳуркович олмахонлар бўлиб, ойна туйнугидан уларнинг ўйинларини, қаердандир топиб келган ёнгоқларини, дарахтларнинг меваларини ўткир тишлари билан чақиб ейишларини соатлаб томоша қиларди.

Олмахонлар уни кўришлари билан дарахтларнинг қуюқ соясига бекинишарди. Фулом кичкина тахтачани одам бўйи етадиган қилиб азим пихта дарахтига қоқди-да, унга нон ушоқларини сепиб қўйди. Аммо кундуз кунни қоқилган дастурхондаги нон ушоқларини дарҳол зағизғонлар учиб келиб, битта қўймай еб кетишди. Шундан кейин Фулом дастурхонда қолган нон ушоқларини қоронғи тушгандан сўнг тахтачага сочиб қўядиган бўлди.

Тўртинчи кунни зағизғонлар бор овозлари билан ўрмонни бошларига кўтаришди. Бу ҳолатдан бегона одам ёки ҳайвон келаётганини сезган Фулом тўппонча ва пичоқни олиб, дарахтлар панасига яширинди. Ёмғир ёғиши тўхтагани билан, ҳавонинг қовоғи солиқ, қуюқ булутлар вазмин сузарди. Тахминан ўн беш дақиқалар ўтгандан сўнг бир одам яширинча арчанинг орасидан геологларнинг уйини кузата бошлади. Ниҳоят, ҳеч қандай ҳаракатни сезмагандан сўнг уч марта ёввойи ўрдак овозида қичқирди. Бу Сашанинг шартли белгиси эди. Шундан сўнггина Фулом беркинган жойидан чиқиб, уй томон кела бошлади. Меҳмони ҳам қуюқ арча буталари орасидан чиқиб, унга томон юрди. Сашанинг елкасида йўлхалта, чап қўлида эса неэпманлар кўтариб юрадиган жомадонча бор эди. Улар пиллапояда учрашиб, маҳкам қўл сиқишиб сўрашишди-да, эшикни очиб ичкарига киришди. Столга ўтиришгандан сўнг Саша жомадонни очиб, ичидан паспортни олди. Саҳифаларини очиб, Фуломга кўрсатди.

— Мана шу паспорт бўйича сен энди Гасан Магомед ўғли, миллатинг — озарбайжон, Апшерон туманининг Бешқардаш қишлоғида таваллуд топгансан. Яхшилаб паспортдаги маълумотларни ўрганиб чиқ, ухлаб ётганингда ҳам бехосдан турғазиб сўрашса, батафсил жавоб берадиган бўлишинг керак. Мана бу ҳужжат сафарга юборилганинг ҳақида. Сен Апшерон тумани “Кооптайёрловсавдо” идорасининг экспедиторисан. Москва, Ленинград шаҳарларига хизмат сафарига юборилгансан. Бу ҳужжатлар асл, фақат унинг эгаси аллақачон бу дунёни тарк этган, расминг ёпиштирилган, холос.

Қоронғи тушди. Фулом печкага ўт ёқиб, чой қайнатди. Бу пайтда Саша йўлхалтани очиб, ичидан олиб икки шиша

ароқ ва бошқаларни олиб, бирин-кетин стол устига тера бошлади. Яна катта бир пакетни кўрсатиб:

— Сенинг буюртманг: гуруч, гўшт, сабзи, писта ёғи, — деди ва йўлхалтани бўшатиб бўлгач, давом этди: — Басурман, бирор ҳафта шу ерда қоладиганга ўхшайсан, сенинг гавданга мос ўлик тополмадик, бунинг устига, лагерда шундай тўполон бўлмоқдаки, асти қўяверасан. Лагерь пахани Чухрай ва унинг ҳамтовоқлари Весёлий, Хнишлар карцерга ташланган. Сени изламаган жойлари қолмади. Шунинг учун биз ҳам режалаштирилган ишларни бироз тўхтатиб туришга мажбур бўлдик. Ментлар шаҳардаги ҳар бир уйда тинтув ўтказишмоқда, муҳим ва бошқа жойларга қўшимча қоровул постлари ўрнатилган, хуллас, сени қидиришмоқда. Қидираверишсин, сени бу ерга яширганимизни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Чунки қочган ҳар бир маҳбус, энг аввало, шаҳарни тарк этишга ҳаракат қилади, биз эса бунинг аксини қилдик. Бу тадбирни ким ишлаб чиққанлигини билмайман-у, аммо калласи ўткир, академик экан.

Саша махорка ўраб тутатди-да, сўнгра давом этди:

— Барча илгари жиноят қилганлар ички ишлар идораларига чақиртирилиб, сўроқ қилинмоқда, шу жумладан, мени ва Акимни ҳам тергов қилишди. Мабодо уч-тўрт кундан сўнг келолмасам, бу ерга сендан хабар олиш учун синглим Марина ташриф буюради. Хавотирланма, боши кетса ҳам, сени сотмайди. Унга барчасини тушунтириб, белгини ҳам айтиб қўйдим. Агар сени олиб чиқиб кетиш иложини қилолмасам, чунки назорат остида бўлишим мумкин, бу ишни Марина бажаради. Тушундингми, Басурман?

У кружкадаги иссиқ чойни хўриллашиб ича бошлади. Фулом дарҳол овқатга уннади, унинг сабзини тўғрашига маҳлиё бўлган Саша деди:

— Басурман, қандай миллий таом тайёрлайсан?

— Бу шундай таомки, ҳам қовурилади, ҳам қайнатилади, ҳам димланади. Уни еган одам эса беқийс қувватга эга бўлади.

Биргалашиб ош тайёрлашди. Чақчақлашиб, бир шиша ароқ ичиб, ошни ейишди. Шундан сўнггина Саша хайрлашиб, келган йўлидан қайтиб кетди.

Кунлар бир маромда ўтар, бу орада Фулом бир олмахонни қўлидан нон ушоқларини териб ейишга ўргатиб ҳам олди.

Орадан олти кун ўтгандан сўнг Фуломнинг кулбасига Марина келди. Фулом уни дарҳол таниди, чунки унинг қиёфаси, юз тузилишлари, ҳатто бетидаги сепкиллари худди Саша тасвирлаб бергандек эди. Марина Саша ва Аким ҳибсга олиниб, область марказига олиб кетилганини сўзлаб берди. Ўз одамлари келгунича шу ерда қолишини ҳам айтди.

Ҳар ҳафта Марина қишлоққа бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кундалик зарур нарсаларни харид қилиб келарди. Фулом уни ўрмоннинг чеккасигача кузатар, шу ерда яшириниб кутиб турар, сўнгра у харид қилган нарсаларни елкасига ортмоқлаб, кулбага қайтишарди. Марина хамир қориб, қолипда нон пиширар, чучвара қилар, гуммалар тайёрларди. Айниқса, унинг карамли, қўзиқоринли, картошкали гуммаларини Фулом сахарда ҳузур қилиб ерди.

Бирга яшаётган бу икки ёш ўртасида ўзаро меҳр-муҳаббат, севги пайдо бўлди. Марина ундан ҳеч қачон ажралмаслигини айтиб, Фуломдан ҳам худди шундай ваъдалар олди. Фулом шундай ваъдаларни берар эдики, бундан Маринанинг боши кўкка етарди.

Бир куни эрта тонгда Фулом шундоққина ҳожатхона ортида бир ярадор буғунинг бошини қуйи солиб турганини кўрди. Ўшанда туни билан қор ёққанди. Аста ортидан яқинлашиб, пичоқни беш қадамдан унинг калласига санчди. Буғу типирчилаб, ерга йиқилди. Фулом дарҳол унинг кекирдагидан пичоқ тортиб ҳалоллаб олди-да, Маринани ёрдамга чақирди. Улар икковлашиб терисини шилишди, гўштни тўрт бўлакка бўлиб, ичкарига олиб киришди. Лекин нон ёпиш учун ун тутаганди. Марина яна қишлоққа боришга жазм қилди. Амаллаб ярим қоп ун харид қилиб, уйларига келтирди. Марина овланган буғунинг ички ёғини эритиб олди. Шу тариқа Фулом ва Маринанинг бахтли турмуши давом этаверди.

* * *

Ўрмонда қаҳратон қиш. Ўтин бисёрлиги учун Фулом ва Маринага бу совуқлар ҳеч нарса эмас. Бунинг устига, икки ёш қалбдан чиқаётган ҳароратнинг тафти бутун оламга татийдиган даражада эди. Шундай кунларнинг бирида уларнинг уйига умуман таниш бўлмаган икки ёш йигит ташриф буюришди. Улар белгиларни айтиб, Фулом ва Маринага энг зарур нарсаларни олиш ва сафарга тайёргарлик кўриш ҳақида топшириқ беришди. Қаёққа, нимага боришлари ҳақида эса оғиз очишмади. Улар ўзлари билан тўрт жуфт чанғи олиб келишган, аммо Фуломнинг чанғида юра олмаслигини ҳисобга олишмаганди. Шу сабаб машғулот ўтказишга икки кун кетди. Фулом улар даражасида юришга ўрганмаган бўлса ҳам, қаддини тиклаб, мумкин қадар учишни ўрганди. Ниҳоят, улар сафарга отланишди ва уч кун деганда ўрмоннинг шимол томонидан кенг трассага яқинлашишди. Ҳамроҳларидан бири уларни дарахтлар панасида қолдириб, кийимларини алмаштириб йўлга чиқди ва қарама-қарши тарафдаги хуторга кетди.

Кечга томон бир енгил автомашина улар яширинган жойнинг тўғрисида тўхтаб, уч марта чироғини ёқиб ўчирди. Шундагина улар билан қолган йигит йўлга чиқишга имо қилди. Барчалари машинага ўтиришди. Бироз юрганларидан сўнг ҳайдовчи машинани тўхтатиб, кийимларини алмаштириб олишга топшириқ берди ва машина кузовидан иккита бўхчани олиб, Фулом ва Маринанинг қўлларига тутқазди. Улар бир дарахт остида кийим алмаштиришди. Йигитлардан бири қўлидаги саперлар куракчаси билан чуқур кавлаб, эски кийимларни кўмиб, устидан қор тортиб ташлади. Машина Москва шаҳрига томон ҳаракатини давом эттирди. Эртасига бир қишлоққа келиб, кузатиб келаётган йигитларнинг қандайдир танишлариникида тунашди. Индинига саҳарлаб яна йўлга тушишди ва тушдан кейин Москва–Ленинград проспектига чиқишди.

Кеча тунаган жойларида Фуломнинг соч-соқолини бир саргарош келиб тартибга келтирганди. Ташқаридан қараганда, Фуломни энди бирор идорада масъул лавозимда ишлайдиган,

турмуш ўртоғи билан сафарга чиққан одам деб тасаввур этиш мумкин эди.

Автомашина Ленинград областига киргандан сўнг бир неча жойда патрул хизмати томонидан тўхтатилиб, паспорт ва сафар гувоҳномалари текширилди, аммо сайёҳларга бирорта ҳам савол берилмади. Шундай қилиб, Фулом ва Марина Ленинград шаҳрига кириб келишди ҳамда ўзларига ажратилган беш қаватли бинонинг иккинчи қаватидаги хонадонга жойлашдилар.

Кечқурун ҳамроҳлари билан “Астория” ресторанида овқатланишди. Ресторанда эндигина овқатланиб бўлишган ҳам эдики, уларнинг столига бир чиройли кийинган йигит ўтириб, уёқ-буёқдан суҳбатлашиб, ҳеч нарса емай, ўзига фақат битта қаҳва буюрди. Эртасига уйларига келган йигитлардан бири Фуломни машинага ўтқазиб, шаҳардан анча узоқ бўлган қандайдир бир корхонага олиб борди. Кўчадан кирилганда худди бу ерда ҳеч қандай корхона йўқдек, аслида, бир қаватли бўлган бинода турли хил токарлик ва слесарлик станоклари, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар бор эди. Аммо цехда бирорта ҳам ишчи-хизматчи кўринмасди.

Унинг олдида кеча ресторанда учрашган, аммо ўзини танитмаган йигит келиб, орқасидан юришга имо қилди. Фуломни кузатиб келган йигит эса цехда қолди. У қўшни хонадаги каттагина сейфни кўрсатиб, Фуломнинг олдида хунармандлар томонидан ясалган мосламаларни қўйиб:

— Басурман, сенинг вазифанг — ана шу сейфни очиш, — деди.

Фулом мосламаларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди, сўнгра темир қутини текшира бошлади. Шериги қўлидаги соатга қараб:

— Бўлди, вақт кетди, ишга кириш, — деб топшириқ берди.

Фулом аввал сигнализацияни ўчирди, сўнгра унга келадиган электр симини узиб ташлади. Топшириқ берган йигит индамай папирос тутатганича унинг ҳаракатларини кузатиб турарди. Фуломга бу темир қутини очиш деярли ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади, чунки бу оддий банк сейфларидан бири эди. Шундан кейин у Фуломни бошқа

бир сейфни очишни буюрди. Бу сейфнинг қулфи мураккаброқ бўлиб, унинг тузилишини билмай туриб очиш анча мушкул эди. Буни ҳам Фулом деярли қирқ дақиқада очди. Мамнун бўлган йигит уни бошқа бир сейф олдиға етаклаб, уни ҳам мосламалар ёрдамида очишни буюрди.

Бу сейф Германиянинг “Zaur g K⁰” заводида ишланган махсус сейфлардан бўлиб, уни очиш жуда қийин эди. Чунки бу сейф махсус кодли, ички зулфинлари мослама билан сурилганда, биттаси очилса, иккинчиси маҳкам қисиб қоларди. Фулом бу сейфнинг сирини билолмади. Унинг бекордан-бекорга уринаётганини кузатиб турган йигит Фуломнинг қўлига немис тилида битилган сейф конструкцияси ҳақидаги ҳужжатларни тутқазиб, ўрганиб чиқишни топширди.

Шу кундан эътиборан Фулом Германия, Швейцария, Япония ва АҚШда ишлаб чиқарилган турли хил сейфларнинг тузилишини ўргана бошлади. Ҳатто унга сейфларнинг кодини аниқлайдиган мослама бериб, ишлатиш усулларини ўргатишди. Энди унга бир неча усталар мунтазам бу соҳа бўйича сабоқ бера бошлашди.

Бундан ташқари, бу жойда махсус ёпиқ спорт майдончаси бўлиб, Фулом ҳар куни тонгда спорт билан шуғулланар, ташқарида об-ҳаво қандай бўлишига қарамай, узоқ масофага чопар, турникда турли хил машқларни бажарарди. Жуда оз вақтда у жисмоний ҳолатини тиклаб олди. Бир неча марта Ангел ва ўзини таништирамаган бир одам унинг кураш усулларини синаб кўришди.

Бир куни Нотаниш одам Ангелга:

— Ҳа, Герасимдан барчасини мукаммал ўрганибди, ҳатто ундан ҳам моҳирона ҳаракат қилишга мослашибди, айниқса, тезкор зарба беришнинг ўзига хос усулини ўзлаштирибди. Бу биз учун катта ютуқ... — деди мамнун қиёфада

IV фасл. ТОЖДОР ЎҒРИЛАР ОЛАМИДА. МУСТАҚИЛ ҚАДАМЛАР...

Қиш мавсумининг ўрталарида Фуломни машинага ўтқазиб, Васильев оролига олиб боришди. Фулом энди у билан дастлаб ресторанда кўришган йигит Ангел эканлигини билар эди. У Фуломнинг таржимаи ҳолини батафсил суриштириб, қамоқхона ва зонадаги ҳаётини сўзлаб беришни илтимос қилди. Фулом унинг талабини қондирди, айниқса, уни Герасим билан бўлган мулоқотлари қизиқтирди. Енгил автомашина мўлжалланган манзилга етиб келгандан сўнг улар биргаликда қабулхонага киришди. Ҳайдовчи ва уни кузатиб келган ҳамроҳлари ташқарида қолишди. Ангел Степа билан бош ирғаб сўрашди-да:

— Ўзидами? — деб сўради.

— Ҳа, аммо бироз кутиб туришингизга тўғри келади. Ҳозир унинг олдида Кацо Гиви бор.

Улар устки кийимларини ечиб, қабулхонадаги диванга ўтиришди. Диван олдидаги кичик столда газета, журналлар бор эди. Ангел улардан бирини олиб, варақлай бошлади. Қизиқроқ мақолага кўзи тушдими ёки кайфияти яхши эдими газетани ўқиб, ўзича кулимсираб, Фуломга нотаниш қандайдир қўшиқни ҳуштак оҳангига мослаб хиргойи бошлади.

Орадан ярим соатлар ўтгандан сўнг Степа уларни хонага таклиф этди.

Шуниси қизиқ эдики, улар кирган хонадан ҳеч ким чиқиб кетмади. Ичкарида биров ўриндиқда ўтирганича сигара тутатиб, қандайдир қоғоздаги жадвални циркул билан ўлчарди. Эшик олдида тўхтаган меҳмонларни қўли билан ишора қилиб, яқинроқ келишларига ишора қилди.

Хонада барваста, замонавий кийинган, бир кўзига қора боғич таққан, антиквар ўриндиқда Адмирал ўтирарди. Улар яқин келгач, ўрнидан туриб, маҳкам қўл сиқийиб сўрашди. Фулом унинг жисмоний томондан анча бақувватлигини сизди. Мезбон стулларга ўтиришни имо қилди, ўзи эса стол устидаги қоғозни деворга ўрнатилган темир қути ичига солиб, қулфлаб қўйди.

Фулом сейф Германияда ишлаб чиқилганлигини бир қарашдаёқ аниқлади, чунки бу хилдаги темир қутиларни очишни обдон машқ қилганди. Шу пайт Степа гилдиракли аравагани етаклаб келиб, устидаги ёпқични олиб, стол устига турли хил газаклар, бир шиша ароқ, икки шишада “Боржоми”, оқ ва қора нон, сариёғ, икра, пишлоқ, балиқ, пичоқ, вилка ва қўл сочиқларни қўйиб, хонадон соҳибига қаради.

— Раҳмат, Степа, боравер, — деганидан сўнг аста аравачасини итариб, эшикни орқасидан ёпиб қўйди.

Уй соҳиби Ангелга имо қилди. Ангел ароқни очиб, қадаҳларга қўйди. Адмирал томоғини бир қириб олиб, қадаҳ сўзи айтди.

— Мана, Басурман, сен ҳам биз каби чинакам адолатпарвар, эзилган мазлум халқ ҳимоячиларининг ҳақиқий аъзоси бўлдинг. Шуни эсдан чиқармагинки, бу дунёда ҳар қандай муаммони куч ишлатмасдан музокаралар билан ечиш ҳам мумкин. Адолатсизлик бўлган жойдагина куч ишлатилади. Бу салтанатни қургунча, қанчадан-қанча биродарларимиз қурбон бўлиб кетди. Келинглари, уларнинг пок руҳларини ёдга олайлик.

Индамай газак қилишди. Шундан сўнг барчалари сигара тутатишди ва суҳбат мавзуи ўз-ўзидан Фуломнинг бўлажак фаолиятига тақалди.

— Бутундан бошлаб сенинг лақабинг — “Атлет”. Менинг шахсий қўриқчиларим таркибида ишлайсан. Фақат менинг топшириқларимни бажарасан. Шуни бир умр ёддан чиқарма: ташкилотимизга киришга ҳавас қилганлар кўп, аммо сараланган, ҳалол, бизнинг ғояга содиқ одамларгина бундай шарафга муяссар бўлади. Бу ташкилотта кирган одам умрини шу салтанатни мустаҳкамлашга бағишлайди. Қанчадан-қанча биродарларимиз зоналарда азоб чекмоқда, уларнинг оилалари оч-наҳор, қашшоқ ҳолда кун кечирмоқда. Ана шу ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган маслакдошларимизни моддий томондан қўллаб туриш, зоналарда ўтирган вақтларида оилаларига ёрдам бериш бизнинг асосий вазифамиздир.

У бироз сукут сақлаб, сўнгра сўзини давом эттирди.

— Бундан ташқари, сўнгги вақтларда “тождор ўғрилар кодекси”га қарши борувчи жиноий гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Улар ўғрилиқ қилиш ўрнига талончилик, босқинчилик

қилиб, ҳатто бу машъум ишларни амалга оширишда одам ўлдиришгача боришмоқда. Бу бизнинг қатъий қонунимиз, “қон тўкмаслик” ҳақидаги ақидамизни қўпол бузиш, ўғрилар оламини халқ олдида бадном қилишдан бошқа нарса эмас. Ана шундай гуруҳларни аниқлаш ва уларга қарши қатъий, шафқатсизларча кураш олиб бориш каби вазифа ҳам камина зиммасига Кенгаш қарори билан юклатилган. Шу сабабли, сўнгги пайтда сенга ўхшаган жисмоний бақувват, ўғрилиқ кодексига содиқ маслакдошлардан менинг ихтиёримдаги махсус гуруҳ иш олиб бормоқда, сени ҳам шу ишга жалб қилишга қарор қилдик.

Шу ерда тўхтаб, қутидан сигара олди, меҳмонларга ҳам имо қилиб, сигара тутатди. Унга Ангел қўшилди, аммо Фулом биринчи бор Адмирал ҳузурида бўлганлиги учун сигарани тутатишдан истиҳола қилди.

— Қачонки ўғри ўзининг ҳаёти хавф остида бўлиб, ҳимоя қилиш мақсадида қон тўксагина, айби кечирилади. Сабабсиз қон тўкканлар, оддий инсонларнинг ҳаётига зомин бўлганлар бу оламда қаттиқ жазога мустаҳиқ, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилган вакилларимиз ҳам. Шуни эсдан чиқармагинки, Кенгашнинг ҳар қандай қарорини бажаришинг шарт. Айтилдим — вассалом, ижро этилиши мажбурий. Керак бўлса, жаллод вазифасини ҳам бажарасан, гапларим тушунарлими?

Адмирал бироз сукут сақлаб, сўзини давом эттирди:

— Жиноят оламида сени фақат Кенгаш аъзолари билишади, борган жойингда менинг номимдан иш кўрасан, бундай ҳолатларда ҳеч қачон адолатсизлик қилмаслигинг, ўғрилар кодексига доғ туширмаслигинг шарт, агар қонунимизни бузадиган бўлсанг, жазоланасан. Доимо берган сўзингни, албатта, бажаришинг шарт, шунинг учун гапиришдан олдин ўйла: бу иш қўлимдан келадими ёки йўқми? Марҳум устозларимиз Дядя Толя, Дед Матвей, Баронлар шунча машаққат билан қурган салтанат вайрон бўлиб кетишига йўл қўйишимиз, бу уларнинг пок руҳларига нисбатан ҳурматсизликдир, Атлет. Бу қонунлар улар томонидан яратилган, уни ўзгартириш ваколати ҳеч кимга, ҳатто, менга ҳам берилмаган, тушундингми? Яқин кунларда Кенгаш йиғилади, ҳозирча жойи номаълум. Уни бу ерда

ўтказиб бўлмайди, бир овлоқроқ жой топишимиз керак, акс ҳолда, бу ердаги ментларни қўзғатиб қўйишимиз мумкин. Борган авторитетларнинг ҳаёти учун ташкилотчилар бошлари билан жавобгардирлар, уларга ёрдамлашиб юбориш эса сенларнинг зиммангда. Сени шу Кенгашда таништираман, тушундингми? Ҳа, айтгандек, хотининг билан қонуний никоҳдан ўтганмисан?

— Йўқ, — деди Фулом ерга қараганича.

Адмирал Ангелга юзланиб, деди:

— Ангел, бир мусулмон домла топиб, расм-русумини қилиб қўйиш шарт, акс ҳолда, никоҳсиз бола туғилиб қолиши мумкин, бу эса сен билан менинг хатойим бўлади. Бу ишни шу бугуноқ амалга ошир.

Сўнгра Фуломга деди:

— Энди эса, Степанинг олдига чиқ, сени ва Маринангни жойлаштиради. Ангел, сен қол, ҳали маслаҳатимиз тугагани йўқ.

Кечки пайт Ангел Рим Файнутдин ўғли деган домлани бошлаб келди ва ислом шариатига биноан Фулом ва Маринани никоҳлатиб қўйди...

* * *

Фулом ва Маринани Адмиралнинг қароргоҳидан эллик метрдан узоқ бўлмаган ерда, аммо кўчанинг бу юзида жойлашган чоғроққина икки хонадон, айвон ва бостирмаси бор ҳовлига жойлаштиришди. Бу ерда, асосан, раҳбарларга хизмат қилувчи одамларгина яшар экан.

Фулом ҳар саҳар хотини билан Адмирал хизматига келар, топшириқларини бажарар, шогирдлари билан турли хил жисмоний ва руҳий машқлар бўйича машғулотлар ўтказарди. Бу гуруҳ ўн чоғли жисмонан бақувват, илгари ҳеч қандай жиноят содир этмаган, ҳарбий хизматни адо этиб келган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳисобда турмаган йигитлардан жамланганди. Бу орада Герасим ҳам озодликка чиқиб, Адмиралнинг қароргоҳига келди.

Фулом устози уларнинг сафига қўшилишидан жуда кушнуд бўлди. Энди Устанинг ўзи машғулотларни назоратига

олди, кундан-кунга машқлар мукаммаллаштирилиб, баланд тўсиқларга турли хил мосламалар ёрдамида чиқиш, сакраш, эркин кураш усуллари билан бир қаторда, Шарқ мамлакатларида одат бўлган курашиш машқлари ўтказила бошланди. Жисмоний ва руҳий машқлар тўлиқ ўзлаштирилгандан сўнг, уларни бир ойга Фин кўрфазига сафарбар қилишди.

Бу ерда Герасим ва турли инструкторлар раҳнамолигида бўлғуси жангариларга ўқотар қуроллар, портлаткич моддалар, пичоқ ва шу каби қуроллардан фойдаланиш машқлари ўтказилди. Моргун, Ворон лақабли йигитларга мерганлик милтиғидан нишонга ўқ узиш бўйича қариб қолган, аммо қаддини тўғри тутишидан илгари зобит бўлганлиги билиниб турадиган одам деярли бир ой таҳсил берди. У СВДга оптик мосламани ўрнатиб, 100, 200, 300, 400 ва 500 метрдан аниқ нишонга олиш, ҳаракатланаётган жисмга ўқ узиш бўйича махсус дарсларни ўтди.

Шундай қилиб, Адмиралнинг жазо гуруҳи диверсантлик мактабини битириб келган ҳар қандай жосуслардан кам таълим олмади, энди улар оддий одамлар бажаролмайдиган мушкул топшириқларни бажаришлари шубҳасиз эди.

Фуломнинг Адмирал паноҳига келганлигига қарийб бир йилча вақт бўлди. У билан тез-тез Ангел, Герасим учрашиб туришар, жиноят оламида бўлаётган воқеа, ҳодисалар ҳақида мумкин бўлган ахборотларни айтишарди. Бу орада Тождорлар Кенгаши умумиттифоқ ўғрилар бошлиқлари йиғилишининг ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилди. Кенгашнинг Сочи сиҳатгоҳида ўтказилишига келишиб олинди.

Кузнинг ўрталарида, яъни сиҳатгоҳда бархат мавсумида дам олувчилар ниқоби остида мамлакатнинг турли бурчакларидан тождор ўғрилар шаҳарга оқиб кела бошлади. Уларнинг хавфсизлигини таъминлашни миллати молдаван бўлган, шу ҳудудда расмий ўғрилар гуруҳи бошлиғи, тождор ўғри Иштван Сочинский ўз зиммасига олди. Милиция органларининг диққат-эътиборини тортмаслик учун ҳар бир гуруҳ раҳбари йўлланмалар билан келиб, сиҳатгоҳ хоналарига жойлашди. Фақат Кенгаш раҳбарларигагина маҳаллий коттежлардан жой ажратилганди. Фулом ўз гуруҳи билан бир ҳафта олдин келиб, Адмирал, Филон, Бистрий, Ангел

ва бошқалар жойлашадиган уйларни муҳофазага олди ва улар келгунига қадар тегишли кузатиш ишларини олиб борди.

Иттифоқнинг турли минтақаларидан келган вакиллар қарийб 120 дан ортиқ кишини ташкил этди. Кенгаш Сочидаги бир бой зодагон одамнинг туғилган куни юбилейини нишонлаш муносабатига бағишланиб, меҳмонлар йиғилишидек ўтказилди.

Иштван Сочинскийнинг одамлари билан бирга Фулом раҳбарлигидаги гуруҳ йиғилиш қатнашчиларининг хавфсизлигини таъминлашди. Фулом ташриф буюрганларга эътибор қиларкан, бу ерга миллати турли хил ўғрилар келганлигининг шоҳиди бўлди. Улар орасида рус, украин, белорус, грузин, озарбойжон, арман, чечен, қарачай, доғистонлик, туркман, қozoқ, татар, ҳатто поляк ва бошқа миллат вакиллари борлигини кўрди. Ҳар бир одам мустақил бир овозга эга эди.

Йиғилишни Кенгаш аъзоси бўлган, анча қариб қолган тождор ўғри Марк Тульский бошқариб борди. Дастлаб, делегатлар фоний дунёни тарк этган донгдор ўғрилар Дядя Толя, Дед Матвей, циганлар етакчиси Баронларнинг хотираларини ёдга олиб, бир дақиқа тик туриб сукут сақлашди.

Сўнгра анжуман Адмиралнинг олдинги йиғилишдан шу кунгача олиб борилган ташкилий ишлар ҳақидаги ахборотини тинглади. Кейин обшакнинг ғазначиси Ангелга сўз берилди. У ҳам шу давр ичида обшакка тушган маблағларни аниқ рақамда эмас, нисбий кўрсаткичларда ифода этиб, қанча фоизи зонада ўтирган ўғрилар, уларнинг оилаларига кўрсатилган моддий ёрдам, неча фоизи чет эл компанияларига инвестиция қилинганлиги, шу ҳисобдан олинган соф фойда ҳақида маълумот берди.

Кейинроқ ҳудудлардан ўтказилиши мажбурий бўлган бадалларни асоссиз ортга суриб келаётган Сибирь ва Узоқ Шарқ минтақалари раҳбарларини танқид қилди ва шу туфайли уларнинг бўйинларига қўйилган қўшимча фоиз рақамларини айтди. Йиғилиш иштирокчилари уларга қатъий талабларини билдирди. Бу регионлар бошлиқларининг ҳисоботлари тингланиб, бир ой мобайнида қарзларини

узиши, акс ҳолда, “тож”ларидан маҳрум бўлиши ҳақида огоҳлантириш берилди.

Тушликдан сўнг Паша Симбирскийга уч тождор ўғрининг тавсиясига биноан тож кийдириш, қасам ичтириш маросими ўтказилди. Гулом биринчи марта тож кийдириш маросимида қатнашаётганлиги учун мароқ билан томоша қилиб, қасам ичишдаги сўзларни диққат билан эшитди. Тож кийган Паша Симбирский тантанали қасамёд қиларкан, шундай деди:

— Қадрли биродарлар! Менга кўрсатилаётган ишонч учун сизларга ҳар қанча миннатдорлик билдирсам ҳам, кам. Тож менинг елкамга маълум масъулият ва вазифаларни юклайди. Мен олдингизда қасамёд қилар эканман, бундан кейинги фаолиятимда, то тирик эканман, ўғрилар ғоясига садоқат билан хизмат қилишга, ишимизга қўйиладиган ҳар қандай тўсиқларга қарши курашишга, адолатсизликка имкони борича чек қўйишга ваъда бераман. Агар кийган тожга хиёнат қилсам, сафдошларимнинг битмас-туганмас лаънатига, жазоларига мустаҳиқ бўлай. Бу йўлдан қайтсам, менинг номим авлодлар тилида доимо қоралансин...

Маросимдан сўнг дастурхон тузалди. Шу ерда бўлган татуировкачилар бошқа хонада Паша Симбирскийнинг кўкрагига тождор ўғриларга мансуб бўлган расмни, яъни ўртада бут, икки чеккасида осмону фалакка қанот ёзиб учмоқчи бўлиб турган фаришталар суратини чизди. У кириб кўкрагидаги тасвирни йиғилиш иштирокчиларига намоиш қилди.

Куннинг қолган ярмида Адмирал сўз олиб, йиғилиш қатнашчиларининг диққат-эътиборини қуйидаги масалага қаратди. У сўзга чиққач, кўпчилик регионларда турли уюшмаган гуруҳлар томонидан одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган жиноятлар ҳақида маълумот бериб, бу ҳудуд бошлиқларига дарҳол бундай ишларга барҳам бериш чораларини кўришлари зарурлигини уқтирди. Бундай жиноятлар натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўшимча репрессиялар ўтказилишига кенг йўл очилишини, бу эса Кенгаш тартиби билан фаолият юритаётган ўғриларга маълум қийинчиликлар туғдираётгани, умуман, бу ғояни халқ олдида бадном қилаётганлиги ҳақида маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари бундай гуруҳларга қарши аёвсиз кураш очиб ҳақида қарор қабул қилди. Шу билан анжуманга якун ясаиб, ўғрилар сиҳатгоҳда дам олишди, йўлланмасиз келганлари эса шаҳардаги ишларини тугатиб, жой-жойларига жўнаб кетишди.

Ленинградга қайтиб келганларидан сўнг бир ой ўтмасдан уни Адмирал ҳузурига чақиртиришди. Хонада Ангел ва грузин миллатига мансуб, шоҳона кийинган бир нотаниш одам бор эди. Фулом салом бериб, Адмирал кўрсатган стулга ўтирди. Адмирал шошмай сигарани қўлига олиб, учини қирқиб, тилладан ишланган ёндиргични тутатди-да, ҳузур қилиб тортди, бурун катакларидан тутун чиқариб деди:

— Атлет, бу киши Кацо Гиви Сухумский. Гуруҳинг билан Сухуми шаҳрига бориб келишингга тўғри келади. Шаҳарда батано Дато раҳбарлигидаги бандитлар гуруҳи иш олиб бормоқда. Шу пайтгача — бизнинг манфаатимизга зарари тегмагунларича унинг фаолиятига панжа орасидан қараб келган эдик. Энди эса бу гуруҳ фаолиятига чек қўйишимиз, раҳбарини ўз қонунимиз бўйича суд қилишимиз зарур, чунки у портдаги одамимизни ўлдирибди. Бизнинг хорижий давлатлар билан амалга оширадиган экспорт-импорт ишларимизга тўсқинлик қилиб, тижоратдан келадиган фойданинг 20 фоизига шерик эканлиги ҳақида одамларимизни огоҳлантирибди, ҳатто менинг номимни айтишганда, “Адмирал Санкт-Петербургдаги ишини қилаверсин, бу ер — Сухуми, менинг юртим, бу ерда мен хонман”, деб айтибди.

Шу ерга келганда, Адмирал сигарасини охирги марта қаттиқ тортиб ўчирди-да, сўзида давом этди:

— Унинг гуруҳи, маълумотларга қараганда 40 — 50 кишини ташкил этади. Мен сени биламан, Атлет, қизиққонсан, очик уруш эълон қилмасдан, ўзини бир нечта гувоҳлар олдида қатл этиш зарур, токи Адмиралнинг нариги дунёдагидан бошқасига қўли етишини билсинлар. Қолганлари, инсофга келсалар, “тушунча” билан яшашни хоҳласалар, Кацо Гивининг қўлига топшириб келасан. Ҳа, дарвоқе, бизнинг портдаги одамимизни қийнаб ўлдирганни ҳам худди шу йўсинда қатл этасан. У бечорани шундай қийнабдиларки, асти гапириб бўлмайди, бу падарлаънат

ҳам шундай ўлим топмоқлиги зарур. Атлет, шундагина шояд бу безовта кўнгил ором олса, топшириқ тушунарлими? — тасдиқ ишорасини олгандан сўнг, Ангелга қараб, сўзини давом эттирди. — Ангел, буларга керакли қуроллар ва хизмат сафари учун маблағ ажрат. Кацо Гиви билан биргаликда, операция режасини ишлаб чиқинглар, бугун 22 ноябрь, бир ой мобайнида қасос амалга оширилиши керак, бўшсизлар, айтилган иш билан шуғулланишни бошланглар...

* * *

Харьков — Сочи поездининг иккита ёнма-ён купесида саккиз нафар ёш, баланд бўйли, мушаклари бўртиб чиққан навқирон йигитлар дам олишга отланган сайёҳлар сифатида ҳазил-хузил қилиб кетишмоқда. Барчалари кўринишидан спортчиларга ўхшар, кўча кийимларини қозиққа илиб қўйган, эгниларида спорт мусобақалари ўтказилишидан олдин кийиладиган кийим эди. Иккинчи томондан, проводник уларнинг спортга алоқадор кишилар эканлигини шундан билдики, уларнинг бирортаси ҳам йўл давомида спиртли ичимликни истеъмол қилмади.

Сафар давомида, одатда, йўловчилар вақтни ўтказиш учун карта ёки бошқа ўйинлар билан машғул бўлар, улар эса спортга оид газета ва журналларни ўқишарди, проводникдан шахмат сўраб олиб, бутун йўл давомида дона суришди. Ресторанга иккига бўлиниб овқатта боришар, сўнгра чой буюриб, яна қайта шахмат ўйинига ўтиришарди. Улар ўзларини хушмуомала тутишарди, ҳатто бир аёлнинг юкларини ва қўлидаги қизчасини кўтариб навбатдаги шохбекатда вагонга чиқишига кўмаклашиб юборишди.

Уларга баланд бўйли, ингичка мўйлови ўзига ярашган, афтидан ўрта осиелик ёки кавказлик бўлган йигит сардорлик қиларди. Проводник уни “тренер бўлса керак”, деб тахмин қилар, аммо йўловчиларнинг деярли ҳаммасининг ёшида худди фарқ йўқдек кўринарди. Сочиға етиб келишларига икки бекат қолганда, йигитлар кўча кийимларини кийишди, спорт кийимларини эса жойлашди. Йигитлардан бирида йўл сумкаларидан ташқари, каттагина жомадон ҳам бор эди.

Проводникка чой ҳақини тўлашди, аммо қайтимини олишмади.

Вагондан тушишлари билан уларнинг олдида шу ерлик йигитлардан бири келиб, сўрашди ва вокзал майдонидан машиналар турадиган бекатга бошлади. Уларни каттагина автобус кутиб турарди. Йигитлар жойлашганларидан сўнг автобус қўзғалди. Йўл-йўлакай ҳар хил мавзуларда суҳбатлашиб кетишди. Уларни кутиб олган йигитнинг исми Сандро экан, ўзини таништириб, меҳмонларга грузин халқининг турли урф-одатлари, овқатлари ҳақида сўзлаб берди.

Сочидан Сухуми шаҳригача деярли ўн икки соат йўл босишди. Порт шаҳрига кираверишларида патрул-пост хизмати меҳмонларнинг паспортлари, хизмат сафарига юборилганликлари ҳақидаги гувоҳномаларни текширди. Йўловчилар Харьков шаҳридаги “Меҳнат резервлари” спорт муассасаси эркин кураш секциясининг спортчилари бўлиб, вазирлик томонидан шу спорт турини ривожлантириш, ёш спортчиларни танлаш, саралаш ва умумиттифоқ мусобақаларига тайёрлаш учун юборилаётганлиги сафар ҳужжатларида қайд этилганди. Шаҳарга кирганларидан сўнг Ленин кўчаси орқали юриб, шахсий уйлар қатор жойлашган манзилга келишди. Автобусдан тушиб, жинкўчаларда бир чақиримча масофани босиб ўтишди ва ниҳоят атрофи тош девор билан ўралган каттагина уйга киришди.

Афтидан, меҳмонларни кутиб туришган экан, дарҳол бир йигит чиқиб, уларни ичкарига бошлади. Кенг айвонга ўхшаш меҳмонхонада уларни Кацо Гиви ва яна бир одам қаршилади. Одатдаги салом-аликдан сўнг дастурхонга таклиф этишди. Меҳмонлар ҳазил-ҳузил билан грузинча харчо — қўй гўштидан қилинган кабобни ҳузур қилиб ейишди. Грузинларда машҳур бўлган “Хванчкара” виносидан мезбонларнинг зўрлашларидан сўнг номигагина татиб кўришди.

Овқатланиб бўлишгандан сўнг Кацо Гиви, ўзини Дзиаип деб таништирган одам ва Фулом алоҳида бир хонага кирдилар. Қолганларни дам олиш хоналарига иккитадан қилиб, жойлаштиришди. Фулом кирган хонада кичик стол ва диван

бўлиб, қарши тарафга табуреткалар терилган. Стол устида “Герцоговина Флора” папирос қутиси, кулдон ва ёндиргич қўйилган. Нарироқда яна битта каттароқ стол бўлиб, унда кавказда битадиган цитрус мевалар, бир шиша вино ва бокаллар бор. Биттадан папирос тутатишгач суҳбатни бошлашди.

— Атлет, — деб мурожаат қилди хонадон соҳиби, — батано Датонинг гуруҳини ўзимиз ҳам тинчителишимиз мумкин эди, аммо унинг уруғи жуда кучли нуфузга эга, агар шу ишни биз қилсак, ҳеч қачон тинчимайдиган ўзаро урушга замин яратиб қўямиз. Қонли қасос бошланиб кетади, тижорат ишларимиз ҳам барбод бўлади. Шу сабаблигина, мен Адмиралдан бу вазифани зиммасига олишни илтимос қилдим. Энди бу гуруҳ ҳақида маълумот берсам:

Банданинг бошлиғи Дато Абрамидзе йигирма етти ёшда, бир марта босқинчилик қилгани учун беш йил қамокда ўтирган. Дато ҳеч қандай “тушунча” билан яшаш, “ўғрилиқ кодекси” деган нарсаларни тан олмайди. Тўғри, шу пайтгача, бизга қарши ҳеч қандай ҳаракатларни қилмаганди, шу сабабли биз ҳам унга эътибор бермасдик. Ҳатто баъзи пайтлар ҳамкорлик қилган вақтларимиз ҳам бўлган. Шу йилдан бошлаб, — дея давом этди Гиви томоғини ҳўллаб олиб, — унинг гуруҳи кучли қуролланган бандага айланди. Банданинг орасида одамимиз бор, у портда ўғриларга ҳалол хизмат қилаётган одамимизнинг ўлдирилиши жўрттага амалга оширилганлигини хабар қилди. У шаҳардан ўғриларни тўлиқ қувиб чиқариб, ўз яккаҳокимлигини ўрнатмоқчи. Шу сабаблигина, тождор ўғрига, яъни менга пинҳона уруш эълон қилган. Албатта, биз уни ими-жимиди ўлдириб юборишимиз ҳам мумкин эди, аммо у Адмиралга “чақириқ” ташлагани учун Қирол бундай усулни қатъиян рад этди.

Шундан сўнг, у қўйнидан бир нечта фотосуратларни олиб, Фуломга тушунтириш бера бошлади:

— Мана бу суратдаги Дато Абрамидзе, мана буниси “Қассоб” лақабли энг яқин ёрдамчиси Гога. “Қассоб” лақаби қўйилишига сабаб, дарҳақиқат, бир вақтлар у Сухумидаги гўшт комбинатида қассоб бўлиб ишлаган, бераҳм, қаҳри қаттиқ одам. Мана бу суратга қарагин-а, Атлет, — деб чўнтагидан яна иккита суратни чиқарди.

Суратда иккала қўли маҳкам боғланиб, дарахтга осилган одам турсикчан, баданларининг кўп жойлари ўткир қурол билан тилинган, бир одамнинг жароҳатларига туз сепаётгани, осилган одамнинг ерга тегар оёқлари остига тоғорада чўғлар қўйилган, оғриқдан кўзлари косасидан чиқиб кетар ҳолатда тасвирланган. Осилган одамнинг оғзига латта тикилган. Фулом бир неча дақиқа суратга тикилиб туриб, муштлири қандай қисилганини ўзи ҳам билмай қолди. Бу ваҳшийлик ҳақида унга Ангел сўзлаб берган, аммо суратларни кўрсатмаганди.

— Малинаси қаерда жойлашган? Кечаси қаерда тунайди? Ёнида нечта қўриқчиси бўлади? — савол берди Фулом.

— Малинаси — Бауман кўчаси, 29-уй. Қаттиқ қўриқланади, иккита қопонгич, ўргатилган ити ҳам бор. Биттаси — дарвоза олдида, иккинчиси — омборхона ёнида. Улар кундуз кунни боғлиқ, тунда эса ечиб юборилади. Уйида доимо қуролланган камида бешта қўриқчиси кечаси-ю кундуз хизматида. Уйига қарама-қарши тарафда “Освайхим” ташкилоти бор, оралиқ масофаси тахминан 50 — 60 метрлар чиқади. Ҳозир қиш бўлганлиги учун талабгорлар унча кўп эмас, фақат тушгача машғулотлар олиб борилади, сўнгра қоровулдан бошқаси кетади. Шу идоранинг томидаги чордоқдан уйини бемалол кузатса бўлади, — деб жавоб берди.

Эртасидан бошлаб Моргун ва Птица лақабли шериклари “Освайхим” чордоғига яшириниб, Датонинг уйини кузата бошлашди. Унинг иш тартиби, кимлар олдига келиши, қаёққа бориши, қўриқчилари, қуролланиши ҳақидаги маълумотларни йиға бошлашди. Дато уйининг деворлари тошдан қурилган, баландлиги икки ярим метр, ҳовли саҳни кенг, бир чеккасида каттагина каштан дарахти бор. Ҳовлида доимо икки қўриқчи навбатчилик қиларди, дарвоза олдида қоровуллар учун махсус ойнаванд уйча қурилган. Дато деярли уйдан чиқмас, фақат ҳар замонда ҳожатхонага ўтарди. У ўрта бўйли, келишган, ташқаридан қараган одам унинг жиноят оламининг раҳбарларидан бири эканлигига ишонмасди. Ҳар кун соат ўнлар атрофида “Эмка” русумли енгил автомашина келар, ундан озиқ-овқат, турли хил ичимлик, хўл ва қуруқ мевалар туширилар, аммо ўзи камдан-кам ҳолларда қароргоҳини тарк этарди.

Бир неча кунлик кузатишлардан сўнг унинг уйидаги тартиб ўрганиб чиқилди. Маълумотлар йиғилгандан сўнг, Фулом ва Гиви Датони қандай йўл билан қатл қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлашди. Энг асосийси, итлар ва қоровулларни зарарсизлантириш эди. У Гивига спортчиларнинг қаттиқ торли камони ва санчилганда ҳайвонларда дарҳол уйқу чақирадиган шприц ўқ келтиришни илтимос қилди, ҳатто қандай дори моддаси кераклигини қоғозга ёздирди. Санкт-Петербургда камондан ўқ-ёй отиш машқларидан таҳсил олишганди, аммо бундай масофадан итларга теккизиш мушкул масала, ана шу муаммо бошни қотирарди. Бунинг устига итлар икки жойда, кечаси эса қўйиб юбориларди, бу ишни анча қийинлаштиради.

Кундуз куни Датонинг уйи гавжум, ҳужум қилиш мумкин эмас, ҳатто тўсатдан қилинганда ҳам, мақсад ҳосил бўлмаслиги аниқ эди. Шуларни ўйлар экан, Гиви Тибилиси шаҳридаги ҳайвонот богида йиртқич ҳайвонларда вақтинчалик уйқу чақаришда ишлатиладиган шприц-милтиқдан иккитасини дори моддалари билан олиб келди. Бу айти муддао бўлди.

Кузатишлардан маълум бўлдики, итлар ечиб юборилгандан сўнг қоровулхонада иккита қўриқчи қолади, қолган иккитаси уйга — дам олиш хонасига кириб кетишади. Соат тўртларга яқин қоровуллардан бири уларни уйғотар ва ўрин алмашишарди. Демак, операцияни тунги соат иккиларда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Фулом йигитларига кундуз куни бамайлихотир дам олишларини буюрди. Операция ўтказиладиган куни гумон туғдирмаслик учун Гиви “тижорат ишлари” билан Ботумига жўнаб кетди, Фуломнинг гуруҳини кузатиб қўйиш Дзиаип зиммасига юкланди.

Моргун ва Ворон икки кун давомида янги қуролни ўзлаштиришди, энди улар бемалол эллик метр масофадан нинали ампулани итларнинг баданига қадашлари мумкин. Улар тайёр эканликларини айтганларидан сўнг Фулом операцияни бошлашга қарор қилди. Одатда, итларнинг иккаласи ҳам кечаси қоровулхона олдида ётишарди.

Итларнинг диққатини жалб қилиш учун йигитлардан бири қўлига гитара олиб, кечаси соат иккига яқинлашганда кўчадан баланд овозда қўшиқ айтиб ўта бошлади, кайфи баланд одамлар сифатида бироз тасир-тусир ҳам қилишди.

Итлар девор олдида келишиб, овозлари борида акиллай бошлади. Қоровуллардан бири девор ортидан бемаҳалдаги маст қўшиқчини ва тўполончиларни роса бўралаб сўкди. Бу пайтда Моргун ва Ворон девор ёнидаги каштан дарахтига чиқиб олиб, қуролларни ишлатишга шай бўлиб туришди. Қўшиқчи ва тўполончилар кетишгандан сўнг итлар ҳам овунишди.

Қоровуллардан бири ўзи билмаган ҳолда жазо гуруҳига ёрдам бериб юборди. У қолган овқатни каштандан ўн метрча масофадаги итларнинг охурига ағдарди. Итлар шошилиб бориб, охурга ташланган суяк ва овқат қолдиқларини талашиб ея бошлашди. Қоровул қайтиб кетгандан сўнг Моргун ҳамда Ворон отган ўқдан икки дақиқа ўтмай итлар тинчитилди. Дори моддаларининг концентрацияси жуда кучли бўлиб, ҳайвонни ухлатиш учун унинг ўндан биригина ишлатиларди. Итлар фақат бир мартагина паст товушда акиллашди, холос. Моргуннинг тахминича, бу товушни қоровулхонадагилар эшитмадилар, ҳисоб.

Уйда бешта қўриқчи, Дато, Гога ва кундуз кунли келтирилган икки нафар суюқоёқ аёл бор эди. Бундан ташқари, ёши анчага бориб қолган ошпаз ҳам меҳмонларга хизмат қилиш учун бугун шу ерда тунаб қолганди. Бешинчи қўриқчи қоровулларнинг сардори ва Датонинг шахсий топшириқларини бажарувчи вазифасида эканлиги Гивининг маълумотларидан маълум эди.

Моргун ва Вороннинг вазифани бажарганликларини кечаси кўрадиган дурбиндан кузатиб турган Фулом операцияни бошлаш ҳақида ишора қилди. Ҳаммалари қоровулхонага тескари тарафдаги девордан ошиб тушиб, аста яқинлаша бошлашди. Ёритилган ойнаванд қоровулхонада икки одам бемалол, ҳеч нарсадан хавотирланмай, нарда ўйнаб ўтирганликлари кўриниб турарди. Қоровуллардан бири ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва бир дарахт тагида қовуғини бўшата бошлади. У ишини бажариб бўлмасдан, икки одам дарҳол унинг оғзини маҳкам ёпган ҳолда темир исканжага олишди. Икки киши эса қоровулхонага кирди. Қоровулхонадаги қўриқчи ҳам нима воқеа юз берганлигини англашга улгурмай қолди. Иккаласининг қўл-оёғи чирмаб боғланиб, оғзиларига латта тикилди. Чилвир ва кляп аввалдан

ҳозирлаб қўйилганди. Фулом қоровулхонада Моргунни қолдириб, уйга имо қилди.

Ёғоч эшикни аста итариб очишди. Буни қарангки, эшик қулфланмаган, ҳатто зулфи ҳам солинмаган экан. Аста оёқ учида юриб, йўлакда ухлаб ётган иккита қўриқчини ҳам боғлаб, кўрпани устларига ёпиб қўйишди. Эндиги навбат ошпаз ва яна битта қўриқчига. Уйда ўн чоғлиқ хона бўлиб, улар ҳар бир кириш эшиги тирқишидан аста қулоқ солишди. Битта хонадан хуррак товуши баралла эшитиларди. Шу эшикни очиб, икки киши ичкарига кирди. Ошпаз экан, у ҳам бир лаҳзада шериклари аҳволига тушди. Шу пайт ёнларидаги эшик очилиб, ички кийимда, кўзлари ярим юмук ҳолда, ширакайф қўриқчиларнинг сардори чиқиб келди. Афтидан заҳартанглик қилган бўлса керак, қўли билан чотини ушлаб келарди. Астагина орқасидан тўппонча кўндоғи билан урилиб, ошпаз ётган хонага судраб кирилди, қўл-оёғи боғланиб, оғзига кляп тикилди.

Тўрт кишидан бўлинишиб, эшиклари ёнғоқ дарахтидан ишланган ишратхонага билдирмай киришди. Фулом кирган хонада Гога кундуз куни кўрган аёллардан бири билан яланғоч ҳолда ухлаб ётарди. Уларнинг иккаласи ҳам маст эди, тўшак олдидаги столда яримлатилган бир шиша чача, турли газаклар, ҳўл мевалар бор эди. Фулом аввал ёстиғи тагига қўлини тикиб кўрди, аммо қурол топмади ва кучсиз зарб билан мушт туширди. Гога ўрнидан сакраб турди, аёл ҳам кўзини очди. Фулом аёлга кўзини қисиб, Гогани меҳмонхонага судраб чиқди.

Хонадан ташқарига битта эшик орқали чиқиларди, эшикни ташқарисидан қулфлаб, ҳатто иккита диванни суриб ҳам қўйишди. Энди аёл бемалол бирортаси, келиб қўтқармагунча, баҳузур дам олишига имконият яратилди. Улар чиққанда иккинчи гуруҳ ҳам Датони худди шундай аҳволда қўлини орқасига қайирган ҳолда, тепкилаб олиб келишди. Фулом шерикларидан бирига люстрага арқонни тортишни буюрди. Арқон отилиб, Гогани икки қўлидан боғлаб, тепага тортишди. Фуломнинг одамларидан бири печкадаги чўғлардан тоғорага солиб, Гоганинг оёғи тагига қўйди. Бундай аҳволни кўраётган Дато ва Гогаларнинг даҳшатдан тиллари калимага келмай қолди. Фулом чўнтагидан

Ўткир АБДУРАҲИМОВ

қарорни олиб, овозини чиқариб, “тождор ўғрилар ҳукми”ни ўқиб эшиттирди ва жазо ижросини Гогадан бошлади.

— Хўш, менинг қимматли биродарим, соғлиқлар жойидами, ишлар яхшими? — деб ўткир ханжар билан кўкрагини бир неча жойидан тилиб ташлади. Қон тизиллаб оққан жойларига туз сепа бошлади. Гоганинг кўзидан шашқатор ёш оқар, мунгли қараб, раҳм-шафқат тиларди, гўё бу одамларда бундай ҳис-туйғу йўқлигини унутиб қўйгандек эди. Йигитлардан бири фотокамеранинг оёқларини ўрнатиб, қилинаётган экзекуцияни суратга туширмоқда. Гоганинг оёғи остига чўғли тоғора қўйилди, у тўлғанар, жон-жаҳди билан оёғини тортмоқчи бўлар, аммо йигитлардан иккитаси маҳкам ушлаб турарди. Ярим соат азоблаганларидан сўнг бўйнидан арқон ўтказиб, дорга осиб юборишди.

Иккинчи люстра илгагига Дато осилди, аммо уни қийнашмади. Фақат унга Адмиралнинг саломини етказишди, ўлими олдидан бир дақиқа ибодат қилиб олишига рухсат этилди. Қатл ижро этилгандан сўнг қоровулхонага чиқиб, анча ўзларига келиб қолган кўрикчиларни тепиб, “бу Адмиралнинг иши, у билан яна ҳазиллашадиган одам чиқиб қолса, айтиб қўйинглар. Унинг қўли фақат нариги оламдагиларга етмайди, бу дунёда ернинг тагидан бўлса ҳам топиб олиб, унга қандай салом берилса, шундай алик олади, тушундингларми”, деб огоҳлантириб қўйишди.

Тонг саҳарда Фулом гуруҳи билан яна ўша автобусда шаҳардан чиқиб кетди. Яхшиямки, бу гал совуқданми ёки бундай пайтда патрул-пост хизмати дам оладими, ҳар қалай, постда ҳеч зог кўринмади. Фақат ўзлари билан олиб келган жомадон ва фотсаппаратни Дзияипга қолдириб кетишди...

V фасл. ПОЛЬША МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ФОРАТ ҚИЛИНИШИ

Фулом гуруҳи билан Ленинградга қайтгандан сўнг топшириқ бажарилганлиги ҳақида Ангелга ахборот берди. Сабаби, Адмирал бу пайтда хориж сафарида эди. Аммо бу ерга Дато ва Гоганинг ўлдирилиши ҳақидаги маълумот аллақачон етиб келган, Ангел ундан фақат тафсилотларини суриштирди, холос. Унинг гуруҳига уч кун дам ва тегишли мукофот пуллари берилди.

Сўнгги пайтлар Адмиралнинг ташвиши, уюшган жиноий гуруҳларга қарши бир неча давлатлар бирлашиб, халқаро ташкилот тузишлари, қидирув ишларини мувофиқлаштиришдан иборат эди. 1923 йил 7 сентябрда Австрия пойтахти Вена шаҳрида “Халқаро жиноий ишлар бўйича комиссия” ташкил топиши, низомининг тасдиқланиши, Австриянинг полицай-президенти Иоганн Шобернинг ушбу халқаро ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланишини Адмирал аввалига “бой-зодагонларнинг одатдаги гаройиботлари”, деб ўйлаганди, аммо орадан маълум вақт ўтгач, бу халқаро ташкилотнинг амалга ошираётган ишларидан жиддий ташвишга туша бошлади. Яхшиямки, бу ташкилотга коммунистлар Россияси аъзо бўлиб крмади, акс ҳолда, аҳвол ниҳоятда танглашиб, ўғрилар оламига кучли зарба берилган бўларди.

Бу халқаро ташкилотга ўттизта аъзо давлатдан расмий равишда 57 киши вакил бўлиб кирди. Ташкилот 1924 — 1926 йилларда ўз анжуманларини Амстердам, Берлин, Венада ўтказди. Бу бўлғуси Интерпол ташкилотининг пойдевори эди. Энди бу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар ўз ҳудудларида бўлган барча жиноятлар, уларнинг ижрочилари ёхуд гумон қилинганлар ҳақида комиссияга мунтазам маълумот берар, бу ерда махсус таҳлилчилар томонидан олинган ахборотлар умумлаштирилиб, жаҳон афкор оммасига хавф солувчи жиноятчиларга халқаро қидирув эълон қилинади. Бу мамлакатлар ўз ҳудудларида қўлга олинган жиноятчиларни жиноят содир этилган давлатларнинг расмий вакилларига топширарди.

Мазкур халқаро ташкилот ташкил қилингандан сўнг Англиянинг “Скотланд Ярд”, Франциянинг “Сюрте Насиональ” ва қатор Европа давлатларининг полиция маҳкамаси ишлари фаоллашди, кўплаб жиноятлар очилиб, ижрочилари ватанларига расмий равишда қайтарила бошланди. Совет Иттифоқи раҳбарлари сиёсий қатағонларни бир ёқлик қилиб, энди жиноят оламига қарши ҳам қаттиқ кураш бошлаган, айниқса, пойтахтдаги Огарева 6, Петровка 38, яъни МУР бошқармаларининг фаолиятлари жиддийлашган, уларнинг ишига подшоҳ даврида криминал полицияда хизмат қилган тажрибали терговчи ва изқуварлар жалб қилинганди. Улар янги тузумнинг бу ишларда тажрибасиз бўлган шу соҳа хизматчиларига жиноятни очиш санъатини эгаллашда яқиндан ёрдам бера бошлашганди.

Адмирални безовта қилган нарсa, унинг қўл остидаги одамлар йирик ўғрилик жиноятини амалга оширганларидан кейин маълум муддат қалбаки ҳужжатлар билан Европа давлатларида истиқомат қилар, шов-шувлар тутаб, қидирув-суриштирув ишлари сусайгандан кейингина ватанга қайтиб, ўз фаолиятларини қайтадан бошлаб юборишарди, энди улар бундай имкониятлардан маҳрум бўлишлари аниқ эди.

Бунинг устига Германияда фашистлар диктатураси ўрнатилиши, “олий ирқчилик” сиёсатининг юритилиши бўлғуси бўронларнинг ибтидоси эканлигини, энг аввало, жиноят оламининг раҳбарлари англаб етишганди. Шу сабабли, Адмирал турли Европа мамлакатларида бўлар, у ердаги маслақдошларини огоҳлантирар, ўғрилик ғоясини соф ҳолда сақлаб қолишга уринарди. Ўғрилар оламида миллат ва сиёсат ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслигидан қатъи назар, Германия, Италия ва Япониядан эсаётган бўронли шамоллар жиноят оламига ташвиш келтириб, унинг раҳбарларини бундай вазиятларда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида бош қотиришга мажбур қилмоқда эди.

Адмирал ўз қароргоҳига қайтганидан сўнг Фуломни чақиртириб, унинг олдига бир тўп суратларни қўйди. Бу тасвирларда Сухумида бўлиб ўтган воқеалар акс этганди. Уни биринчи мустақил амалга оширган иши билан табриклаб, яқин кунларда хориж давлатларидан бирига

сафарга бориши ҳақида сўзлади. Бу галги топшириқ йирик ўғрилиқ эканлигига алоҳида урғу берди.

Жазо гуруҳи Герасим раҳнамолигига эрталабки жисмоний машғулотларни давом эттирар, тушдан кейин эса Птица ва Гуломга алоҳида “Zaur g K⁰” корхонасининг сўнгги йилларда ишлаб чиқарилган замонавий сейфларини очишни машқ қилдирадди. Айниқса, сейфнинг кодларини аниқловчи мослама ёрдамида ишлаш, темир қутини очиш каби мураккаб масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Кеч кузда Гулом ва Птица лақабли Андрей Спиридонов турк фуқароси сифатида аввал Брестга, сўнгра Варшава шаҳрига етиб келишди. Уларни вокзалда Тедуш Станиславски исмли одам кутиб олди ва вақтинча шаҳар чеккасидаги бир шахсий уйга жойлаштирди. Эртасига улар билан Вацлав Ковалски учрашди ва операцияни бажаришга киришишди...

Гитлер Германияга канцлер этиб сайлангандан сўнг, у билан сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлик қилиш ҳақида Австрия, Венгрия, Болгария давлатлари шартнома тузишди, аммо Польша, Югославия, Греция, Чехословакия ва қатор давлатлар билан олиб борган музокаралари натижасиз якунланди. Очигини айтганда, Германиянинг ўзи бу давлатларга бажариб бўлмайдиган талабларни қўяр, орада келишмовчилик чиқишига сабабчи бўларди. Польша Буюк Британиянинг ички ва ташқи сиёсатини қўллар, Бенеш ҳукумати Англиянинг чизган чизигидан чиқмас, чунки моддий ва молиявий томондан деярли унга қарам бўлиб қолганди...

Ҳарбий Европада сиёсий ва ҳарбий вазият жуда танг аҳволда, Гитлер Германияси бу давлатларга нисбатан турли бўҳтонларни уюштирган, Биринчи жаҳон урушидан кейин Польша, Чехия ва Словакияга бириктириб берилган қатор ҳудудларни қайтаришни талаб қилмоқда эди. Бунинг устига Болтиқбўйида жойлашган давлатларда “ирқчилик” шукуҳи ҳукм сурадди.

Вазият кундан-кунга чигаллашиб борарди. Шу пайтда Буюк Британия қироллиги ҳукумати Польшага курол-яроқ сотиб олиш, ҳарбий кучларни моторлаштиришга молиявий ёрдам кўрсатишга қатъиян махфий қарор қабул қилди. Бу мақсадда Польша давлати раҳбари ва Буюк Британия

қироллиги ҳукумати орасидаги узоқ давом этган мунозаралар баҳс, тортишувлар натижасида, инглизлар полякларга қиймати 9,8 миллион фунт-стерлингли 1600 килограмм олтин пластинкалари ажратилишини режалаштирди. Шу мақсадда Варшавадаги National Bankка ушбу ёрдам маблағини яқин кунларда жўнатиш мўлжалланган эди.

Ўтказилган махфий музокараларда Буюк Британия қироллиги ҳукумати молия вазири ва Польша Миллий банки раҳбарлари қатнашишди. Шундай шарт қўйилдики, Англия банки раҳбарларидан биригина олтин сақланаётган сейфнинг кодини билар, Польша томонга эса омборхонанинг темир эшиклари рақами маълум эди. Полякларнинг ўз хоҳишларича бу бойликни тасарруф қилишига йўл берилмаган, қурол сотиб олиш ҳақидаги ҳар бир шартнома Лондонда таҳлилдан ўтказилиши, шундан кейингина амалий ишга ўтилиши мўлжалланганди. Музокараларнинг ўта махфий ўтказилиши сабаби шундан эдики, бу пайтда Буюк Британия ҳукумати Гитлер Германиясининг агрессиясини Шарққа қаратиш, Польшани ўз тасарруфида сақлаб қолишга интиларди. Полякларга очиқдан-очиқ ёрдам берилаётгани Гитлернинг қулоғига етса, Англия ва Германия орасида олиб борилаётган пинҳона музокаралар барбод бўлиши аниқ эди. Ана шу ёрдамнинг биринчи босқичида юбориладиган қиймати 957 минг фунт-стерлингли олтиннинг 160 килограмми Польша Миллий банкига етиб келганди.

Адольф Гитлернинг “Main Kampf” асарида олий ирқ ер етишмаслигидан сиқилиб қолгани, Биринчи жаҳон уруши якунида Германия ҳаётий зарур ерлардан ажралгани ва бу тарихий хатони тўғрилаш учун Шарққа салб юриши амалга оширилиши очиқдан-очиқ баён этилганди. Аммо ирқий жиҳатдан паст бўлган давлатлар “учинчи мингйиллик рейх”ига кул бўлиб, унинг иқтисодиётини ривожлантиришга, ҳарбий ва сиёсий қудрати юксалишига хизмат қилиши кўрсатилганди. Шу мақсадда Гитлер, энг аввало, қўшни давлатларни итоатга келтирмай туриб, ўз олдида қўйган стратегик мақсадини амалга оширолмасди.

Бунинг учун Гитлер Германияси Польша, Чехословакия, Болқон давлатларига куллик занжирини осиши, шундан кейингина ҳарбий кучларини Шарққа йўналтириши мумкин.

Буни яхши тушунган Гитлер ушбу давлатларга нисбатан тазйиқни кучайтирган, турли хил тухмат, бўҳтонлар оммавий ахборот воситаларида кундан-кунга авж олмоқда эди. Ташқаридан қараган одамга гарчи тинчлик ҳукм сураётгандек кўрингани билан, жаҳон даҳшатли уруш арафасида эканлигини энди оддий одамлар ҳам сезиб турганди. Буюк Британия қироллигининг ҳукумати Гитлер Германиясининг шарққа салб юришини тезлатиш, аммо ўз стратегик мақсадларида Польшани сақлаб қолиш ниятида эди.

Ваъда қилинган моддий ёрдам келтирилиб, банк сейфларига жойлаштирилди. Польша давлати томонидан банк раҳбари Войцех Брулинский, Буюк Британия қироллиги ҳукумати тарафидан молия вазирининг ўринбосари Аден Смит бу ишга масъул этиб тайинланди. Аммо тайинланган одамлар ва амалга оширилаётган молиявий операциялар қатъиян махфий олиб борилаётганди.

Лондондан қайтаётган йўловчи ташиш кемаси Штеттин портида лангар ташлади. Порт билан Варшава орасидаги масофа қарийб олти юз чақиримча эди. Трапдан тушиб келаётган Брулинскийдан уч қадам ортдаги йўловчи кимгадир қирғоқда турган қора чарм плашли, шу рангга мос шляпали одамни боши билан имо қилиб кўрсатганини Фулом сезиб қолди. Ўзича, “булар ким бўлдийкин, демак банкирга қизиқаётган фақат бизлар эмас, бошқа бир гуруҳ ҳам бор экан-да”, деб ўйлаб портдаги автомашиналар турадиган майдонга юрди. Брулинскийни учта одам, афтидан, ҳарбийлар кузатиб келишарди. Уларнинг қуролланганлиги шундоқ кийимларидан сезилиб турар, бу ҳолатни ҳатто яширишмасди ҳам.

Брулинский ўзини кутиб турган “Эмка” енгил автомашинасига ҳамроҳлари билан ўтириб, пойтахтга қараб йўл олишди. Улардан анча олдин йўлга чиққан Фуломнинг гуруҳи марказий магистралдан юқори тезликда Пановичи қишлоғи томон йўл олди. Магистралда йўловчи машиналар кам, ҳар замонда қарама-қарши тарафдан келаётганларни ҳисобга олмаганда, йўл бўм-бўш эди.

Банкирнинг автомашинаси ортидан тахминан кўз кўрадиган масофада “Хорх” двигателли, юқори қувватга эга бўлган машина ҳам келаётганди. Банкирнинг

қўриқчиларидан бири шубҳаланди, шекилли, автомашинани секинлатишди ва орқадан келаётган машинани ўтказиб юбордилар. Ортидан келаётган машина тезлигини ошириб, бир зумда қўздан ғойиб бўлди. Йўл ёқасида жойлашган Пановичи қишлоғи ўрмон чеккасида бўлиб, трасса қалин дарахтзорлар орасидан ўтган, асфальтланганди, чунки магистрал стратегик аҳамиятга эга бўлиб, доимо ҳукумат томонидан таъмирланиб туриларди. Бу йўлдан кемаларда келтирилган саноат моллари, ускуна ва турли жиҳозлар Польшанинг барча ҳудудларига етказиларди. Франция, Голландия, Болтиқбўйи мамлакатларидан полякларга етказиб бериладиган ана шундай саноат моллари, тор темир изли йўллардан ҳам ташиларди.

Фулом ва унинг сафдошлари ўтирган енгил автомашинани “Хорх” қувиб ўтди, очиқ ойнадан машинадаги одамлардан бири уларга шубҳали қараш қилди. Афтидан у машинани портда кўрган, аммо кемадан тушган йўловчилардан бирортаси ҳам бу автоуловга ўтирмаганлигидан сергакланганди. Бироздан сўнг “Хорх”нинг тўхтаб турганлиги, капотлари очилиб, ҳайдовчи моторни кавлаётганига кўзлари тушди ва йўлларида давом этишди. Фулом шерикларига ҳушёрликни оширишни тайинлади ва барчалари чўнтакларидagi тўппончаларини қўлларига олишди. Пановичи қишлоғига бир неча чақирим қолганда орқаларидан отилган ўқ овозларини эшитиб, зудлик билан машинани қайтаришга топшириқ берди.

Ўқ узилаётган жойдан ярим чақиримча масофада машинани тўхтатиб, уч киши тушишди. Улар ҳайдовчи Шефанскига машина моторини ўчирмаслик, ҳуштак овозини эшитиши билан етиб келишини тайинлашди-да, отишма бўлаётган томонга дарахтлар ичидан югуриб кетишди. Отишма кетаётганлигига энди шубҳа қилмаса ҳам бўларди, чунки тўппонча ва автоматдан отилаётган ўқ овозлари баралла эшитиларди. Улар етиб келганларида отишма тугаган, қора плашли одам банкирнинг ерда яраланиб ётган қўриқчиларининг бошига “Вальтер” русумли тўппончадан ўқ отмоқда эди.

Фулом дарҳол портда кўрган одамни таниди, унинг шерикларидан бири қаттиқ чилвир билан банкирнинг қўлини боғламоқда, иккинчиси эса оғзига тиқин тиқиб

билан овора эди. Босқинчиларнинг ҳайдовчиси машина рулига бошини қўйганича ўтирар, қулоғининг ёнидан қон сизиб чиқарди...

Адмиралнинг топшириғига мувофиқ, бу ерга келиб, банкирни ҳибсга олиб, ундан сейф кодини аниқлашни мақсад қилса-ю, қандайдир бир жиноий гуруҳ унинг тумшуғи остидан ўлжасини ўмариб кетса. Фулом имо билан шерикларига банкирни боғлаётганларни мўлжалга олишни, ўзи эса билдирмай қора плаштини зарарсизлантиришини кўрсатди, чунки у бу гуруҳнинг кимга қарашлилигини билмоқчи, шу сабабли улардан бирини тирик қолдириш ўта зарур эди. Фулом тўппонча билан ярадорларни отаётган кишининг орқасидан пусиб яқинлашди. Бу пайтда шериклари автоматларини ерга қўйиб, банкирни боғлаётганларга тўсатдан ҳужум қилиб, иккаласини ҳам отиб ташлашди, банкир асфальтга йиқилди. Бегона ўқ овозларини эшитган қора плашли одам Птицага ўқ узишга улгурди, аммо иккинчи марта отилмади, тўппонча затвори ўқ тутаганлигини билдириб, орқага қайтди.

Бундан фойдаланган Фулом бир сакраб, унинг халқумига тепмоқчи бўлди, аммо у чаққон ҳаракат қилиб, ўзини бир чеккага отди ва ёнидан ўткир ханжар олиб, унга ҳамла қилди. Бундай ҳаракатни кутмаган Фулом қандайдир сония ўзини йўқотиб қўйди. Қора плашли одамнинг ханжари бўйнидан то курагигача кесиб ўтди. Шу пайт ярадор бўлган Птица ҳуштак чалиб юборди. Фулом бу одамнинг эътибори ҳуштак чалинган томонга қаратилганини кўриб, бор кучи билан кўкрак қафасига тепди. Қора плашли одам бир зум оғзини очиб, нафас олишга қийналиб туриб қолди, бу Фуломга кейинги зарбани беришга имкон яратди. Рақибининг иккала тиззасига тепиб, ерга йиқитди. Шерикларидан бири келиб, қора плашли одамнинг қўлини орқасига қилиб боғлади ва оғзига тиқин тиқди.

Фуломнинг бўйнидаги ярасидан шириллаб қон оқар, у сўкиниб, шарфи билан қаттиқ босиб турарди. Птицага узилган ўқ фақат тирсак мушагини ялаб ўтган, яра салгина ачишиб, ундан оққан қон енгини ҳўл қилиб юборганди. Вашлав Фуломнинг жароҳатини ҳалок бўлган қўриқчиларнинг қўйлаги билан танғиб боғлади. Шу пайт ҳайдовчилари етиб

келди. Фулом оғриқдан гижиниб, уларга иккала машинани ҳам ўрмоннинг ичига ҳайдаб боришни топширди, чунки йўлда из қолдирмаслик шарт эди.

Аммо банкир ўтирган автомашинанинг ғилдираklarига ингичка пўлат симлар ўралиб қолганлиги учун ғилдираklar айланмасди. Вацлав монтировка билан симни узиб, сўнгра машинани юргизишга эришди. Афтидан тузоқ қурганлар йўлга ингичка, кўзга аранг кўринадиган, шу мақсадларга мўлжалланган пўлат симлар ўрамини тортишган, тезликда келаётган машина ғилдираklarига улар ўралиб, ҳаракатни тўхтатган ва босқинчилар машинадаги йўловчиларга қўқисдан ҳужум қилиб, мақсадларига эришишганди. Улар биргалашиб ўлганларни машина ичига жойлашди ва битта машинани ҳайдовчи, иккинчисини эса Вацлав ҳайдаб кетди. Бироз муддатдан сўнг иккита кучли портлаш эшитилди.

Орадан ярим соат ўтгандан сўнг иккала асирни олиб, Пановичи қишлоғига қараб йўл олишди. Чунки у ерда махсус жой тайёрланган, банкирни ўша ерда сўроқ қилиб, керакли маълумотларни олиш кўзланганди. Ярим соат юриб, манзилга етиб келишди.

Йўлдан тахминан бир ярим чақирим масофада харобага айланган католиклар черкови бўлиб, Биринчи жаҳон урушида вайрон бўлган қишлоқ аҳолиси эса анча нарига кўчиб кетган, ана шу жой уларга вақтинчалик бошпана учун танланганди. Қон оқиши тўхтагани билан жароҳат лўқиллаб оғриб, Фуломнинг кўнглини беҳузур қила бошлади. Черковга етиб келганларидан сўнг Вацлав автомашинадан аптечкани олиб, Фулом ва Птицанинг жароҳатларини қайта боғлади ва уларга бир стакандан ароқ қуйиб ичирди.

Банкир бўлаётган ҳодисалардан умуман ўзини йўқотиб қўйган, аъзойи-бадани, қўллари қалтирарди. Фулом уни ечиб қўйишни буюрди. Қора плашли одамни сўроқ қилишга киришди. Лекин у берилган саволларга жавоб бермай, бошини кўтариб, Фуломнинг қаҳрли кўзларига тикилиб турарди. Маҳбуснинг плаши чўнтагидан немис тилида турли иборалар ёзилган ён дафтарчаси чиқди, پاسпорти қалбакилиги бир қарашдаёқ маълум эди. Фулом ён дафтарчадаги ёзувларни ўқир экан, булар жиноятчи эмас, балки абвер ходимлари эканлигини пайқаб қолди. Бу уни

хайратга солди, чунки у биринчи марта махсус хизмат вакилларига дуч келишганди. Чунки ўғрилар сиёсий фаолиятдан узоқ деган тушунчада эди.

— Саволларимга тўғри жавоб берсангиз, тирик қоласиз, акс ҳолда... — деди Фулом.

Маҳбус худди ундан ижирғангандек тескари қаради, оғзидаги қон аралаш сўлагини чиртиллатиб туфлади. Фулом ундан яхшиликча маълумот ололмаслигига ақли етди ва шерикларига имо қилди. Улар бир арқонни черковнинг тўсинидан ташлаб, маҳбусни иккала қўл тирсакларидан тортиб боғлаб, оёғини ердан бироз кўтаришди. Бу жосус Фуломга жиддий жароҳат етказгани билан унга нисбатан ҳеч қандай нафрат уйғотмасди, чунки куч синашиш ҳалол бўлганди.

Птица ерга гулхан ёқиб, жосусдан тортиб олинган ханжарни тоблай бошлади. Пичоқ қизигандан сўнг Вацлавга маҳбуснинг қўйлақларини ечишни буюрди. У қўйлақни ечиш ўрнига йиртиб, кўкрак қафасини очди. Маҳбус кўзларини юмганича бир нималарни пичирлади. Ханжарни асирнинг кўкрагига босиши билан, куйган гўштнинг қўланса ҳиди келди.

Буни кузатиб турган банкир тамомила ўзини йўқотиб, қуса бошлади. Оғриққа чидай олмаган банди, ниҳоят, тилга кирди. Исми Отто Майер, немис ҳарбий разведкаси — абвернинг зобити, банкирни ўғирлаб, яширин равишда Берлинга олиб бориш топшириғини олганлигини гапириб берди. Бу сўзларни эшитган банкир бечора эс-ҳушини умуман йўқотди. Барча маълумотлар олиб бўлингандан сўнг зобит Фуломдан қийнамасдан отиб ташлашларини илтимос қилди. Вацлав бандини ташқарига олиб чиқиб, бир чуқурнинг қирғоғида унинг юрагини мўлжаллаб икки қулоч масофадан ўқ узди ва у ўша ерга йиқилди.

— Хўш, — деди Фулом банкирга қараб, — сенга ҳам шундай даволаш муолажасини ишлатайми ёки билган нарсаларингни ўзинг айтиб берасанми?

— Раҳмингиз келсин, пан, билганларимнинг ҳаммасини гапириб бераман.

Шундан сўнг Фулом Вацлав ва Птицага немис жосусини кўмишни буюриб, банкир билан деярли бир соат суҳбатлашди. Банкирнинг гапига қараганда, унга фақат хазинага кириш эшигининг коди маълум, сейфникини эса инглизларнинг молия вазирлигидан масъул бўлган Аден Смит биларкан.

Фулом хазинадаги сейф ҳақида тўлиқ маълумот олди. Сейф Германиянинг “Zaug g K⁰” корхонасида ишлаб чиқарилган энг сўнгги моделлардан экан. Фулом машғулотлар давомида бундай темир қутиларни 35 – 40 дақиқаларда очишга бир неча марта эришган, топшириқ бажарилишига энди ҳеч қандай шубҳа қолмаганди. Банкнинг ички тузилиши, газнаси, қоровуллар турадиган жойлар схемасини ва бошқа маълумотларни банкирнинг ўзи бир қоғозга чизиб берди. У банкирдан уйига қачон қайтиши тўғрисида хабар қилган-қилмаганлигини суриштирди. Банкни уйда хотини, қизи ва ҳатто ишхонасидагилар ҳам унинг Лондондан қачон қайтишидан беҳабар эканлигини айтди. Унинг гапига ишониш мумкин, чунки у даҳшатдан шу даражада титрар эдики, бундай вазиятда бирор инсоннинг ёлғон гапиришига ишониш қийин...

Фулом Варшавада банкирдан олинган маълумотларни яна бир карра текшириб кўришга қарор қилди. Шу сабабли банкирнинг ҳаётини сақлаб қолиб, пойтахтдаги ўғрилар малинасида банди сифатида ушлаб турди. Чунки банкирдан яна қўшимча маълумотлар олишга тўғри келиб қолиши мумкинлигини тахмин қилди. Фақат уни бир ташвиш, яъни немис разведкасига дуч келганлиги ўйлантирарди.

“Демак, — деб ўйлади у, — немис разведкасининг жосуслари инглизлар ёхуд полякларнинг идоралари ичида бўлиши керак, акс ҳолда қатъиян махфий бўлган маълумотлар уларга ошкор бўлмасди”.

Фуломни немис разведкаси билан олишиш муаммоси қийнади. Агар бундан разведка раҳбарлари хабар топиб уларнинг изларига тушсалар, Фуломнинг гуруҳидан номнишон қолмаслигига ақли етарди.

Польша Миллий банки опера театри билан туташ жойлашгани, томи готик усулда ёпилганлигини текшириб

кўриб, банкир унга тўғри маълумот берганлигига яна бир карра ишонди. Айни шу кунларда опера театри таъмирлаш учун ёпилган, қурувчилар икки сменада ишлашаётган экан. Тунда эса икки чеккасидаги қоровулхонада навбатчилар қолар, қарама-қарши тарафда эса ўт ўчирувчилар идораси жойлашганди. Банкирнинг гапларига қараганда, опера театри тоmidан банкка ўтиш мумкин, аммо ғазна омборхонаси томи монолит бетон плиталар билан ёпилганлиги учун унга тушиб бўлмасди. Фақат мажлис ўтказиладиган залнинг томи монолит бетон билан ёпилмаган, орасида тешса бўладиган каттагина уламалар бор.

Бир кунлик кузатишдан сўнг шу нарса аниқландики, мўлжаллаган тарафдаги қоровул анча қариб қолган бўлиб, тунги соат 23. 00 дан сўнг бемалол уйқуга кетаркан. Томни тешишгач, зарур бўлган асбоб-ускуналарни олиб, ишларини тугатгач, иккинчи сменадаги қурувчилар театр биносини тарк этишларидан олдин ичкарига кириб, таъмирланаётган хоналардан бирига Фулом, Птица ва Вацлавлар яширинишди ва эшикни вақтинчалик михлаб қўйишди.

Тун ярмида том устида эмаклаб, банк биносига ўтадиган тўсиқнинг олдида келишди. Фулом ва Птица чўнтак фонарларини ёқиб, ҳаммаёқни текшириб кўришди. Ҳеч қандай сим ёки сигнализация тармоқлари йўқлигига амин бўлганларидан сўнг, девордан бир одам сигадиган туйнук очиб, банк биноси томига ўтишди. Улар яна йигирма қадамча эмаклаб боришди. Фулом фонарь ёруғида кўлидаги чизмаларга қараб, бир жойдан тешик очишни шерикларига имо қилди. Чамаси ярим соатда том тешилди ва улар тешилган жойдан банк ходимлари мажлис ўтказадиган кичик залга тушишди. Банкирнинг берган маълумотларига кўра, бу жойда тунги патрул пости бўлмай, қоровуллардан иккитаси туни билан банк операциялари ўтказиладиган очиқ залда навбатчилик қилишаркан.

Зал шундай жойлашган эканки, ташқаридан кирган мижоз то унинг саҳнига ўтгунча кўринмас, чунки шифтга туташ тўртта катта диаметрли, думалоқ қилиб ишланган устунлар ўрнатилган. Улар ушбу устунлар панасига яшириниб, полициячилар ўтирадиган зални кузатишди. Залдаги столда бир қоровул бошини кўлларига қўйганича

ухлаб ётар, иккинчиси эса кўринмасди. Шу пайт у бурчакдаги ҳожатхонадан чиқиб келди. Фулом имо-ишора билан одам келаётганлигини шерикларига билдириб, Вацлав ва Птицага ухлаётган қоровулни, ўзи эса келаётганини зарарсизлантиришини ишора қилди.

Полициячилар қандай воқеа юз берганлигини ҳатто англай олмай қолишди. Чакакларига тушган тўппонча қўндоғидан эсларини йўқотишди, аммо уларнинг йиқилиб тушишларига ҳужум қилганлар имкон беришмади. Дарҳол оғзи-бурниларини қандайдир суюқлик шимдирилган латталар билан маҳкам ушлаб туришди. Орадан беш дақиқа ўтмай иккаласи ҳам беҳуш ҳолга келди.

Эндиги навбат, ташқари эшик олдида жойлашган пулт қоровулларини зарарсизлантириш, сигнализация симини узиш. Аммо электр энергиясини бехосдан ўчириб қўймаслик керак, чунки чироқ ўчирилса қарама-қарши тарафдаги ўт ўчирувчилар шубҳаланиб қолишлари мумкин, сабаби банкда қўшимча энергия заҳира тармоғи бўлиб, ҳеч қачон чироқ ўчирилмасди.

Улар аста-секинлик билан пулт бошқармаси томон ҳаракатлана бошлашди. Пулт жиҳозлари кичкина ойнаванд хонада бўлиб, бурилишдан ўтилганда яққол кўриниб турарди. Икки навбатчи радиодан тунги ахборотни эшитиб, чойхўрлик қилиб ўтиришганлигига кўзлари тушди. Хона эса ичкаридан қулфланган, бузиб кирилганда улар қаршилиқ қилишга улгурмасалар ҳам, сигнализацияни босишга бемалол улгуришарди. Фулом буни ҳисобга олган, шунинг учун қандайдир ўзгариш бўлишини кутиб турарди. Радиодан берилган тунги ахборот якун топди. Соат занглари ярим кеча бўлганлигини билдириб, ўн икки марта бонг урди, чойхўрлар ўзаро нималарнидир баҳслашишга ўтишди. Чойхўрлик тугаб, қоровуллардан бири чойнак ва стаканларни йиғиштириб, ювиш учун бўлса керак, ҳожатхона тарафга йўналди.

Фулом Вацлав билан Птицага имо қилди ва ўзи пулт жойлашган тарафга қараб ҳаракатлана бошлади, чунки ойнаванд қоровулхонанинг пойдевори ёғочдан қилинган, энгашиб борган одам ичкаридан кўринмасди. Чойнак ва стаканларни кўтарган қоровул эшикни қулфламасдан чиққанлигини кўрган Фулом бу вазиятдан оқилона

фойдаланиб қолишга қарор қилди. Ҳожатхона эшигининг ёпилган овози келиши билан Фулом пульт хонасига билдирмай кирди. Пултхонадаги қоровул қўлига қаламни олиб, ребус ечиб ўтирарди. У Фуломнинг кирганлигини ва энса суягига тўппонча қўндоғини зарб билан туширганини ҳам сезмай қолди. Фулом уни, оғзи-бурнига махсус суюқлик шимдирилган латта тутиб, ушлаб турди. Қоровул ҳушини йўқотгач, чилвир билан қўл-оёғини боғлаб ташлади. Шу пайт ҳожатхонадан чойнак ва стаканларнинг қарсиллаб синган овозлари келди. Орадан икки дақиқа ўтмай Птица ва Вацлав унинг олдига келишди. Бу пайтда Фулом қўлидаги омбир билан сигнализация тармоқларини бирин-кетин узаётганди...

Шериклари махсус мосламалар жойланган жомадонни келтиришди ва ғазна омборхонасига қараб юришди. Қалин темирдан ишланган катта эшик олдига келишди ва Фулом унинг сигнализациясини ўчирди. Эшикнинг код рақамини териб, уч кишилашиб эшикни очишди. Ғазнага кирганларида деворга ўрнатилган тўққизта йирик банк сейфларига кўзлари тушди. Фулом чўнтагидан қоғозни олиб, ундаги рақамларга қараб олди-да, чап тарафдаги темир қутини кўрсатди ва деди:

— Соат неча бўлди?

— Бирдан йигирма уч дақиқа ўтди, — деди Вацлав.

— Буни қирқ дақиқада очишим зарур, — деб қулоғига кодларни аниқловчи мосламани тақди. Сейфда бешта тумблер бор эди, аста-секинлик билан бурай бошлади. Бу вақтда Птица ёғоч қутиларни томга тортиб олиш учун махсус юк кўтарадиган чиғирни ўрнатишга кетди. Фулом сейфни қирқ саккиз дақиқада очди. Сейфнинг ичида ўнга ёғоч қути бўлиб, биттасини кичкина монтировка билан бузди. Қутининг ичида ҳар бири саккиз юз граммли йигирма дона олтин пластинкалари борлигини кўргач, қайта устини ёпди. Иккита-иккитадан кўтариб, тушган жойларига келтиришди. Тепадан туширилган арқонга ёғоч қутиларни илиб, кўтаришга ишора қилишди. Хуллас, чамаси йигирма беш дақиқада уларни тепага чиқариб, театр биноси томига ташишди. Вацлав чиғирни йиғиштириб, қайтиб келди. Театр

томидан яшиқларни аста пастга туширишди. Вацлав машинани олиб келиш учун кетди.

Орадан беш дақиқа ўтмай “Эмка” русумли енгил автомашинага юкни ортиб, пойтахтдан унча узоқ бўлмаган Буг дарёси ёқасидаги Воломин кўлига қараб йўл олишди. Воломинга етиб келгач яшиқларни бир ҳарбий юк машинасига ортиб, Варшавага қайтишди. Тонг саҳарда Вацлав Фулом ва Птицани Берлин —Москва поездининг икки кишилиқ купесига жойлаштирди. Поездга чиққанларидан сўнг Фулом Вацлавга:

— Банкирни яхшилаб муолажа қилиб, сўнгра бирорта овлоқроқ жойга ташлаб кетинглар, чунки бу ишга немис разведкаси аралашиб қолган, текшираверишин, барибир унинг кўрсатмалари энди шубҳа остига олинади. Бу биз учун катта ютуқ бўлди, Польша давлати энди ўз ходимлари орасидан сотқинни излайверсин, — деб кўрсатма берди.

Рига вокзалида уларни Ангел юборган одам кутиб олди. Улар бирга Ленинградга жўнашди. Ҳеч қандай муаммосиз шаҳарга етиб келишди. Операциянинг барча тафсилотлари ҳақида Адмиралга ахборот берилди. Фуломнинг немис разведкасига дуч келганлигини эшитган Адмирал ниҳоятда ташвишга тушди ва Ангелга дарҳол махфий маълумотларни немис разведкасига етказган шахсни аниқлашни топширди. Бунинг учун бу ахборотдан хабардор бўлган мансабдорларни бирма-бир чиғириқдан ўтказиш ва гумон қилинганларни зудликда сўроқ қилиш учун пинҳона равишда уларнинг контрразведкасига хабар қилишни ўйлаб қўйди.

Бу воқеадан сўнг Польша ва Лондонда алғов-далғов бошланди, аммо катта миқдорда олтин пластинкалар ўғрилаб кетилганлиги ҳақида ошкора эълон қилолмасдилар, чунки Польша ва Буюк Британия ўртасидаги келишув жаҳон афкор оммасига маълум бўлиб қоларди.

Банкир Брулинский ва тунги нэвбатчи соқчилар ҳибсга олинган, тергов-суриштирув ишлари иккала давлатнинг етакчи терговчилари томонидан олиб борилаётган, аммо бу суриштирувлар ҳозирча ҳеч қандай ижобий натижа бермаётганди. Қоровуллар банкка ҳужум қилганларнинг бирортасининг ҳам ташқи кўринишлари, юз тузилишлари, миллати, ёши ҳақида ҳеч қандай маълумот беришолмади.

Шу сабабли терговчилар берган саволларига бирорта аниқ жавоб олишолмади. Фақат Брулинский муҳим ахборотларни айта олди.

Терговчилар Пановичи қишлоғи ёнидаги эски черковга бориб, ёндириб юборилган машиналар ва таниб бўлмайдиган даражада куйиб кетган жасадларни топишди. Брулинскийнинг кўрсатмалари шунчалик чалкаш эдики, терговчилар уни шубҳа остига олишди. Аммо ашёвий далиллар ҳодиса худди шундай юз берганлигини тасдиқлаб турарди. Ниҳоят, тергов гуруҳи бу жиноятга сиёсий тус бериб, Гитлер разведкаси томонидан амалга оширилган деган ҳулосага келди. Аммо улар ҳам икки гуруҳ тўқнашувини ҳеч қандай назария билан тасдиқлай олмадилар ва бу жиноятни “немисларнинг ҳарбий ва сиёсий разведкалари бир-бирларини билмай туриб, амалга оширган”, деган тахминни илгари суришди. Бу ишни жуда катта жиноий гуруҳ қилганлиги уларнинг ҳаёлларига ҳам келмади. Адмирал Фулом ва Маринага “Ялта” санаториясига йўлланмани узатиб, йигирма бир кун дам олиб келишига рухсат берди. Ангел қўлига бир катта ўрамдаги пулни бериб:

– Яхшилаб ҳордиқ чиқариб кел, сўнгра бир нозик топшириқ бор, шуни ижро этишга киришасан, — деб оқ йўл тилаб қолди...

* * *

Замонавий кийинган ёш келин-куёвлар “Ялта” сиҳаттоҳининг энг қиммат хоналаридан бирига жойлашди. Ёш жувоннинг эри ҳушмуомалалиги туфайли дарҳол сиҳаттоҳ ишчи-хизматчиларининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди. Улар йигитнинг аслида ким эканлигини билишмас, фақат паспорти бўйича исм-шарифи Гасан Магомед ўғли, миллати озарбойжон эканлигини билишарди холос. Эркакнинг бўйнидаги қўндаланг узун чандиқ тикилган жойларидаги нина тешиклари тўлиқ битиб кетмаганидан яқинда пайдо бўлганини билиш мумкин эди.

Жувон рус миллатига мансуб бўлиб, гўзал бўлмаса-да, юзидаги сепкиллари ўзига хос бир жозибани ато этар, истараси

иссиққина аёл эди. Паспортига қараганда, Несторова Марина Боку шаҳридан, Гасан Магомет ўғлининг никоҳидаги жуфти ҳалоли. Улар аксарият вақтларини сайр қилиш билан ўтказишарди. Сиҳатгоҳнинг тиббиёт хизмати ходими уларни медицина кўригидан ўтишлари зарурлиги ҳақида огоҳлантирганида, йигит қулиб, “биз бемор эмасмиз, фақат дам олишга, асал ойини ўтказишга келганмиз”, деб ҳазиллашиб ҳам қўйди. Унинг бу гапидан хизмат қилувчилар тўйлари яқинда бўлиб ўтганлигини тахмин қилишди.

Йигит ҳар куни тонг-саҳарлаб, об ҳаво қандай бўлишига қарамасдан югурар, сўнгра турли жисмоний машқларни бажарар, то терлагунча тинчимас, кейин ваннада олдин иссиқ сув, кейин совуқ сувда чўмиларди. Шундан кейингина улар эрталабки нонуштага биргаликда тушишарди.

Нонуштадан сўнг шаҳарга сайрга чиқишар, кинотеатрларга тушишар, сайёр циркни томоша қилишар, хуллас мириқиб дам олишарди. Бундан ташқари, бу келин-куёвлар китоб дўконларига кириб, нодир асарларни харид қилишарди. Айниқса, йигит бу ердаги китоб дўконидан рус тилида чоп этилган “Умар Хайём” китобини харид қилганлигидан боши осмонга етди.

Тушдан кейин кўпинча улар соябоннинг остига ўтириб, китоб ўқишар, йигит ҳар замонда биллиардхонага бориб 300 — 500 сўмни ютқазиб ҳам келарди. Бу икки бахтиёр ёшларга барчанинг ҳаваси келар, айниқса, хонани йиғиштирувчи Маринага адаш бўлган ўттиз беш ёшлардаги аёлнинг уларга нисбатан ҳурмати баланд эди. Чунки хона доимо саришта, ўринлар йиғилган, ҳамма нарса ўз жойида, дастурхонда ўраб қўйилган турли хил ичимлик, ҳўл ва қуруқ мевалар бўларди.

Ўзаро суҳбатлардан маълум бўлишича, Маринанинг турмуш ўртоғи Совет Кавкази билан Эрон Озарбойжони орасидаги Фузулий чегара заставасида ҳарбий хизматда бўлган. 1931 йили бўлиб ўтган ўзаро тўқнашувда ҳалок бўлиб, ўша ерга дафн этилган. Шундан сўнг, чегара қўшинлари қўмондонлигининг илтимосига биноан унга Ялтадан икки хонали уй ажратилган, шу ерга ишга жойлаштирилган. Қармоғида уч жон бўлиб, фарзандларининг иккитаси қиз, энг кичиги ўғил. Ўғли эри ҳалок бўлганда бир ёшга ҳам

тўлмаган экан. Маринанинг раҳми келиб стол устидаги ҳўл ва қуруқ мевалардан унинг сумкасига солиб қўяр, бирикки марта ҳатто “хизмат ҳақи”, деб аёлнинг қаршилигига қарамай, 200 сўмдан берди. Доимо китоб ўқиб юрганини кўрган ишчи-хизматчилар Фуломни “илм одамларидан бири бўлса керак”, деб ўйлашарди.

Бир куни уларнинг хонасини бошқа навбатчи аёл йиғиштира бошлади. Бундан ҳайрон бўлган Марина унга савол билан мурожаат қилди:

— Бизнинг хонага бириктирилган Марина қани? Нега сиз йиғиштиряпсиз?

— Марина касал бўлиб қолди, шунинг учун мен йиғиштираяпман.

— Нима бўлди? — деди Марина.

Хизматкор аёл Фуломга бир қараб қўйиб, бошини чайқлади. Марина бу ҳаракатдан аёлларнинг гийбатини эркак киши эшитмаслиги кераклигини тушуниб, навбатчини бошқа хонага бошлади. Ўриндикда китоб ўқиб ўтирган Фуломнинг қулоғига Маринанинг “вой бечора, бошига оғир кулфат тушибди-ку!” деган овози эшитилди. Хонага кирган Марина Фуломдан 2000 сўм пул сўради. У индамай пул чиқариб берди. Фулом “Марина бирор нарсани харид қилмоқчи бўлса керак” деб ўйлади, аммо хотинининг юзидаги ташвишли ифодани кўриб, фикридан қайтди. Марина пулни хонани йиғиштираётган аёлга бериб, дарҳол олиб бориб беришни илтимос қилди. Аёл чиқиб кетганидан сўнггина, Фулом гап нима ҳақда эканлигини англади.

Маълум бўлишича, Марина ойлик маош олиб, озиқ-овқат харид қилиш учун бозорга борган, аммо унинг бор пулини ўғрилар шилиб кетишибди, Марина фарзандлари билан бир ой ярим оч-наҳор ҳаёт кечиришга мажбур бўлибди. Буни кўтара олмаган Марина касал бўлиб, ётиб қолибди. Янги келган хизматчи аёл эса Маринанинг яқин дугонаси бўлганлиги учун вақтинча унинг ўрнига ишлаб туришга ваъда берибди, аслида, у комендантга ёрдамчи экан.

Фулом бу гапни эшитгандан сўнг, индамай шаҳарга чиқадиган кийимларини кия бошлади. Марина дарҳол унинг қаерга бормоқчи бўлганлигини сизди, аммо тезда қайтишини илтимос қилди. Фулом хотинининг юзидан бир ўпиб, хавотир

олмасликни, агар тушлик овқатга вақтида етиб келолмаса, ўзи тушаверишини тайинлади.

Фулом бир таксини тўхтатиб, шаҳар марказига йўл олди. Шофёрга уни Грибоедов кўчасига элтиб қўйишини илтимос қилди. Манзилга етиб келганларида, ҳайдовчига кира ҳақини бериб, қайтариб юборди. Ўзи эса аста кўча бўйлаб илгарилаб кетди. Цитрус, каштан, пальма дарахтларининг қуюқ соясидаги бир уйнинг панжарали эшигини очиб, ҳовлига кирди. Пиллапояга чиқиб, эшикни тақиллатди. Уйдан ёши йигирма беш-йигирма еттилардаги бир йигит чиқиб, унга қараб олди-ю, ташқарига назар ташлади, сўнгра:

— Келинг, гражданин, қандай хизматлар бор? — деди.

— Менга зудлик билан Лисий керак.

— Бу ерда ундай одам турмайди, — деб йигит эшикни ёпиб хонага кириб кетмоқчи бўлди, аммо Фулом оёғи билан эшикнинг ёпилишига қўймади. Бундай қўполликдан уй эгаси ҳайратга тушди ва деди:

— Кимсиз, Лисий сизга нимага керак бўлиб қолди?

— Буни ўзи билан гаплашаман, сен эса менга бундай саволни беришга ҳали ёшлик қиласан, пацан, — деди-ю шахд билан эшикни очиб, хонага кирди.

Хонада яна бир йигит бўлиб, афтидан, улар қарта ўйнаётган экан, чунки стол устида қарта сочилиб ётарди. Эшикни очган йигит шеригига деди:

— Мана бу фраерга Лисий керак бўлиб қолибди, ўзини эса таништиришни хоҳламаяпти, қўполлик қилиб, зўрлик билан кириб келди.

Шериги Фуломга бироз тикилиб туриб, индамай бош кийимини кийиб деди:

— Кутиб туринг. Ким келди деб айтайин?

— Унга бир меҳмон сени сўроқлаяпти, тез етиб борар экансан, деб айтасан, тушундингми? — деди Фулом.

У индамай хонани тарк этди. Фулом Лисий билан учрашмаган, аммо унинг Кацо Гиви Сухумский қаноти остида эканлигини биларди. Кацонинг ҳукми бутун Қора денгиз бўйидаги “биродарларга” ўтар, айниқса, талончи батано Дато ва Қассоб қатл қилингандан сўнг, у бу ерларда мутлақ ҳоким бўлиб қолганди. Кенгаш қарори билан у шу ҳудудга смотряший этиб тайинланганди. Орадан бирор соатлар ўтгандан сўнг хонага икки киши кириб келди. Уйда

қолган йигит уларни кўрган ҳамоноқ хонани тарк этди. Кириб келганлардан бири унга тикилиб, ёноқларини қашлади-да, деди:

— Сен кимсан, фраер, мени нега безовта қилдинг? Афтидан, шахримизга меҳмон кўринасан. Қандай юмуш билан келдинг?

— Ёнингдаги чиқсин, Лисий, сен билан гаплашадиган гап бор? — деди Фулом.

— Менинг ундан яширадиган сирим йўқ, гапингни эшитаман.

— Мен сенга нима дедим, яккама-якка гаплашамиз дедим, шекилли, ёки қулогинг карми?

— Эй, фраер, кимсан ўзи, нега бу ерда буйруқ беряпсан? — деди Лисийнинг ҳамроҳи.

— Лисий, мен тушунмадим, бу ерда сенми пахан ёки бу мишиқими?

Бу гапни эшитган Лисийнинг шериги олдинга ташланмоқчи бўлди, аммо меҳмоннинг оддий одам эмаслигини сезган пахан унга буюрди:

— Сеня, ҳовлига чиқиб, бир тамаки чекиб келгин-чи.

У чиқиб кетганидан сўнг, савол назари билан Фуломнинг кўзларига тикилди.

— Мен Атлетман, Лисий. Охирги сходнякнинг қароридан хабаринг борми? — деди Фулом. Шундагина Лисий олдида ким ўтирганини англади ва шошиб деди:

— Албатта, албатта, хабарим бор.

— Бўлмаса нега одамларинг бева-бечораларнинг охирги пулларини шилишмоқда, нима, бой-бадавлат одамлар қуриб қолганми? — деб қаҳр билан қаради.

— Атлет, ахир, уларнинг пешонасига бева-бечора деб ёзиб қўйилмаган-ку, шунинг учун менга бундай айбни қўйма, агар янглиш бўлган бўлса, чорасини кўришга ҳаракат қиламиз.

— Нима, нима дединг? Чорасини кўрармиш, бечораларнинг охирги пулларини тортиб олиб, яна ўзини оқлайди-я, — деди Фулом ва унинг бу сўзларидан жаҳли чиқиб, чап қўли билан Лисийнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Лисий ўтирган стулидан учиб кетди. Уйдаги тасир-тусурни эшитган ташқаридагилар хонага югуриб киришди.

Бу пайтда Фулом даструмолчаси билан қўлини артмоқда эди. Лисий ўрнидан туриб, уларга: “Йўқолларинг!” — деб бақирди.

Улар индамай хонани тарк этишди. Фулом унга Маринани топиш, ўғирланган пулларни шу бугуноқ қайтариб бериш тўғрисида кўрсатма бериб, ижро муддатини кечқурун соат 20. 00 гача деб белгилади. Буйруқ бажарилганлиги ҳақида шахсан ўзи ахборот беришини тайинлаб, хонани тарк этди. Лисийнинг одамлари бошлиқларининг меҳмондан калта еётганига ҳайрон бўлишар, бу фраер оддий одам эмаслигига энди инонган, беҳурматлик қилганлари учун жазоланишларидан ҳадиксираб туришарди. Фулом чиқиб кетаётиб, Лисийнинг ҳамроҳига:

— Сен жуда қизиқувчан экансан, ука, бу яхшиликка олиб бормайди, — деб ярим кучи билан юзига мушт туширди ва дарвозани очиб, чиқиб кетди.

Эртасига янги келган хизматкор аёл келиб, дугонаси пулларини бозорда тушириб қўйганини, бир ёш йигит уни топиб олиб, қайтариб берганини мамнунлик билан Фуломнинг хотинига сўзлаб берди. Марина эса миннатдорлик кўзи билан Фуломга қаради. Хизматкор аёл чиқиб кетгандан сўнг Марина эрига эркалиниб, юзидан ўпиб қўйди...

* * *

Фулом ва Марина Санкт-Петербургга қайтишди. Аммо, Адмиралнинг қароргоҳида қандайдир тушкунлик, хавотирлик ҳукм сулар, унинг ўзи эса аксарият умрини хизмат сафарларида ўтказмоқда эди. Фулом бундай кайфиятнинг сабабини тушунмас, доимо, Ангел ва Адмиралнинг хизматида юрадиган Степа ҳам унга вазият ҳақида ҳеч нарса демасди. Ниҳоят, Адмирал қароргоҳга қайтганда, унинг ҳорғин, ташвишли юзидан, асабийлашишидан Фулом фавқулудда бирор ҳодиса юз берганлигини тушунди. Филон, Бистрий, Ангел ва яна бир нотаниш рус йигити Адмиралнинг хизмат хонасида уч соатдан ортиқ қолиб кетишди. Степанинг ноз-неъматлар билан тўлдирилган ғилдиракли аравачаси эшик олдида қолди. У эшикни очиши билан Адмирал:

— Степа, ҳозир кўнгилхушлик қиладиган вақт эмас, боравер, ҳеч ким бизни безовта қилмасин, — дейиши билан у хонадан ўқдек отилиб чиқди.

Шу кунни Адмирал ҳеч кимни қабул қилмади. Хонаси куюқ тамаки тутуни билан қопланган, ҳатто унинг яхши кўрган бароқ мушуги ҳам хонани норози оҳангда тарк этганди. Адмиралнинг бундай безовталанишини ҳеч ким илгари кўрмаган, бу ҳақда Степадан сўрашганда, у елкасини қисиб қўйди, холос. Бу ҳолат деярли икки кун давом этди.

Ниҳоят, учинчи кунни кечқурун Фулом Адмиралнинг қабулига чақиртирилди. Хонада Адмирал, Филон, Бистрий ва Ангел бор эди. Бу гал стол усти безатилган, ичимлик ва турли газаклар қўйилган, аммо ҳали ҳеч ким қўл урмаганлиги сезилиб турарди. Ангел Фулом кириши билан биллур қадаҳларга ичимликдан қўйди. Биринчи қадаҳни индамай ичишти. Фулом шунда тушунди, кимдир ҳалок бўлган ёки вафот этган. Шундан кейин Адмирал Фуломга қараб деди:

— Атлет, бу гал сенга ниҳоятда мушкул ва масъулиятли вазифа юкланмоқда. Бу, агар билсанг, тождор ўғрилар дунёсининг ор-номуси, шарму ҳаёсидир. Сен бу ғояни охиригача ҳимоя қилишда бор куч-қувватингни, лозим бўлса жонингни қурбон қилишга тайёرمىсан? Агар шу вазифага тайёр бўлмасанг, ҳозироқ айт, ҳеч ким сени маломатга қўймайди. Сенга бу гапларни айтишимдан мақсад, бу гал бир-икки босқинчи, талончи билан эмас, балки йирик, уюшган, ўғрилар ғоясини сотган, тождор ўғрини расмий ҳукумат вакилларига топширган ва ҳалок бўлишга сабабчи бўлган, ҳақли қасосимиздан қочиб юрган гуруҳ билан олишишга тўғри келади. Бу ҳаёт-мамот жанги бўлади, шунга ақлинг етиши керак, акс ҳолда, вазифани охиригача адо этишинг муаммо бўлиб қолади, Атлет.

— Адмирал, мен тождор ўғрилар ғоясига содиқлигим ҳақида қасам ичганман, ҳаммасига тайёрман, ҳатто бу ғояни ҳимоя қилишда ўлимга ҳам тик боқаман, топшириқни бераверинг, — деди Фулом.

Бу сўзлардан сўнг хонадагилар бир-бирларига қараб олишди ва бошларини мамнунлик билан силкитиб маъқуллашди.

— Ангел, Атлетга бажарадиган ишларини тушунтир, энг аввало, Чўлоқни зарарсизлантириш режасини мукаммал ишлаб чиқинглар. У дорга осилиши шарт, унга нисбатан ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлмаслиги, фақат Чилангарни тирик сақлаб, сирни очиш, ғазнани топиш, шундан кейингина минг азоб билан қатл этиш зарур, чунки бу интиқом қолганларга ибрат бўлсин. Тождор ўғрилар ғоясини оёқ ости қилиш, ичилган қасамдан қайтиш қандай оқибатларга олиб келишини жон беришларидан олдин ўз кўзлари билан кўришсин. Агар ғазна расмий ҳукумат томонидан мусодара қилинган бўлса, у билан Атлет шуғулланиб ўтирмасин, ўша ернинг ўзидаёқ уни ҳам жаҳаннамга жўнатсин, тушундингми? Мабодо ҳаммаси мусодара қилинмай, бир қисми ўша падарлаънат Чилангар қўлида қолган бўлса, ундирсин. Ангел, сенга рухсат, Атлет билан бир хонага кириб, операция режасини ишлаб чиқинглар, кейин муҳокама қилиб, тасдиқлаймиз. Гуруҳга энг ишонган одамларимизни киритинглар, қўлга тушиб қолсалар ҳам, сотмайдиганлардан бўлсин.

Ангел ва Фулом қўшни хонада деярли икки кун операция режаси устида бош қотиришди, сўнгра муҳокама қилиниб, сходняк аъзолари томонидан тасдиқланди...

VI фасл. “ЧЎЛОҚ” ОПЕРАЦИЯСИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ...

Фулом ва унинг гуруҳи Тверь областига хизмат сафарига жўнатилди. Гуруҳ аъзолари паровознинг турли вагонларидан иккитадан бўлиб жой олишди. Тверга бир бекат қолганда, вагонлардан тушиб, бу ёғига ўрмон оралаб, яёв кетишди. Бундай қилинишининг сабаби, Чўлоқ “Курчавий” лақабли Владислав Сорокинни ички ишлар комиссарлиги ходимларига ушлаб бермоқчи бўлган, аммо у қочишга уринган ва отишма вақтида ўлдирилган. Бу сотқинликда ғазначи вазифасини бажарувчи, ўғрилар орасида Чилангар лақабли Александр Куркин, “Курчавий”нинг муовини

ҳисобланадиган Вячеслав Маркеловларнинг ҳиссалари борлигини Сорокин ўлимидан аввал одамларига малява орқали хабар беришга улгурганди.

Ана шу хат Адмиралнинг қўлида, қиролнинг бу машъум воқеалардан хабардор эканлигини улар билишмасди. Мактубни келтирган одамдан воқеа тафсилотларини батафсил сўраб олган тождор ўғрилар сходняки бу иккисини ўлимга маҳкум қилганди. Чўлоқ ва Чилангар бу машъум воқеа туфайли ҳисобот бериш учун икки марта Адмиралга чақиртирилди, аммо улар мактубни тан олишмаганлиги учунми ёки сир очилганлиги маълум бўлганми, ҳарҳолда, Санкт-Петербургга келишдан бош тортишди.

Шу сабабли ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, улар Тверга келаётган ҳар қандай бегона одамни, айниқса, жиноят оламининг вакиллариини ниҳоятда ҳушёрлик билан доимо кузатиб юришлари табиий эди. Улар дарҳол “меҳмон”лар ҳақида ички ишлар органларига хабар беришга қодир эканликларини Адмирал тахмин қилган, чунки бир марта сотқинлик йўлига кирган одам ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун курашади. Сходняк бундай сотқинларни аяб ўтирмаслигини жуда яхши англашарди. Атлет Адмиралнинг ишонган одамларидан бири эканлигини яхши билишар, шу сабабли эҳтиёт бўлишлари ҳақиқат эди, қирол ана шу жиҳатларни ҳисобга олганди.

Фуломнинг саккиз кишидан иборат жазо гуруҳи кечаси шаҳарга кириб, Свердлов кўчасида, Ангел айтган манзилдаги беш хонали уйга тушишди. Уй эгаси ёши олтмишларга борган, юзи куйишдан чандиқ қоплаган, бир вақтлар ўғрилиқ билан шуғулланган, қамоқда ўтирган, аммо ҳозир область ижроқўми гаражида автослесарь бўлиб ишлаётган, Адмиралга умр бўйи садоқат билан хизмат қилган Игнат Платонов эди. Меҳмонлар бироз дам олганларидан сўнг, у Фуломнинг гуруҳини ўрмон ёқасидаги дала ҳовлисига жойлаштирди ва шаҳардаги вазиятдан хабардор этди.

Платоновнинг сўзларига қараганда, Чўлоқ ва Чилангар шаҳарда қораларини кўрсатмаётган, малинасидан чиқишмаётганди. Одамлари унга содиқ, чунки обшакнинг бир қисм пули уларга тақсимланган, шунинг учун янги раҳбарларини қўллаб-қувватлашарди. Уйларини бир неча кун

давомида кузатиш ҳеч қандай натижа бермади. Уйда мунтазам беш-олтита қоровул бўлар, аммо Чўлоқ ва Чилангар худди бу ердан кўчиб кетгандек, малинада ҳам, уйларида ҳам қораларини кўрсатишмас, аммо қўл остидаги одамлари уларнинг номидан ишларини давом эттиришарди. Кунлар ҳеч бир натижасиз ўтар, Фуломнинг Чўлоқни топиш саъй-ҳаракатлари ҳеч қандай самара бермасди.

Шу сабабли у Чўлоқнинг уйига ҳужум қилиб, унинг ёрдамчиларидан бири бўлган Рижийни тириклайин қўлга тушириш ва сўроқ қилишга қарор қилди. Чунки Рижий ҳам бирор нарсадан чўчиганми ёки Чўлоқнинг топшириғи биланми доимо унинг уйида бўлар, деярли ҳеч қаёққа чиқмас, барча ишларни шу ердан бошқариб турарди.

Ташқаридан диққатни жалб этмаслик учун кўриқчилар чордоққа жойлашиб олиб, кўча, қарама-қарши тарафдаги уйларни доимо кузатиб туришларини Фуломнинг йигитлари дастлабки уринишданоқ аниқлаб олишганди.

“Демак, — деб ўйлади Фулом, — тўсатдан ҳужум қилиш биринчидан, ҳеч қандай наф бермайди, иккинчидан Рижийни тириклайин қўлга тушириб бўлмайди, учинчидан одамларимнинг ҳаётини хавф остига қўйишим мумкин”.

Шундай қилиб ҳужум қилиш режасидан воз кечишга тўғри келди. Птица билан роса бош қотиришди, аммо ҳозирча бирор жўяли фикрга келишмади.

Уйдагилар ҳатто савдо дўконига маҳсулот сотиб олиш учун ҳам чиқишмас, чунки бу вазифани кунора икки йигит ва бир аёл амалга оширарди. Аёл афтидан овқат пиширишга келар, у саҳардан то қоронғи тушгунча шу ерда бўлар, сўнгги бўш кўтариб келган тўрвасини тўлдириб зўрга судраб олиб кетарди. Йигитлар эса яшик ва қопларда, афтидан, озик-овқат маҳсулотларини от-аравада етказиб, сўнг ортга қайтиб кетишарди.

Ташқаридан ҳам кириш мумкин эмас, чунки уй алоҳида жойлашган, қўшни хонадон билан ораси деярли 35 — 40 қадам, ҳовлида овчарка боғлаб қўйилган.

“Нима қилиш керак? Уйга қандай кириш мумкин?” деган савол устида Фулом ва Птица бош қотирар, топшириқни бажариш чорасини излар эди.

Чўлоқнинг уйи шаҳар марказидан анча чеккада

жойлашганлиги учун кўчага энди электр энергияси келтириш ҳаракатлари бошланганди. Электр устунлари ўрнатилиб, алюмин симлар тортилган, аммо ҳали хонадонларга киритилмаганди. Шу ердаги уйга электрни киритиш учун зарур мосламаларни тайёрлаб қўйган одамларнинг мурожаатларига электриклар электр қувватини олиб кириш билан махсус гуруҳ шуғулланишини айтиб кетишганди.

Фулом ва Птица кўп ўйлаб ўтирмай ана шу омилдан фойдаланиб қолишга қарор қилишди. Улар бозордан бир неча ўрам алюмин сим, темир тишли пайпоқ, розетка, ёққич, изоленга ва бошқаларни харид қилиб, кўча бошидан бошлаб хонадонларга электр қувватини ўтказишни бошлашди. Ҳатто бу муносабат билан кўча аҳолиси иштирокида кичкина митинг ҳам бўлиб ўтди. Кўчада истиқомат қилувчилар электрикларга қўлдан келганича ёрдам беришар, овқатлантиришар, ҳатто баъзи бирлари самогон ҳам қўйиб беришарди. Хуллас, иш қизиқиб кетди...

Учинчи хонадонга электр қувватини киритиш ҳаракатлари бошланганда Рижийнинг одамларидан бири келиб, электриклардан улар вақтинча яшаб турган уйга дарҳол электр симлари тортишни талаб қилди. Монтёрлар бирпас норози оҳангда тортишиб ҳам олишди, сўнгра мажбур бўлгандек, керакли нарсаларни олиб, Чўлоқнинг уйига равона бўлишди. Ўша куни уйда етгита эркак ва ошпаз аёл бор эди. Эркаклардан бештаси пастда, иккитаси чордоқда, аёл эса ошхонада эди.

Монтёрлар олдин Рижий билан хоналарни айланиб чиқиб, қаерга розетка, қаерга ёққичларни, лампочканинг қанақа қувватдагисини ўрнатиш, навбатчи ёриткични жойлаштириш бўйича анча баҳслашишди. Шундан сўнг енг шимариб ишга киришиб кетишди. Саккиз одам бирпасда ҳаммаёқни остин-устин қилиб ташлади. Ишни жадаллаштириш керак, чунки “монтёр”ларнинг фаолиятидан расмий ҳукумат вакиллари хабар топишлари, электр симларини тортишни ман қилишлари эҳтимолдан узоқ эмасди.

Фулом улар тушлик қилиш учун ўтирганларида тўсатдан ҳужум қилишни режалаштирди. Монтёрлардан учтаси

чордоққа, тўрттаси эса тушлик қилинаётган хонага ва биттаси ошпаз аёлга ёрдам бериб юборишни мўлжаллашди. Тушлик энди бошланганда хонага Фулом бошлиқ гуруҳ бостириб кириб, тўппончаларни ўқталиб, таслим бўлишларини талаб қилди. Бу воқеадан эсанкираб қолган Рижийнинг одамлари қўлларини кўтаришди, аммо ширакайф биттаси қуролига ёпишди. Фулом кўп ўйлаб ўтирмай беш қадам масофадан унинг кўкрагини мўлжаллаб пичоқ отди. Қурол-яроқлари тартиб олинди, чордоқдагиларни ҳам огизларига тикин тикилган ҳолда меҳмонхонага олиб тушишди. Рижийдан ташқари барчаларни шу жумладан, ошпаз аёл ҳам ертулага қўллари боғланган ҳолда қамаб қўйилди. Фулом Рижийга савол билан мурожаат қилди:

— Ҳуш, Рижий, бошлиғинг қардалигини ўз хоҳишинг билан айтиб берасанми ёки бошқача усул қўллашимизни истайсанми?

Фуломнинг бу сўзларидан унинг оёқлари қалтираб, аъзон баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Рижий энди бу сохта монтерларнинг кимлигини англаган, сергаклигини йўқотиб, чорасиз қолганидан ўзини лаънатларди. Рижийнинг индамай, бошини қуйи солиб ўтирганини кўрган Фулом уни уй тўсинига осишга ишора қилди. Йигитлари бу вазифани тезда амалга оширди. Фулом қўлида пичоқ билан Рижийнинг олдига келиб, сўнгги марта сўраётганини айтди. Рижий иложсиз қолганидан афсусланиб, бор ахборотни сўзлаб берди...

Маълум бўлишича, Чулоқ ва Чилангар Твердан 280 чақирим жанубдаги шахтёрлар шахри Нелидовадан қўним топишган. У ерда акасиникида истиқомат қилаётган экан. Барча керакли маълумотларни қўлга киритган Фулом тун қоронғилигида барча маҳбусларни ўрмондаги уйга олиб бориб, қамаб қўйди. Уларга қараб туриш учун бир одамни тайинлади. Асирларни узун занжирларга боғлатди, энди улар ҳожатхонага бориш ва овқатланишдан бошқа ҳамма нарсалардан маҳрум эди.

Фулом гуруҳи билан Нелидова шахрига жўнашдан олдин

уларни яна бир марта огоҳлантирди:

— Агар яшашни хоҳласаларинг жим ўтирларинг, кўриб турибсанлар, ернинг тагидан бўлса ҳам, топиб оламан. Қаршилиқ қилиб, қочмоқчи бўлсаларинг, ҳаммаларингни ўлдириб юбораман. Биттанг қочсанг ҳам, ҳамманг ўлим жазосига мустаҳиқ қилинасан. Тушунарлими?”

Озиқ-овқат маҳсулотларининг икки кундан сўнг келтирилишини эшитган Фулом зудликда гуруҳи билан Нелидовага борадиган поездга чиқишни лозим топди. Бунинг қулай тарафи шунда эдики, поезд ярим тунда Нелидова шаҳрига кириб борарди. Поезд шаҳар шоҳбекатига яқинлашиб, секинлаган пайтда бирин-кетин сакраб тушиб қолишди, чунки вагонда йўловчилар кам, шоҳбекатда бирваракайига бегона саккиз одамнинг пайдо бўлиши маҳаллий ички ишлар органлари ходимлари диққатини тортиши аниқ эди.

Фулом қўлидаги чизмага асосланган ҳолда шерикларини бошлаб кетди. Шаҳар кичкинагина бўлиб, ўн мингдан ортиқроқ аҳоли истиқомат қиларди. Бу ерда очиқ усулда кўмир қазиб олинар, битта ўрмончилик хўжалиги ва ёғочни қайта ишлаш корхонаси мавжуд эди. Аксарият аҳоли ана шу корхоналарда ишлаб тирикчилик ўтказар, аммо саноат корхоналарининг асосини шахталар ташкил этарди. Шаҳар марказидан фақат биттагина асфальтланган кўча ўтар, бошқаларини кўча деб ҳам бўлмасди.

Шаҳар шундоққина ўрмонга туташган. Улар марказий кўчадан юриб, чап томондаги мавзегга чиқишди. Набережная кўчасида ҳеч зог йўқ, электр линиялари бўлганлиги билан бирорта ҳам чироқ кўринмасди. Фулом чўнтак фонарини ёқиб, уй рақамларини кўздан кечириб бошлади. Яхшиямки, панжара билан тўсилган уйларнинг эшикларида керакли ёзувлар бор... Излаб-излаб, ниҳоят қидирилаётган уйни топишди. Кичик бостирма уй, пойдевордан сал кўтарилган дераза ойнасидан чироқ нурлари тушиб турарди.

Шаҳар марказидаги ёзги боғдан мусиқа овози, ёшларнинг қийқириқлари эшитиларди. Улар ҳовлида қўриқчи ит йўқлигини билишгандан сўнг, аста наъматак буталари ва маймунжон билан қопланган ҳовлига кириб, овлоқроқ жойга яширинишди. Энди кўчадан ўтган йўловчи ҳовлида

одам борлигини сезмас, чунки ён-атроф зим-зиё эди. Ўн беш дақиқа атрофни кузатишгач Птица аста ёпик эшик олдиға келиб, ичкаридан чиқаётган товушларга қулоқ сола бошлади. Хонада тўрт-беш киши борлигини тахмин қилиб, бармоқлари билан кўрсатди. Афтидан, уйдагилар ароқ ичиб утиришар, ғунгир-ғунгир гаплашаётган овозлари баралли эшитилар, аммо уларнинг кайфи баланд шекилли, нима деётганларини англаб бўлмасди.

Шу пайт эшик очилиб, эгнига фуфайка ташлаб олган ширакайф одам чиқди-да, уч-тўрт қадам нариға бориб, қовуғини бўшата бошлади. Бу Чўлоқ ҳам, Чилангар ҳам эмасди, чунки Маркеловнинг чап оёғи деярли беш сантиметр қисқа бўлганлиги учун оқсоқланар, шунга кўра унга “Чўлоқ” лақабини беришганди. Куркин эса барваста, жисмоний бақувват, сочлари сомонранг йигит эди. Птица унинг қайтиб уйға киришига йўл қўйди.

Аста-секин гуруҳ аъзолари уйға кирадиган йўлакка йиғилишди. Йўлакда қиш мавсумига тайёр ўтин тахлаб қўйилган, ундан ташқари, рўзғорда фойдаланиладиган ҳар хил идишлар, сув сақланадиган фляга ва бошқа буюмлар бор эди. Фулом ва Птица хонадагиларнинг гапларига қулоқ сола бошлашди. Улардан бири бошқасига бўғиқ овозла:

— Ичасанми. Қуяйми? — деди.

— Қуй, яна битта-битта урайлик, сўнгра дам оламиз.

Бу сўзлардан маълум бўлдики, ичкарида айшу ишра охирлаб қолган, ҳаммаси маст, ҳали замон дам олишда олдин барчалари ҳовлиға ҳожатга чиқишади. Фулом имо билан ҳужум бошлаш вақти келганлигини билдирди. Улар қуролларини ўқалган ҳолда чаққон ҳаракат қилиб ичкариға кутилмаганда бостириб киришди ва бирин-кетин тўпшончанинг қўндоғи билан учтасининг бошиға туширишди. Биттаси қўйниға қўл тикиб, қуролини олмоқчи бўлди, аммо отилган пичоқ шундай бўйниға санчилди.

Ёши улўғроғи, афтидан, уй эгаси бўлса керак, довдираб қолди. Босқинчилар меҳмонларини аямай ураётганликларини кўриб, ерга тиз чўкканича икки қўли билан бошини ушлаб турарди. Бироз тасир-тусурдан сўнг ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит бўлиб қолди. Фуломнинг йигитларидан бири уларни тепиб, чилвир билан қўлларини орқаға қилиб боғлади.

Бандиларни бирин-кетин судраб, уриб, тепиб ўрмон ичига ҳайлаб кетишди.

Пихтали дарахтлар билан қопланган қуюқ ўрмонзор оралаб тахминан уч километрлар юришгандан сўнг кичкина сайхонликка чиқишди. Асирлар даҳшатга тушганликлари кўзларидан билиниб турар, ҳибсга олганларнинг вазоҳатидан раҳм-шафқат сўраш бефойда эканлигини сезишарди. Сайхонликда кўп йиллик дарахтлар кесилган бўлиб, тўнкалар хунук манзара берарди. Йигитлар атрофдаги шох-шаббаларни йиғиб, катта гулхан ёқишди. Фулом тўнкалардан бирига ўтириб, Чўлоқ, Чилангарни сўроқ қилишни бошлади. Иккаласи ҳам Курчавийнинг ўлимида айби йўқлиги ҳақида қасам ича бошлашди.

— Чўлоқ, шундай экан, нега Адмиралнинг ҳузурига боришдан бош тортдинг, обшак қаерда? — дея сўради Фулом.

— Атлет, биз Адмиралнинг ҳузурига боришдан қўрқдик, обшак ментларнинг қўлига тушди.

Фулом яхшиликча ҳақиқатни аниқлаб бўлмаслигини биларди, шундай бўлиб чиқди ҳам. Унинг буйруғи билан гуруҳ аъзолари дарахтга арқон ташлаб, дор ясашди. Йигитлардан бири уйдан кўтариб келган табуреткани дорнинг тагига қўйди. Бу ҳолатни кўрган бандилар даҳшатдан қалтирай бошлашди, биттаси ҳатто ҳўнграб йиғлаб юборди. Биринчи бўлиб дор сиртмоғини Чўлоқнинг бўйнига солишди.

— Хўш, Чўлоқ, жаҳаннамга равона бўлишингдан олдин ҳақиқатни айтиб, қилган гуноҳларингга иқрор бўласанми ёки шундай ўлиб кетаверасанми? — деди Фулом.

Чўлоқ ҳақиқатни очса ҳам, очмаса ҳам, натижаси бир хил бўлишини билганлиги учун сукут сақлаб турарди. Унинг ҳеч нарсани айтмаслигини англаган Фулом ишора қилди. Гуруҳидаги йигитлардан бири стулни тепиб юборди. Бир дақиқа типирчилаганча сиртмоқда бўғилиб тургач, уни яна кўтариб олиб, стулни бандининг оёғи тагига қўйишди.

— Хўш, ҳақиқатни айтасанми ё йўқми, биродар?

Сиртмоқ Чўлоқнинг бўйинини қаттиқ қисгани учун кўзларидан ёш чиқиб кетганди. У гуноҳига иқрор бўлиши муқаррар ўлим билан туташини ҳис қилиб, имкони борича уни кечиктиришга ҳаракат қиларди. Сукут сақлашни давом эттираётганини кўрган йигитлар Фуломнинг имоси билан

уни обдон тепкилашди, афти-башараси ёрилган, тишлар синиб тушган Чўлоқни яна оёққа турғазишиб, сўроқни давом эттиришди. Бу интиқомни кузатиб турган Чўлоқнинг шериклари баттар даҳшатга тушганди, ҳатто биттаси шимини ҳўллаб қўйди. Шундай бўлса ҳам, банди ўз сўзида туриб олиб, бу машъум воқеада унинг ҳеч қандай айби йўқлигини таъкидлайверди.

— Яхши, — деди Фулом ва бандини иккала қўлидан дарахтга осишни буюрди. Бирпасда буйруқ бажарилди. Иккинчи бўлиб дор остига Чилангарни судраб келишди. Йигитлар уни анча тепкилашиб, иродасини синдириб бўлишган экан. У ортиқча тихирлик қилмай, воқеа тафсилотларини дарҳол сўзлай бошлади. Иккала қўлидан осилган Чўлоқ овози борица унга бақириб, сирни очмаслиги ҳақида огоҳлантирди. Йигитлардан бири дарҳол унинг оғзини латта тикди...

Маълум бўлишича, Чўлоқ анча вақтдан бери ментларга хизмат қилиб келаркан. У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган қўлига тушган пайтдан бошлаб, уларнинг жосуси сифатида Курчавийнинг гуруҳига киритилган, ўз жасорати, феъли билан энг яхши маслакдошларидан бирига айланган. Аста-секинлик билан унинг муовинларидан бири бўлиб олган ва ўғриларнинг ички сир-асрорларидан хабардор бўла бошлаган. Чилангар билан тил топишиб, ғазнанинг бир қисмига эга бўлишган, ички ишлар ходимларига эса унинг ўндан бирини ҳам кўрсатишмаган. Курчавийнинг ҳалокатидан сўнг бир қисм ғазнани биродарларига тақсимлаб, унга ҳалоли хизмат қилишга қасам ичдирган. Аммо сходнякка чақирилгандан сўнг кўркўвга тушиб, вақтинчалик бўлса ҳам, яширинишга ҳаракат қилган. Твердаги уйида Рижийни гуруҳи билан қолдириб, ўзига содиқ бўлган тўрт одамини олиб, Нелидова шаҳридаги амакисининг уйига яширинган. Чунки у ёлғиз яшар ва ҳар қандай вазиятда ҳам уни сотмасди. Бор ҳақиқат ошкор бўлгандан кейин Фулом сходнякнинг ҳукмини ўқиб эшиттирди ва унинг буйруғи билан Чўлоқ ва Чилангар дорга осилди. Чуқур қазилиб, иккаласи ҳам кимсасиз ўрмонга ном-нишонсиз кўмиб юборилди. Қолганлари тавба-тазарру қилишди, бошлиқларининг бундай йўлга кирганликларини билмаганликларини, кўр-кўрона унга хизмат

қилганликларини бўйниларига олиб, Адмиралга садоқатли бўлиш тўғрисида қасам ичишди. Шундан кейин Фулом уларни озод қилишга топшириқ берди.

Чулоқнинг уйига етиб келишганда куёш кўтарилиб, тонг ўз ҳукмини ўтказа бошлаганди. Фулом озод қилинганларни ҳам олиб, Тверга қайтди. Ўғриларнинг сардорларини малинага йиғиб, мажлис ўтказди ва ўзига маъқул бўлган Варнак лақабли йигитни Тверь области бўйича вақтинча смотряший қилиб тайинлади. Ундан областда тартиб ўрнатишни, беҳуда қон тўкмаслик, адолатсизлик қилмасликни талаб этди, агар шу ишларни амалга оширолса, қиролга у ҳақда икки оғиз гапни айтишни ваъда қилди.

Бўлиб ўтган воқеадан сўнг Ички ишлар комиссарлиги жиноятчиларни қидириш Бош бошқармаси томонидан барча ички ишлар бўлимига қуйидаги шифротелетайпограмма жўнатилди:

“Диққат, диққат! Барча Ички ишлар комиссарлиги бўлимларига! Транспорт милициясига!

Ички ишлар комиссарлиги томонидан бир неча марта оғир жиноятларни содир этган, жазони ўташ жойидан қочган, рецедивист Вадудов Фулом қидирилмоқда. Лақаблари — “Басурман” ва “Атлет”. 1909 — 1910 йилда туғилган, миллати ўзбек. Бўйи 184 см, кенг елкали, тик қоматли, жисмоний бақувват. Қора қош, қора кўз. Шарқ кураш усуллари мукаммал эгаллаган, қуролланган. Ҳибсга олишда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Телетайпограммага жиноятчининг 1934 йилда олинган сурати илова қилинмоқда. Бу жиноятчи ҳақидаги маълумотларни тақдим қилган инсонларга мукофот берилади ҳамда сир тутилиши кафолатланади.

Бу жиноятчининг яширинган жойи ёки бошқа маълумотлар маҳаллий милиция органларига хабар қилишлари сўралади... Ички ишлар комиссарлигининг жиноят қидирув Бош бошқармаси”.

Ленинградга қайтган Фуломни сходняк аъзолари қабул қилишиб, ҳисоботини эшитишди. Уларнинг асосий саволлари обшак бўйича бўлди. Обшакда қарийб 45 миллион сўм ва 9 миллион сўмга яқин тилла буюмлар бўлган. Фулом

Чилангарнинг ўлими олдидан берган курсатмаларини айтиб берди. Сходняк бошқаруви ўғриларнинг газнаси талон-тороқ қилинганлигидан ниҳоятда афсусланишди. Иккинчи томондан, ички ишлар органлари тождор ўғрилар жуда катта миқдордаги маблағ сақлашларидан хабардор бўлган.

VII фасл. НИЖНИЙ НОВГОРОД ШАҲРИДАГИ ЎҒИРЛИК

Қароргоҳга қайтган Фулом баҳоргача ўз хизматини бажариб юрди. Кунларнинг бирида уни Адмирал йуқлатди. Хонага кирганда Адмиралдан ташқари Ангел, устози Герасим ва Нижний Новгород области смотрящийси Кузма Новгородский ҳам бор эди. Фулом салом бериб, Ангелнинг ишораси билан ўриндиққа ўтирди. Адмирал чекиб турган сигарасини қулдонга эзгилаб учирди-да, унга юзланди:

— Атлет, кеч кузда Нижний Новгород шаҳрида заргарлик буюмлари ярмаркаси очилади. Унда дунёнинг бир қанча капиталистик мамлакатларида қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмларининг биржа савдоси ташкил этилади. Бу халқаро ярмаркада ҳатто Бельгиянинг “Бирюс” компанияси ҳам қатнашиш таклифи билан чиқибди. Бу компания асосан Африкадаги конлардан қазиб олинган қимматбаҳо олмос, ёқут каби тошлар ва олтиндан турли хил заргарлик буюмларини ишлаб чиқаради. Хўш, бу компанияни муносиб кутиб оламизми ёки буржуйларни индамасдан қўйиб юборамизми?

— Адмирал, агар бу вазифани менга ва одамларимга топширмоқчи бўлсангиз, жон-дилимиз билан бажаришга ҳаракат қиламиз, албатта. Келган меҳмонни хафа қилмасдан, иззат-ҳурматини жойига қўйиш мезбоннинг бурчи-ку, — дея пичинг қилди Фулом.

Унинг бу ҳазилидан мириқиб қулишди.

— Атлет, бу гал гуруҳга Уста раҳбарлик қилади, сен эса одамларинг билан унга ёрдамлашасан.

Шундан сўнг Степа киритган ичимликлардан бир қадаҳдан ичиб, газак қилишди. Кечқурун Ангел, Герасим,

Ғулом ва Кузма Новгородскийлар бўлажак ўғрилиқ режасини туза бошлашди.

Маълум бўлишича, жаҳоннинг тўққиз давлатидан 26 та худди шундай фаолият билан шуғулланадиган компаниялар ушбу кўргазмада қатнашиш истагини билдиришган. Энг ҳайратланарли тарафи, бу кўргазма коммунистлар Россиясида очилиши эди. Одатда, Совет Иттифоқида бундай кўргазмалар, анжуманлар бўлмас, чунки ўша даврда олиб борилаётган сиёсат бунга йўл қўймасди.

Инқилобгача Нижний Новгород шаҳри азалдан ана шундай ярмаркалари билан машҳур бўлган ва, ниҳоят, большевиклар ҳам бундай анжуман ўтказилишига йўл беришлари эски анъаналар тикланаётганидан далолат эди. Бу — ўғрилар учун қувончли ҳодиса... Барча келтирилган қимматбаҳо буюмлар собиқ Хитой банкида сақланиб, фақат нусхаси кўргазмага қўйилар, ярмаркадан сўнг биржа савдосига навбат келаркан...

Кузманинг берган ахборотига кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ бу ярмарка ва биржа савдосида қатнашиш учун дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган бизнесменлар ташриф буюриши кутилмоқда. Шу кунларда шаҳардаги меҳмонхона таъмирланиб, буржуйларни кутиб олишга тайёргарлик кўрилаётганмиш. Эски Хитой банкига Германиянинг “Фарбининдустри” бирлашмаси корхоналарида ишланган замонавий сейф қутилари келтирилаётган экан. Герасим ва Ғулом бундай сейфларни ҳали очиб кўришмаган, бу улар учун янгилик эди.

Адмиралнинг топшириғига биноан ана шу сейфларнинг сўнгги моделларидан бир нечтаси харид қилиниб, тажриба учун келтирилди. Улар деярли бир ҳафта мобайнида сейфларнинг конструкцияси билан танишиб чиқишди. Бу сейфлар анча мураккаб ишланган бўлиб, ўзига хос томонлари ҳам мавжуд экан. Уларда ташқи сигнализациядан ташқари, ички сигнализация тармоғи мавжуд бўлиб, сейф очилганда кучли сигнал бераркан. Ички сигнализация бешинчи зулфинда жойлашган бўлиб, автоном электр энергияси — аккумулятордан қувват оларкан, уни ўчириш эса қути очилгандан сўнг ичидаги тугмани босиш орқали амалга оширилар экан. Бу аккумуляторлар ташқи электр тармоғидан

қувват олиб, деярли қирқ дақиқага қадар йиққан энергиясини сақлаб туриши бир қанча синовдан сунг аниқланди. Ундан ташқари, сейф қулфи бешта калит билан очиларкан. Ана шу бешта калит солинмагунча, сейфни очиб мушкул.

Герасим ва Фулом буларни яхшилаб ўзлаштириб, беш хил турли мосламаларни тайёрлашди. Ҳар бир мосламада жойлашган қарийб ўттизга яқин тишларни токарлик станокларида ясатишди. Бу мосламалар ёрдамида икки кишилашиб сейфларни деярли 32 — 36 дақиқаларда очишга муваффақ бўлишди. Фақат битта муаммо ички сигнализацияни ўчириш эди. Бунинг ҳам йўли топилди, автомобилларга мой қуювчи махсус мослама билан зулфиннинг ичига юқори концентрациядаги сульфат кислотаси юборилиб, заряд берувчи симларни куйдириш йўли билан сигнализацияни ўчиришга эришишди. Ниҳоят, бу усул ҳам ижобий натижа берди. Эндиги вазифа тун қоронғулигида банкка кириш ва ўйланган операцияни амалга ошириш режасини мукаммал ишлаб чиқиш эди, холос.

Кузма Новгородскийнинг берган маълумотларига қараганда, ярмарка ва биржа савдолари чор Россияси даврида ўтказилган анъанавий манзилда амалга оширилиши режалаштирилган. Шу мақсадда энг катта бозор ҳудудидаги эски иморатлар таъмирланиб, керакли бўлган коммуникациялар тармоғи ишга туширилган. Кузма ўз одамлари орқали сейфларнинг жойлашиш тартиби, сони ва қатнашувчиларнинг хоҳишларига қараб савдо ўтказиладиган собиқ Хитой банкининг зали реконструкция қилинаётганлигини аниқлаб олибди. Кузманинг одамлари қурувчилар, меъморлар, канализация тармоқларини таъмирловчилар орасига қўшилган ва у ерда бўлаётган ҳар бир янгиликдан доимо уни воқиф қилиб туришганди. Сейфларнинг жойлашиши, банкнинг ички тузилиши, кириш-чиқиш эшиклари, биржа савдолари амалга ошириладиган залнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар тўпланди. Айниқса, у вентиляция шахталарига эътибор қаратган, чунки зал ҳожатхоналарига пўлат симдан ишланган тўрлар ўрнатилган, ҳаво алмашиши доимо банк ходимларининг назоратида бўлади. Бу вентиляция

туйнукларидан кириш мумкин эмас, чунки уларнинг катталиги деярли 15 квадрат сантиметр эди, холос. Шунинг учун бу операцияга Кузма Малий лақабли, бўйи 96 сантиметр, оғирлиги 33 килограмм келадиган лилипутни ҳам жалб қилган эди.

Кузма Новгородский кўп ўйлаб ўтирмай одамлари учун бир уйни аллақачон вафот этиб кетган одамнинг номига харид қилдириб, расмийлаштирди ва зудликда банкка лаҳим қаздиришни бошлаб юборди. Фақат лаҳим банкка бир неча метр масофа қолганда йўналишини ўзгартирди. Хуллас, лаҳим қазирни давом эттириш зарур бўлган тақдирда, уни якунлашни бир суткада амалга ошириш мумкин эди. Бу ишларни у заҳира режа сифатида амалга ошириб, дарҳол Герасим ва Гуломга билдирди.

Ниҳоят, барча тайёргарлик якунланиб, Герасим бошчилигидаги гуруҳ Нижний Новгород шаҳрига ташриф буюрди. Ярмарка очилишига ҳали икки ҳафта бор, биржа савдолари ва қимматбаҳо буюмлар сақланадиган банк таъмирдан чиқарилган, энг асосийси, ҳар бир мамлакат ярмаркага келтирадиган қимматбаҳо заргарлик буюмларини ўзларининг махсус гуруҳлари ёрдамида қўриқлаши ва топ-моделлари билан қатнашишлари режалаштирилган экан. Ярмарка очилишига ўн кун қолганда барча таъмирлаш ва реконструкция ишлари якунланиб, Ички ишлар комиссарлигининг қўриқчи батальони тарафидан ташқи тараф муҳофазага олинди.

Ярмаркага бирин-кетин иштирокчилар ўз юклари ва одамлари билан кела бошлашди. Кўргазмада намоёиш этиладиган буюмлар банкка келтирилди, уларни қўриқлаш махсус соқчиларга топширилди. Компания вакиллари ва бизнесменлар ярмаркадан унча узоқ бўлмаган меҳмонхонага жойлаштирилди. Кузма фақат бир нарсани, “Бирюс” компаниясига ажратилган сейф жойлашган хонани аниқлай олмади, чунки темир қутилар ўрнатилиши билан ишчи-хизматчиларнинг у жойларга кириши тақиқланганди.

Сентябрь ойининг охирларида ярмарка очилиб, залга махсус рухсатномаси бор чет эллик фуқаролар, харидорлар ва ушбу иш билан шуғулланадиган мутахассислар киритила бошланди. Биринчи кун фақат кўргазма билан ўтди. “Бирюс” компанияси номидан биржа савдоларини компаниянинг

вице-президенти жаноб Стенли ва ижрочи директори Шубертлар амалга ошириши эълон қилинди. Ярмарка ва биржа савдоларининг фақат ўн кунга мўлжалланганлиги мижозларга етказилди. Келтирилган заргарлик буюмларини топ-моделлар тақиб чиқиб намоёиш қилишар, брокер эса бу тақинчоқларга тавсиф берар ва дастлабки нархини эълон қиларди.

Меҳмонлар деярли йигирмага яқин мамлакатдан келган, айниқса, араб давлатлари ва Туркия фуқаролари кўплаб ташриф буюришганди. Герасим ташқи тарафдан кириб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, ўйлаб-ўйлаб лаҳим қазилни давом эттириш ва у орқали газнага киришдан бошқа чора йўқлигига амин бўлди. Кузма дарҳол одамларини қўйиб, бешинчи кун банк сейфларига чиқадиган жойгача лаҳим қазилга муваффақ бўлди. Улар бир девор олдида чиқишди, ичкаридан ҳожатхона суви оқизилаётгани, қуриқчиларнинг гўнғир-гўнғир товушлари келарди. Кузма микрофонни лилипутнинг қўлига тутқазиб, туйнукка ўрнатишни имо қилди. Энди хона ичидагиларнинг нима ҳақида гаплашаётганларини бемалол эшитиш мумкин эди. Мулоқотга бирпас қулоқ солган Герасим бош чайқади. Бу хона “Бирюс” компаниясига тегишли эмаслигининг белгиси эди. Навбатдаги туйнукка ўрнатилган микрофондан немис тилида сўзлашаётганлар овози келди.

Герасим шерикларига улар қидираётган сейфлар шу ерга ўрнатилганлигини билдирди, аммо ҳали вақт эрта, эндигини соат 21.39. Қуриқчиларни уйқу босишини кутиш, сўнгра махсус баллонлар орқали уларни беҳуш қиладиган газни юбориб, шундан кейингина вентиляция туйнугини бузиб, ичкарига кириш зарур. Тун ярмига борганда яна бир қуриқчи ҳожатхонага киргани, минғирлаб таҳорат ушатгани эшитилди.

Орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Фулом ва Спиридоновлар аста симтўрни қирқишиб, ҳожатхонага кирадиган туйнукни очишди. Лилипутни кўтариб, туйнукка тўғирлашди, аммо у сиғмади. Туйнукни эҳтиёткорлик билан кенгайтиришди ва шундан кейин у аста сирғалиб, ҳожатхонага тушди. Қўлидаги микрофонни ҳожатхона эшигининг тутқичига илди, Герасим микрофонга уланган қулоқчинни тақиб

эшита бошлади. Унда залдан келаётган хуррак овозлари баралла эшитилиб турарди.

Герасимнинг ишораси билан барчаси противогаз тақиб, иккита қизил баллонлардаги газни бураб, залга тўғрилашди. Орадан беш дақиқа ўтмай залдаги овозлар тинди ва ҳожатхона деворларига ёпиштирилган кафеллар секин кўчирила бошланди. Ҳожатхона деворларига 40х60 сантиметрли кафеллар ўрнатилган бўлиб, улардан бир қанчаси олинганда, пишиқ гиштли девор очилди. Чамаси ўн дақиқада бир одам бемалол ўта оладиган туйнук очилди ва у орқали гуруҳ аъзолари залга тушишди. Залда стулларга ўтирган ва ерда думалаб ётган, қуролланган бешта қўриқчи беҳуш ҳолда ётарди. Герасимнинг имоси билан барчасининг оёқ-қўли чилвир ва улардан ечиб олинган ременлар билан маҳкам боғланди, қуроллари бир чеккага олиб қўйилди.

Герасим ва Фулом темир панжара ортидаги “Фарбириндустри” корхонасида ишланган каттагина сейфни кўришди. Фулом панжаранинг қулфини икки дақиқада очди. Сейф ўзлари машқ қилган туридан бўлиб, Герасим ва Фулом автомашиналарга мой қуйиш учун ишлатиладиган махсус насос ёрдамида ички сигнализацияни ўчириш учун сульфат кислотасидан юборишди. Кислотанинг сассиқ, бадбўй ҳиди бирпасда зални қоплади, агар улар противогаз тақмаганларида, албатта, заҳарланган бўлишарди.

Орадан ўн беш дақиқа ўтказиб, сейфни очишни бошлашди. Бу ишга ҳам деярли 40 дақиқа вақт сарфлашди. Темир қутини думалоқ мосламасидан кўпчилик бўлиб очишди. Сейфда махсус картон қутиларга жойлаштирилган, номлари қайд қилинган зеб-зийнатлар кўринди. Картон қутилардан улар бирма-бир олиниб, брезент қопларга жойланди. Буни амалга ошириш учун ўн беш дақиқа вақт сарф этишди ва келган томонларидан қайта чиқиб кетишди. Шу кечанинг ўзидаёқ вақтинчалик харид қилинган уй “эҳтиётсизлик” туфайли ёниб кетди. Маълум бўлишича, ўғирланган тақинчоқларнинг умумий нархи 1,2 млн АҚШ долларига тенг экан.

Эртасига Нижний Новгородда чинакам катта жанжал кўтарилди. Пойтахтдан келган ва маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари содир этилган ўғирликдан

тамоман ўзларини йўқотиб қўйишди. Москва ва Ленинград ички ишлар органларида ҳамон фаолият юритаётган чор Россияси даврида ишлаган тажрибали изқуварларни чақиртиришди. Улар ўғирлик ҳолатларини таҳлил қилиб, бу жиноятда ниҳоятда кучли гуруҳ иштирок этгани, бундай мукаммал операцияни амалга ошириш оддий ўғрилар қўлидан келмаслиги ҳақидаги хулосаларини тақдим этишди. Шунга асосланган ҳолда Кузма Новгородский ва унинг қаватида ўғирлик билан шуғулланадиган ўн бешга яқин авторитетлар ҳибсга олиниб, тергов-суриштирув ишларини давом эттириш учун “Лефортово” қамоқхонасига жўнатилди.

Бу жиноят жаҳон афкор оммаси олдида Совет Иттифоқини бир қадар обрўсизлантирди. “Бирюс” компаниясига расмий ҳукумат томон пули тўлашдан бош тортди, чунки ички газнани уларнинг махсус гуруҳи қўриқлаганлиги рўкач қилинди. Қўриқчилар бадбўй ҳидли газдан ва сульфат кислотасининг парларидан заҳарланган, шу сабаб барчаси Бурденко номли тиббиёт институти клиникасига ётқизилганди. Уларнинг бирортаси ҳам терговчиларнинг саволларига жўяли жавоб бера олишмади.

Операция амалга оширилгач, Адмирал Ленинградга қайтган Фулом ва Маринага Ҳасан Мажид эфенди ва Лали Ҳақон қизи номларига Туркия паспортини тўғрилатиб, Боку шаҳридан Москвага, ундан Парижга жўнатиб юборди. Сабаби барча ҳудудлардаги ички ишлар бўлинмаларида Фуломнинг суратлари ёпиштирилган, халқаро қидирув эълон қилинганди. Изқуварлар Нижний Новгородда содир этилган ўғирлик жиноятларини ҳам унга боғлашаётганди. Бир қатор областлардаги тождор ўғрилар, авторитетлар қамоққа ташланган, ички ишлар органлари кескин репрессив ишларни кучайтирганди.

Москва — Париж самолёти Ле Бурже аэропортига қўнди. Фулом ва Марина Туркия фуқароси сифатида пойтахтдаги “National” меҳмонхонасига жойлашишди. Фуломнинг ёнида жуда оз миқдорда француз франклари бор эди, аммо 500 минг франкли чек ҳам берилганди...

VIII фасл. МАХФИЙ ХИЗМАТ ДОМИДА

“National” меҳмонхонасида уларга икки хонали номер ажратилди. Марина деразалари бутун дунё аҳлини ҳайратга солган Эйфель минораси тарафга қараган хонани танлади. Шу куни дам олишди. Фулом ва Марина француз тилини билмаганлари учун маҳаллий турагентликдан меҳмонхона маъмуриятининг тавсиясига мувофиқ бир ҳафтага тилмоч ёллашди. Келган одам ўзини Жак Куко деб таништириб, турк тилида бемалол сўзлашини билдирди. Эртасига шаҳарни айланишди, Триумфал аркасига боришди, Эйфель қурилмасининг устидаги ресторанда овқатланишди. Сафарнинг учинчи куни жаҳонда ягона, махсус усулда рақамли ўрдак пиширадиган “Ла Тур д-Аржант” ресторанида тушлик қилишди. Бу ердан машҳур Нотр Дам хиёбони кўзга ташланарди. Тўртинчи куни эса Парижнинг дунёга донғи кетган “Лувр” музейида бўлишиб, кўргазмалари билан танишишди. Албатта, Фулом ва Марина Ленинградга келишгач, Эрмитажни ва подшоҳларнинг ёзги қароргоҳи бўлган Петрегофдаги ажойиботларни томоша қилишган, аммо бу ердагиларни кўриб, қойил қолганларидан ёқа ушлаб қолишди.

Фулом киоскдан Париж шаҳрининг кўчалари, гузарлари, тарихий жойлар киритилган йўриқномани харид қилди. Хуллас, бир ҳафтада Париж шаҳрининг барча эътиборга лойиқ жойларини зиёрат қилишди. Фуломда чуқур таассурот қолдиргани бу пойтахтнинг тарихий музейи, француз императорларига қарашли бўлган сарой, марказдан оқиб ўтадиган Сена дарёси, савдо дўконлари, одамларнинг хушмуомалалиги эди. Марина ўзига керакли бўлган нарсаларни харид қилди, аммо у турк тилини билмагани учун Фулом магазинларга биргаликда боришга мажбур бўлди.

Орадан роса етти кун ўтгандан сўнг, Фулом ва Марина яшаётган хонага навбатчи келиб, хат бериб кетди. Фулом аввалига ҳайрон бўлди, аммо таниш ёзувни кўриб, қувониб кетди. Хат Ангел қўли билан ёзилган бўлиб, унда фақат бир жумла бор эди: “Эртага соат 12. 00 да Эйфель минораси олдидаги қаҳвахонада учрашамиз”. Айтилган муддатда

қаҳвахонага келди. Бурчақдаги столда чиройли кийинган Ангел қаҳвани ҳўплаб, газета ўқир, қўлида эса француз сигаретаси тутаб турарди. Улар индамасдан қўл бериб сурашишди. Ангелнинг тўсатдан Парижда пайдо бўлиши бежиз эмасди, буни яхши тушунган Фулом ўзига ҳам қаҳва буюриб, сўнгра унга савол назари билан қаради.

— Атлет, икки кундан сўнг доктор Пьер Жистен шифохонасига ётасан. Қиёфанга озгина ўзгартириш киритиш зарур, сабаби ўзимизда барча милиция бўлимларига сенинг расминг тарқатилган, ватанга қайтишинг билан қамоққа олинасан. Адмирал сенга “Принц” деган тахаллусни берди. Шунинг учун косметик тузатишлар қилиш зарурлигини буюрди. Маринани эртага Константинополга жўнатамиз, у ердан Россияга ўтказиб қўйишади. Тўғридан-тўғри Санкт-Петербургга жўнатиб бўлмайди, унда сенинг бу одам эмаслигинг сири маҳаллий полицияга дарҳол маълум бўлиб қолади. Чунки сиёсий ва ҳарбий вазият оғир бўлгани учун француз полицияси, контрразведкаси қаттиқ ишляпти, ҳар бир хорижий давлатдан келган фуқаролар минг чиғирқдан ўтказиляпти. Маринага самолёт чиптасига буюртма берилган, аэропортда кутиб олиб, жўнатадиган махсус одамлар тайинланган, бундан хавотир олма, у икки кунда уйда бўлади.

Эртасига Маринани жўнатган Фулом қайтиб меҳмонхонага келмади. Доктор Пьер Жистен шифохонасига пластик операция қилиниши учун ётқизилди. Ангел шу кунийёқ Финляндияга жўнаб кетди. Доктор ёши элликлардан ошган, думалоқ юзли, доимо кўзойнак тақиб юрадиган, жуда хушчақчақ одам экан. У Фуломни ечинтириб, ҳозирги ва келажакда бўладиган кўринишларини изоҳлаб берди.

Докторнинг гапларига қараганда, даҳан ўртасидаги туғма чизиқ, сал бўртиб турган бурунлари текисланиб, юз териси тортилиб, ўзгартирилар экан. Бунинг учун қулоқ ортидан иккита билинмас ва жағ остининг кўринмайдиган қисмларига чандиқ тушаркан. Даҳанда чизиқ ҳосил бўлиши туғма бўлиб, ҳозирча жаҳон тиббиётида буни сунъий равишда, кометологик операция йўли билан тўлиқ йўқ қилиш мумкин эмас экан. У Фуломнинг ўнг бўйнидан ичкари баданига қараб кетган бармоқ қалинлигидаги чандигини кўриб, бош

чайқади. Афтидан, унга бу алоҳида белги бўлган чандиқни йўқ қилиш ҳам топширилган кўринади, шундай бўлиб чиқди ҳам. У Атлетга бу чандиқни тўлиқ олиб ташлаб бўлмаслиги, аммо ҳажми ва йўналишини мумкин қадар ўзгартириш мумкинлигини билдирди. Хуллас, бу ерда бир ҳафта давомида тайёргарлик ишлари олиб борилиб, сўнгра у жарроҳлик столига ётқизилди. Фуломнинг бармоқ изларини ўзгартириш ҳақидаги мурожаатига доктор бош чайқаб деди:

— Мисъе Ҳасан Мажид эфенди, бармоқ излари бир умр қолади, ҳозирча уни ўзгартирадиган усул топилмаган. Баъзи бирлар кислота ёрдамида бармоқ териларини куйдирадилар, жароҳат етказадилар, бу ҳаммаси бефойда, бармоқ чизикларининг сони ва жойлашиш эгрилиги ҳар бир инсонда ўзига хос бўлиб, бир умрга ўзгармай қолади.

Фулом шифохонада деярли бир ойдан ортиқ қолиб кетди.

Шифохонадан чиққан Фулом Ле-Бурже аэропортига йўл олди. Аввалдан шу бутунги Париж — Константинополь рейси чиптасига буюртма берилиб, пули чек орқали тўлаб қўйилганди. Билет кассасидан чипта олаётганида уни кузатишаётганини сизди. Чиптани олиб, шу ердаги қаҳвахонага кирди, официантга битта қаҳва буюриб, ўзи билан олиб келган немисча “Дойчланд Беобахтр” газетасини ўқий бошлади. У ўзини газета ўқиётгандек кўрсатиб, қаҳвахона эшигидан кириб-чиқаётганларни кузата бошлади. Қарама-қарши тарафида икки йигит худди қаҳва ичаётгандек, эшикдан ташқарида ҳам бир неча одамлар ўзларини самолёт учишини кутаётгандек қилиб кўрсатишарди.

Икки соат ўтгандан кейин диктор Париж — Константинополь йўналишида парвоз қилувчи самолётга чиқувчилар рўйхатдан ва божхона кўригидан ўтишларини эълон қилди. Фулом навбатга бир неча йўловчилардан сўнг турди. Унинг навбати келганда рўйхатга олувчи паспортига ҳам қарамай билетга муҳр босиб, божхона кўригидан ўтадиган залга ишора қилди. Фулом божхона кўригидан ўтаётган пайтда икки ёнидан учтадан ва қаршисидан ёши элликлардан ошган, оқ сочли, чиройли кийинган одам ўраб келишди ва ёши каттаси деди:

— Мисъе Ҳасан Мажид эфенди?

— Ҳа, бу менман,— деди Фулом.

— Мисъе Ҳасан Мажид эфенди, сиз Франция давлатига қарши хуфёна ишлар қилишда гумон қилиняпсиз, шу туфайли ҳибсга олиндингиз, — деб шерикларига имо қилди.

Улар дарҳол Фуломнинг кийимлари чўнтакларини титкилаб, бор нарсаларни стол устига қўйишди, шундан сўнг қўлларига пўлат кишанларни тақишди. Божхона кийимидаги ходимлардан бири Фуломнинг жомадонини очиб, ичидаги ич кийимлар, шахсий гигиена маҳсулотлари, костюм-шимини столнинг устига қўйди. Жомадонни обдон текшириб, сўнгра ҳар бир буюм, ҳатто ёндиргични ҳам лупа билан текшириб чиқиб, оқ сочли одамга қараб бошини қимирлатди. Фулом буларнинг ўта маданият билан ҳибсга олишларидан полиция эмас, махсус хизмат вакиллари эканлигини аллақачон тушунганди ва энди ўз келажаги нима бўлиши ёлғиз Парвардигорга аёнлигини англади. Криминал полиция ҳибсга олганда бундай қилиб ўтирмас, дарҳол ерга ётқизиб, қўлларига кишан таққан бўларди.

Фуломни енгил автомашинага ўтқазиб, Париж шаҳри атрофида жойлашган кичик бир даҳага олиб келиб, афтидан, қандайдир ҳарбий машғулот лагеридаги қамоқхонага қамаб қўйишди. Бу хона қамоқхона камерасига сира ўхшамас, кейинчалик унга маълум бўлишича, интизомсизлик қилган ҳарбийлар вақтинчалик сақланадиган хона экан. Иморатнинг остида анчагина камералар жойлашган бўлиб, аксарияти бўш эканлиги бир қарашдаёқ сезиларди. Фуломнинг жомадони, кийимларида унинг яширин ишлар билан шуғулланганлигини билдирувчи далилий ашёлар топилмади. Орадан икки кун ўтгандан сўнг уни дастлабки сўроққа чақаришди.

Ертўла остидаги камераларни дала ҳарбий кийимидаги ёш йигитлар қўриқлар, овқатни бир ошпаз келтирар, доимо битта патнис устида икки кишилиқ нонушта келтирилишидан камералардан бирида яна бир маҳбус борлигини идрок этди. Камерага киритишларидан олдин врач уни тўлиқ ечинтириб, қўриқдан ўтказди. Шифокор ўзининг ёзма хулосасида маҳбус мутлақ соғлом эканлиги, ислом динига эътиқод қилиши, бундан ташқари, унинг чап қўл беш бармоғида кирилда битилган татиуровкаси борлиги ва

улар қўшиб ўқилганда “Принц” деган маънони беришини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, маҳбус яқиндагина пластик операция муолажасидан ўтганлиги, бўйнидан орқа курагигача кетган чандиқ бир қадар ўзгартирилганлигини, беқийс куч-қувватга эгалигини, афтидан, спорт билан шуғулланганлигини, камида спорт устаси эканлигини ҳам қайд қилиб қўйди.

Терговчини ҳайратга солган яна бир нарсаси, маҳбуснинг шахсий буюмлари ичида кичкинагина муқаддас китоб — Қуръони карим ва жойнамоз эди. Бу китобда сирли ёзувлар борлигини гумон қилган махсус хизмат вакиллари уни таҳлилдан ўтказиш учун лабораторияга юборишди, аммо бу оддий диний китоб эканлиги ҳақидаги хулоса янада баттар таажжубга солди. Икки кунги кузатишлардан ягона хулосага келишолмади...

— Мен махсус хизмат вакили Роберт ув-Каст бўламан, сизнинг ишингиз билан шуғулланиш каминага топширилди, — деди ўзини таништириб терговчи. У Фуломнинг олдида сигара, ёндиргични суриб қўйди ва деди:

— Бемалол чекаверинг, мисъе Ҳасан Мажид эфенди, исм-шарифингиз ҳужжатлар бўйича шундай, шекилли, ҳақиқийсини ўзингиз айтиб берасиз деган умиддаман.

— Ҳа, мен — Ҳасан Мажид эфенди, Туркия Республикаси фуқароси, — деди Фулом. Шу пайт эшик очилиб, яна бир одам кириб, маҳбуснинг орқасидаги стулга ўтирди. Фуломнинг орқа томонида ўтирганлиги учун унинг афт-башарасини, ҳаракатларини кўролмасди, бунинг устига сўроқ қилинаётган одамни бу, албатта, хавотирга солар, айтаётган гапидан янглишишига сабаб бўларди.

— Демак, сиз Ҳасан Мажид эфенди, Туркия фуқароси, жуда яхши. Қани, айтинг-чи, Парижга нима мақсадда ташриф буюргансиз? — деди Роберт ув-Каст.

— Компаниянинг тижорат ишлари билан Парижга келганман, — деб жавоб берди Фулом.

Дарҳақиқат, Фуломни Парижга юбориш ҳужжатларида “Бирил-Куш” компаниясининг ходими эканлиги, Францияга шампан виноларининг шиша идишларини сотиб олиш учун шартнома тузишга юборилаётгани кўрсатилган, ҳатто Фулом гўёки шу иш юзасидан бўлажак ҳамкорлар идорасига бир-икки кириб чиққанди. Улар бу ҳужжатларни

олиб қолиб, жавобини “Бирил-Куш” компаниясига жўнатишларини ваъда ҳам қилишганди.

— Яхши, — деди терговчи, — шундай ҳам дейлик. Сиз Ҳасан Мажид эфенди Туркиядаги “Бирил-Куш” компаниясининг ходими, шампан винолари бутилкаларини харид қилиш таклифи билан келгансиз, ҳатто шиша заводининг раҳбарларидан бири билан учрашиб, ҳамкорлик қилиш тўғрисида музокаралар олиб боргансиз, бу кўрсатмангизга ишондик деб ҳам фараз қилайлик. Аммо сиз ўзи кимсиз, ҳақиқий исми-шарифингиз, миллатингиз нима?

Афтидан орқада ўтирган одам сигара чекди, шекилли, унинг ўткир ҳиди димоқни қитиқлай бошлади. Терговчи шу саволларни берганидан сўнг Фуломга диққат билан тикилиб, ўзича кулимсираб қўйди. Бу истеҳзо бежиз эмас эди, албатта. Гап шундаки, айти шу кунларда Туркиядан компаниянинг Ҳасан Мажид эфенди номли дилери келган ва корхонага мурожаат қилганди. Шампан виноси ишлаб чиқарувчи корхона раҳбарияти уларнинг таклифлари билан танишаётганлиги ҳақида дилерга айтиб, бу ҳақдаги маълумотларни махфий хизмат ходимларига тақдим этишганди.

Ана шу сабабли, француз контрразведкаси ходимлари Фуломга қизиқиб қолишган, унинг тўсатдан меҳмонхонадан ғойиб бўлиши ва деярли бир ярим ой қаерда бўлганлиги, ким билан учрашганлигини аниқлашга киришганди. Уларнинг тахминича, Фулом қайсидир давлатнинг жосуси бўлиши мумкин. Айниқса, унинг немис тилини билиши, Гитлер разведкаси ходими бўлиши мумкинлигига ишора қиларди. Ҳақиқий Ҳасан Мажид эфенди ҳам шу ерда сақланаётган, у ҳақдаги ҳужжатлар Туркиядан олинган ва тасдиқланганди. Ортидаги одам тергов жараёнига аралашмай, индамайгина сигара чекиб ўтирар, маҳбуснинг берган жавобларига диққат билан эътибор берарди.

— Яхши, — деди терговчи ва сўзини давом эттириб, — ҳозир сизни ҳақиқий Ҳасан Мажид эфенди жаноблари билан юзлаштираман, сиз айнан шу одам эканлигингизни исботлаб беришингиз керак. — Эшик олдида ўтирган одам бир йўталиб қўйди. Хонага кирган ходимга терговчи деди:

— Учинчи камерадаги маҳбусни келтиринг, киришга рухсат берилмагунча, эшик олдида сақлаб туринг.

— Хўп бўлади.

Фулом унинг овозидан бугунги навбатчини таниди, чунки эрталаб бу назоратчи навбатчиликни қабул қилиб олаётганда камера эшигини очиб, маҳбусни кўздан кечирганди.

Фулом ўзининг Ҳасан Мажид эфенди эканлигини таъкидлайвергандан сўнг, терговчи стол остидаги қўнғироқни босди. Кирган назоратчига маҳбусни олиб келишни буюрди. Эшик очилиб, ўрта бўйли, яхши кийинган, туркча дўппили бир одамни киритди. Терговчи уни чап ёнида турган стулга утиришга таклиф қилиб, унга мурожаат қилди.

— Хўш, мисье Ҳасан Мажид эфенди, қаршингизда утирган одам ўзини шу ном билан таништириб, “Бирил-Куш” компаниясининг дилери эканлигини таъкидламоқда. Агар бу инсон, ҳақиқатан, шу одам бўлса, унда сиз кимсиз?

— Ҳақиқий Ҳасан Мажид эфенди менман. Сизлардан Туркия консуллиги вакилини чақиртиришларингизни, қолаверса, компаниянинг бош директори ёхуд муовинларидан бирига менинг, ҳақиқатан, Ҳасан Мажид эканлигимни тасдиқлаш учун мурожаат қилишларингизни илтимос қилдим. Мана бу менинг номимга берилган қалбаки ҳужжатлар билан саёҳат қилиб юрган қаллобни ҳаётимда кўрмаганман, бу — биринчидан. Иккинчидан, бу одам турк миллатига мансуб эмас, бу ё Ўрта Осиё ёхуд кавказлик, лекин, менинг тахминимча Ўзбекистон атрофидан бўлиши мумкин, чунки магнитофон орқали ёзиб олинган туркча талаффузини эшитдим, ахир мен олийгоҳнинг турк филологияси куллийтини тутатганман, бирмунча вақт касбим бўйича ишлаганман, шунинг учун хулоса қилишга ҳаққим бор, бу одам турк эмас, — деб терговчининг саволига узун қилиб жавоб берди маҳбус.

— Яхши, — деди терговчи ва Фуломга қаради, — хўш, жаноб, Ҳасан Мажид эфенди эканлигингизни ҳали ҳам исботлай оласизми ёки бор ҳақиқатни айтасизми?

Бу сўзлардан сўнг Фулом ҳақиқатнинг бир қисмини очишга мажбур эканини ҳис қилиб деди:

— Ҳа, жаноб терговчи, очиқ суҳбатлашадиган вақт келди чамамда, акс ҳолда, бу ёғи янада чигаллашиб кетади.

Ғулом ўзи тушиб қолган вазиятга тўғри баҳо бераётганди, чунки бу ердагилар уни махсус хизматларга мансубликда гумон қилишаётган, агар шубҳаларини тарқатмаса, оғир қийноқларга дучор бўлиши ва сабабсиз ўлиб кетиши аниқ эди. Шунинг учун бор ҳақиқатнинг бир қисмини, яъни сходняк Кенгаши раҳбарларининг бирортасининг исм-шарифини айтмай, фақат ўзи ҳақида маълумот беришга мажбур эканлигини англади.

Терговчи унинг гапини диққат билан эшитиб, ҳақиқий Ҳасан Мажид эфендини олиб чиқиб кетишга назоратчини чақиртириб, топшириқ берди. Эшик ёпилиши билан магнитофон қулоғини бураб, Ғуломнинг кўрсатмаларини ёзиб олишга тайёрланди. Ана шундан кейингина ҳақиқий тергов-суриштирув ишлари бошланди...

Уч соатлик сўроқдан сўнг, терговчи уни камерага олиб кетишларини назоратчига буюриб, эшик ёпилиши билан қарама-қаршисида ўтирган одамга мурожаат қилди.

— Ҳўш, мисье Лавузье, бунга қандай баҳо берадилар, менимча, у ҳақиқатни баён қилмоқда. Бу маълумотларни текшириб кўриш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Мен ҳозир халқаро жиноятчиликка қарши курашиш комиссиясининг Париждаги бўлимига мурожаат қилиб кўраман, агар маҳбусга халқаро қидирув эълон қилинган бўлса, кечқурун, узоғи билан эртага эрталабгача бизда у ҳақидаги тўлиқ маълумотлар бўлади.

— Афсус, мен Гитлер разведкасининг агентурасига дуч келиб қолдик деб ўйлагандим, ўзим ҳам бундай оддий комбинация ишлатилишидан ҳайрон бўлгандим, наҳотки, разведка ана шундай хом ишларни қилса деб, бу эса жиноий гуруҳнинг иши экан. Афсус, бу одамнинг, ҳақиқатан, жиноят оламининг вакили эканлиги тасдиқланса, унда бор ҳужжатлар билан уни криминал полицияга топширишга мажбурмиз. Лекин шундай ишни уларга бериш алам қилади. Ҳа, майли, мурожаат қилинг-чи, қандай жавоб оларканмиз, шунга қараб иш тутамиз.

Бу одам француз махфий хизмати ташқи контрразведкаси бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жан Лавузье эди.

Фуломни ўн кун мобайнида терговга чақиришмади. Кунига уч маҳал иссиқ овқат, бир марта чой ёки какао билан турли хил ширинликлар беришар, ҳожатхонага ҳеч қандай монеликсиз олиб боришарди. Ҳожатхона ҳам шу ертўлада бўлиб, сўнгги камеранинг бири мослаштирилганди. Фулом таҳорат олиш учун қумғон сўраганида, ҳеч бир қаршиликсиз беришди. Жойнамоз ҳам текширувдан ўтказилгандан сўнг қайтариб берилди. Ўринда ётар экан, Фулом ўйларди: у ҳаётида иккинчи марта махсус хизмат вакилларига дуч келиши, улар билан қандай тартибда мулоқот олиб бориш кераклигини билмасди. Чунки булар полиция ходимлари эмас, бераётган саволларига қараганда, анча уддабурон одамлар эди.

Лавузье ва терговчи халқаро полиция маҳкамасидан олинган маълумотдан баттар ҳайратланишди. Энди улар қўлларига оддий ўғри эмас, балки Совет Иттифоқи криминал оламининг етакчи мутахассисларидан бири тасодифан тушиб қолганлигини англашди. Халқаро полиция маҳкамаси эса кетма-кет махсус хизмат идорасига мурожаат қилиб, мабодо “Принц” лақабли ўғри уларнинг тузоғига илинган бўлса, зудликда уларга топширишни талаб этарди.

Айниқса, Принцнинг жисмоний тайёргарлиги, Шарқ яккакураш усуллари мукаммал эгаллаганлиги, ҳар қандай сейфларни калитсиз оча олиши ҳақидаги маълумотлар махфий хизмат ходимларига асқотиб қолиши мумкинлиги ҳақида кетма-кет мунозаралар олиб боришларига сабаб бўларди. Шунинг учун, халқаро полиция маҳкамасига Принцнинг изига тушганликлари, аммо у чап бериб Францияни тарк этганлиги тўғрисидаги расмий маълумотни юбориш билан чекланишди.

Ниҳоят, мисье Лавузье Фуломни спорт майдонида синаб кўришга жазм қилди. Махфий хизмат аскарлари машқ қиладиган майдонга уни олиб бориб, машғулотларни томоша қилдирди. Фулом ўзининг спорт соҳасидаги тайёргарлигини яширмоқчи бўлди, аммо мисье Лавузье барчасидан хабардор эканлигини айтиб, машқ ўтказаётган аскар ва зобитларга баҳо беришни сўради. Фулом кулимсираб, “яхши машқ қилишяпти”, деб қўйди, аммо Лавузье уни спорт кийимини кийиб, аскарлардан бирига қарши майдонга чиқишга мажбур

қилди. Фуломга қарши бўйи икки метрлар чамасидаги бир зобитни қарама-қарши қўйишди.

Аввалига Фулом ҳаракат қилмай рақибининг ҳужумини кутиб турди, барзанги рақиб қўлини мушт қилганча унга ҳужум қилди. Фулом бир сакраб ўзини зарбадан олиб қочди ва яна иккинчи сакрашида унинг халқумига ярим куч билан тепиб, боши билан ерга ағдарди. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган кузатувчилар анча пайтгача ўзига келолмай, нафас ололмай ётган зобитга қараганича, қотиб туришарди.

Фулом эса дарҳол сочиқни ҳўллаб, рақибининг бўйинига босиб турар, юзига совуқ сув сепарди. Шундан кейин уни қайта камерасига олиб келиб, қамаб қўйишди. Орадан икки кун ўтгач, уни яна тергов хонасига чақиртиришди. Хонада мисъе Лавузье ва яна бир нотаниш одам Фулом билан деярли икки соат суҳбатлашишди. Таржимаи ҳолига батафсил қизиқишди, қилган жиноятлари ҳақида маълумот беришни талаб қилишди. Фулом ўзи томонидан эмас, бошқа ўғрилар қилган жиноятлар тафсилотларини сўзлаб, уларни худди ўзи амалга оширгандек қилиб кўрсатди.

Махфий хизмат ходимларига ёлғон сўзлаб бўлмас, чунки улар берган барча маълумотларини чиғирикдан ўтказар ва Иккинчи жаҳон уруши бошлангани туфайли Совет Иттифоқи билан ҳарбий соҳада шартнома имзолашган, ҳар қандай маълумот сўрашса, дарҳол олишларини биларди. Анча пайт давом этган мулоқотдан сўнг, мисъе Лавузье Польша банкидан тилла пластинкалар ва Нижний Новгород шаҳридаги ярмаркадан тилла тақинчоқларнинг ўғирланиши, жиноят оламининг қироли ҳисобланган Адмирал билан бўлган алоқаси ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Саволингизга иккинчисидан бошлаб жавоб бераман. Шахсан Адмирални кўрган эмасман, фақат зоналарда ўтирганимда у ҳақда эшитганман. Агар Адмирал билан таниш бўлганимда, ҳозир бу ерда сизларнинг қўлингизда банди бўлиб ўтирмас эдим. Адмирал мени бу ерга эмас, балки бир нейтрал жойларга юборган бўларди, масалан, Гавая оролларида, бундай мамлакатлар Кариб ярим оролларида жуда кўп-ку... Иккинчидан, Польшадаги банк, Новгороддаги ярмаркада содир этилган ўғирликка менинг ҳеч қандай алоқам йўқ ва буни ким амалга оширганини ҳатто

билмайман, чунки бу пайтда мен “Ялта” санаториясида, иккинчи ўғирлик содир этилганда колонияда дам олаётгандим, — деб жавоб берди.

Фулом ўзича, “Олдинги саволларга бор ҳақиқатни айтдим, аммо орасида озгина ёлғон ишлатсам, ўтиб кетар”, деб ўйларди. Аммо махсус хизмат вакиллари бу ҳодисаларни ипидан игнасиғача текшириб чиқиш, имкони бўлмаса, таҳлилдан ўтказишлари мумкинлигини мушоҳада қилмаганди. Ушбу суҳбатдан сўнг яна уни камерага қайтаришди.

Муносабат анча ўзгарган бўлса ҳам, овқатни ҳатто менюдан танлашга ҳам рухсат этилганди. Аммо уни кузатиш авжига чиққан. Бу ердаги овқатлар дунёнинг ҳеч қайси бир давлатидаги қамоқхоналардагига умуман ўхшамасди. Орадан яна ўн кунча вақт ўтди, ниҳоят, камерага Лавузье кириб келиб, стулга ўтирди. Чўнтагидан француз сигаретаси ва ёндиргични чиқариб, стол устига қўйди. Сигарет қутисидан биттасини олиб лабига қистирди ва Фуломни ҳам имо билан чекишга таклиф қилди. Аввал ўзиникини тутатди, сўнгра Фуломникини ёндирди. Индамай сигарета чекишди ва Лавузье деди:

— Берган кўрсатмаларингиз текшириб чиқилди, аммо сиз ўз фаолиятингиз ҳақида деярли маълумот бермагансиз, деган хулосага келдик. Майли, бу — иккинчи даражали масала. Хабарингиз бор, Иккинчи жаҳон уруши бошланди, Польша нацистлар томонидан истило қилинди. Гитлер Германияси бугун бўлмаса, эртага Францияга уруш эълон қилади, бу — айна ҳақиқат. Шу сабабли бизда махфий хизматнинг махсус бўлинмаси мавжуд, урушга тайёргарлик кўриш, жасоратли, жисмоний жиҳатдан бақувват аскарларни тарбиялаш ва нацистлар ҳужумига қарши тайёр туриш лозимлигини вазиятнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Сўзлари қандай таъсир этганини билмоқчи бўлдими, биров тин олиб сигаретни кулдонга эзғилаб, кейин деди:

— Шунинг учун сизга таклиф бор, ана шу махсус қисмларни жисмоний ва руҳий жиҳатдан бўлғуси ҳарбий ҳаракатларга тайёрлаш учун инструкторлик вазифасини бажарсангиз, уларга бор ҳунарингизни ўргатсангиз, сўнгра янги паспорт билан бизнинг махсус агент сифатида

юртингизга кетишга имконият берсак, бундай таклифга қандай қарайсиз, мисъе Вадудов? Ҳозир жавоб бериш шарт эмас, ўйлаб кўринг, таклифимиз қониқтирмаса, сизни халқаро жинойтчилар билан шуғулланадиган комиссияга топширишга мажбурмиз, улар сизни талаб қилавериб, жонга тегишди.

Шу сўзларни айтиб, стол устидаги сигарета ва ёндиргични қолдириб, камерадан чиқиб кетди. Навбатдаги учрашув икки кундан сўнг юз берди. Яна ўша ҳолат такрорланди, сигарета тутатиб бўлишгандан сўнг, Лавузье Фуломнинг қандай қарорга келганига қизиқди.

— Мисъе Лавузье, мен ўғриман, сиёсатчи ёки спорт инструктори эмасман, ундан кейин, жосуслик вазифасини ҳеч ҳам бажаролмайман, шунинг учун сизнинг таклифингиз менга маъқул келмади, қамоқда бўлса ҳам, ўз ватанимда ўтиришга аҳд қилдим, — деб жавоб берди.

— Начора, мен сизга бир яхшилик қилай дегандим, эртага сизни комиссия аъзоларига топширишади, улар ватанингизга депортация қилишади. Хайр, саломат бўлинг, — деб камерадан чиқиб кетди.

Дарҳақиқат, орадан икки кун ўтмай Фулом қамоқхона машинасида Монблано ҳибсхонасига ўтказилди. Камерада тўрт киши эдилар, Фулом оз-оз француз сўзларини ўрганиб олган, оддий нарсаларни тушунтира оларди. Бунинг устига, маҳбуслар орасида немис Курт Хайслиген исмли фирибгарлик билан шуғулланган ўғри ҳам бор экан, қийин жойларида у таржима қилиб турди. Камерадагилар анча тажрибали ўғри, каззоб, фирибгарлар бўлганлиги учун ҳибсхонага кимни олиб келганликларини пайқашди ва ёрдам қўлларини чўзишди. Фулом деярли бир ой шу ердаги қамоқхонада қолиб кетди...

Гитлер Германияси Францияга уруш эълон қилган, француз армияси вермахтнинг кучларига дош беролмай пойтахт сари чекинаётган эди. Шу сабабли қамоқхонадаги маҳбуслар оккупация қилиниш хавфидан йироқ бошқа шаҳарларга кўчирила бошланди. Фулом эса Совет Иттифоқи адлия органларининг илтимосига биноан Москвага депортация қилинди. Уни олиб кетиш учун ички ишлар

органидан уч одам Парижга учиб келди ва қўлларига кишан таққан ҳолда транспорт самолётига ўтқазиб, пойтахт остонасидаги ҳарбий аэродромдан парвоз қилишди. Фуломни аэропортдан тўғри “Лефортово” ҳибсхонасига олиб бориб, 112-сонли камерага қамашди.

Камерада ўн учта одам бор эди. Ётадиган ўрин эса ўнга. Фуломни камерага киритишлари билан бир ёш йигит, унинг қаршилигига қарамай, ўрнини бўшатиб берди. У “Лефортово” қамоқхонасига келтирилмасдан бу ерга Принц олиб келиниши ҳақида малява орқали хабар қилинганди. Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнггина Фулом дастлабки терговга чақиртирилди. Фуломга РСФСР ЖКнинг бешта оғир моддалари қўйилган, агар шу жиноят кодексининг моддалари суд жараёнида исботланса, олий жазога ҳукм қилиниши аниқ эди...

IX фасл. ЗОНАДАГИ ТУТҚУНЛИК

Фуломнинг жиноят иши билан ИИХК катта терговчиси Белокопитов шуғулланди. Терговчи ўзини унга таништиришни лозим топмади. Фақат бир марта халқ комиссарлигига олиб борилганида эшикдаги “А. И. Белокопитов” деган ёзувга кўзи тушиб, унинг ҳақиқий исми-шарифини билиб олди. Қолган вақтда терговсуриштирув ишлари “Лефортово” ҳибсхонасининг шу мақсадларга мўлжалланган хонасида олиб борилди. Биринчи учрашув қуйидагича юз берди: Фулом бир навбатчи кузатувида тергов ўтказиладиган хонага келтирилди ва деярли қирқ дақиқа тик туриб, терговчи ҳузурига чақиртирилишини кутди. Хонага таклиф қилингандан сўнг терговчи унинг қўлларидан кишанни ечиб олишни назоратчига имо қилиб, ташқарида кутиб туришини айтди.

— Хўш, Вадудов, мен ИИХК тергов бошқармасининг катта терговчиси бўламан. Менга сизнинг жиноий хатти-ҳаракатларингизни тергов қилиш ҳамда адолатли ҳукм қабул қилиниши учун халқ судларига юбориш топширилган, — деди ва ҳужжатларни титкилай бошлади. Беш дақиқага яқин

жилд ичидаги ҳужжатларни кўриб чиққач, “демак бошлаймиз”, деб қўйди.

— Биринчидан, сиз — Вадудов ҳужжатларни қалбакилаштириб, ўзга давлат паспорти орқали хориж мамлакатларига борганингизнинг ўзи РСФСР ЖКнинг 121-моддаси 1-банди билан жиноий жавобгарликка тортилишингизга асос бўлади, тушунарлими? Хўш, бу ҳужжат қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолди, ана шу саволга жавоб беришингиз керак, тушунарлими? Иккинчидан, Польша Миллий банкидан 160 килограмм тилла пластинкаларни ўғирлаб кетишингиз, чегарани ноқонуний кесиб ўтишингиз РСФСР ЖКнинг қатор моддалари бўйича айблашга асос бўлади, тушунарлими? Учинчидан, Нижний Новгород шаҳридаги ярмаркада қиймати 1 млн 200 минг АҚШ доллариға тенг бўлган тилла тақинчоқлар, заргарлик буюмларини ўғирлаб кетишда ҳам айбланасиз, бу ҳам маълум моддалар асосида сизни жиноий жавобгарликка тортишга замин яратади, тушунарлими? Тўртинчидан, ҳамма айбингизни ўз хоҳишингиз билан бўйнингизга олиб, яширилган бойликларни топиб берсангиз, балки олий жазодан озод қилинарсиз тушунарлими?

Фулом терговчини ўрганар экан, унинг паст бўйли думалоқ юзли, кичкина айиқ кўзли, аммо кўзойнаги ниҳоятда катталигига, деярли юзининг ярмини эгаллашига сарғишдан келган, бошида бир тутамгина сочи борлигига ҳар замонда алюмин тироғи билан уни тараб қўйишига эътибор берди. Сўзларни акцент билан гапиришидан асл миллати рус эмаслигини англади. Айниқса, у ҳар бир жумланинг охирида “тушунарлими” сўзини ҳадеб такрорлайвериши одамнинг беихтиёр кулгисини кистаб ва гашига тегарди.

— Гражданин терговчи, чет элга қалбаки ҳужжатлар билан ўтганлигимни тан оламан, айбимга иқдор бўламан, аммо қолган жиноятларга менинг умуман алоқам йўқ. Мен оддий карманникман, паспорт эса Ленинградда бир анқовнинг кармонини олганимда ичидан чиқди ва визалари борлигини кўриб, унга ўз суратимни ёпиштирдим, чет элга саёҳат қилгим келди, холос. Бу айбим учун ҳар қандай жазога тайёрман, — деб жавоб берди Фулом.

У жинойт оламида қандай “касб”га ихтисослашганлигини яшириш мақсадида ўзини чўнтак ўғриси қилиб кўрсатаётганди, паспорт эса, ҳақиқатан, ўғрилар томонидан Петергофдаги заллардан бирида хорижлик сайёҳдан ўғирлаб олинганди. Фулом ана шу жинойтни бўйнига олишни лозим кўриб, шу билан биографиясидаги бошқа жинойтларни терговдан яширишга ҳаракат қилаётганди...

Терговчи қайта-қайта Польша Миллий банки ва Нижний Новгороддаги ўғирлик масалаларига тўхталар, аммо Фулом бу жинойтлардан беҳабарлигини таъкидларди. Терговчи уни бир неча маротаба карцерга жўнатди, жисмоний тазйиқ утказди, лекин мақсадига етолмади. Энди терговга яна бир зобит қўшилди, исми-шарифи Николай Спицин эди. У Фуломни аксарият кечалари терговга чақиртирар, кундуз кунлари эса Белокопитов ўзининг бўлмағур саволлари билан миясини қотирарди.

У берган саволлар Адмиралнинг фаолиятига тегишли бўлиб, Фулом бу одамни ҳаётида кўрмаганлигини таъкидларди. Спицин, асосан, Польша банкидан ва Нижний Новгороддаги ўғирланган моллар қарерга яширилганлиги билан қизиқар, агар Фулом уларни топишда ёрдамлашиб юборса, барча айблардан соқит қилиб, озодликка чиқариб юборишни ваъда қиларди. Акс ҳолда, олий жазо — отишга ҳукм этилиши билан кўрқитарди.

Шундай қилиб, деярли ярим йил тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилди, аммо паспорт ўғирланиши ва ноқонуний равишда чегарани қалбаки ҳужжатлар билан кесиб ўтиш ҳақидаги жинойт моддалари қолди. Фуломни бир неча марта камераларга ёлғиз қамаб ҳам кўришди, олдига “қулоқ”ларни ҳам киритишди, лекин мақсадларига етишолмади.

Ниҳоят, халқ суди унинг жинойи ишларини кўриб чиқиб, йигирма йиллик жазо муддати тайинлади. Жазони кучайтирилган тартибдаги лагерларда ўташига қарор қилди. Шундан ўн беш йили қилган жинойтлари, беш йили зонадан қочганлиги учун берилгани суд қарорида алоҳида таъкидланди. Терговчиларнинг қамоқдан қочиш бўйича берган саволларига Фулом ҳибсга олинганларни ташувчи автомашинанинг шассилари орасига яшириниб зонадан чиқиб кетганлигини айтиб тураверди.

Бу орада СССР ва Финландия ўртасида уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Сиёсий вазият кундан-кунга оғирлашиб борар, СССР ҳукумати Гитлер Германияси билан ўзаро бир-бирларига қуролли ҳужум қилмаслик ҳақида шартнома тузишга ҳаракат қилаётган давр эди...

СССР Ташқи ишлар вазири Вячеслав Молотов ва Германиянинг рейхсминистри Йохим фон Риббентроп ўртасида доимий равишда ҳамкорлик ҳақидаги консультациялар кетар, Польшани немислар тулиқ ишғол қилиб, Англия ва Францияга қарши уруш бошлаганди. Франциянинг бир қисми, шу жумладан, Париж истило қилинган, навбат Болқон яриморалига келганди.

Гитлер тўхтовсиз СССР ҳукумати олдига жаҳонни бўлиб олиш ҳақидаги масалаларни қўяр, шу туфайли унинг қуролли кучлари Ғарбий Украина ва Болтиқбуйи мамлакатларига киритилишига тайёргарлик кўраётганди. Хуллас, сиёсий ва ҳарбий вазият ниҳоятда мушкуллашган давр... Ниҳоят, Фуломни Омск шаҳридан икки юз чақирим узоқликдаги кучайтирилган режимдаги 61/12-лагерга этап қилиш ҳақида қарор қилинди...

* * *

Маҳбуслар ортилган вагонлар Омск шаҳридан ўтиб, қуюқ ўрмонзор ичига кириб борди. Омск шаҳридан вагонларни “кукушка” деб аталадиган кичкина паровозчалар аста-секинлик билан тортиб кетди. Атроф-теварак қуюқ пихта, арчасимон кедр, дуб, бук, оқ қайин каби дарахтлар билан ўралган, ўрмон ҳавоси соф бўлгани билан қандайдир елим ҳиди анқир, манзара бир хил бўлганлиги учун зерикарли...

Ҳар бир вагонга қирқтага яқин маҳбус жойлаштирилган, қуролланган ички ишлар қўшини қўриқлаб борарди. Паровоз бутун йўл давомида уч жойда тўхтаб, назоратчилар ҳар бир вагонда йиғилиб қолган ахлатларни ташқарига чиқариш учун биттадан маҳбусга рухсат этишар, агар белгиланган масофадан бир қадам нарига ёки ўнг ва чап тарафга қадам қўйса, огоҳлантирилмасдан отиб ташлашларини навбатчига тушунтиришарди.

Фулом жойлаштирилган вагон тартиб бўйича учинчи бўлиб, асосан, ўғрилар, йирик жиноят қилганлар ва камида ун йилга ҳукм қилинганлар жамланганди. Йўл-йўлакай бу вагонга қандайдир йўл билан старшина Ковалёв орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто бир-икки марта ароқ ҳам киритилди. Вагонга бошлиқ қилиб тайинланган старшина Ковалёв маҳбусларга нисбатан қаттиққўллик қилса ҳам, унча-мунча тартиббузарликларга эътибор бермас, кимдир томонидан ушбу вагондагиларга аталган озиқ-овқатларни текшириб кўриб, берилишига қаршилиқ қилмасди. Албатта, бу хизмат бепул эмаслигига маҳбуслар амин эдилар. Шундай совғалардан Фуломнинг номига уч марта келди, ҳар бирида кичкинагина хат ҳам бор эди. Мактуб Маринадан бўлиб, у ҳам ортидан лагерь жойлашган ҳудудга келаётганини хабар қилганди.

Маринанинг ёзишича, Фулом этап қилинаётган зонада тождор ўғри Паша Симбирский, акаси Саша Хватов ҳам жазо муддатини ўташаётган экан. Унинг шу лагерьга келаётгани ҳақида аллақачон хабар топишган. Бу ахборотдан Фулом анча хушнуд бўлди. Ниҳоят, кечаси соат бирда вагонлар лагерь жойлашган манзилга етиб келди, кукушка вагонлардан ажратилиб, вагонлар эрталабгача ички ишлар қўшини томонидан қўриқланди. Кун эндигина ёришганда маҳбуслар вагондан туширилгач, номма-ном рўйхатдан ўтказилиб, лагерь вакилларига топширилди. Шундан кейин махсус лагерь ротаси уларни тўрт тарафдан ўргатилган овчарка итлари ҳамроҳлигида зонага яёв ҳайдаб кетишди. Йўлга чиқишларидан олдин маҳбуслар маршни бузмаслик ҳақида огоҳлантирилди, бундай ҳолат юз берса, қурол ишлатилиши айтиб ўтилди.

Лагерьга етиб келишлари билан уларни қайтадан рўйхатдан ўтказиб, казармаларга тақсимлаб чиқишди. Кечқурун Фуломнинг олдига бир маҳбус келиб, унинг 1-блокнинг каптёркасига уйқуга ётишга рухсат берилгандан кейин бориши кераклигини аста шипшитиб кетди. Каптёркага кириши билан уни Паша Симбирский, Саша қарши олишди. Паша Симбирский зонада паханлик, Саша эса положенец вазифасини бажаришаётганлигини билдиришди ва дастурхонга таклиф этишди.

Дастурхонда бир шиша ароқ, консерва, дудланган колбаса, тузланган қўзиқорин ва қора нон бор эди. Паша индамай алюмин кружкаларга ароқни тенг қилиб қуйди ва қадаҳ сўзи айтди. Шундан сўнг газак қилишиб, кундалик муаммолардан гаплаша бошлашди. Унинг гапларига қараганда, Совет Иттифоқидаги зоналарда тартиб-интизом кучайтирилгани, арзимаган тартиббузарликлар учун лагерь бошлиқлари маҳбусларни карцерга ташлаётгани, суд қилиб, жазо муддатларини узайтираётганини сўзлади. Шу сабабли Фуломга ҳам эҳтиёт бўлишни, имкони борича ички тартибга риоя қилишни маслаҳат берди. Ҳатто лагернинг ноқонуний пахани бўлган Паша Симбирский ҳам барча қатори ишга чиқишга мажбурлиги, акс ҳолда, карцердан чиқмаслиги мумкинлигини тушунтирди.

Бу ҳолат жаҳонда сиёсий ва ҳарбий вазият кескинлашиб бораётгани натижасида юзага келганлиги, Адмиралнинг ҳам вақтинчалик хорижга кетишга мажбур бўлганлигини гапирди. Адмирал Фуломга “Шаҳзода” лақабини берганлиги ва бу лақаб барча зоналарда эълон қилинганлигини алоҳида таъкидлади. Фулом бу лақабдан хабардор эканлигини билдириб, озодликдаги маслакдошларини суриштира бошлади. Паша унга Сибирь колониясида, жиноят оламининг сардорларидан бири Филон вафот этганини, бу хабар барча зоналарга тарқатилгани, бир кун мотам эълон қилиниб, лагерларда маҳбуслар ишга чиқмаганлигини гапириб берди.

Яна зона ҳаёти бошланди... Шуни айтиб ўтиш керакки, лагерь таркибий жиҳатдан иккига бўлинган бўлиб, 1–12-блокларда жиноят қилганлар, 13–20-блокларда сиёсий қатағон қурбонлари жойлашганди. Бундан ташқари, 3–4-блокларда тождор ўғрилар сиёсатини тан олмайдиган босқинчилик, одам ўлдириш билан талончилик қиладиган гуруҳлар ҳам бор эдики, улар ўз қонунлари бўйича яшарди, яъни кучга таянишарди. Тождор ўғрилар билан улар орасида мунтазам низолар чиқар, жанжаллар бўлиб, бирорта “бахтсиз ҳодиса”дан баъзи бирлари ҳалок бўлишарди.

Бу турдаги жиноятчиларнинг нозик томони шунда эдики, улар ҳеч қачон ягона раҳбарликни тан олишмас, 10 – 15 кишидан иборат тўда бошқа шундай қудратга эга бўлган гуруҳ билан доимо жанжаллашиб юрар, мабодо тождор

ўғрилар уларнинг бирор гуруҳига тегишли “дарс”ни бермоқчи бўлса, бошқалари томошабин бўларди. Ана шу тарқоқликдан фойдаланган тождор ўғрилар зонада бемалол ўз сиёсатларини олиб боришар, бу турдаги гуруҳлар ичида ўз одамлари бўлиб, уларнинг ниятларидан лагерь пахани доимо огоҳ бўлиб турарди.

Одатда, ўғрилар сиёсий маҳбусларга эътибор беришмас, муомалада ҳам бўлишмасди. Бу сиёсий қатағон қурбонларининг аксарияти СССР қуроли кучларида хизмат қилган юқори унвонли генераллар, зобитлар, партия ва совет органларининг ходимлари эди. Улар мажбурий хизматни индамай адо этишар, кечқурунлари бир даврага йиғилишиб, халқаро аҳволни муҳокама қилишарди. Лагерь маъмурияти уларга бу масалаларда ҳеч қандай монелик қилмасди.

Маҳбуслар биокOMBинат қурилишида ишлардилар, гишт ташиш, усталарга ёғоч узатиш, бетон қориш, хуллас, барча оғир ишлар уларнинг зиммаларига юкланганди. Шуниси қизиқки, сиёсий маҳбусларни жиноят олами вакилларида нисбий равишда айирганлари билан, барибир биргаликда меҳнат қилишарди. Фуломни бетон қорадиганлар гуруҳига раҳбар этиб тайинлашди. Бу бригаддаги 24 кишидан бештаси сиёсий маҳбус бўлиб, асосан, бир вақтлар партия ва совет органларида раҳбарлик лавозимида ишлаган одамлар эди.

Ўғрилар ғоясини тан олмайдиган, бандитлар тўдасига кирувчи етти маҳбус ҳам бўлиб, гуруҳ раҳбари Юрка Бик лақабли йигит эди. Унга бундай лақаб берилишининг сабаби, у ҳаддан ташқари суяги бузуқ, кўкрак қафаси чиқиб кетган, мушглари худди темирчининг босқонига ўхшарди. У индамай ҳар қандай темир ломни иккига букиб, сўнгра тўғрилаб қўярди.

Фуломнинг кеча зонага келиб бугун уларга бошлиқ қилиб тайинлангани доимо унинг ғашини келтирар, баъзи пайтлар ўзини кўрсатиш учун ишдан бўйин товлар, ҳамма меҳнат қилаётганда, чеккага ўтиб маҳорка тутатар, ҳожатхонага бориб, соатлаб йўқ бўлиб кетарди. Фулом уни бир-икки марта огоҳлантирди, аммо у ички интизомга бўйсунмай, ўзини шундай тутаварди. Бригада раҳбари сифатида Фулом унинг устидан раҳбарларга шикоят қилишни эп кўрмади.

Бик кўпинча сиёсий маҳбусларни мазах қилар, уларни таҳқирлашга ҳаракат қилар эди. Бу воқеаларнинг негизиди Фуломни обрўсизлантириш, унинг кўрсатмаларини бажармаслик, тождор ўғрилар сиёсатини ерга уриш ётарди. Ниҳоят, бу ҳолат чидаб бўлмас даражага етди ва Фулом Бик билан яна бир марта суҳбатлашишга қарор қилди.

— Юрка, ички тартибга бўйсунасанларми ё оошқа бригадага ўтиб ишлайсанларми?

— Мен ва одамларим шу бригадада ишлайди, сенинг эса буйруқ беришга ҳаққинг йўқ, — деб жавоб берди у.

— Яхшиликча огоҳлантираяпман, ишлайдиган бўлсаларинг сиёсий маҳбусларни тинч қўйларинг, акс ҳолда, жазоланасанлар, — деди Фулом.

— Нима, нима, жазоланасанлар дедингми? Ким бизни жазолайди, сенми? Эй, мишиқи, мана бу муштларни кўряпсанми, бошингни ёнғоқ чаққандек чақиб ташлайман, э, хунаса, — деб ўшқирди Бик. Барча маҳбуслар бу можаро нима билан тугашини индамай кузатиб турар эди. Фулом учун бу барча тождор ўғрилар оламига отилган таҳқир тошидек таъсир этди.

Фулом ўзини тутиб, сўнгра деди:

— Демак, куч синашни хоҳлаб қолибсан-да, Бик. Айтган сўзларинг учун жавоб берасан, чала туғилган, ҳаромхўр. Начора, мен тайёрман, пакгаузнинг ортига ўтайлик.

Рақиблар ва уларнинг шериклари пакгаузнинг орқасига ўтишди. Фулом индамай устидаги жомакорини ечиб, фақат доимо кийиб юрадиган телняшкасида қолди. Рақибни ҳам шошилмай ечинди, у ҳатто ички кўйлагини ҳам ечиб ташлади. Бикнинг тана тузилиши ҳаддан ташқари қўпол, мушаклари беўхшов туртиб чиққан, муштлари худди гурзидек, баданининг ҳамма жойи татуировка билан қопланган эди. Фулом куч-қувватда ундан анча орқада, аммо чаққон ҳаракатлар билан енгишига ўзини ишонтирарди. Бикнинг ҳаракатлари худди оғир юкни зўрға кўтариб кетаётган одамга ўхшаш кулгили ҳолатни эслатарди. Рақиблар куч синашишга тайёр бўлганларидан сўнг, Фулом ўз тарафдорларига деди:

— Бу курашнинг оқибати қандай тугашига қарамай, бирортангиз аралашмайсиз, бу ҳалол куч синашиш бўлиши керак.

Икки рақиб яккама-якка олишганда зонадаги паханларнинг ҳам аралашшига ҳаққи йўқ, чунки бу ҳалол майдондаги кураш ҳисобланарди. Ниҳоят, рақиблар даврага чиқишди. Бик оғир ҳаракатлар билан Фуломга яқинлашар, у эса рақибининг атрофида чаққонлик билан гир айланар, унинг биринчи мушт туширишини кутар, чап бериб, сўнгра кучли зарба беришга пайт пойларди. Бик унинг тутқич бермай, атрофида гир айланишидан ғазабланар, овозининг борича ўкириб, ўзига далда берар ва “Сен Шаҳзоданинг суякларингни майдалаб ташлайман”, деб тўхтовсиз бақирарди.

Бик пайт пойлаб, Фуломга ўзининг темир муштини йўналтирди, аммо мушт мўлжалга тегмай, ҳатто қоқилиб, йиқилди ҳам. Шериклари унга далда беришар, бу тўқнашув, албатта, ғалаба билан якунланишига ишонар эдилар. Улар Бикка, “яхшилаб битта туширсанг бўлди, кейин оёқларинг билан тепиб, ўлдирасан”, деб биргалашиб бақирарди.

Берган зарбалари ноаниқ кетиши Бикнинг аччиғини чиқарарди. Энди у пала-партиш ҳаракат қилар, мақсади — фақат рақибига кучли зарба бериш. Фулом эса рақибининг ана шундай ҳолатга келишини кутганди. Навбатдаги ҳужумга Фулом чап бериб, рақибининг ортига ўтди. Бик унга юзланишга бурилган вақтда Фулом “қайчи” усулида рақибининг кекирдагига бор кучи билан тепди. Қарсиллаб синган суякларнинг овози келди, чунки Фулом бу зарбани бор кучи билан берганди. Зарба натижасида Бик бир дақиқага яқин оёқларида тик турганича нафас олишга ҳаракат қилар, аммо оғзини очолмасди. Иккала қўлини бўйнига олиб борган ҳолда кўз қорачиқлари киприк остига кўтарилиб, гурсиллаб йиқилди. Томошабин бўлиб турганлардан бир қанчаси Фуломни олқишлашди. Шу пайт ерда ётган Бикнинг оғзидан қон аралаш кўпик кела бошлади, сўнгра типирчилаганча жон берди.

Бўлиб ўтган курашдан сўнг Фуломнинг жиноятчилар орасида обрўси ошиб кетди, зеро, у ўзига бекордан-бекорга “Шаҳзода” лақаби берилмаганини исботлаган эди. Сиёсий маҳбуслар ҳам ўз номларидан унга миннатдорлик билдиришди.

Фуломга энди барча маҳбуслар ҳурмат билан муомала қилишар, аммо у бошқалардан кам меҳнат қилмасди. Бу орада Фуломнинг хотини келиши муносабати билан унга йигирма тўрт соатлик учрашувга рухсат берилди. Лагерь бошлиғи полковник унвонидаги Василий Варфоломеев анча қариб қолган, хизмат фаолиятини инқилобдан кейин бошлаган одам бўлиб, уни инсофли, нисбатан адолатли, деб таърифлашарди.

Аммо унинг тартиб-интизом бўйича муовини майор Куркин ниҳоятда талабчан, арзимаган тартиббузарлик қилганларни, ҳатто сафга туришга беш дақиқа кечикканларни ҳам дарҳол карцерга жўнатадиган, қаҳри қаттиқ, бераҳм одам эканлиги тўғрисида маҳбуслар орасида гап-сўзлар юрарди. Фулом тўсатдан у билан юзма-юз келиб қолди, афтидан, у Фуломнинг таржимаи ҳолидан тўлиқ хабардор, шунинг учун унга обдон тикилиб қаради ва деди:

— Вадудов, бир куни сени таклиф этиб, суҳбатлашаман. Бу ерда озодликдаги ҳунарларинг кетмайди, агар тартибни бузсанг, доимо карцерда ўтирасан, жиноят қилсанг, суд қилдириб, яна беш-ўн йилни елканга ортмоқлаб қўяман.

Шундагина Фулом бу учрашув тасодифан бўлмаганлигини ақли етди, чунки у лагерга келганда, Куркин меҳнат таътилида, санаторияда дам олаётганди.

Ўтишга ижозат берилгандан сўнг, Фулом казарманинг бир чеккасида хуфтон намозини адо этаётганини кўрган Куркин ибодат қилишни ман этиб, жойнамозни мусодара қилдирди. Бу машмаша лагерь бошлиғигача етиб боргандан сўнг, жойнамоз қайтарилиб, каптёрка ёнидаги бир ташландиқ хонани таъмирлатиб, ибодат қиладиган жойга айлантирди. Бундай хонани тайёрлаш бир ҳафтани талаб этган бўлса, рухсат олиш учун деярли ярим йил вақт керак бўлди.

Зонага ГУИТУ раҳбарларидан бири келиб Фулом билан алоҳида суҳбатлашди, шундан кейин казарма олдидаги бузилиб кетган бинонинг ўрнида иккита иморат тикланиб, биттасида христиан, яна биттасида ислом динига эътиқод қилувчиларнинг ибодат қилишларига шароит яратилди. Бу ташаббусни ГУИТУ раҳбарлари қўллаб-қувватлаб, ҳатто махсус буйруқ қабул қилиб, бошқа қамоқхоналарга ҳам

тавсия этилиши кутилмаган ҳолат эди. Доимо динга қарши курашиб келган болшевиклар Россиясининг бундай қарорга келиши бошқа давлатларнинг адлия ва диний маҳкамаларини ҳам таажжубга солди.

Шундай қилиб, кунлар, ойлар, йиллар бир-бирини қувиб ўта бошлади. Гитлер Германияси Совет Иттифоқиға қарши уруш эълон қилмасдан, тўсатдан ҳужум қилди. Оғир, қонли жанглар бошланиб кетди. Дастлабки мағлубиятлар, сафдаги қўмондонларнинг аксарияти ёш, жанговар ҳаракатларни олиб бориш тажрибасига эга эмаслиги совет қўшинлари ва халқига катта талофатлар келтирди. Шундан сўнг Сталиннинг буйруғига мувофиқ қамалган ҳарбий саркардалар бирин-кетин авф этилиб, ҳаракатдаги қўшинларга сафарбар қилина бошланди. Ҳар куни қамоқхона элик-олтмиш нафар ана шу турдаги маҳбуслар тарк этишар, уларнинг ҳарбий унвонлари тикланиб, урушга этап қилинарди.

Жиноят қилган бир қанча ўғрилар, талончилар ҳам ҳаракатдаги армияға юбориш ҳақида ариза билан лагерь бошлиғига мурожаат қилишди, улар орасида Фулом ҳам бор эди. Фулом ўз аризасида немис тилини мукаммал билиши, ёзиши, жисмоний тайёргарлиги жиҳатидан ҳеч қандай диверсантдан кам эмаслигини билдириб, урушға ўз хоҳиши билан бормоқчи эканлигини баён қилди. Аммо унинг аризасига ҳеч қандай жавоб қайтарилмади. Шуниси ажабланарли эдики, қамоқхона контингентидан баъзи бир жиноятчиларни тўплаб жарима батальонлари ташкил этилди ва ҳаракатдаги қўшинлар сафига юборилди.

Қонли уруш давом этаётган, аммо энди ўзини анча ўнглаб олган Совет Иттифоқи беҳисоб қурбонлар бериб Украина ерларини озод қила бошлаган 1944 йилда лагерьға малява келди. Малявада сходняк Кенгашининг қарори билан Фуломға тождор ўғри унвони берилганлиги, бундан кейинги лақаби “Граф” эканлиги кўрсатилганди. Малявада Паша Симбирскийға тож кийдириш маросимини зонада ўтказиш вазифаси юкланганди. Кечқурун пахан, положенец ва уларнинг ўринбосарлари казарманинг бир бурчагига йиғилиб, Фуломға тож кийдириш маросимини тантанали равишда ўтказишди.

Дарҳол маҳбуслар ичидан рассомчилик билан шуғулланган, ҳар замонда бандилар танасининг ҳар хил жойларига турли тасвирларни чизиб юрадиган “Маляр” лақабли маҳбусни чақиртириб, Фуломнинг кўкрагига бут, унинг устида осмонга парвоз қилаётган фаришталар суратини ҳамда ўнг бармоғига тождор ўғрилар белгиси бўлган узукни чизиш вазифаси юклатилди. Суратлар чизиб бўлингандан сўнг Фулом барча маросимга йиғилганларга ўз тожини намоиш қилди. Энди у ҳам тождор ўғрилар сафидан жой олганди. Фулом Адмирал қироллик мансабини эгаллагандан сўнг тож кийган қирқ тўртинчи ўғри эди.

Бу вақтга келиб, лагерь ҳаётида ҳам бирмунча ўзгаришлар рўй бера бошлади. Уруш тугаши арафасида қатъий тартибли лагерлардаги маҳбусларга бир қадар енгиллик берилди. Энди маҳбус оиласи билан бир йилда тўрт марта учрашиши, озик-овқат маҳсулотлари билан ҳар ойда таъминланиши, хат ёзиш ва олишига тўлиқ рухсат берилди.

Маша ҳам зонага яқин жойга келиб ўрнашди. Ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслик учун у шаҳардаги қурилиш бошқармасининг канцеляриясига ишга жойлашди. Тождор ўғри бўлган Фуломга лагерь бошлиғи қамоқхонадаги черков ва масжидни тартибга солиб туриш вазифасини юклади. Зонада ибодат қиладиган жой пайдо бўлиши билан христианлар ва мусулмонлар ёппасига кела бошлашди. Барчаси қилган гуноҳларини кечиришни, тезроқ озодликка чиқарилишини ибодатлари чоғида яратгандан сўрашарди.

Айниқса, жуда кўп мусулмонлар масжидга йиғилар, ҳатто жума намози катта анжуманга айланарди. Фулом ҳеч қачон зонада турли миллатга мансуб шунча мусулмон борлигини тахмин қилмаганди. Улар орасида карачай, авар, ингуш, чечен, туркман, озарбойжон, татар, бошқирд, ўзбек, қозоқлар бўлиб, жума намозида, албатта, ибодатда бўлишга ҳаракат қилишарди. Шу сабабли, ушбу масжидга зудликда имом-хатиб топиш зарурати туғилди.

Шу орада лагерга немис фашистлари қўлида асирликда бўлган, совет қўшинлари концентрацион лагерлардан озод қилинган маҳбусларнинг катта гуруҳи келтирилди. Улар орасида миллати татар, бир вақтлар диний мактабни битирган ва диний билимга эга бўлган Фарид Гайнуллин исмли маҳбус

ҳам келиб қолди. Фуломнинг одамлари дарҳол келган маҳбуслар ичидан уни топиб, имом-хатиблик вазифасини юклаб қўйишди. У ҳам бу лавозимни хушнудлик билан қабул қилди. Энди, ҳар жума намози рисоладагидек ўтар, домла ўз қавмларига мурожаат қилар, бу тadbирлардан барча маҳбуслару лагерь бошлиқлари, кўриқчилар хурсанд эдилар, чунки бундай пайтларда ҳеч қачон тартиббузарлик бўлмасди.

Ана шу лагерда Фулом ўзининг бўлғуси шогирди, ёвмут туркманларидан бўлган, “Қора қурт” лақабли Оразгелди Оқмурод ўғли билан танишди ва уни қаватига олди. Чунки Қора қурт биринчи бор зонага тушган эди. Бу пайтда у катталар томонидан қўллаб юборилмаса, жисмоний ва руҳий жиҳатдан қийналиши мумкин.

Оғир йиллар... Бу даврга келиб зонага СССР давлатига жанг майдонларида немислар тарафида туриб курашган власовчилар, бендерачилар ва “Украина миллатчилар ташкилоти”дан бир қанча бандиларни келтиришди. Булар ўзларини алоҳида тутишар, ҳеч қайси гуруҳга аралашмас, айниқса, бендера ва миллатчилар кибр-ҳаволи инсонлар эди.

Лагерь раҳбарияти улар орасидан “Груша” лақабли, боши кичкина, юз тузилиши нокни эслатувчи бир одамни бошлиқ қилиб сайлашга мажбур бўлди. Чунки доимо улар билан бошқа гуруҳга тегишли маҳбуслар ўртасида келишмовчиликлар чиқар, тез-тез ўзаро муштлашишлар бўлиб турарди. Қамоқхона раҳбарларининг бир неча бор огоҳлантиришлари, карцерга ташлаш, жазолаш усуллари ҳам уларга таъсир этмади. Ҳатто норасмий бошлиқларининг ҳам сўзлари ўтмас, ўтказилган мулоқотлар ҳам ҳеч қандай ижобий натижа бермасди. Хуллас, бу гуруҳни ажратиб, алоҳида иш жойлари билан таъминлашга мажбур бўлишди.

Бу орада Паша Симбирскийга Графни озодликка чиқариш масаласини ўйлаб кўриш ҳақида Адмиралдан малява келди. Зона пахани ўз яқин маслакдошларини атрофига йиғиб, бу мушкул муаммони қандай ҳал этиш ҳақида бош қотиришди. Малявада кўрсатилишича, Фуломни зонадан қочириш йўлини топиш лагерь паханининг олдига вазифа қилиб қўйилганди. Зонадан чиқиб олгандан кейинги масалалар билан бошқа одамлар шуғулланиши қайд қилинганди.

Паша Симбирский Графни зонадан қочириш анча мушкуллигини билар, шунинг учун таклиф қилинган усулларни бирин-кетин йўққа чиқарар, доимо одамларига “биз шундай йўлни топишимиз керак-ки, бу ҳали ҳеч қайси зонада қўлланилмаган бўлсин ҳамда у шундай содда бўлсинки, ментларнинг умуман хаёлларига келмасин, акс ҳолда Графнинг аҳволини анча мушкуллаштириб қўямиз”, деб қулоқларига қуярди.

Шу сабабли барча одамлари кечаю кундуз йўл ахтаришар, аммо жўяли бир фикрни ўртага ташлай олмасдилар. Ниҳоят, қудуққа ўрнатилган бадя орқали Графни ташқарига чиқариш фикри қолиб келиб, ана шу усул танланди. Бу таклиф юзага келишига ҳам бир сабаб бўлди. Доимо қудуқдан сув тортиб, аравага ортилган бочкага қуядиган “Ғилай” лақабли маҳбус очиқ сил касалидан қаттиқ ўсал бўлиб, шифохонага жўнатилди. Қудуқ эса бир пайтлар девордан ташқарида жойлашган бўлиб, қишлоқ аҳолиси томонидан қурилган, катта чучук сув захирасига эга бўлган, кейинчалик лагерь раҳбарлари деворни сал наридан уриб, қудуқни уз тасарруфларига олишганди.

Қудуқ шундай қурилган эдики, сув тахминан ўн челақ кетадиган ёғоч идиш орқали каттагина ҳажмдаги дубдан қилинган махсус идишга қуйилар, унга тарнов ўрнатилган бўлиб, шундан оқиб чиқарди. Бу тарновнинг тагига бемалол от-арава бочкаси билан келиб турар ва сувни тўлдириб, тарнов эшигини ёпиб кетаверарди. Бу андозанинг кейинчалик, зона жойлашгандан сўнг, қандайдир маҳбус тарҳини чизиб, ташқи мосламаларини қайта қурган экан. Қудуқнинг ишлашини ва таъмирланишини доимо Варлампий исмли, бир пайтлар маҳбус бўлган, жазо муддатини ўтаб, кейинчалик шу ерда қолиб кетган одам назорат қилиб турар, қудуқдан сув олинишида маҳбусларга ёрдам бериб юборарди.

Қудуқ деворга яқин жойлашган бўлиб, мослама осмонга кўтарилган ҳолатда жисмоний томондан кучли тайёргарли кўрган маҳбусни девордан нариги тарафга ўтказиб ташлаш имконини берарди. Аммо қудуқдан ўн қадамча нарида соқчилар назорат қилиб турадиган, баландлиги деярли ўн метр бўлган қурилма бор, унда доимо милтиқ ва қўл пулемёти билан қуролланган икки ички қўшин аскарлари

навбатчилик қилар ва кучли ёриткич билан жиҳозланганди. Кундуз кунлари одатда бир аскар қурилмада турар, кечасига эса қўшалоқ пост навбатта чиқарди. Вертухайларни чалғитиш муаммо эди. Симбирский бу усулни маъқул топиб, қўриқчини чалғитиш, ҳеч бўлмаганда, қандайдир ўн лақиқага эътиборини бошқа масалага қаратиш вазифасини ўйлашни одамларига топширди.

Ташқарига малява юбориб, зона девори атрофига мох, ҳар хил юмшоқ тўшамалар ташлашга тайёр туришларини сўради. Девордан сакраб ўтадиган аниқ жой кўрсатилди. Ташқаридан бу усул билан Графни чиқариб юборишга розилик берилиб, маҳбус қочадиган кунни ҳаво орқали оддий шар учирилишига келишилди. Зона устида маълум вақтда кетма-кет учта ҳар хил рангли шар учирилиши, бу эса ташқаридагиларга шартли белги бўлиши керак эди.

Маҳбуслар тушликдан чиқиб, майдонда ур-йиқит қилишлари, аскар ва зобитларнинг диққат-эътиборини ўзларига жалб этишлари, бу вақтда эса Саша бадяни пастга босиб туриб, Графнинг унга осилиб олиши ва девордан ташқарига сакрашига имкон яратиши лозим эди. Бу таклифнинг яна бир қалтис тарафи шунда эдики, қудуқ ошхона жойлашган манзилдан ташқарида бўлиб, тиконли симли эшик билан ажратилганди. Маҳбус учун эшикни очиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаса ҳам, бу ҳам қўшимча вақтни талаб этарди.

Шу сабабли зона пахани сув ташиш масаласини Сашанинг зиммасига юклаган, бочка ортилган арава фақат лагерь ичида юрганлиги боис қўриқчилар унчалик эътибор бермас, текширувдан ҳам ўтказилмасди. Графни зонадан қочириш якшанба кунига режалаштирилиб, бу ҳақда навбатдаги учрашувда Маринани огоҳлантиришди, чунки у ўғрилар билан зона орасида алоқачилик вазифасини бажармоқда эди.

Тушликка яқин Фулом аста арава ичидаги бочкага кириб жойлашди. Бочканинг ҳажми катта бўлиб, унга деярли уч минг литр сув кетарди. Унинг ичига одам ҳеч сиқилмасдан бемалол жойлашиши мумкин эди. Маълум вақт ўтгач, зона устидан учта шар учирилди. Арава аста-секинлик билан сув олинадиган қудуқнинг олдига йўналди. Шу пайт маҳбусларнинг аксарияти тушлик қилиб, ошхонадан саф

Ўткир АБДУРАҲИМОВ

бўлиб чиқиб келишаётганди. Бирданига ола-тасир бошланганди кетди. Маҳбуслар тарафма-тараф бўлиб, бир-бирларини калтаклашга тушиб кетишди.

Зонада “тревога” ҳолати эълон қилиниб, казармаларда дам олаётган аскарлар осмонга ўқ отганича, маҳбусларни тинчитишга ҳаракат қилишарди. Аммо уришаётганларга навбатдаги тушликка келган бошқа маҳбуслар ҳам аралашиб кетган, бу жанжални ташкил этганларнинг ўзлари ҳам калтакбозликнинг бундай даражага боришини кутишмаганди. Босқинчи, талончилар тўдасидан бўлган кимдир бор овозича, “биродарлар, ўғрилар бизларни калтакламоқда” деб бақиргани эшитилди. Худди шу пайтда, ўғриларнинг икки гуруҳи овқатланиб чиққан, навбатдаги тушликка нариги гуруҳ киришга тайёргарлик кўрмоқда эди. Ўн дақиқага мўлжалланган ола-тасирни бостириш, уришаётган гуруҳларни ажратиш ва камераларга ташлаш учун бутун зонадаги аскар ва зобитлар деярли кечқурунгача овора бўлишди.

Қурилмада турган аскар уришаётганлар устидан осмонга ўқ узар, барча диққат-эътибори пастда бўлаётган тартиббузарликка қаратилганди. Аскарларнинг ўқотар қуроллардан ўт очишлари, итларнинг бор овозлари билан акиллашларидан, жароҳат олганларнинг дод-войи, қўриқчиларнинг сўқинишларидан ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетган, худди қиёмат-қоимни эслатарди.

Бу вақтда Саша арқонни пастга тортиб, Фуломнинг бадяга ёпишиб олишига қўмаклашди ва бу томонидан босиб, девор тепасидан пастга сакрашига имкон яратди. Девор билан бадянинг ораси тахминан уч қулоч келаркан, Фулом ёғочга ёпишиб олган ҳолда бор кучини сарфлаб, девор устига тортилган тиконли симга илашиб қолмаслик ҳаракатини қилиб, тахминан беш метрлар чамаси баландликдан ўзини ташқарига отди. Ерга қаттиқ урилиб тушди, ўнг оёғи қирсиллаб кетди.

Яхшиям, олдиндан ерга ҳар хил юмшоқ тўшамалар қўйилган, акс ҳолда, жиддий жароҳат олиши ҳеч гапмасди. Фулом ерга тушиши билан икки одам қўлтиғидан олиб, сал нарида кўриниб турган ўрмон ичига судраб кетишди. Масофаси эллик метрни ташкил этган, зона атрофидаги

дарахтлар лагеръ бошлиқларининг кўрсатмасига мувофиқ кесиб ташланган, ҳатто тўнкалари ҳам маҳбуслар томонидан кавлаб олиниб, ошхона, иситкичлар учун ўтин сифатида аллақачонлар ишлатиб юборилганди.

Фуломнинг оёғи қаттиқ оғрир, икки шериги эса раҳм-шафқат қилмай унинг қўлтиғидан кириб, “тезроқ, тезроқ, Граф, илдамроқ ҳаракат қилиш керак, бироз чидашга тўғри келади”, деб огоҳлантиришарди. Фулом эса, “нобопроқ тушдим, шекилли, ўнг оёғим қаттиқ оғримоқда”, деб зорланиб борар, аммо тишини-тишига қўйиб чидарди. Озодлик учун бир оёқни чиқариш ёхуд суякни синдириш унинг учун ҳеч нарса эмасди...

Ўрмон ичидан тахминан бир ярим километрлар юрганларидан сўнг, уларни кутиб турган “Эмка” русумли автомашинага чиқишди. Фуломни орқа ўриндиққа ўтқизишиб, олиб келганлардан бири унинг ёнига, иккинчиси олдинги ўриндиққа жойлашди ва “Вася, ҳайда”, деб буйруқ берди.

Машина ўнқир-чўнқир ерларга ҳам қарамай дарахтлар орасидан йўл топиб, имкони бор тезликда кета бошлади. Фуломнинг оёғининг болдири лўқиллаб оғриб, шишиб кетди. Ёнида кетаётган йигит Фуломнинг ранги оқариб бораётганини кўриб, машинани тўхтатишни сўради. Улар уч кишилашиб Фуломни маҳбуслик кийимидан халос қилишди, бир қўйлакни йиртиб, оёғини сиқиб боғлашди, жойига ётқизиб, устига енгил плаш ёпишди ва “Граф, яна икки соат чидашга тўғри келади, манзилга етиб олайлик, сени кучли табибга кўрсатамиз”, дейишди. Фулом оғриққа чидаб, боши билан “маъқул” ишорасини қилди.

Лагердаги жанжал тугагандан сўнг ҳисоблаб кўришса, ўғрилардан иккитасининг жигарига “заточка” билан оғир жароҳат етказилиши натижасида босқинчилар гуруҳидан бири ҳалок бўлганлиги маълум бўлди. Ўлдирилган босқинчининг қўлида деярли ўттиз сантиметрли ўткир бигиз бор эди. Афтидан, жанжал бўлаётганда заточкани ишлатаётганлигини ҳалок бўлган ўғрилардан бири кўриб қолиб, уни зарарсизлантиришга уринган ва ўзи ҳам жароҳат олиб, жигарга бигиз билан урилишидан қон йўқотиб ўлган.

Умуман, бу жанжалда юздан ортиқ маҳбуслар жароҳат олган, шулардан ўн еттитасининг аҳволи ниҳоятда оғир, шу сабабли улар лагерь лазаретига жўнатилди. Булар орасида зона пахани Паша Симбирский ҳам бор эди. Лагерь кўриқчилари маҳбусларни сафга тизиб, бирма-бир йўқловдан ўтказганларида биттаси йўқлиги маълум бўлди. Кўриқчилар маҳбусларни аямай калтаклашар, овози чиққанини ёки ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилмоқчи бўлганларини дарҳол карцерга бодрингни тузлагандек қилиб, уриб-сўкиб тиқишарди. Зона бошлиғи дарҳол лагерьда бўлиб ўтган жанжал ҳақида Москвага — ГУИТУ раҳбариятига шифровка юборди ва ҳозирча битта маҳбус топилмаганлигини ҳам ўз ахборотида қайд қилиб ўтди.

Эртасига лагерьга Москвадан махсус комиссия учиб келди. Комиссияни бир вақтлар Каргопол турмасида бошлиқ бўлган ва яқиндагина ГУИТУга бошлиқ муовини лавозимига тасдиқланган Михаил Калининченко бошқарарди. Уларни Омск шаҳри аэропортида кутиб олган зона бошлиғи полковник Варфоломеев йўл-йўлакай лагерьда бўлган тартиббузарлик воқеаларини сўзлаб берди. Машина олдида ўтириб кетаётган Калининченко унинг ахборотини диққат билан эшитиб деди:

— Сирли равишда ғойиб бўлган маҳбуснинг исм-шарифини сизга айтайми, полковник?

— Қани, айтинг-чи? — деди ҳайрон бўлганича Варфоломеев.

— Қамокдан қочган ўғрининг исм-шарифи — Ғулом Вадудов, жиноят оламидаги лақаблари — “Басурман”, “Атлет” ва “Шаҳзода”, шундайми, Василий Несторович?

Бундан ажабланган Варфоломеев муовини Куркиндан хафа бўлди. Унинг ҳолатини сезган Калининченко деди:

— Василий Несторович, бу ахборотни менга ҳеч ким берган эмас, ўз тахминимча айтдим, чунки бу ола-тасир ана шу ўғрини қамокхонадан қочириш учун ташкил қилинганлигини самолётда учиб келаётганимда пайқаган эдим, шундай ҳам бўлиб чиқди. Бекорга муовинларингиздан хафа бўлиб юрманг, бу одамнинг қочиши аниқ эди, чунки ватанга Адмирал қайтганлиги тўғрисида агентларимиздан ахборот олинди, бу маълумот ҳали охиригача текшириб, бир хулосага келингани йўқ. Демак, Адмиралнинг келганлиги

энди тасдиғини топди, чунки “Шаҳзода” унга ўз ўғлидек бўлиб қолган, эшитишимизча, усиз бир кун ҳам туролмас экан. Шаҳзоданинг Адмирал учун жонини фидо қилишга тайёрлигидан, ҳар қандай мушкул, муаммоли вазифаларни унинг зиммасига юкларкан.

Олинган маълумотларга қараганда, Адмирал Иттифоққа қайтгандан сўнг ўғрилар орасидаги парокандалик, босқинчилик, талончилик ҳолатларидан жуда норози бўлган, ҳатто қатор авторитетлардан тожни ечиб олган ва жазолаган. Ўз салтанатида тартиб ўрнатиши учун албатта, унга Шаҳзода керак, ана шу муносабат билан унинг зонадан қочишини тахмин қилгандик. Сизга Шаҳзодани доимо назорат остига олишингиз ҳақида махсус шифровка ҳам тайёрланган, аммо юборишга улгурмадик, у аллақачон қафасдан чиқиб кетибди, афсус...

Бироз сукут сақлаб, атрофдаги ўрмонга маҳлиё бўлганича сўзини давом эттирди:

— Мана кўрасиз, Василий Несторович, яқин кунларда Иттифоқнинг турли жойларида ичган қасамидан қайтган ўғрилар, босқинчи, талончиларнинг кетма-кет ҳар хил ҳолатларда ўлдирилиши қайд этилади ва катта-катта жиноятлар амалга оширилади. Бу вазифаларни эса сизнинг қамоқхонангизда ўтирган Фулом Вадудов бажаришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, ана шундай, — деб қўйди ва яна ўз хаёлларига эрк берди.

Зонага етиб келишлари билан Калининченко Куркиннинг хизмат хонасини эгаллаб, тегишли текширув-суриштирув ишларини бошлаб юборди. Дарҳол Фулом Вадудовнинг шахсий жилдини олиб, синчиклаб ўрганиб чиқа бошлади. Эртасига барча ички ишлар органларига “ориентировка” юбориш ҳақида ГУИТУга шифровка юборди. У Варфоломеев, Куркин ва бошқалар билан шахсан суҳбатлашди ва шундан кейин лагерь лазаретида ётган Паша Симбирскийнинг олдига борди, чунки маҳбус калтак зарбидан, афтидан, бошига труба ёки шу турдаги қаттиқ металл буюм билан урилиши оқибатида очиқ жароҳат ва мия чайқалиш ташхиси билан шифохонага ётқизилганди.

Палатада ўн иккита бемор бўлганлиги учун Калининченко унинг кароватини алоҳида врачнинг хонасига кўчириш

ҳақида кўрсатма бериб, сўнгра уни сўроқ қилишга қарор қилди. Калининченкони фақат бир масала, яъни маҳбус қамоқхонадан қай тарзда қочганлиги қизиқтирарди. Чунки ҳеч ердан туйнук қазилмаган, зона дарвозасидан чиқиб кетиши мумкин эмас, қандай қилиб банди сирли равишда ғойиб бўлганлигига жавоб топиши шарт эди. Маҳбус худди қанот чиқариб, осмон-фалакка кўтарилгандек ғойиб бўлган.

Бу орада Куркинга жосуслардан бири бундан тўрт ой олдин зонада Гуломга тож кийдирилгани ва унга “Граф” тахаллуси берилгани ҳақидаги ахборотни етказди, у бу тўғрисидаги маълумотлардан Калининченкони хабардор қилди. Энди Адмиралнинг ватанга қайтганлиги ҳақидаги ахборот тўғри эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмади.

Ниҳоят, у Паша Симбирский билан учрашди. У хонадаги кароватда ёлғиз ётар, боши танғиб боғланган, бинт устида қон кўриниб турарди. Афтидан, бугун унинг бошини қайта боғлашган, шу сабабли янги қон доғлари бинт устидан сизиб чиқиб, энди қота бошлаганди. Калининченко палатага ёлғиз ўзи ҳеч қандай дафтар ёки сўроқ пайтида, албатта, қатнашадиган стенографистларни олмасдан кирганди, чунки у суҳбатни очиқ тарзда ўтказмоқчи, агар сўроқ жараёнига расмий тус берилса, тождор ўғрилардан ўзига керакли маълумотни ололмаслигини яхши биларди. Чунки у илгари раҳбарлик қилган Каргопол қамоқхонаси ана шундай обрўга эга бўлган ўғрилар сақланадиган зона эди. Худди шу зонада афсонавий тождор ўғри Филон ҳаётининг сўнгги кунларини ўтказган ва зотилжам касаллигидан вафот этганди.

Шу туфайли у тождор ўғрилар оламини, ғояларини, юриш-туришлари, ҳаёт тарзларини бошқа қамоқхона бошлиқларига нисбатан яхши билар, сўроқни ҳам худди суҳбатлашаётгандек қилиб ўтказишидан кўп йиллик тажрибага эгалигини кўрсатарди.

Илгари қамоқхонада ўтирган ўғрилар уни анча адолатли, ўз ишини мукаммал биладиган, айти пайтда ҳалол одам эканлиги учун ҳурмат қилишарди. Сўроқ даврида ҳеч қачон тождор ўғриларнинг иззат-нафсига тегмас, инсоний ҳақ-ҳуқуқларни поймол қилмас, шу сабабли жиноят оламида ҳам маълум обрўга эга эди. У хонага кирган заҳоти, қўлидаги мевалар солинган пакетни тумбочкага қўйди ва деди:

— Салом, Павел Всеволодович! Хўш, соғлиқлар қалай, шикоятларингиз йўқми, яхши даволашяптими?

— Раҳмат, гражданин бошлиқ, ҳаммаси жойида, шекилли, — деди Паша ва нотаниш полковникни кўрганидан анча хушёр тортди.

— Мен — Михаил Калининченко, полковник, ГУИТУ бошлиғининг ўринбосариман, лагерда бўлган нохуш масалалар бўйича тафтиш ўтказишга келдим, сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни эшитмоқчиман, Павел Всеволодович. Ҳа, ҳа, ажабланманг, бу расмий сўроқ эмас, мен, шунчаки, сиз билан танишиб, бир суҳбат қурмоқчи бўлдим, афтидан, сиз ҳам зерикиб турган кўринасиз, шундайми?

Калининченко суҳбатни олиб боришда доимо савол аломатини жумланинг охирида қолдирар, сўроқ қилинаётган одам ўзи мушоҳада этмаган ҳолда берилган саволга бехосдан жавоб бериб қўйганлигини сезмай қоларди. Кейинчалик эслаб, кўп ҳолларда пушаймон бўлиб юарди. Бу усулни жуда камдан-кам қамоқхона ходимлари ва терговга ихтисослашган адлия хизматчилари эгаллаганди. Ана шу сўроқ ёки тергов-суриштирув олиб бориш усулидан Калининченко моҳирона фойдаланарди.

— Павел Всеволодович, айтинг-чи, нима сабабдан лагерда бундай нохуш воқеалар юз берди, бу жанжалларнинг тагида қандай муаммолар ётибди, саволим тушунарлими? — деб кўзларига тикилди.

Паша Симбирский ҳам ундан кўзини узмаган ҳолда ўйлаб, саволга жавоб беришга ҳозирлик кўрди. У олдида оддий бир полковник эмас, балки кўп йиллик тажрибага эга мутахассис ўтирганини бир қарашдаёқ сезганди. Бундай қудратга эга бўлган инсонлар билан оддий кишиларгина эмас, ҳатто тождор ўғрилар ҳам эҳтиёткорлик билан суҳбатлашишарди. Калининченко асосий мавзуга ўтишга шошилмас, чунки агар қочоқ тўғрисида бирданига савол берса, умуман жавоб ололмаслигига ақли етарди. У фақат ўзини жанжалнинг келиб чиқиш сабабларига қизиқаётгандек қилиб кўрсатарди.

— Гражданин бошлиқ, ўзингиз яхши биласиз-ку, биз ўғрилар босқинчи, талончи, ўғрилик мақсадида инсонлар ҳаётига тажовуз қиладиганларни ёмон кўришимизни, шу

асосида ана шундай гуруҳ ва бизлар орамизда ихтилоф чиққан ва тўсатдан жанжал бўлган. Бу келишмовчилик натижасида жанжал урушишга айланиб кетди, оқибатда қон тўкилди. Мен сизга фақат мана шу сабабларга кўра бу машғум воқелик бўлганлигини изоҳлаб беришим мумкин, холос, — деб жавоб берди Симбирский.

— Айтинг-чи, жанжалнинг яна бошқа сабаби йўқми?

— Йўқ, йўқ, яна қандай сабаби бўлиши мумкин? — дея кўзини шипга қадаган ҳолда саволга савол билан жавоб берди маҳбус.

— Яхши, — деди Калининченко, — бўлмаса менга айтинг-чи, ташқаридан қандай мазмундаги топшириқни олдингиз? Келинг, мушук-сичқон ўйнамайлик-да, бор ҳақиқатни юзага чиқарайлик. Мени бўлиб ўтган жанжалларнинг моҳияти қизиқтирмайди, мен унинг келиб чиқиш сабабини аниқлашим керак. Бу урушни бошлаганлар сиз бошчилигингиздаги гуруҳ, тождор ўғрилар ғоясини ҳимоя қилувчилар, негалигини ҳам тушунтириб берайми ёки ўзингиз айтасизми?

— Кечирасиз, гражданин бошлиқ, бошим қаттиқ оғрияпти, врачни чақиртиринг, чарчадим. Бошқа суҳбат қуришга имконим йўқ, докторни таклиф этинг, мазам бўлмаяпти, — деди бошини иккала қўли билан ушлаганича маҳбус.

“Мана, энди аниқ бўлди, асосий мавзуга ўтилиши билан маҳбуснинг боши оғриди, сал ўтмай кўнгли беҳузур бўлаётгани ёки бошқа бир нарсани баҳона қилиб, суҳбатдан албатта бош тортади. Демак, бу жанжал Графни қамоқдан қочириш учун атайлаб ташкил этилган. Аммо у қандай қилиб қамоқхона ҳудудидан чиқиб кетдйкин? Ҳа, ҳа, бекорга Адмирални қирол дейишмаган, бу унинг комбинацияларидан бири, Паша Симбирскийни дарахтга боғлаб, пичоқ билан баданини тилсанг ҳам, айтмайди. Чунки бу масала қирол билан боғлиқ. Яхши, ўзимга керакли бўлган ахборотни олдим ва текшириб чиқдим, бугунча етарли, агар ҳозир суҳбатни давом эттирмоқчи бўлсам, умуман ҳеч қандай маълумот ололмай қоламан”, деган фикрда шифокорни чақиритиб буюриб, палатадан хайрлашиб чиқиб кетди...

Паша Симбирский Графнинг зонадан чиқиб кетганлигини билар, қамоқхона маъмурияти маҳбуслар сонини аниқлагунча, у мўлжалланган манзилга етказилганига ақли етарди. Шу сабабли ўзига топширилган ишни қойил қилиб бажарганидан хурсанд, бундан кейинги тақдирдан хавотирда эмасди. Аммо бу ерга келган янги полковник ўғрилар дунёси учун хавфли одам эканлигини ич-ичидан ҳис қиларди. Полковникнинг эндигона ўйинни бошлагани, ҳали қўлидаги бирорта козирни ишлатмаганлигини сезиб турар, биринчи учрашувнинг ўзидаёқ уни сал бўлмаса ёнғоқдек чақиб ташлашига оз қолди. Бу унинг кўнглига ғулғула солар, ташвишлантирар, хуллас, безовталигининг чеки йўқдек кўринарди. Полковникнинг бекордан-бекорга бу ерга келмаслиги, у, албатта, Граф туфайли ташриф буюрганлигини англаб, “демак, озодликда қандайдир муҳим ишлар бўляпти”, деб ўйларди.

Полковник билан иккинчи учрашув бундан ҳам баттар бўлди. У бу гал маданиятли суҳбат қуриб ўтирмасдан, сўзни масаланинг қоқ ўртасидан бошлади:

— Павел Всеволодович, мушук-сичқон ўйнашга вақт йўқ. Граф қани, уни қайси йўл билан зонадан чиқариб юбордингиз? Агар менга бор ҳақиқатни айтиб берсангиз, ҳеч қандай тергов-суриштирув бўлмайди, сўроқ протоколи тузишга ҳожат қолмайди. Биламан, сизнинг зиммангизга уни лагердан қочириш вазифаси юкланган, ҳозир қайси томонга, кимнинг ҳузурига кетганлигини билмаслигингиз табиий, мен буни сиздан талаб қилмайман. Фақат Граф бу ерни қандай тарк этганлигини билсам бўлди, уни кейинчалик қаердан, кимнинг ҳузуридан қидиришни жуда яхши биламан. Жавобингизни кутяпман, Паша?

— Гражданин бошлиқ, мен бундай лақабли ўғрини билмайман, билганимда ҳам, айтмасдим. Сиз ўзи ким тўғрисида гапиряпсиз? — деб саволга савол билан жавоб берди. Қаршисида ўтирган полковник чўнтагидан “Беломор-Канал” папиросини чиқариб, биттасини лабига қистирди ва Пашани ҳам чекишга таклиф қилиб, гугуртини ёқди. Аввал ўзиники, сўнгра Пашаникини тутатиб, ҳузур қилиб тортиди-да, суҳбатдошининг кўзига тик қараб деди:

— Мени ёш бола қилманг, Павел Всеволодович, органга кеча келган эмасман, Шаҳзодани сўраётганлигимни билиб турибсиз, бундан тўрт ой олдин ўз қўлингиз билан тож кийдирган Фулом Вадудов ҳақида гапиряпман. Хўш, мавзунини давом эттирамизми ёки бу ердан тўғри карцерга бориб даволанишни давом эттирасизми?

— Полковник, — деди Паша Симбирский, — нима қиласиз фуфлони ҳайдаб? Менга таъсир ўтказиш учун қўлингиздан келган жазони қўллаверинг, аммо мен сизга ҳеч нарса айтмайман.

Калиниченко маҳбуснинг ҳеч нарса айтмаслигини аввалдан билган, лекин, ҳеч бўлмаса, Графнинг лагердан қандай қочганлигини жумбоқли саволлар билан тахминан бўлса ҳам, аниқлашга ҳаракат қилаётганди. У суҳбатни тўғридан-тўғри бошлаганига минг бор афсусланди. “Маҳбусни қўрқитмоқчи бўлган биргина сўз барчасини чаппасига айлантириб юборди, бандининг жиноят оламида “ким” эканлигини ёдига солиб қўйди. Энди бирорта сирни билиш, ўзига керакли бўлган маълумотни олиш амримаҳол эди. Бунинг устига, “Шаҳзода”нинг тож кийишида Паша Симбирскийнинг шахсан қатнашганлиги сирини ошкор қилганлиги туфайли, маҳбус зонада раҳбариятнинг “қулоғи” борлигидан огоҳ қилиб қўйди, энди улар бу агентни қидира бошлашади, уни топиш учун шундай ҳунарларни ишлатишадики, ҳар қандай махфий хизмат ишлаб чиқадиган операциядан кам бўлмайди, шуни бекор қилдим-да”, деб ўйлади.

Ниҳоят, маҳбусни алоҳида бир карцерга қамаш ҳақида ташқарида кутиб турган лагерь бошлиғининг ўринбосари Куркинга топшириқ бериб, Фуломнинг шахсий жилдидаги маълумотларни диққат билан ўргана бошлади. Польша Миллий банки, Нижний Новгород шаҳри ярмаркаларидан ўғрилانган маълумотлар тагига қалин қилиб, қизил қалам билан чизиб қўйди. Бу ўғирликларни амалга оширишда кимлар қатнашганлиги ҳақидаги ўз хулосаларини эса ён дафтарида қайд қилиб, каттагина сўроқ белгисини қўйди.

Бу жумбоқни ечиш, Графни топиш унинг учун касбий бурч эди. Агар Графни қайта қўлга туширишга муваффақ бўлса, албатта, Адмиралнинг изига тушиш мумкин, чунки

махбус унинг олдига равона бўлиши аниқ. Шу ўйларда, у билан бирга лагерга ташриф буюрган тезкор хизмат ходимларига Маринанинг ҳар бир қадамини кузатиш, мабодо бу шаҳарни тарк этмоқчи бўлса, унинг соясига айланиш ҳақида кўрсатма берди.

Дарҳақиқат, орадан икки кун ўтмай Марина ишдан бўшаб, Омск шаҳридан кетмоқчи бўлганлиги ҳақидаги ахборотни олди. Маринани Омск — Москва йўналишида ҳаракат қиладиган пассажир поездига Рязань станциясигача патта сотиб олганлиги маълум бўлди. Калининченко дарҳол ана шу купега Прокопчукка билет харид қилдириб, Маринани кузатиб боришни тайинлади.

Рязань темир йўли ички ишларига қўнғироқ қилиб, тегишли ёрдам кўрсатилиши ҳақида келишиб олди. Поезд уч кундан кейин кетиши керак, шу сабабли Марина яшаётган хонадон доимий кузатувга олинди, ким билан учрашгани мунтазам қайд қилиб борилди. У эса кетма-кет турли одамлар билан учрашар, бозорга бориб, керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини харид қиларди. Хуллас, бу кузатишлардан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Поезд купесига Маринадан ташқари, Прокопчук ва эр-хотин архитекторлар жойлашишди. Қисқа суҳбатдан сўнг маълум бўлишича, бу эр-хотинлар Ленинград шаҳридан экан, 1941 йилнинг қишида у ердан эвакуация қилиниб, Омскга келиб қолишган, энди эса она шаҳрига қайтишаётган экан. Москвага бориб, баъзи бир ишларини битириб, сўнгра Ленинградга қайтиб боришаркан. Уларнинг гапларига қараганда, Невский проспектидаги уйларига уруш натижасида зарар етмаган, бу ҳақда улар Ленинградда доимий қолган, ўт ўчириш хизматида ишлайдиган ўғилларидан мунтазам ахборот олиб туришган. Улар бутун шаҳар немислар томонидан бомбардимон қилинишига қарамай, уйлари зарар кўрмаганлигидан ниҳоятда хурсанд эдилар. Деярли уч кун деганда йўловчи поезд Рязань станциясига етиб келди.

Марина ҳамроҳлари билан хайрлашиб, поезддан тушиб қолди, Прокопчук йўл давомида уни доимо кузатди, поезддан тушаётганида ҳатто жомадонини кўтариб, пастгача тушириб берди ва қайта вагонга кирди. Аммо Маринанинг орқасида туриб, перронда худди бир одамни кутиб

олаётгандек кўринган йигитга имо қилиб, ҳамроҳини кўрсатди. У эса аста бошини қимирлатиб, объектни назоратга олганлигини билдирди. Маринанинг олдига ҳеч ким келмади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаган... Уруш тугаши ва ғалаба қилиниши муносабати билан барча маҳбусларга амнистия берилди, ҳатто муддатидан олдин лагерни “ўз ихтиёри билан тарк этган”ларга ҳам татбиқ қилинди. Зоналарда фақат ашаддий жинойтчилар, сиёсий маҳбуслар ва шу йил қамалганлар қолди. Шу муносабат билан мамлакатнинг турли бурчакларида содир этилган ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жинойтларнинг рўйхати доимо ўсиб борар, биргина ички ишлар вакилларининг уларга қарши курашишга кучи етмасди.

Ички ишлар хизмати қўшинлари, асосан, Фарбий Украинанинг Карпат тоғларидаги ўрмонларда яшириниб, совет ҳукуматига қарши курашни давом эттираётган миллатчилар ташкилоти, бендерачилар, Карпат ва Болтиқбўйи давлатларида “Лесные братья” каби уюшган гуруҳларга қарши кураш олиб борар, ана шу ташвишдан бошлари чиқмасди. Шунинг учун жинойт олами билан фақат жинойт қидирув бўлими ва бошқармалари шуғулланар, аммо оммавийлашиб кетган жинойт билан курашишга уларнинг ҳам кучи етмасди.

Уруш тугаб, ҳаёт ўз измига туша бошлаганди. Бу шаҳардаги аҳволдан яққол кўриниб турар, чунки кўчаларда таксилар пайдо бўлганди. Булар, асосан, немислардан ўлжа қилиб олинган “Фольксваген”, “Мерседес-бенц” русумли машиналар эди. Марина улардан бирига ўтириб, Карл Маркс кўчасига олиб боришни илтимос қилди. Такси бир неча юз метр юриши билан, орқадан яна бир шундай машина кузатиб йўлга чиқди. Марина вокзалдалигидаёқ орқасидан одам қўйилганлигини сезганди. У бир стакан какао ва тухум олиб тамадди қилаётганда, қарама-қарши тарафдаги икки йигитнинг уни диққат билан кузатаётганлигини сезган, вокзалда Акимнинг бўлмаслиги ҳам унинг кузатувга олинганлигининг белгиси эди. Шу сабабли келишилгандек ҳаракат қилиб, иккинчи вариант бўйича белгиланган манзилга йўл олди. Чунки бу манзилда унинг холаси яшар, Маринанинг келиши ҳақида олдиндан огоҳлантирилганди.

Холасининг эри урушнинг дастлабки кунларида фронтга кетиб, орадан уч ой ўтмасдан ҳалок бўлган эди. Холасининг бир ўғли ва қизи бор, қизи қандайдир ҳарбийга тегиб, узоқларга кетган, ўғли эса Москвадаги Ломоносов номли университетнинг физика-математика факультети талабаси эди. Шу туфайли холаси Шура опа ҳозирча ёлғиз яшар, шаҳардаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишларди.

Марина тўғри унинг уйига тушди. Адресни аниқлаб олган кузатувчилар дарҳол бу уйни назорат остига олди. Аммо кузатишлар ҳеч бир натижа бермади, бу хонадонга бегона одам кирмади. Қўни-қўшнилари кириб чиққанлигини ҳисобга олмаганда, шубҳали кишилардан ҳеч ким яқинлашмади. Бир-икки марта шу ерда жойлашган табордаги дўли аёлларнинг садақа сўраб, фол очиш баҳонасида атрофдаги уйларга кириб чиққанлигини айтмаса, бундан бошқа ҳеч қандай ҳолатни кузатаётганлар рўйхатга ололмади.

Раҳбарият кузатувни давом эттиришни талаб қилар, аммо назорат остидаги одам уйдан бир қадам ҳам қўзғалмас, ҳатто бозорни ҳам уй эгаси қилиб келарди. Ниҳоят, ҳеч қандай натижа чиқмагандан сўнг уни ҳибсга олишга қарор қилишди, аммо ордер билан келишганда, Маринанинг изи ҳам қолмаганди. Уни қўшнилари томорқаси орқали аллақачон олиб чиқиб кетишганди...

* * *

Шериклари аввал Фуломни бир маҳаллий табибга кўрсатиб, тахтакач билан болдирнинг синган жойини маҳкамлатиб, сўнгра орадан уч кун ўтгач, Москва остонасидаги Сокольники станциясига яқин жойда, ўрмон ичида жойлашган бир дала ҳовлига келтиришди. Бироз дам олишгандан сўнг шерикларидан бири ёши олтмишларга борган, профессорларга ўхшаб кетадиган, қўлида саквояж кўтарган бир жиккаккина одамни бошлаб келди. Фулом ечиниб, ўрнида ётар, болдири ниҳоятда шишиб кетган, оғриққа зўрға чидаб турарди. Тинч ётса, оғриқ йўқ бўлар, ноҳосдан қимирласа ёки ҳожатхонага борадиган бўлса, турган оғриқдан афти-башараси бужмайиб кетарди. Табиб унинг

лат еган жойларини аямай босиб, “мана бу ери оғрияптими, мана бу ери-чи?” деб сўрар, бош чайқаб, яна уни қийнашга тушарди. Ниҳоят, “голубчик, сизнинг болдир суягингиз дарз кетибди, суяк қуймичдан қўзғалибди, уни жойига соламиз. Энди бироз оғриққа чидайсиз”, — деб беморнинг шерикларига беморни чалқанчасига ётқизишни буюрди.

Сўнгра иккала қўли билан болдир суягини худди массаж қилгандек бир зум уқалаб турди-да, зарб билан тортди. Оғриқдан Фуломнинг оғзидан бемаза сўзлар чиқиб кетди. У эса: “Яхши, жуда яхши, сўкинавер, лочин. Мана, суяк жойига тушди, энди буни қаттиқ тахтакач қўйиб, танғиб бойлаймиз. Худо хоҳласа, икки ойда битиб кетади”, — деб тахтакач ва бинтларни олиб, стол устига қўя бошлади. Эрига овқат қилиш, қараш вазифасини Марина ўз зиммасига олиб, ҳар куни “хўш, мисье, кўнгиллари қандай овқатни тусайди?” дея ҳазиллашиб ҳам қўярди...

Х фасл. ЯНА ҚИРОЛ ҲУЗУРИДА

Эрта баҳорда Фулом ўрнидан туриб, юра бошлади. Қўлтиқтаёқни ташлагани билан ҳамон ҳассага таянишга мажбур, чунки асорат ҳали ҳам ўзини сездириб турарди. Ниҳоят, кунлардан бир куни мезбон уни яхшилаб ҳаммом қилиш, соқолларини олишини тайинлаб, янги кийим-кечак ва бошқа зарур бўлган майда-чуйдаларни келтирди. Кечаси уни Ленинградга олиб кетишлари ҳақида огоҳлантиришди.

Уч йўловчи ўтирган машина тўғри Васильев оролидаги Адмиралнинг энг яқин одамларидан ташқари ҳеч ким билмайдиган қароргоҳига кириб борди. Фулом бу қароргоҳда дастлаб у билан учрашганда бўлган, кўчанинг у юзидан хотини ва ўзига уй ажратилган эди. Қароргоҳ шундай танлангандики, бу ерда қўшимча уйлар борлигини ҳар томондан кузатилганда ҳам, аниқлаб бўлмасди. Энг қизиги, бу қароргоҳнинг ёнидаги улкан қаср Ленинград область партия қўмитасига тегишли бўлиб, одамларнинг гапларига қараганда, бир пайтлар ўша қаср Романовлар оиласига тегишли бўлган, инқилобдан кейин эса бу ерда Киров,

Ждановлар истиқомат қилишган, доимо аскарлар қўриқлаб турган. Ҳозир ҳам бу ер қўриқчи аскарлар батальони муҳофазасида эди.

Ушбу ҳудудга махсус рухсатномаси бор машиналар кириш ҳуқуқига эга, ҳужжати бўлмаганлар дарҳол ортига қайтарилади. Кираверишда қўриқчилар пости ва шлагбаум бўлиб, машина номери ва нотаниш одамлар бўлса, ҳужжатлари синчиклаб текширилар, кимнинг чақириғига биноан келинаётганлигига аниқлик киритилиб, сўнгра киришга рухсат этилар, мабодо бирорта бошлиқ зудликда область раҳбарларига учрашиши зарур бўлса, телефон орқали дала ҳовлининг эгасидан ижозат олган тақдирдагина ўтказиб юбориларди. Адмирал учта машинага рухсатнома олган, шулардан бири Фуломни ва уни кузатиб келаётганларни қароргоҳга олиб ўтди.

Машина йирик қорақарағай ва кедр дарахтлари орасидаги асфальт йўлдан юриб, чап тарафга бурилди, ўнг томонда эса область партия қўмитаси биринчи секретарининг қасри бор эди. Машина одмигина қилиб ишланган дала ҳовли олдида тўхтади. Адмиралнинг қароргоҳи ўртада жойлашган бўлиб, ташқаридан кирган одам аввал пойтахтдаги Ломоносов номли университет ва илмий-текшириш институтида ишлайдиган академикка қарашли ҳовлига тушарди, у эса бу ерда фақат ёз ойларида бўлар, қолган даврда эса уй қоровули оиласи билан яшарди.

Академикка қарашли ҳовлининг пастида фақат битта енгил машина ўтадиган йўл бўлиб, Адмиралнинг қароргоҳига ана шу ердан кириларди. Дала ҳовлининг сатҳи жуда кенг бўлиб, нариги кўчагача чиқарди. Шунинг ичида эса алоҳида девор билан ўралган Адмиралнинг қароргоҳи жойлашган. Унинг бундай жойда хотиржам яшаши, оламшумул ўғирлик режаларини тузиши ва амалга оширилишини шу ердан назорат қилиб туриши ҳеч кимнинг, ҳатто ўша пайтларда донг таратган НКВД ходимларининг тушларига ҳам кирмаганди.

Фуломни бошлаб келган йигит қабулхонада қолиб, ичкарига киришини имо қилди. Қўлидаги ҳассасини қолдириб, хонага қадам қўйди. Адмирал одатдаги уй кийимида, устидан шойидан тўқилган халат кийиб олган

эди. Олдидаги столда ароқ ва газаклар қўйилган, аммо кўриниши ниҳоятда ташвишли эканлигини бир қарашда сезиш мумкин эди. Фулом ичкарига кириши билан Адмирал унинг қаршисига чиқди, кучоқлаб, биров бағрига босиб турди ва “ўтир” деб курсини кўрсатди. Улар юзма-юз ўтиришди.

Адмирал Фуломнинг анча озиб кетган гавдасига бир муддат тикилиб турди-да, сўнгра ароқни очиб, икки қалаҳга қўйди. Фуломга имо қилиб, уришгирмай ичиб юборди, биров қисмини эса олдида турган тувакка қўйди. Шунда Фулом Адмиралнинг мотамда эканлиги, яқин кишиларида бири оламдан ўтганлигини тушунди. Фулом ҳам унинг ҳаракатларини такрорлади. Шундан сўнг Адмирал унинг олдида сигара қутисини суриб қўйиб, ўзи тутатди. Фулом ҳам битта сигаранинг учини қирқиб, ёқди ва ҳузур қилиб тортди. Адмирал гап бошлашга шошилмас, Фуломнинг кўзларига тикилганича, бир нарсаларни режалаштираётганди. Ниҳоят, яна бир қадаҳдан қўйиб, олдинги ҳаракатларни такрорлади. Фулом ҳам унга қўшилди. Адмирал иккинчи қадаҳдан сўнг ўрнидан туриб, у ёқдан бу ёққа, қўлин орқасига қилиб юра бошлади. Унинг бундай ҳолати камдан-кам бўларди, бу ниҳоятда катта ташвиш, фавқулодда ҳодиса юз берганлигининг белгиси эди. Фулом уни бир марта ана шундай ҳолатда кўрган, шунда ҳам ўғрилар ўз тождорларини ички ишлар вакилларига ушлаб берганларида... Биров Фуломнинг кўзларига тикилиб турган Адмирал:

— Соғлигинг қалай, Граф? Қачон вазифангни бажаришга кириша оласан? — деди ҳорғин товушда.

— Адмирал, олдингизда эканман, демак, ҳар қандай топшириқни бажаришга киришишга тайёрман, — деб жавоб берди Фулом.

Бу сўзларни эшитган Адмирал ишчи столи устидаги қорамато билан ёпилган сурапни олди. Фулом сурапта кўзи тушиши билан қалқиб кетди, чунки расмда қўллари сим билан боғланган, уй ичидаги илгакка осилган, баданининг бир неча жойларидан қон оқаётган одам тасвири бор, бу унинг энг яқин таниши, биродари Ангелнинг сурати эди.

Фуломнинг даҳшатдан кўз олди қоронғилашиб, муштлари қисилганича олдинга ташланди, кўзига ёш келди. Адмиралга

қараб, “ким, ким қилган?”, деб бақириб юборишига сал қолди. Уй соҳиби яна қора матони суратнинг устига ёпиб, жойига ўтирди. Шундагина Фулом Адмиралнинг ким учун мотам тутаётганини тушунди, ўзининг ҳам ҳаяжондан, ғазабдан бутун аъзойи-баданини титроқ босганди.

Адмирал яна қадаҳларга ароқ қуйди ва унга имо қилиб ичиб юборди. Фулом қўлидаги қадаҳни ичиб, зарб билан уни ерга урди. Биллур қадаҳ чил-чил бўлиб майдаланиб кетди. Сал ўзини босиб олгандан сўнг Адмирал бир нечта сурат чиқариб, столнинг устига қўйди. Суратларда Ангелдан бошқа ҳар хил ҳолатларда бир қария ва кампирнинг қўллари орқасига боғланиб, бўғизланган ҳолатдаги тасвири туширилганди. Яна бир суратда ертўла ичида жойлашган темир қутининг эшиклари очиқ ҳолатдаги тасвири кўринарди. Шундан Фулом тушундики, бу ерда обшакнинг қандайдир бир қисми сақланган, кимлардир ундаги моддий бойликка кўз олайтирган ва пул учун шу мудҳиш қотиллик жиноятини содир этганлар.

— Граф, — деди бироз тинчлангандан сўнг Адмирал, — бу ерда ғазна борлигини фақат мен, Филон, Бистрий, Ангел ва ана шу ўлдирилган хонадон эгалари билишарди. Суратдаги чол ва кампир менинг узоқ йиллар олдинги сафдошларимдан, уларнинг кимгадир сотилиб, сирни очишларига ишонмайман, акс ҳолда, уларни ўлдиришмасди. Афтидан, қандайдир босқинчилар гуруҳи Ангелни кузатувга олган, чунки охирги кунлари ғазнадан баъзи бир тadbирлар учун маблағ олиниб, сарф-харажат қилинаётганди. Натижада Фин кўрфазидаги ана шу хонадонга чиқишган ва суратдагиларни қийнаб, ўлдириб, обшакни ўмариб кетишган. Бу ўғриларга алоқадор одамлар эмас, чунки бундай ишни фақат босқинчилар ёхуд бир вақтлар ички ишларга алоқаси борлар амалга ошириши мумкин. Ана шу мудҳиш қотиллик билан шуғулланганларни, албатта, топишимиз, ўз қонунларимиз бўйича жазолашимиз зарур, тушундингми? Адмирал бироз сукут сақлаб, ўрнидан турди-да, қафасдаги канарейкаларнинг олдига бориб, уларга тикилганича чуқур ўйга толди ва сўзини давом эттирди:

— Ғазнага келсак, у ерда кундалик тadbирлар учунгина ишлатиладиган маблағ бор эди, бор-йўғи 9—10 миллион

Ўткир АБДУРАҲИМОВ

рубль, холос. Бу ерда чет эл валютаси, қимматбаҳо заргарчилик буюмлари асло бўлмаган. Ҳозир бу иш билан Герасим шуғулланипти, сен ҳам унга ёрдамга борасан. Ички ишлар ходимлари ҳам қотилларни қидиришмоқда, у ердаги одамларимиз орқали мана шу сураатларни олдик, аммо улар ҳам бир натижага эриша олмаган, чунки қотиллик содир этилган ерда ҳеч қандай из, ашёвий далиллар қолмаган. Бу жиноятни очиш бизнинг бурчимиз, қолаверса, тождор ўғрилар оламига қайсидир гуруҳ томонидан уруш эълон қилиш деб баҳолайман. Сафдошимиз ва гуноҳсиз қурбон қилинган биродарларимизнинг қасосини олишимиз зарур. Тушундингми, Граф?

— Ҳа, Адмирал, бу аблаҳларни шахсан ўз қўлим билан минг қийноқларга солиб, бўғиб ўлдираман, — деди газак билан Фулом.

— Баракалла, аммо интиқом олиш учун уларни топиш керак, Граф?

— Ернинг тагидан бўлса ҳам, топаман, албатта, топаман, Адмирал.

— Граф, ҳозир барча одамларимиз турли гуруҳлар ичига киритилган, бу ишни Бистрий ўз назоратига олган, ушбу қотиллик бўйича тегишли суриштирув ишларини олиб боряпти, қандай янгилик бўлса, дарҳол сизларни хабардор қиламан. Ҳозир эса овқатланиб, бутунча шу ерда дам оласан. Эртага Птица келади ва сени жиноят содир этилган жойга, Герасимнинг олдига олиб боради.

Қўшни хонадаги столга турли газаклар, ҳўл ва қуру мевалар қўйилган бўлиб, киришлари билан Степа гилдиракли аравачасини етаклаб келди. Кастрюлкани очиб, чинни тарелкаларга боршдан қўйиб, олдиларига қўйди. Улар боршни ичиб бўлмасларидан, лось гуштидан қилинган пюрели бифштексларни иккинчи кастрюлкадан суздди. Адмирал ва Фулом индамай овқатланишди. Ётишдан олдин Фулом пиллапоёга чиқиб папирос тутатди, шу пайт олдин Степа келиб деди:

— Озодликка чиқишинг билан табриклайман, Граф.

— Раҳмат, Степа. Нега бундай бўлди, нега Ангелнинг қатл этилишига йўл қўйдинглар? — деди Фулом. Степа елкасини қисиб, у ҳам афсусдалигини ачиниб гапириб берди.

Бу мудҳиш хабардан сўнг суратларни олгач, Адмиралнинг қандай аҳволга тушганлигини паст овозда, ҳеч ким эшитмайдиган қилиб сўзлади...

Унинг гапига қараганда, Ангел зудлик билан бир мижозга пул олиб бориши керак экан, аммо ўша машъум воқеа содир бўлган кун у “Астория” ресторанига бормаган, кейин мижоз Адмиралга қўнғироқ қилиб, орадаги шартнома бекор қилинганини, сабаби, ваъда қилинган пулни олмаганлигини айтган. Ҳеч қачон бундай воқеа бўлмаганлиги учун Адмирал дарҳол ўша ерга Герасимни юборган, аммо у келганда жиноят қидирув бўлими ходимлари аллақачон тегишли қидирув-суриштирув ишларини бошлаб юборган эканлар. Орадан икки кун ўтгандан сўнг Адмиралга жиноят содир этилган жойдаги барча суратларни келтириб беришган. Ўша куни Адмирал бир дақиқа ҳам ухламаганлиги, ўриндикда ўтирганича сигара эмас, трубкасини кечаси билан чекиб чиққани, тонг-сахарлаб ҳузурига Герасим ва Бистрийни йўқлатганини сўзлаб берди...

* * *

Эртасига Птица Фуломни жиноятни текшираётган Герасимнинг олдига олиб борди. Фулом устози билан кучоқ очиб кўришди. Герасим жиноят содир этилган хонадондан тахминан бирор километр узоқликдаги бир уйни вақтинчалик ижарага олиб, одамлари келтирган ахборотларни умумлаштириб, таҳлилдан ўтказётган экан. У Фуломга дастлабки хулосаларини айтди.

Афтидан, Ангел ғазнага келаётганда орқасидан кимдир кузатган. Ҳазнадан керакли маблағни олиб, папкасига жойлаган ва уй эгасининг илтимосига кўра овқатланишга ўтирган. Столда қайнатилган картошка, селедка ва бошқа турли тузланган ўрмон шампиньони, лисичка, оқ кўзиқоринлар ва очилмаган ароқ бўлган. Қотиллик улар овқатланишга ўтирганларида амалга оширилган.

Воқеаларнинг боришига қараганда, босқинчилар ертўлага тушишган, аммо ғазнани топа олишмаган ва хонадон

соҳиблари ҳамда меҳмонни обдон қийнашган. Афтидан, Ангел уларга сирни очмаган, шекилли, биринчи бўлиб уни ўлдиришган, сўнгра чол ва кампирни азоблашган. Қийноқларга чидай олмаган уй соҳиблари ғазнага тушадиган йўлни кўрсатишган. Ғазна ертулага яширинган бўлиб, унга тушадиган жой ҳовли саҳнидаги кичик бостирмада бўлган. Қотиллар Ангелнинг чўнтагидан калитни олиб, ертуладаги ғазна сақланадиган сейфни очишгани ва бор пулни қўлга киритиб, сўнгра бир студбекер русумли машинага ўтириб кетишганлиги фараз қилинади. Чунки уйдан тахминан ярим километр масофада бир машина уч соатга яқин турган. Машина турган жойда “Беломор-Канал” папиросининг олти қолдиги топилган. Суриштирув якунларига кўра бу атрофдаги хонадон эгаларининг олдиларига келадиган бундай русумли машина бўлмаган, демак, у бегона. Шунча вақт одамлар яшамайдиган жойда, бунинг устига, дарахтлар панасида яшириниб туриши, унинг бекорга бу ерга қадам ранжида қилмаганлигини кўрсатади. Ҳозир барча одамлар ана шу машинани қидиришаётганини айтди.

Фулом Герасим билан гаплашиб ўтирганида, йигитларидан бири келиб, ўша куни ўрмонга қўзқорин, маймунжон каби мевалардан териш учун бир чол икки набираси билан борганлиги ва айтилаётган машинани кўрганлигини милиция ходимларига гапирганлиги туғрисидаги ахборотни олиб келди. Герасим ва Фулом зудлик билан уч чақиримдан узоқроқ масофадаги Дубровка қишлоғига йўл олишди. Птица машинани бошқариб борар экан, олдин қишлоққа кириб, милиция ходимлари бор йўқлигини билиб келиши, шундан кейингина уларни учрашувга олиб боришини айтди. Бу огоҳлантиришни эшитган Герасим Фуломга кўз қисиб деди:

— Сенинг мактабинг, ҳамма нарсани олдиндан ҳисобга олади, бирорта майда-чўйдасини қолдирмай, ўйлаб иш қилади.

— Устоз қандай бўлса, шогирд ҳам шундай бўларкан, деди Фулом. Бу иборадан кейин учовлари ҳам кулиб юборишди. Дарҳақиқат, қишлоққа етиб келишлари билан Птица чолнинг уйига бориб келди, милиция ходимлар аллақачон кетишган экан.

Герасим ва Фулом чолнинг уйига келиб, қарийб бир соат гаплашишди. Чолнинг гапига қараганда, икки набираси билан, бири ўн икки, иккинчиси ўн ёшда экан, учта саватни олиб қўзиқорин теришга боришганида, дарахтларнинг қуюқ соясида машина турганлиги, эгаси тўхтовсиз папирос тутатгани, аммо уларни кўрмаганини айтиб беришди. Ҳар эҳтимолга қарши Фулом болалардан сўради:

— Албатта, машинанинг номерини кўрмаган бўлсанглар керак?

Болалардан бири унга қараб:

— Нега кўрмабмиз, кўрдик, ҳатто укам билан анча тортишиб ҳам олдик, — деб жавоб берди.

Фулом ва Герасим ҳаяжонларини яширолмай, машина рақамини айтишни илтимос қилишди. Герасим ҳатто чўнтагидан битта юз сўмлик пулни чиқариб, музқаймоқ оласанлар деб қўлига тутқазди. Болалардан бири кўзларини қисганича деди:

— Машинанинг номери ЛЕ 46—46 эди, чиройли рақам, ана шунинг учун биз эслаб қолдик.

— Ҳайдовчиси қанақа одам эди, машинада бошқа одамлар ҳам бормиди? — саволни қайтарди Герасим.

— Машина ҳайдовчиси ёш йигит эди, кепкасини кўзигача тушириб олган, оддий тиринка шим ва офицерлар этигида эди. Биз ана шу этик туфайли укам билан тортишган эдик, мен офицерларнинг этиги десам, укам ундай эмас, деб туриб олди.

— Этик офицерларники эканлигини қандай билдинг?

— Офицер этиги қўнжининг тепаси доимо юраксимон қилиб тикилади, маҳаллий этикдўзларнинг андозаси эса тўғри. Бунинг осонгина пайқаш мумкин. Ҳар қандай этикдўзнинг устахонасига кириш, бирпасда фарқини аниқлаб оласиз, — деди ўспирин.

Бу маълумотлар жуда катта аҳамиятга эга эди. Шу туфайли Герасим олинган ахборотдан дарҳол Адмирални огоҳ қилди. У шаҳардаги барча ўзига тобе одамларга ушбу рақамли машина ҳайдовчисини, қайси ташкилот ёки корхонага қарашлилигини ҳамда алоқаларини аниқлашни буюрди. Мабодо ҳайдовчи ёлланган бўлса, у ҳолда фақат йўловчиларнинг юз тузилиши ва қаргача олиб бориб

Эр-хотин бемалол кечки сеансни кўриб бўлиб, қўлтиқлашганича уйга равона бўлишди. Муюлишда шериклари билан хайрлашишди. Хотини жуда гапдон аёл экан, то уйларига боргунча жағи тинмади. Уйнинг олдида, қоронғи кўчада “Эмка” русумли бегона машина турар, ҳайдовчиси эса капотни очиб қўйиб куймаланарди. Ҳайдовчилар бир-бирини танимасалар-да, доимо бир-бирларига ёрдам беришини билган Герасим шу йўл билан уларни тинчгина, куч ишлатмасдан олиб кетиш режасини тузганди. Дарҳақиқат, Булига тузатаётган ҳайдовчининг олдида келиб энгашди, аммо тўппончани кўриб, эс-ҳушини йўқотаёзди. Бу пайтда Птица унинг хотинининг оғзига латта тиқиб, машинага ўтқазиб бўлганди. Герасим Булигага иккинчи машина тарафга юришини имо қилди ва деди:

— Иван, агар ҳаётдан умидинг бўлса, овозингни чиқарма, манави машинага чиқ, қаршилиқ қилсанг, тўққиз грамм қўроғшинни нақ пешонангга жойлаб қўяман, тушундингми?

Ўзини йўқотиб қўйган Иван кўрсатилган машинага ўтирди, унинг икки ёнига барзанги йигитлар ўтиришди.

Шу ернинг ўзидаёқ учта машина қаторлашиб шаҳар ташқарисига йўл олди. Ниҳоят, бирор соатдан сўнг бир вақтлар совхознинг отхонаси бўлган, аммо уруш даврида вайрон қилинган жойга етиб келиб, ичига киришди. Бу ерда осма фонус ёқилган бўлиб, йигитлар кутиб туришарди. Ҳайдовчи ва унинг хотини шу даражада қўрқиб кетишган эдики, тинмай қалтирашар, нима бўлаётганига тушунолмасдилар. Герасим йигитларга аёлни сал нарига олиб кетишни буюрди-да, дарҳол Булигани сўроққа тутди.

— Хўш, Булига, берган саволларимга тўғри жавоб берсанг, яшайсан, акс ҳолда, мана шу ерда сен ҳам, аёлинг ҳам минг азобда ўлиб кетасанлар, — деди Герасим.

Булига азбаройи қўрқиб кетганидан шошилиб:

— Сизларни нима қизиқтиради, ҳар қандай саволингизга жавоб бераман, фақат мени ва хотинимни ўлдирманглар, илтимос қиламан, — деди. Герасим бир қарашдаёқ бу йигитнинг қўлидан бундай иш келмаслигини билган, аммо унинг айнаи ўша кунни шу ерда уч соатлаб машинаси билан қимларнидир кутиб турганлиги шубҳалантирганди. Шунинг

учун тўғридан-тўғри сўрашга жазм қилди, чунки бандилик бундай ҳолатда ёлғон гапирадиган аҳволда эмасдилар.

— Менга айт-чи, Иван, бундан йигирма бир кун олдин яъни 17 майда Фин кўрфазига кимларни олиб бординг? Нега у ерда деярли уч соат турдинг?

— Ҳаммасини ўзингиз билар экансиз-ку, ўша кун экспедиторимиз ва унинг иккита меҳмонини сиз айтаётган жойга олиб бордим. Аввалига улар аёллар билан яширинча учрашмоқчи эканликларини айтиб, бир хизмат қилишимиз илтимос қилишди. Мен рози бўлдим, чунки доимо шундай экспедиторимиз билан бирга ишлайман, бирга хизмат сафарига борамиз. Ўша кун ҳам Клинтон шаҳрига кетишимиз керак эди.

— Экспедиторингнинг исм-шарифи ким, қаерда яшайдиган? Манзилини айт, — дея гапга аралашди Фулом.

— Малая Бронная кўчаси, 20/4-хонадон, иккинчи қават, Зайкин Василий Михеевич, — деб жавоб берди ва сўзини давом эттирди. — Улар анча берида машинадан тушиб қолишди. Мен бундан ҳайрон бўлдим. Битта-битта бўлишиб аста шимол томонга кетишди. Мен шу ерда қолдим. Аммо бир нарсани аниқ кўрдимки, бирининг қўлида ўралган қандайдир нарса бор эди, аввалига аёлларга совға бўлса керак, лекин тўхфа бўлса нега яширади, деб ҳайрон бўлдим. Йўловчилардан ташқари, ўша ерда уларни яна қандайдир одамлар кутиб турган эди. Ўзим аниқ кўрмадим-у, лекин овозларини эшитдим. Шу пайт бир чол иккита бола билан саватларни кўтариб, ўрмонга кириб кетишди.

Орадан уч соатча вақт ўтгандан сўнг Зайкин, иккита меҳмон қандайдир саквояж ва сумкалар билан чиқишди. Шунда мен бу ерда ёмон иш бўлганини сездим, аммо ўзимни сезмаганликка олиб, ҳатто ҳазиллашиб ҳам қўйдим. Улардан бири машина кузовига чиқди, иккинчиси олиб чиққан юкларини узатди. Кабинада экспедиторимиз ва келатганимизда чиққани қолди. Шунда мен, “Аёллар билан роса маза қилибсизлар, юзингиздан хурсанд бўлганларингиз сезилиб турибди”, — деб ҳам қўйдим. У эса: “Сени ҳам чақирсак бўларкан, битта сенбоп қарияси бор экан, бир жонини киргазар эдинг”, дея беўхшов кулиб қўйди. Шундан тушундимки, ҳеч қандай аёллар билан кўнгилхушлик

қилинмаган, булар шу ердаги якка уйда қандайдир шубҳали ишни амалга оширишган. Улар шаҳарга етишимиз билан гушиб қолишди, биз эса Василий Михеевич билан Клинга йўл олдик. Тўғри, у киши бу ерга келганимизни ҳеч кимга гапирмасликни илтимос қилди.

Ҳайдовчининг қотилларга алоқаси йўқлиги аниқлангандан сўнг, Герасим йигитлардан иккитасига битта машинани бериб, бу эру хотинни вақтинчалик ўрмон ёнидаги машғулот майдонига жўнатди, чунки эртага гувоҳ сифатида зарур бўлишлари мумкин эди.

Герасим дарҳол олган ахборотидан Адмирални огоҳ қилди. У зудликда Зайкинни тутиб, аямай сўроқ қилишни топширди. Ҳулом икки ёрдамчиси ва бир машинани олиб, Малая Бронная кўчасига равона бўлди. Аммо Зайкинни шундай ўғирлаш керак эдики, буни ҳеч ким билмасин.

Теварак-атроф қоронғи, фақат кўча чироқлари ёниб турарди.

Айтилган манзилдаги хонадонда чироқ ёруғи кўринмас, уйда одам йўқлиги бир қарашдаёқ маълум эди. Герасим кўчадаги телефон автоматдан Зайкиннинг хонадонига бир неча бора сим қоқди, ҳеч ким кўтармади. Нима қилиш керак? Ноилож икки одамга уйни назорат қилиб туришни топшириб, ортга қайтишди. Бу пайтда Булига хотини билан ертўлада ўтирганди. Герасим уни қайта сўроқ қилиш, Зайкин қаерда бўлиши мумкинлигини сўраб олиш мақсадида зудликда ҳузурига келтиришни буюрди. Биринчи суҳбатдаёқ Булига унинг дала ҳовлисида эканлигини айтди. Бундан жаҳли чиққан Герасим қулочкашлаб, юз-кўзи аралаш туширди. Ерга ағдарилиб тушган Булига қонаган башарасини чангаллаганича, зорланиб йиғлади, калтак ейиш сабабини сўради.

— Сен ҳаромхўр, нега шуни дарҳол айтмадинг?

— Ўзингиз Зайкиннинг қаердалигини сўраганингиз йўқ-ку?! — деди йиғламсираб Булига.

Шундан кейингина Герасим ўз хатосини тушуниб, бекордан-бекорга унга жаҳл қилганлиги ва урганлигини англади ва:

— Манзили қаерда, манзили? — деди.

Булига ўйлаб ўтирмай жавоб берди:

— Аэропортга кетаверишда, Зуево қишлоғида, ўрмон ёқасида. Аммо у ердаги дала ҳовлилар бир-бирига жуда ўхшаш, тополмай қолишингиз мумкин, — деди. Герасим кўп ўйлаб ўтирмай уни бирга олиб кетишни буюрди. Иккита машина зудликда Зуево қишлоғига равона бўлди. Чамаси ярим соатда айтилган манзилга етиб келишди.

Дарҳақиқат, барча дала ҳовлилар бир услубда қурилган, манзилни аниқ билмаган киши янглишиши осон эди. Зайкиннинг дала ҳовлиси иккинчи кўчада, энг чеккада жойлашган, ундан у ёғи жарлик ва сойликка чиқаркан. Дала ҳовлида чироқ ёниб турар, кўчада инсон зоти кўринмасди. Жарликнинг нариги ёғида каттагина қишлоқ — Зуево жойлашганди. Ит йўқлигини аниқлаб олиб, Птица аста ойна олдига бориб, уй ичидаги одамларни кузата бошлади.

Пойдевор баланд қилиб қурилгани учун одам бўйи деразага етмасди, шу сабабли бирор нарсани қидириб ўтиришга вақт бўлмаганлиги учун Фулом чўккалаб уни елкасига чиқарди. Уй ичидан учта эркакнинг гўнғиллаб гаплашаётган овозлари келар, лекин мулоқот қандай мавзуда эканлигини тушуниб бўлмасди. У қўли билан Герасимга учта бармоғини кўрсатиб, хонадагиларнинг тахминан белгиларини айтди. Биттасининг чап юзида каттагина чандири борлигини айтганда, Булига безовталаниб қолди. Буни сезган Герасим дарҳол унга савол берди:

— Бу ўша кундаги йўловчиларингдан бири эмасми?

— Ҳа, ҳа, бу — ўшалардан бири, — деди.

“Масала равшан, агар, ҳақиқатан, ўша қотилликка бу одамларнинг алоқаси бўлса, улар шу дала ҳовлида яширинган бўладилар. Демак, булар босқинчилар гуруҳидан. Қотиллик сўнг, дарҳол шаҳарни тарк этмай, бу ерга ўрнашишган, чунки урган газналарини бирданига олиб чиқиб кетишга кўрқинган ёки бирор нарсдан хавотирланишган, акс ҳолда, аллақачон область ҳудудини тарк этган бўлишарди”, деб ўйлади.

Эндиги вазифа, уларнинг уччаласини ҳам тириклайин қўлга олиш, раҳмсизларча сўроқ қилиш, дала ҳовлисини тинтув қилиб, ашёвий далилларни топиш эди. Герасим иккинчи гуруҳга деразаларни назоратга олиш, ўзи эса Фулом, Андрей, Витка ва Вадиклар билан ичкарига киришни

режалаштирди. Фулом аста кириш эшигини итарганди, уғичирлаб очилди. Қўллариға қуролларни олган ҳолда шахд билан ичкариға отилишди. Эшик томонга қараб ўтирган хонадагилардан бири дарҳол стол устида турган “наган” русумли тўппончаға ёпишди, аммо Птица бир сакраб, уни қўлидан учириб юборди. Бошларига тўппонча ўқталиб турганини кўрган иккитаси қўлларини кўтарди, “наган”ни олмоқчи бўлгани бир сакраб, деразанинг олдиға борди ва оёғи билан ойнани тепди. Ойна чил-чил синиб тушгач, дарҳол ташқарига сакради. Лекин уни дераза тағида пойлаб турганлар қўлга олишди. Бу воқеа шунчалик тез бўлдики, Герасим ҳам иш осон кўчганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳовлида унинг сўкиниб, ушлаб турганларнинг қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлаётган овози келди. Хонадагилар ва ҳовлида қўлга тушганини уйға киритишди. Бандилардан бири, афтидан, Зайкин, Булигани кўриб:

— Ҳа, қанжиқ, ментларға сотибсан-да, — деди.

Шунда Герасим уй эгаси буларни ички ишлар ходими деб гумон қилаётганини тушунди. Бир-бирлари билан ўзаро гаплашиб олишмасин деган мақсадда, ҳар бирини алоҳида-алоҳида қилиб, уйнинг уч бурчагига турғазиб қўйишди. Деразадан ўзини ташлаганининг чап юзида, ҳақиқатан, каттагина чандиғи бор эди. Тинтув қилинганда иккита “Наган”, битта “Вольтер” русумли тўппонча, пичоқ, кастет ва ингичка хом теридан қилинган арқон топилди. Хонада турган ҳарбий рюкзакни кўришганда, унда обшакдан олинган пулларнинг бир қисми борлиғи бир қарашдаёқ маълум бўлди, чунки купюраларнинг барчаси йирик эди.

Бандиларни иккита машинаға тақсимлаб, Фин курфазидаги машғулот майдонига равона бўлишди, чунки у ерда қотилларни сўроқ қилишға, уларни вақтинчалик сақлаб туришға имконият мавжуд эди. Битта машина Адмиралға хабар бериш учун юборилди. Манзилға етиб келишгач, Герасим пулларни ҳисоблаб чиқишни буюрди. Маълум бўлишича, бир ярим миллиондан сал ортиқ маблағ қолган. “Наҳотки, йигирма кунда 9 миллион сўмдан 7,5 миллионини сарф-харажат қилиб юборишса? Йўқ, йўқ, мумкин эмас, демак, бошқа шериклари бўлган, уларға ҳам тақсимланган. Бошқа шерикларининг яшаш манзилларини,

исм-шарифларини аниқлаш ва қўлга олиш зарур”, деб уйлади.

Адмирал орадан икки соат ҳам ўтмасдан етиб келди. Герасим топилган ашёвий далиллар ҳақида унга бор ахборотни маълум қилди. Бандиларни сўроқ қилиш вазифаси Герасим зиммасига юкланди. Адмирал трубкасини ёқиб хонанинг бир бурчагидаги ўриндиққа жойлашиб олди. Ишнинг биринчи бўлиб Зайкинни сўроқ қилишдан бошлади. Хонани олиб кирилган маҳбусларнинг қўллари ечилиб, ўртадаги табуреткага ўтказилди, бир чеккада Гулом ва Андрей посбон бўлиб туришди. Эшик олдида қолган йигитлар сўроқ жараёни қандай бораётганлигига қулоқ осиб туришар, қолган шерикларига мазмунини айтиб беришарди. Айниқса, йигитларнинг ичида сал шарпани ҳам сезишга қобил бўлган “Уха” лақабли жазо гуруҳи аъзоси ҳаммасини батафсил эшитиб, шерикларига етказиб турди.

— Хўш, Зайкин, Фин кўрфазидаги якка уйда қилган жиноятларингни ўзинг гапириб берасанми ёки эслатиб қўяйликми? Огоҳлантириб қўяй, ҳаммасини очиқдан-очиқ гапириб берсанг, осонликча жон берасан, акс ҳолда, бу дунёга келганингга пушаймон бўласан, тезроқ ўлдириб юборишимизни оёғимизга йиқилиб, илтижо қиласан, осон ҳароми. Кимларга қўл кўтарганингни, ҳеч бўлмаса ўлимингдан олдин билиб қўй. Сен Адмиралга қўл кўтардинг, унинг энг яқин одамларини ўлдирдинг...

— Йўқ, йўқ, мен ўлдирганим йўқ, бу ишларни Гундар, Масюк, Нанкин, Валошин ва Савчуклар қилишган, мен ҳатто уйга кирганим ҳам йўқ, — деб шошилиб жавоб берди Зайкин.

“Демак, бу қотилликни беш киши қилган, иккитаси қўлга тушган, учтаси қаерда, аниқлаш лозим”, деб режалаштириб қўйди Герасим.

— Яхши одам экансан, мен сени қийнаб ўтирмасдан, шартта отиб ташлай қоламан, майли, кўндирдинг. Энди бир чеккадан ҳаммасини гапириб бер. Фамилиялари келтирилган одамлар ким, қандай қилиб улар Ангелнинг изига тушганлар, қачон, қаерда, унда пул борлигини ким айтган ва ҳоказо.

— Қамоқхонада Гундар билан танишганман.

— Модданг қанақа?
 — 152-модда, учинчи банди, — деб жавоб берди Зайкин.
 — Демак, жинойй гуруҳ тузиб, давлат мулкани катта миқдорда ўзлаштириш, — деб хулоса қилди Герасим ва сузини давом эттирди: — Хўш, хўш, қачон ва қаерда бу жиноятни содир этгансан?

— Мен 1937 йили ҳибсга олинганман. У пайтда Москва — Париж халқаро поездида ресторан директори лавозимида ишлардим. Ўша ердаги фаолиятим бўйича қамалганман, беш йилга кесилганман. Мордовиядаги зонага келганимда Гундар билан танишганман. У амнистия туфайли озодликка чиқибди ва тўртта шериги билан келди. Уларни дала ҳовлимга жойлаштирдим. Гундар бир неча марта “Астория” ресторанига бориб келди. Бир куни ресторанда метродель бўлиб ишлайдиган таниши унга, “Гундар, бир фраер бор, илгари неэпман бўлган, ҳозир ҳам жуда катта пулларни айлантириб юради”, дебди. Гундар унга ана шу одамни кўрсатиб қўйишни илтимос қилибди.

— Метроделнинг исм-шарифи қандай?

— Малютин Вячеслав, ҳамма уни Славик деб чақиради. У Гундарга ўша неэпманни кўрсатган. Гундар қандай йўл билан унинг дала ҳовлисани топган, мен билмайман, аммо ўша куни мен уни ва Никитинни машинада шу ерга олиб келдим. Бу ерда бизларни Масюк, Нанкин ва Валюшин кутиб туришган экан. Уйга яқинлашганимиздан сўнг Гундар: “Агар қондан қўқадиган бўлсанг, ана шу ерда қоровулликда тур”, — деб тайинлаб, ичкарига кириб кетишди. Мен ташқарида қолдим.

Орадан озгина вақт ўтгандан сўнг уйдан ўқ овози чиқди. Гундар ва шериклари уйда тахминан икки соатлардан ортиқ бўлишди, балким икки ярим соатдир. Ўқ овозини эшитганимда қўрқиб кетган эдим. Аммо уйдан тўрт киши бўлиб чиқиб, шу атрофдан битта лопатка топиб келишимни илтимос қилишди. Мен уларга: “Лопатка кирган уйлариңда ҳам бўлиши керак”, — деб айтганимда, Масюк пешонасига бир уриб, уйга қайта кириб кетди. Орадан ўн беш дақиқа ўтмасдан шолчага ўралган бир одамнинг мурдасини ва иккита лопатка олиб чиқиб, ўрмон ичига тахминан 300—350 метрлар

кириб, бир чуқурга жасадни ташлаб, устидан тупроқ тортиб юборишди.

Маълум бўлишича, анави неэпман чаққон йигит экан. Биринчи бўлиб, “наган”дан ўқ узиб, Нанкинни ўлдирибди. Гундарнинг гапига қараганда, ўқ тўғри юракка теккан эганди. Уй ичидан иккита саквояжда пул олиб чиқишди. Гундар ва Масюк бир ярим, Валошин ва Савчуклар бир ярим миллиондан бўлиб олишди. Менга ва Славикка 500 минг рублдан беришди.

— Валошин ва Савчуклар қаерда? — савол берди Герасим.

— Улар Славикнинг уйига жойлашишган, аммо манзилини билмайман, — деди Зайкин.

— Қолган пуллар қаерда?

— Тақсимланмаган 5 миллион рубль, Гундарнинг фикрича, обшакнинг маблағи бўлиб, малина учун уй, қурол-яроқ ва бошқа зарур нарсаларни харид қилишга сарфланиши назарда тутилган. Ахир, Гундар Петербургда жойлашиб, ўз жиноий гуруҳини ташкил этмоқчи, шу мақсадда яқин кунларда ўзи билан бирга ўтирган ва қамолдан чиқиб келган корешларини таклиф қилмоқчи эди. Аммо, биринчи навбатда, у малина учун яхшигина уй, транспорт сотиб олмоқчи ва шу билан янги келган шерикларини лол қолдирмоқчи ҳамда ушбу гуруҳга паханлик қилмоқчи, — деди. Бу сўзларни эшитган Адмирал ва Герасим кўз уриштириб қўйишди.

— Шу 5 миллион рубль ҳозир қаерда?

— Мана сизга крест, мен буни билмайман. Қаерга қўйганлигини Гундарнинг ўзи билади, — деди Зайкин. Адмиралнинг имоси билан Герасим сўроқни тўхтатишга мажбур бўлди. Маҳбусни олиб чиқиб кетганларидан сўнг, Адмирал Герасимга деди:

— Ҳозирча сўроқни тўхтатиб, Славка, Волошин ва Савчукларни ҳибсга олиб, келтиринглар, бу гуруҳдан бирортаси ҳам тирик қолмаслиги керак. Обшакнинг пулини тўлиқ топинглар. Масала аниқ бўлди, эртагача барча жаҳаннамга жунаши, қийналиб жон беришлари зарур. Тушундингми, Герасим? Мени бошқа бу масала бўйича безовта қилманглар, эшитишни ҳам хоҳламайман, пулни

яхлит қилиб, Бистрийга топширинглар, — деб, кетишга ҳозирлик кўрди.

Адмирални жўнатгандан сўнг Герасим ва Фулом дала ҳовлида иккита йигитни қолдириб, ўзлари учта машинада “Астория” ресторанига йўл олишди. Ресторанга келишиб, Славикни суриштира бошлашди. Аммо у бугун ишда эмас, уйида эканлигини айтишди. Уй манзилини сўраб олиб, Герасим Киров номли кўчага бориш учун область полиграфияси жойлашган даҳага қараб ҳаракатланишни буюрди. Манзилга етиб келишганда қоронғи эди. Ақалли бирорта деразада ҳам чироқ кўринмасди.

Герасим соатига қаради, тўртга яқинлашибди. Тезликда мўлжалланган ишни бажариш керак, соат 5⁰⁰ да Киров заводининг гудоклари одамларни эрталабки сменага уйғотади, унда бирортаси кўриб қолиши мумкин. Энди бир амаллаб уйга кириш, жанжал чиқармасдан жиноятчиларни қўлга олиш ва ҳеч кимга билдирмай машинага юклаш қолганди. Герасим Фуломга имо қилди. У эшикдан бироз қулоқ солиб турди-да, ҳеч қандай товуш эшитилмаётганини билдирди. Аста эшик қўлфига пўлат мосламани тикди, зулфи сурилиб, эшик очилганини билдирди. Аммо ичкаридан эшик билан кесаки орасида пўлат занжир осилган, Фулом уни бор кучи билан тортиб, суғириб олди ва пастга туширди. Оёқ учиди уйга киришди.

Уйда бир неча кишининг хириллаб нафас олаётгани, биттасининг баланд овозда хуррак отаётгани эшитилди. Қўлга олиш ҳеч қандай тасодифсиз ўтди. Уччала маҳбус ҳам қўллари боғланиб, оғзиларига тиқин тикилиб, иккала машинага жойланиб, тонг ёришаётганда манзилга етказилиб, ертўлага қамалди. Герасим бирорта ҳам шеригига кетишга рухсат бермай, уч соат дам олишга фурсат берди. Йигитлар учраган нарсани тағларига солиб, бошларига ёстик қилиб ухлашди. ~~Бир~~ уч соатдан кейин барчалари уйғотилиб, навбатчиларга дам олишларига фармойиш берди. Қоровуллардан бирига Гундарни келтиришни буюрди.

— Хўш, Гундар, қилган жиноятинг бизга тўлиқ маълум, сенга фақат битта савол бор, холос. Ангелнинг изига қандай тушдинг, “ит эмган” — деди Герасим.

– Мен сенинг кимлигингни билмайман-у, лекин аниқлаган бўлсанг, нега суриштирасан? – деб саволга савол билан жавоб берди Гундар.

– Шундайми? Сенга савол беришдан мақсад, ўлиминг олдидан кимга қўл кўтарганингни билиб қўйишинг учун. Сен охирги нафасингни олаётганингни тушуниб турган бўлсанг керак ёки йўқми? – деди Герасим.

Маҳбус бу саволга жавоб беришни хоҳламай, девордаги расмга тикилганича ўтираверди. Герасимнинг имоси билан Фулом уни турғазиб, яхшигина мушт туширди. Аммо у калтак ейишига ҳам қарамай, жавоб беришдан бўйин товлади. Қолганлари ҳам сўроқдан ўтказилиб, Ангелнинг изига тушиш, ўлдириш ва ғазнани ўғирлаш, сўнгра чол ва кампирни қатл этиш тафсилотларига аниқлик киритилгандан кейин барчаларини ўрмон ичига ҳайдаб кетишди.

Каттагина дубнинг олдида бир вақтлар бомба портлашидан ҳосил бўлган чуқур бор экан, ана шу ерда уларга минг азоб бериб ўлдириб, сўнгра кўмиб юборишди. Фақат ҳайдовчи ва унинг хотинига шафқат қилинди, ҳеч кимга айтмаслик шарти билан ҳибсдан озод этилди. Шу билан тождор ўғрилар босқинчилардан қасосларини олишди, обшак пулининг 8 миллиондан ортиғи қайтарилди. Бу воқеа ўғрилар ва босқинчилар оламидаги шундоқ ҳам мураккаблашган вазиятни янада жиддийлаштириб юборди. Зоналарда улар орасида кучли тўқнашувлар қайд қилина бошлади...

XV фасл. ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

Фулом ва Марина доимий равишда Адмиралнинг қароргоҳида яшай бошлашди. Уларга далаҳовлининг пастидаги икки хонали кичкинагина, бир пайтлар эгаси учун ишчи кабинети ҳисобланган уйни ажратишди. Бу жойнинг қулайлиги, кириш эшиги алоҳидалигида эди, орадаги деворга ўрнатилган эшик орқали Адмиралнинг қароргоҳига ўтиларди. Охирги кунларда Марина тез-тез

безовталаниб, кўнгли айнийдиган, овқат пиширса, кўнгли беҳузур бўладиган бўлиб қолди. Аввалига Фулом уни касалга чиқарган эди, бироқ Маринанинг ўзи ҳомиладор эканлигини айтди. Уни ҳол-жонига қўймай, шифокорга кўрсатишини илтимос қила бошлади.

Адмирал эса Фуломнинг шаҳарга чиқишига ижозат бермас, ўзи ҳам қароргоҳида қамалиб олган, барча ишларни турли ҳудудлар смотряшийсига хат ёзиш, колонияларга маёва киритиш билан бошқариб келаётганди. Чунки урушда ғалаба қилиниши муносабати билан маҳбусларга амнистия берилган, қамокда ўтирган юз минглаб ўғрилар, босқинчилар, фирибгарлар озодликка чиққан, криминоген ҳолат энг юқори нуқтасига етган. Кўп жойларда тождор ўғриларга суиқасдлар уюштирилган, баъзи бирлари эса ўлдирилган...

Адмирал ҳар қанча ҳаракат қилгани билан ўз салтанатида тартиб ўрнатошмас, ҳатто шахсан ўзига уюштирилган суиқасдда махсус хизматларнинг роли борлигини тахмин қилиб, ҳушёрликни анча оширганди. Кўп жойларда Адмиралга содиқ бўлган тождор ўғриларнинг бирин-кетин турли ҳолатларда ўлдирилиши каби жиноятлар содир этилиб, ўрнига урушдан кейинги даврда болалаб кетган босқинчилар гуруҳлари криминал оламдаги раҳбарликни эгаллаб олгани учун, марказий газнага бадал пуллари тушиши тўхтаб қолган, айниқса, бундай ҳолат Сибирь ва Узоқ Шарқда чидаб бўлмас даражага етганди. У ердаги тождор ўғрилардан Чан Кай-Ши, Багратион, Барклай, Баркаш ва бошқаларнинг фожеали ўлими Адмирал салтанатининг пойдевори дарз кетганлигидан далолат берарди. У ерга марказдан тартиб ўрнатиш учун юборилган вакилларнинг аксарияти ҳам турли ҳолатларда ўлдирилиши уни ниҳоятда ташвишга солар, кетма-кет авторитетларни йиғиб, чора-тадбирлар кўрар, аммо натижаси кўринмасди...

— Граф, — деди бир куни Адмирал, — Новосибирскка бориб келишингга тўғри келади. У ердаги смотряший Баркаш тушуниб бўлмайдиган ҳолатда бўғизланган. Қизиги, у ўз қароргоҳида ўлдирилган, қўриқчиларининг аксарияти ва ёрдамчилари шу куни шаҳардаги ресторанда тўйда бўлган. Эрталаб хонасидан чиқавермаганидан кейин ундан хабар

олиш учун киришганда, у ўтирган жойида бўйнидан устара билан бўғизланганини кўришган. Шу сабабли бориб тафтиш ўтказиш, айбдорларни жазолаш зарур, аммо бу — жуда қалтис вазифа. Кимлардир тождор ўғрилар оламига уруш эълон қилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди, лекин бунинг тагида қандай кучлар борлигини аниқлашнинг ҳеч иложи бўлмаяпти. Шу муносабат билан ишончли одамларингни олиб, Сибирь регионига бориб келишингга тўғри келади. Бу вазифа қалтис бўлганлиги учун гуруҳингдан тўрт кишини танлаб ол, — дея сўзини давом эттирди Адмирал. — Мабодо кимлар биландир олишишга тўғри келса, сени муҳофаза қила оладиган бўлишсин. Тушундингми? Ҳозир бу регионни вақтинчалик “Сокол” лақабли ўғри бошқариб турибди, аммо унга тож кийдирилмаган. Ўзинг кўрасан, баҳо берасан, агар ўз ҳудудида тартиб ўрнатолса, сходняк кенгашига тавсия этасан. Лекин Баркашнинг ўлимида озгина бўлса ҳам иштирокини аниқласанг, шу региондаги барча авторитетларни йиғиб, уларнинг иштирокида қатл этасан. Менга саволларинг бўлса, марҳамат, ҳеч тортинмай сўрайвер.

— Масала тушунарли, агар Соколнинг бу ўлимда иштироки бўлса, уни йўқотишга тўғри келса, бу лавозимга кимни тавсия этай? — деб сўради Фулом.

— Шу ҳудуд авторитетларининг ўзлари смотряшийни танлаб олсинлар, кейинчалик тасдиқдан ўтказишимизни, албатта, уларга тушунтириб қўй, шундай қилсанг, сиз ҳам, кабоб ҳам куймайди, — деди Адмирал. Кўрсатмаларни олган Фулом Птица ва яна иккита ўзига содиқ йигитларидан олиб, Новосибирск шаҳрига жўнаб кетди...

* * *

Марина акушер-гинекологга кўринишга мажбур бўлди. Ҳафтада бир марта шифокорга қатнаб, муолажа ола бошлади. Поликлиникага навбатдаги келишида уни ички ишлар ходимлари кутиб туришганди. Врачга кирмоқчи бўлганида олдида тўсатдан икки йигит пайдо бўлди ва улардан бири қўлларини кўрсатишни илтимос қилди. Ҳеч нарсага тушунмаган Марина қўлларини кўрсатиши билан, иккала

билагига кишан тақиб қўйди. Эшик олдида турган машинага ўтқазиб, Литейний-8 га олиб келишди. Машина ҳовлига кириб тўхтади. Маринани узун йўлакдан бошлаб кетишди. Коридор тугаб, зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилишди, бир эшикни очиб, қабулхонага киришди. Эшик тепасида “Н. Н. Вахрушев” деб ёзиб қўйилган тахтача бор эди. Қабулхонадаги ҳарбий кийимли лейтенант, афтидан, ёрдамчи бўлса керак, бироз кутиб туришларини сўради, чунки кабинет эгаси Смольний билан телефонда гаплашаётган экан.

Бироздан сўнг қўнғироқ чалиниб, лейтенант ичкарига кириб кетди. Орадан ўн дақиқа ўтмасдан қўлида жилд ушлаган ҳолда чиқиб, қабулхонада ўтирганларнинг ичкарига киришларини айтди. Хонага киришганда Марина ўзини тамоман йўқотиб бўлганди. Кабинетдаги ўриндикда ўтирган ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган, бошини устарада қирдирган, кенг яғринли одам кичкина кўзлари билан Маринага бироз тикилиб турди-да, сўнгра олдида турган жилдга бир қараб, “Хватова Марина..., тождор ўғри Фулом Вадудовнинг ўйнаши”, деб қўйди ва ходимлари олиб келиб, унинг столига қўйган аёллар сумкасини очиб, ичидаги нарсаларни стол устига ағдарди. Аёлларнинг кундалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган косметика лаш-лушларини кўздан кечирди. Пул янги бўлган давр, ундаги битта юз сўмлик, йигирма беш сўмлик ва майда тангаларга нимагадир бир муддат қараб турди-да, савол берди:

— Баришња, қаерга келтирилганингизни биласизми ёки булар сизга айтмадими? Бўлмаса, эшитинг, сиз Литейний-8 дасиз, бу идора жинойт қидирув бошқармаси деб аталади. Сизга ўхшаган хонимларни тўғри йўлдан юришга, ҳалол меҳнат қилиб, яшашга мажбур қиладиган идора, энди англаб олган бўлсангиз керак. Сизга иккита савол берилади, шуларга тўғри жавоб берсангиз бу ердан эсон-омон чиқиб кетасиз, акс ҳолда, умрингиз қамоқда, минг азоб-уқубатда ўтади. Хўп, вақтни чўзиб ўтирмайлик, асосий масалага ўтайлик: Граф қани? Адмирал қаерда? Сиздан ана шу иккита саволга жавоб берилиши талаб этилади, баришња.

— Қанақа Граф, қанақа Адмирал? Мен нима ҳақида сўраётганингизни ҳатто тушунмадим. Мен ҳомиладорман,

илтимос қўйиб юборинглар. Сизлар айтаётган одамларни умуман танимайман, бу ерда қандайдир хатолик бор, гражданин бошлиқ, — деди Марина.

— Танимас эмиш? Мен сендан эринг Фулом Вадудов ҳақида сўраяпман, — деди Вахрушев.

Марина ўзича, “буларнинг саволларига нима деб жавоб беришим керак?” деб тўхтовсиз ўйлар, бу ерга бекорга келтирилмаганлигини аллақачон англаганди. Шундан сўнг Фуломни танишини яширмасликка, аммо Адмирал тўғрисида умуман оғиз очмасликка қарор қилди ва деди:

— Эримни охирги марта Омскдаги қамоқхонада кўрганман, шундан бери у нонқўр мени ташлаб кетди, қаердалигини ҳам билмайман.

— Шундайми? Бўлмаса, кимдан ҳомиладор бўлдингиз, а, баришнә? — деб яна савол берди.

— Дунёда эркаклар кўп, гражданин бошлиқ, кафе, ресторанларга киринг, сон мингтаси ёпишади. Ана шуларнинг биридан ҳомиладор бўлган бўлсам керак, — деб жавоб берди.

Бундай изоҳни эшитган Вахрушевнинг олдида оддий қишлоқ қизи эмас, балки кўп нарсани бошидан ўтказган, тождор ўғрининг хотини бўлган тажрибали аёл ўтирганига ишончи комил бўлди. “Қойил, — деди ўзича, — биринчи саволимга боплаб жавоб берди, биру ноль. Тўхтаб тур-чи, қаерга келганингни яхшилаб шу товук миянгга қўйиб қўяман, дунёга келганингга пушаймон бўласан”.

— Бешинчи камерага, — деб олиб келган ходимларга топшириқ берди. Маринани подвалга туширишиб, бешинчи рақамли камерага ҳибс этишди. Бундай аҳволдан астойдил чўчиган Марина камерада ёлғиз ўтириб, бор кучини кўз ёшига берди. Тунги соат бирларда камера эшиги очилиб, қора кийимдаги икки аёл кириб келишди. Уларнинг ортидан камера қулфлари шарақлаб ёпилди. Аёллар унинг қаршилигига қарамай, куч ишлатиб ечинтиришди, эғнида бирорта кийим ҳам қолдиришмади. Улардан бири ҳиринглаган овозда, деди:

— Қани, қани, тождор ўғрилар қандай қоматни яхши кўрарканлар, бир синаб кўрайлик-чи, зора биз ҳам бундай қувончли дамлардан баҳра олсак, — деб Маринанинг баданини кўздан кечира бошлашди. Иккала қўлига иккита

кишанни тақиб, шконка темирига тортиб қўйиб ва хоҳлаган бемазагарчиликларини қилдилар. Биттаси бармоқлари билан, “вой-бў, бунинг баданининг оқлигини қара-я”, деб ўйиб-ўйиб олар, сўнгра кўкариб чиққан жойларига тиржайиб тикиларди. Айниқса, Маринанинг кўкрак безларини обдон эзгилаб, кўкармаган жойини қолдиришмади, жинсий аъзосига қўлларини тиқишди. Оғриққа чидай олмаган Марина охири уларга:

– Ҳей, опалар, раҳм қилинглар, мен ҳомиладорман, — дея ялинишга тушди, аммо уни тонггача азоблашди ва камерадан чиқиб кетаётганларида шундай деб огоҳлантиришди:

– Билиб қўй, мегажин, бугуноқ терговчининг берган саволларига аниқ жавоб бермасанг, ҳозир гулини кўрдинг, азобнинг мевасини бугун кечаси кўрасан, хор бўлиб шу ерда ўлиб кетасан.

Улар ортидан эшик ёпилиб, КПЗда ўридан туришга бонг берилди.

Марина қимирлай олмас, ҳатто бир томон ағдарилса ҳам, баданида қаттиқ оғриқ турар, кўз олди қоронғилашиб, ётиб қоларди. Навбатчи келиб, кундуз куни нараларда ётиш мумкин эмаслиги, агар яна ўринга чўзилса, маҳбуста оғирроқ жазо қўлланишини билдириб, ўрин-кўрпани йиғиштириб кетди. Марина бундай руҳий ва жисмоний қийноқлардан фақат кўзига ёш олар, аммо дардини кимга айтишни билмасди. “Агар Фулом шу ерда бўлганида эди, албатта, уни бу қафасдан қутқариб, азоб берганларни эса жазоламасдан қўймасди. Ҳозир у Россиянинг қаерларида юрибдийкин, менинг шу аҳволга тушганимни билармикин? Билмайди, билса, дарҳол қайтиб келарди, амаллаб мени бу ердан олиб чиқиб кетарди”, деб ўйларди.

Ўша куни уни тинч қўйишди, фақат врач келиб соғлиғини текшириб кўрди, ҳомиладорлигини аниқлади. Унинг баданидаги кўкариб кетган жойларини кўриб, бош чайқаб қўяр, сўнгра фельдшерни йўқлатиб, баъзи бир суртма дорилардан сурди.

Кечкурун у ўтирган камерага ўзини Варвара деб таништирган аёлни киритишди. Анчагина хушчақчақ экан, ҳар хил воқеа, ҳодисалардан сўзлаб, шеригининг кўнглини

кўтаришга ҳаракат қиларди. Марина сўрамаса ҳам, у бу ерга вақтинчалик тушганлиги, эртага, кечи билан индинга қўйиб юборишларини қайта-қайта такрорларди. Текинхўрлик, товламачилик қилиб яшаётганлиги учун бу ерга келтирганлигини айтди. “Аммо бунга ҳеч ким исботлай олмайди, — деди, — чунки бирорта ҳам даъвогар йўқ”.

У Маринага ниҳоятда яхши гапирар, эртага озодликка чиқса, бирорта айтадиган сўзи бўлса, етказишини гап орасида қистириб кетарди. Бу сўзларидан Марина унинг “қулоқ” эканлигини сезган, чунки мана салкам ўн йилдан бери ўғрилар ичида юрибди, улардан кўп нарсани ўрганганди. Хуллас, бу йўл билан ҳам ички ишлар ходимлари мақсадларига етолмадилар, Марина уларнинг агентига ҳеч нарса айтмади. Уч кундан сўнг агентни камерада олишга мажбур бўлишди. Сўроққа чақирилган Марина ўғрилар олами ҳақида ҳеч нарса билмаслигини рўкач қилиб, йиғлаб туриб олди.

Шу куни тунда камерага иккита барзанги йигит кириб, уни эрталабгача жинсий томондан обдон қийнашди, зўрлашди, инсон зоти қилмайдиган расвогарчиликларни амалга оширишди. Энди Марина унинг дод-войига ҳеч ким эътибор бермаслигига ақли етган, шунинг учун бу қийноқларга кўз ёши тўкмай чидарди. Азоб бераётганлардан бири иккинчисига: “Қара, Боря, бу манжалақига сенинг асбобинг ёқпти, бироз қийна, жони чиқиб кетсин”, — деб уқтирар, сўнгра ўзи ишга тушарди. Вақт тонгга яқинлашгач, улардан бири уч марта бор кучи билан Маринанинг қорнига тепди, қаттиқ оғриқ турди ва бироздан сўнг ҳушидан кетди. Ўзига келганда, оёғи орасидан қон келар, муштдек ҳомила бетон полда ётарди. Бунга кўрган Марина алампдан энди кўз ёшига эрк берди.

Тонг отиши билан ювиниб олишига рухсат беришди, чунки ўша кунги навбатчиликда маҳбусларга озор бермайдиган, ёши анчага бориб қолган, уруш қатнашчиси Алексеев деган одам эди. Маринанинг аҳволига кўзи тушгач, камерага тоғора, битта челада иссиқ сув келтирди ва: “Қизим, мендан уялма, бемалол ювинавер, мен сув қуяман деб, тунука товоқдан сув қуйиб турди. Бу одам Маринага қилинган зулмдан шунчалик таъсирланган эдики,

“Аблаҳлар, аёл кишига, бунинг устига, ҳомиладорга ҳам шунча азоб берадиларми, уравериб, соғ жойини қолдирмабдилар, ҳомиласини туширибдилар, ё, Парвардигор, немислар ҳам бунчалик қилмагандилар-ку, наҳотки, буларни ҳам она туққан, кўрак сути билан боққан. Қилаётган ишлари ваҳшийликдан бошқа нарса эмас-ку, эй, Парвардигор”, — деб чўқиниб қўйди.

Марина ювиниб олгандан сўнг навбатчи унга сочиқ тутди, сўнгра тушган ҳомилани ана шу сочиққа авайлаб ўраб, хотиржам бўл, қизим, олиб бориб, қабристоннинг бир чеккасига кўмиб келаман, деб чиқиб кетди. Марина унга миннатдорлик кўзлари билан қаради.

Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг Алексеев ишдан бўшаш ҳақида ариза берди. Охирги навбатчилик қилган куни Алексеев Маринага ич кийимликлар келтирди ва тунда унинг камерасига кириб, иссиқ чой ҳамда пиширилган картошка, котлет билан меҳмон қилди. Маринада анча ёшга борган бу одамга нисбатан ўзгача ишонч пайдо бўлди. У сўнгги марта навбатчиликка тураётгани, бундай ишларни кўришга виждони қабул қилмаслигини очиқдан-очиқ айтиб, ишдан бўшаётганлигини билдирди. Марина унинг гапларидан таъсирланиб, бошини кўксига қўйиб, ўпкаси тўлиб йиғлади. Алексеев унга, “Йиғлайвер қизим, шунда енгил тортасан”, — деб сочларини силарди.

Ниҳоят, Марина унга қоғоз ва қалам беришини, иложи бўлса, мактубини бир манзилга етказишни илтимос қилди. У бироз ўйланиб туриб, “Майли, қизим, ёза қол, олиб бориб бераман”, — деди. Марина ҳеч кимнинг исмини кўрсатмай бошига тушган савдоларни қоғозга битиб, Алексеевга оғзаки тарзда қаерга олиб бориб беришини тушунтирди.

Эртасига уни яна Вахрушев ҳузурига чақиртиришди, энди Марина бирорта сўз гапирмасликка қарор қилганди. Вахрушевнинг берган саволларига жавоб беришдан бош тортди ва тождор ўғриларга шерикликда, уларни яширишда жиноят қилганликда айбланиб, икки йилга озодликдан маҳрум қилинишга суд ҳукми ўқилди. Москва остонасидаги Загорск шаҳридаги аёллар қамоқхонасига этап қилинди. Орадан олти ой ўтгандан сўнг қамоқхонадан амнистия билан озодликка чиқарилди...

* * *

Поезд Новосибирск шаҳрига етиб келди. Фулом ва унинг шерикларини вокзал перронида шу ернинг вақтинчалик смотрашийси “Сокол” лақабли ўғри, Валентин Кручнев кутиб олди ва машиналарга ўтқазиб, қароргоҳига олиб кетди. Меҳмонларни кутиб олиш шунчалик сир тутилди. Кручнев вокзалга гримда келган, соқол-мўйлов ёпиштирилган, кўзига каттагина кўзойнак таққан эди. Биринчи кўрган одам уни олимлардан бири деб ўйларди.

Аввалига Фулом уни танимади, аммо у ўзини таништириб, ниқоб эканлигини айтгандан сўнг машинага ўтирди. Шаҳардан чиқиб, Фуломга вақтинчалик тайёрлаб қўйилган хонадонга тушишганда ясама соқол-мўйловини ва кўзойнагини олди. Шу куни иш тўғрисида сўзлашилмади.

Эртасига Фулом Соколга Баркаш ўлдирилган куни унинг қароргоҳида бўлган, ҳозирча ҳибсда сақланаётган учта қўриқчини сўроқ қилишга киришмоқчи эканлигини билдирди. Гап шунда эдики, Сокол Баркашнинг яқин ёрдамчиларидан бири бўлиб, унинг лавозимини вақтинчалик эгаллаган, ўша кундаги қўриқчиларни ҳар эҳтимолга қарши ҳибсга олган ва бўлиб ўтган воқеа ҳақида Адмиралга дарҳол хабар берганди. Ана шу сабабли ундан шубҳаланиши биров пасайган, бироқ унинг бу қотилликда иштироки борлиги гумон остига олинганди. Фулом ана шу масалаларга ойдинлик киритиши ва ҳақиқатни аниқлаши ҳамда айбдорларга нисбатан жазо чораларини қўллаши керак эди.

Биринчи навбатда хонага қўриқчиларнинг бошлиғи бўлган Митка Беспалийни чақиртирди. Зонада ўтирганида бош бармоғидан ажралгани учун унга шундай лақаб берилган эди. Фулом қўриқчиларни маҳаллий ўғриларнинг иштирокисиз сўроқ қилиш истагини билдирганида, Сокол бош қимирлатиб розилик билдирди-да, унга маҳбусларни келтириш учун иккита одамини ажратиб, хонани тарк этди.

Хонага тарашадек озғин, новча, аммо кўринишидан анча бақувват бўлган йигитни киритишди. У Баркаш ҳукмдорлик қилган даврда унинг қўриқчилари бошлиғи вазифасини бажарганди. Беспалий аллақачон марказдан вакиллар тафтиш

Ўтказгани келганларини эшитган, агар ўзини оқлай олмаса муқаррар дорга осилиши ёки сувга чўктириб ўлдирилишига ақли етарди. Чунки тождор ўғрининг ўз қароргоҳида ўлдирилиши, жиноят оламида “кўз кўриб қулоқ эшитмаган” воқеа ҳисобланар, бу ишда нафақат айбдорлар, балки гумон қилинганлар ҳам омон қолдирилмасди.

Фулом бир лаҳза унинг кўзларига тикилди, Митка кўзларини олиб қочмади, ортиқча безовталанмади ҳам. У ўзича, у қотиллик бўйича тафтиш ўтказиш учун шахсан Графнинг ўзи юборилибди, демак, бирортамиз ҳам тирик қолмасак керак. Аммо барибир унинг ўзи келгани яхши бўлибди, бундай одамнинг амри билан ўлиб кетиш кишига алам қилмайди”, деб ўйларди.

— Хўш, Митка, қани, Баркашнинг ўлдирилиши бўйича бир чеккадан ҳаммасини гапир-чи, нима бўлган, қачон бўлган, қаерда ва қандай юз берган? Сен бу қотилликни қачон билдинг, ўша кеча қаерда эдинг, нега вазифангни бажармадинг, батафсил баён қил-чи, сени қандай жазо кутаётганлигини ҳис қилиб турган бўлсанг керак? — деди Фулом.

— Граф, — деди ҳеч ўйлаб ўтирмай Митка, — ўзимни оқлашга ҳеч қандай ваз-қарсон кўрсата олмайман, ҳақиқатан, айбдорман, боссни ёлғиз қолдирмаслигим керак эди, аммо унинг ўлимида менинг иштироким йўқ, буни ўзимни оқлаш учун айтмаяпман, балки ўлиб кетсам, шуни билишинг учун айтаяпман, холос.

Шундан сўнг, Фуломдан рухсат сўраб, битта папиросни қўлига олиб, эзгилади, лабига қистириб тутатди ва давом эди.

— Ўша куни ресторанда тўй бўлди. Шаҳарнинг бообрў одамларидан бўлган Кривошеев қизини турмушга чиқарди. Баркаш ҳам таклиф қилинганди. Биз совғани олиб тўйга бордик. Уч соатлардан сўнг қароргоҳга қайтдик. Одатда Баркаш тўй эгасини табриклагач, дарҳол кетарди, аммо ўша куни ресторан қўшиқчиси Моника билан анча вақтгача рақс тушди, шу туфайли ушланиб қолдик. У хонасига киргандан сўнг лимонли чой сўради. Одатда, чойли стаканга ўз қўли билан битта лимоннинг сувини сиқиб, сўнгра шакар ёки қанд аралаштирмасдан бир кўтаришда ичиб юборарди.

Бу унга азалий одат бўлиб қолган, чунки тез-тез қон босими безовта қилиб турарди.

Чой ва лимон келтирилгандан сўнг у менга ва Борисга рухсат берди, вақт ярим кеча бўлганди, хонасидаги соат ўн икки марта бонг урди. Мен соат эшигини очиб, тошларини тортиб қўйдим, иккала тоши ҳам пастга тўлиқ тушиб бўлган экан. Шундан сўнг хонадан чиқиб кетдик.

У Графдан бир стакан сув ичишга рухсат олиб, сўнгра воқеа тафсилотларини баён этишда давом этди.

– Ўзимизга ажратилган хонада чой ичиб, бирор соат гаплашиб ўтирдик, сўнгра дам олишга ётдик. Бундан икки кун олдин шефнинг зотли Шарқий Европа овчаркаси, суюкли ити Рекснинг мазаси бўлмай, шаҳар ветеринария шифохонасига жўнатишга, ўша ерда сақланмоқда эди. Унга қараб туриш учун қўриқчилардан бирини ажратишга мажбур бўлгандим. Эрталаб хонага кирсам Баркаш ўриндиқда ўтирган жойида бўғизланганини, ўриндиқ, полдаги гиламни қон босганлигини кўрдим. Аммо, хонадан қон иси билан биргаликда хушбўй атир ҳиди ҳам келаётганлигини сездим. Дарҳол қўриқчиларни ва Соколни уйдан чақиртирдим. Сокол келасолиб, бу қотилликни тафтишдан ўтказди ва бизларни ҳибсга олиш ҳақида кўрсатма берди. Бўлган гап шу...

Фулом Баркаш ўлдирилган хонани тафтишдан ўтказиб бўлганди. Эшикдан ишчи кабинетга кирилади, ундан сўнг хонанинг ўнг ва чап тарафларида яна иккита эшик бўлиб, биридан ётоқхонага, иккинчиси орқали эса боққа чиқилади. Баркашни ўлдирган одамлар ана шу омиллардан фойдаланганликларини Фулом бир кўришдаёқ пайқаган, демак, қотиллар уйнинг жойлашиши, кириб-чиқиш эшикларини олдиндан билган ва шунга қараб ўз ишларини режалаштирган. Баркашнинг одамлари орасида хоин бўлиш эҳтимолдан узоқ эмас.

Чунки хонага кирган бегона одам ишчи кабинетнинг ўнг ва чап тарафларида эшиклар борлигини сира ҳам аниқлай олмайди, улар ташқи нигоҳдан жуда усталик билан яширилган, боққа чиқадиган эшик ташқаридан умуман кўринмайди, ётоқхона эшиги эса этажеркаларнинг орасида бўлиб, унга китоблар тахлаб қўйилган, ойналари эса кўчага

қарама-қарши тарафга, ҳовлига чиқади. Ундан кейин хонада деярли инсон яширинадиган бирор ортиқча нарса йўқ, устки кийимларини оддий қозиққа, шим-костюмни эса стулга илиб қўяркан. Фақат хонада битта тошойна бор, у ҳам бўлса деворга ўрнатилган. Демак, қотиллар ўз режаларини тузганларида фақат боққа чиқадиган эшикни назарда тутган, бунинг устига эшик жуфт қилиб ишланган, орасида бир одам бемалол яшириниб туриши мумкин. Агар бу иш ўғрилиқ мақсадида қилинган бўлганда, унда қимматбаҳо нарсалар ўғирланиб кетарди, ҳеч нарса йўқолмаган, фақат иккита биллур бокал йўқлигини айтишди, қизиқ. Кейин тождор ўғрилар бошлиғи бўлган одамнинг уйига кириб, ўғирлик қиладиган одам топилмаса керак.

Шундай ҳулосаларга келгандан сўнг гумон қилинувчилар рўйхати бирмунча кўпайди. Яъни у аниқлаши зарур бўлган майда-чуйдалар: биринчидан, Баркашнинг ити касал бўлиши тасодифийми? Иккинчидан, итни, албатта, ветеринария шифохонасида даволаш шартмиди ёки уйда тиббий хизмат кўрсатса ҳам бўлармиди? Итга доимо қараб юрадиган Викентий уй-жойнинг ҳар бир хонасини мукаммал билиши табиий, чунки ит доимо уй эгаси билан бирга яшаган, кечаси оёқлари остида хўжасини қоровуллаб ётган.

Демак, биринчи гумон ит боқувчида ва итнинг саломатлигини текширган ветврачда. Ким биринчи бўлиб итни шифохонада стационар усулда даволаш зарурлигини таклиф этган ва бу суҳбатда кимлар қатнашган? Ғулом дастлабки гумонларини ён дафтарига немис тилида ёзиб, каттагина сўроқ белгисини қўйди. Учинчидан, нега Митка хўжасини ёлғиз қолдиришдан олдин унинг ётоқхонаси ва боққа чиқадиган эшикларни текшириб кўрмаган? Илгари бундай ҳолатларда текширилганми ёки йўқми? Ўша машъум кеча уйни қоровуллаётган соқчилар ким, қачондан бери Баркашнинг хизматида, уларнинг орасида яқин кунларда келганлари борми, бор бўлса, қаердан келган, кимнинг тавсиясига биноан соқчилик ишига олинган? Тўртинчидан, Баркашнинг ўлиmidан ким манфаатдор? Охирги пайтларда Баркаш билан жинойи оламнинг алоқаси, кимлар билан мурасасизликка борган, нима хусусида ва ҳоказо?

Фулом фикр-мулоҳазалари билан Андрейни таништириб, зудликда ана шу масалаларга аниқлик киритиш зарурлигини таъкидлади.

— Тўғри фикр қиласан, Граф, — деди Птица, — бу ерда хоинлик натижасида тождор ўғрининг ўлдирилиши кундек равшан бўлиб турибди. Менга қолса, ўша кунги барча қоровуллар, гумон қилинганларнинг баҳридан ўтиб, ўлдиртириб юборган бўлардим. Шу сабабли, Адмирал ишни адолат юзасидан тафтишдан ўтказишингга ақли етгани учун бу мураккаб вазифани сенинг зиммангга юклаб қўйди, Граф.

Фулом Миткадан Баркаш уйқуга кетиши олдида уйларнинг текширилиши ёки текширилмаслиги ҳолатларига қизиқиб кўрди. Маълум бўлишича, Баркашнинг рухсатсиз бирорта ходими, ҳатто яқин кишилари ҳам унинг ётоқхонасига киришмас экан. Фақат хизмат хонасида ишни битириб, чиқиб кетаркан. У ерга фақат фаррош хотин кириб чиқар, шунда ҳам Митка доимо хона йиғиштирилаётганда ёнида бўларкан. Боққа чиқадиган эшикнинг калити Баркашнинг ўз қўлида ва доимо эшикнинг тепасидаги илгакда осиб қолган, чунки ҳожатхона, душ ва ёзда чўмиладиган ҳовузига шу тарафдан ёлғиз ўзи чиқаркан. Тўғри, кунлар исиб кетганда, боққа ташқаридан кириладиган эшик ҳам ҳар замонда очилиб тураркан, аммо ҳозир кеч куз бўлганлиги учун уларга қулф осилганди.

Фулом дарҳол боққа чиқадиган эшикнинг калитини қидира бошлади, аммо у жойида йўқ эди. Энди у жиноят ана шундай йўл билан амалга оширилганлигига амин бўлди. Лекин нега Баркаш қаршилиқ кўрсатмаган? Демак, у ўтирган ўрнида ухлаб қолган ёки кирган одам унинг энг яқинларидан бўлган. Соколнинг гапига қараганда, у дастлаб кирганида хонадан қон ва кучли атир-упанинг ҳиди келган. Наҳотки, бу қотилликка аёл киши аралашган бўлса?

Шу ўйлар билан боққа чиқадиган томонни тўлиқ тафтишдан ўтказди. Дарҳақиқат, боққа чиқилгандан сўнг, аёл кишининг 35 ва бир эркакнинг 43, яна бир одамнинг 41-ўлчамга тўғри келадиган пойабзал изларига дуч келинди. Қирқ учинчи пойабзал Баркашники, қирқ биринчи эса

кимники? Энди боғ эшигини Баркашнинг ўзи очгани, аёлни ичкарига киритганлиги маълум бўлди. Хўш, унда аёл билан бегона эркак кирган бўлса, нега Баркаш уни ичкарига қўйди экан?

Фулом изларни синчиклаб текширганда аёлнинг иккинчи марта боққа чиқиб, эшикни очиб, бегона одамни киритгани маълум бўлди. Афтидан аёл Баркашнинг хизмат хонасига қайта кирмай, пиллапоёда қолган, чунки шу ерда лаб помадаси ёпишган янги сигарета қолдиғи топилди. Қотиллик жараёнининг бир қатор белгилари энди намоён бўлаётганди. Фулом бир дақиқа ўйланиб турди-да, Соколга:

— Зудлик билан ит боқувчини келтиринг, — деди. Птицани эса ветврачни жойида яхшилаб сўроқ қилиб, маълумотларга аниқлик киритиб келишга юборди. Аёл билан ит боқувчи орасида қандайдир боғлиқлик борлигини ичичидан сезар, аммо бир хулосага келолмасди. Ана шу муаммоларга аниқлик киритиш муҳим масала эди. Соколнинг гапига қараганда, Баркаш фақат икки аёл билан мунтазам алоқада бўлган, улардан бири — ресторанда ашула айтувчи Моника, иккинчиси эса шаҳар ижрокўмида котиба бўлиб ишлайдиган гўзал Светлана эди. Бошқа аёллар билан алоқада бўлганлигини нафақат кўрган, эшитмаган ҳам экан.

Лекин ўша машъум қотиллик юз берган куни Моника ресторанда бўлган, тўй тахминан кечаси соат учларда тугаган, шундан кейингина у уйига кетган, анча ширакайф бўлганлиги ҳам тасдиқланган. Бундан ташқари, 35-ўлчамдаги пойабзал киймаслиги ҳам маълум бўлди. Бу маълумотни олгандан сўнг ҳеч кимга билдирмай Светланани ҳузурига келтиришни буюрди. Бу орада Птица ҳам қайтиб келди. Фулом ит боқувчини сўроқ қилишга шошилмас, Птицанинг ахборотини кутаётганди.

Птица кирган заҳоти ит боқувчи келтирилган ёки келтирилмаганлигини Графдан қизиқиб сўради. Ижобий жавобни олгандан сўнг, ветврачнинг хулосасини айтди. Унинг гапига қараганда, “Рекс” жиддий касалликка чалинмаган, кимдир унга музлаган гўшт ёки суякли гўшт берган, ортидан совуқ сув ичкизган, натижада салгина шамоллаш ва сўлак оқиш белгилари пайдо бўлган. Ветврач итнинг касаллиги

жиддий эмаслигини, уни даволаш мумкинлигини айтган, аммо ит боқувчи “Бу ит кимга қарашли эканлигини биласанми, агар бирор нарса бўлиб қолса, биринчи бўлиб менинг, кейин эса сенинг бошинг кетади”, дея огоҳлантиргандан сўнг, қўрққанидан ветеринария шифохонасида муолажа қилишга рози бўлган.

Бу ҳодиса ўша машъум кечадан икки кун олдин рўй берган. Ана энди бу қотилликнинг юз беришида ит боқувчи билан номаълум аёлнинг иштироки борлиги ўз тасдиғини топганди. Қотиллик тепасида ит боқувчи бўлганлигига ҳеч қандай гумон қолмаганди. Фулом ит боқувчини Баркашнинг енгил автомашиналари турадиган гаражга келтиришни буюрди.

Ит боқувчи Викентий Игнатенко худди ҳеч нарса бўлмагандек, ўзини хотиржам кўрсатиб, гаражга кириб келди. У ўрта бўйли, юз, бурун тузилишлари тўғри, келишган, мовий кўзли, истараси иссиқ йигит экан. Фулом унга узоқдан қараб, ҳаракатларини кузатди. Ўзини хотиржам кўрсатишига қарамай, ит боқувчининг қўллари қалтирар, аммо кўзлари хотиржам боқарди. Фулом гаражга кира солиб, ит боқувчининг қўлларини боғлашни ва моторларни кўтарадиган мослама занжирига осишни буюрди. Фулом одамларига гараждан Птицадан ташқари ҳамма чиқиб кетишини, дарвоза олдини қўриқлаб туришини айтди.

— Менга қара, ука, сен билан айтишиб ўтиришга вақт йўқ, Баркашнинг ўлдирилишида қўлинг борлигини биламан. Агар ўз хоҳишинг билан айбингни тан олсанг, битта нарсани ваъда қилишим мумкин, қийналмасдан жаҳаннамга жўнайсан, акс ҳолда, ҳозирданоқ дўзах азобларидан татий бошлайсан. Ўйлаб кўришингга бир дақиқа вақт бераман, сўнгра спектаклни бошлаймиз, — деб соатига қараб қўйди.

Игнатенко Фулом ўз сўзида туришини яхши билар, сафдошларидан хоинларни қандай жазолаганини эшитган, ўзи ҳам қилган ишидан пушаймон бўлиб юрган эди. У воқеа тафсилотларини сўзлашни ҳам, сўзламасликни ҳам билмасди. Гапирса, Светлананинг ҳам исмини аташи лозим, айтмаса, ҳозирданоқ қийнашни бошлашади, охири билган нарсаларини барибир айтишга мажбур қилишади,

ражоҳатидан бу одамлар ҳеч нарсадан қайтмасликларига ақли етиб турганди. Маҳбуснинг индамай турганлигини кўрган Фулом Андрейга имо қилди. У енгларини шимариб, Игнатенконинг олдига келиши билан дарҳол кўзига ёш олиб билган нарсасини айтиб беришини билдирди.

— Яхши, — деди Фулом, — колись братан, қулоғимиз сенда, барчасини очик сўзласанг, сенга берган ваъдамга вафо қилишга сўз бераман.

Шу пайт дарвоза тақиллаб, Фуломнинг йигитларидан бири қизни олиб келишганликларини айтди. Фулом қизни ертўлала бироз ушлаб туришларини буюрди. Ҳозирча маҳбус қизни кўриши керакмас, иккаласининг берган кўрсатмаларини солиштириб, кейин бир хулосага келиш, зарур бўлса, юзлаштиришни мўлжаллаганди.

Маҳбус тўрт йилдан бери Баркашга ҳалол хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб, шундан сўнг ҳаётида бир марта хиёнатга йўл қўйганини бўйнига олди. Ит боқиш, дрессировка қилдириш бўйича шаҳардаги энг уддабурон, обрўли инсонлардан бири эканлигини айтди. Шу сабабли унга бу соҳа бўйича турли одамлар мурожаат қилар, у, албатта, маълум иш ҳақи эвазига консультациялар берар, зарур бўлганда, итларни ўргатар ҳам экан.

Кунлардан бир куни бир бой одамнинг ротвеллерини ўргатишга олади. Ротвеллер зотдор ит бўлиб, нархи ҳам бир неча минг доллар тураркан. Бунинг устига, ўша бой унга уч ойлик машғулот учун тўлайдиган ҳақининг ярмисини бериб қўйган, у эса дарҳол бор заҳира пулини қўшиб, битта “Победа” М-23 русумли машина сотиб олганди. Машинани ҳали кўп минмасидан авария қилиб қўйди, натижада таъмирлашга анча пул сарф бўлди. Машинани таъмирлаш учун ҳам ўша одамдан бўлғуси машғулотлар ҳисобидан яна қарз олди. Авария ҳам жуда қизиқ ҳолатда юз берган. Машинани секингина ҳайдаб кетаётганда, кутилмаганда олдидан болалар аравачасини итариб кетаётган бир қари кампир чиқиб қолади. Ўша пайт Игнатенко кампир ва аравачани уриб юбормаслик учун машина рулини кескин буриб, қарама-қарши тарафдаги қандайдир олимнинг “ЗИМ” русумли шахсий машинасига бориб урилади. “Победа”га унчалик зарар етмагани билан “ЗИМ”нинг

ҳайдовчи ўтирадиган тарафдаги эшиги пачоқланиб, ҳатто эшиги ажралиб кетади.

“ЗИМ”нинг ҳайдовчиси дарҳол ГАИ ходимларини чақиртириб, баённома туздиради. Игнатенко бўлган воқеани милиция ходимларига баён қилади, аммо болалар аравачаси бўш, ҳеч қандай боладан ва қария кампирдан дарак ҳам йўқ эди. Натижада “ЗИМ”ни таъмирлатишга анчагина маблағ кетди, агар Баркаш аралашиб, милициядан олиб қолмаганида, қамалиши ҳам мумкин эди, чунки академикнинг ҳайдовчиси бироз бўлса-да жароҳат олган, тиббий ёрдам кўрсатилганди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ротвеллер ўлиб қолади. Шундан сўнг бой одам ротвеллернинг хунини тўлашни талаб қилади, аммо хунини тўлаш учун жуда катта пул сўрайдики, буни тўлаш учун эса у бир умр бойга хизмат қилиши керак. Айни дамда бой ҳам шуни кўзлаган эди. Чунки у чегара қисмларида кинолог бўлиб хизмат қилган ва бу ишини кейин ҳам давом эттирган.

Бир куни Баркаш уни яхши кўрган қизи билан бирга юрганида учратиб қолиб, иккаласини ҳам ресторанда роса меҳмон қилади. Ўшанда Баркаш Светланадан шанба куни дала ҳовлисига келишини сўраган, бу илтимос негизда буйруқ оҳанги борлиги яққол сезиларди. Шу-шу бўлди-ю, Светлана унинг жазманига айланиб қолади. Баркаш уни шаҳар ижроқўмига котиба қилиб ишга жойлайди ва хоҳлаган куни уни чақиртириб олиб, кўнгилхушлик қиларди. Шундай бўлса-да, иккала ёш баъзан учрашиб туришарди.

Қарзга ботган Игнатенко нима қилишини билмасди. Бир куни шаҳардаги қаҳвахонада хаёл суриб ўтирганида, олдига бир йигит келиб, уни Валет йўқлаётганини билдириб, зудлик билан етиб бориши кераклигини тайинлади. Валет урушдан кейинги амнистия билан қамоқдан чиққан, сўнгги пайтларда тождор ўғриларга нисбатан пинҳона кураш олиб бораётган гуруҳ бошлиги эди.

Валет Баркашга очикдан-очик хуруж қилолмас, чунки жиноят оламининг калити рақиби қўлида, бундан ташқари, тождор ўғрилар анча уюшган. Шу сабабли, у Баркашга пинҳона тузоқ қўйишга ҳаракат қилар, уни ўртадан кўтариб ташлаб, ўзича якка ҳоким бўлиш орзусида юрарди.

Игнатенконинг эшитишига қараганда, ҳатто, Баркаш уни таклиф этиб, огоҳлантирган, дейишади. Агар босқинчилик қилиб, одам ўлдирадиган бўлсанг, сени ўғрилар қонуни бўйича жазолаймиз, деган экан. Шундан сўнг Валетнинг гуруҳи бирмунча тинчиган, ўғрилиқ қилганлари билан ҳозирча қон тўкилмаётган, шаҳар нисбатан тинч эди.

Валетнинг одамлари маълум маблағ ҳисобига Игнатенкога ёрдам беришга ваъда қилишди, фақат баъзи бир сирларни очса, Баркашнинг хонасига киришга ва қандайдир муҳим ҳужжатларни ўғирлаб чиқишига қўмаклашиб юборса. Анча ўйланиб, ниҳоят, рози бўлганлигини ҳеч яширмай айтиб берди ва айбини бўйнига олган ҳолда ўлимга рози эканлигини билдирди. Игнатенко бу ишда Светлананинг ролини атайлаб яширди, буни сезган Фулом йигитнинг одамийлигига қойил қолиб, ҳаётини сақлаб қолиш тўғрисида ўйлай бошлади.

Муаммонинг моҳиятига қараганда, Баркашнинг ўзи ичган қасамини бузиб, адолатсизлик қилган, бу эса барча масалаларни тескари томонга буриб юборган. Фулом сўроқнинг охирида Светлана бўйича унга савол берди. Йигит йиғламсираб, қизнинг бу ишда айби йўқлигини, уни севганлиги учун рози бўлганлигини айтиб, ҳаётини сақлаб қолишни ўтиниб сўради. Светлана сўроқ қилган Андрейнинг кўрсатмалари ва Игнатенкодан олинган маълумотлар орасида деярли ҳеч қандай тафовут йўқ эди. Ниҳоят, Фулом йигитга сўнгги саволни берди:

— Яхши, айтгин-чи, Баркашни ким ўлдирди, буюртмачи маълум, жаллод ким ва уни қандай қилиб боссларингнинг олдида киритдинглар?

— Биз аввалдан бунга тайёргарлик кўрган эдик. Светлана ва мен бир одамни боққа киритишимиз, шундан сўнг бўлғуси рафиқам унга вино ичишни таклиф қилиши ва бу жараён вақтида қадаҳга қандайдир таблеткаларни солиб қўйиши керак эди. Уларнинг топшириқлари аниқ қилиб бажарилди, ит ветеринария шифохонасига жўнатилди, Светлана ва мен бир йигитини боққа киритдик, қадаҳга таблетка солинди ва қотил ўз ишини бажариб чиқди. Мен кўча дарвозаси олдида кутиб турдим. Биз қотиллик бўлишини билмагандик, чунки уларга Баркашнинг қандайдир ҳужжатлари керак деб

ўйлагандик, менга қўйилган шарт ҳам шундай эди-да, ахир...

Йигит чиққанидан сўнг, эртасига Баркашнинг устара билан бўғизланганини билдик, аммо сир сақлашга мажбур эдик. Мана энди, барча сирлардан огоҳсизлар, мен ўлимга тайёрман, фақат, илтимос, қийнамасдан отиб ташланглар, Светлананинг ҳаётини сақлаб қолинглар, у ҳомиладор, бола мендан бўлган...

Ғуломда икки хил қараш пайдо бўлди, биринчидан, бу ёшлар ўз таҳқирланган ҳуқуқларини, майли, жиноят, сотқинлик йўли билан бўлса ҳам ҳимоя қилишга ҳаракат қилганлар, иккинчи томондан, Баркаш буларга нисбатан адолатсизлик қилган, лекин нима бўлганда ҳам у шу ҳудуднинг смотряшийси, унинг ўлдирилиши бутун тождор ўғрилар оламини оёққа турғазди, ҳатто бу иш билан ички ишларнинг махсус гуруҳи шуғулланияпти, деган қарашлар ҳам пайдо бўлди. Тождор ўғрининг ўлдирилишида салгина иштироки бўлган одамга ҳам раҳм-шафқат қилинмасди, бу азалий қонун, буни ҳеч ким ўзгартиришга қодир эмасди. Бу ёшларга фақат сходняк Кенташи аъзолари авф беришлари мумкин, ҳатто Адмирал ҳам ўз хоҳишича бундай қарор қабул қилолмасди. Ана шу муаммолар Ғуломни ўйлантирарди. Ғулом бу масалани ҳал этишни кейинга қолдирди, фақат қоровуларни бошқаларга ўрнат бўлиши учун роса савалатди.

Вақтинчалик Игнатенко ва Светлана-ларни бандда ушлаб туришга топшириқ бериб, Сокол билан Валет гуруҳини зарарсизлантириш бўйича режаларни туза бошлади. Энди Сокол бу ишга аралашмагани, бош қўшмаганлиги аниқлангандан сўнг у билан маслаҳатлашиб, Адмиралнинг буйруғини бажаришга киришди. Соколни бундай жумбоқли масаланинг қандайдир бир ҳафта ичида Ғулом томонидан ечилиши ҳайратга солди ва ҳақиқатдан Адмирал олдида шундай уддабурон йигитлар йиғилган, бекорга у қирол эмас экан-да, деган фикрга келди ва Графга нисбатан ҳурмати ошди. Энди у Граф ўтга кирасан деб топшириқ берса, ҳеч иккиланмасдан тайёр турарди.

Ғулом Валет бўйича қандай маълумот бўлса, Соколга уни тақдим этишни топширди. Маълум бўлишича, Валетнинг гуруҳи йигирмага яқин кишилардан иборат бўлиб, ўзларининг малинаси бор. Малина Новосибирск шаҳрининг марказида, Черданова кўчасидаги Полёт кафесида

жойлашганлигини айтишди. Олинган маълумотларга қараганда, Валет Баркашнинг дафн маросимида қатнашган, ҳатто кўз ёши ҳам қилган экан.

Фуломнинг калласини Валет билан бой одамнинг орасида қандайдир боғлиқлик борлиги ҳақидаги фикр ҳеч тарк этмасди. Шу сабабли у Соколга Валет билан бирга Александр Артюнов исм-шарифли бой одамни ҳам ўғирлашга ва сўроқ қилишга қарор қилди. Унинг бу фикрларига Сокол ҳам қўшилди, чунки масаланинг моҳиятини охиригача ечиш ва айбдорларни жазолаш шарт эди.

Шу кундан эътиборан Валет ва Артюновнинг ҳар бир қадами кузатув остига олинди. Валетни кузатиш ишларини Фуломнинг одамлари, Артюновни эса Соколга тобелар амалга оширишди. Ташқи кўринишидан Валет ниҳоятда хотиржам, ҳар кун малинасига келар, алламаҳалгача қолиб кетар, сўнгра ширакайф ҳолда ёрдамчилари машинага ўтқазиб, шаҳардан ташқаридаги уйига олиб бориб қўядилар.

Фулом Соколга махсус пўлат симлар келтиришни топширди, чунки буни немис разведкаси поляк банкирига қўлаганда самарасининг шоҳиди бўлганди. Операцияни шанба кун кечаси амалга оширишга қарор қилди, чунки якшанба кунлари Валет қароргоҳига бормас, орада деярли икки кун вақт ўтарди. Артюновни ўғирлашни ҳам худди шу кунга белгилади. Фулом Соколга ўрмон ичидан махсус жой топиб қўйишни, экзекуция иши ўша ерда амалга оширилишини билдирди, у индамай бош силкиб, шундай жой ҳозирлаб қўйишини айтди.

Шанба оқшомида Фулом, унинг йигитлари ва Сокол биргаликда Валетнинг дала ҳовлисига борадиган йўлга чиқишди. Унгача Фулом бу масофани кўздан кечириб, машина ҳаддан ташқари тезликда келадиган жойларни аниқлаб, тузоқни қўядиган ерни белгилади. Сокол Беспалийга Артюновни ҳам шу ерга кечаси соат учларда келтиришни топширди. Икки ўрам пўлат симни тайёрлаб, Валетнинг машинасини кута бошлашди.

Валет ҳам ҳамма аслзодаларга, бойларга одат бўлиб қолган “Победа” русумли машинада юрарди. Тунги бирларга яқин машина кўринди. У чироқларини ёқиб, тахминан соатига саксон километрлар тезликда келаётганди. Бу пайтда қатнов

деярли бўлмас, машиналар ҳам йўқ даражада эди. Шу сабабли, янглиш бўлмаслиги аниқ. Птица зудлик билан пўлат симларни асфальт йўлга тортди, улар тезликда келаётган машина шиналарига ўралиб, жойида қотириб қўйди. Бу пайтда Фуломнинг одамлари машина эшигини очишаётганди. Ҳеч нарсани тушунмаган ҳайдовчи ва ёнида ўтириб кетаётган қўриқчисини судраб тушиб, яхшилаб биттадан мушт уришди.

Валетнинг кайфи шу даражада эдики, нима бўлганлигини ҳам билмай, хотиржам хуррак отиб, орқа ўриндикда ястаниб ётарди. Фақат Фулом уни кабинадан куч билан силтаб туширгандан сўнггина ўзига келди, кўзларини пирпиратиб, унга тикилди ва нима бўлганлигини англагандан кейингина умри тугаганлигига ақли етди. Одамларидан бири монтровка билан пўлат симларни узиб, машинани кўл томонга ҳайдаб кетди. Маҳбусларни кўлларини орқасига боғлаб, ўрмон ичига ҳайдашди. Ўрмон ичидаги бир очиқ жойда гулхан баланд қилиб ёқилган жойга келишгач, Фулом сўроқ қилишни бошлади. Валет берилган барча саволларга жавоб беришдан бош тортди, фақат Баркашнинг ўлимида қўли йўқлигини таъкидлаб туриб олди.

Тунги соат учда ўрмонга Александр Артюнов келтирилди. Соколнинг муовинига айланган Беспалий йўлнинг ўзидаёқ уни сўроқ қилиб, барча масалани ойдинлаштириб олган экан, Фуломга уни Валет билан юзлаштириш қолганди, холос. Ушбу иш қилингандан сўнг бир чуқур жой топилиб, барча маҳбуслар келтирилди, Птица “Вальтер” русумли тўппонча билан маҳбусларнинг энса суягига бирин-кетин ўқ узди ва улар чуқурга қулаганларидан сўнг, устларидан тупроқ тортиб, хазонлар, синган дарахтларнинг шохидан ташлаб, жиноят изи йўқотилди. Машина эса ўша ерга яқин бўлган кўлга чўктириб юборилди.

Эртасига Фулом шаҳардаги авторитетларни йиғиб, Новосибирск шаҳри ва области бўйича смотряший қилиб вақтинчалик Сокол тайинланганлигини эълон қилиб, Ленинградга қайтди. Игнатенко ва унинг рафиқаси тақдирини сходняк қарори кўриб чиқиши муносабати билан уларни вақтинчалик Соколнинг ихтиёрида қолдирди.

Аммо Ленинградга келиб, вагондан тушишлари билан Литейний-8нинг тезкор гуруҳи томонидан ҳибсга олиндилар.

Яна тергов-суриштирув ҳаракатлари “Крести” қамоқхонасида бошланди, суд қилиниб, ўн йилга, шундан лагердан қочганлиги учун беш йил муддатга жазони оғирлаштирилган зонада ўтишга ҳукм қилинди. Фулом этап билан Магадандаги 61/47-қатъий тартибдаги қамоқхона лагерига жўнатилиди. Сходняк йиғилиши Игнатенко ва Светланалярни авф этиб, уларни жавобгарликдан озод қилди...

ХII фасл. “БРАТВА” ҚУЧОҒИДА

Магадандаги 61/47-қамоқхона лагери катта жиноятлар қилган ўғри-рецидивист, босқинчи ва фирибгарлар учун ихтисослашган бўлиб, маҳбуслардан, асосан, кон ишларида фойдаланиларди. Бу ерда бир қанча лагерлар бўлиб, энг қатъий тартибли зона 61/47 ҳисобланарди. Шаҳар эндигина ривожланаётган, бу ерга Совет Иттифоқининг турли бурчакларидан мутахассислар таклиф қилинган, қурилиш ишлари ниҳоятда жадаллик билан олиб борилаётганди. Чунки урушдан кейин ўтказилган тадқиқотлар натижасида бу ерларда ноёб, табиатда кам учрайдиган металллар — олмос, олтин, кумуш, платина, мис каби моддий бойликлар ва кўмир борлиги аниқланган эди.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бу ердаги моддий бойликлар қазиб олинса, нафақат СССРнинг талабларини тўлиқ қондиради, балки бир қисмини эндигина ташкил бўлган социалистик лагердаги ҳамкорларга сотиш ҳам мумкин. Ана шу мақсадларда бу ҳудуддаги моддий бойликларни ўзлаштириш учун мутахассислар ёллана бошланди. Аммо бу ерларнинг табиати ҳаддан ташқари совуқ бўлиши, ёзда безгак чивинлари, даҳшатли касаллик тарқатувчи кана ва бургалар сабаб кўпчилик берилган таклифни рад этишарди. Бу ерга келганларга дарҳол уй-жой, моддий ёрдам кўрсатилар, йўл харажатлари давлат томонидан қопланарди. Ҳудуддаги ойлик маошлар бошқа ердагиларга нисбатан ўн баравар кўп, бироқ меҳнати ва табиий шароити ҳам шунга яраша эди.

Совет Иттифоқи ҳукуматининг режалари бўйича бу ҳудуд унинг Уралдаги саноат корхоналари каби йирик индустриал марказга айланиши керак. Уруш вақтидагидек одамларни марказий ҳудудлардан бу ерга кўчириш каби оламшумул режалар тез кунда сароб эканлиги маълум бўлиб қолди. Энди одамларда суронли йиллардаги ватанпарварлик ҳиссиётлари худди ўлгандек, асл мутахассислар бу ерлардаги моддий бойликларни ўзлаштиришга боришдан бош торта бошлашди. Фақат чўнтагида партия билетлари бўлган коммунистлар чора тополмай, маълум муддатларга, марказдаги уй-жойлари умрбод сақланиши ваъдасига кўра ноилоҳ келишарди. Чорасиз қолган совет ҳукумати бу ерларда кўплаб зоналарни ташкил эта бошлади, чунки моддий бойликларни қазиб олиш ва саноат корхоналарининг хом ашёга бўлган талабини қондириш зарурлиги кундалик долзарб масала бўлиб қолмоқда эди...

Ана шу зоналардан бири, кучайтирилган тартибли 61/47-қамоқхона лагери эди. Бу ерда “кум” Игнат Кулаков исм-шарифли полковник эди. Бу одам ГУИТУ раҳбарларининг алоҳида эҳтиромига сазовор бўлган, доимо ҳайъат йиғилишларида сўз бериладиган, тартиб-интизом жиҳатдан у бошчилик қилаётган лагерь алоҳида таҳсинга сазовор эди.

Маҳбуслар, асосан, очиқ усулда кўмир қазиб олиш билан машғул, замбилларда уларни бир ерга тоғ қилиб уюлар, сўнгра у жойдан махсус лентали транспортёрларда деярли 50–60 метр баландликка кўтарилар, ундан сўнг экскаваторлар вагонларга юкларди. Меҳнат қилиш тартиби оғир, жисмоний кучга эга бўлмаганлар кўмир чанги ва ифлосликдан икки-уч йилда ўлиб кетишарди. Лагерь раҳбарияти респиратор ўрнига маҳбусларга чангни ўтказмайдиган махсус маскалар берар, аммо унинг нафи жуда камлиги тез орада билиниб қоларди.

Шундай бўлса-да, маҳбуслар конларда ишлаётганликлари учун овқат бошқа лагерларга нисбатан бирмунча сифатлироқ эди. Бундан ташқари, Магадан областида яна олтита зона бўлиб, шундан учтаси қатъий тартибли, икkitаси умумий тартибли лагерлар эди.

Лагернинг норасмий бошлиғи тождор ўғри Аслан Алханов бўлиб, жиноят оламида “Князь” лақаби билан маълум эди. Гарчи жиноий дунёда миллат аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, унинг атрофида кавказликлар, ўрта осийлик, Россия Федерациясининг мусулмон республикалари вакиллари йиғилганди. Тўғри, христианлар ҳам кўп, унинг муовинларининг аксарияти рус, украин, мордвин ва бошқа насроний дини вакиллари эди. Этап келмасидан бир ҳафта олдин Князь ташқаридан малява олди. Унда ушбу лагерга тождор ўғри Граф этап қилинаётгани, уни зудлик билан ҳимояга олиш, етарли шарт-шароит яратиш ҳақида сўз кетганди.

Князь ҳам янги тождор ўғрилардан бўлиб, тож кийиш маросимида Графни кўрмаганди, чунки бу пайтда у лагерда эди. Аммо Графнинг қиролга яқин одамлиги, ақлга сиғмайдиган афсонавий жиноятларни қилиб, шу пайтгача сувдан қуруқ чиқиб кетганлигини эшитган ва ғойибона ҳурмат қиларди. Ўғрилар олами унинг зиммасига қандай оғир юкни юклаётганликларини ҳис этиб, дарҳол Графга жой тайёрлаш, етарли шарт-шароит яратиш бўйича қайгура бошлади. Аммо зона бошлиғи Графни қайси блокка жойлаштиришини билмас, шунинг учун эҳтиёт шарт мавжуд ўттиз блокнинг ҳар биридан, бурчакдан, дераза остидан жой ҳозирлатишга киришди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари дарҳол зона бошлиғига етказилган, шекилли, дарҳол ҳузурига чақиртирди.

У лагерда қандайдир ўзгариш содир бўлаётганлигидан хавотирга тушди. Тепадан ҳеч қандай топшириқ келгани йўқ, иккита блок ҳозирча бўш. Буларга маҳбуслар юборилиши аниқ, аммо бу ҳақда ГУИТУдан шифровка келар, шунга яраша жой ҳозирланар, нон ва озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериларди. Шуларни ўйлар экан, тартиб бошлиғи билан селекторда боғланиб, бирорта шифровка келган-келмаганлигига қизиқди, аммо ундан рад жавобини олгандан сўнг баттар ташвишга тушди. Мана, лагернинг норасмий пахани Аслан Алханов тўрт йилдан бери шу ерда ўтирибди, меҳнат қилмаса ҳам, зонада ички тартиб-интизом қаттиқ сақланмоқда. Нима бўлиши мумкин? Князь нимага тайёргарлик кўрмоқда? Наҳот, исён кўтармоқчи,

Ўткир АБДУРАҲИМОВ

йўқ, бўлиши мумкин эмас, бунга асос ҳам йўқ-ку? Шу кунгача яхши яшаб келишди, унда нима бўлиши мумкин? Майли, ўзини чақиртирдим, агар хоҳласа, ўзи айтади, аммо бу чеченни мажбур қилиб бўлмайди, характери метин темирдан ҳам мустаҳкам, деб ўйлаб ўтирганида, қўриқчи кириб, Алханов келтирилганини билдирди. Соқчига маҳбусни ҳузурига киритишга изн берди.

Унинг хизмат хонасига ўрта бўйли, аммо жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган, ингичка мўйловли, сочини устарада қирдирган, кепка кийган маҳбусни киритишди. Маҳбус лагерь низомида кўрсатилган тартибда ҳузурига чақиртирилганлиги муносабати билан келганлигини билдирди. Бошлиқ соқчига эшик олдида кутиб туришни тайинлаб, у чиқиб кетганидан сўнг маҳбусга стулга ўтиришни буюрди. Индамай олдидаги “Казбек” папиросини ва ёққични суриб қўйди. Маҳбус стулга бемалол жойлашиб ўтириб, папиросдан бирини олиб тутатди, ҳузур қилиб тортди-да, деди:

— Игнат Несторович, сизлар чекадиган “Казбек” жуда бошқача-да, бизга келтирилганлари похолга ўхшайди, ёниши ҳам, тутуни ҳам ёқимсиз, нега шундай-а?

— Князь, бу Москвадаги “Дукат” тамаки фабрикасининг маҳсулоти, олий навли, катталарга махсус чиқарилган. Бу ерга келтириладиганлари Россиянинг бошқа тамаки фабрикаларидан, нави ҳам паст маҳоркадан ишлаб чиқарилади, — деб жавоб берди бошлиқ.

— А, демак, лагерь бошлиқларига, бой-зодагонларга, амалдорларга алоҳида тамаки ҳам чиқарилар экан-да, вожабо, унда ҳамма барабар, тенглик, ҳурлик деган шиор нима бўлди, ё, тавба, — деди Князь бошлиқнинг кўзига тикилганича.

Кулаков тамаки бўйича Князга изоҳ бергани учун ўзини лаънатлади, чунки шу билан суҳбат мавзусини олиб бориш ташаббусини рақиб қўлига ўтказиб қўйганди. Бироз асабийлашган ҳолда деди:

— Князь, сени йўқлашдан мақсад сиёсий мавзуларда баҳслашиш эмас, балки лагерда қандай тантана ўтказмоқчи бўлаяпсан, ана шу масалага аниқлик киритмоқчиман. Биламан, ўзинг хоҳламасанг, ҳеч нарсани айтмайсан, ўзи

нима гап, нимага тайёргарлик кўраяпсан, сир бўлмаса, бир ўртоқлашгин?

— Оббо, сотқинлар-ей, дарҳол етказишибди-да, шу узун қулоқларингни тополмаяпман-да, бўлмаса аллақачон бахтсиз ҳодисани уюштириб, жаҳаннамга жўнатиб юборган бўлардим, ҳа, майли, бир куни келиб, қўлга тушадилар, ахир, ҳамма нарсанинг якуни бўлади-ку, гражданин бошлиқ, шундайми? — деди Князь.

Кулаков Князнинг расмий равишда киноя билан гражданин бошлиқ деб мурожаат қилганини назаридан қочирмади, аксинча, уни бу ибора сергаклантирди, чунки мана деярли тўққиз йилдан бери лагерь бошлиғи, маҳбусларнинг қилиғини, ихтироларини кўравериб, кўзи пишиб кетган, уларнинг ҳар қандай меъёрий ҳолатдан озгина бўлса ҳам четга чиқишлари, қандайдир ҳуқуқбузарликка олиб келишининг далолати эканлигига ўрганиб қолган.

— Хўш, Князь, — деди у худди кинояни сезмаган ҳолда, — сир бўлмаса, янгиликдан хабар топсак дегандим?

— Наҳотки, юқори идорангиз ҳанузгача зонада бўладиган ўзгаришлардан сизни хабардор қилмаган, гражданин бошлиқ? — деди Князь синчковлик билан унинг кўзларига қараб.

— Йўқ, йўқ, хўш, қандай ўзгаришлар рўй беради, мени ҳам бир хабардор қилгин-чи? — деб савол назари билан қаради бошлиқ.

Алханов ҳали ГУИТУдан лагерь бошлиғига шифровка келмаганлигини тушунди.

— Гражданин бошлиқ, сиздан яширадиган қандай сирим бўлиши мумкин, ахир, ер тагида илон қимирласа, биладиган одамсиз, мана кичкинагина тадбир ўтказмоқчи бўлганимдан ҳам хабардор бўлибсиз, сиздан бирор нарсани яширсам, унда орамиздаги муносабат бузилмайдими? — деб яна киноя қилди Князь. Унинг жавобидан қаноатланмаган Кулаков бироз асабий ҳолатда деди:

— Князь, ўйинни бас қил, нима қилмоқчисан?

— Лагерьга этап келяпти, Игнат Несторович, — деди Князь, — унда бир инсон бор, огоҳлантириб қўяй, унинг ҳар бир сўзи зонада қонун бўлади, шуни эсдан чиқарманг,

гражданин бошлиқ, — деб сизлашга ўтди. Бу унинг ҳам тоқати тоқ бўлаётганидан далолат эди.

— Наҳотки, Князь, тождор ўғрилар орасида сендан ҳам обрўлиси бўлса? — деб яна савол берди бошлиқ. У ўзи учун имкони бор ахборотни олмоқчи эканлиги билиниб турарди.

— Гражданин бошлиқ, мумкин бўлган ахборотни олдингиз, бугун-эрта юқори идорангиздан керакли маълумотни оласиз. Лагерга ким келаётганини барибир мен сизга айтмайман, буни яхши биласиз. У келганидан сўнг мен хизматида бўламан, ана шуни сизга айтишим мумкин, холос. Рухсат берсангиз, барагимга кетсам, — деб ўрнидан туриб, яланғоч бошига кепкасини кийди.

Кулаков Князь бундан бошқа ҳеч нарсани айтмаслигини тушуниб, соқчини чақиртирди ва маҳбусни баракка кузатиб қўйишни топширди.

Маҳбус чиқиб кетганидан сўнг хаёлларига эрк берди: “Лагерга кимни юборишяпти, нега ҳатто шундай тождор ўғри бўлган Князнинг ҳам пайтавасига қурт тушиб қолди? Наҳотки, жиноят оламининг улуғларидан бири ташриф буюрса? Тўғри, бундан бир неча йил аввал, ҳали зона бошлиғи лавозимини эгалламасидан Бистрий юборилганди, унда ҳам маҳбуслар шундай чоп-чоп қилишганди. Бистрий қариб қолди, ўлиб кетмаган бўлса, эллик бешларга борган бўлса керак. Наҳотки, лагерга яна Бистрий юборилаётган бўлса? Йўқ, йўқ, мумкин эмас, ўғрилардан олинган маълумотга қараганда, у бундай ишларни йиғиштирган эди-ку? Ким бўлдийкин, ГУИТУга қўнғироқ қилсаммикин? У ерда этап билан шуғулланадиган эски таниши нафақага чиқиб кетди, янгиларини ҳали танимайди, нима қилиш керак? Имкони борича, бу янги меҳмонни лагерга яқинлаштирмаслик керак. Қара, шундай обрўга эга бўлган Князнинг ҳам жони ҳалак, демак, энг ками жиноят оламининг шаҳзодаларидан бири зонага юбориляпти, энди тинч ҳаёт барҳам топади, кетма-кет исён кўтарилиши мумкин. Бу ҳолатнинг олдини қандай йўл билан олиш мумкин?..

Минг лаънат бу Москвадаги бошлиқларга ҳам, тождор ўғриларга ҳам. Москвадагиларга яхши, саккиз соат ишлаб, бир нечта қоғозни қорайтириб, кейин хотинчалари билан кино, театр, ресторанларга боришади, бизга ўхшаган

нокасларга буйруқ беришади, ҳисобот талаб қилишади, унвонингни пасайтираман, деб дўқ қилишади. Биз эса ана шу жамиятнинг душманлари билан курашганимиз-курашган, қанча азоб кўришимиз билан уларнинг тариқча ҳам ишлари йўқ.

Кичикроқ тартиббузарлик ҳолати юз берган бўлса, дарҳол комиссия юбориб, пашшадан фил ясаб, ҳаммаёқни бошларига кўтаришади, лавозиминг, унвонингдан маҳрум қиламан, деб дағдаға қилишади”.

Шуларни ўйлаб, асабийлашган ҳолда ўтирганида, Москвага, тўғридан-тўғри ГУИТУ бош бошқармасига уланган телефон жиринглади. Гўшакни кўтарган ҳам эдики, телефонистка уни генерал Аракелов билан улашини маълум қилди. Орадан бир дақиқа ўтмасидан генералнинг овозини эшитди:

— Салом, ўртоқ Кулаков, хўш, ишлар қалай, лагерда тинчликми?

— Раҳмат, ўртоқ генерал, ҳозирча тинчлик, режалар ортиғи билан уддаланмоқда, — деб жавоб берди.

— Албатта, сиз раҳбарлик қилаётган лагерда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Энди асосий масалага келсак, лагерингизга жинойт оламида машҳур Граф лақабли, исм-шарифи Фулом Вадудов деган тождор ўғри этап қилинмоқда. Уни зонага юборилаётганини сир сақлаш мақсадида бошқа станциядан кечаси алоҳида сўнгги вагонга бир ўзи жойлаштирилган. Сиз ҳам унинг зонангизга келтирилганлигини сир сақлаш учун алоҳида баракка эмас, бир ўзини ШИЗОга жойлаштиринг, яқин кунларда лагерингизга ўзим бораман, бу маҳбус билан қиладиган ишларимиз бор. Тергов пайтида кўп нарсани яширган, ана шунга аниқлик киритиш учун раҳбариятнинг топшириғига мувофиқ, албатта, ташриф буюраман. Унгача бу сир зонадагиларга ошкор бўлмаслигини таъминлашингиз зарур, тушундингизми? — деди генерал.

Бу гапни эшитган Кулаковнинг энсаси қотиб, асабий ҳолатда “Кеч қолдингиз, ўртоқ генерал, зона уйи бузилган арига ўхшаб турибди”, деб айтмоқчи бўлди-ю, генералнинг

характерини озгина бўлса ҳам билгани учун юмшоқроқ қилиб:

— Ўртоқ генерал, кечга қолдик, зонага аллақачон Графнинг келаётгани ҳақида хабар юборилган, лагерь ҳозир худди ини бузилган аридек қайнаб ётибди, уни тантанали равишда кутиб олишга қизгин тайёргарлик кетяпти, — деди худди бу нарсада ўзи айбдордек.

Бу ахборотдан генерал Аракелов ўзини устидан муздек сув қуйиб юборилгандек ҳис қилди. Орада узоқ муддатли жимлик юзага келди ва ниҳоят:

— Наҳотки, ўртоқ Кулаков, бу масала қаттиқ сир сақланган эди-ку, демак, бу лаънати дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да. Афсус, буни фақат айрим раҳбарларгина билишган эди, барибир сир ошкор бўлибди-да, эҳ, афсус, — деб жавоб берди ва хайрлашмай жаҳл билан гўшакни қўйди.

Ушбу мулоқотдан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб, навбатдаги этап лагерга етиб келди. Хужжатлар расмийлаштирилгандан кейин зона бошлиғи, охирги вагондагидан ташқари барчасини лагерга яёв олиб боришни буюрди. Ички қўшин аскарлари ва итлар билан ўраб олинган этап лагерга қараб ҳаракатлана бошлади. Маҳбуслар олиб кетилиши билан лагернинг машинаси охирги вагон олдида тўхтади. Навбатчи старшина қоровулчиликда турган аскарларнинг олдидан ўтиб, қафас қулфини очиб, деди:

— Маҳбус юкларингизни олиб, ташқарига чиқинг, тез бўлинг.

Қалин пўстинли одам қўлидаги жомадончаси билан қафасдан чиқиб, атрофга бир назар ташлади-да, эшиги очик турган қамоқхона машинасига қараб юрди. У чиқиши билан бир аскар ичига кириб, эшик зулфини солиб, ўзига ажратилган курсига милтиғини қўйганича ўтирди. Ташқарида бу ҳолатни индамай назорат қилиб турган Кулаков этапни кузатиб келган капитанга савол назари билан қараб деди:

— Нега маҳбус қамоқхона кийимида эмас?

— Ўртоқ полковник, буйруқ шундай, мен ҳам бу ҳолатдан ҳайрон бўлиб сўраган эдим, сўкиш эшитдим. Йўл-йўлакай бу маҳбусга ҳар шаҳарга келганимизда сават-сават озиқ-

овқат маҳсулотларини келтиришди, буйруқ бўлгани учун қабул қилишга мажбур бўлдик, текшириб, сўнгра қафасга киритиб бердик. Билмадим, қандайдир бир ўғрига, бунинг устига, бир “қора кулоқ”қа шунчалик иззат-икром нимага керак? Менга қўйиб берганларида, қочиб кетаётганида отиб ўлдирилди, деб якун ясаб қўя қолардим. Аммо уни вагонга тиқишимиз билан бошлиғимизни ГУИТУга чақиртириб, маҳбуснинг бошидан бир тола сочи тушса ҳам, умрингни энг қатъий тартибдаги лагерда, жинойтчилар орасида ўтказасан, деб огоҳлантириб қўйишибди. Худди, бу маҳбус бош секретар-у, биз эса югурдак, э, тупурдим бундай ишларга, ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди. То манзилга етгунча қандайдир китобни ўқиб келди, беш вақт ибодат қилди. Ҳар намозидан олдин бу кишига қумғонда сув бериш, бу киши ювиниб олиши, нима дерди, ҳа, таҳорат олишлари керак экан, ибодат фақат тоза ҳолатда қилинарсан. Бошқа вақтларда қафаснинг ичида гимнастика қилади, оёғини кўтариб, кимларгадир хуруж қилаётган одамга ўхшаб ҳаракат қилади. Хуллас, роса терлагунча машқларни бажариб, сўнгра юз марталаб, ерга қўлини тираб, кўкрагини тиклайди. Ўлардек кучли, бақувват одам, ҳар қандай жаҳон чемпионидан кам эмас. Кўкрак қафаси, мушакларининг тузилишига ҳар қандай спортчи ҳам ҳавас билан қарайди, ана шундай одам ўғри, минг лаънат бундай жамият ифлосларига, – деб ўз гапини тугатди офицер.

Машина аста лагерь эшигидан кириб борди. Кулаков ҳар эҳтимолга қарши уни карцерга равона қилди. Жойнамоз, пўстин, костюм-шимини, матрослар телняшқасини мусодара қилдириб, қамоқхона кийимини кийдиришди. Китобини олиб қараганда, бу рус тилида чоп этилган Умар Ҳайёмнинг шеърлар тўплами экан.

Зонада тонгача тинчлик сақланиб турди. Аммо эрта билан шундай тўполон бошландики, икки офицер Князь томонидан гаровга олинган, зона ичи ҳақиқий уруш майдонига айланишга тайёрланмоқда. Икки куннинг ўзидаёқ Магадандаги барча лагерларда мисли кўрилмаган ғалаён бошланиб кетди. Лагерь бошлиқлари бундай оммавий ғалаёндан эсанкираб қолишган, нима қилиш зарурлигини билмай, ГУИТУ бош бошқармасига, область партия ва совет

органларига, Давлат хавфсизлик қўмитасига ва Ички ишлар бошқармасига кетма-кет телеграммалар юборишар, ёрдам беришларини илтимос қилишарди.

Партия ва совет органларининг топширигига мувофиқ, ички қўшинлардан ташқари, мунтазам ҳарбий қисмлар барча лагерларнинг атрофини ўраб олишган, махсус рухсатномаси йўқ машина ва одамларнинг ичкарига бир қадам ҳам киришга йўл қўйишмасди. Музокараларга нафақат Ички ишлар бошқармаси раҳбарлари, балки область партия қўмитаси секретарлари ҳам жалб этилди. Маълум бўлишича, уларнинг талаби фақат битта: зонага этап билан юборилган Граф лақабли ўғрини карцердан озод қилиш, баракка ўтказиш, унга ортиқча тазйиқ ўтказмаслик, бу норозиликни ташкил этганларга жазо чораларини қўлламаслик. Шунда барча лагерлардаги ғалаёнлар ўз-ўзидан тўхтайди.

Область партия қўмитасининг секретари қўзғолончилар билан бўлган мулоқотдан сўнг Кулаковнинг хизмат хонасига кириб келди. Унинг соғ-омон қайтганлигидан ҳамма енгил нафас олди. Чунки у қўзғолончилар ҳузурига бориб, музокара олиб бораман деганда, ҳамма-ҳаммалари қаршилик қилганди. Аммо секретарь анча довжурок одам экан, ёнига ҳеч кимни олмай бир ўзи қўзғолончилар ясаган баррикада олдига бориб, мегафон орқали ўзини таништириб, улар билан музокара олиб бормоқчилигини билдирибди. Қўзғолончилар билан деярли икки соат мулоқотда бўлиб, сўнггра ҳеч нарса бўлмагандек ортига қайтиб келди. Унинг биринчи саволи шундай бўлди:

— Игнат Несторович, Граф деган маҳбус қаерда, нега у келмасдан карцерга қамалди, қандай маъмурий тартибни бузди? Сиз нега бунақа ўзбошимчаликка йўл қўясиз? Қўзғолончиларнинг талаби зудлик билан Графни баракка чиқариш, унинг мусодара қилинган шахсий буюмларини қайтариб бериш, шунда областдаги ғалаёнлар ўз-ўзидан барҳам топаркан. Ҳа, ёдимдан кўтарилай дебди, талабларидан яна бири тўполонни бошлаганларга маъмурий ва интизомий чора кўрмаслик, акс ҳолда, бу акция бутун Иттифоқдаги зоналарга тарқалиши тўғрисида огоҳлантиришди.

Менимча, уларнинг талабига кўниш, карцердан, ҳа, оти

нимаиди, Графни озод қилиш ва бу ғалаённи тўхтатишга эришиш керак. Бундан ҳеч ким ҳеч нарса йўқотмайди. Агар ғалаён давом этса, областнинг саноат соҳасидаги режалари барбод бўлади, унда, ўртоқ Кулаков, нафақат партия билетидан, лавозимингиздан ажралиб қоласиз, балки жиноий жавобгарликка ҳам тортиласиз, гапим тўғрими, Кондратий Филиппович, — деди область прокурорига қараб.

— Алексей Иннокентович, — деди прокурор, — менга қолса, ана шу фактнинг ўзи билан лагерь маъмуриятининг устидан жиноий иш қўзғаб, тергов-суриштирув ишларини ташкил этган бўлардим. Бу ерда учта жиноят аломати кўринмоқда: биринчидан, асоссиз бир маҳбуснинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиб, карцерга қамаш, оқибатда ғалаён кўтарилиб, халқ ҳўжалиги режалари барбод бўлиши, юқори партия ташкилоти раҳбарлари ҳаётининг хавф остига қўйилиши. Шу учта айб тасдиқланса, полковник Кулаков нафақат унвонидан, лавозимидан ажралади, бўлмаганда ўн йил умрини Нижний Тагилдаги қамокҳонада ўтказишига кафилман. Агар, Алексей Иннокентович, рухсат берсангиз, РСФСР ЖКнинг ана шу моддалари бўйича лагерь раҳбарларига нисбатан жиноий иш очиб, тергов ҳаракатларини бошласам.

Бу сўзларни эшитган Кулаков тамоман ўзини йўқотиб қўйди, умид кўзлари билан секретарга қаради. У секретарга озгина хизмат қилиб қўйган, репрессия бўлган қайниси билан учрашиш, енгил иш бериш масаласида бир пайтлар ёрдам бериб юборганди. Секретарь, агар ғалаён тинчиса, қозон ёпиқлигича қолдирилишини афзал кўрди. Шу заҳотиёқ қамокҳона маъмурларининг буйруғига биноан Граф карцердан озод қилиниб, мусодара қилинган шахсий нарсалари қайтариб берилди. Шу билан ғалаёнлар ўз якунини топди ва барча исёнчилар баракларига тарқалди.

Шу кундан эътиборан Кулаков ва унинг муовинлари лагерда худди бу маҳбус йўқдек муқобилида иш кўришар, у қачон хоҳласа, ўринга кириб ётар, қачон хоҳласа, турар, ишга чиқмас, баъзи пайтлар маърифат хонасида ўтириб олиб, шеърлар ёзиб ўтирганининг гувоҳи бўлишарди.

Карцердан чиққан куни у Князни кучоқлаб, берган ёрдами учун миннатдорлик билдирди. У лагернинг ички

ишларига аралашмас, бирортаси ундан маслаҳат сўраб келса, қошларини чимириб, “лагернинг пахани бор, шунг мурожаат қил”, деб жеркиб берарди.

Фақат бир қурувчи бригада тузиб, баракларнинг ўртасида, тартиб бошлиғи кўрсатган ерда бир масжид, унинг қаршисида черков қурилишини бошлаб юборди. Ишчилар эрта тонгдан то қош қорайгунча ишлашар, лагер маъмурияти, область ва шаҳар ижроқўми вакиллари келиб, қурилиш материалларидан ёрдам беришарди. Фулом фақат ана шу иш билан овора бўларди. Якшанба кунлари барча маҳбуслар ёрдам беришар, гиштларнинг барчасини ҳавоза устига тахлашар, цемент туширишар, ёғочларга ишлов бериб, бир ҳафталик иш ҳажмига қурилиш молларини тайёрлаб қўйишарди. Бу ишда барча жазони ўтаётганлар, ҳатто лагернинг норасмий раҳбарлари ҳам худди оддий маҳбусдек қатнашарди.

Шу алфозда лагерда ярим йил ҳам ўтди. Унгача Фулом ташқаридан учта малява олди, биринчисида, хотини қамоққа олингани, уни озод этиш учун Адмирал барча чораларни кўраётгани баён этилганди. Иккинчисида, Марина ҳибсдан озод қилингани, ҳозир шифохонада даволанаётгани ҳақида сўз кетганди. Учинчисида, Марина яқин кунларда Магаданга етиб келиши ва учрашув ташкил этилиши ҳақида хабар қилинганди. Фулом ҳар бир хатда фарзанди ҳақидаги сатрларни излар, аммо бу ҳақида бирорта жумла, ҳатто ишорани ҳам тополмасди.

Бир куни уни лагерь бошлиғи чақиртираётганини айтишди. Соқчи аскар билан унинг хизмат хонасига кирганида, генерал формасидаги одам билан гаплашиб ўтирганининг гувоҳи бўлди. Генерални кўрган Граф белгиланган тартиб бўйича ахборот беришни лозим топмай, қоққан қозикқа ўхшаб, шумшайиб тураверди. Зона бош генералдан рухсат олиб, хизмат хонасини тарк этди. Генерал Графга бироз тикилганича, стулга ўтиришга имо қилиб, уни оёғи билан суриб қўйди. Шундан сўнг генерал папирос тутатиб, Фуломга чекиши мумкинлигига имо қилиб, сўзини бошлади:

— Мана, Граф, учрашишга ҳам тўғри келди. Хўш, ишларинг қалай? Сенга шарт-шароит яратиб берилганини Кулаков айтди. Хўш, яна қандай илтимосларинг бор? Бўлса айтавер, истиҳола қилма, мумкин бўлса, ёрдам қўлини чўзамиз.

— Раҳмат, генерал, менга ҳеч нарса керакмас, ҳамма нарса етарли. Ибодат қиладиган жой йўқ эди, қуриб олдик, черковни ҳам бугун-эрта тугатамиз. Дин билимдонларидан керак, шунга ёрдам бериб юборсангиз, сиздан ниҳоятда миннатдор бўлардик, — деб жавоб берди.

Генерал ён дафтарчасига аллақандай ёзувларни қайд қилиб қўйди. Яна илтимосларинг борми дегандек қаради.

— Яна бир нарсада ёрдамингиз керак, лагердаги кутубхонада бор-йўғи элликка яқин асар мавжуд. Мумтоз адабиёт эса умуман йўқ. Бундай ҳолатда ҳаётдан янглишган одамларни қандай қилиб тўғри йўлга киритмоқчи бўласизлар? Маънавий-маърифий ишлар ҳам йўқ даражада. Ана шу соҳаларга эътибор қаратиб юборсангиз, генерал, кўпчилиكنинг савобига қолардингиз, — деб қўшиб қўйди Фулом. Генерал унинг бу сўзларини ҳам ён дафтарига қайд қилиб қўйди ва, маҳбуста тикилганича, деди:

— Вадудов, бизнинг ҳам сенга илтимосларимиз бор. Қулоқ сол, агар бизга ёрдам берсанг, айтганинг бўлади, кўмаклашмасанг, ўзинг биласан, мен сени қўрқитиб ўтирмайман, чунки сен қўрқиш нима эканлигини билмайсан ва бу дунёдан шундай ўтиб кетасан. Шу лаънати тилла пластинкалар ва тақинчоқларни қаерга яширганингни ёки улар кимнинг қўлида эканлигини айт, шунда бу ердан чиқиб кетасан, қолган жиноятларинг кечирилади.

— Генерал, бу ахборотни сизларга ким етказганини билмайман-у, ўша сиз айтган лаънати тилла пластинкалар ва заргарлик буюмлари ҳақида менга иккинчи марта савол бериляпти, агар уларнинг қаердалигини билсам, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан топширардим. Шу нарсаларнинг қаердалигини ёки кимнинг қўлида эканлигини айтинг, бир ҳафтадан сўнг столингизда бўлишига кафилман. Аммо бу нарса тождор ўғрилар қўлида эмас, генерал, — деб жавоб берди.

Генерал афсуслангандек бўлиб бошини чайқади ва соқчини чақириб, маҳбусни бараккача кузатиб қўйишни буюрди.

Бу орада Марина етиб келди. Лагерь бошлиғи одамгарчилик қилиб, унга уч кечаю кундуз учрашувга рухсат берди, ҳатто зона дарвозаси олдидаги офицерлар дам олишга учун ажратилган хонага жойлаштирди. Марина бошидан ўтган барча даҳшатли воқеаларни сўзлаб берди. Фуломнинг муштлири қаттиқ қисилиб, туғилмасдан ҳалок бўлган азиз фарзандининг қасосини олишга ҳаётида иккинчи марта қасам ичди. Унинг ҳолатини индамай кўзда ёши билан кузатиб турган Марина, бу ҳодисаларни эрига айтиб берганига пушаймон бўлди.

Фулом қамоқхона назоратчиси Алексеевнинг уй манзилини суриштириб, унга, албатта, миннатдорлик билдиришини Маринага қайта-қайта такрорлади. Орадан уч кун ўтгандан сўнг Марина Ленинградга қайтди. Масжид ва черков қурилиб битди, диний маҳкамадан дин вакиллари жўнатилди ва диний маросимлар адо этила бошланди. Бир куни кечаси, қиш пайтида Фулом лагерь бошлиғига чақиртирилиб, этап бўйича бошқа зонага жўнатилди. Буни ҳеч ким сезмай қолди...

XIII фасл. СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ, 31/15-ҚАМОҚХОНА ЛАГЕРИ

Свердловск ва Челябинск областлари оралиғида Уфимск номли кичик темир йўл шоҳбекати бўлиб, бу шаҳарда, асосан, бир вақтлар Дон дарёси ёқасида истиқомат қилган бой-бадавлат казаклар, Татаристон ва Бошқирдистондан октябрь тўнтаришидан сўнг сургун қилинганлар яшарди. 1925 — 1930 йилларда бу ерга бадарға қилинган казак, татар, бошқирд фарзандларининг аксарияти шу манзилда туғилиб, ўзларини маҳаллий аҳоли сифатида кўришарди.

Шаҳардан ўн етти чақирим узоқликда ГУИТУ тасарруфида бўлган 31/15-рақамли қамоқхона лагери жойлашган бўлиб, маҳбуслар, асосан, дарахт кесиш, тилиш,

панер яшаш билан шуғулланишмоқда. Бу ерда фақат майда безорилик, фирибгарлик, номусга тажовуз қилганлар ва социалистик савдо қоидаларини бузган, ишлаб чиқариш корхоналарида тасодифан бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйган раҳбарлар ва эҳтиётсизлик натижасидаги автоҳалокат ўлим билан якунланган автомашина ҳайдовчилари жазо муддатини ўташга юбориларди. Айниқса, бу ер Ички ишлар вазирлиги қамоқхона тизимида хотинчалишлар зонаси сифатида номи чиққан қамоқхоналардан ҳисобланарди.

Қамоқхона лагери бошлиғи Михаил Коренной кеча юқори идорадан бўлган қўнғироқ ҳақида ўйлаб ўтирарди. Москвадан, ГУИТУ бошлиғининг биринчи ўринбосари, генерал Аракелов қўнғироқ қилиб, ундан сўради:

— Хўш, ўртоқ Коренной, ишлар қалай, лагерда тинчликми, ҳеч қандай фавқулодда ҳодисалар рўй бермаяптими?

— Тинчлик, ўртоқ генерал, тартиб-интизомга қаттиқ риоя қиламиз, шароитимиз ҳам ёмон эмас. Кўз тегмасин, мана икки йилдан бери маҳбуслар орасида тўс-тўполон кўтарилиш каби нохуш ҳолатлар йўқ, — деб жавоб берди.

— Наҳотки, Михаил Проскурович, ҳеч қандай тартиббузарликлар йўқ денг, биздаги маълумотларга қараганда, бир гуруҳ маҳбуслар ўтган йили дарахт кесишдан бош тортиб, ишга чиқмаганлар. Шундайми? — деди суҳбатдоши.

Унинг бу сўзларидан Кореннойнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди.

Мана, икки йилдан бери лагерь бошлиғи лавозимида ишляпти, унинг тасарруфидаги қамоқхонага бош бошқарма ходимлари деярли қизиқишмас, ҳар йили бўладиган ГУИТУ ҳайъати йиғилишига пойтахтга борар, ҳисобот бўйича бошқа қаттиқ тартибдаги лагерь бошлиқлари маъруза қилишар, уни ҳатто ўрнидан турғазишмас, ҳеч нарсани сўрашмас, худди бу зона уларнинг тизимида йўқдек иш тутишарди. Бирданига шундай катта лавозимдаги бошлиқнинг унга қўнғироқ қилиши, биринчидан, уни хавотирга солди, иккинчидан, ҳаяжонлантирди. Бу қўнғироқдан қандайдир жиддий масала борлигини тахмин қилди.

Коренной, асли, Урал давлат университетининг физика-математика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган, сўнгра Свердловск шаҳридаги кон-металлургия соҳасига, чуқурликка мослаштирилган насослар ишлаб чиқарувчи йирик корхонанинг конструкторлик бюросига, моделларни математик ҳисоблаш бўлимига кичик ходим қилиб ишга юборилганди. Шу ерда ишлаб юриб, завод комсомолларининг конферециясига саркотиб қилиб сайланди.

Орадан бир йил ўтгандан сўнг партия органларининг йўлланмаси билан ички ишлар тизимида ишлаш учун юборилди. Аввал область ички ишлар кадрлар бўлими бошлиги у билан суҳбатлашди, сўнгра Москвага, Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги ГУИТУ бош бошқармасига таклиф этишди. ГУИТУ олий ўқув юртида бир йил таълим олиб, сўнгра тизимдаги лагерларда ишлашга йўлланма берилди. Турли зоналарда оддий назоратчи бўлиб ишлади. Унга подполковник унвони берилиб, ушбу лагерга бошлиқ қилиб тайинланганига ҳам, мана, икки йил бўлди.

Подполковник Коренной бу кўнгиноқ тасодифий эмаслигидан сергакланди. Суҳбатдоши эса асосий мавзуга ўтмай, шу икки йил ичида бўлган ноҳуш воқеаларни бирма-бир ёдига солар, дашном бермасдан, ҳушмуомалалик билан сўзларди. Охирида ҳатто унинг бундай тартиббузарликка қарши қўллаган қатъий чораларини маъқуллади ва сўзида давом этди:

— Михаил Проскурович, сиз унвонингизга учинчи юлдуз қўшилишидан ва келажакда Ички ишлар комиссарлиги ҳузуридаги академияда ўқиб, юқори лавозимда генерал бўлишга тавсия этилганингиздан хабарингиз борми ё йўқми?

— Ўртоқ генерал, мутлақо хабарим йўқ, — деб жавоб берди Коренной.

— Сиз, подполковник, ГУИТУ раҳбарларининг назарига тушгансиз, бундан кейинги фаолиятингиз, юқори унвонларга сазовор бўлишингиз ўзингизга боғлиқ. Тушундингизми?

Бу сўзларни эшитган Коренной ҳаяжонланиб кетди. Суҳбатдоши сўзини давом эттириб, шундай деди:

— Мақсадимни англадингизми? Бундан кейинги фаолиятингиз фақат ўзингизга боғлиқ. “Или груд в крестах,

или голова в кустах” (Ё мукофот оласан, ё калланг кетади), деган матал бор, буни эшитгансиз, албатта. Шундайми?

— Ҳа, эшитганман.

— Жуда соз, сизга давлат аҳамиятига молик бир топшириқ бор, уддаласангиз, барча даргоҳларнинг эшиги сиз учун очилади, барбод қилсангиз, нафақа ҳам ололмай, хизматдан ҳайдаласиз, унвонингиздан маҳрум бўласиз. Тушундингизми? — деди генерал Аракелов.

Бундай огоҳлантиришдан Коренной ўзини умуман йўқотиб қўйди. У асосий мавзу энди бошланишини сезиб, ҳушёрликни оширди, олдидаги кундалик дафтарини очиб, сарғиш пероли ручкасини тайёрлаб қўйди. Суҳбатдоши бир йўталиб, сўнгра гапида давом этди:

— Энди асосий масалага келсак, сизнинг зонангизга Магадандаги 61/47 бўлган махсус қаттиқ тартибли лагердан исм-шарифи Ғулом Вадудов бўлган, “Граф” лақабли тождор ўғри-рецидивист этап қилинмоқда. Ҳеч ким билан алоқа қилмаслиги учун ва бошқа маҳбуслардан буни сир сақлаш мақсадида у алоҳида бир вагонга жойлаштирилган. Этапга жўнатиш олдидан махсус тиббий кўрикдан ўтказилган, ўзингиз тушунасиз. Лагерингизга келиши билан махсус ШИЗО — жарима изоляторига жойлаштириб, ҳар қандай тазйиқлар ўтказилишига рухсат берилади, такрорлаяпман — ҳар қандай. Чунки унинг иродасини синдириш лозим. Унинг обрўсини жиноят олами олдида бадном қилиш ўта зарур, ташқи муҳит билан ҳар қандай алоқа қилишини чеклаш ва шунга эришиш керак. Аммо рухсат берилган деб, ўлдириб қўйсангиз, ўрнига ўзингиз қолган умрингизни ўша лагерда, жиноятчилар орасида ўтказишингизга сўз бераман. Тушуняпсизми? Бу топшириқ — давлат аҳамиятига молик вазифа, подполковник.

Бу сўзлардан кейин Кореннойнинг эс-ҳуши оғиб, генералнинг саволларига пайдар-пай жавоб бера бошлади. Охирида сал ўзини босиб деди:

— Тушундим, ўртоқ генерал, аммо бизнинг лагерга бундай мавқедаги ўғрилар ҳеч қачон келтирилмаган эди-ку, уни “хизматига” яраша бошқа зоналарга ўтказиш мумкин эмасми?

— Гапимни тушунмабсиз, подполковник, бу — буйруқ, сизнинг лагерингиз мамлакатда “сучья зона” номи билан

машҳур, шунинг учун бу тождор ўғрини тарбиялаш учун сизга юборилмоқда, ана шу вазифанинг бажарилиши шахсан зиммангизга юкланади, — деб генерал совуққонлик билан хайрлашди.

Коренной олинган буйруқни ўйлар экан, қаттиқ ташвишга тушди. “У нега менинг лагеримга бундай тождор ўғрини юборишяпти, ахир, бизнинг зона умуман бундай мавқедаги жинойтчилар табақаси учун мўлжалланмаган-ку? Бу ерда қандайдир сир бор? Хўш, сир бўладиган бўлса, нега бу жинойтчиға нисбатан ҳеч қандай низомда ёзилмаган, қонунда кўрсатилмаган тазйиқларни ўтказишга рухсат берилмоқда... Тўхта-чи, тазйиқ ўтказилиши билан бир қаторда, унинг ҳаётини хавф остига қўйиш мумкин эмас. Нима деди, бу тождор ўғрини жинойт оламида обрўсизлантириш керак, дедими? Ҳа, ҳа, худди шундай деди, топшириқ ҳам шу, аммо ҳаётини сақлаш керак, қизиқ... Ҳа, майли, қани шахсий жилди келсин-чи, ўрганиб чиқиб, бир хулосага келарман”.

Генерал билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг шуларни ўйлар экан, столи устида турган календарга кўзи тушиб, берилган топшириқни бекам-кўст бажариш учун келгусида қилиниши керак бўлган ишларни ўзига режалаштира бошлади. Бутун 20 январь, яна уч кундан сўнг этап келади. Тождор ўғрини Ванка Туз ўтирган ШИЗОга жойлаштириш керак, у бир кечадаёқ бу меҳмоннинг суробини тўғрилайди. Олдиндан Ванка Тузни огоҳлантириб қўйсакмикин? Йўқ, йўқ, унда у ҳадиксираб қолиши мумкин. Бу ишни ташқаридан “малява” келгунча амалга ошириш керак. Ахир, генерал айтди-ку, унинг қайси зонага юборилаётганини сир тутиш мақсадида махсус тиббий кўрикдан ўтказилган деб, демак, у ўтирган лагердаги маҳбуслар, унинг қаёққа этап қилинаётганидан беҳабар, бу айтиш муддао. Нега шу пайтгача унинг шахсий жилди юборилмади? Қизиқ, ахир, қолган этапники келди-ку ёки ўзи билан бирга келармикин, бунақаси илгари умуман бўлмаган-ку? Нима бўлганда ҳам, бу маҳбус бошга битган бало бўлмаса бўлди...”

Коренной тартиб бўлими бошлиғини чақиртириб, этап билан келаётган маҳбусларнинг шахсий жилдлари ичида Фулом Вадудовникини суриштирди. Аммо ходими бундай

шахсий жилд рўйхатда йўқлигини билдирди. Тартиб бўлими шахсий жилдларни ўрганиб чиқиб, сўнгра энг ашаддий рещедивист, олдинги жойда ўтирганда тартиб-интизомни бузган, қочишга уринган, зонада ўйин кўрсатган жиноятчиларнинг шахсий жилдларини ажратиб, бошлиққа ахборот берар, ходимлар уларга нисбатан қандай чора қўллаш тўғрисида кўрсатма олишарди.

Шахсий жилднинг ҳамон келмаганлиги уни янада ташвишга солди. Сейфни очиб, бир шиша ароқдан стаканга қўйди, хотини бериб юборган маринад қўзиқориндан иккитасини чап қўлига олиб, ароқни бир кўтаришда сипқорди ва газак қилди. Сўнгра дафтарига қараб, маҳбус ўтирган Магадандаги лагерь бошлиғи Кулаковга қўнғироқ қилди. Бу лагерь бошлиғи билан бир марта ГУИТУ ҳайъати йиғилишига борганида “Россия” меҳмонхонасида бир хонада туришган, ўшанда у билан анча суҳбатлашган, ҳатто бирга ресторанда кайфу сафо қилишганди ҳам.

Магаданни улаш учун буюртма бергач, яна хаёлларга берилди. Уни бир нарса қийнар, аммо қандай ташвиш кўнглига қўланка солаётганига ўзи ҳам тушунмасди. Шу пайт Магаданни улашди. Телефонни Кулаковнинг ўзи кўтарди. Одатдаги салом-аликдан сўнг, мақсадга ўтди.

— Игнат Несторович, сизнинг лагерингиздан этап бўйича менга бир маҳбус юборилаётган экан, шу ҳақида маълумот олмоқчи эдим. Ҳанузгача шахсий жилди келмади, — деди.

— Михаил Проскурович, шахсий жилдини кеча жўнатдик, оласиз. Маҳбусга келсак, у — жиноят оламининг шахзодаларидан бири. Эҳтиёт бўлинг, имкони борича яккаланг, бўлмаса, бошингизга кутилмаган савдоларни сотиб оласиз. Сизга маслаҳатим, агар тинч яшайман десангиз, унга ортиқча тазйиқ ўтказманг. ГУИТУдан қандай топшириқ олганингизни билмайман-у, аммо у билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинг, у ёғини ўзингиз кўрасиз. Унинг лагерингизга жўнатилганлигини сир тутмоқлик керак, акс ҳолда, зонада бирпасда ғалаён кўтарилиши мумкин.

Шу жойга келганида, афтидан, хизмат хонасига биров кирган, шекилли, “эшикни ёпинг, мен бандман” деган гапи эшитилди ва яна давом этди:

— Биз, ундан қутулганимизга шукр қилиб, сизнинг соғлигингизга, ишларингизга омад тилаб, оз-оздан олиб турибмиз. Хўп, майли, саломат бўлинг, бирор муаммо чиқса, қўнғироқ қилинг. Ҳа, айтгандек, иккита кенгроқ камерани бўшатиб, биттасини черков, иккинчисини мусулмонлар ибодат қиладиган хонага айлантиришни режалаштираверинг, мижозингиз жуда диндор одам, ҳали ўзингиз кўрасиз. Яна ибодат қиладиган поёндозига тега кўрманг, мусодара қилишга асло уринманг, шу ишни қилсангиз, дунёга келганингизга пушаймон қилдиради, биз йўл қўйган хатони такрорламанг, — дея ҳазил аралаш огоҳлантириб қўйди.

Бу мулоқотдан кейин Коренной баттар ташвишга тушди, Аракеловни лаънатлашга ўтди. Сўкиниб-сўкиниб ҳовуридан тушиб олгандан сўнг яна ароқ ичди. Шундан кейин ўзини бироз хотиржам бўлгандай ҳис қилди.

Худди шу куни лагерь маҳбусларига паханлик қиляётган Алексей Штирга ташқаридан малява келди. Мактубда уларнинг зонасига Граф этап билан юборилаётгани ёзилганди. Яна унда маҳбусга керакли шарт-шароит яратиш, барча топшириқларини сўзсиз бажариш ҳақида гап кетганди. Якунида шундай жумла ҳам бор эди: “Агар Графнинг бошидан бирор тола сочи тушса ёки зарар кўрса, лақабингга мувофиқ, қозиққа ўтқазиласан”.

Хатни ўқигач, Штирни кўрқув босди, чунки жиноят оламида унинг ҳам ўзига яраша обрў-эътибори бор, унча-мунча даражадаги ўғрилар унга бундай огоҳлантириш бера олмасди. “Демак, малява энг юқоридан келган. Ким бўлдийкин бу Граф деганлари. Тўхта-тўхта, бу шахзода-ку... Адмиралнинг шогирди, у ҳақда ишониб бўлмайдиган афсоналар юради-ку. Наҳотки, у... Ахир, бундай инсонлар бу каби лагерларга юборилмасди-ку? Демак, Графни ҳимоя қилиш, шарт-шароит яратиш зарур. Ундай бўлса, ҳали замон Адмиралнинг одамлари зона атрофида пайдо бўлишади. Қизиқ, уни нега бу лагерга жўнатишди экан, балки улар аллақачон шаҳардадир? Ҳа, ҳа, албатта, шаҳарда бўлишлари керак, бўлмаса, хат бу ерга қаердан келди? Хатнинг ҳатто қаердан келганлигини билмай қолди-ку? Кимдир чўнтагига устамонлик билан солиб кетибди. Бугун қаерда, ким билан учрашди ўзи? Фақат ўзининг одамлари билан гаплашди,

улар эса ундан ҳеч нарсани сир тутишмайди. Демак, лагерда Адмиралнинг одамлари ҳам бор экан-да? Тўхта, тўхта, ошхонада бир нотаниш маҳбус ёнига келгандек бўлувди, шу эмасмикан? Агар шу Адмиралнинг одамларидан бири бўлса, унда нега мен билмайман? Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас, одамларим дарҳол мени огоҳлантиришган бўларди. Қизиқ, Графни нега бу зонага ўтказишди?.. Демак, уни шу ердан озодликка чиқариш учун комбинация ишланяпти, ундан бошқа нима бўлиши мумкин? Ҳа, майли, қани келсин-чи, кейин ҳаммасига ойдинлик киритилади.

Кечки пайт Ванка Туз, Шмель, Курчавий, Филин ва Кочегарлар ўтирган камера эшиги очилиб, икки ички қўшин аскарлари замбилдаги маҳбусни эшик олдига ахлатни ағдаргандек қилиб ташлаб кетишди. Маҳбус беҳуш, иситмаси баланд, алаҳсираб ётарди. Устида маҳбуслар кийиши мумкин бўлмаган қалин пўстин, ичида фуқаролик кийимлари, ёқасидан матрослар киядиган телняшкани кўрган камерадаги маҳбуслар ажабланди. Қўлида араб имлосида аллақандай сатрлар битилган поёндоз бор.

Янги маҳбусни кўздан кечираётган Ванка Туз пўстинни ечиб олди, елкасига ташламоқчи бўлганида, унинг ички чўнтагидан битта китоб ерга тушди. Камеранинг хира ёруғида китобни варақлаб, “Омар Хаям”, деб қўйди. Дарҳол китобни Кочегарга отиб, “Мана сенга чифир қайнатиш учун ўтин”, деди ва маҳбуснинг фуқаролик кийимидаги қолган чўнтақларини яна титкилай бошлади. Поёндозни куч билан қўлидан тортиб олиб, ёзиб кўрди ва ўзи ётадиган шконканинг устига ташлади.

Маҳбус ҳамон беҳуш ётарди. Унинг алаҳсираб гапираётган узук-юлуқ сўзларини диққат билан эшитган Туз аввалига ҳеч нарсани англай олмади, чунки маҳбус қандайдир бошқа тилда гапираётганди. Бироз тўхтаб, яна алаҳсирай бошларди. Бу гал маҳбуснинг тилида Адмирал, Филон, Бистрий, Ангел номлари зикр этилди, улардан нима учундир кечирим сўрар, кейин, албатта, охирига етказаман, деб ваъда берар, сўнгра жимиб қоларди.

Ванка Туз бу таниш лақабларни эшитгач, маҳбуснинг кимлигидан ҳайрон бўлар, ўзича валдираяпти-да, деб ўйлар, аммо бир томондан юқоридаги исмлардан даҳшатга тушар,

иккинчи тарафдан эса бундай тоифадаги рецидивистларнинг бу қамоқхонага юборилишига ишонмасди. Охирида бу маҳбус ё эс-ҳушидан ажралган ёки бизни мазах қилиб, қўрқитмоқчи бўляпти, деган хулосага келди.

Шунинг учун пўстинни елкасига ташлаганича, поёндозни тўшакнинг тагига тиқиб, тонг отсин, кейин бу қушчанинг ким эканлигини аниқлаймиз, деб ўрнига ётди. Маҳбус эса аскарлар қандай ташлаб кетган бўлсалар, шундайлигича бетонда, ярим яланғоч ҳолда қолди. Камерадагиларнинг бирортаси Ванка Тузнинг рухсатисиз унга ёрдам қилсалар, ғазабига йўлиқишини билганликлари учун ўз ўринларига чўзилишди.

Ярим тунда кимдир ғазаб билан:

— Турларинг, қанжиқлар, камеранинг сардори ким? — дея бақирди. Камеранинг ўртасида бутун гавдасини тиклаб, бор вазоҳати билан янги келган маҳбус турар, кўзидан даҳшатли ўт чақнар, бармоқлари мушт бўлиб қисилганди.

— Нима бало, чидолмаяпсанми. Тонг отсин, албатта, сени “хўроз” қилиб қўямиз, — деди Ванка Туз.

— Бу сўзинг учун жавоб берасан, ифлос. Жойнамоз, пўстин, китоб қани? Сенлардан сўраяпман, қанжиқлар, — деб маҳбус Ванка Туз ётган шконка тарафга қараб қадам ташлаб, аста яқинлаша бошлади, чунки у шу камера сардори эканлигини англаб бўлганди. У дарҳол шконкадан сакраб туриб, маҳбусга рўпара келди. Муштини қисиб, унга ташланди. Аммо камерадагилар нима ҳодиса юз берганлигини аниқ кўролмай қолишди. Янги келган маҳбус иккала оёғини яшин тезлигида тепага кўтариб, Ванка Тузнинг кекирдагига тепди. Қарсиллаб синган суяк товушлари эшитилди. Ванка Туз ердан кўтарилиб, бетонга гурсиллаб бошининг орқа томони билан урилди. Оғзи-бурнидан кўпик аралаш қон келди, хириллаб нафас олиб, ерда ётганича типирчиларди. Бу ҳолатни кўрган Тузнинг яқин ёрдамчиси Шмель қўлидаги бигиз билан маҳбуснинг жигарини мўлжаллаб ташланди. Аммо у чаққонлик билан ўзини ёнбошга ташлади ва бигиз салгина тилиб ўтди. Маҳбус Шмелнинг қўлига бир уриб, бигизни туширди-да, сўнгра унинг чотига тепди. Шмель икки букилиб қолди, маҳбус унинг қўлини қайирган ҳолда:

— Мана бу жойнамоz учун, мана буниси пўстин учун, мана буниси китоб учун, мана буниси хўроз учун, мана буниси ҳурматсизлик учун, менинг қимматли биродарим, — деб Шмелнинг бармоқларини бирин-кетин синдириб ташлади. Камерадагилар янги маҳбуснинг интиқомидан даҳшатга тушганларича, нима қиларини билмай томошабин бўлиб туришарди. Ниҳоят, янги маҳбус ўриндиқдаги тушакни итқитиб, Шмелнинг иккинчи қўлини шконканинг ёғоч тушамасига қўйиб, полдаги бигизни қўлига олди-да, зарб билан унинг қўлига санчди. Бигизнинг ярми унинг кафтидан ўтиб тахтага санчилди. Шмель оғриққа чидолмай, овози бори́ча бақирмоқчи бўлар, аммо янги маҳбус унинг оғзини маҳкам ёпиб турарди. У камерадагиларга қаҳрли кўз билан бир-бир қараб, деди:

— Хўш, яна ораларингда куч синашиб кўрадиганларинг борми, қанжиқлар? Барчанинг жим турганини кўриб, Кочегарни имлаб чақирди ва деди:

— Тез бўл, яхшилаб хўроз қил.

Кочегар қўрққанидан бундай ишни қилолмайман, деб бошини чайқади. Шунда янги келган маҳбус:

— Тез бўл, бажармасанг, ўлдираман, — деб қўли билан ишора қилиб, у томонга бир қадам ташлади. Кочегар қалтираганича зудликда унинг топшириғини адо этди. Шундан кейингина янги маҳбус индамай бигизни суғуриб олиб, Шмелни бир тепиб, полга ағдариб ташлади. Шмель оғриқдан эс-ҳушини йўқотган, қимирласа, қўли, ва кўкрак кафаси... аъзои баданида қаттиқ оғриқ турар, ноиложликдан ётган жойида қолди. Янги маҳбусдан қўрққан камерадагилар унга ёрдам беришга ожиз эдилар. Энди камерага кимни киритганликларини маҳбуслар англаган, унинг важоҳатидан, даҳшатли қарашидан ўзларини тамоман йўқотиб қўйишганди. Янги маҳбус шошилмай жойнамоzни тахлади, пўстинини олиб ёпинди-да, камерадагиларга деди:

— Кечаси ер қимирлаб, иккаласи шконкадан тушиб кетиб, бошлари билан деворга урилибди-я, биттаси эса тепадан бетон полга ағанаб, қовурғасини синдириб олибди-я, шунақаям эҳтиётсизлик бўладими-а, тушундингларми?

— Дарҳақиқат, қаттиқ ер қимирлади, мен ўзим ҳам шконкадан сал қолди йиқилиб тушишимга, — деди Филин.

– Менга халақит бермаларинг, бироз дам олмоқчиман, – деб янги маҳбус Тузнинг ўрнига ётди.

Эрталаб камераларда маҳбусларнинг ички тартиб-интизомга риоя қилишларини назорат қилувчи зобит кирганида, Ванка Тузнинг жасади совуб бўлган, унинг энг яқин ёрдамчиларидан бўлган Шмель беҳуш ҳолда полда чўзилиб ётарди. Навбатчи дарҳол лагерь бошлиғини бу ҳодисадан огоҳ қилди.

Коренной ва тартиб бўлими бошлиғи камерадаги барча маҳбусларни бирма-бир терговдан ўтказишди. Янги маҳбусни лазаретга жўнатишга тўғри келди, чунки унинг тана ҳарорати баланд, ўпкаси шамоллаган, беҳуш, алаҳсираб ётарди. Маҳбусларнинг ҳаммаси бир оғиздан кечаси ер қимирлагани, Туз ва Шмель шконкадан йиқилиб, жароҳат олганликларини гапиришди, ҳатто Филин кўкрагидаги бутини чиқариб, худди шундай бўлганлигига қасам ҳам ичди. Аммо Туз ва Шмель олган жароҳатлар умуман бошқа нарсага ишора қиларди.

Колония шифокори Шмелнинг жароҳатларини кўриб, “бу ерда катта жанжал бўлган, маҳбусни ушлаб туришган, бошқалари эса калтаклашган”, деган хулосани берди ва уни ҳам зудлик билан лазаретга ётқизиш зарурлигини билдирди. Тузнинг ўлими ҳақида эса “Ванка Туз кекирдагига кучли зарб билан ўтмас предмет орқали жароҳат етказилган, натижада халқумнинг тоғай суяклари синиб, нафас олиши кескин оғирлашган, гематома натижасида маҳбус ҳалок бўлган”, деган хулосасини тақдим этди.

Коренной бу масала тўғрисида ўйлар экан, “Агар янги маҳбус ШИЗОда шундай аҳволда бўла туриб, шу ишларни қилган бўлса, тузалгандан сўнг қанақа ҳунарлар кўрсатаркин? Ҳа, бу маҳбусни иложи борица якка камерада сақлаш лозим, акс ҳолда, лагерьдаги тартиб-интизом бутунлай издан чиқиб кетади. Минг лаънат бу Москвадаги бошлиқларга ҳам, маҳбусга ҳам, менга шундай бош оғриғини дуч қилганларга ҳам”, деб тўнғиллади.

Шу фикрларни хаёлидан ўтказиб, Магадандаги лагерь бошлиғи Кулаковдан эшитган гапи ёдига тушди. Ё, тавба, бу қандай юз берди экан? Ванка Туз ҳам анойилардан эмас эди-ку, агар бу маҳбуснинг иши бўлмаса, камерадаги бошқа

махбуслар бир бўлиб қилдимикин? Ундай бўлса, ташқаридан, албатта, малява келган бўлиши керак, аммо ШИЗОдагиларга қандай киритилди? Кейин, шифокорнинг сўзига қараганда, Ванка Тузнинг ўлими тахминан тунги соат 2 — 3 лар орасида юз берган. Унда нега навбатчилар ҳеч нарсани сезмаган? Ахир, калтаклашаётганда ҳеч бўлмаганда, овози, дод-войи эшитилиши керак эди-ку, ё оғзини ёпиб туриб уришганмикин? Ҳа, ҳа, худди шундай бўлган.

Шмель унинг ёнини олмоқчи бўлган, натижада уни ҳам ўласи қилиб калтаклашган. Қўлидаги жароҳатга қараганда, бигиз тикишган. Буни қайси маҳбус қилдийкин ёки янги келган банди тунда ҳушига келиб, камерадагиларга буйруқ бердимикан? Агар ташқаридан малява келмаган бўлса, унда бу ҳолат шундай юз берган бўлиши мумкин. Бунинг устига, камерага кирганида янги маҳбус Тузнинг ўрнида ётган эди. Афтидан, янги маҳбус ўзига жой беришларини талаб қилган. Туз эса қўпол муомала қилган бўлса керак, шунда у ўзининг кимлигини айтиб, камерадагиларга буйруқ бердимикин? Аммо шундай ҳулосага келсак, у ерда ўтирганлар Туздан ўлгудек қўрқар эдилар-ку? Йўқ, йўқ, бу, албатта, ташқарининг иши, камерага малява кирган? Уни топишнинг энди иложи йўқ, аллақачон ёқиб юборилган. Ҳа, ҳа, дарвоқе, малява келган, бўлмаса, бундай хунхўрлик бўлмасди. Камерадаги маҳбусларнинг эса ҳаммасини тафтишдан ўтказиш ҳамда карцерга қамаш лозим. Қандай қилиб бўлса ҳам, ҳақиқатни аниқлаш зарур.

Демак, камерага малява кирган, янги маҳбусни жойлаштиришаётган пайтда Туз қаршилиқ қилган бўлса керак, шундан сўнг маҳбуслар бирлашиб, бу зўравонликни амалга оширишган. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, чунки ташқаридан кирган малява тўғридан-тўғри Тузнинг қўлига тушарди-ку? Унда бу қотиллик қандай юз бердийкин? Минг лаънат, бу маҳбусга ҳам, Москвадаги бошлиқларга ҳам. Ҳар ҳолда, ўйлаб иш тутиш керак.

Айтганча, камерада қандайдир қоғозлар ёқилганлиги тўғрисида тафтиш ўтказган тартиб бошлиғи гапирганди. Бу ахборотга ўша пайтда ўз ташвиши билан бўлиб, эътибор бермаган эканман. Буни зудлик билан аниқлаш зарур. Қандай ҳужжатлар ёқилган, ундан кейин бу қоғозларда нималар

ёзилган? Шундай қарорга келиб, лагер пахани Штирни дарҳол ҳузурига келтиришларини талаб қилди. Навбатчи кириб, маҳбус Штир келганлигини билдирди. Коренной ўриндиғида ўтирганича хонага кирган Штирнинг кўзига тик қараб, савол берди:

— Ҳўш, Штир, аҳволлар қалай?

— Яхши, гражданин бошлиқ, ҳеч қандай тартиббузарлик ҳолатлари юз бергани йўқ, режаларни ошириб бажаряпмиз. Бу сўзлардан Коренной тоқатсизланди ва деди:

— Мен сендан лагердаги аҳволни сўраётганим йўқ, ташқаридан қандай топшириқ олганингни билмоқчиман.

— Ҳеч қандай топшириқ олганим йўқ, гражданин бошлиқ, — деб жавоб берди Штир.

— Сен мени ким деб ўйлаяпсан, Штир? Шунча йилдан бери ораларингда юрибман, агар тўғрисини гапирмасанг, карцерга жўнайсан. Тушундингми?

— Гражданин бошлиқ, ўлай агар, мана сизга бут, ташқаридан ҳеч қандай малява олганим йўқ.

Коренной ўзича, “Мана, қўлга ҳам тушдинг ярамас, ахир, мен сенга малява деган сўзни атайлаб ишлатмагандим, сен муттаҳам эса буни гапириб қўйдинг. Демак, малява олгансан, амаллаб ШИЗОга киритгансан ва маҳбусларга топшириқ бергансан. Энди сени отиб ташлаганда ҳам, бўйнингга олмайсан, чунки бу малява тождор ўғриларнинг катталаридан келган, агар гуллаб қўйсанг, ўлдириб юборишларидан кўрқасан. Акс ҳолда, тинч турган зонанинг алғов-далғовини чиқаришга ўзинг ҳам доим қарши бўлардинг”, деб ўйлади. Штирнинг барибир ҳеч нарса айтмаслигига амин бўлган Коренной баракка кетишига рухсат берди.

Тартиб бошлиғини чақиртириб, маҳбуснинг шахсий жилди келган-келмаганлигини суриштирди. Ижобий жавобни олгач, келтиришни буюрди. Коренной унинг шахсий жилдини очиб, ўқий бошлади. Сатрма-сатр ўқир экан, борган сари юз ифодаси ўзгариб борарди. Тартиб бўлими бошлиғи ҳали танишиб чиқмаган, жилд ҳозиргина келганди. Охирига етганда “ничего себе, вот это птичка”, (буни қаранг, қандай зот экан!) деб унга ўқиш учун берди. Тартиб бўлими бошлиғи ҳам ҳужжат билан танишар экан, унинг ҳам ранги тобора

ўзгариб, чўнтагидан папиросини олиб, эзғилай бошлади, тутатмоқчи бўлиб, гугуртни ёқар, аммо ҳеч ўт олдиrolмасди.

Жилддаги ҳужжатларда маҳбуснинг қисқача таржимаи ҳоли, қилган жиноятлари, алоқалари, руҳий ҳолати ҳақида батафсил маълумот берилган эди. Айниқса, таржимаи ҳолида ёзилган қуйидаги сатрлар унинг диққатини тортди:

“Фақат хизмат фаолиятида фойдаланиш учун

Вадудов Фулом, 1909 ёки 1910 йили Ўзбекистон ССР, Фарғона волости, Қумовул уyezди, Андарабод қишлоғида зиёли оилада таваллуд топган. Миллати — ўзбек. Маълумоти ўрта. Тождор ўғри. Бир неча маротаба судланган, икки марта қамоқхона лагерларидан қочган, рецедивист. Алоҳида хавфли.

Биринчи марта, 1931 йилда, одам ўлдиргани учун қамалган. Тавоқсой лагерида ҳам бир қанча маҳбусларга тан жароҳати етказган. Жиноят оламида “Басурман”, “Атлет”, “Шаҳзода” лақаблари билан машҳур, 1944 йилда тож кийдирилгандан кейинги лақаби эса “Граф”. Уч марта судланган, жазони ўташ жойларида интизомсизлик қилганлиги учун қамоқхона маъмуриятининг ташаббуси билан икки марта жиноий жавобгарликка тортилган. Умуман, қамоқхона ва лагерларда 16 йилдан ортиқ ўтирган. Ички ишлар комиссарлигида маълум бўлган исм-шарифлари. Баракаев Азиз, Гасан Магомет ўғли, Рамзаев Қодир Валиевич, Оқмамат Қурбонмаматов, Халиуллин Рамил Нургалиевич, Ҳасан Мажид эфенди, Аллоҳверди Раҳмон ўғли. Бошқалари эса ҳозирча аниқланмаган.

Жиноят оламининг қироли бўлган Адмиралнинг шогирди, Филон, Бистрийлар билан ҳамкорликда кўплаб жиноятларни содир этган. Жиноят оламида мутахассислиги — медвежатник. 1937 йили Варшавадаги Польша Миллий банкидан қиймати 957 минг фунт стерлингга тенг, оғирлиги 160 килограмм бўлган қуйма тилла пластинкаларни, Нижний Новгородда очилган халқаро заргарлик буюмлари ярмаркасидан деярли 1,2 миллион АҚШ долларига баҳоланган тилла тақинчоқларни ўғирлаган, аммо унинг бу ўғирликларда қатнашганлиги исботланмаган. Ҳозиргача бу бойликнинг қаердалиги ноъмалум. Бундан ташқари, бир қанча чет эл компанияларига қарашли банклардан валюталарни ўғирлаганликда гумон қилинади.

Белгилари: бўйи — 1 метру 84 сантиметр, юз тузилиши — тўғри, келишган, қора кўз, қора қош, қорамағиз, қотмадан келган, жисмоний бақувват, биринчи кўрган одам спорт усталаридан бири бўлса керак, деб фараз қилади. Шарқ кураш усулларини мукаммал эгаллаган. Бераҳм, шу билан биргаликда, диндор. Зонада бўлган даврда ҳам мунтазам ибодат қилган.

Алоҳида белгилари: бўйининг ўнг тарафидан елкасига қараб кетган уч сантиметрли узун чандиғи бор. Кўкрак қафасида осмонга учиб кетаётган икки фаришта ва бут татуировкаси чизилган. Ўнг қўл бармоғида тождор ўғриларга хос узук сурати туширилган. Таниш ва беғона одамлар билан мулоқотда хушмуомала, ҳеч қачон сабабсиз бировни камситмайди. Ўзини ҳимоя қилгандагина қон тўкишгача боради, доимо тождор ўғрилар ғояси билан яшайди. Ўғрилиқ мақсадида одам ўлдирганларни жазолагани, ҳатто ўзларининг жонларига қасд қилишга мажбур қилганлиги тўғрисида турли хил ишониб бўлмайдиган ахборотлар бор. Ҳеч қачон камбағал, ойлик маошга яшаётган фуқароларнинг мол-мулкларига тажовуз қилинишига йўл қўймайди. Унинг қизиқиш доираси йирик хорижий компаниялар, бой-бадавлат одамлар, заргарлар, банк ва жамғарма идоралари, антиквариатлар.

Доимо спорт билан шуғулланади. Якка курашда кўпинча қайчи усулини ишлатиб, икки оёғининг кафти билан рақибининг халқумига кучли зарба беради, бўйиндаги тоғай ва суякларни синдириб ташлайди. Жароҳат олган одам ё ўлади, ёхуд бир умрга ногирон бўлиб қолади. Бу усулни кўп мартаба озодликда ва жазони ўтаётган қамоқхоналарда ишлатган. Совуқ ва ўқотар қуроллардан моҳирона фойдаланади, 8–10 метр масофадан пичоқни аниқ мўлжалга санчади. Доимо ёнида қора пўлатдан қилинган қинли пичоғини олиб юради.

Уни билган ўғрилар шундай таърифлашади: жасур, ўлимга ҳам тик қарайдиган, ҳеч вақт ўзини таҳқирлаган одамни кечирмайдиган, албатта, қасосини оладиган мард ўғри. Кўпинча ўлдиришгача бормаса ҳам, уни таҳқирлаган одамларни бир умрга ногирон қилиб ташлайди. Шахсий адовати бўлса, доимо яккама-якка олишади. Ўғирлик содир этаётганда жабрланувчига имкони борича жароҳат

етказмасликка, қон тўкмасликка ҳаракат қилади ва шу ҳислати билан бошқа жиноятчилардан ажралиб туради. Спиртли ичимликлар ва тамакини меъёрида истеъмол қилади. Ҳеч ким унинг ақл-фаросатини йўқотиш даражасигача спиртли ичимлик истеъмол қилганини кўрмаган. Жуда ҳавфли жиноятчи, унга халқаро ва умумиттифоқ миқёсида қидирув эълон қилинган.

Ўзбек, рус, қозоқ, турк ва немис тилларида мукаммал гаплашади, ҳатто араб ва лотин алифбосида ёзади. Украин (шарқий шевада), инглиз ва поляк тилларида гапира олади, аммо ёзолмайди. Ақлли, амалга оширадиган ўғрилиқ режаларини мукаммал ишлаб чиқади, жиноят содир этилган жойда ҳеч қандай из қолдирмасликка ҳаракат қилади.

Ўз ораларидан чиққан сотқин ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилган жиноят олами вакиллари аёвсиз қатл этиришдан тоймайди. Агентлардан олинган маълумотларга қараганда, қатлни амалга оширадиган бўлса, ҳукм қилинган одамга ниҳоятда яхши муомала қилади. Шу пайтда доимо ўлимга ҳукм қилинган инсонга “менинг қимматли биродарим” ёки “укам”, деб мурожаат қилади. Бу сўзни суҳбатдошига айтиши, унинг умри тутаганлигини билдиради.

Ўзбек ва хориж мумтоз адабиётидан хабардор. Шоиртабиат, ҳозиржавоб, назмни яхши кўради, доимо ёнида мумтоз асарларни олиб юради. Ҳеч нарсани эсидан чиқармайди, тўрт хонали сонлар билан амалларни миясида бемалол бажаради. Ўзининг хушмуомалалиги билан суҳбатдошларини лол қолдиради. У билан суҳбатлашганлар уни йирик олим, фан ва маданият арбоби, деб ўйлаши мумкин.

Хотини Хватова Марина, 1915 йили Дон дарёси ёқасидаги Нечаева станицасида, кулак оиласида таваллуд топган. Отаси — Хват Кругликов, Дон казакларидан, Чор армияси офицери, оддий солдатликдан ротмистр унвонига сазовор бўлган, рус-япон урушида кўрсатган қаҳрамонликлари учун мукофотланган ва офицерлик унвони берилган. Санкт-Петербургда қисқа муддатли офицерлик курсини тугатган. Урушдан ногирон бўлиб қайтган. Саксон беш акр (тахминан 32 гектар) ҳосилдор ери, қўш ҳўкизи,

омоч ва ҳоказо қишлоқ хўжалик асбоб-анжомлари, элликка яқин қорамоли, чўчқачилик фермаси, бир нечта чопқир отлари, паррандалари бўлган. Октябрь инқилобидан кейинги колхозлаштириш даврида ишчи-деҳқон ҳукуматига қарши ташвиқот юритган, қуролли қўзғолон кўтаришга даъват этган. Натижада 1929 йилда қуролли қаршилик кўрсатгани учун отиб ўлдирилган, мол-мулки, ери мусодара қилинган.

Акаси — Хватов Александр, 1912 йилда туғилган. Бир марта ўғрилиқ қилгани учун судланган ва уч йил қамоқда ўтирган. Жиноят оламига алоқаси борликда гумон қилинади. Ҳозирги вақтда қаердалиги номаълум. 1930 йили Дондан Свердловск областига барча кулаklar билан бирга сургун қилинган.

Марина Графни тергов органларидан яширганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган ва икки йил муддатга ахлоқ тузатиш колониясига ҳукм қилинган, аммо олти ой жазо муддатини ўтаган. Бефарзанд.

Фулом Вадудов — хавфли жиноятчи. Ҳибсга олинаётганда эҳтиёт чораларини кўриш зарур”.

Подполковник Коренной ва тартиб бўлими бошлиғи капитан Синицин бундай тавсифномадан ҳайратга тушишганини яширолмай, бу маҳбусга нисбатан эндиги амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни ўйлашарди. Энди тунги хунрезлик тафсилотлари Кореннойга кундек равшан эди. Ванка Тузнинг ўлдирилишида бевосита Графнинг ўзи иштирок этганлиги унда шубҳа қолдирмаганди, чунки у халқумига қон йиғилишидан ва нафас йўли ишдан чиқарилиши натижасида вафот этганди.

Лагерь бошлиғи, қандай қилиб бўлса ҳам, тунги хунрезликнинг тагига етиш мақсадида шундоқ ҳам жарима камерасида ўтирган маҳбусларнинг барини бир кишилиқ карцерларга қамаш ҳақида буйруқ берди. Энди у бу хунрезликнинг бекорга бўлмаганлигига ишонган эди.

Ички телефон тармоғи орқали лазарет бош врач Савчукка қўнгироқ қилиб, янги маҳбуснинг аҳволини суриштирди. Шифокор унга маҳбусга ўткир кечувучи бронхлар шамоллаши ташҳиси қўйилганини, ҳеч бўлмаганда, икки ҳафта муолажа қилиниши зарурлигини билдирди. Тартиб бўлими бошлиғининг маслаҳати билан маҳбусни

алоҳида жойлаштириш ҳақида шифокорга топшириқ берди, аммо лазарет бош шифокори бундай бўш хона йўқлигини баҳона қилиб, буйруқни бажаришдан бош тортди.

Коренной ва Синицин биргаликда лазаретга келишди ва шифокорни муолажаҳонани бўшатиб, беморни ўша ерга ўтказишга мажбур этишди ва икки аскарни кўриқлаш учун эшик олдида қолдиришди. Уларга беморнинг олдига фақат шифокор ва фельдшернинггина киришига рухсат этилишини тушунтиришди. Маҳбус билан ҳар қандай боғланишга ҳаракат қилган инсонлар ҳақида зудликда лагерь бошлиғига ёки тартиб бўлимига хабар қилиш топширилди.

Ниҳоят, уч кунлик муолажалардан сўнг маҳбуснинг тана ҳарорати тушди. Аввалига қаерда эканлигига ҳайрон бўлди, сўнгра охирги этапда бўлган воқеаларни эслади, шундагина лагерь лазаретида ётганлигини англади...

Магадандаги 61/47-қатъий тартибдаги лагердан этап қилиниб, бир ўзи алоҳида вагонда келтирилгани кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Ўша қиш кунлари совуқ бўлишига қарамай, иситилмайдиган вагонга жойлаштирилганди, аммо лагерь бошлиғининг раҳми келдими ёки одамгарчилик қилдими, пўстин ва иссиқ кийимларини олишига қаршилиқ қилмади.

Этап деярли бир ой йўлда юриб, ниҳоят, Свердловск шаҳрига етиб келди, аммо Фулом елвизак ва совуқ натижасида ўпкасини шамоллатиб олди. Исиниш учун у тор камерада ҳар куни то терлагунча жисмоний машқлар бажарар, аммо сўнгги ҳафтада бунга ўзида куч-қувват тополмай, иситмаси кўтарилиб, ётиб қолди. Кейин эса нима бўлганини эслай олмайди, қандай қилиб лагерга олиб келинди, фақат камерада икки маҳбусни жазолагани ҳамда тўйиб сув ичгани эсида, холос.

Фельдшер кириб, укол қилди. Тана ҳароратини ўлчаб, мамнун бўлди, шекилли, ғалати кулимсиради. Фуломга қараб, жуда яхши, деб қўйди-да, бурчакда турган шкафни очиб, шиша банкаларни олди. Сўнгра:

— Қани, қаҳрамон, бир чалқанчасига ётиб ол-чи, иситманг тушибди, энди банка қўйса бўлади. Тез кунда соғайиб кетасан, — деб ҳар бир банкани қўлидаги латтаси билан арта бошлади. Фулом телняшкасини ечиб, чалқанчасига

ётди. Фельдшер унинг мушакларини вазелин билан ишқалай бошлади. Кейин банкларни бирин-кетин оловга тутиб, елкасига терди-да, устини одеял билан ёпиб, чиқиб кетди. Орадан 15 – 20 дақиқа вақт ўтгач, келиб банкларни бирин-кетин суғуриб ола бошлади. Сўнгра елкасини ишқалаб, телняшқасини кийиши мумкинлигини айтиб, хонадан чиқиб кетди. Фулом ниҳоятда озиб кетган, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, ранги синиқ ҳолга келганди.

Лагерь пахани Штир Граф билан алоқа ўрнатишга уринар, аммо у қаттиқ қўриқланаётгани учун буни уддалай олмасди. Шунинг учун у лагерда “Карабас” лақаби берилган узун соқолли яқин ёрдамчиларидан бирининг кўзига чефир шамасини суртиб, обдон қизартириб, лазаретга ётқизишга қарор қилди. Шифохонага ётган Карабаснинг Граф билан алоқа ўрнатишга ҳар қандай уринишлари ҳам зое кетди.

Ниҳоят, фельдшерни қўлга олишга муваффақ бўлди. Аслида, фельдшер ҳам бир вақтлар шифохонада ишлаб юрган пайтларида дори-дармонларни ўғирлаб, бозорда сотганлиги учун судланган, ушбу лагерда икки йил жазо муддатини ўтаган ва озод бўлгандан сўнг шу ерда шартнома билан ишлаётганди. Штир фельдшер орқали Графнинг аҳволи ҳақида мунтазам маълумотлар олиб турар, пинҳона равишда қўшимча озиқ-овқат, тамаки ва зарур бўлган нарсаларни етказиб берарди. Ҳатто бир марта унинг олдида малява киритишга ҳам муваффақ бўлди.

Фулом бир ҳафталик муолажалардан сўнг ўриндан туриб, аста-секин соғая бошлади. Унинг анча соғайиб, жисмоний ҳолати тикланаётгани ҳақидаги ахборот дарҳол лагерь бошлиғига маълум қилинди.

Ниҳоят, Коренной у билан суҳбатлашишга қарор қилди, чунки ўтказилган тергов-суриштирув ҳаракатлари ҳеч қандай ижобий натижа бермади. Карцерда ўтирган маҳбуслар келишиб қўйишгандек худди тўтига ўхшаб бир гапни, илгариги кўрсатмаларини такрорлашарди. Аввалига Коренной ўзини уларга ишонгандек қилиб кўрсатди ҳам, аммо сейсмология станциясидан ўша машъум куни ер қимирламагани ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг маҳбусларни қўрқитиб ҳам кўрди, уларни қайта суд

қилдириб, одам ўлдирганликда айблаши ҳақидаги дўқ-пўписалари ҳам натижа бермади. Маҳбуслар берган хўрсатмаларидан бошқа маълумот беришмади.

Энди маҳбуслар уларнинг камераларига кимни киритганликларидан яхши хабардор, агар ўша тунда бўлган воқеани айтиб қўйсалар, ҳаётлари муқаррар ўлим билан тугашини идрок этишар, шу сабабли ҳар қандай вазиятда ҳам сирни очмасликка қарор қилишганди.

Шифохона камерасига кириб келган Кореннойни маҳбус қароватда ўтирган ҳолда кутиб олди, ҳатто ўрнидан туриб, ўрнатилган тартибда ахборот беришга ҳам жазм қилмади. Буни кўрган лагерь бошлиғи ҳеч нарса бўлмагандек беморнинг соғлиғини суриштирди:

— Хўш, Вадудов, аҳволлар, соғлиқлар қалай?

Маҳбус эса унга бир тикилиб, деди:

— Мен бегона одамлар билан соғлиғим ҳақида сўзлашмайман, сиз ўзи кимсиз? Ҳарбий кийимингиздан унвонингиз подполковник, аммо лавозимингиз, исм-шарифингизни билмайман, гражданин бошлиқ.

— Мен лагерь бошлиғи, подполковник Кореннойман, сиз эса қолган жазо муддатини ўташ учун шу зонага юборилгансиз, — деди.

У маҳбус атайлаб суҳбатлашишни хоҳламаётгани, ўзаро ихтилофга бормоқчи бўлаётганини англаб турар, аммо тождор ўғрининг ички дунёсини билишга, уни яқиндан ўрганишга уринарди.

— Танишганимдан хурсандман, гражданин бошлиқ. Ҳол сўраганингиз учун раҳмат, юртимизда сиз каби меҳрибон бошлиқлар кам, сизга катта раҳмат. Сизга битта илтимосим бор, имкони бўлса, иккита хона ажратсангиз, ибодат қилиш учун. Ахир, лагерингиздаги христиан, мусулмон бандилар қилган гуноҳларининг мағфирати учун Аллоҳга сиғиниб, илтижо қилсалар, иншоаллоҳ, ёмон бўлмас. Таклифим сизга маъқул бўлар деб умид қиламан? — деди Граф.

Кечагина зонага келган маҳбуснинг бирданига, биринчи суҳбатдаёқ лагерь бошлиғига сурбетларча шарт қўйиши Кореннойни, бир томондан, ажаблантирса, иккинчи тарафдан, ғашини келтирди.

— Маҳбус, сиз озодликда эмас, қамоқда ўтирибсиз. Бу ернинг ўз қонун-қоидаси бор. Менга шарт қўйиш ўрнига,

жазо мудлатини ўташ даврида ички тартибга риоя қилишни унутманг, акс ҳолда, карцердан умуман чиқмаслигингизга сўз бераман.

— Ихтиёрингиз, гражданин бошлиқ, мен сизга ёмон таклиф айтмадим,— деб жавоб қайтарди маҳбус.

Коренной унинг нима демоқчилигини тушунолмай, охирги жумлани қайта сўради. Коренной бу жавобдан маҳбус унинг устидан масхара қилиб, кулаётганини англади ва ғазаби келиб деди:

— Маҳбус Вадудов, лагердаги ички интизомни бузишингизга йўл қўймайман, мабодо шундай ҳаракатларингизни сезсам, мендан яхшилик кутманг, сиздан зўрлари ҳам бу зонадан мулойим бўлиб чиқишган, шунинг эсдан чиқарманг. ШИЗОда қилган хунхўрлигингиз учун ҳали алоҳида жавоб берасиз. Тушундингизми?

Коренной хизмат хонасига борар экан, бу маҳбус билан қандай муносабатда бўлишни ўйларди. Чунки қаттиққўллик қилмаса, Москва топшириғини бажармаса, деярли ўн беш йиллик хизмати ҳавога учиши уни беҳад ташвишлантира бошлади. Энди у маҳбус бекорга жиноят оламининг шаҳзодаларидан бири эмаслигига амин бўлган, лекин, қандай қилиб бўлса ҳам, буйруқни бажариш ҳақида бош қотирарди. Аини пайтда Москвадаги бошлиқларнинг ҳам, бу маҳбуснинг ҳам гўрига гишт қалар, лаънатларди...

Бу орада Штир иккинчи малявани олди. Унда кўрсатилишича, зудликда Граф билан учрашиб, маслаҳатлашиш, унга етарли шароит яратиш ва зонадан қочириш масалаларини ўйлаб кўриш топшириғи берилганди. Лагерь паханининг топшириғини фельдшер сидқидилдан бажарар, орада воситачи бўлиб хизмат қиларди. Аммо Коренной шундай эҳтиёт чораларини кўрган эдики, муолажа вақти тугаганига қарамай, Графни ҳамон қамоқхона лазаретида сақлаб турганди.

Ниҳоят, Графни қамоқхона лазаретидан карцерга ўтказиш ҳақида топшириқ берилди. Бу хабар қандайдир йўл билан лагердаги бандиларга етказилган, маҳбуслар ишга чиқишдан бош тортган, ҳатто улар билан музокара олиб бормоқчи бўлган тартиб бошлиғи Синицин гаровга олинганди.

Коренной бир сутканинг ўзидаёқ бундай тартибсизлик бўлишини асло кутмаганди. Маҳбуслар казармаларнинг

олдига цехдаги ёғоч, ускуналарни ташиб чиқиб, баррикадалар ясашга киришиб кетишган, карцердагиларни озод қилишни ва ғалаён қилганларни жазоламасликларини ички радио орқали маълум қилишарди. Коренной зонада яна ғалаён бошланганлиги ҳақида область ички ишлар бошқармасига ва ГУИТУга хабар қилишга мажбур бўлди.

Икки кундан сўнг зонага ГУИТУ бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари генерал Аракелов етиб келди. Карцер казармадан ташқарида, ички қўшинлар ҳимоясида бўлганлиги учун маҳбуслар улар билан алоқа қилолмасди. Генерал Аракелов маҳбусларнинг талабларини эшитгач, бош чайқаб, Кореннойдан қандай қилиб бандилар тождор ўғрининг лагерга келтирилганлигидан хабар топганлигига қизикди. У эса елка қисиб, нима деб жавоб беришни ҳам билмасди.

Генерал Аракелов Граф билан учрашишга қарор қилди. Кореннойга маҳбус келтирилганлигини айтишганда, унинг генералнинг ҳузурига киритилишини тайинлаб, ўзи хизмат хонасини тарк этди. Иш кабинетида ёлғиз генерал Аракелов қолди. Генерал Графнинг озиб кетган гавдасига, синиққан юзларига, аммо дадил тикилиб турган қора кўзларига тикилганича деди:

— Салом, Вадудов. Хўш, ишлар қалай, янги кошонангиз сизга маъқулми?

— Раҳмат, гражданин бошлиқ, ҳар ҳолда, шикоят қилишга ўрин йўқ, лагерь бошлиғи ҳам ажойиб одам экан, — деди Фулом.

— Лагерга келган заҳоти қаҳрамонликларингизни бошлабсиз, эшитдик. Қачон тартиббузарликка чек қўясиз ёки шундай ўтиб кетасизми? Қаерга юборилсангиз, ўша ерда, албатта, исён, итоатсизлик юз беради. Ҳаммаси атайин уюштирилганини биламиз-ку. Билиб қўйинг, бизнинг сабримиз ҳам тошдан эмас, охир бориб бир дайди ўққа учрашингиз ҳам мумкин, Вадудов, — деди генерал.

— Гражданин бошлиқ, тақдирда борини кўрамиз, қисматдан қочиб қутилиб бўлмайди. Оллоҳ, ҳар биримизнинг умримизни ўлчаб берган, — деди Фулом.

“Ҳа, бу одамни осонликча енгиб бўлмайди, ўлдирсанг ҳам, ўзининг маслагидан қайтмайди. Тилла ва тақинчоқлар

қаерда эканлигини ҳам айтмайди, бекордан-бекорга бошлиқлар овора бўлишяпти, менга қолса, аллақачон оттириб юборар эдим, на илож, вазирнинг аҳмоқона топширигини бажаришга мажбурман. Лекин ўша лаънати тилла пластинка ва тақинчоқларни топиш зарур. Адмирал ҳам қаёққадир хорижга жўнаган, изсиз йўқолди. Ангел, Филон, Бистрийлар эса оламдан ўтди, сирни фақат Граф биледи, лекин унинг сирни очишига сира ҳам ишонмайман, чунки бу одамни яхши биламан. Вазир эса, топасанлар, деб турибди, барибир ҳеч нарса чиқмайди.

Бу маҳбусни отиб ташлаш ҳақида таклиф берганида, раҳбарининг қандай ҳолга тушганини эсласа, ҳанузгача баданидан совуқ тер чиқиб кетади. Вазирнинг унга кўзойнагидан қаҳрли қараши, агар маҳбусни эгиб, сирни очмаса, бу лаънати бойликни топмаса, умри шу бандилар ичида ўтиши ҳақидаги огоҳлантиришидан бир ҳафта ўзига келолмай юрди. Ҳа, майли, бу маҳбус билан иккинчи марта учрашиши, амаллаб сирни очса, тақинчоқларни вазирнинг олдига қўйса, ундан кейин шахсан ўзи бу аблаҳни отиб ташлайди, аммо ҳозирча муомала қилиш керак”, деб ўйлаб, мулойимлик билан сўзини давом эттирди.

— Вадудов, сизнинг лагерга келганингиз, карцерга қамалганингиз ҳақида зонадагилар қандай қилиб дарҳол хабар топишди, шунга ҳайронман. Бундай ишларни ҳатто махсус хизматлар ҳам бажара олмайди, мана шуниси мени жуда қизиқтиради, Вадудов. Тушунтириб беринг, марҳамат. — деди генерал.

— Бунинг учун, жаноб бошлиқ, қамоқхона нонини еб кўриш, баландасини ичиш керак, сизда эса бундай имконият йўқ, — деди кулимсираб маҳбус.

— Майли, бу назарияни ҳуқуқшуносларга ҳавола қилайлик, барибир очигини айтмайсиз. Сизнинг олдингизга келишимдан мақсад — яна ўша Магаданда учрашган вақтимизда бўлиб ўтган суҳбатни давом эттириш. Сиз бу бойликларни топширасиз, 25 фоизини оласиз ва хоҳлаган чет эл паспортига эга бўласиз. Таклифим маъқулми? — деди генерал.

— Гражданин бошлиқ, менга учинчи марта шу таклифни беряпсиз. Бу бойлик ўзи қаерда? Бир оғиз шипшитиб қўйинг,

бир ҳафта ичида столингиз устида пайдо бўлади, — деб жавоб берди у. Маҳбус унинг устидан очиқчасига кулаётганини сизди, аммо тишини-тишига қўйишга мажбур бўлди. Бу ишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигига ақли етган Аракелов энди лагердаги исённи бостириш ҳақида бош қотириб, маҳбусдан зонадаги бебошлар билан мегафон орқали гаплашиб, уларни тинчитилишини сўради.

Фулом ҳам иккита хонани бўшатиб, бирини черков, иккинчисини масжид қилиш шартини қўйиб шу шартга рози бўлсалар, маҳбусларга мурожаат қилишини билдирди. Генерал ва Коренной шартга рози бўлишди ва унга иккита хонани кўрсатишди.

Шундан кейин Граф аскарлар навбатчилиқ қиладиган баланд кузатув минорасига чиқиб, маҳбусларга мурожаат қилди. Фалаён учун ҳеч ким жазоланмаслигини айтиб ҳаммани тарқалишга, баррикадаларни тозалашга чақирди. Ўзи ҳам бу ишда шахсан иштирок этишини билдирди, мақсад лагерь пахани билан икки оғиз гаплашиб олиш эди. Шундан сўнг лагерь пахани Штир итоатсизликни тўхтатишни, гаровга олинган Синицинни озод қилишни, баррикадаларни тозалашни каполарга топширди.

— Граф, — деди Штир сал наридан туриб, — гапимни диққат билан эшит, ташқаридан сени бу ердан қочириб юбориш ҳақида топшириқ олинган, ҳозир шу тўғрисида бош қотирмоқдаман. Шу сабабли лагерьда бунт ташкил қилиб, баракка ўтказилишингни таъминладик, у ёғини кейинчалик бафуржа муҳокама қиламиз.

Фулом аста бошини қимирлатиб қўйди.

Баррикадалар йиғиштирилиб, лагерьда тинчлик ўрнатилди. Энди Фулом 12-рақамли баракка жойлаштирилган, деярли у билан худди ҳеч кимнинг иши бўлмаётгандек, аммо Кореннойнинг одамлари кечаю кундуз уни кузатаётганликларини сезар, мийиғида астагина қулиб қўйиб, ўзича хуштак чалиб юрарди. Хуллас, у бу лагерьда ҳам бир ярим йилдан ортиқ вақтни ҳибсда ўтказди.

Бу пайтда Фуломни қамоқдан чиқариб олиш учун ташқарида ҳам, зонада ҳам қизгин тайёргарлик кетмоқда эди. Ҳар хил усуллар муҳокама қилинар, аммо бирор тўхтамга келинмаганди. Ниҳоят, Штирнинг номига ташқаридан

малява келди. Унда Графнинг қамоқдан чиқариб юборилиши режаси мукамал баён қилинганди.

Ҳафтада бир марта ёғоч қипиқлари бўш вагонларга ортилиб, шаҳардаги катта котельнийга жўнатилад, у ерда кўмир кукунига аралаштирилиб, намланиб, сўнгра ёқилги сифатида ишлатиларди. Режада кўрсатилишича, вагон полининг устига қўшимча айнан шундай тахтадан бир одам сиғадиган пол қилинади. Ушбу вагон бир неча марта цехга киритилиб, қиринди олиб чиқилади. Топшириқ бўлган кун ишга ерга маҳбус киритилиши ҳамда озодликка чиқарилишини ўйлаб кўриш ва шунга тайёргарлик кўриш вазифаси Штирга юкланганди. Аммо буни амалга оширишнинг қалтис тарафи, маҳбуслар вагонга қириндиларни ортишгаётганда аскарлар томонидан ит билан мунтазам назорат қилинарди... Вагонларга юк ортиб бўлингандан сўнг тўрт тарафидан аскарлар учли найза билан қириндининг устидан тикиб, текшириб чиқишар, шундан сўнггина вагонлар қамоқхона ҳудудини тарк этарди.

Ниҳоят, бунинг ҳам йўли топилди. Буйруқ берилган кун цехда қиринди ортиш бошланиши билан маҳбуслар орасида жанжал кўтариларди ва шу орқали аскарларнинг диққат-эътибори жалб этиларди, маҳбусни қиринди орасидан қўшимча яширинадиган ерга жойлашиб олишига имкон яратиларди.

Фулом қамоқхона маъмуриятининг диққатини тортмаслик учун ҳеч қачон ёғоч тилиш, рандалаш цехига кирмас, уни “Маърифат” хонасига бириктириб қўйишгани учун у кутубхоначи вазифасини бажарар эди. Бу вазифани маълум муддат бажариб туриш ҳақида малява келди. Фулом кийимларининг устига сассиқ дарахт ҳидини берувчи суюқликни обдон пуркаб, қириндилар ортиладиган цехга яширинди. Қириндиларни бир неча маҳбус ёғоч кураклар билан ортишар, сал нарида эса иккита аскар итлари билан назорат қилиб туришар эди.

Нима бўлди-ю, бирданига маҳбуслар муштлашиб кетишди, улардан сал нарироқда иккинчи вагонга ёғоч қириндиларини юклаётганлар ҳам қўшилишди. Аскарлар ҳуштак чашиб, навбатчи нарядни ёрдамга чақиришди, итлар эса бор овози билан акиллаб, цехни бошига кўтарарди. Ҳамма муштлашаётганларни ажратиш, карцерларга тарқатиш билан овоза бўлиб қолди.

Дарҳол тартиб бошлиғи жанжалнинг сабабчиси бўлган Малинин ва Неустроевларни карцерга қамашга буйруқ берди. Яна қиринди ортиш давом эттирилди. Кечга яқин вагонлар дарвоза олдидаги постда яна бир марта текширилгач, қамоқхона ҳудудини тарк этди. Вагонлар ташқарига чиқиши билан заҳира йўлга ўтказилиб, орадан ярим соат ўтгандан сўнг яна ўз манзилига қараб кетди...

* * *

“Победа” русумли енгил машинада плаш ва шляпа кийган, мўйлови ўзига ярашган бир йигит ёшроқ бир ҳамроҳи билан суҳбатлашиб кетмоқда. Машина шаҳардан чиқиб, Васильев оролига бурилди. Йўловчилар ун ва ун маҳсулотлари, шакар, сариеғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи йигирма фоизга камайтирилиши ҳақидаги ҳукумат қарорини муҳокама қилиб кетишмоқда. Машина манзилга етиб келгач, дарвоза олдида уч марта сигнал берганидан сўнг, у очилди ва ичкарига киритилди. Машинадан тушган икки йўловчини хонадон пиллапоясида ёши элликлардан ошган одам кутиб олди. Шляпа кийгани кутиб олувчига кулимсираб, деди:

— Салом, Степа. Хўжайин ўзидами?

— Салом, Граф, сизни анча вақтдан бери кутяптилар, — деб жавоб берди у.

— Хужжатлар тайёр бўлгунча ушланиб қолдик. Ишқилиб, кайфиятлари яхшими, дашном емаймизми? — деди Аким исмли иккинчи йўловчи.

— Йўқ, йўқ, кираверинглар, кайфиятлари аъло даражада, — деди Степа. Иккала йўловчи ҳам хона эшигини очиб, ичкарига қадам қўйишди. Хонадон соҳиби одатига ҳилоф равишда бу гал эғнида уй кийими эмас, бостонда тикилган китель кийган эди. У Фулом билан қучоқлашиб, иккинчиси билан қўл бериб сўрашди-да, камин олдидаги дастурхон тузалган столга бошлади. Дастурхон устига ёпилган оқ чойшабни кўтариб, иккинчи келган йигитга имо қилди. Дастурхон камтарона, аммо дид билан ясатилган. Аким ароқни қўлига олиб, унга бир қараб олди-да, қадаҳларга қуйди. Шундан сўнг Адмирал қадаҳ сўзи айтди:

— Озодликка чиқишинг билан табриклайман, Граф! Сени жуда соғинган эдим, эски сафдошлардан сен, Герасим ва Аким қолдинглар. Кўплари эса вафот этиб кетишди, аксарияти зоналарда азоб чекишмоқда. Нима қилайлик, тақдири азал бизларга ана шундай тақдирни раво кўрган бўлса. Келинлар, вафот этган сафдошларимизнинг ёрқин хотираларини эсга олиб, шу қадаҳни ичайлик, — деб ўзи биринчи кўтарди, тагида озгинасини қолдириб, стол устидаги биллур тувакчага тўкди. Келганлар ҳам унинг ҳаракатини такрорлашди. Шундан сўнг газак қилишди, яна икки марта қадаҳ кўтаришди ва ўзаро суҳбатга берилиб кетишди. Бу орада Герасим келиб, улар сафига қўшилди. Оз фурсатдан сўнг Степа кириб, барчаларини ошхонага таклиф қилди. Шу кунни Граф Қиролнинг қароргоҳида тунаб қолди...

Эртасига Фулом Эрмитаж олдида Литейний-8 нинг собиқ КПЗси назоратчиси Алексеев билан учрашди. Улар Петрегоф деган пивохоанага киришиб, бурчакдан алоҳида столга буюртма беришгач, бир соатдан ортиқ суҳбатлашишди. Сал наридаги столда эса Аким ва яна бир йигит жойлашиб олган, эшикдан кирган-чиққанларни назорат қилиб туришарди. Кўчада ҳам икки йигит кузатувда...

Фулом Алексеевдан ўзига керакли маълумотларни олгандан сўнг, унга миннатдорлик билдириб, бир ўрам пул узатган эди, у олмади. Маълум бўлишича, Маринага азоб берган аёллардан бирининг исм-шарифи — Хручина Настя, иккинчисиники — Васильева Анна. Улар — маҳбус аёлларга назоратчи. Эркаклардан — Литейнийнинг қулоқлари: Пархоменко Борис ва Вагин Андрей. Бири — шаҳардаги марказий бозорда паттачи, иккинчиси эса “Астория” ресторанида соқчилик қилар экан.

Фулом зонада, озодликка чиққандан сўнг бу иккала исқиртни тириклайин ерга кўмиб юбораман, деб қасам ичган, аммо аёлларни қандай жазолашни билмас, аммо уларнинг айбини кечириб бўлмасди. Фулом даставвал бу икки исқиртни қўлга олишни мақсад қилиб қўйди. Шу кунларда қамоқдан чиқиб, унинг сафига қўшилган қайноғаси Саша Хватов бу аблаҳларни бир вақтда қатл этишга Фуломни кўндирди.

Саша бўлиб ўтган ҳодисалардан даҳшатга тушган, синглисига нисбатан қилинган зўрликларни

кечирмаслигини, агар Фулом бу интиқом онини чўзадиган бўлса, бир ўзи дарҳол ишга киришишини билдирди. Шу сабабли Фулом ҳам бу экзекуцияни чўзиб ўтиримасликни, айбдорлар дарҳол жазоланишини лозим топди.

Фулом ва Саша бир машинага ўтириб, “Астория” ресторанига, иккинчи машинада эса Герасим ва Аким бозорга жўнашди. Пархоменко бугун эрта билан соат тўққизда навбатчиликдан бўшаши, Вагин эса тонг саҳарлаб бозорга йўл олиши уларга маълум эди.

Фулом Пархоменкони ресторандан сал нарироқда кутиб турди. У соат тўққиз яримларда ресторандан чиқиб, “Русский чай” кафесига қараб юра бошлади. Йигитларининг берган маълумотларига қараганда, Пархоменко ҳар навбатчиликдан сўнг эрта билан нонушта қилиш учун шу ерга кирар, блинчик, қаймоқ билан қорнини тўйгазиб, кейин уйига кетаркан. Фулом уни кафега етмасдан қўлга олишни лозим кўрди, чунки бу пайтда кўча гавжум, бошқаларнинг эътиборини тортмасдан уни машинага тиқиб, олиб кетиш мумкин эди. Дарҳақиқат, Пархоменко йўл-йўлакай папирোসини тутатмоқчи бўлиб турганида, шундоққина олдида машина тўхтади. Бир зумда машина ичида оғзига тиқин тиқилган, қўлларига эса кишан тақилган ҳолда турганини сезмай ҳам қолди. Машина бирдан қўзғалиб, Чуд қўли томон жўнаб кетди...

Бозорга борган Герасим Вагиннинг патта пули ундираётганлигини биров кузатиб турди-да, сўнгра Акимга имо қилди. У Вагиннинг олдига келиб, сигаретини унинг папиросидан тутатиб, астагина анча пул ишлаб олса бўладиган маҳсулот борлигини билдирди. Унинг шунақа нарсаларга ўчлигини, турли одамларнинг маълум фоиз ҳисобига ҳожатини чиқариб юриши тўғрисида мукаммал маълумот олинганди. Вагин қизиқиб сўради:

- Қанақа юк, мендан қандай ёрдам керак?
- Ўрта Осиёдан бир вагон қовун-тарвуз келтирилган, бозорларга тарқатиш керак, — деди Аким.
- Менинг хизмат ҳақим қанча бўлади? — сўради Вагин.
- Бу юкнинг устида тўрт киши бўлади, нархи қанча қиммат бўлса, устидагиси шу тўрт кишига тенг миқдорда

бўлинади. Юк эгасига бериладиган маблағ ҳажми келишилган, — деб жавоб берди.

— Юк қаерда, уни кўришим зарур?

— Маҳсулот кечаси келган, ҳозир темир йўлдаги товар станциясида. Агар бориб кўрмоқчи бўлсанг, машина бор, бир соатда барча нарсаларни келишиб олиб, юкни тақсимлаб ташлаймиз. Эгасига маҳсулотнинг пулини икки ҳафтада оласан, деб ваъда қилганмиз, чунки у ўзимизнинг Ўзбекистондаги ҳамкоримиз, доимо бирга ишлаймиз.

Бундан икки йил олдин Вагиннинг тумшуғидан худди шундай юкни бошқа ҳамкасабалари юлиб кетишган, яхшигина ишлаб олишган, бу унга қаттиқ алам қилганди. Улар ҳам темир йўл станциясидаги юкни бориб кўришган ва зудликда савдо шахобчаларига тақсимлаб ташлаган, бир ҳафтадан сўнг мол эгасига тегишли пулни бериб, ўзлари ҳам молнинг умумий қийматининг тўртдан бирини ишлаб олишганди. Ҳатто ҳамкасабаларини ресторанга таклиф қилиб, бу омадли ишни ювишган ҳам эди.

У мурожаат қилганларга ўн беш дақиқа кутиб туришларини илтимос қилди. Патта пулини топшириб, унга бириктирилган жойга ҳамкасабалари қараб туришини тайинлаб чиқишини айтиб, бозор дирекцияси жойлашган бинога кетди. Дарҳақиқат, орадан ўн беш дақиқа ўтгач, у келишилган учрашув жойига келиб, машинага ўтирди. Герасим машинага қалбаки, ГАИ органларининг рўйхатида бўлмаган рақамни тақдирган эди. Улар вокзал тарафга қараб ҳаракатлана бошлашди. Одам йўқ жойга келганда Аким унинг бошига тўппонча қўндоғи билан туширди ва оғзига тикин тикиб, қўлига кишан тақиб қўйди. Машина ортга бурилиб, Чуд қўлига йўл олди. Қўлга етиб келишганида Фулом тоқатсизланиб, қўл соатига қараётганининг гувоҳи бўлишди.

Герасимнинг бошқа йигитлари қўл-оёқлари боғланиб, огзиларига эски латта тикилган икки назоратчи аёлни ҳам манзилга аллақачон, булардан анча олдин етказишган, чунки уларни иссиқ ўринларидан туришлари билан қўлга олишганди. Фулом машина келаётганини кўриб, енгил нафас олди. У ҳамон аёлларга қандай жазо беришни билмасди. Икки тутқун машинадан туширилиб, тиз чўккалатилди. Шу пайт юк машинасида ёғочдан ясалган иккита тобут келтирилди.

Тобутни кўрган бандиларнинг кўзларидан ёш оқар, оғзиларига кляп тикилгани учун фақат имо-ишоралар билан гапиришга ҳаракат қилишарди. Саша машинадаги икки аёлни ҳам тепиб, уриб, уларнинг олдига чўккалатиб қўйди. Фуломнинг, нега уларни машинадан туширдинг, деган саволига шундай жавоб берди:

— Сени тушуниб турибман, Граф, буларни нима қилишни билмаяпсан, чунки аёл деб ўйлаяпсан. Булар — аёл эмас, КПЗ назоратчилари, мана бу садистларнинг шериги. Аввал ўз кўзлари билан шерикларининг қандай қатл этилишини яхшилаб томоша қилиб олишсин, сўнгра, қўрқма, аёл кишини ўлдиришга қўлингни урмайсан, мен буларни Чуд кўлига тириклайин чўктириб юбораман, шунинг учун мана бу темир тўрни ва иккита 32 килограммли тошларни ҳам олиб келганман. Бу қанжиқлар тождор ўғрининг жуфти ҳалолига зулм қилиш ўзига ўлим тилаб олиш билан барабар эканлигини билиб қўйишсин, — деди йиғлаб турган аёлларга қаҳрли кўзлари билан қаради ва башараларига тупурди.

Фулом бироз ўйланиб турди-да, сўнгра Марина менга хотин бўлса, унга туғишган сингил, бу — оилавий иш. Майли, билганини қилсин, деган хулосага келди. Фулом асирларга қарар экан, Пархоменконинг анча бақувват йигитлигига эътибор берди. Иккала асирнинг оғзидан тикинни олишни буюриб, уларга шундай деди:

— Мен Графман, хотинимни қийнаб, бўлажак фарзандимни ўлдирдинглар. Маринани эса бир умрга ногирон қилдиларинг, энди у она бўлиш бахтидан маҳрум бўлибди. Шунда мен сенларни тириклайин кўмаман, деб Тангри номи билан қасам ичганман ва шундай бўлади ҳам. Аммо яна бир қарорга келдим, сенлар билан яккама-якка олишаман, агар енгиб чиқсаларинг, тўрт томонларинг қибла, кетаверасанлар, енгилсаларинг, тириклайин тобутга тиқиб, мана шу ерга кўмиб юбораман. Шундай қилсак, адолатли бўлади.

Бу сўзларни эшитган иккала банди ҳам қалтираб, уларни милиция ходимлари шу ишни қилишга мажбур қилишганини айтиб, узр сўрай бошлашди.

— Олишасанларми ё тобутга кириб, ўлиб кетасанларми? Сенларга ўйлашга бир дақиқа муддат бераман, вақт кетди, — деди. Бир дақиқа вақт ўтгандан сўнг майдонга ярим-яланғоч

бўлиб олган Фулом ва Пархоменколар чиқишди. Фулом унинг кўнглини кўтариб, ҳужум қилишга ундар, у ҳам пайт пойлаб яхшилаб уришга ҳаракат қиларди. Икки рақиб қандайдир беш дақиқа ичида бир-бирларига бир неча бор мушт туширдилар.

Фуломнинг бундай иш қилиши сабаби, рақиблари қўлга тушгунча уларга нисбатан қаҳр-ғазаби чексиз, энди эса раҳми кела бошлаганди. Шу сабабли бир-икки мушт еб, ғазабини тикламоқчи, сўнгра уларнинг баҳридан ўтмоқчи эди. Шу пайт Пархоменко усталик билан унинг чап иягига мушт туширди, афтидан, у бекорга ресторанда соқчи эмасди, урушиш усулларида машқ олганлиги сезилиб турарди. Энди Фуломнинг нафрати кўзиганди, ўзининг “қайчи” усулини ишлатишга, аммо дарҳол ўлиб қолмайдиган даражада ҳужум қилишга қарор қилиб, қулай вазиятни кутиб, ёлғондакам хуруж қила бошлади. Герасим эса бир чеккада шогирдининг “қайчи” усулини қандай қўллашини пойлаб турарди. Унда Фуломнинг айнан шундай қарорга келганига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди.

Ниҳоят, рақибни кучли зарб билан Фуломнинг юз-кўзи аралаш солди. Ўзини бир чеккага олган Фуломнинг иккала оёғи яшин тезлигида осмонга кўтарилиб, рақибнинг халқумига тушди, синган тоғай ва суяк товушлари эшитилди. Пархоменко бирпас нафас олишга ҳаракат қилиб, оғзини очганича ерга қулади. Фуломнинг йигитларидан икkitаси уни судраб, тобутга солишди ва ҳеч нарса демай устидан қопқоғини ёпиб, миҳлай бошлашди.

Вагин шафқат қилишни илтимос қилиб йиғлай бошлади. Яккама-якка олишмаслигини айтиб, ҳаётини сақлаб қолишларини сўраб, Фуломнинг оёқларини ўпа бошлади. Бу аянчли ҳодисани кузатиб турган Герасим Акимга имо қилди. У тўппонча қўндоғи билан Вагиннинг чаккасига урди, йигитлар уни ҳам тобутга жойлаб, қопқоғини миҳлай бошлашди. Иккала тобутни ўн қадамлар нарида қазилган чуқурга ташлаб, устидан тупроқ тортиб, текислаб ташладилар.

Бу воқеани ўз кўзлари билан кўриб турган назоратчи аёллар оғзиларидаги тикинни чиқаролмай, йиғлашга тушишди, биттаси ҳатто ҳушидан кетди. Саша уларнинг бўйнига тош осилган сим халталарни кийдириб, йигитлари

ердамида қирғоқдаги қайиққа жойлади ва эшкакни эшиб, кўлнинг ўртароғига сузиб кетди. Қирғоқдан 150—160 метрлар нари сузиб бориб, иккала аёлни ҳам кўлга чўктириб юборди. Орадан ўн беш дақиқа ўтмасдан қирғоқда ҳеч ким қолмади...

Вахрушевга икки назоратчи аёл ва агентлар йўқолганлиги ҳақидаги ахборотни айтганларида, у шундай изоҳ берди:

— Ҳа, худди шундай бўлишини билган эдим. Графнинг қамоқдан қочиши билан бу икки қотиллик бир звенога бориб тақалади, чунки у ўзига етказилган руҳий ва жисмоний жароҳатни асло кечирмайди. Энди бу агентлар ва икки аёлни қидириб овора бўлманглар, у уларни ё кўлга чўктирган ёки одам топмас жойга кўмиб юборган, бундан бошқа нарсa бўлиши мумкин эмас.

Унинг тахминий айтган бу фикрлари қанчалик ҳақиқатга яқинлигини ўзи ҳам билмасди.

— Ўлганларнинг жасадларини энди топиб бўлмайди, — деди бироз сукут сақлаб Вахрушев ва сўзини давом эттирди, — чунки айнан шу одамлар унинг хотини билан шуғулланган эдилар. Аммо уларнинг исм-шарифларини ким Графга айтдйкин?

Уни ана шу муаммо ўйлантириб қўйди, аммо бу саволга ҳар қанча жавоб изласа ҳам, тополмади. Шу интиқом билан ушбу масалага чек қўйилди, безовта кўнгил бироз бўлса-да ором олди.

Вахрушев ҳам анча эҳтиёткор бўлиб қолди, чунки хотини Графга ким сўроқ қилганлигини айтганлигидан ҳадиксираб юрар, имкони борича кўчага бир ўзи чиқмасликка ҳаракат қиларди. Вахрушев табиатан қўрқмас, жасур, уруш ўт-оловида қайнаган, фронтда Ички кўшинлар дивизияси разведка бўлимини бошқарган одам эди. Лекин у пайтда қаршингда душман турганлигини аниқ биласан, бу ерда эса тождор ўғрилар томонидан қачон, қаерда зарба берилишини билмайсан, деган ўйда ташвишланиб юрарди. Аммо тождор ўғрилар ўзларига муносиб рақиб бўлган изқуварларни сабабсиз ўлдирмасликларини билмасди. У қарийб бир йилгача ўзига суиқасд қилинишини пойлаб, сергак ҳолда юрди, аммо тождор ўғрилар унинг бу иши касбий бурчи эканлиги учун айбдорлардан олган интиқомларини етарли деб ҳисоблаб, уни тинч қўйишга қарор қилишганди...

XIV фасл. НИКИТИН ЁКИ “ҚОРА МУШУК” ГУРУҲИНИНГ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛИШИ

1950 – 1952 йилларда Москва, Ленинград, Киев, Саратов ва бошқа катта-катта шаҳарларда турли босқинчилар гуруҳи томонидан раҳмсизларча одам ўлдириш билан амалга оширилган оммавий қароқчилик авж олди. Кўчаларда сал қоронғилик тушиши билан ёлғиз юрган одамларга босқинчилик тажовузлири ҳақидаги ахборотлар кетма-кет милиция органларида қайд қилинар, аммо уларга қарши олиб борилаётган кураш сезиларли самара бермасди.

Ленинград ва Москва шаҳарларида жиноий ҳолат ниҳоятда кескинлашиб кетди. Ўша пайтларда НКВД ва Давлат хавфсизлик қўмитасига раҳбарлик қилаётган Лаврентий Берия қандай қилиб бўлса ҳам, ушбу босқинчи гуруҳларни ҳибсга олиш ва судга беришни ташкил этиш бўйича муовинларини сиқув остига олган эди. Чунки пойтахт ҳамда Ленинграддаги жиноий аҳвол қандайдир йўллар билан Сталинга етиб борган, давлат раҳбари эса у бошчилик қилаётган маҳкаманинг ишидан ўта норозилигини расмий равишда Сиёсий бюро йиғилишида айтиб ўтганди.

Айниқса, ҳаммани даҳшатга солган “Қора мушук” гуруҳи томонидан амалга оширилган босқинчилик жиноятлари натижасида ўнлаб бегуноҳ қоровуллар, инкассаторлар, милиция ходимлари ўлдириб юборилди. МУРнинг мана-ман деган изқуварлари ҳам бу босқинчилик, қотилликларнинг изига тушолмас, ҳар куни бирор райондан “Қора мушук” гуруҳининг жиноятлари рўйхатга олинарди. Бу қотиллик, босқинчилик жиноятларини айнан бир гуруҳ амалга ошираётганлигини уларнинг жиноят содир этилган жойда ўз белгиларини қолдириб кетишларидан билса бўларди. Масалан, ГУМ, “Болалар дунёси” савдо тармоқлари омборхоналарининг қоровуллари ўлдирилиб, қулфлари бузилиб, моддий қийматга эга бўлган кийимлар, заргарлик буюмлари ўғирланиб, сўнг қора мушук расми чизилган кичкина картон қоғозчалар ташлаб кетилган.

Бу гуруҳни қўлга олиш учун Ички ишлар комиссарлиги, МУР ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳозиргача бирор ижобий натижа йўқ эди. Бунинг устига, шу ҳудудларда яшаётган тождор ўғриларнинг вакилларида бир нечтаси ҳам ўлдириб юборилди. Бу тождор ўғрилар дунёсини ҳам беҳад ташвишга сола бошлади. Бир нарсага эътибор бериш керакки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан тождор ўғрилар орасида қандайдир боғлиқлик борлиги доимо сезилиб турарди. Ушбу гуруҳни зарарсизлантириш мақсадида улар тождор ўғриларга Адмирал билан учрашмоқчиликларини билдирдилар, бу ҳақда ҳатто энг юқори лавозимли давлат раҳбарларининг розиликларини олишган деган фаразлар ҳам бор эди. Ниҳоят, ички ишлар комиссарлиги қамоқхонада ўтирган ва озодликда юрган тождор ўғриларга мурожаат қилиб, ана шу босқинчилар гуруҳи тугатилишига амалий ёрдам бериб юборишларини илтимос қилишди. Шу муносабат билан, ҳатто Адмирал пойтахтта бориб, “Бир дақиқа” деб номланган кафеда Ички ишлар комиссарлиги вакиллари билан учрашиб қайтди. У бу гуруҳни тождор ўғрилар томонидан зарарсизлантиришга ваъда берган бўлса-да, аммо уларнинг раҳбарларини расмий ҳукумат вакилларига тутиб бериш каби қабиҳ ишни қилмаслигини билдирибди. Айнан шулар томонидан Москвадаги тождор ўғрилар вакили, Турк лақабли, онаси рус, отаси кавказлик бўлган Сеня Тагиевга суиқасд уюштирилиб, ўлдириб юборилганлиги гумон қилинганди. Бу эса Адмиралга нисбатан чақириқ эди.

Адмирал бор кучини ишга солиб, бу гуруҳнинг одамларини, раҳбарларининг исм-шарифлари, яшаш жойлари, малиналарини аниқлашга топшириқ берди. Агентларнинг берган маълумотларига қараганда, “Қора мушук” босқинчилар гуруҳининг раҳбари Никитин дегани экан. Аммо бу одам жиноят оламида янги бўлиб, на тождор ўғрилар, на ички ишлар органларида у ҳақида бирорта ҳам ахборот йўқ эди. Бу гуруҳ бирор ой Москвада жиноят содир этиб, сўнгра бирданига йўқолар, кейин Ленинградда пайдо бўлиб, айнан шундай босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириб, яна йўқ бўлиб қоларди. Орадан сал фурсат ўтмай уларнинг излари Киев, Саратов, Рязань шаҳарларида қайд этиларди. Афтидан, бу гуруҳнинг вакиллари ушбу шаҳарларда ҳам бор эди.

Адмирал тождор ўғриларга уларнинг алоқаларини топишга буйруқ берар, аммо қилинган ишлар ҳанузгача натижа бермаётганди. Шу сабабли Адмирал ҳийла ишлатишга қарор қилди. У ломбардга катта миқдордаги олтин буюмлар гаровга қўйилди, деб овоза тарқатди. Аслида, шундай қилинди ҳам, аммо қўйилган буюмларнинг аксарияти қиймати паст, бронзадан ишланган заргарлик тақинчоқлари эди. Ломбард доимий равишда ички ишлар органларига сигнализация билан уланган...

Ломбардга Адмирал жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамларидан қоровуллар тайинлади. Ушбу гуруҳ раҳбарлигини Герасим ўз зиммасига олди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Герасим ойна пардаси ортидан ломбард кузатувга олинганлигини қайд этди. Бу одамлар жиноят оламига нотаниш кимсалар эди. Кунора ломбард қаршисида “Москвич” ёхуд “Победа” русумли машина пайдо бўлар, ҳеч кимга билдирмай айнан тўрт-беш киши кузатув ишларини олиб борарди. “Демак, — деб ўйлади Герасим, — ҳали замон ломбардга хужум уюштирилади, тайёр туриш керак”.

Ломбардга кузатув бўлмаган вақтда Фулом ўз гуруҳи билан ичкарига кириб жойлашди. Қоровул кечаси соат бирларда худди чой ичкиси келгандек бўлиб, темир чойнакни кўтариб, сув тўлдириш мақсадида ҳожатхонага йўл олди. Бу ҳаммаси Герасимнинг буйруғи билан қилинаётган, чунки ломбарднинг тепасидаги шахсий уйдаги кузатувчи унга маълум бўлган ишоралар билан мунтазам ахборот бериб борарди. Унинг маълумотига қараганда, ломбард олдида уч марта қайд қилинган “Москвич” русумли машина кўчанинг нариги бошида тўхтаган, ичидан тўрт киши тушиб, манзилга қараб юра бошлаганди. Герасим ломбарддагиларга жанговор ҳолат эълон қилди.

Шу пайт электр энергияси ўчирилди. Аввалдан тайёрлаб қўйилган фонусларни ёқишга рухсат бермай, фақат қоровулхонаникени қолдиришга изн берди. Бироздан сўнг ломбарднинг ташқи эшиги тарақлаб очилди, афтидан, лом билан қулфлари синдирилган ва куч билан итарилганди. Ломбард ичига бостириб кирган одамлар бир қўлларида фонарь, иккинчисида эса тўппончаларни ўқталиб, қўлингни кўтар, деб бақирди. Аммо ўзларига қараб ўқталган бир

нечта тўппончаларни кўриб, аввалига саросимага тушишди, биттаси эса бор овози билан “полундра”, деб бақирди ва ўт очмоқчи бўлди. Аммо уларнинг орқасидаги антресол устидаги қўл ҳаракатга келиб, қурол уриб туширилди. Шундай бўлса-да, бир неча ўқ отилишга улгурилди.

Ломбард ичидагилар яхши муҳофазаланган жойларидан жавоб ўқини уздилар. Босқинчилардан иккитаси ерга йиқилди, биттаси қорнини ушлаганича оғриқдан юзи буришиб энгашиб турарди. Фақат биринчисининг қўлидан тўппончаси уриб туширилган, жароҳат олмаган, қўли қайрилганда, елкадаги суяклари ғижирлаб кетганди, холос. Тўда эшикни бузишга киришган пайтда, иккинчи гуруҳ томонидан автомашина ҳайдовчиси ва кўчада “шухер”да тургани қўлга олинган ва машина рулига бошқа ҳайдовчи ўтирганди. Ўлган ва ярадорлар ломбардда қолдирилиб, жароҳат олмагани машинага тиқилди ва учта транспорт воситаси белгиланган манзилга тезликда жўнади. Герасим ярадорни ҳам олиб кетиши мумкин эди, аммо унинг умри саноқли дақиқалардан иборат эканлиги бир қарашдаёқ маълум, чунки қон фонтан бўлиб отилмоқда. Афтидан ўқ йирик артерия томирига теккан, бундай жароҳатдан инсон кўпи билан йигирма дақиқа яшар, сўнгра ҳушидан кетиб, жон таслим этарди.

Улар тўғри Фин кўрфазидаги яширин хонадонларига йўл олишди, чунки бу ерда маҳбусни вақтинчалик сақлашга мослаштирилган ертўла мавжуд эди. Бу вақтда Литейний-8 нинг ходимлари ломбард ичида ҳалок бўлган жасадларни машинага ортиб, моргга жўнатишга тайёргарлик кўришаётганди. Улар бу ишни Адмирал амалга оширганини билсалар-да, иккита жиноий гуруҳ жанжаллашиб қолган, деган расмий маълумотни тарқатишди.

Манзилга етиб келишлари билан Герасим вақтни ўтказмасдан бандини сўроқ қилишга тушди. Бошида кеккайиб, берилган саволларга жавоб бермаган босқинчи, Фуломнинг муштларини татиб кўргандан сўнг шундай булбилигўё бўлиб кетдики, ўғрилар ушбу гуруҳ, унинг раҳбарлари, Москвадаги малиналари тўғрисида мукаммал маълумот олишди. Маълум бўлишича, гуруҳ раҳбари — Анатолий Никитин, тахминан қирқ ёшлардаги одам. У Москвадаги Кашира шоҳкўчаси, 48/4-уйда яшайди.

Бу манзил Москванинг энг чеккасида бўлиб, эндигина шу атрофда кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда, шу сабабли Никитин малина учун бошқа ердан уй-жой қидираётган экан. Никитиннинг олтига тўрт-беш кишидан иборат бўлган тезкор гуруҳлари бўлиб, улар Москва, Ленинград, Киев, Саратов, Рязань атрофларида иш олиб боришаркан. Ҳатто бир марта Шимолий Қозоғистонга ҳам бориб, жиноят содир этиб, катта ўлжа билан қайтишган. Никитин доимо ўзининг малинасида Катка красавица билан бирга бўларкан, атрофида мунтазам иккита қоровули бор. Қўлга тушган гуруҳда олти киши бўлиб, Никитиннинг топшириғига мувофиқ ломбардни ўмаришга келишган. Ахборотни Никитин қаердан олганлигини билмаслигини айтди.

Бу ишни амалга ошириш учун Никитин уларга икки ҳафта вақт берган, сўнг Москвага қайтиб, бу рейд натижалари ва олинган қимматбаҳо мулк бўйича унга ахборот беришлари ва ўзларига тегишли улушлари, яъни ярмисини ўзаро бўлишиб олишлари керак эди. Ўлдирилганлар Гаврилов, Самохин, Кузнецовлар. Ҳайдовчининг исми эса Буркин, Ленинград шаҳридан, “Москвич” машинаси — унинг шахсий мулки. Бу автомашина ҳужжатларидан ҳам кўриниб турарди. Бир соатдан ортиқ ўтказилган терговда Павлов Герасим ва Фуломларни анча нарсадан воқиф қилди. Бу гуруҳнинг алоҳида хислати ёки одати босқинчилик қилган жойда, албатта, тирик гувоҳларни қолдирмасди.

Олинган маълумотлардан Герасим дарҳол Адмирални хабардор қилди. Одатига хилоф равишда Адмирал ҳаяжонланган пайтларда сигара ўрнига трубкасини чекар, ахборот бераётган одамга ҳар замонда ўзига тўлиқ тушунарли бўлмаган ҳолатларига аниқлик киритиш учун қўшимча саволларни беради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Адмирал тўрт марта Герасимдан гуруҳ бўйича баъзи бир тафсилотларга аниқлик киритишни талаб қилди. Шундан сўнг Адмирал бир нуқтага тикилганича, узоқ муддат ўйланиб қолди, Фулом ҳатто уни ухлаб қолмадимикин деган хаёлларга ҳам борди, чунки орадаги сукут деярли йигирма беш дақиқага чўзилди. Ниҳоят, у бир қарорга келди, шекилли, Герасим ва Фуломларнинг кўзларига бир-бир қараб олиб, деди:

— Герасим, Граф, бу гуруҳнинг раҳбарини ҳам, аъзоларини ҳам зудлик билан йўқотиш керак, акс ҳолда,

улар тез кунда Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларда ўз ҳокимиятларини ўрнатишади. Қаранглар, Никитин ҳеч нарсадан чўчимасдан ана шундай катта шаҳарларга гастролёрларини юбормоқда, афтидан, жуда ботир йигитга ўхшайди. Эҳ, босқинчилик қилмасдан, одам ўлдирмасдан ўғрилиқ қилганда, сафдошимизга айланарди, афсус, у бошқа йўлда, биз эса бошқа йўлдамиз, начора орадан кўтариб ташлашга тўғри келади. Аммо жуда эҳтиёт бўлиш керак, тавсифномаларингга қараганда, ҳеч нарсадан қайтмайдиган кўринади. Шунинг учун операция режасини мукаммал ишлаб чиқинглар, сўнгра шароитга қараб ўзгартиришлар киритасизлар, тушунарлими? Ҳа, айтгандек, обшагининг маблағларини ҳам мусодара қилиш эсларингдан чиқмасин, ахир, нариги дунёда унга пул керак бўлмайди...

Герасим ва Фулом ўз одамларини олиб, пойтахтга йўл олишди. Вокзалда шубҳа туғдирмаслик учун гуруҳ раҳбарларини Москва шаҳрида вақтинчалик смотряший вазифасини бажарувчи, Адмиралнинг анча ёшларга бориб қолган сафдошларидан “Батка” лақабли Григорий Михайлов кутиб олди. Қолганлар метро орқали айtilган манзилга ҳар хил вақтда кириб боришди.

Аслида, Баткага бу вазифа ҳеч ҳам керакмас, ўз билганича яшар, орттирган бойлиги анча вақтга етар, бундан ташқари, бир қисм маблағини хорижий компанияларнинг акциясига тикиб қўйган, ўшандан келадиган дивидендлар унинг бемалол ҳаёт кечиришига имкон берарди. У тождор ўғри сифатида бола-чақа орттирмаганди. Табиатан Михайлов жанжални ёқтирмас, доимо тинчлик тарафдори, шу сабабли босқинчи гуруҳлар ҳам уни ҳурмат қилишарди. Ўғрилар орасидаги гапларга қараганда, унга шу лавозимни таклиф этишганда, дарҳол салбий жавоб олишган, ҳатто Адмиралнинг ўзи шахсан Москвага келиб, ҳеч бўлмаса, шу мансабни вақтинчалик эгаллаб туришига аранг кўндирган дейишади, чунки бу пайтда Володя Московский ҳибсга олинган эди.

У меҳмонларни Балашихадаги дала ҳовлисига жойлаштирди. Батканинг дала ҳовлиси камтарона бўлиб, атрофдагилардан фарқ қилмас, фақат саҳни анчагина кенг экан, холос. Дала ҳовли қуюқ ўрмон ичида жойлашган,

баҳаво, бир чеккасидан булоқ сувлари оқиб ўтарди. Улар йиғилишгандан сўнг тушлик келтирилди, оддий рус солянкаси, котлет, картошка, қўзиқорин ва стол устида турли ичимликлар бор эди. Овқатланиб бўлишгандан сўнг уй эгаси Герасим ва Фуломни алоҳида хонага таклиф этди.

— Герасим, Адмирал қўнғироқ қилганда жазо гуруҳининг нима сабабдан пойтахтга юборилаётганини идрок қилганман. Дарҳақиқат, бу йигитчани бир тартибга чақириб қўйилмаса, ҳали замон яна кўп қотилликларни амалга оширади, ҳалдидан жуда ошиб кетди, — деди. Бу мулоҳазани эшитган Герасим ва Фулом бир-бирларига маъноли қараб олишди, чунки Адмирал Михайловга қўнғироқ қилганда улар унинг ёнида, аммо қирол жазо гуруҳини пойтахтга қандай мақсадларда юбораётганини айтмаганди.

— Энди, — деди сўзини давом эттириб Батка, — Никитинни зарарсизлантириш учун унда етарли асослар йиғилганга ўхшайди, шундайми? Мана бу мушти темир, оёғи босқон йигитчанинг Москвага юборилиши, ана шу интиқомни амалга ошириш учунлигини дарҳол сезганман, — деб Фуломга қараб қўйди.

— Григорий амаки, бизга бу гуруҳ ҳақида зарур маълумотлар даркор, унинг ўзини ва имкони борича гуруҳини тўлиқ зарарсизлантиришимиз керак, — деди Герасим.

Михайлов тамакидонини очиб, газета парчасига махорка ўраб, тутатди. У ҳеч қачон папирос ёки сигарета чекмас, фақат ўткир, ўзи учун махсус тайёрланадиган тамаки махоркасига ўрганган, чунки бўлиб ўтган даҳшатли урушда шунга одатланганди. Сўнгра у эшик тарафга қараб қарсак чалди. Эшикдан ҳаракатчан, доимо кулимсираб турадиган бир йигитча кириб, ўтирганларга салом берди. Бу Михайловнинг Верний лақабли шахсий котиби ва разведкасининг бошлиғи эди. Сидор Саломенцев пойтахтнинг смотрящийси Володя Московскийда ҳам айнан шу вазифани бажарган. У турли мухолиф гуруҳлар бўйича ахборотлар йиғиб, умумлаштириб, таҳлил қилиб сўнгра раҳбарига манзур бўладиган турли таклифларни бериб турарди. У савол назари билан унга қаради. Михайлов стулга имо қилди, ўтиргандан сўнг:

— Сидор, Никитин ҳақида йиққан ҳужжатларинг бўйича меҳмонларга батафсил ахборот бер, — деди хонадон соҳиби.

— Анатолий Никитин, ёши ўттиз саккизда, судланмаган, ҳатто бирор марта жиноий жавобгарликка тортилмаган, урушда қатнашмаган, чунки таъминот тизимида хизмат қилганлиги учун брон берилган. Ҳатто ўша даврда Ленинград қамалига озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда алоҳида жонбозлик кўрсатгани учун “Ленинград мудофааси учун” медали билан мукофотланган. Таъминот соҳасида ишлагани туфайли Москва ва бошқа катта шаҳарларга келтирилаётган кўплаб ноёб, тақчил талабгор моллардан хабардор бўлса керак деб гумон қилинади. Унинг гуруҳ аъзолари маҳсулот савдога келтирилган ёки омборхонага туширилган кунёқ тозалаб кетишади, бирорта гувоҳни тирик қолдиришмайди. Ҳозиргача улар ўттиз тўққизта ана шундай босқинчилик ва талончилик жиноятларини амалга ошириб қарийб элликдан ошиқ одам ўлдирганлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам уларни қўлга туширолмаганлар.

Ишхонасидаги касбдошлари орасида катта обрўга эга, ҳеч ким уни ана шундай ишлар билан шуғулланади деб гумон қилмайди. Иккинчидан, бу гуруҳ ниҳоят даражада конспирацияга риоя қилади. Аниқлашимизча, гуруҳида ўттизга яқин одами бўлиб, 5 — 6 кишилик бўлинмаларга бўлинган, уларнинг аксарияти уч кунда бир марта навбатчилик қиладиган давлат корхоналарида ишлашади. Йигитларининг кўпчилиги ҳарбий хизматда бўлган, оилали, шунинг учун ички ишлар органларида улар тўғрисида бирорта маълумот йўқ. Никитин фақат гуруҳ раҳбарлари билан конспирацияга риоя қилган ҳолда учрашади, топшириқ беради. Гуруҳлар ниҳоятда тезкор, шафқатсиз ва ҳар қандай жиноятни амалга оширишга қодир. Катта-катта шаҳарларда таянч нуқталари ва ишончли одамлари мавжуд.

Эшитишимизча, фақат битта доимий сайёр гуруҳи бормиш, унда шундай одамлар жамланганки, ҳаммасида уруш ногирони, деган ҳужжатлар мавжуд. Ана шу гуруҳгина доимий равишда ишламасмиш ва турли шаҳарларда босқинчилик қилиб, сўнгра ўмарган моддий бойликларни жойида барахолшиқларга пуллаб, Москвага қайтишаркан, аммо бу миш-мишлар ҳам тасдиқланмаган.

Берган ахбороти ўтирганларга қандай таъсир этганини билмоқчи бўлдимиз ёки гапни нимадан давом эттиришни мўлжалладими, бироз сукут сақлаб, деди:

— Анатолий Никитин Кашира шоҳқўчаси, 48/4-уйда яшайди. Уйида мунтазам икки қўриқчиси ва Катя исмли гўзал аёли бор. У охириги йилларда бир баҳона топиб, ёзиб-чизиб юрадиган ишга ўтиб олган, шу сабабли хориждан ва бошқа республикалардан келаётган товарлардан доимо воқиф ва уларни ўмариш учун гуруҳ раҳбарларига тайёр режани тақдим этади, улар эса босқинчилик ҳаракатларини амалга оширишади. Никитин бирорта жиноятда шахсан иштирок этмайди, бу — унинг кредоси. Дала ҳовлиси 25/2 дейилишига сабаб, бу квадратда Москва шаҳар ижроқўмига қарашли тўртта дала ҳовли жойлашган, уларнинг учтаси масъул ходимларга ва Анатолий Никитинга ажратилган, бу ерларда фақат вазирлар, давлат арбобларининг дала ҳовлилари жойлашган.

Шу туфайли Никитиннинг малинаси махсус ошхонада бўлиб, гуруҳ раҳбарлари билан Можайск проспектидаги “Миру мир” кафесида учрашади ва топшириқ беради. Кафенинг раҳбари ҳам Никитиннинг одами — ҳамтовоғи ҳамда агенти. Кафенинг бу манзилга жойлаштирилишига сабаб Москвага шарқ, жануб томондан юк олиб келаётган катта машиналар шу ерда тўхтаб, албатта, “Сибирь чучвараси”ни еб кетишади. Фақат шу ерда бу овқатни жуда мазали қилиб пиширишади.

Кафенинг орқа тарафида махфий учрашувлар учун қулай бўлган бир қанча хонадон бўлиб, икки тарафдан — йўлакдан ва ўрмон томондан кириш мумкин. Унинг гуруҳи раҳбарлари ўрмон томондан келишиб яна топшириқни олгач, шу ердан чиқиб кетишади. Шунинг учун кафедрагилар уларни ҳеч қачон кўришмайди. Биздаги маълумотларга қараганда, ҳар шанба кун улар шу ерга йиғилиб, талончилик билан ундирган молларини бўлишади ва янги режа бўйича маслаҳатлашишади.

Герасим ва Фулом Батканинг одамлари шундай батафсил маълумотлар йиғишганидан ҳайратга тушишди, бу маълумотлар уларнинг амалга оширмоқчи бўлган операцияларини анча енгиллаштирарди. Бугун чоршанба,

демак, тайёргарлик кўриш ва бир ҳамла билан гуруҳни йўқ қилиш учун уч кун вақт бор. Фулом бу маълумотлар нима мақсадда тупланганига қизиқди, шунда Михайлов деди:

— Граф, Турк ўлдирилишида Никитиннинг қўли бор деган шубҳага боргандим, шунинг учун унинг ҳар бир қадамини кузатиб юришни топширганман, аммо ҳанузгача бу гумон ўз тасдиғини топгани йўқ. Билмайман, унинг иштироки бўлганми ёки йўқми? Чунки одамларимизнинг берган ахборотларига қараганда, худди ана шу кафедра улар бир ҳафта олдин яккама-якка учрашишган, бир соатга яқин суҳбатлашишган, Турк унга тождор ўғрилар талабини етказган, аммо у рад жавобини берган. Турк кафедран сўкиниб чиққан ва бу талончига ҳали кўрсатиб қўямиз, деган, аммо орадан етти кун ўтмасдан ўз дала ҳовлисида номаълум кимсалар томонидан ўлдириб кетилган. МУР ҳам уларнинг изига тушолмаган ёки қидиришни ташкил этмаган, шекилли. Ана шу кичкинагина келишмовчилик бизларда Туркнинг ўлимида Никитиннинг иштироки бор деган шубҳа уйғотди. Бу гумонни тасдиқловчи бошқа ахборотларга эга эмасмиз. У ёғини ўзингиз хулоса қилиб олаверасизлар.

Бироз ўйланиб турган Герасим “Миру мир” кафесига боришни лозим кўрди. Дарҳол Москвага қатнайдиغان бир катта машина топилиб, унга ҳайдовчилар сифатида Герасим ва Фуломлар ўтиришди ҳамда кафега жўнашди. Кафе, ҳақиқатан, ўрмонга туташ йўл ёқасида жойлашган бўлиб, мўъжазгина экан. Улар столга ўтиришлари билан официант келиб, тушликка буюртма қабул қилиб кетди. Овқатлар Москвага нисбатан арзонроқ, хизмат кўрсатишда деярли фарқ қилмасди.

Герасим ҳожатхонага чиқиш баҳонасида кафенинг ортидаги уйга назар ташлади, аммо бу томонда ўрмон тарафидан келадиган йўл кўринмасди. Шубҳа туғдирмаслик учун столга ўтириб, Сибирь чучварасидан тановул қилишди. Ҳақиқатан, чучвара жуда мазали қилиб тайёрланаркан. Овқатланиб бўлишгандан сўнг Москва тарафга йўл олишди. Навбатдаги чорраҳада катта машинага унинг ҳақиқий ҳайдовчилари ўтиришди, улар эса бошқа енгил машина билан дала ҳовлига қайтишди...

Шанба куни юкни топшириб Москвадан қайтаётган бир гуруҳ ҳайдовчи ва экспедиторлар кафега кириб, базм

уюштиришди. Машиналарни сал наридаги тўхташ жойига қўйган ўн беш чоғли ҳайдовчи ва бешта экспедитор овқат ва ароққа буюртма беришди. Ичкилик кўпайиб кетганидан кўпчилиги ширакайф бўлиб, ҳатто ўзаро жанжаллашиб ҳам қолишди. Ниҳоят, улар ярим кечада тарқалишди.

Бу ҳайдовчи ва экспедиторлар кафенинг доимий мижозлари эди, шунинг учун кафе маъмурияти уларга алоҳида хизмат қиларди. Ҳайдовчиларнинг қўллари очик, ортиқча бир-икки сўм ҳам ташлаб кетишарди. Қоронғи туша бошлаши билан кафенинг ортидаги хонага кираётганлар мунтазам назорат остига олинди. Йўл ўрмон ичидан ўтгани учун маҳаллий аҳоли ўрилган пичанларни тўлиқ қуриши учун шу ердаги сайхонликка тикка қилиб қўйишган, айримлари боғлашга улгурилмаганлиги учун бир ерга тўплаб қўйилган экан. Ана шу пичанлар қулатувчиларга жуда қўл келди. Кечки пайт бирин-кетин ўнга яқин одам уйга кириб кетди. Афтидан, уйда йиғилиш кетаётганди, чунки бир соатдан ортиқ вақт ўтса ҳам, у ердан ҳеч ким чиқмади.

Фақат зинапоядаги йигит зерикканича сигарета тутатиб ўтирар, ҳар замонда қўл соатига қараб қўярди, бу ҳолат тунда кўришга мослаштирилган дурбиндан яққол кўриниб турарди. Ниҳоят, Герасим йигитларга “олға” ишорасини берди. Унинг икки тарафидан писиб кела бошлашди. Айниқса, уйда ит йўқлиги айти муддао бўлди. Йигит шундай хотиржамликка берилгандики, ўз хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирарди. У воқеа қандай рўй берганлигини пайқамай ҳам қолди. Кимдир орқасидан келиб бўғиб, ўрмон ичига судраб кетди. Кейин унга бир-икки мушт тушириб, дарҳол сўроққа тутишди. Йигит жавоб беришдан бош тортди. Унинг оғзига тиккин тикиб, шу ердаги дарахтга боғлаб қўйишди. Саккиз одам уйга яқинлашди. Деразанинг тагидан қулоқ солган “Уха” лақабли йигит, қўлини бўйнига қўйиб, хонада маишат бўлаётганига ишора қилди.

Шу пайт кафеда тўполон бошланди, унинг овози бемалол шу ерга эшитилиб турарди. Хонага бостириб кирган саккиз йигит ўртадаги столда баланд бўйли, кўк кўз, сочлари сийрак бир одам қўлида стакан ушлаганича қадаҳ сўзи айтаётгани устидан чиқишди. Ўзларига қараб тўғирланган тўппончаларни кўрган маст-аластлар аввалига ҳайрон

бўлишди, сўнгра қуролга ёпиша бошлашди. Фулом хонага кириши билан уларни огоҳлантирди: “Жаноблар, салгина ҳаракат қилсанглар, мияларингдан дарча очиб қўяман”.

Аммо ширакайфлардан бири асир қилинишаётганини англаб, “Наган” русумли тўппончани чиқарди, аммо отишга улгурмади. Фуломнинг қўлидаги пичоқ унинг нақ миясига бориб санчилди. Йигитлардан бири қарши ҳужумга ўтмоқчи бўлганлардан яна бирининг қўлига уриб, қуролни тушириб, шундай қайирдики, бечора оғриқдан “онажон” деб бақириб юборди. Икки йигит тўппончани ўқталганча қолганларининг қуролини йиғиб олди. Шундан сўнг Герасим барчаларини ўрмонга ҳайдаб бориш тўғрисида кўрсатма берди.

Ўрмонга етиб келгач, Герасим бир овлоқроқ жойни танлаб, уларни сўроқ қилишга киришди. Биринчи бўлиб Анатолий Никитинни келтиришди. Герасим бир лаҳза унинг кўзларига тикилиб тургач, деди:

— Хўш, Анатолий, Туркни қандай ўлдиртирганингни сўзлаб берсанг, жаҳаннамга қийналмасдан жўнайсан, акс ҳолда, онадан туғилиб, бу дунёда яшаётганингдан минг бор пушаймон бўлишингга юз фоиз кафилман, вақт кетди, қулоғим сенда.

— Сенинг кимлигингни билмайман-у, аммо Туркнинг ўлимида менинг иштироким бўлганлигини олдин исботла, — деб жавоб қайтарди Никитин.

Герасим Никитин айбини тан олмаслигини аввалдан биларди, шунинг учун бошқа асирларни Фуломга сўроқ қилишни топширганди. У ердан дод-вой овозлари келмаслиги учун маҳбусларнинг оғзиларига тиқин тиқилганди. Ўғрилар уларни аёвсиз қийнаб, айбларини бўйнилариغا олишларини талаб этишарди. Ниҳоят, улардан бири тилга кирди. У Турк Никитиннинг буйруғи билан ўлдирилганини ва бошқа тафсилотларни батафсил баён этди. Герасим уни Никитин билан юзлаштирди. Шунда Никитин:

— Сотибсан-да прохвост, сенинг номардлигингни билганимда, аллақачон боболаринг олдига жўнатиб юборган бўлардим. Эҳ, афсус, бу дунёда ҳеч кимга, ҳатто ўзингга ҳам ишониб бўлмас экан. Ҳа, Турк менинг буйруғим билан қатл этилган, бундан ҳеч афсусланмайман. Тирик бўлганимда эди, вақти соати келиб, сенларнинг хашаки Қиролларингни

ҳам жаҳаннамга жўнатиб, Ленинградда тартиб ўрнатган бўлардим, аммо ниятимга етолмайдиган бўлдим-да. Адмирал биринчи бўлиб зарба берди, менинг эса бунга тайёр эмаслигим шунинг ўзидаёқ кўринди, начора, ўлим ҳақ. Агар мумкин бўлса, арқонни менга беринглар, ифлос қўлларингнинг танамга тегишидан ор қиламан, ўзимни ўзим осаман.

Герасим унинг мардлигига қойил қолиб, арқонни қўлига тутқазди. У баланд дарахтга арқонни ташлаб, сиртмоқ қилди, йигитлар уларни асир олган уйдан олиб келган стулни қўйди, устига чиқиб, бир дақиқа атрофга назар ташлаб, сиртмоқни бўйнига илди ва стулни тепиб юборди. Бу воқеани кузатиб турган унинг сафдошлари даҳшатдан кўзларини юмиб, раҳм-шафқат қилишларини илтимос қила бошлашди. Аммо ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ эди. Барчалари бирин-кетин дорга осилди, сўнгра ўша ерга кўмиб юборилди. Шу билан барчани даҳшатга солган “Қора мушук” гуруҳининг фаолияти тугатилди.

Ленинградга қайтганларидан сўнг Адмиралга бўлиб ўтган ишлар ҳақида батафсил ахборот беришди. Фулом Марина билан яна Адмиралнинг қароргоҳида яшай бошлади. Бу орада КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Министрлар Совети Раиси Иосиф Сталин вафот этди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Лаврентий Берия ҳам ҳибсга олиниб, қатл этилди. Давлат хавфсизлик хизмати вазирлиги НКВД таркибидан чиқарилиб, Ички ишлар министрлиги ташкил этилди...

Сўнгги пайтларда Адмирал нимадандир хавотир олиб яшаётганини яқинларидан сир тутмасди. Айниқса, тождор ўғрилар орасидаги тушкун кайфиятдан, шунча меҳнат, машаққат билан қурилган салтанатнинг парчаланиб кетаётганидан афсусланар, ўзича, “балки айб ўзимдадир, балки бу салтанатни бошқара олмаёттандирман” деб ўйлар, турли режалар тузар, аммо бу салтанат ичдан дарз кетганлигини доимо ҳис қилиб юрар ва буни яширмасди ҳам. Худудлар бирин-кетин итоатдан чиқиб, умумий ғазнага келиб тушиши керак бўлган маблағларнинг салмоғи кундан-кун камайиб кетаётганди. Нега шундай бўлаётганлигининг сабабини билолмасди.

Ангел вафотидан сўнг газначи қилиб тайинланган “Интеллигент” лақабли Фрол Марчук ҳар ой берган ахборотига қараганда, Сибирь, Ёқутистон, Сахалин ороли ва Узоқ Шарқдаги баъзи бир ҳудудлар охириги уч ойда газнага бирор сўм ҳам маблағ жўнатишмади. Тождор ўғриларнинг ҳукми энди фақат Россиянинг Европа ва марказий ҳудудларида жойлашган областларга ўтар, ана шу ердан йиғилган бадаллар ва чет эллардаги корхоналарнинг акцияларига тўланадиган дивидендлар ҳисобига яшашарди. Бундай танг аҳвол жинойт олами вакилларида биринчи бор қайд этилаётганди. Адмирал бадал тўловлари кечиктирилган областларга вакиллари жўнатса, ўша пайтда маблағ келар, кейин яна тўхтарди. Бу ҳолни таҳлил қилиб, “Қариб қолдим, шекилли, наҳотки, нафақага чиқадиган вақт келди”, деб ўйларди.

Сталин вафотидан сўнг минглаб жиноий жавобгарликка тортилганларга умумий авф эълон қилинди ва юз минглаб одамлар қамоқдан озод этилиб, ўз уйларига қайтишди. Шу жумладан, жазони ўташ пайтида зоналардан қочиб кетган маҳбусларга ҳам амнистия берилди, албатта. Бу банднинг авф қарорига киритилишида Адмиралнинг юристлари алоҳида хизмат кўрсатишди.

Маҳбусларнинг оммавий равишда озодликка чиқарилиши яна жиноий муҳитнинг оғирлашишига олиб келди. Ўғрилик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик, қаллоблик каби жинойтлар сони кескин ошди, бу иллатларга қарши курашишда ички ишлар ходимларининг ожизлиги сезилиб қолди, чунки оммавий тус олган бу жинойтларнинг аксариятини текшириб кўришга ҳам вақтлари етмасди.

Шу туфайли ички ишлар бўлимида айрим турдаги майда жинойтлар қайд қилиш ва рўйхатга олиш дафтарларига киритилмас, ҳуллас, давлат статистикасидан яшириларди. Энг ёмони, бирорта жинойтчи қўлга тушиб қолса, у содир этмаган, аммо анчадан бери очилмай ётган жиноий ишлар ҳам унинг бўйнига илиниб, суд органларига ҳукм чиқаришга ҳавола қилина бошланди. Ана шундай салбий ҳолатларнинг юз бериши оқибатида минглаб одамлар асоссиз қамоққа ташланди. Шу тариқа зоналар яна одамларга бирин-кетин тўла бошлади, ҳатто янгиларини қуришга мажбур бўлишди.

Урал тоғларида руда конларининг очилиши, у ерда кўплаб саноат корхоналарининг қад кўтариши, янги ишчи кучлар талаб этар, бу вазиятдан чиқиб кетишнинг бирдан-бир йули зоналарнинг сонини кўпайтириш ва уларни маҳбуслар билан тўлдириш эди. Шу сабабли совет ҳукуматининг қатор махфий қарорларига мувофиқ Уралда ўнлаб лагерлар ташкил этилди. Вазият шу қадар мураккаблашиб кетдики, арзимаган ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берганда ҳам, дарҳол айбдор ҳибсга олинар ва бошқа қилинган жиноятлар ҳам бўйнига қўйилиб беш-ўн йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мамлакатнинг индустриал маркази — Уралга этап билан жўнатиладди.

Ниҳоят, 1955 йил ҳам кириб келди. Янги йилни Адмиралнинг Васильев оролидаги қароргоҳида, шамлар ёруғида кутиб олишди. Янги йилни кутиб олиш учун Адмирал ҳозир озодликда бўлган сафдошларини таклиф этди. Байрам тантаналари тугаб, ҳамкасблари тарқалишгандан сўнг, Адмирал Фуломни ҳузурига таклиф этиб, қўлига иккита, бири Москва соатсозлик механика заводида чиқарилган “Победа”, иккинчиси Швейцарияда ишланган оддий “Ролекс” соатларини совға қилиб, ортидаги ёзувларга эътибор қаратишни илтимос қилди. Соатларнинг орқа гардишида қандайдир рақамлар ўйиб ёзилган бўлиб, “Победа”да “Страсбург”, “Ролекс”да “Женева” сўзлари бор эди.

Шаҳарларнинг номлари шундай яширин ёзилган эдики, соатларни биринчи бор қўлига олган одам буни пайқамасди. Чунки ёзувлар гардишга майда ҳарфлар ва нақшлар билан безатилган ҳолатда туширилиб, уни дастлаб кўрган одам ўймакор нақшларга йўярди. Ёзувларнинг маъносини англаш учун бир неча баробар катта қилиб кўрсатадиган лупалар зарур эди. Адмирал уларнинг маъносини тушунтириш учун деди:

— Граф, бу обшакнинг шу шаҳар банкларидаги ҳисоб рақамлари, ҳар бирида камида ўн миллион доллардан пул бор. Эсингда бўлсин, бу маблаглар сеники ҳам, меники ҳам эмас, бу — умумий ғазна. Мабодо, менинг куним битиб, оламдан ўтсам, тождор ўғрилар ғоясига сарф этишинг мумкин, аммо ўз шахсий эҳтиёжларинг учун эмас. Бу маблагни сендан бошқа Интеллигент, яъни Фрол Марчук

билади, аммо ҳисоб рақамлари фақат сенга, коди эса унга маълум. Код рақамлари туширилган худди ана шундай иккита соат Интеллигентнинг қўлида. Агар кодлар керак бўлиб қолса, унга мурожаат қиласизлар. Банкдаги кутиларда пулни олиш учун бошқа кўрсатмалар сақланади, лекин зарурати бўлмаса, тегманглар, фоиз ишлаб ётаверсин...

— Адмирал, бу сўзларни нега менга айтяпсиз. Ҳали кўп яшайсиз, бирга салтанатни қайта тиклаймиз, бу ишни қилишга куч-қувватимиз етарли-ку, — деди Фулом.

— Сендан худди шундай жавобни кутган эдим, ўғлим, — деди Адмирал ва сўзини давом эттирди. — Граф, салтанатни тиклаш энди сенларга насиб этсин, мен ниҳоятда чарчадим. Олдин Парижга бориб, қиладиган ишларим бор, сўнгра Гавая оролларига жўнайман, бир дам олиб қайтмасам бўлмайди. Аммо кўнглим жуда хижил, шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши сизларни огоҳлантириб қўйяпман. Шундан сўнг Адмирал Фуломга биров тикилиб туриб деди: — Граф, юртингни соғинмадингми?

— Соғинганман, аммо сизни ташлаб кетолмайман. Сизга ўрганиб қолганман. Билмадим, сизсиз қандай яшар эканман, — деб жавоб берди.

— Граф, Қора кончар ўлдирилгач, Ўрта Осиё ва Жанубий Қозогистонни итоатда ушлаб турадиган муносиб номзод тополмадим, шу сабабли юртингга қайтишинга тўғри келади. Инсоф ва адолат билан иш қилишинга ишонаман, ўғлим, — деди Қирол ҳамда сўзини давом эттириб. — Мана бу атлас матоларга эътибор бергин-чи. Граф, олдиндан айтиб қўяй, биттасида сифати бўйича ниҳоятда катта камчилик бор, қани, синчиклаб кўриб, аниқлагин-чи.

Фулом ҳар қанча пайпаслаб ҳам кўрди, лупа орқали бирма-бир кўздан ўтказди, аммо уларнинг сифатидаги фарқни аниқлай олмади:

— Адмирал, мен тўқимачилик муҳандиси эмасман, шунинг учун фарқига боролмадим, шекилли, — деди.

— Граф, бир сен эмас, мана-ман деган экспертлар ҳам сифати бўйича фарқини ажратолмадилар. Мана бунисида учта шойи ип етмайди, аммо андозага тўғри келадиганидан фарқ қилмайди. Бу — “Атлас” комбинатининг маҳсулоти.

Сен юртингга қайтиб бориб, ана шу комбинатнинг ишини пинҳона бошқариб турасан. Шу орқали ҳар йили бўлмаганда газнага 5 – 6 миллион маблағ келиб тушади. Бу уриб қолинган учта ипдан олинадиган фойда.

Энди, комбинатни хом ашё билан таъминлаш борасида. Бизга маълум бўлишича, ипак қурти боққанларнинг уйида маҳсулотни топширгандан сўнг ҳар бир кутидан 400 – 500 граммгача, айримларида ҳатто бир килограммгача хом пилла қолиб кетаркан. Сабаби қуртлар бир вақтда пиллани ўрамас экан, икки-уч фоизи кечга қоларкан. Пиллакорлар уларнинг тўлиқ ўраб бўлишини кутмай, тайёр бўлган пиллани топшириб юбораркан. Бунинг сабаби пилла қанча кўп сақланса, қуриши ҳисобига шунча вазнини йўқотаркан, шунинг учун хўжаликдаги пилла агрономлари тайёр бўлган маҳсулотни зудлик билан топширишга пиллакорларни мажбур қилишаркан.

Бизнинг ҳисобимизга қараганда, ана шундай қолдиқ пилладан 1200 тоннагача жамғариш мумкин, бундан эса 650 тоннагача қуруқ пилла чиқади. Бу эса валютада камида 17 миллион АҚШ доллари бўлади. Бу ниҳоятда рентабелли иш, ана шуни йўлга қўйиш зарур. Шу мақсадда сени юртингга юборишга қарор қилдик.

Маҳсулотни экспорт қилиш йўллари мукаммал ўйлаб чиқилади, маблағ эса Гаваядаги Ферс секретариатининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Битта нарса эсингдан чиқмасин, қолдиқларни харид қилаётганда пулни аяма, керак бўлса, беш-олти баравар қимматига сотиб олинглар, шунда аҳоли жон деб ҳар йили сизларга қолдиқ пиллани сотади. Тушунарлими, Граф? Ўзинг бу ишга шахсан аралашмайсан, фақат воситачиларни нақд пул билан таъминлайсан.

Биз ҳозир ўша ерда тўқимачилик комбинатида ишлаган ва арзимас ҳуқуқбузарлик билан қамалган уста тўқувчи-муҳандис Довуд Турсунбоев исм-шарифли инсонни тўлиқ оқлатиб, зонадан озод қилиш ҳаракатидамиз. Буни амалга оширамиз ҳамда унинг яна шу комбинатга директор этиб тайинланишига эришамиз. У сен тўғрингда хабардор бўлади ва айтган ишингни қилади. Сен фақат норасмий равишда

бошқариб туришинг керак, холос. Ўзинг Тошкент шаҳрига яқин ҳудудлардан макон топасан, бу ҳақда ҳам бош қотирилмоқда.

Ҳозир шогирдинг Қора қурт ана шу ишлар билан шуғулланияпти. Ишқилиб, сендан яхши хабарларни қутаман, хотинингни эса кейинроқ, жойлашиб олганингдан бир-икки ойдан сўнг Саша ва Аким олиб боришади. Улар сенинг қўл остингда доимо ёрдамчи бўлиб хизмат қилишади, чунки улар ишончли йигитлар, мабодо иш тескарисига айланса, Худо кўрсатмасин, сенга доимо ёндош, елкадош бўладилар. Тушундингми?

Бундан ташқари, Ўрта Осиёдаги барча ўғрилар ихтиёринга ўтади, мунтазам бадал пуллари қўлингга келиб тушади, уларни адолатли тақсимлаб, ўша ердаги зоналарда азоб чекаётган биродарларимизга грев, оилаларига моддий ёрдам берасан, Граф, — деб сўзини якунлади Адмирал.

— Ҳа, айтгандек, — деди Адмирал бироз сукут сақлагач, — сенинг барча фаолиятларинг йиғилган ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, суратларинг алмаштирилган, бармоқ изларингга бошқа одамларники туширилган. Ҳатто, бир неча йилдан бери чўлқуварлик қилаётганинг ҳақидаги ҳужжатлар тузилган. Энди сен онадан қайта туғилгандексан, менгларнинг архивида сен ҳақингдаги бирорта ҳам маълумот қолдирилмаган. Ҳақиқий исм-шарифинг билан бемалол яшашинг мумкин. Албатта, бу ишни қилиш қанчалик оғир бўлган бўлмасин, аммо удласидан чиқдик, ўзинг биласан..

Адмирал Фуломга худди васият қилаётгандек туюлди ва беихтиёр кўзига ёш келди. Адмирал бу ҳолатни сезди, шекилли, “Майли, майли, йиғлаб ол, ахир, бу сенинг ўғрилар оламидаги биринчи ва сўнгги кўз ёшинг бўлишига ишонаман, ўғлим”, деб елкасига қоқиб қўйди. Дарҳақиқат, бу жиноят оламининг сўнгги қироли Адмирал Нельсон билан охириги учрашув эканлиги ўшанда Фуломнинг хаёлига ҳам келмаганди...

Фулом Ўзбекистонга қайтгандан сўнг орадан бир ярим йил ўтмай Адмирал Парижда автоҳалокат туфайли вафот этди ва ўша ердаги рус муҳожирлари қабристонида дафн этилди. Шундай қилиб, жиноят оламининг афсонавий қироли Адмирал Нельсоннинг ҳаёт йўлига якун ясалди,

тождор ўғрилар уч кун давомида аза тутдилар. Бу хабар зудликда Совет Иттифоқидаги барча қамоқхона, лагерь, зоналарга тарқатилди, у ерларда оммавий ишга чиқмаслик, бунт ва бошқа кўринишдаги итоатсизликлар қайд этилди. Ички ишлар махсус қўшинлари итоатсизлик қилинган зоналарда бир талай авторитетларни исён пайтида шу баҳона билан отиб ўлдирди. Ниҳоят, деярли бир ой давом этган итоатсизликлар куч ишлатиш орқали бостирилди. Шу тариқа Адмиралнинг ўлими ҳам ГУИТУ ва унинг тизимидаги лагерь раҳбарларига ана шундай ташвиш келтирди.

Фулом Адмиралнинг қалбаки ҳужжатлар билан Европа, Америка, Туркия ва бошқа давлатларга қўрқмасдан бориши, алоҳида белгиси борлигига, яъни чап кўзига богич боғлаб юришига қарамай, бирор марта ҳам қўлга тушмаслигидан ҳайрон бўларди. Бу сир фақат Адмирал ҳалок бўлгандан кейингина очилди. Адмиралнинг йўқотган чап кўзига шундай сунъий кўз қўйилган эканки, уни кўрган одам ҳақиқий кўздан фарқлай олмаскан. Адмирал сафарга отланганда, чап кўзига ана шу сунъий кўзини ўрнатаркан. Барча давлатларнинг жиноий картотекасида эса, унинг фақат бир кўзлилиги ҳақидаги маълумотлар бор эди...

XV фасл. ЮРТГА ҚАЙТИШ...

Фулом Москва — Тошкент поезди купесига жойлашди. Ҳамроҳлари ёш археологлар бўлиб, улар Сурхондарёнинг Денов тумани атрофидаги тепаликлардан Кушонлар даврига оид қазилма ишларини амалга ошириш учун хизмат сафарига кетаётган эканлар. Фуломга Маҳмуд Умаров номи билан паспорт расмийлаштирилган, Москвага хизмат сафарига келганлиги ҳақидаги гувоҳномада Орехово-Зуево тўқимачилик комбинатида икки ой малака оширганлиги, ўзи Тошкент тўқимачилик комбинати конструкторлик бюросининг етакчи мутахассиси эканлиги қайд қилинган.

Уша даврларда паровозлар Тошкентга деярли беш суткада етиб борарди. Чунки уч жойдан кўмир юкланар, деярли ҳар тўрт юз километр масофани босиб ўтгандан сўнг қозонларга

сув тўлдириларди. У вақтларда тепловоз машинистлари ҳозиргидек маълум масофани босиб ўтгандан сўнг алмаштирилиши камдан-кам бўларди. Бу усуллар эндигина жорий этилаётган давр эди.

Фулом купедаги ҳамроҳлари билан танишиб олди. Улар ниҳоятда оддий, содда йигитлар бўлиб, турли қазилмалар, топилган осори-атиқалар ҳақида мароқ билан сўзлашарди. Фулом аксарият вақтини ресторанда ўтказар, станцияларда тушиб, то паровоз гудогини чалгунга қадар оёқ чигилини ёзарди. Чунки доимо жисмоний машқлар билан шуғулланиб юрган Фулом ҳаракатланмаса, ўзини ғалати сезарди, худди бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдек гарангсиб юрарди.

Сафарнинг иккинчи куни поезд Саратовдан анча олислаб кетганда купега қайтиб келса, археологлар икки нотаниш йигит билан қарта ўйнашаётгани устидан чиқиб қолди, Фулом бир қарашдаёқ уларнинг фирибгар эканлигини пайқади. Нотаниш йигитлардан бири уни ҳам даврага таклиф этди. Фулом эса аксинча иш қилди, қарталарни йиғиштириб олиб уларнинг дарҳол купени тарк этишларини талаб қилди. Унинг бу хатти-ҳаракатларидан археологларнинг норози бўлаётганликларини кўриб, нотаниш йигитлардан бирини даст кўтариб, энги ичига яшириб қўйган бир неча туз, ўнликларни олиб, стол устига ташлади. Археолог йигитлар ҳангу манг бўлиб қолишди. Қарта ўйнашни таклиф қилган меҳмонлар индамай, Фуломга ёмон қараш қилиб, купени тарк этишди. Археологлардан Слава исмли йигит Фуломдан уларнинг фирибгарлигини қандай аниқлаганини қизиқиб сўради.

— Маҳмуд Умарович, булар фирибгар эканлигини қандай билдингиз? Ўйин энди бошланганди. Мен уларни ютаётгандим-ку.

Фулом сирни очмаслик мақсадида берилган саволга шундай жавоб қайтарди:

— Мен ҳам бир вақтлар сизларга ўхшаб соддалик қилиб, қарта ўйнаб, шунақа фирибгарларга алданиб анчагина пулимни ютқазганман.

Фулом кечки овқатни еб, ресторандан қайтаётган вақтида вагонларнинг орасида уни ўша фирибгар икки йигит тўхтатишди. Фулом уларнинг нима дейишларини кутиб турди.

— Эй, амаки, ўзинг қарта ўйнамас экансан, нега бизнинг ишимизга бурнингни тикасан? Қани чўнтагингдаги бор пулингни узат, акс ҳолда, шу вагондан қандай учиб кетганлигингни билмай қоласан, — деб отилиб чиқувчи кнопкали пичоқни кўрсатди. Улар ўтиш йўлагидаги эшикни вагон проводникларининг калити билан ёпиб қўйишганди, чунки бирининг қўлида ана шундай калит бор эди.

— Менимча, яхшилик билан тарқалсак, маъқул бўлармиди-а, йигитлар? — деб жавоб берди Фулом.

У сўзини айтиб бўлмасдан, пичоқнинг тугмаси босилди, шекилли, унинг тиғи вагон чироғининг хира нурида ярқираб кўринди. Пичоқ ушлаган йигит Фуломни кўрқитиш мақсадида ёлғондакам хуруж қилди. Фулом худди чўчиган одамдек орқага тисарилди ва зарб билан унинг кўкрагига тепди. У эса кучли зарбадан шериги устига, пичоқ эса ерга тушди. Фулом рақиблари ўзларини ўнглаб олгунча иккинчисига чап қўли билан зарба бергач, унинг бурнидан фонтан бўлиб қон отилди. Шундан сўнг иккаласи ҳам ўрнидан туролмай полда думалаб ётиб қолди, у эса индамай ердаги калитни олиб эшикни очди.

— Иккинчи марта шу вагонда кўрсам, ташқарига отиб юбораман, мишиқилар, тушундингларми? — деб ўз купесига йўл олди.

Купе ойнасидан навбатдаги станция кўзга ташлана бошлади. Фулом қорақайрағоч, эман, қайин дарахтлари билан қопланган Россия ўрмонларига суқланиб қарарди. Поезд сўкинлаб, шоҳбекатда тўхтади. Вагондан калтак еган йигитлар тушиб, станциядаги бир соқолли одамга поездни кўрсатиб, бир нарсаларни тушунтира бошлашди. Фулом ҳатто уларга қўлини кўтариб, олқишлаб ҳам қўйди. Улар буни кўриб, соқолли одамга нималардир дейишди. Паровоз шоҳбекатда кўп тўхтамай, гудогини чалиб, сафарини давом эттирди.

Фулом бўш вақтларида немис адиби Гётенинг асарини мутолаа қиларди. Ҳамроҳлари ресторанга овқатланиш учун кетганларида эшик очилиб, купега шоҳбекатда кўринган соқолли одам кириб келди. Фулом дарҳол унинг қўлига қаради, аммо у бўш эди. Соқолли одам Фуломнинг ким эканлигини сезганми, унга бир қараб олиб:

— Салом, кореш, — дея қўлини баланд кўтарди. Бу ҳаракати қуролсиз кирганлигини билдирарди.

- Салом, салом, братан, — деди ўзини ўнглаб Фулом.
- Кимлигингни билмайман-у, аммо бир охурдан сув ичганга ўхшаймиз. Шундайми?
- Ҳар ҳолда, сен сув ичадиган охурдан мен сув ичмайман, мистер икс, — дея жавоб қайтарди Фулом.
- Ўтирсам майлими? — деб рухсат сўради купега кирган одам.
- Мана бу — бошқа муомала. Ўтир, меҳмоним бўласан, — деди Фулом.
- Братан, нега менинг одамларимни хафа қилдинг? Лохлар билан қарта ўйнашаётганда, сирни очибсан. Бу бизнинг ақидага тўғри келмайди-ку, нега тартибни буздинг? — деб савол берди соқолли одам.
- Мен, жаноб, қарта ўйинини ёқтирмайман, шунинг учун ҳурматларини қилиб, купени тарк этишларини сўрадим. Агар сен ҳам мен билан қарта ўйнагани келган бўлсанг, манзилдан янглишибсан, бошқа рақиб излашингга тўғри келади. Бошқа ният билан купега кирган бўлсанг, марҳамат, гапингни эшитаман, фақат қисқароқ бўлсин, ҳали-замон ҳамроҳларим келиб қолишади, улар сени кўришларига ҳожат бўлмаса керак, мистер икс, — деб жавоб берди Фулом.
- Ўзингни таништирсанг бўлармиди, ким билан мулоқот қилаётганлигимни билишим керак.
- Кўрмаяпсанми ё кўзинг кўр, қулоғинг карми, Посилний.
- Бу сўзни эшитган соқолли одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди, чунки Фулом унинг лақабини айтган эди.
- Ҳа, ҳа, одамларим кимга рўпара келганини энди тушундим. Братан, кечирасан, саломат бўл, — деб купедан чиқиб кетди. Кейинги бекатда уларнинг купесига кирган бир йигит саватда спиртли ичимлик, газак ва ҳўл мевалар олиб келиб, Посилнийдан, деб қўйди.
- Археолог йигитлар ҳеч нарсани тушунишмади, аммо киритилган мева ва ичимликлар учун миннатдорлик билдириб, уларни иштаҳа билан тановул қилишди. Йўлда бошқа тасодифлар бўлмади ва паровоз Тошкент вақти билан кечқурун соат саккиздан ошганда вокзалга етиб келди...

XVI фасл. “АТЛАС” ВА “ТОШЛИМСУВСАВДО”ДАГИ ЎФИРЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Вокзалда уни Оразгелди Оқмурод ўғли кутиб олиб, жомадонини қўлидан олди. “Победа” русумли машинага ўтиришиб, белгиланган манзилга йўл олишди. Йўл-йўлакай у ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетишди. Ниҳоят, шаҳар чеккасидаги бир уйга келишди. Оразгелди машинани дарвозадан киритиб, жомадонни кўтарганича ички ҳовлига қараб юрди. Фулом унга эргашди. Хонада елкасига сочиқ ташлаб олган, ёши тахминан қирқ бешлар атрофидаги одам дастурхон тузаётган экан. Ундан бошқа одам борлиги сезилмасди. Фулом ювиниб олмоқчи эканлигини билдирди. Оразгелди ханиги бор кичик уйнинг эшигини очиб, ҳозир илиқ сув келтиришини билдирди. Фулом ювиниб бўлгач, халатини кийиб, меҳмонхонага чиқди.

— Устоз, — деди Оразгелди, — биринчидан, ватанга қайтишингиз, иккинчидан, бизга раҳбар бўлиб келганингиз билан чин қалбимдан қутлайман. Қайтаётганингизни эшитиб, бошимиз осмонга етди. Шу сабабли ўзимизнинг чойхона паловдан дамлатдим. Ижозат берсангиз, дастурхонга тортсак ва мана бу шишадаги отинг қурғурдан пахта гулли пиёлада бир-икки олсак, — деди.

Фулом бош силкиб, таклифига рози бўлди.

Овқатланиб бўлишгач, дастурхонга фотиҳа ўқишгандан сўнг Оразгелди икковлари ёлғиз қолишди.

— Устоз, паспортингизни беринг, у билан бу ерда юриб бўлмайди. Эртага сизга янги паспорт, меҳнат дафтарчаси ва бошқа керакли ҳужжатларни олиб келаман. Сизнинг қайтаётганингизни эшитишимиз билан, дарҳол уларни тайёрлашга киришганмиз, ҳаммаси давлат идоралари томонидан расмийлаштирилган, ички ишлар рўйхатидан ўтган ҳужжатлар, — деди.

Фулом бироз кўчаларни айланиш иштиёқи борлигини айтганда, Оразгелди бугунчалик шаҳарга чиқмасликни

маслаҳат берди. Унинг йўлдан ҳориб келганлиги, бунинг устига, ҳаво ҳам жуда иссиқлигини айтди. Фулом ҳам Оразгелдининг маслаҳатига амал қилиб, кўчага чиқиш ниятидан қайтди. Шу кун илар анча пайтгача гаплашиб ётишди, аммо иш ҳақида сўзлашишмади.

Эртасига Оразгелди Фулом Вадудов номига паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, Чирчиқ шаҳрида шахсий уйи борлиги ва рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжатларни келтирди. Шундан сўнг шаҳардаги уйига олиб борди. Уй шаҳар марказидан сал нарироқда, кўп қаватли уйлардан анча узоқда экан. Тўрт хонали уйнинг олди айвон, кўмир билан иситиладиган ҳаммоми бор, атрофдаги уйлардан фарқ қилмайди.

Фулом бу уйнинг ҳақиқий эгаси ким бўлганлигига қизиқди. Уй эгаси 1946 йили вафот этган, татар миллатига мансуб ишчи бўлиб, иккита қизи бор экан. Отаси вафотидан сўнг қизлари бу уйни бир маҳаллий қозоққа арзон-гаров сотганлар, ундан эса Фулом Вадудов номига харид қилинган, олди-сотди ҳужжатлари 1950 йили расмийлаштирилган. Демак, Фулом Вадудов бу ерда деярли беш йилдан бери рўйхатда, аммо Гулистонда ишлагани учун муқим яшамаган, балки қариндошиникида оиласи билан вақтинча истиқомат қилган. Энди эса муқим яшашга шу ерга кўчиб келган. Меҳнат дафтарчасига қараганда Фулом Вадудов Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган, мелиоратив отрядда ошпаз бўлган.

Фулом шу ерда яшай бошлаганига икки ой тўлмасидан Аким, Саша ва Мариналар келишди. Фулом дарҳол уйни Маринанинг номига расмийлаштириб, рўйхатдан ўтказиб қўйди. Аким ва Сашалар Оржоникидзе районда рўйхатдан ўтказилиб, улар ҳам ўзларига бир кичкина уй сотиб олишди. Шундай қилиб гуруҳ бир жойга йиғилди. Аким ва Саша Ленинграддан “Победа” русумли шахсий машина билан келишганди. Машина шу ердаги ГАИ идорасида қайд қилиниб, Ўзбекистонга тегишли давлат рақами олинди. Ихтиёрида шахсий машина бўлиши ишни анча енгиллаштирарди, Адмирал ана шу муаммони ҳам назарда тутганлигидан хурсанд бўлди.

Агар ҳозир енгил автомашина оламан дейишса, анча муаммолар пайдо бўлар, чунки фуқароларда деярли ҳеч

қандай шахсий транспорт воситалари йўқ эди. Акимга эса уруш қатнашчиси бўлган акаси совға қилган, Ленинградда ҳужжатлар ана шу йўсинда расмийлаштирилган. Хуллас, бу тарафларини ҳам Адмирал чуқур ўйлаган ва харажатлар учун икки жомадон нақд пул ҳам жўнатганди.

Ҳамма жойлашиб олганидан сўнг Фулом шу ердаги умумий овқатланиш корхонасининг идорасига қоровул қилиб ишга жойлаштирилди. Аким ва Сашалар эса Бўстонлиқ райони тайёрлов идорасининг тайёрловчилари вазифасига ишга ўтишди, чунки ўша даврларда меҳнатга яроқли, аммо ишсиз юрган фуқаролар дарҳол ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниб, тегишли чоралар кўриларди.

Бу томондан хотиржам бўлганларидан сўнг Марғилонга бориб келишга қарор қилишди. Машина Конибодом йўналишига қараб юрди. Фулом йўлда кетар экан, Фарғона водийсидан чиқиб кетганлигига қарийб йигирма беш йил бўлганлигини эслади, қариндош-уруғларини кўргиси келар, аммо ишни бажариши керак, шахсий эҳтиросларга берилиши унинг миссиясини муқаррар барбод бўлишига олиб келишини теран англади. Шундай бўлса ҳам кўчаларини кўриш ниятида қадрдон қишлоғига кириб ўтмоқчи бўлди.

Эрталаб, бомдод намозидан сўнг йўлга чиққан йўловчилар Конибодомда тўхтаб, Қўқон шаҳрига иккинчи куни азонда етиб келишди. Фарғона водийсида Қўқон бозори доимо машҳур бўлган, ҳозир ҳам ўз мавқеини йўқотмаган. Улар самоварга кириб, нонушта қилишди. Фулом Аким ва Сашаларнинг қаршилигига қарамай, самоварда тўрт кишилик палов буюрди. У шерикларига деди:

— Қўқонга келиб, бир самовар паловни еб кетмасак, мен армонда қоламан.

Шундан сўнг Оразгелди дарҳол чойхоначини чақириб, бир килограмм қўй гўштидан ва зигир ёғига ош дамлаб беришни илтимос қилди.

Бир ярим соатдан сўнг ош тайёр бўлди.

Ошни мақтаб-мақтаб ейишди. Овқатланиб бўлишгач яна йўлга отланишди. Қўқондан чиқаётганларида Фулом Дангарага буриладиган йўлга ҳаяжон билан боқди, аммо рулда кетаётган Аким машинани тўғри Боғдод йўналишига

хайдади. Шу пайт Фуломнинг кўзларида ёш пайдо бўлди. Бунни сезган Аким деди:

— Граф, дилингда кечаётган ҳисларни яхши биламан, аммо ҳозир қишлоғинга борсанг, барча режалар барбод бўлади, чунки бирор одам сени таниб қолиши мумкин. Қишлоқдагилар сени аллақачон ўлиб кетганга чиқарганлар, кел, шундоқ бўлиб қолгани маъқул. Вақти келса, бир айлантириб чиқаман, аммо ҳозир мавриди эмас, мени кечирасан-у, ўзинг тушун.

— Ҳа, ҳа, ҳайда машинани..., — деди аранг Фулом. Шу аснода чуқур ўйга толди. “Дарҳақиқат, бу юртга мен ҳиссиётларга берилиш учун эмас, балки тождор ўғрилар қиролининг топшириғини бажаришга юборилганман, нега энди ичган қасамимни бузиб, мени шу даражага етказган сафдошларим олдида юзим қора бўлиши керак. Йўқ, йўқ, бундай ишни Граф асло қилмайди. Майли, кейинчалик йигитлар орқали яқинларимдан хабар оларман, аммо қишлоқда кўринишим, албатта, кўзлаган ишимизнинг барбод бўлишига олиб келади, шунинг учун қанчалик оғир бўлмасин, чидаш керак, чидаш”.

Фулом йўл ёқасига тикилиб қарар, пахта пайкалларига сув тараётган деҳқонлардан кўз узолмас, пастқам-пастқам уйлар унинг кўнглида қандайдир англаб бўлмас хушнудлик уйғотар, айти пайтда қалбини маъюслик чулғарди. Айниқса, улар Катта Кенас қишлоғидан ўтиб бораётганларида пахсадан урилган деворлар, томи лойсувоқ қилинган уйлар, тор кўчалар унинг кўнглида аланечук ҳисларни кўзғатди...

Кечки пайт Водилга етиб келишди. Оразгелди уларни Марғилон шаҳрига олиб бормай, қирғизлар еридан ўтиб, Шоҳимардонга етаклади. Фулом ундан нега шаҳарга бормай, машинани сайилгоҳ томон бурганининг сабабини сўради.

— Граф, водийда Довуд Турсунбоев билан учрашганингни биздан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак. Бу менинг хоҳишим билан бўлаётгани йўқ, аксинча, Адмиралнинг топшириғи, сен учун унинг олдида бошимиз билан жавоб берганмиз. Ундан кейин маҳсулот ишлаб чиқариш, хомашё топиш, чет элга маҳсулотни экспорт қилиш билан шахсан Довуд Турсунбоев ва Ғанижон Абдуллажоновлар шуғулланишади. Сен фақат молиялаштирасан ва даромадни ҳисоблаб, керакли соҳаларга сарф этасан...

Дарҳақиқат, Адмирал уни кузатаётганда бағрига босиб, бажариладиган ишларни алоҳида тайинлаган эди. Шу ўғитлар ёдига тушди-ю, бош қимирлатиб, хабари борлигини билдирди.

Фулом ва унинг гуруҳини ўзини Ғанижон деб таништирган, водийликларга хос дўппи кийган одам кутиб олди ва деди:

— Марҳабо, марҳабо, азиз меҳмонлар. Мана бу уй сизнинг ихтиёрингизда, бемалол дам олиб туринглар. Хўжайин ҳали-замон келиб қоладилар.

Уларни Шоҳимардон сайилгоҳидаги Кўксув сойи қирғоғидаги учта алоҳида дам олиш уйларининг биринчисига жойлаштиришди. У комбинат директорининг ишончли одамларидан бўлиб, тайёр маҳсулотларни сотиш масалалари билан шуғулланар, Оразгелдиннинг сўзларига қараганда, директорининг ўнг қўли экан. У ҳақда Оразгелди Тошкентдан чиқмасларидан шипшитиб қўйганди. Меҳмонлар бироз дам олганларидан сўнг, бугунча қолишлари лозимлигини айтди, чунки фабрика директори шу ерга жойлаштиришни буюрган экан.

Кечки салқинда, сайилгоҳда деярли одам бўлмаган вақтда комбинат директори Довуд Турсунбоев ташриф буюрди. Довуд Турсунбоев ўрта бўйли, қорни сал чиққан, қуюқ қора қошли, яхши кийинган, ҳатто ёз бўлишига қарамай костюм ва галстукда учрашувга келганди. Унгача меҳмонлар атрофни сайр қилишди. Директор келиши билан шийпон тагига ўтиб, кечки овқатни биргаликда баҳам кўришди, бир-икки пиёладан спиртли ичимлик ҳам ичилди.

Сухбат деярли ярим тунгача давом этди. Аслида, бу мезбон ва меҳмоннинг учрашуви эмас, балки музокара эди. Тарафларнинг бажарилган ишлари, жавобгарликларига аниқлик киритилиб, охирида қўл сиқишиб хайрлашилди. У кетишидан олдин бошқа учрашмаслигини билдирди. Барча ишлар комбинат томонидан Ғанижон, Фулом тарафидан эса Оразгелди орқали амалга оширилиши келишиб олинди. Булардан ташқари, бошқа ҳеч кимни яқинлаштирмаслик, қаттиқ сир сақлашга шартлашилди. Фулом унинг бу масалада эзмалигидан бироз асабийлашган бўлса ҳам, унинг яқиндагина қамоқхона камерасини тарк этганлигини ҳисобга олиб, чидади, акс ҳолда, қаттиқ дашном берган бўларди.

Бу йилги пилла мавсуми ўтиб кетганлиги учун келаси йил ҳосилига тайёргарлик қўрила бошланди. Шу мақсадда Фулом томонидан тегишли маблағ ажратилди. Фарғона водийсида, одатда, ҳар бир оила пилла қўртини бир қўтидан кам олмас экан. Фулом йигитларига пилла тайёрловчиларни ҳисоботда бир қўти бўлса, бир ярим қўтидан олишга қўндириш, шунга яраша нақд пул берилишини таъминлашни топширди. Баъзи оилалар бундай таклифга жон деб қўнишди, аммо биринчи йилдан бундан оммавийлаштириш, сир очилиб қолишига сабаб бўлишини ўйлаб, аста-секинлик билан амалга оширишни режалаштирди.

Баҳорда пиллачиларга тарқатилган нақд пул ҳисобига июнь ойида 131 тонна, аҳолининг уйларида қолиб кетганидан эса деярли 440 тоннага яқин ҳўл пилла йиғиб олинди. Бу биринчи йил учун катта ютуқ эди, Фуломнинг ўзи ҳам бундай кўрсаткичга эришилишига асло ишонмаганди. Йиғиб олинган пилла қўритилса, 310 тоннадан ортиқ бўларди.

Фуломнинг одамлари аста-секин чет эл компаниялари билан алоқа боғлашни, ишлаб чиқилган маҳсулотни сотишни йўлга қўйиш масаласини режалаштиришди. Бунинг учун анъанавий атлас кийимликларни харид қилувчи мамлакатлардан ҳамкорларни излай бошлашди. Ўша пайтларда атлас кийимликнинг уч погон метри ички бозорда ўртача 200 сўмга тўғри келар, жаҳон бозорида эса 32 АҚШ доллари турарди.

Атласни, асосан, Туркия, Скандинавия ва Марказий Европа мамлакатлари харид қилишарди. Фуломнинг савб-ҳаракатлари натижасида биринчи бўлиб Туркия ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиш учун жиноий тўда вакиллари орқали алоқа ўрнатилди. Бу тижорат мамлакатлараро шартномалар орқали ижро этилмас, бу ишда тождор ўғрилрсиз бирор нарсага эришиш қийин эди.

Шунинг учун Ленинград орқали турк тождор ўғриси, шу мамлакатнинг смотряшийси Хоқон Керим билан ўзаро келишув аҳдномаси тузилди. Хоқон Керим турк сайёҳи сифатида Тошкентга келди. Аммо очиқдан-очиқ учрашиш хавфли, чунки Давлат хавфсизлик органлари ходимлари капиталистик давлатлардан СССРга ташриф буюрган ҳар

бир сайёҳнинг қадамини кузатиб юрар, учрашган одамларини рўйхатга олар ва улар кейинчалик доимий назорат остида бўлишарди.

Фулом “Тошкент” меҳмонхонасига келиб жойлашди. Чет эллик сайёҳлар ҳам ана шу меҳмонхонадан жой олишганди. Кечаси соат бирларда, барча ухлаб ётганида Фулом Хоқон Керим жойлашган номерга келди. Эшик очиқ бўлгани учун Фулом тақиллатмасдан кирди. Хонадон эгаси эшикни ёпиб, бармоғини лабига олиб борди. Бу ишора хонага диктофон ўрнатилганлигининг белгиси эди.

Мезбон имо-ишора билан меҳмонни ваннага етаклади. Қўлидаги пластилин билан барча радио нуқталарини, электр розеткасининг тешикларини ёпиб чиқиб, ниҳоят, Фулом билан кучоқ очиб сўрашди. Хоқон Керим ўрта бўйли, қирғий бурун, шоп мўйловли, бошида туркларнинг миллий дўпписини кийган одам экан. Улар ваннага сувни оқизиб қўйиб, шивирлаб суҳбатлаша бошлашди. Хоқон Керим Фуломга бирпас синчков назар ташлаб, деди:

– Қардошим Граф, сиз тўғрингизда кўп эшитганман, ниҳоят, бир учрашиб, суҳбатлашиш орзусида эдим. Бўлажак тижорат ишларимиз сиз билан ҳамкорликда ўтишини эшитганим ҳаманоқ ҳеч кимни юбормай, шахсан ўзим келдим. Худога шукр, мана, сиз билан учрашиш насиб қилди. Қардошим Граф, юборган молингизни пуллаб, фойдасини тенг ўртадан бўламиз, валютани сиз айтган банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб борамиз. Қандай муаммолар бўлса, бу ерда, консуллик идорасида менинг одамларим бор. Эслаб қолинг, исм-шарифи Насим Султон ўғли, одамларингиз у билан алоқа боғласин, қандай муаммоли масалалар чиқса, у дарҳол каминага етказди, баҳоли қудрат ечишга ҳаракат қилармиз.

– Мен ҳам сиз билан парвардигор дийдор кўриштирганига беҳад ҳамду санолар айтаман, Хоқон Керим афанди. Сиз тўғрингизда устозимиз ва етакчимиз Адмирал жанобларидан эшитган эдим. Сиз у кишини Босфор бўғозида кутиб олиб, Туркиянинг эътиборга лойиқ жойларини сайр қилдирган, Анталия сиҳатгоҳларида дам олдирган экансиз. У киши менга барчасини сўзлаб берганлар.

Фуломнинг сўзлари шу ерга келганда, турк тилида “чўх гўзал, чўх гўзал” деди. Шундан сўнг Фулом сўзини яна давом эттирди:

— Хоқон Керим афанди, маҳсулотни ўзаро давлатлараро тузилган шартномага асосан контейнерларда жўнатамиз. Ҳар бир контейнерга 35 минг погон метр материал кетаркан, аммо ҳужжатларда ўша рақам кўрсатилгани билан, ҳар бирида 40 минг погон метр атлас бўлади, яъни 5 минг погон метри — сиз билан меники. Биз ана шуларни пуллашимиз керак, — деди Фулом.

— Граф, чўх гўзал, демак, божхонани алдаб ўтиш йўлини топибсизларда, аммо беш минг метр матони қандай жойлайсизлар, ахир, контейнерларга белгиланганидан ортиғини сиғдириб бўлмайди-ку — деди Хоқон Керим. Фулом унинг бу саволига табассум билан жавоб бериб, йўлини топганлигини, ҳатто уларга мўлжалланган ана шу беш минг погон метр атласнинг сифати аъло бўлиши ҳамда алоҳида бўзга ўралишини, юкнинг энг тагида бўлишини ва ҳар бир тўпнинг филофида ГKK белгиси бўлиши, бу эса “Граф ва Керим компаниясининг маҳсулоти” деган маънони беришини айтди ва белгидаги рангни яхшилаб эслаб қолишини уқтирди. Аъло навли матода қизил, биринчи навга тегишлисида эса кўк рангда бўлишини тайинлади. Сўзининг охирида Яқин Шарқ мамлакатларидан бирида жойлашган Ферс секрютити банкининг ҳисоб рақами ўйма нақшлар билан ёзилган соатни совға қилди. Шу билан икки давлат жиной гуруҳларининг раҳбарлари қучоқлашиб, хайрлашишди.

Фулом тонгда, бомдод намозини ўқиб бўлгач, ҳеч кимнинг эътиборини жалб қилмаслик учун кўчада бироз пиёда юриб, сўнг, такси тўхтатди ва уйига равона бўлди.

Бу даврда комбинатда ишлар қизгин борарди. Омборхонадан контейнерларга бўзга ўралган атлас матолар экспорт қилиш учун ортилмоқда. Биринчи қизил белгили бўзга ўралган ўн олти тўп атлас юклангач, устига ҳар бири 32 килограмм келадиган иккита темир пластинка қўйилиб, сўнгра қолган ўрамлар жойланади. Хорижга юбориладиган маҳсулотнинг ортилишини омбор мудири Мўйиддин Ваҳобов ва тайёр матони сотувчи бўлим бошлиғи Ғанижон Абдуллажонов назорат қилишмоқда. Контейнер юклаб бўлингандан сўнг омбор мудири темир пластинкаларни чиқариб олиб, омборхонадаги стеллаж устига ташлаб қўйди

ва терлаб кетган пешонасини елкасидаги сочиқ билан артди. Ҳаммаси бўлиб 20 та контейнер хорижга жўнатишга тайёрланди. Контейнерлар қулфланиб, муҳрланди. Улар юк ташувчи машиналарга ортилгандан сўнг бу икки ходим шаҳардаги сўлим самоварга ошхўрликка кетишди. Чойхонада аччиқ қилиб дамланган кўк чойдан бир пиёла ичган Мўйиддин Ваҳобов шеригига мурожаат қилди:

— Ғанижон ака, ҳисоб-китоби қачон бўлади, ваъда қилинган ширинкома қачон қўлга тегади?

— Мўйиддин, юк чегарани кесиб ўтиши билан, чўнтагизга ўша айтган ширинкомангиз келиб тушади. Хавотир олманг, ҳамкорларимиз бир сўзли одамлар, — деб жавоб берди. Улар ўзаро гаплашиб ўтирардилар. Айниқса, уларни лол қолдиргани — пресс билан 5 минг ортиқча погон метр матони контейнерга жойлашни ўйлаб топганлари, шу сабабли улар билан ҳамкорлик қилаётган йигитга “Топқир” деб лақаб қўйишди.

Мўйиддин унга берилган бўнак пулининг суммаси ҳақида ўйларди. Ҳозир пулнинг 20 фоизини олган, юк эсон-омон етиб борса, қолган пулни олиб шу йилнинг ўзидаёқ бир дурустроқ ҳовли сотиб олиб, албатта, қайниси номига расмийлаштириб қўяди. Унга шунча бўнак пули берилган бўлса, Ғанижонга, Довуд акага ва бу ишга алоқадор одамларга қанчадан тегаркин, албатта, уларнинг ҳажми кўпроқ бўлиши керак ёки барабар тақсимлашдимикин, деган хаёллар уни ҳеч тарк этмасди.

Бу синов тарзида юборилган биринчи юк эди. Довуд Турсунбоев ва унинг ҳамтовоқлари юрак чангаллаб ўтиришар, юкни чегарада ушлаб қолишларидан доимо ҳадиксираб юришарди. Аммо кунлар бир-бирини қувиб ўтар, иш рисоладагидек кетаётганди. Ниҳоят, Туркияга юборилган матолар тўлиқ қабул қилинганлиги, валюта маблағлари мамлакатнинг Ташқи иқтисодий алоқалар банкига ўтказилганлиги ҳақидаги расмий маълумот олиб... Бухгалтерия бу ҳақида ўз ҳужжатларига рақамларни қайд қилиб қўйди. Шу куни кечаси Ғанижоннинг уйига икки жомадонда пул келди, эринмай ярим тунгача уларни ҳисоблаб чиқди. Барчаси тўғри бўлса ҳам, пулларни ишқибозчилик учун санаб, ундан келаётган исдан маст бўлар даражада эди...

* * *

Бу иш ҳам рисоладигидек бажарилгандан сўнг Фулом ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига ҳам эътиборини қарата бошлади. Ёз пайтларида салқин ичимликлар ва музқаймоқлар ниҳоят даражада кўп ишлаб чиқиш ва савдо соҳаси чаққон бўларди. Катта пул айланаётган бу соҳаларга ҳам кириб бориш ва қўлга олиш тўғрисида бош қотира бошлади. Бунинг учун, унинг фикрича, яширин цехларни ташкил этиш зарур эмас, балки шу тур фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар устидан назорат ўрнатиш керак деб ҳисобларди. Агар бу маҳсулотлар яширин равишда ишлаб чиқарилса, бир кунмас бир кун ошкор бўлиши аниқ.

Фулом ана шу соҳага эътибор берар экан, “Тошлимсувсавдо” бирлашмасининг аксарият ходимлари, мутахассислари арман ва яҳудийлар эканлигини аниқлаб олди. Ҳатто бирлашманинг раҳбари Ашот Амбарцумян эканлиги, камтарона ҳаёт кечириши ҳақидаги маълумотларга эга бўлди. Одамларига унинг ҳар бир қадамини кузатиш, алоқаларини, қизиқишларини аниқлаш ҳақида топшириқ берди.

Ниҳоят, уч ойлик кузатувлардан сўнг Фуломнинг қўлига Ашот Галустьяновичнинг нафақат иш фаолияти, балки ички дунёси ҳақидаги маълумотлар тўплами келиб тушди. Ашот Галустьянович яқиндагина қирқ ёшга тўлган, юбилейни, ташқаридан қараганда, камтарона ўтказгани билан, келтирилган совғаларнинг нархи қарийб беш миллион сўмга бориши уни ҳайратга солди.

Амбарцумян нафақат олғир ўғри, маънавий томондан ҳам бузуқ одам экан. Унинг асосий уйи Миробод бозори олдида бўлиб, хотини, учта фарзанди бўлишига қарамай, “Тюз” театри олдида яшайдиган ёшгина Элеонора исмли ўйнаши бор, ҳафтада уч марта унинг уйида тушлик қилар, мабодо бирор раҳбар излаб қолса, ҳайдовчиси уни шу ердан олиб кетаркан. Бундан ташқари, жаноб Амбарцумян ҳафтада бир марта Тузелдаги шахсий ҳаммомига бориб, у ерда ҳам ёш қизлар билан маишат қиларкан.

Ўтказилган тезкор ҳаракатлар ва кузатувлардан шу нарса маълум бўлдики, “Тошлимсувсавдо” ёзнинг иссиқ кунларида

“Тошсуткомбинат”дан ҳар суткада саккиз машина қадоқланган музқаймоқ олиб, ўзига қарашли савдо нуқталарига тарқатаркан. Аммо, бундан ташқари, қадоқланмаган музқаймоқ оромгоҳ, турли ўқув муассасалари, сайилгоҳларда савдога чиқариларкан. Улардан ҳар куни тушган маблағ деярли 8,5–9 миллион сўми ташкил этаркан.

Фулом одамларига зудлик билан қадоқланмаган музқаймоқни ишлаб чиқиш манбаларини аниқлашни топширди. Аммо бухгалтерия ҳужжатларини бирлашмадан олишнинг ҳеч иложи бўлмади. Шундан сўнг у Ленинградга мурожаат қилиб, СССР Госстандартидан вакил юборишларини илтимос қилди. Келадиган вакил “Тошсуткомбинат”, “Тошлимсувсавдо” бирлашмаларини текшириши, фаолиятини таҳлил қилиши зарур эди.

Москвадан ушбу соҳа фаолиятини ўрганиш учун учиб келган СССР Госстандартининг икки вакилини аэропортда республика Госстандарти бошлиғининг ўринбосари Ботир Комилов кутиб олиб, “Тошкент” меҳмонхонасига жойлаштирди, кечқурун биргаликда шу ердаги ресторанда овқатланишди. Келганлардан бири Госстандарт инспектори Бельский Анатолий, иккинчиси ҳисоб-китоб бошқармаси бош мутахассиси Ткаченко Виктор эди.

Эртасига улар Ботир Комилов бошчилигида ушбу корхоналарнинг фаолиятини ўрганишни “Тошсуткомбинат”дан бошлашди. Комбинат директори Бадриддин Азаматов уларни корхона эшиги олдида кутиб олди. Меҳмонлар Азаматовнинг хизмат хонасида корхона фаолияти ҳақида сўбатлашишди.

Корхона, асосан, сут маҳсулотлари — қаймоқ, ёғлилиги 32 фоизли сметана, кефир, ряжанка, творог, сарийёғ, бринза ишлаб чиқишга ихтисослашган. Комбинат иш кунига 76 тонна сутни қайта ишлаб, санаб ўтилган турдаги сут маҳсулотларини савдо шахобчаларига, махсус таъминотчиларга ҳамда бир қисмини заҳира учун “Тошмузкомбинат”га жўнатаркан. Шундан сўнг Ткаченко корхона бош ҳисобчиси Очил Эсонбоев билан унинг хизмат хонасига чиқиб кетди, Бельский ва Комилов эса Азаматов ҳамроҳлигида ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириш учун цехларга киришди.

Йўл-йўлакай Бельский Комиловдан комбинатда ўтказилган текширув натижасини тақдим қилишни илтимос қилиб, ҳар бир технологик жараёнлар ҳақида қизиқиб, саволлар бериб кетди. Комилов ва Азаматов имкон борича унинг саволларига тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилишди. Меҳмоннинг бераётган саволларига қараганда, у айнан шу соҳада ишламаган бўлса ҳам, технологик жараёнларни яхши билиши ўз-ўзидан кўриниб турарди.

Бельский барча цехларни айланиб чиқди, аммо музқаймоқ ишлаб-чиқариладиган цехни кўрмагач, ҳамроҳларига деди:

— Сизларда ҳамма вақт шундай жазирама бўладими? Ҳаддан ташқари иссиқ-ку, Москвада салгина кун исиши билан одамлар ўзларини музқаймоққа урадилар, — деб луқма ташлади.

Буни эшитган Азаматов худди бир нарса эсига тушгандек, уларни биринчи кирган сутни қайта ишловчи цехга бошлади.

Музқаймоқ ишлаб чиқарувчи цех ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, унда бор-йўғи ўн тўртта одам ишларкан. Бельский уни кўрмаганлигига сабаб, музқаймоқлар катта ҳажмдаги музлаткичларда тайёрланар экан. Азаматов ходимлардан бирига бир килограмм “Пломбир” навли музқаймоқ ва қошиқлар келтиришни буюрди. Музқаймоқни истеъмол қила туриб, суҳбат мавзуси шу масалага йўналтирилди.

— Бизда, — деди Азаматов, — кунига 4,2–4,4 тонна уч турдаги музқаймоқ ишлаб чиқарилади. Тўғри, жума кунлари миқдорини 500–600 килограммгача оширамиз, чунки дам олиш кунлари талаб бироз ошади. Асосан, қадоқланган “Пломбир”, “Сливочное” ва “Молочный” навларини сотувга юборамиз. “Пломбир” навидан тахминан 700–750 килограмми махсус таъминотчиларнинг буюртмасига биноан жўнатилади.

— Мевали музқаймоқ ҳам ишлаб чиқиларди, шекилли, аммо маҳсулот турида қайд этилмаган, — деди Бельский.

— Ундай турдаги музқаймоқ “Тошлимсувсавдо” бирлашмаси корхоналарида ишлаб чиқарилади, чунки мева шарбати билан улар шуғулланишади, — деб жавоб берди Азаматов.

— Бу шундай катта шаҳар учун камлик қилмайдими, бунинг устига, мана бундай ҳароратда талаб кўпроқ бўлса керак? — деди Бельский.

— Бизга тушган талабномани тўлиқ қоплаяпмиз, ҳозиргача ҳеч қандай дашном олганимиз йўқ, бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча маротабага оширишга қувватимиз етарли. Ҳозир мавжуд бўлган музхоналардан ярмиси ишламоқда, агар зарурат туғилса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга оширишимиз мумкин. Кейин, музқаймоқ ишлаб чиқариш бизнинг асосий фаолият туримизга кирмайди, шунчаки, қўшимча иш жойи сифатида сақлаймиз, — деб жавоб берди Азаматов.

Бельский ўзи учун керакли маълумотларни олиб бўлган эди. Шундай бўлса ҳам, яна бир савол берди:

— Тошкент шаҳридан ташқари, ҳудудларга музқаймоқни ким етказиб беради?

— Ҳар бир шаҳарда сутни қайта ишловчи корхоналар бор, ана шулар ўша шаҳар аҳолисини маҳсулот билан таъминлайди.

Корхонани айланиб бўлишгач, биргаликда тушлик қилишди. Ткаченкога керакли ҳужжатлар — корхона балансидан бошлаб, ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури, ҳажми, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар бир жилдаги тикиб берилди. Корхона бош ҳисобчиси Эсонбоев жуда тартибли, тажрибали мутахассис экан, меҳмонга барча кўрсаткичлар бўйича батафсил маълумот бериб, ҳатто келгуси режалар ҳақидаги баённомани ҳам илова қилиб қўйди.

Меҳмонлар кечки овқатдан бош тортиб, бутунги ишга якун ясалганини билдиришди. Мезбонлар билан хайрлашиб, меҳмонхонага йўл олишди. Бельский ўзига керакли бўлган маълумот, яъни корхонада ишлаб чиқариладиган музқаймоқ ҳажми, истеъмолчилар ҳамда бу ерда фақат қадоқланган маҳсулот савдога йўналтирилишини аниқлаб олганди. Меҳмонхонада бироз дам олганларидан сўнг Бельский ва Ткаченколари ресторанда овқатланиб, хоналарига қайтишди. Бельский ҳужжатларни олиб, кечқурун меҳмонхона олдида турган “Победа” русумли машинага ўтириб, Чирчиқ шаҳрига йўл олди...

Хизмат сафарининг иккинчи куни “Тошлимсувсавдо” бирлашмаси ва унга қарашли салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхонада бўлишди. Аввал бирлашмага ташриф буюришди. Меҳмонларни шахсан Амбарцумяннинг ўзи кутиб

олиб, хизмат хонасига бошлади. Унинг хонасида суҳбат деярли икки соат давом этди. Бирлашма раҳбари тасарруфидаги корхоналар тарафидан аҳоли талабини тўлиқ қондириш бўйича олиб борилаётган қатор ишлар ҳақида ахборот берди. Унинг ҳеч қандай қоғозларга қарамай, барча ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий аҳволи акс этган рақамларни осонгина ёдаки айтиб бериши, ўз ишини бениҳоят севишидан, ҳақиқий раҳбар эканлигидан далолат берарди.

Ткаченко бирлашманинг бош ҳисобчиси билан молиявий-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун унинг хонасига биргаликда кетишди. Ашот Галустьянович уларни Бешёғоч мавзесидаги маъданли сувлар ишлаб чиқариш корхонасига бошлаб борди. Бу корхонада ҳам Бельский қатор саволларига батафсил жавоб олди. Шу ерда квас ҳам тайёрланар экан, бир бокалдан таъмини татиб кўришди. Бу маҳсулот уларга хуш ёқди.

Тушликдан сўнг Қибрайда жойлашган лимонад ва бошқа мева шарбатларидан салқин ичимликлар ишлаб чиқиладиган корхонага ташриф буюришди. Бу цех бирлашманинг шўъба корхонаси бўлиб, маҳсулот турлари ҳам анчагина кенг, цех бошлиғи Гурген Амаяков экан. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам маъданли сувлар корхонасига нисбатан бир мунча катта, аммо ташкил этилгандан бери ўз якунланган балансига эга эмас экан. Бельскийнинг бу тўғрисидаги саволига Гурген Амаяков шундай жавоб берди:

— Цех доимо бирлашманинг тасарруфида бўлиб келган, чунки ўзининг айланма маблағлари етишмайди, маҳсулот тайёрлашга пулини сарф этса, ойлик маошга маблағ тополмай қолади, шунинг учун биз бу корхонани тасарруфимизга олганмиз, акс ҳолда, бу ердаги малакали мутахассислар кетиб қолади. Кейин, улар бирлашма тасарруфида эканлиги учун кўп шартномаларнинг бажарилишига ҳуқуқий томондан жавобгар эмаслар. Улар фақат ишлаб чиқариш ҳажми, тури ва сифатига жавоб беришади, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш, ҳисоб-китоб қилиш, статистика ва юқори ташкилотларга ҳисобот бериш каби оғир вазифалардан озод этилган. Ойлик маошларини ҳам бизнинг кассирлар бориб тарқатади, чунки бирлашмада доимо маблағ бўлади.

Айланма маблағ етишмай қолса, вазирлигимиз бир куннинг ўзидаёқ қоплаб беради. Ана шу томонларини ҳисобга олган ҳолда, цех ҳам яқунланган балансга эга бўлишига қарши ва бизнинг қанотимиз остида ишлашни маъқул кўришади.

Бельский унинг бу гапларидан ҳамма яширин ишлаб чиқариш шу цехда жойлаштирилганини англади ва ҳар бир бурчакдаги, аммо бутун ишламай турган ишлаб чиқариш қувватларига эътиборини қаратди. У эринмай ҳар бир ишлаб чиқариш турлари бўйича мутахассисларга савол берар, бироз баҳслашар, хуллас, ўзини барча нарсаларни тушуниб олишга қаратаётгандек кўрсатарди.

Тайёр маҳсулотлар сақланадиган омборга киришди. Бельский эътиборини катта ҳажмдаги музхона камераларига қаратди. Амбарцумян ва Амаяковлар бу камераларда ишлаб чиқилган, аммо вақтинча сотувга жўнатилмаган ёки буюртма тушмаган салқин ичимликлар сақланишини тушунтиришди, аммо Бельскийнинг ўткир нигоҳи унинг ичида тахлаб қўйилган музқаймоқ сақланадиган бидон идишларга тушганини кўриб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Куннинг охиригача корхонада бўлишди, сўнгра идорага қайтишди.

Бирлашманинг овқатланадиган алоҳида меҳмонхонаси бор экан, Ашот Галустьянович қўярда-қўймай ўша ерга таклиф этди. Дастурхон безатилган, ҳамма нарса бисёр эди. Ташқарида пишаётган кабобнинг ёқимли иси димоққа урарди. Бироздан сўнг беданали шўрва келтирилди. Комиловнинг таклифига мувофиқ озгина спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилишди. Овқатдан сўнг Ткаченко ҳали ўз ишларини яқунламаганини айтиб, берган жадвалларини тезроқ тўлдириб қўйишларини илтимос қилди.

Шу пайт меҳмонхонадаги телефон жиринглаб қолди. Бош ҳисобчи уни кўтариб, сўнгра Амбарцумянга имо қилди. У гўшакни олиб ўз тилида бир одам билан беш дақиқача гаплашди. Маълум бўлишича, бу савдо вазирлигининг салқин ичимликлар ва маъданли сувлар ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Джон Карабеков экан. Ўзи арман миллатига мансуб бўлгани билан, исми инглизча, шарифи эса туркийчалигини Комилов тушунтириб берди.

Меҳмонхонага қайтишгандан сўнг Бельский кутиб турган кечаги “Победа”га ўтириб, Чирчиқ шаҳрига кетди. Тошкентга Бельский фамилияси билан Птица лақабли ўғри Андрей Спиридонов ташриф буюрганди. Ткаченко эса, ҳақиқатан, СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Госстандарт ходими эди.

Чирчиқ шаҳрида Птица кеча Граф билан учрашиб, суҳбатлашганди. Бугун яна ҳузурига келди, чунки у деярли барча керакли маълумотларни аниқлаб бўлганди. Эртага бирлашмага номига қадам ранжида қилиб, ҳужжатларни олиб, сўнгра пойтахтга қайтади, у ердан эса Ленинградга учади. Граф ҳовлидаги ишком тагида яхна чойни ҳўплаб, газета ва журналларни варақлаб ўтирарди. Эшик олдида машина тўхтаганини эшитиб, меҳмонни кутиб олиш учун ўрнидан турди. Улар яна қучоқ очиб сўрашиб, бир-бирларининг елкаларига қоқиб қўйишди. Меҳмон ўтириши билан Марина дастурхонга дарҳол салқин ичимлик, турли конфет, булочкаларни қўйиб, ичкарига кириб кетди. Бироздан сўнг иккита қаҳва келтирди. Птица қаҳвадан ҳўплар экан сўз бошлади:

— Граф, ҳақиқатан, бу арманида жуда катта маблағ бор. Қадокланмаган музқаймоқ Қибрайдаги корхонадан чиқар экан. Ундан ташқари, билишимча, мевали музқаймоқ ҳам ишлаб чиқаради. Шу сабабли шўъба корхонасининг бошлиғи ҳам миллатдоши, ўзининг ишонган одамларидан бири. Вазирликда ҳам айнан шу соҳа бошқармасининг бошлиғи — арман миллатига мансуб одам. Демак, ментларнинг тилида айтганда, уюшган жиноий гуруҳлиги яққол сезилиб турибди.

Улар қаҳвани ичиб бўлиб, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Адмирал вафотидан сўнг парокандалик бошлангани, Фрол Марчук ва Генрих Шульцларнинг кўрган тадбирларига қарамай, тождор ўғрилар оламини яна бир ягона бошқарув тизимига келтириш жараёни анча қийин кечаётгани, шу сабабли, уни тез-тез эслаб туришганини гапириб берди. Шу йилнинг охири ёки келаси йилнинг бошларида сходняк Кенгаши ўтказилиб, раҳбар сайланиши режалаштирилаётгани, номзодлар ичида Паша Симбирский, Валентин Кручнев ва Фрол Марчуклар борлигини айтди.

Шундан сўнг, тождор ўғриларнинг умумиттифоқ сходняги ўтказилиши ва тавсия қилинган номзод тасдиқланиши мўлжалланганлигини ҳам таъкидлаб қўйди. Граф сходняк Кенгаши аъзоси сифатида, албатта, таклиф этилишини билдирди. Шундан кейин, агар Граф рухсат берса, эртага кечки рейс билан Москвага учишини гап орасида қистириб ўтди.

Фулом Птицанинг бугун ишини якунлашини сезган, шу сабабли бир қўлбола чойхона палов пишириб, у келмасидан сал олдин дамлаб қўйганди. Марина унинг имоси билан лаганга ошни сузиб келди. Фулом совутиш учун сувқувур жўмраги остига қўйилган ароқни очиб, пиёлаларга қўйди.

— Кел, Птица, Адмирал, Филон, Бистрий ва Ангелларнинг ёрқин хотираларини эсга олайлик, ишқилиб, у дунёда охиратлари обод бўлсин, — деб Фулом биринчи бўлиб қадаҳни кўтарди.

Андрей ҳам унга қўшилди, сўнгра шакароб билан газак қилишиб, лагандаги ошга қўл чўзишди. Яна биттадан олишиб, тўйгунча ош ейишди. Ошдан сўнг тарвуз, қовун сўйилди, ундан ҳам бир-икки карчдан тановул қилишгандан сўнг Птица кетишга шайланди. Фулом уни машина олдиғача кузатиб, қучоқ очиб хайрлашди.

Птица кетгач, Фулом ҳузурига Саша, Аким ва Оразгелдини чақириб, йиғилган ҳужжатларни муҳокама қилди. Бунинг устига, Ашотнинг ҳаддан ташқари тилла тангаларга қизиқувчанлиги, мунтазам Бухоро, Самарқанд, Қарши ва Хива шаҳарларидан ана шундай нарсаларни харид қилдириши маълум бўлди. Буни эшитган Оразгелди олдинига Ашотнинг уйини яхшилаб тафтишдан ўтказиш, шундан сўнггина пиширган ошига шерик бўлиш таклифини берди. Фулом, “Ашот Галустьянович қарийб саккиз йилдан бери “Тошлимсувсавдо” бирлашмаси директори лавозимида ишламоқда, демак, камида 80 миллион рубблик олтин ва заргарлик буюмлари бор, ҳаммаси бечора халқнинг ризқидан қирқилган. Бунинг устига, у бор топган бойлигини ҳеч қачон ўлмайдиган валютага, тилла асбобу тақинчоқларга айлантириб қўймоқда. Наҳотки, пулнинг алмашиши ҳақидаги миш-мишлар ҳақиқат бўлса”, деган хаёллар гирдобига ғарқ бўлди.

Ашот Галустьяновичнинг чор Россияси червон тилла тангаларига ишқибозлиги ҳам тўсатдан маълум бўлиб қолди. Деярли уч ойлик кузатишлардан шундай хулосага келинди, унинг Миробод бозори орқасидаги уйига фақат хотинининг ота-онаси, яқин қариндошлари келиб туришар экан. Ҳеч қачон уй ёлғиз қолмаган, мабодо хотини бирор иш билан шаҳарга чиқадиган бўлса унинг отаси уйни қоровуллаб қолар, бундан ташқари, овчарка ити гараж олдида доимо боғлиқ турарди.

Шу кузатувлар маҳалида нисбатан янги “Москвич-408” енгил автомашинада бир ўзбек йигити келар, уйда кўп бўлмас, атиги ўн беш-йигирма дақиқача уй эгаси билан пардалари туширилган хонада суҳбатлашар, сўнгра каттагина сумкани кўтариб чиқар ва машинасига ўтириб, зудлик билан маҳаллани тарк этарди. Бу маълумотлар Фуломга етказилгандан сўнг бу йигитчани ҳибсга олиб, яхшилаб сўроқ қилишга топшириқ берди.

У навбатдаги сумкани кўтариб чиқиб, машинасида Тошкент — Самарқанд йўналишида ҳаракат қила бошлади. Улар машинани қувиб ўтмасдан, бошқа йўл билан айланиб, Қовунчининг чўл қисмида кутиб туришди. Машинани қуюқ тутлар ичидаги йўлга киритишди ва тишли занжирни кўринмайдиган қилиб ерга кўмиб қўйишди. Машина тўғри келиб ундан ўтди ва тўртта балони ҳам вишиллаб, йигирма метрлар ўтиб тўхтади. У машинадан тушиб, баллонларни кўздан кечираётган пайтда қарама-қарши тарафдан “Победа” русумли машина кўринди. Ҳайдовчи дарҳол қўл кўтариб, машинани тўхташга имо қилди ва ҳаллослаганича:

— Падарлаънат бир ифлос йўлга тишли занжир кўмиб қўйган экан, тўртта баллонни ҳам тешдим. Баллон топиб бўлмаса, вулканизация узоқ, биродар, бир амаллаб камера ямайдиган жойгача тортиб боргин, хизмат ҳақингни бераман, хафа қилмайман, — деб Акимга мурожаат қилди.

Аким қўлидаги соатига қараб:

— Ҳа, майли, аммо менда трос йўқ-да, биродар, — деди.

Шу пайт иккинчи машина кўринди, у ҳам келиб, тўхтади, нима воқеа бўлганини билиб, орқа капотидан ингичка трос олиб, “Москвич”ни “Победа” машинасига шатак қилиш учун улашди. Иш тугаган ҳам эдики, иккинчи

машинада келган йигитлардан бири, биқинига тўппонча тираб, “агар ғинг деб овозингни чиқарсанг, биқинингдан дарча очиб қўяман” деб огоҳлантирди ва рулга ўзи ўтирди.

Уни эса янги келган машинага ўтқазиб, ёнида ҳайдовчидан бошқаси сўмқасини кабинага ташлаган ҳолда, қўлига кишан тақиб қўйди. Учала машина аста Тошкент йўналишида жўнаб кетди. Навбатдаги камера ямайдиган ерда машинани қолдириб, ичкарига киритиб қўйишни ва устага имкони борица янги баллонлар топиб, машинани икки кун ичида таъмирдан чиқариб қўйишни илтимос қилиб, ҳақини аввалдан тўлаб кетишди.

Машина тўғри Қибрайга, Аким билан Саша яшайдиган уйга келди. Бандини тушириб, уйга олиб кирдилар. Сумкани очганда, у 50 ва 100 сўмлик купюралар билан тўлалиги маълум бўлди. Чўнтақларини тинтиб, паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, техталони ва бошқа ҳужжатларни олишди. Бундан ташқари, йигитнинг ички чўнтагидан иккита беш рақамли олтин танга ҳам чиқди, аммо у чор Россиясининг тилла пуллари эмасди. Ҳаммасини кўздан кечирган Оразгелди бандига деди:

— Колись братан, Ашот билан ораларингда қандай алоқа бор, нега у сенга шунча пул беради. Сўнгги ой ичида учинчи марта унинг уйидан сумка кўтариб чиқяпсан? Яхшиликча ҳаммасини ўзинг айтиб бермасанг, эрталабгача минг азобга солиб, қийнаб ўлдириб юбораман. Тушундингми, братан? Қулоғим сенда.

— Акалар, сизлар ички ишларданмисизлар? — деди банди.

— Бу ҳали бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўляпти, — деб Аким бандининг қорнига мушт туширди. Шундан сўнг у тилга кирди. Эргаш, йигитнинг исми шундай эди, Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Хивага бориб, нақд пулга турли тилла тақинчоқлар, айниқса тилла тангалар харид қилиб келиб, тўртдан бир фойдасига Амбарцумянга етказиб берар экан. Чўнтагидан чиққан икки тилла танга чор Россияси Туркистонни истило қилмасдан олдин, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) даврида муомалада бўлган, соф қизил олтиндан ишланган пул воситаси экан. Ундан бир одамда эллик дона бор, Ашотга кўрсатиш учун иккитасини харид қилган ва нархини келишиш учун келтирган экан. Шундай тилла

тангаларни излаб топиш ва келтириш учун Ашот ҳатто унга машина ҳам олиб берган, бу иш билан қарийб уч йилдан бери шуғулланаркан.

— Шу уч йил ичида унга қанча тилла танга, тақинчоқлар олиб келиб бергансан? — савол берди Оразгелди.

— Аниқ эслолмайман, аммо беш юзтадан ортиқ, ундан ташқари, эски замондан қолган тилла асбоблар ҳамда узук, балдоқ, зирак ва шунга ўхшаган нарсаларни келтириб берганман, — деди банди.

Бу маълумотлар ўта муҳим, шу сабабли Аким машинага ўтириб, Чирчиққа Графнинг олдида зудлик билан жўнаб кетди. Бандини вақтинчалик ичкари уйга киритиб, қамаб қўйишди. Тун ярмида Аким Графни олиб келди. Фулом стол устида турган нарсаларга бир назар ташлаб, сўнгра улардан фикр билдиришларини сўради.

— Граф, — деди Оразгелди, — бу арманининг уйини олдин тозалаш керак, сўнгра бошқа ишларда ҳамкорлик қилсак бўлади. Бундай қарасанг, оддий одам, лекин америка миллионерларидан кам эмас экан. Бундай қулай вазиятни қўлдан чиқармаслик керак.

— Яхши, бўлмаса армани бу бойликларни қаерда сақлашини аниқланглар, ундан сўнг олиб чиқасизлар. Аминман, у ўлиб қолса ҳам милицияга хабар қилмайди. Шунинг учун бу ишни ими-жимида қилмоқ зарур. Ановини яна сўроқ қилинглар, балки қаерда сақлашини аниқ билмаса ҳам тахминан йўлланма бериб юбориши мумкин. Пулни ҳозирча сақлаб туринглар, тангаларни мен олиб кетаман, бу — хавфли буюм, — деб уларни ички чўнтагига тикиб қўйди.

Оразгелди бандини қайта сўроқ қилди, аммо у Ашот бойликларни қаерга яширишини билмаслигини, аммо кўпинча машинаси бўлмаса ҳам, гаражидан чиқиб келаётганига кўзи тушганлигини айтди. Гараж олдида итнинг боғланиб туриши бежиз эмаслигини Оразгелди энди тушунди. Дарҳақиқат, Ашотнинг шахсий машинаси бўлмаса ҳам, уйида гаражи бор эди. У қўл остида ишлайдиган одамларга бу ҳақда “Яхши ният билан гараж қуриб қўйганман, маблағ йиғиб, орттира олсам, бир куни насиб қилса, шахсий машина сотиб оламан”, деб қўярди.

Оразгелди, Аким ва Саша бир ҳафта тайёргарлик кўришиб, ниҳоят, ярим кечада Ашотнинг уйига келишди. Акимнинг қўлидаги сумкада ҳайвонларни ухлатувчи дорили ўқ, шприц бор эди. У гаражга яқин турган қўшнининг деворидан итни мўлжаллаб ўқ узди. Ит бир-икки паст товушда акиллаб, чўзилиб қолди. Сўнгра учовлари аста девордан ошиб, ҳовлига тушишди ва бир фурсат пойлаб, гараж олдига келишди. Гаражга осма қулф осилган, ички қулфи ҳам бор экан. Осма қулф бир зумда очилди, аммо ички қулфни очишга бирмунча уринишди. Дарвозани очиб, гараж ичига киришди. Чўнтак фонари билан гараж ичини кузата бошлашди. Деворларни бирма-бир кўздан кечиришди, аммо у ерда яширин жой борлигини аниқлай олишмади.

Шундан сўнг Аким автомашиналарни таъмирдан чиқариш учун махсус қилинган чуқурликка тушиб, уни текшира бошлади. Аста деворларини тақиллатиб чиққанди, бурчакдан бошқача товуш чиқди. Аким ундаги гиштни аста суғуриб ола бошлади. Гишт осонгина чиқди, сўнгра иккинчи қават гишти у кўчирилгандан кейин деворга ўрнатилган кичкина темир сейф кўринди.

Оразгелди чуқурга тушиб, сейфга сигнализация келмаганлигини аниқлаб, мосламаларни беришни илтимос қилди. Қандайдир ўн беш дақиқада сейф очилди, унда махсус қутичаларга алоҳида-алоҳида қилиб жойланган тилла тангалар, дур-гавҳардан ишланган тақинчоқлар, узук, зирак, аср бошидан қолган олтин чўнтак соатлари ва бошқа майда осори-атиқалар бор эди. Буларни қутилари билан олиб келган сумкаларига солиб, оёқ изларини шу ерда турган супурги билан йўқотиб, носвойдан ерга сепиб, бунинг устига, барчалари ўзбек кавушларини кийиб олишган, итлар эса унинг ҳидини олган билан, оёқ размерларини аниқлай олишмайди. Ўлжани олиб, аста ортга қайтдилар. Бармоқ изларидан хотиржам, чунки жиноятчилар қўлқопда иш кўришганди. Ҳеч қандай тасодифсиз Чирчиқ шаҳрига етиб бориб, барчасини Графга топширишди. Бу бойликлар тахминан баҳоланганда 120 миллион рублга тенг эканлиги аниқланди, аммо уларнинг ичида қадимийлари бўлиб, уни махсус антикварлар ва шу соҳа мутахассислари баҳолаши мумкин эди.

Фулом уларга бандидан олинган пулларни ўз хоҳишлари бўйича ишлатишга, ўзини эса қўйиб юборишга рухсат берди. Фақат тилла тангалар кимдалигини аниқлаш ва имкони борида бу йигитни маблағ билан таъминлаб, ушбу бойликларни бу ерга келтиришни ташкил этиш тўғрисида топшириқ берди. Шу кундан эътиборан Эргаш зиммасига юклатилган вазифани бажаришни давом эттирди, аммо энди буюртмачилар ўзгарганди.

Эргаш бундан асло хафа бўлмади ҳам, чунки кейинги ҳамкорлари олдингисига нисбатан сахийроқ ҳамда кучлироқ эдилар. Мабодо қўлга тушиб қолса, ҳеч кимни сотмаса, ҳар қандай жойдан чиқариб олишларига қурби етишини англаганди. Улардан катта маблағ олиб, Хивага йўл олди.

Эртасига Амбарцумян ишга чиқмади, ишхонасидан олинган хабарга кўра, инфаркт бўлиб, шаҳардаги шифохоналардан бирига ётқизирилибди. Ашот Галустьяновичнинг қаршилигига қарамай, шифокорлар уни иккинчи гуруҳ ногиронига чиқазишди, ўша пайтдаги қонунга мувофиқ касаллик билан нафақага чиққан одамнинг раҳбарлик лавозимида ишлашига рухсат берилмасди.

Кўп тортишувлардан сўнг СССР Савдо вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ Ленинграддан шу соҳа мутахассиси бўлган Андрей Спиридонов “Тошлимсувсавдо” бирлашмасига бош директор этиб тайинланди. Бу инсон жиноят оламида Птица лақаби билан танилган машҳур ўғри, Графнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири эди. Унга шаҳар марказидан уч хонали уй ажратилди ва у оиласини Тошкентга кўчириб келиб, зиммасидаги вазифаларни бажара бошлади...

XVII фасл. “БОЧАРЁВ РУЧЕЙ”ДАГИ УЧРАШУВ

Бу орада Фуломнинг Сочига, “Бочарёв Ручей” санаториясига етиб бориши ҳақида шошилиш хабар келди. Дарҳол Москва орқали икки кишига сўхатгоҳга йўлланма

олинди. Фулом ва Марина Тошкент — Харьков йўналишидаги поездга ўтириб, дам олишга жўнашди.

Поезд Тошкент вокзалидан оқшом йўлга чиқди. Уларни Аким ва Саша кузатишди, Оразгелди бу пайтда водийга кетганди. Охирги пайтда Фулом “Атлас” комбинати ва пилла тайёрлаш бўйича ишларни тўлиқ унинг ва Довуд Турсунбоевларнинг зиммаларига юклаб қўйганди. Шунинг учун Оразгелди аксарият вақтини сафарда ўтказар, келиши билан устозига учрашиб, ахборот берар, топшириқ олиб, яна ишга шўнғиб кетарди.

Фулом худди академикларга ўхшаб кийинган, хотини Марина ҳам шунга монанд тусга кириб олганди. Худди шу пайтда, узоққа қатнайдиغان поездларда хориж тажрибасидаги СВ вагонлар жорий этила бошланган, бундай вагонларнинг купелари икки кишилик бўлиб, нархи эса тўрт кишиликка нисбатан қиммат эди. Фулом ана шундай вагондан битта купега патта олиб, бемалол дам олиб кетишга шароит яратди.

Йўл-йўлакай эр-хотин бемалол дам олиб, аксарият вақтларини ресторанда ўтказишиб кетишди. Қўшни купеда яна бир эркак аёли билан дам олишга отланган экан. Тезда танишиб олишди. Бу одам “Средазуголь” бирлашмаси бош директорининг таъминот масалалари бўйича муовини экан. Икки эркак буш вақтларини шоҳмот суриш билан ўтказар, жаҳондаги сиёсий ва ҳарбий ҳолат бўйича фикр алмашишар, чойхўрлик қилишар, ҳатто бир марта проводникка палов ҳам буюришди. Таомдан олдин “қиттак-қиттак” ҳам қилишди. Фулом ўзининг илмий-текшириш институтининг илмий ходими эканлигини, металл мосламалар бўйича ишлашини билдирди. Улар Ялтадаги “Ўзбекистон” санаториясига кетишгаётган экан.

Хуллас, улфат бўлгандан сўнг йўлнинг узоқлиги ҳам билинмас экан. Бу икки зиёлининг фикрича, СССРнинг Хитой Халқ Республикаси билан муносабати тобора зиддиятлашиб бориш, яхшилик аломати эмас экан. Ҳатто Москва шаҳридаги “Пекин” ресторанининг ёпилиши икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари бир жойдан чиқди.

Поезд белгиланган муддатда, яъни эрта тонгда Харьков шаҳрига етиб келди. Шу ерда йўловчилар хайрлашишди.

Фулом такси тўхтатиб, Сочи шаҳрига, “Бочарёв Ручей” санаториясига олиб боришини илтимос қилди. Шофёр савдолашиб, рози бўлди. Фақат Фулом унга бошқа йўловчи олмасликни тайинлаб, йўлқирани тўлиқ маблағини қоплашини билдиргандан сўнг дарҳол йўлга тушди. Ҳайдовчи анча гапдон, хушчақчақ одам экан, суҳбатлашиб кетишди. Улар ўн беш соатда Сочига етиб келишди ва “Бочарёв Ручей” санаториясига жойлашишди. Фулом белгиланган муддатдан бир кун олдин келганди. Эр-хотинга 2-блокнинг 17-палатаси тегди. Фулом ўзича, “падарлаънат, бу ердаям иккинчи блок, худди зонадагидек, шуни бошқача қилиб ўзгартириш, наҳотки, мумкин эмас”, деб ўйлаб, ажратилган хонага жомадонни кўтариб кетди. Хонага кириб, энди жойлашган эдиларки, эшик тақиллаб, ресторан официанти икки хил ичимлик, ҳўл ва қуруқ мевалар, қизил ва қора икра, сариқ ёғ, қизил ва оқ балиқ ва бошқаларни стол устига жойлаб, мезбондан деб қўйди-да, қўлига кичкинагина қоғозни узатди. Фулом уни очиб ўтирмасдан, мактуб кимданлигини билди. Имзосиз хатда “Кечқурун соат 20.00 да санатория дарвозаси олдига чиқ”, деган сўзлар бор эди.

Фулом душга тушиб, кийимларини алмаштириб олди. У ювиниб чиққунча, хотини жомадонни бўшатиб, кийимларни шкафга осган, қўйлак ва шимини дазмоллашга ҳам улгурганди. Кечгача вақт кўп, шунинг учун Марина билан сиҳатгоҳни яёв айланиб чиқишди. Кўчага чиқиб, шу ердаги киоскадан газета ва журналлар харид қилиб, хонага қайтишди. Тушликдан сўнг дам олишди. Соат 19.00 да кечки нонуштага киришди ва ундан сўнг Маринани хонада қолдириб, дарвоза олдига чиқди. Чиқиши билан битта “Победа” русумли машина олдига келиб тўхтади, бир йигит ундан тушиб, орқа эшигини очди. Фулом машинага ўтириши билан жойидан шаҳд билан қўзғалиб, шаҳар марказига қараб йўл олди.

Фулом арчалар билан қуршалган, фонуслари ёниб турган кўчалардан кетаркан Адмирал билан биринчи марта Сочига келганлиги, сходняк йиғилишида қатнашганлиги, Паша Симбирскийга тож кийдириш маросими ўтказилганлиги ёдига тушди. Э, ҳа, шунгаям қанча йил бўлди, аммо худди кеча бўлиб ўтгандек кўз ўнгида турибди-я, во ажабо, деб ўйлаб кетди.

Машина шаҳар марказига келгач, чап тарафга бурилиб, шахсий уйлар бор даҳага қараб юрди. Бу ерларда мевали дарахтлар нисбатан кўп, кўчалар эса марказдагига ўхшаб гавжум эмас. Машина катта, икки қаватли бино олдида тўхтади. Олдида ўтириб келаётган йигит панжарали эшикни очиб, меҳмонни етаклади. Пиллапояга чиққан одамни кўриши билан ортга қайтиб, машинага ўтирди ва ортига қайтиб кетди.

Пиллапоядаги одам икки қадам пастга тушиб, кучоқларини очди. Фулом у билан кучоқлашиб сўрашди, бир-бирларининг юзларига бир зум тикилиб туриб, яна кучоқлашишди. Мезбон ва меҳмон бир-бирларининг елкаларига қоқиб қўйишди.

— Ўзгармабсан, ўзгармабсан Граф, ҳали ҳам йигирма йил олдинги йигитсан, тасанно. Демак, спорт билан шугулланишинг зое кетмабди. Мени қара, қорин қўйиб, буржуйларга ўхшаб қолганман, юзни ажин босган, оёқ, бел оғрийди, нафас сиқилади, ана шундай, — деди мезбон. Бу Сочи ва унинг атрофидаги ерларнинг смотрашийси Иштван Сочинский эди.

Мезбон меҳмонни ичкарига бошлади.

— Граф, кимни соғингансан, кимни кўрмоқчисан, қани айтгин-чи?

— Албатта, барча братвани, аммо Интеллигентни ҳаммадан кўра соғинганман, чунки уни кўрсам, беихтиёр Ангел ёдимга тушади, — деди Фулом.

Иштван кулимсираб, эшикни зарб билан очди. “Интеллигент” ҳам марҳум Ангелга ўхшаб ҳеч қачон оғзига қўпол сўзларни олмас, ўғриларнинг жаргон тилида гаплашмас, ўта маданиятли, зиёли бўлиб, бўш вақтларини театр, музейларда ўтказар, жаҳон мумтоз мусиқасидан хабардор инсон эди. Гўёки иккинчи Ангелнинг ана шу хислатларини Граф доимо эслаб юрарди. Ҳатто Ангелнинг вафотидан сўнг унинг вазифаларини бажараётганида, бир-икки марта янглишиб, Ангел деб мурожаат қилган вақтлари ҳам бўлганлиги доимо ёдига тушарди.

Хона ўртасида Фрол Марчук Графга қараб, юзидаги табассум билан, кучоқ очиб келарди. Анчагача кучоқлашиб туришди, Фулом ҳатто уни кўтариб, бир-икки силкиб ҳам қўйди.

— Бўлди, бўлди, Граф, белимни чиқариб юборасан, мен илгариги Фрол эмасман, ахир, бўлди, бўлди қил-а, — деганидан кейингина астагина кучоғини бўшатди.

Уч ўртоқ камин олдидаги дастурхонга ўтиришди. Мезбон дастурхон устидаги ёпқични очиб, биллур қадахларга ароқни қуйиб, ўз қўли билан бир-бир меҳмонларга узатди.

— Келинлар, марҳум устозларимиз, сафдошларимиз, Адмирал, Филон, Бистрий, Ангел ва бошқаларни ёдга олайлик, — деди хонадон эгаси ва бир кўтаришда қадахни бўшатди, тагидагини эса тувакка тўкди. Мезбонлар ҳам худди шу йўсинда қадахларини бўшатишди ва газак қилишди.

— Кечирасан-у, Граф, қорнинг қанақа, биз хотининг билан санатория ошхонасига киришингни билиб, сени кутмай овқатланиб олгандик. Агар хоҳласанг, ҳозир овқат келтиришади, — деди мезбон.

Фулом боши билан керакмас деб ишора қилди. Мезбон стол устидаги анор, олма, апельсин, мандаринни арчиб, ликопчаларга жойлаб, ҳар бир меҳмоннинг олдига қуйиб, қадахларни тўлдирди. Бу гал учрашганлари учун олишди. Ҳўл мевалардан газак қилиб, мезбон таклиф қилган сигараларни тутатишди.

Фулом уни сходняк Кенгаши йиғилмасдан олдин таклиф қилишганидан, бир жумбоқли масала борлигини англаганди, аммо Адмиралдан кейин вақтинчалик унинг вазифасини бажараётган Марчук сўз бошламагунча сукут сақлашни лозим кўрди. Ниҳоят, мезбон деди:

— Граф, индинга сходняк Кенгаши йиғилади, унда марҳум Адмиралнинг ўрнига Иттифоқ смотряшийси лавозимига номзодлар тавсия этилади. Марҳум устозимизнинг қироллик лавозими бундан кейин у билан абадий қолади, бундан сўнг қирол сўзи бошқа ишлатилмайди. Сен бунга нима дейсан? — деб сўради. Фулом бош қимирлатиб, унга бу фикр маъқул эканлигини билдирди.

— Граф, Иттифоқ смотряшийси лавозимига Паша Симбирский, Валентин Кручнев ва Фрол Марчукларнинг номзодлари тавсия этилиши мўлжалланмоқда, аммо Интеллигентнинг бу масала юзасидан баъзи мулоҳазалари бор. Сени таклиф этишдан мақсад, ана шу масалаларни

сходняк Кенгаши йиғилишидан олдин муҳокама қилиб олиш ва бир тўхтамга келишдир, нима дейсан?

— Розиман. Хўш, қандай муаммо бор, тушунтир-чи? — деди Фулом.

Бу ёғини ўзинг гапир дегандек қилиб Сочинский Интеллигентга қаради.

— Граф, мен Иттифоқ смотряшийси лавозимини эплашим қийин, шунинг учун обшак эгаси бўлиб қолсам-да, Паша Симбирскийни шу мансабга сайласак. Чунки у, биринчидан пароканда бўлган областларни қаттиққўллик билан бошқара олади, иккинчидан, тождор ўғрилар орасида улкан обрўга эга, учинчидан, у раҳбарлик қилаётган ҳудудга тавсия этиладиган кадр тайёр.

Бироз сукут сақлаб, сўзида давом этди:

— Валентин Кручевга келсак, ўз ҳудудида эндигина тартиб ўрнатди, ёш бўлса ҳам, тажрибаси етарли, аммо Марказий Сибирь бу Волгоград, Куйбишев эмас, ўзинг биласан, агар у Петербургда келса, яна итоатдан чиқиб кетиш эҳтимоли бор. Ундан сўнг, яна тартиб ўрнатиш учун қон тўкишга мажбур бўламиз. Сен нима дейсан, Граф?

Фулом ўйланиб қолди. Дарҳақиқат, Интеллигентнинг гапларида жон бор. У ўзи учун эмас, тождор ўғрилар ғоясини, ишларини сақлаб қолиш учун жон куйдирмоқда. Фрол маданиятли, зиёли одам бўлгани билан қаҳри қаттиқ эмас, бизни эса сал бўш қўйиб юборса, нималарни қилмаймиз, деган ўй бир зумда миясидан ўтди.

— Ақлли фикр, Паша Симбирский — Иттифоқ смотряшийси, Интеллигент эса ғазначи, бундан яхши таклиф бўлмайди, мен ана шу фикрни қўллаб-қувватлайман, — деди Фулом.

У шу сўзларини айтиши билан Фрол ўрнидан туриб, Фуломни бағрига босиб қўйди.

Шундан сўнг у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтиришди, бироқ гап қовушмади... Фулом соатига қараб, ўрнидан туриб, санаторияга қайтиши кераклигини айтди. Уни Сочинский кузатиб чиқди. Улар пиллапояга чиқишлари билан машина келиб тўхтади, орқа эшиги очилиб, Граф ўтириши билан ҳаракатини давом эттирди. Фулом санаторийга келганда вақт

ярим тундан ўтган, Марина эса эрмак учун қандайдир нарсаларни тикиб ўтирарди.

Сходняк Кенгаши аъзоларидан ўтган даврда тўрт киши вафот этган, учтаси қамоқхонада, биттаси хорижда. Ҳаммаси бўлиб, ўн киши йиғилганди. Кенгаш ишини Марчук олиб борди. Асосан, сходняк мажлисига киритиладиган масалалар қўрилди. Биринчиси, умумиттифоқ смотрящийси лавозимига номзод, иккинчиси, регионларда юзага келган ташвишли ҳолат, марказий ғазнага тушаётган бадаллар, уларнинг сарф-харажатлари ва бошқа масалалар кун тартибига қўйилди.

Кенгаш кун тартибига тавсия этилган масалаларни муҳокама қилиб, баъзи бир тузатишлар билан қабул қилди. Энди асосий масала, яъни умумий йиғилишга кимнинг номзодини тавсия этиш, кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Кенгашнинг нисбатан эски аъзоларидан бўлган Иштван Сочинский сўз олиб, Паша Симбирскийнинг номзодини ёқлаб чиқди, уни Граф, Интеллигент қўллаб юборишди.

Ҳамманинг диққат-эътибори Кенгашнинг энг кекса аъзоси Марк Тульскийда эди, у тавсия этилган уч номзоддан қай бирини қўлласа, ўша номзод сўзсиз умумий мажлисда тасдиқланарди. Чунки Марк Тульский — тождор ўғрилар идеологлари бўлган Дед Матвей, Дядя Толя, Барон каби жинойий оламнинг қироллари даражасидаги одамларнинг тарбиясини олган, бирга ишлашган, улар вафотидан сўнг Адмирални шу лавозимга шахсан тавсия қилган афсонавий шахс. Анча қариб қолгани, Стокгольмда яшаётганига қарамай, сходняк Кенгаши аъзоси эди. Мана ҳозир ҳам умумиттифоқ тождор ўғрилар анжуманига етиб келганди.

У ўрнидан туриб, учала номзоднинг ижобий ва салбий жиҳатларини гапириб ўтди. Унинг сўзларини барча диққат билан эшитар, чолнинг хулосасини кутишарди. Чол тингловчи аудиторияни соғиниб қолган эканми, тождор ўғрилар ғоясининг пайдо бўлиши, асосчилари, давомчиларининг ҳаётларини батафсил баён қилиб, шу салтанатни мустаҳкамлашда хизмат қилган, оламдан ўтган тождор ўғриларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олишни таклиф қилди. Ҳамма бир дақиқа тик турганича, сукут сақлашди.

Тушлик эсдан чиқди, вақти ҳам ўтиб кетди. Ҳеч ким танаффус қилайлик деган таклифни ҳам бермади. Ниҳоят, чол тавсия қилинган номзодлар ҳақида яна бир марта тўхталиб, сўнгра битта шарт билан Интеллигент, Граф, Сочинскийлар тавсия этаётган Паша Симбирскийни ҳозирнинг ўзидаёқ Кенгашга таклиф этиб, ваъдасини олиш, қасам ичиш маросимини одатдагидек умумий йиғилишда ўтказиш вазифасини қўйди.

Бу ўртага ташланган таклиф қабул қилинган тартибга ҳилоф, чунки қиролликка тавсия қилинаётган номзод, то умумий мажлисгача бу ҳақда билмаслиги керак эди. Умумий мажлисгача қабул қилинган қарорни сирини очган одам дарҳол Кенгаш аъзолигидан чиқарилиб, шу йиғилишнинг ўзидаёқ тожи ечиб олиниб, барчанинг қаҳрига учрарди. Кенгаш аъзоларининг барчасининг боши қотди, баъзилари отахон қариб, умуман эсини еб қўйибди-ку, деган фикрга ҳам боришди.

Аммо у, Кенгаш аъзоларининг шундай хулосага келганликларини ҳам алоҳида таъкидлаб, бу таклиф ҳозирги юзага келган шароитдан келиб чиқаётганини изоҳлади, бундан сўнг жиноий олам қироли лавозими марҳум Адмирал билан бирга гўрга киргани, унинг ўрнига умумиттифоқ смотрящийси мансаби киритилаётгани муносабати билан низомга тегишли ўзгартириш киритиш вақти келганлигини қайд қилиб ўтди.

Отахоннинг таклифи барчани ўйлантириб қўйди. Ниҳоят, Фрол ўн беш дақиқага танаффус эълон қилди. Ҳаммалари хонага қайтиб кирганларидан сўнг Интеллигент отахоннинг таклифини овозга қўйди. Барчалари қўл кўтариб, таклифни тасдиқлашди. Графнинг таклифи билан умумий мажлиснинг раислигини олиб бориш Марк Тульскийга топширилди. Шу билан тождор ўғрилар Кенгаши ўз йиғилишини ёпди ва тушлик қилиш учун қўшни хонага ёзилган дастурхонга таклиф этилди.

Эртасига Иштван Сочинскийнинг таклифига мувофиқ умумиттифоқ тождор ўғрилар анжумани очиқ денгизда, “Грузия” пароходида ўтказиладиган бўлди. Шу мақсадда ушбу пароход бир кунга ижарага олинган бўлиб, соат саккизда пристандан қўзғалиши керак эди. Барча анжуманга

келганлар огоҳлантирилган, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш эса Сочинскийнинг зиммасида эди.

Анжуман белгиланган вақтда, пароходнинг кичик залида очилди. Мажлисни Марк Тульский бошқарди. У сўзини бошлар экан, бу дунёни ташлаб кетган устозлар, сафдошлар хотирасини бир дақиқа тик турган ҳолда ёдга олиш таклифини киритди. Сўнгра деярли ярим соат маъруза қилди. У ўз сўзида тождор ўғрилар ғоясини кўндан-кўнга бузувчилар кўпаяётгани, ҳозир бу ғояни мустаҳкамлаш янги авлод қўлига топширилаётгани, ўзи эса сўнгги марта бу анжуманда қатнашаётганини таъкидлаб, Паша Симбирскийни умумиттифоқ смотрящийси лавозимига сайлаш таклифи Кенгаш томонидан киритилаётганини билдирди...

Қизгин мунозара, баҳслар бўлиб ўтди. Баъзилар, эски қироллик мансабини сақлаб қолиш тўғрисидаги фикрларни билдиришди, бошқалари марҳум Адмирал ҳурмати бу мансаб у билан бирга оламни тарк этганини ёқлашди. Хуллас, таклиф овозга қўйилди ва Паша Симбирский кўпчилик овоз билан умумиттифоқ смотрящийси лавозимига сайланди. У дарҳол қасамёд қилди ва Кенгаш парокандаликка барҳам бериш, тождор ўғрилар ғоясини оёқ ости қилаётганларга нисбатан шафқатсиз бўлиш, нафақат тождарини ечиб олиш, ҳатто жисмоний тарафдан жазо чораларини кўриш, обшакка бадаллик маблағларини ўтказишдан бош тортган ҳудуд раҳбарларига нисбатан мурасасозлик қилмаслик, зарур бўлса, жарима миқдорини уч бараварга кўтариш каби масалаларни янги сайланган раҳбарнинг олдига кўндаланг қилиб қўйди.

Шу билан анжуман ўз ишини якунлаб, барча ошхонага таклиф этилди. Энди раислик минбарини Паша Симбирский эгаллаган, ёнида эса Марк Тульский, Фрол Марчук, Фулом Вадудов, Иштван Гурский (Сочинский) ва бошқалар бор эди. Ҳаммалари уни шундай юқори лавозимга сайлангани билан чин қалбдан қутлашди, фаолиятига муваффақият тилашди. У миннатдорлик билдириб, қўлидаги қадаҳни барча меҳмонлар билан уриштирди-да, сўнг ўтирган жойига қайтиб, бир кўтаришда ичиб юборди.

Орадан уч кун ўтгандан сўнг Граф Сочинскийдан яна малява олди. Иштван уни хотини билан денгизда сайр қилишга таклиф этган ва саёҳат катерини тайёрлаб қўйган экан. Айтилган вақтда сиҳатгоҳ дарвозаси олдида ўқувчига

таниш бўлган “Победа”да Иштваннинг ёрдамчиси келди. Улар Сочи шаҳридан чиқиб, денгиз соҳилига қараб юришди. Денгиз сайри маромида ўтди. Шу билан Фулом ва хотини дам олиб, Ўзбекистонга қайтишди...

XVIII фасл. СОВЕТ ИТТИФОҚИДАГИ ПУЛ ИСЛОҲОТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Фулом ва Марина Тошкентга қайтишгандан сўнг, зудлик билан одамларини чақиртириб, обшакдаги барча совет пул бирлигига турли фуқаролар номига уй-жой, эндигина аҳолига сотила бошланган “Рекорд” русумли телевизор, мумкин қадар тилла буюмларни харид қилиш вазифасини қўйди. Уларга бунинг сабабини яқин ойларда пул алмашиши, нисбати ўндан бир бўлиши ҳақида мукаммал ахборот олинганлиги билан изоҳлади. Бу даврда обшакда катта миқдорда бўлмаса ҳам, совет пул бирлиги етарли, уларнинг деярли уч йиллик сарф-харажатини қоплайдиган маблағ йиғилиб қолганди.

Ўзбекистоннинг марказий шаҳарларида, айниқса, пойтахтда бир қанча одамларнинг исм-шарифларига уй-жой, ҳатто енгил автомашина, телевизор, қимматбаҳо гиламлар, заргарлик дўконларидан оз-оз миқдорда тилла тақинчоқлар ва Эргаш орқали бир юз эллик саккизта олтин танга харид қилинди. Шундай қилиб, пул бирлигининг инқирозга учраши ва алмашинишида бўладиган муаммолар тўлиқ бартараф этилди.

Дарҳақиқат, орадан бир йил ҳам ўтмай пулни ўнга бир нисбатда алмаштириш ҳақидаги совет ҳукуматининг қарори эълон қилинди. Ҳазнада қолган арзимаган маблағ ҳеч қийинчиликсиз алмаштирилди ва бозорларга форс, афғон, туркман, хива гиламлари, телевизорлар чиқарилди. Ўша даврда битта гилам фақат тўй қилаётган оилага район ижроқўмининг фармойиши билан бериларди. Ўғрилар ғазнасида эса бундай гиламлар тахланиб ётарди. Бу гиламлар,

асосан, Тошкент, Олмалик, Чирчиқ шаҳарларидан сотиб олинган уйларда сақланиб, харидорлар сон-саноқсиз, айниқса, бозорларда олиб-сотарлик билан шуғулланадиган одамлардан тинчлик йўқ эди. Улар гиламларни кутарасига беришларини, сотиб бўлганларидан сўнг пулини қайтаришларини маълум қилардилар, чунки гилам ўша даврда харидоргир эди.

Савоб учун Ғулом Тошкент шаҳридаги етимлар уйига ва баъзи бир қийналиб қолган, аммо тўй қилаётган oilаларга садақа сифатида бир нечасини бериб юборди. Хуллас, гилам ва бошқа харидоргир саноат молларининг бозорга чиқарилишидан ўғрилар ғазнаси янги муомаладаги пул бирлиги билан яна тўла бошлади.

Ғулом бу ерда чет эл валютасини сақлашга қўймас, аксарият маблағ хориж банкларида жамланган, марказий обшакка ўтказиладиган улуш ўша банклар орқали амалга ошириларди. Қолган маблағ банк фоизларига қўйилган, бир қисми эса чет эл корхоналарига инвестиция шаклида киритилиб, келажакдаги сарф-харажатлар учун мўлжалланган эди.

Ғулом бир неча марта Оразгелди, Довуд ва бошқаларни атласни хорижга экспорт қилиш ҳажмини бироз қисқартириш, бир қисмини маҳаллий тўқувчи косибларга пуллаш ҳақидаги огоҳлантиришига қарамай, молия гилдираги шунчалик тез айланар эдики, энди уни тўхтатиш ёки секинлатиш умуман мумкин эмас эди. Сўнгги пайтларда комбинатга марказдан ҳар хил комиссияларнинг келиши кучайган, айниқса, УБХСС ва маҳаллий ОБХСС ходимларини ку кечаю кундуз корхонадан чиқмайдиган бўлиб қолишди. Аммо ҳозирча хавотирланадиган бирорта ташвишли ҳолат юзага келмаган, келиб-кетувчилар билан Ғанижон ўзи гаплашар, меҳмон қилиб, совғасини қўлларига тутқазиб, жўнатиб юбораётганди.

Довуд Турсунбоев мана шунақа текшир-текшир, келиб-кетувчилар учун Оразгелди билан келишган ҳолда махсус фонд ташкил этган, маблағ алоҳида сейфда турар, калити фақат Ғанижонда, директорнинг топшириғига мувофиқ маблағ “ҳурматингиз баланд, ака” қабилида текширувчиларнинг кўнгли учун сарфланарди.

Навбатдаги атлас матолар ортилган контейнерлар Батуми портига жўнатилди. Мўйиддин Ваҳобов терлаб кетган пешонасини доимо елкасига ташлаб юрадиган рўмоли билан артар экан, чўтда бир нарсаларни ҳисоблаб ўтирган Фанижонга деди:

— Фанижон ака, шу кеча аллақандай тушлар кўриб чиқдим-а, оёғим тортмай юкларни ордим, ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да.

— Хўш, тушингизда нималарни кўрдингиз, шунчалик эсанкираб, қўлларингиз қалтираб қолибди? — деди Фанижон.

— Фанижон ака, тушимда бир катта семурғ қуш иккала оёғи билан мени қисиб, осмон-фалакда учиб кетаётганмиш. Ниҳоят, бир жойга келганда, баланд тоғ тепасидаги инига ташлади. Инда эса учта боласи бор экан. Бир маҳал қарасам, жўжалари учта чала жон одамни чўқилаб, муштдек гўштларини юлиб олиб, луқмаи ҳалол қилмоқда, улар кимлар денг, бирови бизнинг хуфия ишларимизни бошқарадиган анови йигит бор-ку, ҳа, оти нимаиди, ҳа, ҳа, Ўроз, иккинчиси кимлигини биласизми, валлоҳи аълам, комбинат директори Довуд ака, учинчиси эса, қўйинг айтмай қўяқолай, — деди Мўйиддин.

Учинчиси ким бўлишини ақлан идрок қилган Фанижон, шундай бўлса-да, деди:

— Хўш, учинчиси ким эди?

— Учинчиси сиз эдингиз, Фанижон ака, — деди Мўйиддин.

— Сен, падарлаънат, доимо мана шунақа совуқ тушларни кўриб юрасан, ҳе кўрган тушингни... Бунақа аҳмоқона тушларни одамларга айтиш шарт эмас, бағрингта сиғмаётган бўлса, касофат, бориб сувға айтгин, шунда ҳам олдингда ҳеч ким бўлмасин, одамнинг ўтакасини ёриб юбординг-а, шунақаям бемаза туш кўрадимиз, одам дегани, тавба, тавба, — деди Фанижон.

У бугунги эшитган тушидан беҳад ташвишланиб, кўчада юрган таниш гадойга етти танга садақа беришни ният қилиб қўйди:

— Юр-ей, бир самоварга бориб, ошхўрлик қилиб келамиз?

-- Мен ўзим ҳам сизга шу нарсани таклиф қилмоқчийдим, -- деди Мўйиддин.

Самоварга бориб, тўрт кишилик палов буюришди, яна икки шериклари билан бир шиша ароқ ичиб, ошни ейишди. Аммо аксига олиб доимо самовар атрофида ўралишиб юрадиган Ҳошим телбани бугун учратишмади, Ғанижон етти тангани ўшанга садақа қилишни ният қилганди.

Бу пайтда эса Батуми портида ғалати воқеалар юз бераётганди. Олдинги босқичда жўнатишган контейнерларни навбатдаги пароходга ортилаётган пайтда ишчилардан бири кран илгичини контейнерларнинг бирига нобопроқ ўрнатганми ёки тасодиф туфайли шундай бўлди, бир томони чиқиб кетиб, контейнер деярли ўн метр баландликдан ерга зарб билан тушиб, муҳрлари бузилиб, эшиги тарвақайлаб очилиб кетди, бир қисм бўзга ўралган мато отилиб ерга тушди. Порт ходимлари дарҳол бошқа контейнерга матони жойлашга ҳаракат қилишди, аммо уларни сиғдиришнинг ҳеч иложини қила олишмади.

Бу ҳолат ҳақида дарҳол порт директори Сихурилизега хабар қилишди. У ва бош инженер келиб, ҳолатни кўриб, қандай қилиб бўлмасин юкларни контейнерга жойлаштиришни топширишди. Амаллаб, куч билан тикишди, аммо контейнернинг эшигини ёпиш роса қийин бўлди. Ниҳоят, матоларни жойлаб, эшикни ёпишга муваффақ бўлишди, аммо шу пайтда қандайдир йигитлар келиб, Давлат хавфсизлик қўмитасидан эканликлари тўғрисидаги ҳужжатларини кўрсатиб, контейнерларни жўнатишни тақиқлашди. Барча йигирмата контейнер қайтадан юк бўлимига ўтказилиб, соқчи аскарларга қўриқлаш, уларнинг олдига бегона одам қўймаслик ҳақида топшириқ берилди.

Биринчи ўтказилган тафтишдаёқ, контейнерларнинг ичида ҳужжатларда акс этмаган моллар борлиги аниқланди. Жами йигирмата контейнердан олтитасида 30 минг погон метр ортиқча атлас матолари борлиги, уларда эса қизил бўёқ билан катта ГKK ҳарфлари битилганлиги аниқланди. Шу куннинг ўзидаёқ Москвадан, марказий аппаратдан тезкор ходимлар ва терговчилар етиб келишди. Улар йиғилган бирламчи ҳужжатларни таҳлил қилиб, зудликда бошлиқларининг топшириғига биноан Ўзбекистонга

жўнашди. У пайтларда самолётлар СССРнинг марказий шаҳарларидан фақат Тошкентга учар, маҳаллий линияларда эса АН — 2, яъни аҳоли орасида кукурузник деб номланадиган икки қанотли самолётлардан фойдаланиларди.

Эртасига ташкил этилган тезкор гуруҳ комбинатга етиб келиб, биринчи бўлиб омбор мудир Мўйиддин Ваҳобов, тайёр маҳсулотни жўнатишга масъул бўлган Фанижон Абдуллажоновни, директор Довуд Турсунбоевни ҳибсга олди. Барча омборхоналар муҳрланиб, назорат тартибида бор моддий бойликлар чиғириқдан ўтказила бошланди. Шу мақсадда Молия вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг ревизорлари жалб қилинди. Улар Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимларининг назоратида тафтиш ишларини бошлаб юборишди.

Бу пайтда маҳбуслар Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат хавфсизлик қўмитасининг СИЗОсига келтирилиб, тергов-суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди. Терговни Давлат хавфсизлик қўмитасидан Ленский, прокуратурадан эса Ванютинлар олиб боришди. Биринчи бўлиб, терговга омбор мудир Мўйиддин Ваҳобов чақиртирилди.

Барча маҳбусларга ҳозирча РСФСР ЖКнинг 119-прим моддаси бўйича айб қўйилган, агар шу модда тергов охиригача қолиб, суд жараёнида ўз тасдиғини топса, ҳукм бигга — мол-мулклари мусодара қилиниб, ўн беш йил қамоқ жазосига ёхуд олий жазо, отиб ўлдиришга қарор қилинади. Бу модда, уюшган жиноий гуруҳ ташкил қилиб, давлат мулкани катта ҳажмда ўзлаштирганлар учун қўлланиларди. Бундай жиноятлар учун ҳеч кимга раҳм-шафқат қилинмасди.

Тергов изоляторидаги махсус камерада терговчилар фаолиятларини бошлашди. Раҳбарият томонидан уларга берилган топшириқ шундай эдики, барча иштирокчилар аниқланиши, ҳибсга олинishi ҳамда судга берилиши шарт эди. Тергов гуруҳи яқиндагина корхонадан чиқиб кетган ўн иккита контейнерни қайтарган, текшириб кўрилганда, уларнинг учтасида ортиқча юкланган атлас матоси борлиги аниқланганди. Ўзаро давлатлараро шартномаларни бузмаслик

мақсадида тафтишдан ўтказилгандан сўнг ортиқча материал мусодара қилиниб, контейнерларни жўнатиб юборишга рухсат берилди. Портда қўлга тушган контейнерлар бўйича ҳам худди шундай қарор қабул қилинди.

— Ўтиринг, — деди Ленский хонага назоратчи томонидан келтирилган Мўйиддин Ваҳобовга, соқчига қўлидаги кишанларни ечишга имо қилиб, терговни бошлаш учун олдидаги қоғозларни текислаб, ручкани қўлига олди. Кишан ечилгандан сўнг соқчига кетишга ижозат берди.

— Қани, Ваҳобов, қачондан, кимнинг ташаббуси билан бу жиноятларни содир этгансизлар, бир бошидан гапириб беринг-чи. Огоҳлантириб қўяй, агар ҳаммасини очиқдан-очиқ ўзингиз сўзлаб берсангиз, айбингиз енгиллашади, балки олий жазодан озод қилинарсиз, чунки бундай ҳолатни суд инобатга олади. Сизлар қатор энг оғир моддалар бўйича айбланасизлар, агар тергов билан ҳамкорлик қилиб, қилинган жиноятларни батафсил баён этсангиз, шерикларингизнинг ҳаммасини айтиб берсангиз, юзлаштирганда тонмасангиз, ваъда қиламан, ҳаётингиз сақлаб қолинади, акс ҳолда... нариги дунёга равона бўласиз, тушундингизми?

Бу огоҳлантиришдан Ваҳобов ўзини батамом йўқотиб қўйди. Терговчиларнинг саволларига қандай жавоб беришни ўйлай бошлади. Бунинг устига, у рус тилини яхши тушунмас, фикрларини лўнда изҳор қилолмасди. Шу сабабли терговчилар ўзбек ва рус тилларида бемалол сўзлашувчи вилоят прокуратурасининг Эркин Узоқов исм-шарифли терговчисидан таржимон сифатида фойдаланишга мажбур бўлишганди.

— Қани, бир чеккадан гапиринг-чи, қандай қилиб ҳисоботда кўрсатилмаган шойи тўқиш матоларини ҳосил қилгансизлар, бу фикр биринчи бўлиб кимдан чиққан, контейнерларга ортиқча юкни қандай қилиб сиғдиргансиз, кулоғимиз сизда, — деди терговчи.

Узоқов унинг сўзларини ўзбекчага таржима қилиб, “Ҳаммасини батафсил сўзлаб берсангиз, жиноятингиз енгиллашади, агар гапирмасангиз, сизга қўйилган моддалар билан, албатта, олий жазо — отишга ҳукм қилинасиз. Шунинг учун маслаҳатим, ҳамтовоқларингиз, бу

жиноятнинг тепасида турган барча одамларни ўз хоҳишингиз билан айтиб беринг”, деб қўшиб қўйди.

Бу гаплардан сўнг маҳбус умуман ваҳимага тушди. Ҳаётида Фарғона областидан деярли ташқарига чиқмаган, фақат иш юзасидан бир неча бор пойтахтга келиб-кетган оддий ўзбек йигити учун масаланинг бундай тартибда қўйилиши ўз натижасини берди. Биринчи сўроқнинг ўзидаёқ у барча билган нарсаларни гапириб берди...

Иккинчи бўлиб терговга Ғанижон Абдуллажонов чақиртирилди. Терговчилар бундай қалтис ва мураккаб ўғрилиқ операциясини ишлаб чиқишда унинг алоҳида роли борлигини тахмин қилишганди. Одатий расмийатчиликдан сўнг терговчилар томонидан унга қатор саволлар берилди. У айбни бўйнига олиб, бу ишларни бир ўзи қилгани, омбор мудирига эса чойчақа бериб турганини айтди. Бу ишларда, бошқа мутахассис, раҳбарларнинг иштироки йўқлигини таъкидлади. Терговчилар унинг анча пишган, кучли мутахассис, ташкилотчилигига амин бўлишди. Бунинг устига, у олий маълумотли, Тошкент тўқимачилик институтини тугатгандан сўнг, комбинатга ишга келганлигига деярли ўн беш йил бўлган.

— Хўп, яхши, Туркиялик ҳамкорлар билан қандай алоқа боғлагансиз? — деди терговчи.

— Биласизлар, биз маҳсулотимизнинг аксарият қисмини фақат уч ёки тўрт хорижий мамлакатларга чиқарамиз, қолганини ички бозор талабларини қондириш учун савдо ташкилотларига берамиз. Шартномани СССР Енгил саноат вазирлиги тузади, биз ижрозимиз. Бир-икки марта маҳсулот сифати бўйича рекламация келди, шунда мен Туркияга, Константинополга бориб-келишга мажбур бўлдим. Ўша пайтда туркларнинг “Шойи” номли тижорат фирмаси билан алоқа боғладим ва қўшимча равишда пилла тайёрлатиб, қайта ишлатиб маҳсулотга айлантирдим ва контейнерларга жойлаб, жўната бошладим. Албатта, бу маҳсулотни давлат нархидан анча арзонга хорижлик шерикларга етказиб турдим. Омбор мудирини ҳам ўзим йўлдан урганман, бу ишга кўндирганман, бошқа одамларнинг, яъни директор, бош муҳандис-технологларнинг умуман алоқалари йўқ. Улар одатдагидек маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз, деб ўйлаганлар,

мен эса ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун ойликка ҳар гал мукофот пули ёздирганман, ишчилар буни олганларидан сўнг, имзолари қўйилган қалбаки тўлов ҳужжатларини йўқ қилганман.

— Қандай йўллар билан бу ҳужжатларни расмийлаштиргансиз, ахир, тўлов қоғозларига директор ва бош бухгалтерлар имзо чекишлари шарт-ку? — савол берди терговчи.

— Мен бу пулларни шахсан ўзим олиб, мукофот тарзида ишчи-хизматчиларга берганман, ғазначига эса “министрликдан келган” деб тушунтирганман, у алоҳида ҳисоб-китоб қилиб, ҳисобот тузиб менга берган, чунки у бу маблағнинг сарф-харажатини министрликка топширишим керак деб ўйларди, шу сабабли у ҳам қилаётган пинҳона ишларимдан хабардор эмас. Бу тўлов ҳужжатларига директор ҳам, бош ҳисобчи ҳам қўл қўймаган, уларнинг асло бу ишлардан хабарлари йўқ, — деб жавоб берди.

— Яхши, — деди терговчи, — бундай ишларни неча марта қилгансиз, чет элга ноқонуний равишда қанча мато жўнатгансизлар?

— Сиз кўпчилик ҳақида гапиряпсиз, бу ишни ёлғиз ўзим қилганман, маблағни ҳам фақат менга келтириб беришган, шунини эсдан чиқарманг, гражданин терговчи, — деди маҳбус.

— Хўп, шундай ҳам дейлик, бу ишни ёлғиз ўзингиз қилгансиз, пулни ҳам фақат сизга келтириб беришган ҳам деб фараз қилайлик, чет эллик ҳамтавоқларингизга қанча маҳсулот жўнатгансиз, бу товарни ишлаб чиқариш учун хомашёни қаердан олгансиз ёки қандай йўл билан сунъий равишда орттириб қолгансиз? — деди терговчи.

— Қанча товар жўнатганим ҳозир ёдимда йўқ, лекин юздан ортиқ контейнерда кетгани аниқ. Бу иш билан шу йилдан бошлаб шуғулландим, сабаби февралда рекламация бўйича Константинополга бориб, ўша ерда келишиб келганман. Хомашёни эса одамларнинг уйида қолиб кетган қолдиқ пиллани тайёрлатиб, қўшимча равишда қайта ишлатганман, ана шунинг натижасида ортиқча, ҳеч ерда қайд қилинмаган товар пайдо бўлди. Давлатнинг бирор килограмм маҳсулотига номардчилик қилинмаган, гражданин терговчи.

Терговчи ўз блокнотига қатор саволларни ёзиб, аниқлаши лозим бўлганларига сўроқ аломатини қўйди.

— Айтинг-чи, Абдуллажонов, ҳар бир погон метр атласга хорижлик шерикларингиз қанча ҳақ тўлар ва қандай қилиб маблаг сизнинг қўлингизга тушарди?

— Ҳар бир погон метр мато учун менга расмий шартномада кўрсатилган нархнинг учдан икки қисми миқдорида беришар, пулни эса жомадонда бир рус йигити олиб келар ва қайтиб кетарди. Қаердан келади ва қаерга кетади, менга айтмасди. Аммо ҳар бир юборилган товар учун қабул қилингандан сўнг бир ҳафта ичида пули келарди, бу аниқ, — деб жавоб берди.

Терговчилар Абдуллажонов берган маълумотларнинг аксариятига ишонишмади. Энди тезкор хизмат ходимлари тўсатдан каттагина уюшган жиноий гуруҳни шошма-шошарлик билан қўлга олиб қўйишгани, жиноятнинг илдизиди турган одамларни аниқлаш ва ҳибсга олиш машаққатли меҳнатни талаб этишини англашди. Улар комбинат директори Довуд Турсунбоевни тергов қилишга шошилишмас, сабаби бу ишда гумон қилинган барча шахсларнинг уйлари тинтув қилинаётган, топилган ашёвий далиллар билан терговни давом эттиришни режалаштиришганди.

Ўтказилган тезкор ҳаракат ва тинтувларда омбор мудирининг уйдан 12 минг сўм, бир қанча тилла асбоблар, иккита гилам, Ғанижон Абдуллажоновникидан 27 минг сўм нақд пул, иккита гилам, “Рекорд” русумли телевизор мусодара қилинди.

Директорнинг уйдан деярли ҳеч қандай ортиқча маблаг, ашёвий далиллар топилмади. Телевизорни эса хотини шахсий жамғармасига сотиб олганлиги, умуман, Довуд Турсунбоев билан аллақачон ажрашиб кетганлиги, у фақат ҳар замонда фарзандларини кўргани ҳовлининг бу юзига ўтишини билдириб, тинтув пайтида роса шаллақилик қилди.

Дарҳақиқат, қўни-қўшнилар, маҳалла қўмитасининг берган маълумотига қараганда, эр-хотин бирга яшамас, уйни эса иккига бўлиб олишган экан. Бу ҳол Довуд ака тухмат билан қамалиб, сўнгра оқланиб, яна қайтадан комбинатга директор этиб тайинланганига қадар юз берганлигини

гувоҳлар тасдиқлашди. Унинг хонаси ва собиқ хотинининг уйини тинтув қилиш ҳеч қандай натижа бермади.

Ниҳоят, терговчилар Довуд Турсунбоевни сўроқ қилишга жазм этишди. У хонага хотиржамлик билан кириб келди, таклиф қилинган стулга ўтиргандан сўнг назоратчи унинг қўлидан пўлат кишанларни ечди. Терговчилар уни нафасини ростлаб олишга ҳам бермай, дарҳол сўроққа тутишди.

— Хўш, Турсунбоев, барча қинғир ишларингизни ўз хоҳишингиз билан сўзлаб берасизми ёки қўл остингизда давлат мулкани талон-торож қилишда ёрдам берган ҳамтавоқларингизнинг бўйниларига олган кўрсатмаларидан бошлаймизми? Ўз хоҳишингиз билан барчасини сўзлаб берсангиз, жиноий йўл билан топган маблағингизни топширсангиз, айбингиз енгиллашади, олий жазо чорасини қўлламаслик ҳақида тергов гуруҳи қўлидан келганича ҳаракат қилади, — деди Ленский.

— Гражданин терговчи, мен қандай жиноий иш бўлганлигидан беҳабарман, мабодо ходимларим томонидан шундай ҳаракатлар қилинган бўлса, терговни юзлаштиришдан бошлайверинг. Шахсан менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ ва сиз айтаётган қинғир ишларда иштироким бўлмаган, — деб жавоб берди.

— Демак, жиноий гуруҳ тузиб, давлат мулкани шахсий манфаатда ўзлаштириш мақсадида фаолият олиб борганингизни инкор этасиз, шундайми?

— Худди шундай, инкор этаман. Бир марта тўхмат билан қамалиб чиққаним менга етиб ортади, шу сабабли бундай қинғир ишларга тоқатим йўқ. Агар шундай ишлар қилинаётганлигини сезсам, шахсан ўзим терговга бериб юборардим, афсус назоратни сусайтириб, шундай камчиликларга йўл қўйибман, мана, энди жазосини тортмоқдаман, — деди Турсунбоев.

Унинг бу жавобидан иккала терговчининг ҳам қаҳру назаблари кўзиганлиги юз тузилишларидаги ўзгаришдан сезилиб турарди. Ленский индамай ўрнидан турди-да, изолятор эшигини очиб, кимгадир имо қилди. Хонага бир барзанги йигит кириб келди ва уларга қаради.

— Лёня, юр, бир сигарета чекиб келайлик, — деб Ленский Ванютинга мурожаат қилди. Шу пайт барзанги йигит

қўлидаги пўлат кишанни Турсунбоевнинг билакларига тақиб, терговчиларнинг хонадан чиқиб кетишларини кутиб турганди. Улар тергов камерасини тарқ этишлари билан йигит Турсунбоевни ёқасидан ушлаб, ўрnidан турғазди-да, мушtlари билан қорнига урди. Оғриқнинг зўридан маҳбус энгашиб қолди. Кейин қорнига бор кучи билан тепди. Турсунбоевнинг кўзларидан ўт чиқиб, икки метр масофага отилиб тушди.

Йигит ўз ишининг устаси экан, ҳар ўн беш сонияда унинг қорнига мушт туширар, сўнгра эса тепарди. Ҳар гал йиқилганда ёқасидан ушлаб турғизар ва яна мушт туширарди. Хуллас, бу жисмоний жазо бериш қарийб йигирма дақиқалар давом этди. Турсунбоевга эса бу вақт худди бир сутка азоб берилгандек бўлиб туюлди. Ниҳоят, йигит чарчадими, оғзига сигарета қистириб, ерда чалажон бўлиб, букчайиб ётган одамнинг устидан бир челақ совуқ сувни қуйиб, сўнгра деди:

— Менга қара, эй, мол, терговчиларнинг саволларига жавоб бермасанг, бу ердан соғ чиқмайсан, уравериб, жигар, буйрақларингни қоқиб оламан, тушундингми? Сўнгра Турсунбоевни кўтариб, стулга ўтқазди-да, стол остидаги қўнғироқ тугмасини босди. Терговчилар кирганларидан кейин худди ҳеч нарса бўлмагандек кишанларни ечиб, Турсунбоевга кўзини қисиб, хонадан чиқиб кетди. Терговчилар ўринларига ўтиришиб, бирпас уни кузатиб туришди-да, сўнгра:

— Ҳўш, Турсунбоев, давом эттирамиз. Берилган саволларга жавобингизни эшитамиз. Ким билан ҳамкорликда жиноий гуруҳ тузгансиз, атлас матони чет элликларга сотишдан тушган маблағни қаерга яширгансиз? — деди Ленский.

— Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Тўғриси айтаяпман, агар ишонмасангиз, юзлаштиринг, — деб жавоб берди Турсунбоев.

— Шундайми, яхши, бўлмаса Абдуллажонов! — кўрсатмасига мувофиқ сиз жиноий гуруҳни бошқаргансиз, маҳсулот сотишдан тушган маблағнинг ярмини олгансиз. Мана бу сўроқ протоколида у тўлиқ бўйнига олган ва қилган жиноятларини енгиллаштириш мақсадида барча айбларни сизга ағдарган. Демак, у сизга нисбатан ақллироқ йўл тутган, агар айбингизга иқрор бўлиб, қилган жиноятларингизни

бўйнингизга олмасангиз, олий жазо сизга мунтазир, ана шундай, — деб хулоса қилиб шеригига қараб қўйди.

Терговчилар ўзлари тўқиб чиқарган уйдирма билан маҳбуснинг иродасини синдирмоқчи ва тегишли кўрсатмани олмоқчи бўлиб астойдил ҳаракат қилишди, аммо у бир сўзда туриб олди. Ниҳоят, уни камерага олиб кетишга ижозат беришиб, ўзаро маслаҳатлаша бошлашди.

— Бу билан ҳеч қандай иш чиқмайди, бу одам ўлиб қолса ҳам ҳақиқатни очмайди ва ўз сўзида туриб олади. Прессинг ҳам фойда бермайди, чунки гуруҳ тепасида катта-катта лавозимли одамлар турган бўлиши керак, уларга ишонапти. Тезкор хизмат ходимлари буларнинг алоқаларини аниқлаш ўрнига, бирданига хом иш қилиб, ҳибсга олишган, энди эса ташқаридагилар огоҳ бўлиб қолишди. Агар бу жиноятга, ҳақиқатан, катта лавозимли одамлар аралашган бўлса, бу эса айни ҳақиқат, чунки чет эл билан алоқа қилиш буларнинг қўлидан келмайди, шундай экан, улар аллақачон этакларини йиғиштириб, жуфтакни ростлаб қолишади, эҳ, афсус, — деди Ванютин.

Тергов шу тариқа давом этар, аммо мусодара қилинган ашъвий далиллар, маҳбусларнинг берган кўрсатмаларидан бошқа маълумотлар тўпланмасди. Чунки Ваҳобов ва Абдуллажоновларнинг сўроқ даврида берган кўрсатмаларидан ташқари, ҳибсга олинган бош муҳандис-технолог, бош ҳисобчи, цех бошлиғи, кассир ҳеч қандай қўшимча маълумот беролмадилар, аксинча, бу ҳолатга йўл қўйганликларидан ўзлари ҳам ҳайратга тушишганди.

Ниҳоят, калтакларга чидай олмаган Абдуллажонов охирида Оразгелдиннинг исм-шарифини айтди. Тергов гуруҳи Оразгелди Оқмурод ўғлини ҳибсга олишга топшириқ берди, аммо унинг яшаш жойини ҳеч ким билмасди. Тошкентдек шаҳри азимда эса бундай исм-шарифли одам рўйхатдан ўтмаганлиги аниқланди. Хуллас, тергов бир нуқтада тўхтаб қолди...

Москванинг топшириғига биноан Константинополга СССР Прокуратурасининг алоҳида оғир жиноятлар гуруҳидан Александр Бессарабов учиб борди. У йиғилган ҳужжатлар бўйича Туркия Республикасининг бош прокуратурасига учрашди. Туркия қонунлари бўйича халқда

қолган пиллани йиғиштириб, уни қайта ишлаб, мато чиқариш ҳеч қандай жиноят эмас, балки тижорат эканлиги, бу масала юзасидан фуқароларнинг устидан жиноий иш очолмасликларини билдириб, СССР Прокуратурасидан узр сўраган ҳолда, “Шойи” компанияси ходимларини сўроқ қилишга изн беришмади. Улар фақат айбдорларни божхона қоидаларини ва солиқ тўлови қонунларини бузганликда айблаб, қўшимча маъмурий жазога тортишлари ҳақида ваъда қилиб, бу эса суверен мамлакатнинг ички иши эканлигини билдиришди. Шу билан Бессарабов Туркиядан ҳеч нарсасиз қайтди.

Шунга қарамай, Иттифоқ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат хавфсизлик қўмитасининг биринчи бош бошқармаси бу жиноятни очиш учун барча чораларни кўриш ҳақида топшириқ олди. Улар тез орада “Шойи” компанияси раҳбарларининг Совет Иттифоқидаги алоқаларини аниқлашга киришиб кетишди, чунки Туркия Республикаси Шимолий Атлантика ҳамкорлигига аъзо бўлиб, социалистик давлатларга қарши блокда эди. Олинган тезкор маълумотлар қўмита раҳбарларида жиддий ташвиш уйғотди.

Чунки бу компаниянинг тепасида халқаро жиноий синдикатларга тегишли тождор ўғрилар турганлиги, Туркия эса НАТОга аъзолигини ҳисобга олганда, миллий хавфсизлик бўйича жиддий чоралар кўришни тақозо этарди. Шу сабабли ушбу идора томонидан бу ишни суриштириш ва тезкор ҳаракатларни олиб бориш учун қўшимча малакали ходимлар сафарбар этилди.

Энди терговчилар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки ортиқча пилла тайёрланиши жараёнидан бошлаб бир тизимга солиб, бандиларнинг ҳар бир ҳаракатларини текшира бошлашди. Ниҳоят, Оразгелди Оқмурод ўғлининг тахминий суратини тиклашди ва Ички ишлар вазирлигининг картотекасидан унинг ҳақиқий исми ва бармоқ изларини топишга эришишди.

Иттифоқ бўйича қидирув эълон қилинди. Оқмурод ўғлининг қамоқхонада бўлган даврларидаги алоқаларини ўрганишга тушишди. Лагерга келган Қора кўртни дарҳол ўз қанотига олган Граф ҳақидаги маълумотларни ҳам олишга эришишди. Графнинг ўзбек миллатига мансублиги, охирги

марта қамоқдан қочгани ва Адмиралнинг Франциядаги ўлиmidан сўнг изсиз йўқолгани ҳақидаги ахборотдан воқиф бўлишди. Энди бир вақтнинг ўзида Оқмурод ўғли ва Вадудовга қидирув эълон қилинди.

Тез орада улар Фулом Вадудов исмли шахсни топишди ва унинг уйи назоратга олинди. Аммо жиноятчининг жилддаги суратларига бу одамнинг ташқи қиёфаси умуман тўғри келмас, аммо бўй-бастада деярли тафовут йўқ эди. Кейин бу одамнинг таржимаи ҳоли тезкор ходимларни ўйлантириб қўйди. Хужжатлар бўйича бу одам Чирчиқ шаҳрида туғилган, ҳатто Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашганлиги маълум бўлди. Бир неча кунги кузатишлар ҳам бу одамнинг жиноят оламига алоқаси борлигини тасдиқламади. Афсуски, Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган кўча механизациялашган колонна аллақачон тарқатиб юборилган, аммо кадрлар билан шуғулланган одамни топишга муваффақ бўлишди. У, ҳақиқатан, ҳам расмдаги одамга ўхшаш, шу фамилияли инсон ошпазлик қилганини, ҳатто асли Чирчиқ шаҳридан эканлигини ҳам тасдиқлади.

Ҳеч қандай натижа бўлмагандан сўнг улар маҳбуслар билан ишлаш жараёнини кучайтиришди ва, ниҳоят, қандайдир катта лавозимдаги одам билан Шоҳимардон сайилгоҳида Довуд Турсунбоев учрашганлигини аниқлашди. Бу ҳақда берилган саволга Турсунбоев шундай жавоб қилди, ҳақиқатан, Енгил саноат вазирлигидан бошқарма бошлиғи келганлиги, уни шу ерда дам олдириб, меҳмон қилганлигини айтди. Терговга чақирилган Мирҳодиев Фарғона вилоятига хизмат сафарига борганлиги, икки кеча сайилгоҳда Турсунбоев, ҳақиқатан, меҳмон қилганлигини баён этди. Бу мутахассиснинг иш фаолияти умуман ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ эмаслиги, унинг вазифаси тўқув станокларини таъмирлаш эканлиги аниқлангандан сўнг гумон қилинганлар рўйхатидан чиқарилди.

Ниҳоят, Туркия “Шойи” компаниясининг норасмий раҳбари, тождор ўғрининг бошқа исм-шариф билан 1959 йилда Тошкентда бўлганлиги, деярли беш кун мобайнида “Тошкент” меҳмонхонасида яшаганлиги ҳақида ахборот олинди. Аммо чет эллик, айниқса, капиталистик

давлатлардан келган сайёҳлар, хизмат вазифаси билан ташиф буюрганларнинг бари агентлар назорати остида бўлиши ва кимлар билан учрашганлиги доимо қайд қилиниши учун ўша даврда йиғилган ҳужжатлар ўрганилди, аммо бу ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Лекин бир нарсага терговчилар амин бўлишдики, у келиб кетгандан сўнг Туркияга ортқча мато юборила бошланган.

Аммо бу пайтда Довуд Турсунбоев Марғилонда бўлган, айти шу кунларда Тошкентга келмаган. Бундан шундай хулоса чиқардики, бу жиноий гуруҳнинг тепасида бошқа бир одам бор, маҳбусларнинг ҳаммаси билмаса ҳам, Турсунбоев таниши шартлиги, улар сирни очолмаётганликларидан ғазабланардилар.

Ҳар эҳтимолга қарши Чирчиқ шаҳридаги Фулом Вадудов исм-шарифли одамни ҳибсга олиб, сўроқ қилиб кўришга қарор қилишди. Уни дарҳол Давлат хавфсизлик қўмитасининг СИЗОсига келтирмасдан, Чирчиқ шаҳри милиция бўлимида дастлабки сўроқни ўтказишди. У қўлга олинаётганида умуман қаршилиқ кўрсатмади, ҳатто ички ишлар ходимлари унинг олдида келишларидан ҳайрон ҳам бўлди. Ўтказилган суриштирув сўроғи ҳеч қандай натижа бермади. Шундай бўлса-да, ўн кун ҳибсда ушлаб туришга топшириқ берилиб, кузатув ташкил этилди. Ленский унинг бармоқларидаги ҳарфларга эътибор берди. Гарчи гумон қилинаётган инсон бармоқларидаги ёзувларни имкони борича яширишга ҳаракат қилса ҳам, у Принц деган сўзни ва тождор ўғриларгагина хос бўлган белгиларни кўриб, ўқишга муяссар бўлди. Дарҳол маҳбусни Давлат хавфсизлик қўмитаси тергов изоляторига ўтказишни топширди.

Изоляторда ечинтириб кўрилганда, бу одамнинг кўкракларида тождор ўғриларгагина чиздириб юрадиган татуировка борлигининг шоҳиди бўлишди. Дарҳол Москвага, ГУИТУ бош бошқармасидан унинг шахсий жилдини юборишни талаб этишди. Ленский, Ванютин ва бошқалар Фулом Вадудовнинг фаолияти билан танишиб, сўнгра мабодо Граф бу атлас операциясига аралашмаган бўлиб чиққан тақдирда ҳам, унинг бўйнига қўйиб, оттиришгача олиб келишни мўлжаллашди. Аммо жилдни кўздан кечирганларнинг ҳафсалалари пир бўлди, чунки шу исм-

шариф, Граф тахаллуси остида умуман бошқа одам бўлганлиги бир қарашдаёқ маълум бўларди. Шу билан бирга, Граф гарчи қамокдан қочган бўлса ҳам 1953 йили, Сталин вафотидан кейин умумавфга тушган, бу ҳақдаги ҳужжатлар жилд ичига тикилганди. Терговчилар Графни қидириш, ушлаш ва яна қайтадан зонага юбориш нима сабабдан тўхтатилганини тушунишди. Шундай бўлса ҳам, маҳбусни сўроқ қилишга киришишди.

Орадан бир ҳафта вақт ўтмай бош бошқармадан терговчиларнинг қўлларига яна битта айнан шу исм-шарифли жиноятчининг шахсий жилди келди. Унда маҳбус, ҳақиқатан, “карманник” бўлгани, бир қатор ана шундай жиноятлари учун 1940 йилда ҳибсга олиниб, етти йил муддатга ҳукм қилинганлиги, дарҳақиқат, Граф билан бир лагерда ўтиргани, Оразгелди Оқмурод ҳам шу ерда жазо муддатини ўтагани кўрсатилганди. Хуфияларнинг бу уч маҳбус доимо бирга бўлишгани ҳақидаги яширин ахборотлари ҳам ушбу жилд орасига тикилганди. Шунда терговчилар “Граф” тахаллуси остида бошқа жиноятчи бўлганлигига амин бўлишди. Чунки бу иккинчи жилддаги сурат айнан ҳозир тергов қилинаётган Фулом Вадудовга тегишли эканлиги шубҳа туғдирмас, қон гуруҳи ва бармоқ изларида ҳеч қандай тафовут йўқлиги аниқланди. Фулом Вадудов қамокдан 1946 йили умумавф туфайли озод қилингани, деярли икки йил ички ишлар назоратида бўлгани, ҳатто Тушино бозорида аёли Нестерова ҳамкорлигида гилам савдоси билан шуғуллангани, 1949 йилнинг охирларида, назорат муддати тугагач, юртига қайтгани қайд қилинганди.

Терговчилар бу одамнинг шахсий жиноятларини тергов қилган ходимларни қидира бошлашди. Афсуски, уларнинг аксарияти уруш даврида ҳаракатдаги армияга сафарбар қилиниб, фронтдан қайтишмаган экан. Хуллас, шу ерга келганда тергов-суриштирув ишлари тўхтаб қолди...

Терговчилар ҳақиқий Графнинг иши билан танишиб чиққанларида, жилд устидаги муқовада жиноятчининг исми-шарифи ёзилган қисмида, қавс ичида “Баракаев Азиз” деб қайд қилинган жойга кўзлари тушиб, ҳайрон бўлишди. “Демак, — деб ўйлади Ванютин, — Графнинг ҳақиқий

фамилияси Баракаев бўлган, аммо терговчи дастлабки сўроқдаги исм-шарифни қайд қилган, кейин иккиланган, гумон туғилгани учун иккинчи фамилияни ҳам ҳар эҳтимолга қарши тиркаб қўйган” деган фикрга келди. Унинг хулосасига шериги ҳам қўшилди...

— Хўш, Вадудов ёки ҳақиқий исм-шарифларини ўзлари айтиб берадиларми? — деб биринчи саволни беришди.

— Ҳақиқий исмим Фулом, фамилиям Вадудов, СССР гражданиман, Чирчиқ шаҳрида туғилганман. Яна нима истайдилар? — саволга савол билан жавоб қайтарди маҳбус. Бундай ҳолатни тергов-суриштирув ва тезкор ҳаракатларни олиб бораётганлар кутишмаганди, чунки саволга савол билан жавоб бериш, олдиларидаги оддий одам эмаслигини кўрсатарди. Фулом атайлаб шундай йўлни тутган эди, терговчилар ким билан мулоқот олиб бораётганларини билишлари керак, шунда ортиқча савол-жавоб қилиб, ўзларини ҳам, терговдаги инсонни ҳам қийнаб ўтиришмасди. Терговчилар унинг қон гуруҳини ва бармоқ изларини солиштиришди, аммо бундан ҳам ҳеч қандай ижобий натижа чиқмади.

— Сиз кимсиз, кўкрагингиздаги татуировка ва бармоқларингиздаги ёзувлар жиноят оламининг йирик вакиллари билан бири эканлигингизни кўрсатиб турибди, қани, ўзингиз ҳақингизда сўзлаб беринг, Принц, — деди терговчилардан бири.

— Мен Фулом Вадудовман, қаерда туғилганман, қандай иш билан машғул бўлганман, барчасини дастлабки сўровларда сўзлаб берганман, кўкрагимдаги ва бармоқларимдаги белгилар, ҳақиқатан, ёшлиқда содир этган ўғриликларимдан далолат беришини тушуниб турибсизлар. Хўш, яна нимага аниқлик киритмоқчисизлар? — деди у.

— Сиз ҳақингизда батафсил маълумотга эга бўлмоқчимиз, бир бошдан гапириб беринг? — деб саволини такрорлади терговчи, қолганлар сўроқ жараёнини индамай кузатиб туришарди.

— Ҳақиқий Фулом Вадудов мен бўламан, менинг исм-шарифим остида иш олиб борган Граф билан бир вақтлар қамоқхонада бирга ўтирганман, кўкрагимдаги татуировка эса у томонидан мажбурлаб чизилган, лекин мен тождор

Ўғри мақомини олишга улгурмаганман. Граф мени яхши кўрганлиги учун “Принц” лақабини берган. Эҳ, Граф, ҳозир қаерда экан, мабодо сизлар уни қайси давлатда юрганлигини билмайсизларми? У доимо менинг исми-шарифим билан ўғрилиқ жиноятларини содир этган, мен эса оддий карманник эдим, холос. Қамоқдан чиққанимдан сўнг бу ишларни йиғиштирдим, Москвада Тушино бозорида гилам савдоси билан кўп йиллар шуғулландим, сўнгра Ўзбекистонга қайтиб, чўлни ўзлаштиришда фаол иштирок этдим, ана шу... — деб сўзини якунлади.

— Шундай ҳам дейлик, ҳозир ҳеч қандай жиноят содир этмасдан ҳалол яшаяпсиз, ишлайсиз, лекин бу жавобингиз бизни қониқтирмайди. Айтинг-чи, сиз Довуд Турсунбоев исм-шарифли одамни танийсизми?

— Йўқ, бундай одамни танимайман, нима у ҳам карманникми? — деб жавоб берди Фулом.

— Яхши, бўлмаса айтинг-чи, “Қора қурт” лақабли, Оразгелди Оқмурод ўғли ҳозир қаерда? Гапни айлантирманг, у сизнинг энг яқин шогирдларингиздан бири эканлигидан хабардормиз.

— Қора қурт Ўзбекистонда эканми, мана бу ажойиб янгилик бўлди. Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас. Агар у шу ерда бўлса, албатта мен билан учрашишга ҳаракат қилган бўларди. Чунки у, дарҳақиқат, мен туфайлигина зонадан тирик чиқди, акс ҳолда, ўша ерларда ўлиб кетарди. Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас, у бу ерда эмас. Мендаги маълумотларга қараганда, у сўнгги пайтларда ҳақиқий Граф билан бирга, — деб жавоб берди.

— Сизнинг қилган жиноятларингиз олий жазога лойиқ, агар терговга кўрсатма беришдан бош тортсангиз, мен, албатта, бу ишни охирига етказиб, сизни отишга ҳукм қилдираман, ана шундай, — деди Ленский. Унинг сўзини маъқуллаб, Ванютин қўшиб қўйди.

— Ҳа, ҳа, худди шундай бўлади, Вадудов.

— Доимо кўркувда яшагандан кўра, бир марта ўлган афзал, — деб жавоб берди маҳбус. Терговчилар унинг сўзларини яхши англай олмадиларми ё терговдаги инсон уларни калака қилаётгандек туюлдими, қайта сенсираб сўрадилар:

— Нима дединг, қани, яна бир қайтар-чи?

— Бу менинг сўзларим эмас, гражданин терговчилар. Бу жумлани эрамиздан аввал Рим императори Гай Юлий Цезарь айтган, — деди Вадудов. Бу изоҳ уларга қаттиқ тегиб кетди, ғазабланганликларини юзларидаги ифодадан сезиш қийин эмасди.

Терговчилар маҳбуснинг бераётган изоҳларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билишмас, чунки жилддаги одам умуман бошқа, аммо айрим белгилари тўғри келарди, ҳатто бўйнидан ичкарига кетган чандиқ, худди таърифлангандек, ўхшаш.

Шундан сўнг навбатма-навбат, олдин Абдуллажонов, сўнгра Турсунбоев билан юзлаштиришди, аммо улар бу одамни биринчи кўришлари эканлигини таъкидлаб туриб олишди. Яна гап айланиб, Граф устида тўхтади. Фулом олдинги берган кўрсатмаларига бошқа ҳеч нарса қўшимча қила олмаслигини айтди. Терговчилар бу одамдан ўзларига керакли бўлган бирор маълумотни ололмасликларига аллақачон амин бўлган, шу сабабли прессинг усулини қўлламоқчи бўлдилар. Ниҳоят, уни камерада ёлғиз қолдириб, ўзлари бир чекиб келиш баҳонасида йўлакка чиқишди. Улар хонани тарк этмасларидан олдин бир барзанги йигит кириб, билакларига пулат кишанни тақиб қўйди.

Фулом бу йигитнинг вазифасини дарҳол тушунди ва терговчилар хонани тарк этишлари билан унинг кўзларига тикилди. Йигит ҳам кўзларини олиб қочмади.

— Менинг кимлигимни биласанми, йигитча? — деди астагина.

— Ҳа, Граф, биламан, нима қилай, вазифамни тушуниб турибсан. Қўрқма, астагина ураман, сен эса овозингни, албатта, чиқаришинг керак, тушундингми?

— Мени ким деб ўйлаяпсан, мишиқи, қўлингдан келган ҳунарингни ишлатавермайсанми? Менинг энди кўз ёши қилишим қолганмиди, ундан кўра, бу дунёни мард ўғри сифатида тарк этганим яхши эмасми? Бир умр сенлардан шафқат сўрамасдан яшадим, қанчангни нариги дунёга жўнатдим. Сени ҳам, керак бўлса, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб оламан, ана ўшанда майдонда яккама-якка олишамиз, сўнгра сени ўз қўлим билан қўмиб юбораман. Уравер, қўлимда кишан бўлмаганда эди, уҳ, ана ўшанда

кўрар эдинг, Граф кимлигини, э, мишиқи, — деб жаҳлини чиқаришга ҳаракат қилди.

Бу гапдан кейин йигит Фуломга куч ишлатиш фикридан қайтиб, кишанларни ечиб, олдига ўтирди ва сигарета чиқариб, меҳмон қилди, фақат терговчиларга сирни очмасликни илтимос қилди. Бироздан сўнг стулни бир-икки тепиб, шовқин чиқарди. Олдида турган бир челақ сувни, унинг устига сепди. Орадан ярим соатлар ўтгандан кейин Фуломнинг билакларига кишанни тақиб, ташқи эшикни очиб қаради. Шундан сўнг терговчилар кириб, сўроқни давом эттиришди. Йигит индамай Фуломнинг билакларига тақилган кишанларни ечиб, тергов хонасини тарк этди.

— Хўш, Вадудов, суҳбатда давом этамизми ё муолажалардан яна бир татиб кўрасизми? — деди Ленский унинг ҳўл бўлиб кетган кийимларига қараб.

— Да пошёл ты... (э, сенга...) Каплан, — деб тескари қаради Фулом.

— Что ты сказал, недоносок, рецедивист поганый, а ну-ка повтори, не понял (нима дединг, эй чала туғилган лаънати рецедивист, қайтарчи), — деди Ленский. У ўрнидан туриб, Фуломни урмоқчи бўлди, аммо рақибининг кўзларидан чақнаб турган ғазабли учқундан ҳадиксиради ва стол остидаги қўнғироқ тугмасини босди. Фулом бу сўзи билан Ленскийнинг ҳақиқий фамилиясини тилга олган эди. Унинг отасининг исми Каплан, эски яҳудий болшевиклардан бўлиб, бутун дунё пролетариати доҳийсига суиқасд уюштирган одам билан боласи бир фамилияда қолмаслиги учун Ленскийга ўзгартирганди, Фулом эса ўз ибораси билан кўпчиликка сир бўлган масалани очиб қўйди.

Кирган йигитга ишора қилди. У индамай Фуломнинг қўлларига кишан тақиб, Ленскийга бу ишни қилмаслик ҳақида бош қимирлатиб имо қилди. Жаҳли чиққан Ленский ўзини бироз босиб олиб:

— Бу аблаҳ, рецедивистни 4-камерага қаманг, — деб назоратчига буйруқ берди. Шу тарзда тергов икки йилдан ортиқ давом этди, аммо улар ниятларига етолмадилар. Қора қурт қўлга тушмагач, Фуломнинг бу ишга аралашганлиги исботланмади. Терговчилар суриштирув ҳаракатларини тугатиб, раҳбарларига ахборот берганларидан сўнг, улар

қоникмай ишни бошқа тергов гуруҳига топширишарди. Улар ҳам ишларини тугатиб, йиғилган материалларни олиб қайтиб кетганларидан сўнг, тергов қилишга бошқа гуруҳ юбориларди. Шундай қилиб, терговчилар гуруҳи беш марта алмашди, аммо ишда сезиларли натижа кўринмади. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Давлат хавфсизлик кўмитаси раҳбарлари ишнинг шу ҳолда судга юборилишига рози бўлишди...

* * *

Бу жиноят бўйича тўпланган тергов материаллари деярли 15 жилдни ташкил этди. Уларни суд жараёнига қадар ўрганиб чиқишлари, эндигина расм бўлаётган адвокатлар иштирокида бўлғуси суд мажлисларига тайёргарлик кўришлари зарур эди.

Суд ишни кўриб, Турсунбоев, Абдуллажоновларга — ўн беш, Ваҳобовга эса ўн икки, Вадудовга беш йил жазо муддати тайинлади. Маҳбуслар Косондаги қатъий тартибли лагерга жўнатилди, мабодо кейинчалик бирор ахборот бўлса, қолган тергов-суриштирув ишларини давом эттиришни мўлжаллашганди.

Косондаги қатъий тартибли лагерда Граф ўзининг бўлғуси шогирдлари Йўлчи, Мурод, Маҳкамлар билан танишди.

Айбдорларнинг бир зонага юборилиши ҳайратланарли эди, чунки ҳеч қачон бир жиноят билан гуноҳкор саналганлар бир лагерда жамланмасди. Бунда ҳам Фулом хавфсизлик хизмати ходимларининг қандайдир мақсадлари борлигини гумон қилди ва собиқ ҳамтовоқлари билан учрашмаслик йўлларини изларди.

Аммо лагерда уларга бошқа ўғрилар, талончилар томонидан тазйиқ ўтказилишининг олдини олишни режалаштирди ва шу мақсадда, янги шогирдларни ҳам синаш, ҳам дастлабки дарсларни ўзлаштиришлари, тушунча бўйича яшаш, доимо босқинчилар гуруҳи томонидан тажовуз қилинишининг олдини олиш, муҳофаза қилишни топширди. Янги шогирдлари ичида, айниқса, иккинчи марта ўғирлик учун қамалган Йўлчи алоҳида хизматларни амалга ошириб, таҳсинларга сазовор бўлди.

Турсунбоевни гишт пиширувчилар, Абдуллажонов ва Ваҳобовларни қурилиш бригадасига тақсимлашди. Фуломни эса келиши билан озиқ-овқат ва чой маҳсулотлари сақланадиган омборхонага ишчи қилиб юборишди. Қамоқхона маъмурияти Фуломни атайлаб маҳбуслардан яккалашни таъминлаш ва назорат олиб бориш учун ана шундай қарор қабул қилганди.

Лагерда паханлик вазифасини Гурам Хачишвили исмли, “Бунтарь” лақабли, аммо тождор ўғри бўлмаган маҳбус бажарар экан. Граф бу одам тўғрисида кўп эшитган, аммо тақдир уларни бирор марта ҳам учраштирмаган, чунки у асосий фаолиятини Грузияда амалга оширганди. Фулом зонага келиши биланоқ иззат-икром билан кутиб олинди. Ўша куни кечқурун пахан каптеркага дастурхон ёздириб, Графни меҳмонга чақирди. Одатдаги салом-аликдан сўнг дастурхонга қўйилган ароқ очилди, қадаҳдан сўнг газак қилишиб, суҳбатлашишди.

— Граф, билишимча, “хит”лар бир балони бошламоқчи, чунки сен билан бирга айбланганларнинг барчаси шу ерга келтирилганидан хабаринг бор, эҳтиёт бўл, бу зона уларнинг жосуслари билан тўлиб кетган. Мана кўрасан, эртагаёқ мен билан учрашганинг кумга етиб боради. Сени бу ерга доимо назорат остида бўлишинг учун жойлаштирганга ўхшайдилар. Ташқаридан малява олдим, сенга керакли бўлган барча шароитларни яратаман, лекин ниҳоятда эҳтиёт бўлишингни тавсия этаман. Бу гапларни сендек одамга айтаётганим учун кечирасан-у, лекин ҳозир лагерларда илгариги тартиблар бирмунча ўзгариб кетган.

Фулом зонанинг ички ҳаётига аралашмай, хотиржамлик билан ишларини давом эттирди. У эртадан кечгача омбордан чиқмас, келган маҳсулотларнинг тартиб билан жойлаштирилишига раҳбарлик қиларди. Омборхонага юк келганда доимо тўрт-беш маҳбус ажратилар, уларга топшириқ бериб, ўзи бир чеккадаги табуреткага ўтирганча, аччиқ кўк чойни дамлаб, юкларнинг туширилиши, жойланишини назорат қилиб турарди.

Кунлардан бир куни уни зона бошлиғи полковник Беков таклиф қилди. Фулом бу одам тўғрисида муфассал маълумот олган эди. Маълум бўлишича, у қарачой миллатига мансуб, 1944 йили ота-онаси, овулдаги барча миллатдошлари билан

бирга Ўзбекистонга сургун қилинган. Ўрта мактабни Гулистонда битирган, армияда хизмат қилган, сўнгра ГУИТУ тизимида ўқишни битириб, турли қамоқхоналарда оддий назоратчиликдан хизматни бошлаган, уч йил олдин Навоий шаҳридаги зонада полковник унвони берилиб, Косондаги қатъий тартибли қамоқхонага бошлиқ этиб тайинланган экан.

Бир неча маротаба яхши хизматлари учун Ички ишлар вазирлиги, ГУИТУ раҳбарларининг ташаккурномаларини олган.

Фуломнинг олдига кирмоқчи бўлиб юрганлигини эшитганми ёки тасодиф туфайли шундай машҳур ўғри билан учрашишни ният қилганми, ишқилиб, ўзи йўқлатиб қолди. Графнинг шахсий жилдини ўрганиб чиққан Беков ҳам ягона бир хулосага келолмади, ҳатто унинг шу одам эканлигини шубҳа остига олди. Шундай фикрда бўлса ҳам танишишга қарор қилди. Маҳбусларнинг гапларига қараганда, тартиббузарлик қайд этилганда, Беков бу ишларнинг ташкилотчиси-ю, иштирокчиларига нисбатан раҳм-шафқат қилмас, барчасини карьерга ташлаб, азоб бераркан.

Хизмат хонасига кириб келган Фуломни ўрнидан турмаган ҳолда кутиб олди. Маҳбус ҳам одатдаги рапортини бермай, кирган жойида қотиб тураверди. Бековнинг ўрта бўйли, ёшли қирқлардан ошган, қалин мўйлов қўйган, жисмоний жиҳатдан бақувват одам эканлиги сезилиб турарди. У маҳбуснинг кўзларига бир-икки дақиқа диққат билан тикилиб, сўнгра хизмат столи атрофида турган стуллардан бирига ўтиришга имо қилди. Стол устидаги “Казбек” папирос қутисидан биттасини олиб, эзғилай бошлади ва Фуломнинг олдига итариб, “чекаверинг” дегандек бошини қимирлатди. Ёндирган папиросини чуқур тортиб, тутунини чиқариб, сўз бошлади:

— Келинг Вадудов, сизнинг таржимаи ҳолингиз билан танишиб чиқдим, аммо менда бир шубҳа қолди. Сиз, ҳақиқатан, Графмисиз ёки бу ерда қайд қилинган фаолиятингиз сизга тегишли эмасми? Биламан, бор ҳақиқатни барибир очмайсиз, мен, шунчаки, ўзим учун сўрадим. Хавотирланманг, бу ерда диктофон йўқ, сизга нисбатан бундай қабиҳликни қилмайман, шунчаки, ким билан учрашганимга аниқлик киритиб олмоқчиман.

— Очиг гапирганингиз учун раҳмат, гражданин полковник. Сиз, наҳотки, мендек одамдан ахборот олишингизга ёки саволларингизга муфассал жавоб беришимга умид қияпсиз, фикри ожизимча, бу ҳақиқатан узоқ-ку?

Бу иборадан сўнг орага бир муддат жимлик чўкди. Маҳбус ва полковник бир-бирларининг кўзларига икки дақиқагача тикилиб туришди, ана шу нигоҳларнинг ўзиёқ бу икки ўз дунёсининг мутахассисларига ҳар қандай тушунтиришдан ортиқ маънони берди. Ниҳоят, полковник орадаги жимликни бузиб, деди:

— Мен сизни тушундим, Граф. Хўш, менга қандай илтимосингиз бор, ҳеч тортинмай айтаверинг, қўлимдан келадиган бўлса, хизмат фаолиятимизга зарар етмайдиган иш бўлса, ёрдам беришга тайёрман.

У бир қарашдаёқ олдида ясама фраер эмас, жиноят оламининг раҳбарларидан бири ўтирганлигини тушунган эди. Унга алам қиладиган тарафи, Давлат хавфсизлик хизмати терговчилари, тезкор ходимларига Граф ҳақида берган саволларига жавоб ололмаган, улар буни “хизмат сири” деб ундан яширгандилар.

— Султан Магамедович, — деди маҳбус, — лагерда намоз ўқиш учун масжид, ибодат қилиш учун черков йўқ, шуларни ташкил этсак, кўп манфаати тегарди. Ахир, бандилар ҳамма фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлар, аммо яратган парвардигорнинг уларга инъом этган руҳий неъматларидан маҳрум бўлмаганлар-ку? Агар битта масжид ва черков учун жой ажратилса, маҳбуслар, ҳеч бўлмаса, қилган гуноҳларини яратгандан кечишни илтимос қилиб ибодат қилсалар, сиз катта савобга қоласиз. Ахир, билишимча, сиз ҳам бир бандаи мўмин, мусулмон фарзандисиз. Шундайми, гражданин бошлиқ?

— Ҳа, ҳа, — деди шошиб қолган бошлиқ, — мен ҳам мусулмонман. Аммо юқори ташкилотимиз бундай тарбиявий ишларга қандай қарар экан, ана шу муаммо мени ўйлантирмоқда.

— Сиз бундан умуман хавотирланманг. ГУИТУнинг, йили эсимда йўқ, бу хусусда махсус кўрсатмаси бор. Канцелярияга буйруқ беринг, топиб беришади. Топилмаса, яқин кунларда

ўша ҳужжатни келтириб беришади, ўзингиз танишиб чиққандан сўнг амин бўласиз, маъқулми? — деди Ғулом.

Беков бироз ўйланиб туриб, ўзининг тарбиявий ишлар бўйича муовинига қўнғироқ қилиб, шундай буйруқми ёки меъёрий ҳужжат бор-йўқлигини суриштирди. Муовини бир пайтлар шунақа кўрсатма келганлигини эслаши, аммо ҳозир жавоб беролмаслигини айтиб, қидириб кўриб, сўнгра ахборот беришга ижозат сўради. Султан Магамедович розилик билдириб, трубкани қўйди.

Беков Ғуломга, яна қандай гапинг бор, дегандек қараш қилди, аммо маҳбус буни тушуниб, бошқа илтимоси йўқлигини билдириб, бошини қимирлатди. Ўрнидан туриб, баракка кетишга тайёрланди. Бошлиқ назоратчини чақиртириб, маҳбусни блоккача кузатиб қўйишни топширди.

Ушбу мулоқотдан сўнг орадан бир ҳафта ўтди. Ошхонанинг ортида, бир вақтлар отхона бўлиб, ҳозирги вақтда бўш турган, деворлари бузилиб, томларидан чакка ўта бошлаган эски бино бор эди. Лагерь бошлиғи, унинг муовинлари ва бир нечта фуқаролик кийимидаги одамлар шу ерга келиб, узоқ баҳслашишди, ниҳоят, бир қарорга келишди, шекилли, қўл бериб хайрлашишди. Ўша куни Ғулом, Хачишвили ва лагерда озгина бўлса ҳам маҳбуслар орасида обрў-иззатга эга бўлган ғишт пишириш цехининг бошлиғи Беков ҳузурига чақиртирилди.

— Сизларни чақиртиришдан мақсад, — деди зона бошлиғи полковник Беков, — маҳбуслардан тушган илтимосга мувофиқ, эски отхона биносини таъмирлаб, битта намоз ўқиш учун мусулмонлар масжиди ва насронийлар ибодат қилиши учун битта черков қуришни режалаштирдик. Аммо ҳар куни ўзингиз биласиз, 45 минг дона пиширилган ғиштни қурувчиларга етказиб беришимиз шарт, ғиштнинг сонини қисқартиришимизга рухсат беришмади. Шу сабабли, режадагидан ортиғини ўз ички эҳтиёжларимизга сарф қилишга ижозат беришди. Қурувчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, отхонанинг тепа томони, яъни томи тўлиқ ишдан чиққан, у олиб ташланиб, яна саккиз-ўн қатор ғишт урилиши, масжид ва черковга айлантирилиши учун шифер ва бошқа қурилиш материаллари керак.

Қурувчилар гишт сонини 50 мингга етказсак ва уни мунтазам олти ой мобайнида буюртмачиларга юбориб турсак, барча, гиштдан бошқа материалларни беришга розилик билдиришди. Хумдонларимиз суткасига 80 минг дона гишт пишириш қувватига эга, ана шу масалада сизларнинг ёрдамингиз керак. Шуни амалга оширсак, эртадан бошлаб, махсус ишчи гуруҳи ташкил этиб, масжид ва черков қурилишини бошлашимиз мумкин. Лагерь маъмурияти бу қурилишга бошлиқ қилиб, Фулом Вадудовни тайинлашни лозим кўрди. Хўш, бу таклифга қандай қарайсизлар?

— Жуда яхши таклиф, — деди Хачишвили, — ҳозирданоқ гишт пиширувчилар билан гаплашиб, гишт сонини бирданига 80 мингга чиқаролмаймиз, аммо ҳар куни 1,5–2 минг донига оширишга топшириқ берамиз. Шундан учдан бирини том очилиб, гишт теришга имкон бўлганда, масжид ва черков қурилишига ишлатамиз. Шу йилнинг ўзидаёқ, бу қурилишни тугаллаймиз, сизга раҳмат, гражданин бошлиқ.

Бошқалар ҳам бу таклифни қўлаб юборишди. Шу билан Фулом бошчилигида ўттиз кишилиқ қурилиш бригадаси ташкил этилиши, маҳбусларнинг орасидан шундай мутахассислар танлаб олинишига келишилди.

Бу орада Граф Акимдан малява олди. Унда ментлар Оразгелдиннинг изига тушганлари, Қорақамишдаги уйини исканжага олишиб, қўлга олаётганларида отишма бўлиб, ўлдирилганлиги, уйи тинтув қилинганда сейфдан 101 минг сўм нақд пул, тилла буюмлар чиққанлиги, энг ёмони, Довуд Турсунбоевнинг шахсий тилхатлари топилганини хабар қилганди. Дарҳақиқат, Турсунбоев ва “Атлас” операциясига масъул бўлган одамлар бари бир кечадаёқ пойтахтга олиб кетилганди. Фулом бунинг сирини фақат малявадан билди. Унинг иши эса алоҳида тергов-суриштирув ўтказиш учун ажратилганди.

Тошкентда эса тергов ҳаракатлари авжига чиққан, энди Турсунбоевга нисбатан ашёвий далиллар топилган, шу сабабли тергов-суриштирув ишлари бошқача тус олганди. Зонада масжид ва черков қурилиши жадаллашган пайтда Фуломни ҳам Давлат хавфсизлик қўмитасининг СИЗОсига келтиришди. Уч кун ўтгандан сўнг Турсунбоев, Абдуллажонов ва Ваҳобовлар билан яна бир марта юзлаштиришди. Чунки Ваҳобов кейинги терговларда бу ишларни ташкил этишда

қандайдир обрўли одамлар иштирок этганлигини Абдуллажоновдан бир пайтлар эшитганлигини сўзлаб берган, аммо ўша инсонни шахсан кўрмаганлигини қайд қилганди. Тергов камерасига Турсунбоев таклиф этилди.

— Турсунбоев, диққат билан қаршингизда турган одамга эътибор беринг. У билан қасрда, қачон ва қандай мақсадларда учрашгансиз? — деб савол берди терговчи.

— Қараган, қарамаганимда ҳам, мен бу одамни иккинчи марта кўриб турибман. У билан Косондаги лагерда бирга ўтирганмиз, аммо бирор марта ҳам суҳбатлашмаганмиз, — деб жавоб берди.

— Сиз-чи, Вадудов, бу одам билан учрашмаганмисиз?

— Мен бу одамни нафақат ташқарида, ҳатто лагерда ҳам кўрмаганман. Чунки мен ўз атрофимдаги маҳбуслар билан алоқада бўлганман, у билан эса учрашмаганман, — деб жавоб қилди. Шундан сўнг Турсунбоев олиб кетилиб, камерага Абдуллажонов киритилди. Фулом унинг шишиб кетган юз-кўзларига қараб, юраги ачишди. Терговчилар унга ҳам Турсунбоевга берган саволларини қайтаришди.

— Мен бу одамни танимайман, асло учрашмаганман, фақат лагерда бўлганимизда биринчи марта кўрганман. Бу одамнинг олдига бизга ўхшаган оддий маҳбуслар бора олмасди, гражданин терговчи, — деди.

— Яхши, бўлмаса бир кеча Шоҳимардон сайилгоҳида кимни меҳмон қилгансиз, шу одамни эмасми? — деб савол берди терговчи.

— Бир кеча эмас, икки кеча вазирликдан келган бошқарма бошлиғи Мирҳодиевни меҳмон қилганман, бу одамни эса у ерга қадам ранжида қилганлигини кўрмаганман, — деб жавоб қайтарди.

— Демак, бу одамни озодликда юрган вақтингизда кўрмагансиз, танимайсиз ва ҳеч қачон учрашмагансиз, шундайми?

— Ҳа, озодликда бу одам билан учрашмаганман, — деди Абдуллажонов.

— Яхши, бўлмаса Ваҳобовга кимни меҳмон қилганингиз ҳақида сўзлагансиз? — деб яна савол берди терговчи.

— Ваҳобов сизларга қандай кўрсатма берганини билмайман, ахир, юзлаштиришда айтдим-ку, у шунчалик

қўқиб кетганки, нима деётганини ўзи ҳам билмайди, — деб жавоб берди.

Терговни индамай кузатиб ўтирган Фулом ичида унга таҳсин айтиб ўтирарди. Ниҳоят, камерага Ваҳобов чақиртирилди ва юзлаштирилганда барча илгари берган кўрсатмаларини калтак зарбидан безор бўлганлиги учун тўқиб чиқарганлигини сўзлаб берди. Шу билан маҳбуслар ўтирган камераларига қайтарилди. Икки терговчи ва Фулом ёлғиз қолишганда, улардан бири деди:

— Бу ишда сизнинг иштирокингиз борлигини биламиз, аммо тасдиқлай олмадик, афсус, бўлмаса бу зонада охириги ўтиришингиз, жамият эса сизларга ўхшаганлардан қутулган бўларди, афсус...

Терговчилар ишларини якунлаб, кўриб чиқиш учун ҳужжатларни қайта судга юборишди. Фулом яна Косондаги лагерга этап қилиниб, иккинчи судгача масжид ва черков қурилишини давом эттирди. Черков ҳам, масжид қурилиши ҳам якунланди ва диндорлар ибодат қилишни бошлаб юборишди. Шу кундан бошлаб лагерда тартиббузарлик, интизомсизлик ҳолларига барҳам берилди, бундан зона маъмурияси астойдил хушнуд бўлди.

Шуни таъкидлаш лозимки, суд бу жиноятни кўриб чиқиб, хоинлик тўғрисидаги моддани олиб ташлади ва Довуд Турсунбоев, Фанижон Абдуллажоновларга нисбатан аввалги қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Фулом Вадудов берилган беш йиллик муддат ўзгартирилди. Терговда ва лагерда бўлган вақти, яъни уч йилу саккиз ой муддат ҳисобга олиниб, жазо муддати ўталган деб ҳисобланди ва суд залидан озод этиб юборди. Шу билан бу оламшумул жиноят ўз якунини топди...

Масжид ва черков қурилиши, Графнинг ҳибсда ўтирган пайтида зонада бирор марта ҳам бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бермаганлиги, тартиббузарлик ҳолатларининг қайд этилмаганлиги, ишлаб чиқариш режаларининг ортиғи билан бажарилиши натижасида лагернинг ҳисоб рақамида мўмайгина маблағ йиғилиши, Беков ва Фуломни, дўст бўлмасалар-да, анча яқинлаштирган, кўпинча кум уни ҳузурига чақиртириб, турли мавзуларда суҳбатлашарди.

Султан Магамедович Фуломнинг кўп тилларни билиши, жаҳон классикасидан хабардорлиги, ҳозиржавоблиги,

шоирона табиати, шеърларни ёдаки ўқиб ташлашидан ҳайратланиб юрарди. Шу туфайли буш вақти бўлдими, дарҳол ҳузурига чорлатар ёки қурган масжидига бориб, соатлаб суҳбатлашиб ўтирарди. Унинг зона ичидаги ҳаракатларини чекламаслик ҳақида ўринбосарларига тайинлаб қўйганди. Аммо у суҳбатни жиноят олами вакилларига қаратса, Граф дарҳол мулоқотдан бош тортарди. Бир марта шундай бўлганди, Беков бу мавзу бўйича бошқа сўз очмади.

Қамоқдан озод қилиниб, кетиши олдидан Фулом ва Маринани уйига бир пиёла чойга таклиф этди. Уни Косондан олиб кетиш учун Аким “Победа” машинасини ҳайдаб, Марина билан бирга келганди. Фулом унга кумникига кирмасдан ўтиб кетса, у ниҳоятда хафа бўлишини айтгандан сўнг, уларни “Ором” чойхонасида кутиб туришини айтди. Фулом, Марина кумнинг хизмат машинасида унинг уйига равона бўлишди. Машина тўхташи билан, кўп қаватли бинонинг балконида қараган Беков уларни қўли билан тепага чиқишга ишора қилди. Ҳайдовчиси йўл бошлаб, иккинчи қаватдаги очиқ турган эшикка томон йўналтирди.

Уларни Беков ва унинг рафиқаси Фаина кутиб олишди. Меҳмонхонадаги столга дастурхон ёзилган, ноз-неъматлар, турли газаклар қўйилганди. Дастурхонга ўтириб, фотиҳа қилишгандан сўнг, бозорнинг тандир нонлари ушатилиб, чой қўйилиб узатилди. Афтидан, хонадон соҳиби эрта билан бозорга борган, янги ҳўл ва қуруқ мевалар харид қилган ва меҳмонни муносиб кутиб олиш учун рафиқасига қарашган чоғи. Чунки, меҳмонлар хонага кирган пайтда у белига ўраб олган фартукни ечди. Мезбон столнинг ўртасида муз солинган челақда турган “Аралат” коньягини очиб, биллур қадаҳларга қўйди.

— Вадудов, озодликка чиқишингиз билан табриклайман. Сиз билан ана шундай оғир шароитда танишдим, аммо инсонийлигингиз, ақлу идрокингиз, фаросатингиз, одамгарчилигингизга қўйил қолдим. Шу сабабли, келинг, мана шу қадаҳни иккинчи марта бундай масала бўйича менга ишингиз тушмаслиги учун, билъакс, яхши, эзгу ишлар билангина бир-биримизни эслашимиз учун олайлик, — деди ва биринчи бўлиб қадаҳни кўтарди. Даврадагилар ҳам қадаҳ сўзини қўллашди.

Бековнинг хотини Фуломга диққат билан тикиларкан, аста Марина билан сўзлашиб ўтирарди. Афтидан, хонадон соҳиби уйга қандай одамни меҳмонга айтганлигини шипшитган, шекилли, ҳар замонда қизиқиб қарар, Маринадан у-бу нарсаларни суриштирарди, аммо эркаклар эшитмайдиган қилиб сўрарди. Бироздан сўнг чахомбили келтирилди. Қадаҳлар тўлдирилиб, яхши ниятлар айтилди. Овқатланиб бўлишгандан сўнг Фулом рус тилида Умар Хайём шеърларидан намуналар ўқиб берди, даврадагилар эса чапак чалиб олқишлашди.

Ниҳоят, дастурхонга фотиҳа ўқилиб, меҳмонлар кетишга шайланишди. Мезбон ва унинг рафиқаси меҳмонларни пастгача кузатиб тушдилар. Беков Маринанинг, Фулом эса унинг рафиқасининг қўлларини ўпишди. Шундан сўнг собиқ маҳбус ва лагерь бошлиғи бир-бирининг қўлларини бироз сиқиб туришди-да, сўнгра қучоқлашиб хайрлашишди.

— Фулом ака, қандай ишингиз бўлса, марҳамат, хизматимга зарари тегмайдиган илтимослар бўлса, мурожаат қилаверинг, доимо ёрдамимни аямайман, — деб Султан Магамедович қўл силкитиб хайрлашди...

ХІХ фасл. ТЕРИ ХОМАШЁСИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ЯШИРИН ЦЕХНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИНГ СОТИЛИШИ

Қамоқдан қайтган Фулом ишлаб чиқаришнинг янгидан-янги соҳаларида фаолият юритишга киришиб кетди. У оддий ўғрилиқдан кўра, Ўзбекистонда мавжуд бўлган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, хорижлик ҳамкорларга пуллаш анча осон ва мўмайгина даромад келтиришини тушуниб қолди. Айниқса, кўнчилик соҳаси уни астойдил қизиқтириб қўйди.

Айни шу даврга келиб, зонада танишган ва ўз қаноти остига олган шогирдлари Йўлчи, Мурод, Маҳкамлар ҳам устозларининг хизматига етиб келишди. Фулом

лагердалигидаёқ уларни мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланишга мажбур қилган, яккакураш усулларида дарс берган, рус тилида мукамал гаплашишни ўргатган, хуллас, уларнинг миясига тождор ўғрилар ғоясини қуйиб, шу ғояга бир умр содиқ қолишга чақирганди.

Бир куни туфлисининг таг чарми кўчиб, уни таъмирлатиш учун Эски Жўва бозоридаги яҳудийларнинг кичкина бир устахонасига кирди. Туфлисини ечиб, устага таъмирлаш учун узатди. У вақтда бу соҳа билан фақат яҳудийлар шуғулланар, пойтахтнинг ҳамма бозорларида уларнинг ўнлаб косибхоналари бўлар, йиртилган, тагчарми кўчиб кетган оёқ кийимларини таъмирлаш, нағал қоқиш, буюртма билан тикиш уларнинг монополиясига айланганди. Аммо, терини ошлаш ва хомашё сифатида тайёрлаш билан ўзбек кўнчилари шуғулланишарди.

Фуломнинг Санкт-Петербургда бир марта очиқ савдога аукционига тасодифан кириб қолган ва у ерда бўлаётган қорақўл тери ким ошди савдосининг гувоҳи бўлганлиги ёдига тушди. Ўша вақтда эътибор бермаганди, энди эса бу соҳада ҳам катта маблағ айланишини тушуниб, уни ҳам ўз тасарруфига олишни мақсад қилди. Бунинг учун унга тери ошлайдиган мутахассислар зарур эди. Одамларига ана шундай кўнчиларни излаб топиш вазифасини кўйди.

Лениграддаги одамлари орқали хорижликларнинг қизиқиш доираларини ўрганиб чиқди. Чет эл валютасига сотиладиган маҳсулот турларига бўлган талаб ва таклифларни таҳлил қилди, ташқи бозор конъюктурасини ўрганди. Айниқса, хорижликларнинг қорақўл теридан тикилган аёллар мантосига ва қорақўлчадан тайёрланган ички кийимликларнинг бозори чаққонлигига амин бўлди ва бу соҳани ривожлантиришга астойдил қизиқиб қолди. Унинг устига, Совет Армиясининг юқори унвонли зобитлари ва аксарият генерал, маршалларига одатий тус бўлган кўк қорақўл теридан тикиладиган бош кийим — папаха ҳамда шинелларининг ёқаси эса ана шу тери билан қопланар эди. Бу ерда эса фойдаланилмасдан ётган имкониятлар етарли.

Бу соҳани мукамал биладиган Зафар ва Зуфар исмли ака-укаларни топди. Улар билан “Комсомол кўли”даги чойхонада учрашиб, яширин цех қуриш ва ишга тушириш

масалаларини қўйди. Уларга бу ишларни юритиш учун қандай асбоб-ускуна, тикув машиналари, пресс ва иплар кераклигини ҳисоб-китоб қилишни топширди.

Фулом ана шу мақсадларни амалга ошириш учун доимо одам гавжум бўладиган, ҳар йили сентябрь ойининг биринчи кунларида “Карнавал кечаси” ўтадиган “Комсомол кўли”даги чойхона қурилишига маблағ бериб, у ерга самоварчи қилиб, ички ишлар органларида ҳисобда турмаган, умри чойхоначилик билан ўтаётган жангтоҳлик Мурод мўйловни тайинлади. Чойхонанинг ортида учта алоҳида хона қурдириб, ўзининг доимий қароргоҳига айлантирди. “Комсомол кўли”га марказий дарвозадан кирилганда Ленин ва Сталиннинг ҳайкаллари бор, унинг ўнг тарафида Салор оқиб ўтар, чойхона эса ана шу сойнинг бевосита устига қурилганди. Чойхонага марказий дарвозадан ҳам ва сой устидаги “Атеистлар тарихи музейи” ёнидаги энсиз кўприкдан ҳам ўтиб борса бўларди. Кўпинча Фулом ана шу иккинчи йўлдан фойдаланарди.

Фулом, одатда, бу қароргоҳига ҳар ҳафтанинг бешинчи куни, жума намозини “Хаста Имом” масжидида ўқигандан сўнг, пиёда келарди. У келиши билан Мурод мўйлов дарҳол югурдаги бўлган Баҳодирни тўрт тийинлик гумма пиширадиган Эргаш аканинг олдига, бир қоғоз пакет билан юборарди. Гап шундаки, Тошкент гўштни қайта ишлаш корхонасининг ёрдамчи цехида харидоргир “Ухо-горло-нос” деб аталадиган гумма пиширилар, уни эса бутун пойтахт аҳли севиб истеъмол қиларди. Бу гуммалар Бешёғочнинг икки жойида, яъни Навоий номли кинотеатр ва бозорга кираверишда сотилар, одамлар доимо навбатда гавжум, маҳсулот талаш бўларди. Ҳатто Муқимий номли академик драма театрининг актёрлари каби кўплаб эл орасида танилган инсонлар ҳам бу гуммани хушлаб истеъмол қилишарди. Чойхонанинг ҳам ана шу гумма сотиладиган жойдан атиги йигирма қадам нарида қурилиши, хўрандаларни чой билан таъминлашга қаратилганди.

Мурод мўйлов Эргаш акага ҳар жума куни, пешиндан кейин, ана шундай гуммага буюртма берар, у эса гўшт, ўпка, жигар аралаштириб қийма қилар, турли ҳид ва маза берувчи кўкат ҳамда мурч аралаштириб, алоҳида осилган

кичкина қозонга янги пахта мойи солиб, ёғни доғлаб, махсус буюртма гуммани пиширар эди. Бу одатий ҳолга айланган, цех бошлиғи Саражан огоҳлантирилганди. Баҳодир бориши билан Эргаш ака дарҳол, агар ёз бўлса, музхонадаги, салқин вақт бўлса, стол устидаги қиймани олиб, хамирини юпқа қилиб, гумма тайёрлар ва бир солишнинг ўзидаёқ элликтасини пишириб бериб, югурдакнинг қўлига тутқазарди. Фулом бу гуммадан кўнгли тортгунча чой билан тановул қиларди. Ҳар замонда бу гуммахўрликка Аким, Саша, Йўлчи, Мурод, Маҳкамлар ҳам шерик бўлиб туришарди...

Ана шу қароргоҳда Фулом ака-укалар билан учрашиб, бўлғуси цех фаолиятини маслаҳатлашди. Уларнинг зиммаларига хомашёни харид қилиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш вазифасини юклади. Цехнинг жиҳози учун зарур асбоб-ускуна, кимёвий модда, махсус кийим-кечакларга буюртма олди. Бу яширин цехни Фулом оддий фуқаролар кириши тақиқланган жойдан қуришга қарор қилди ва шу мақсадда пойтахт аэропортидан келадиغان ва бошқа шаҳарларга жўнатиладиган юк сақлаш омборхоналаридан бирини ижарага олишни мўлжаллади.

Бу, биринчидан, ички ишлар ходимларининг назоратидан ташқарида бўлса, иккинчи томондан, божхона кўригидан ўтишда фақат маълум одамлар билангина ишлашга имконият берарди. Бу ердаги юклар, асосан, Иттифоқ бўйича ташилар, шунинг учун божхоначилар ҳам деярли кўп эътибор беришмасди. Фулом ана шу омиллардан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилганди.

У Тошкент аэропортидан ана шундай ташландиқ бир бинони ижарага олиб, зудлик билан таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Кўнчилик соҳасида заҳарли кимёвий моддалар ишлатилиши сабабли махсус ҳаво тозалагичлари ўрнатилди. Тез орада ака-укалар берган буюртма бўйича асбоб-ускуналар, жиҳозлар, кимёвий моддалар, махсус кийимлар, респираторлар олиб келинди ва цехни жиҳозлаш бошланди. Фуломнинг ўзи эса бирор марта ҳам бу ерга келмади, фақат цех тасвири туширилган суратлар орқали технологик жараёнлар билан танишди, холос.

Ғулом ака-укаларга янги чиққан “Москвич-412” енгил автомашинасини олиб бериб, уларнинг хомашё тайёрлашдаги хизмат сафарларига боришига имконият яратди. Чунки асосий хомашё Қарноб, Нурота, Ғузор, Деҳқонобод, Томди, Конимех, Ғориш, Қумқўрғон, Тўрткўл, Тахтақўпир районларида бўлар, қорақўл қўйларининг аксарияти ана шу ҳудудларда боқиларди. Шу сабабли, қорақўл қўйларини боқувчи чўпонлар билан учрашиш учун енгил автомашина зарур эди. Ака-укаларнинг сўзларига қараганда, аксарият чўпонлар юқори навли, ноёб қорақўл териларнинг бир қисмини ўзларида сақлаб қолишга интилар, чунки буюртмачилар нақд пулга давлат харид нархидан бир неча баробар ортиқ ҳақ тўлаб, сотиб олишар эди. Улар ана шу омиллардан кенг фойдаланишни айтишди. Ғулом бу иш учун қанча маблағ зарур бўлса ажратишга ваъда берди.

Оз ғурсатдан сўнг цехда иш қайнаб кетди. Бу ерда деярли ўттиз одам ишлар, бир қисми териларни ошлаб, тикишга тайёрласа, қолганлар қорақўл терисидан манто, аёллар кийимликлари тика бошлашди. Бу буюмларнинг бозори чаққон, чунки хорижлик шифокорларнинг хулосаларига кўра, қорақўл тери ва қорақўлчадан тикилган чўмилиш кийими инсон организмига ижобий таъсир этиб, соғлиққа катта нафи тегаркан. Бундан ташқари, Ғуломнинг кўрсатмасига мувофиқ ноёб бўлган, камдан-кам топиладиган “оқ олтин сури” деб номланадиган теридан имкони борица маҳсулот тайёрлаш топширилди. Ғулом оқ олтин суридан турли бичимлардаги ҳарбийларнинг низомий кийими бўлган папаха ва ёқаликлар тайёрлатиб, Иттифокдаги Ҳарбий савдо бошқармаси билан келишилган ҳолда нақд пулга сота бошлади.

У тез-тез сарф-ҳаражат ва даромадни ҳисоблар, маҳсулотни Ленинград, Москва шаҳарларидаги “Пушномеховая база”га юборишдан жомадон-жомадон маблағ келарди.

У ерларда маҳсулотни махсус базага етказиб бериш билан Интеллигентнинг одамлари шуғулланарди. Битта мантони тикиш таннарни тахминан 350 — 385 сўмга тушар, сотиш нархи эса ўртача 920 сўмга тўғри келарди. Папаха ва ёқанинг рентабеллиги ундан ҳам юқори эди. Шу сабабли ишчи-хизматчиларни рағбатлантирар, тушлик ва чой пули ажратар,

тўй қилаётганларга ёхуд бирор яқини оламдан ўтганларга икки ойлик маош миқдорида ёрдам бериларди. Бундан ташқари, меҳнат таътилига чиққан ходимга ҳам ана шундай моддий ёрдам кўрсатилар, ишга олиб бориш ва ишдан қайтиш учун махсус автобус ёлланганди. Меҳнат қилиш тартиби йигирма тўрт соат бўлиб, кундуз кuni тайёр маҳсулот тикиш учун сарф этилар, кечаси эса фақат тери ошланарди. Чунки тери ошлашда инсон организмга салбий таъсир этувчи кимёвий моддалар қўлланилар, шу сабабли кўнчиларнинг ойлик маошлари бирмунча юқори эди.

Шундай қилиб, бу соҳа ҳам юришиб кетди. Фулом бозорларда косибчилик ҳунари билан шуғулланадиган яҳудий усталарнинг етакчиси билан учрашди. Улардан қанча тайёр чармга буюртма бера олишларига қизиқди.

— Бизга қанча тайёрлаб беролсангиз, ҳаммасини келишилган нархда олишга қурбимиз етади, аммо мол сифатли бўлиши шарт, — деди Ёқуб яҳудий. Албатта, у Фуломнинг ким эканлигини, кимларнинг номидан иш қилаётганлигини асло билмас эди. Шундан сўнг Фулом цех ичини кенгайтириб, қорамол ва йилқи териларини ҳам тайёрлатди, уларнинг шаклини буюртмачилар берган ўлчамларда прессларда қирқтириб, етказиб бера бошлади. Бу ҳам обшакка қўшимча маблағ келтирди ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини ўртача ўттиз фоизга оширишга имкон берди. Энди ҳар бир ишчи ойида 330–340 сўм олар, бундан ташқари, ҳар чоракда бир ойлик маош ҳисобида мукофот, таътилга чиқишда икки ойлик моддий ёрдам пуллари ажратиларди. Бу ўз даврида жуда катта миқдордаги маош ҳисобланиб, ҳатто мудрофаа эҳтиёжлари учун ишлайдиган завод ишчиларининг ойлигига нисбатан икки, икки ярим барабар юқори эди.

Барча ўз ишидан рози, бегоналарга қилаётган касб-корларини ошкор этишмасди. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмасди, сабаби барчалари цех бошлиғи ва иш бошқарувчиси ака-ука Зафар ва Зуфарларнинг қариндош-уруғлари эди. Хуллас, бу ишга бош-қош бўлишни Сашанинг зиммасига юклаб қўйиб, навбатдаги тижорат ишларини режалоштира бошлади.

Фулом Эргашга “Золотой” деб лақаб бериб, уни бор имкониятлардан фойдаланишга мажбур қилар, у кечаю

кундузи зир югуриб, турли нумизматик ва маданий аҳамиятга эга бўлган осори-атиқаларни излаб, савдолашиб, харид қилиб келарди. Бунинг учун Ғулом пулни аямасди. Жаҳон бозорида шунча турмаса ҳам, харид қилдираверарди, чунки вақт ўтиши билан бу тақинчоқларнинг баҳоси ошиб боришини теран ақли билан идрок этарди...

* * *

Совет Иттифоқи зоналарида тартиб-интизом бирмунча юмшаган, энди ҳатто қатъий тартибли лагерларда ўтирган маҳбусларга ҳам бир мунча енгилликлар берилганди. Аксарият халқ биров эркин нафас ола бошлаган, тўкин-сочинлик бўлмаса-да, арзончилик, ишқилиб меҳнат қилган одам зорикмай яшайдиган даврлар бошланди. Бу вақтда келиб мамлакатнинг турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирмунча оширилганди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳам ошна-оғайнигарчилик, коррупция кенг илдиз отган, ҳамма нарса сотилар, сотиб олса бўларди. Ана шундай бир иқтисодий-ижтимоий вазият юзага келганди. Тўғри, телевидение, газета ва журналларда ҳар замонда бир-иккита давлат мулкани ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган сенсацион жиноятлар содир этилганлиги ҳақида хабар бериб қолинар, аммо кўп масалалар кенг халқ оммасидан сир тутиларди.

Европада бир қатор социалистик давлатлар урушдан кейин СССРнинг кучи билан юзага келган, уларга фуқароларнинг сайёҳ сифатида бориб келишларига имконият яратилганди. Айниқса, ёшларнинг комсомол ташкилоти марказий аппарати ҳузуридаги “Спутник” ташкилоти орқали ҳар йили юз минглаб ёшлар Шарқий Европа мамлакатларида бўлиб қайтишарди. Капиталистик лагердан ҳимояланиш учун Европадаги социалистик давлатлар ҳарбий блок тузиб, уни “Варшава шартномаси” деб номлашган, Совет Иттифоқи уларда чекланган ҳарбий қисмларини ушлаб турар ва ўзининг гегемон сиёсатини олиб борар, улар эса СССРнинг чизган чизигидан чиқа олишмасди. Бир-икки марта СССРнинг урушдан кейинги даврда олиб бораётган сиёсатидан

венгерлар, чех ва словаклар норозилик билдириб, галаён кўтаришди, аммо ўша давлатларда жойлаштирилган совет ҳарбий қисмлари ёрдамида аёвсиз бостирилди.

Бу давр ер шарида иккита сиёсий ғоя бир-бирига қарама-қарши, ўзаро рақобатли лагерлар юзага келган ва доимо кураш давом этиб турган давр эди...

Бу икки тизим орасида “совуқ уруш” ҳолати давом этар, бу эса зўр бериб қуролланишга мажбур қиларди. Шу даврга келиб СССР давлати қурол ишлаб чиқариш ва четга сотиш бўйича дунё бозорида етакчи ўринларни эгаллай бошлади. Айниқса, Совет Иттифоқида ишлаб чиқилган автоматик қуроллarning бозори чаққон эди. Кўплаб давлатлар Калашников автоматларининг лицензияларини сотиб олиб, бу хилдаги қуроллarning ўзларида ишлаб чиқаришни йўлга қўя бошладилар, чунки у жанг пайтида қўлланиладиган автоматик қуроллarning ичида энг афзали эканлигини намоён этди. Айниқса, бу рухсатномани биринчилар қаторида харид қилган Хитой, Миср давлатлари бу турдаги автоматларни ишлаб чиқаришни кенг миқёсга қўйиб, пинҳона Лотин Америкаси, Африка ва Араб ярим оролида жойлашган мамлакатларга сота бошлади.

СССР ҳукуматининг қатор қарорлари асосида ўсиб бораётган аҳоли талабини қондириш мақсадида Москвадаги Лихачёв номли, Горькийдаги автомобиль заводлари қайта реконструкция қилиниб, “Москвич — 412”, “ГАЗ — 21”, кейинчалик эса “ГАЗ — 24” русумли енгил автомашиналар ишлаб чиқарилиши кенг йўлга қўйилди. Энди кўпчилик бу машиналарни қора бозордан давлат нархидан бир ярим, икки баробар қимматга сотиб ола бошлади. Бу енгил автомашиналар аҳолига фақат маҳаллий ижроқўмларнинг қарорларига мувофиқ сотиларди. Айрим ҳолларда, халқ хўжалиги соҳаларининг илғор ишчи-хизматчиларига, олимлар, пахтакор, пиллакор, чорвачиликда юқори натижаларга эришган инсонларга мукофот тарзида, давлат чакана харид нархларида ажратиларди. Бундан ташқари, чет элларда ишлаб келган совет мутахассислари ўзлари билан чек олиб келиб, давлат чакана сотиш нархида машиналарни шу ердан олишар ва икки баравар қимматга бозорларда пуллашарди.

Аҳоли қўлида енгил автомашиналарнинг қўпайиши ўғирликнинг янги турини, яъни машина ўғирлаш, сўнгра эгасига унинг учдан бир нархида қайтариб бериш ёки машина ўғриланиши ички ишлар органларига хабар қилинган бўлса, эҳтиёт қисмлари ечиб олиниб, таг-тути билан йўқ қилиш ҳунари пайдо бўлди. Бу хилдаги ўғрилик бутун мамлакат бўйича ёйилиб, оммавий тус олиб кетди. Шахсий машиналарни нафақат кўчалардан, ҳатто қулфланган гаражлардан ҳам ўғирланиб кетиш ҳолатлари ҳар куни ички ишлар органларининг рўйхатида қўплаб қайд этиларди...

XX фасл. ОДАМЛАР ОРАСИДА...

Халқа йўлида “Зоветтаъминот” ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият олиб борар, бу корхона қишлоқ хўжалик тузилмаларига агрозоовет-товарлар, биопрепаратлар, медикаментлар, дезинфекцияловчи моддалар, юқори ҳароратга чидамли кимёвий шиша идишлар ҳамда спирт ректификат билан таъминлашга ихтисослашган эди. Айни шу кунларда совет қўшинларининг чекланган қисми Афғонистон Республикасига байналминал ёрдами кўрсатиш учун киритилган, бу янги социалистик йўналишдаги давлатта имкони борида қуроли, иқтисодий ёрдам берилаётган давр. Шу сабабли, ушбу бирлашма ҳам Москванинг топшириғига мувофиқ юқорида номи зикр этилган товарлар таъминотини Афғонистон Республикаси “Деҳқончилик ва чорвачилик” департаментига белгиланган графикларда амалга оширмоқда эди.

Бирлашма бош директори Абдужаббор Абдукаримов қўлидан келганича “Самолётсозлар”, “Темирийўлчилар” шифохоналарига район раҳбарларининг топшириғига мувофиқ шприцлар, кимёвий идишлар, кимёвий ва дезинфекция моддаларидан ёрдам бериб турарди, чунки уларга давлат томонидан кўрсатиладиган таъминот талабларини қондиrolмасди. Шу сабабли район партия комитети ва ижроия қўмитаси раҳбарлари тез-тез

Абдукаримовга у ёки бу шифохонага амалий ёрдам бериб юбориш топшириғини бериб туришарди.

Бундан ташқари, Абдукаримов район коммунал бирлашмасига ҳар чоракда беш минг рубл миқдорида ободонлаштириш фондига моддий кўмак берар, бундан туман раҳбарлари хушнуд бўлишарди. Бирлашмага ҳар йили иккита кўп қаватли бинолардан хонадон ажратилар, чунки Абдукаримов “Шаҳарқурилиш” бирлашмаси билан шартнома тузиб, маблағини олдиндан ўтказиб қўярди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларнинг талабини қондириш учун йилига бирлашмага илғорларни ва навбатда турганларни рағбатлантириш мақсадида битта енгил автомашина ҳам ажратиларди.

Бирлашмада енгил машина олиш навбатида бош инженер Панфиленко Тамара турарди. Келган янги автомашина унга тегиши керак. Ижроқўмдан бирлашмага битта ВАЗ –2107 русумли енгил автомашина ажратилгани ҳақида қарор келди. Абдукаримов дарҳол Панфиленкони ва касаба уюшмаси раисини ҳузурига таклиф қилиб, ҳужжатларни расмийлаштиришни топширди. Аммо Панфиленко ҳозир унда шунча мабағ йўқлигини айтиб, навбатдаги одамга беришга қарши эмаслигини билдириб, касаба уюшмасига ариза ёзиб берди. Худди шунингдек, кейинги талабгорлар ҳам ҳозир енгил автомашина олишларига қурби етмаслигини айтишибди. Орадан икки соатлар ўтмасдан касаба уюшмаси раиси Дилия Аббосова бош директорнинг олдига кириб:

– Абдужаббор Абдукаримович, мана шу хатга имзо чекиб берсангиз, сиз ва менинг имзоим билан ажратилган енгил машинадан бу йилча воз кечишга мажбурмиз, хоҳловчилар маблағлари йўқлиги учун олишни исташмаяпти, – деди.

Абдукаримов хатни ўқигандан сўнг узоқ ўйланиб қолди. Машинадан воз кечсак, келаси йил олишни хоҳламадинлар, деб ажратишни тўхтатишса, унда нима қиламиз деган фикр бир зумда хаёлидан ўтди.

– Хатни менга қолдиринг, бир йигитлар билан маслаҳатлашиб кўрайлик, бирданига воз кечсак, кейин кимлардир норози бўлиб қолишлари мумкин. Барча навбатдагилардан машина олишга қурбилари етмаганлиги, таклифга рози бўлмаганликлари ҳақида ёзма ариза олиб, баённомалар жилдига тикиб қўйинг, акс ҳолда, эртага

бирортаси норозилик билдириб, шикоят ёзиши эҳтимолдан холи эмас, — деди.

Сўнгра ҳузурига селектор орқали автотранспорт цехи бошлиғи Маъмур Узоқовнинг зудлик билан киришини сўради.

— Маъмур, бирлашмага битта ВАЗ — 2107 енгил автомашинаси ажратилди, йигитлардан бирортаси олармикан ёки ўзингиз харид қилиб қўя қоласизми?

Маъмур бироз ўйланиб, ҳайдовчи, юкловчи ва омбор ишчиларининг орасида енгил машинага талабгор йўқлигини, ўзининг эса ВАЗ — 2103 машинаси борлигини бош директор яхши билишини айтди.

— Ҳозир бу машинадан воз кечсак, келаси йил олишимиз қийин бўлади. Яна ижроқўм раисининг олдига кириш ва илтимос қилишга тўғри келади. Ҳозирнинг ўзидаёқ машинангизни сотинг, маҳаллангиздаги йигитларнинг ўзи харид қилади, ўрнига янгисини оласиз. Мен ҳозир касаба уюшмасининг раисини чақириб, машинани сизга берилиши ҳақида баённома тузишни илтимос қиламан. Нима дейсиз?

— Мен-ку рози, аммо бирлашма ишчилари орасида кейинчалик гап-сўзлар қўпайиб кетмасмикин, яъни Маъмур бундан икки йил олдин енгил машина олган эди. Мана, яна унга ажратилибди деб ёзсалар, сиз балога қолиб кетмасмикинсиз? — деди цех бошлиғига.

— Аббосова барча навбатдагиларни машинадан воз кечганлиги ҳақидаги ёзма тушунтириш хатларини олади. Ёзадиган чиқса, ёзавермайдими, ўзлари хоҳлашмади, раҳбарлардан бирортаси ҳам уларга машинадан воз кечинглар, деб айтмаган бўлса, шунинг учун дарҳол маблағ топиш йўлини қидиринг ва эртадан кеч қолмасдан машинани харид қилинг, — деб селектор орқали касаба уюшмаси раиси билан боғланиб, қабул қилган қарорини айтди.

У ҳам бироз ўйланиб туриб, сўнгра Маъмур айтган важларни гапира бошлади ва ниҳоят охирида машинани автотранспорт цехи бошлиғига бериш тўғрисидаги қарорни муҳокамага қўйишга рози бўлди. Ҳуллас, эртасига Маъмур Узоқов янги ВАЗ — 2107 русумли машинани ҳайдаб келди ва унга 07 07 номер олди. Унинг олдинги енгил автомашинаси ВАЗ — 2103, давлат номери 03 03 эди. У эски машинасини сотиб, пулига янгисини харид қилганди.

Маъмур Узоқов раҳбарлик қиладиган автотранспорт цехи бирлашмада алоҳида ўринда бўлиб, барча юкларни тушириш, машиналар ва вагонларга ортиш, жойларга етказиш, Марказий базанинг қоровуллари, фаррошлари, юк туширувчилар, автотранспорт воситалари, ёнғинга қарши чоралар — ҳаммаси уларнинг зиммасига юклаб қўйилган, ана шу цехнинг бир маромда ишлаши, бирлашманинг иқтисодий-молиявий аҳволига жиддий таъсир кўрсатарди. Шу сабабли Абдукаримов ва Марказий база директори Василий Голодовлар барча мушкул муаммони ҳал этишни Маъмурга топширишарди. Ундан ташқари, область зооветеринария бошқармаларини автотранспорт воситалари, ёқилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ҳам шу цехнинг зиммасига юкланганди.

Машина олингандан сўнг орадан бир ой ўтди. Абдукаримовнинг хизмат хонасида шаҳар телефонларидан ташқари аэропорт ва темир йўлга бевосита боғланган тўрт номерли телефон тармоқлари бўлиб, улар ушбу корхоналарнинг юк ташиш бўлимларига боғланган, мабодо бирлашма ихтиёрига бирорта товар келган бўлса, дарҳол хабар қилишар ва навбатчи машиналар юкловчилар билан бориб, юкни самолёт ёки темир йўл вагонидан машиналарга ортиб, базага жўнатишарди.

Бундан ташқари, Марказий базага Абдукаримовнинг ҳаракатлари билан темир йўл ўтказилган, шу туфайли бу ерда кечаю кундуз иш қайнаб ётарди. Темир йўл станциясидан кўнғироқ қилишиб, базага тўрт вагон юк келаётганини хабар қилишди. Шу кунларда база директори Голодов контейнер ағдарилишидан оёғи лат еб, шифохонада даволанаётган, шу сабабли Абдукаримов база директорининг ўринбосари Мирсобит Раҳматуллаев ва автотранспорт цехи бошлиғи Маъмур Узоқовни ҳузурига чақиртириб, юкни дарҳол тушириб олишларини тайинлади. Чунки юкларни ўз вақтида тушириш ва вагонларни қайтариб юборишни Халқ назорати қўмиталари назоратга олган, жаримага йўл қўйган раҳбарлар унинг йиғилишига таклиф қилиниб, уч ойлик маош миқдорида жазо чораларини кўришмоқда. Абдукаримов ва Голодов бир мартадан ана шундай жавобгарликка тортилишганди.

Улар юкларни тушириш бўйича маслаҳатлашиб ўтиришганда яна темир йўлга боғланган телефон жиринглади ва диспетчер базага вагонларни киритиш учун рухсатнома расмийлаштирилганлиги ва улар ижарада эканлиги ҳақида огоҳлантирди.

Бунга эшитган Абдукаримовнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди, чунки ижарадаги вагонларнинг юк туширилишида ортиқча вақт туриб қолиши жарима миқдори ўша даврдаги қонунчиликка биноан оддий вагонларникига нисбатан ўн баравар бўларди. Абдукаримов тезликда чора қўришга мажбур бўлди. Бирлашма шаҳарнинг энг чекка қисмида жойлашгани сабабли, ишчи-хизматчиларни базанинг учта автобуси шаҳарнинг уч жойидан ташир, иш вақти тугагандан сўнг яна белгиланган маршрут бўйича олиб бориб қўярди. Доимо битта УАЗ–469 машинаси базада навбатчи бўлиб, ҳайдовчиларни уйига олиб борар, азонда эса олиб келарди. Фақат биргина Абдукаримов ва Голодовларнинг хизмат машиналари ҳайдовчиларнинг уйида сақланарди, бунга Маъмур ДАН идорасидан бир амаллаб норасмий рухсат олганди. Иш вақти тугаётган, автобуслар одамларни уйларига тарқатиш учун бекатда тайёр туришган, омбор мудирлари эшикларни муҳрлаб, қоровулларга топширишаётган эди.

Маъмур зудлик билан бориб, автобуслардаги барча юк туширувчиларнинг кетиб қолмасликларини огоҳлантириб, уларнинг бригадири, паҳлавонсифат, бўйи икки метрларга яқин бўлган Володяни бош директор ҳузурига етаклаб келди. Гап шунда эдики, юк туширувчиларнинг бригадири қўл остидаги одамларини ишдан кейин қолиб, вагонларни бўшатишга қўндирмаса, улар ҳеч кимнинг, ҳатто бош директорнинг илтимосини ҳам бажаришмасди. Володя бош директорнинг хизмат хонасига ҳали кирмасидан Маъмур билан жанжаллашиб келаётган овози эшитилди. У хонага кираётиб, ўзининг норозилигини билдира бошлади.

— Бу нима деган гап, Абдужаббор Абдукаримович, нега одамларимни ишдан кейин кечаси ишлашга мажбур қилияпсиз? Кун бўйи юк тушириб, ортиб, тинкамиз қуриган, энди кечаси ҳам ишлатмоқчимисиз? Бўлмайди, — деди энсаси қотган оҳангда.

— Сен ҳамма гапингни гапириб бўлдингми? — савол берди бош директор.

— Ҳа, ҳа, кечасига қолиб ишламаймиз, тамом-вассалом, — деди бригадир.

— Володя, биринчидан, вагонлар ижарада, ортиқча туриб қолишига йўл қўйсак, ким бундан жазо кўради, автотранспорт цехи, сизлар қаерда ишлайсизлар, автотранспорт цехида, шундайми? Демак, жарима ёзилса, сенларга бериладиган мукофот пуллари ҳавога учиб кетади, кейин тўполон қилиб, менинг олдимга кириб юрма, тушунарлими? Иккинчидан, кечаси ишлаганларинг учун касаба уюшмасининг қарорини чиқариб, икки баравар ҳақ тўлайман. Учинчидан, кечаси ош қилиб, бир яшик пиво ва икки литр спирт қуйиб бериш менинг бўйнимда. Хўш, қандай қарорга келдинг? — деди Абдукаримов.

У индамай ўрнидан туриб, сўлоқмондай қўлини бош директорга узатиб, “келишдик” деб қўйди ва чиқиб, ҳуштак чалиши билан юк туширувчи йигитлар автобуслардан тушишди. Уларга қараб, “жомакорларни кийларинг”, деб топшириқ берган овози очиқ турган деразадан баралла эшитилди. Абдукаримов ойнадан:

— Рихсивой, менинг олдимга кир, — деб таъминот бўлимининг бошлиғига буйруқ берди. У хонага киргандан сўнг деди:

— Рихсивой, сен менинг машинамни мингинда, Қўйлиқ бозорига бориб, ош қилишга масаллиқ харид қил, Маъмуржон, сиз эса, бир яшик пиво олиб келинг, унгача Мирсобит вагонларни қабул қилиб, юкларни туширишга тайёргарлик кўриб туради, — деб Турғуновнинг қўлига пул берди.

Рихсивой Турғунов ишга келгунча ОБХСС ходими бўлган, таъмагирлик қилгани учун милиция органларидан ҳайдалган, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилиб кетишига сал қолган деган гап-сўзлар юрар, аммо ўзи ниҳоятда уддабурон, бундайлар тўғрисида осмондаги ойни ҳам олишга қурби етади дер эдилар.

Вагонлар базага кириши билан иш қизиб кетди. Келган юк юз фоизли параформ бўлиб, ўта заҳарли модда эди.

Одатда, улар герметик ёпилган бочкаларда юборилар, бу гал эса юк Афғонистонга мўлжаллангани учун қоғоз қоғларга жойланган, ортиш пайтида бир хиллари тешилиб, вагон эшиклари очилиши билан базада бадбўй ҳид тарқалди.

Юк туширувчилар респираторларда ишлар, вагоннинг ичидан маст одамга ўхшаб, чайқалиб чиқар, ҳовуздаги сувга ўзини ташлар ва ундан чиқиб, стол устида турган ва сув аралаштирилган спиртдан ярим стаканини уриб, газак қилиб, яна вагоннинг ичига кириб кетишарди. Бригадир Володя барчасини назоратга олган, ортиқча ичишларига йўл қўймасди. Шу пайт базага бегона енгил машина кириб келди, ундан хомуш ҳолда Маъмур тушиб, бир яшик пивони ҳовузга аста ташлади. Абдукаримов унинг бегона машинада келганидан ҳайрон бўлиб, савол берди:

— Маъмуржон, машинангиз қани?

— Кўргилик, ака, пивога навбатда турганимда, кимдир машинага ўтириб ҳайдаб кетди, нима қилишимни ҳам билмай қолдим, — деб жавоб берди.

Абдукаримов унга қандай тасалли беришни ҳам билмай турган-да, базага ош харажатларини қилиб Рихсивой кириб келди. Масаланинг моҳиятини эшитгандан сўнг, Абдукаримовдан хизмат машинасини бериб туришни илтимос қилди. Абдукаримов сабабини сўраганди, бир жойга бориб, ким биландир учрашиши ва машинани топишга ҳаракат қилишини билдирди. Абдужаббор дарҳол рози бўлди, улар жўнаб кетишгандан сўнг қозонни ўрнатиб, ош қилишни бошлаб юборди.

Бутун базани бадбўй ис босиб кетган, бир вақт, кимлардир хабар қилганми, милиция машинасида ички ишлар ходимлари бу ёқимсиз, нафасни қисувчи, бадбўй ҳидларнинг сабабини аниқлаш учун келиб қолишди. Мирсоби́т улар билан гаплашиб, бу юк литер “Б” билан келганлигини тушунтирди. Милиция ходимлари оғиз-бурунларини дастрўмолчалари билан ёпиб, бош чайқаганича жўнаб кетишди. Яхши ҳамки, юклар кечаси, сал салқин пайтда туширилаётганди, кундузи, иссиқ пайтда бўлганда эди, базада нафас ҳам олиб бўлмасди.

Юк туширувчилар ҳамон вагонлардан маст кишидек гандираклаб чиқишар, ҳовузга бир шўнгиб, сувга

аралаштирилган спиртни ичиб, пиво билан газак қилишар, бироз ҳордиқ олиб, яна вагон ичига кириб кетишарди. Абдукаримов эса бир чеккада ош қилиш билан машғул эди. Хуллас, кечаси соат учларга яқинлашганда, вагонлар бўшатилиб, супириб, тозаланди ва ёнғинга қарши шланглар орқали ювилди ва белгиланган муддатдан олдин қайтариб юборилди.

Юк туширувчилар ювиниб бўлганларидан сўнг Абдукаримов уларни дастурхонга таклиф қилди. Улар қолган спирт ва пивони ошдан олдин ичиб, ошни битта гуручини ҳам қолдирмасдан еб ташлашди. Мирсобит ақллилик қилиб, бир автобус ҳайдовчисининг уйига кетишига рухсат бермаганди, унга юк туширувчиларни манзилларига олиб бориб қўйишни топширди. Эртасига Абдукаримовнинг ўзи ҳам ишга чиқолмай қолди, чунки заҳарланишдан танасини аллергия тошмалар босиб кетди. Аммо шуниси ажабланарлики, юк туширувчилардан бирортаси ҳам зарар кўрмабди. Сабабини унга кейин шифокорлар тушунтириб беришди, юк туширувчилар бундай пайтда спиртли ичимлик истеъмол қилганлари учун, аллергия жараёнининг авж олишига спирт йўл қўймаган экан.

Ош сузилмасдан олдин Маъмур ва Рихсивой қайтиб келишди. Абдукаримов қаерга борганлари, ким билан учрашганларига қизиқди. Улар сўзлаб беришди. Маъмурни Рихсивой “Комсомол кўли”даги чойхонага олиб борибди, чунки шу кун жума эди. Рихсивой бир рус йигити билан ўн дақиқагача суҳбатлашиб, Маъмурни кўли билан кўрсатибди. У йигит Маъмурдан машина номери, ҳужжатлари, ўзининг кимлигини сўраб олиб, бир хонага кириб кетибди. Орадан ярим соат ўтгандан сўнг чиқиб, дебди:

— Сизлар бораверинглар, эртага кечкурун шу ерга келинглар, ҳар эҳтимолга қарши телефон рақамингизни қолдириб кетинг, ишчи йигит экансиз, машинангиз, албатта топилади, аммо айтиб қўяй, машинадан умидвор бўлсангиз, ички ишларга хабар қилманг, — деб хайрлашибди.

Эртасига Абдукаримов ишга чиқмаганлиги сабабли, воқеаларнинг ривожини якшанба куни Маъмурнинг ўзидан эшитди. У якшанба куни Абдукаримовнинг уйига қасалдан хабар олиш баҳонасида келиб, барча ҳангомаларни сўзлаб

берди. Шанба куни тайинланган вақтда боришганда, у йигит чиқиб:

— Машиналгининг хабарини топдик, уни гастролёрлар ўмарган экан. Ҳозир машинагиз Чимкентда, эртага худо хоҳласа, Тошкент вақти билан соат 16.00 да ўша пивоҳона олдига олиб келишади. Бир ўзингиз чиқиб, машинани қабул қилиб олинг, бирор сўм ҳам берманг. Машинанинг қулфи бузилган, шунга рози бўласиз. Бўпти, саломат бўлинг, машинани қайтариб олганингиздан кейин, “катта”га раҳмат деб қўйинг, — деб хайрлашиш учун қўл узатибди.

Абдукаримов ҳам пивоҳонага бориб, машина келишини кутишга ва бир пивоҳўрлик қилишга жазм этди. Улар бир неча пивони олиб, гурунглашиб ўтиришар, вақт эса худди тўхтаб қолгандек, соат миллари жуда секинлик билан ҳаракат қиларди. Роппа-роса соат 16.00 да Маъмурнинг машинасини кўзига қора кўзойнак таққан бир йигит миниб келди. Маъмур унинг олдига чопиб борди, улар икки дақиқагина сўзлашишди ва машинани миниб келган йигит ортидан келган автоуловга чиқиб, жўнаб кетди. Ҳаммалари бориб машинани кўришди, унинг фақат ўт олдирадиган қулфи бузилган, симлари эса бирлаштирилганди. Хурсанд бўлишиб, Абдукаримов Маъмурга деди:

— Маъмуржон, пешона тери қилиб, машинани ҳалол пулга сотиб олгансиз, шунинг учун яратган Парвардигор сизга раҳм қилди, молингизни бутунлигича қайтариб берди.

— Ҳа, Абдужаббор ака, шундайга ўхшайди, аммо сабабчиси “Комсомол кўли”даги амаки, — деб жавоб қайтарди. Шундан сўнг машинани келтирган йигит билан бўлган мулоқотга қизиқишди. У: “Маъмуржон сизмисиз, тасдиқ ишорасини олгандан сўнг, энди машинанинг эшигини очиқ қолдириб кетсангиз ҳам, ҳеч ким тегмайди, машина ўғриларига шундай топшириқ кетди”, дебди.

Келаси жума куни Маъмуржон беш юз сўм пул олиб, “Комсомол кўли”даги чойхонага бориб, ўша йигитга учрашибди. Келиш мақсадини баён қилибди. Йигит ичкарига кириб кетиб, бироздан сўнг таклиф қилибди. Хонага кирганида баланд бўйли, қорамағиздан келган, мўйловли одамни кўриб, салом берибди. У киши алик олиб, “Келинг,

ўғлим, бизга нима хизмат бор?” дебди. Маъмуржон бўлган воқеани сўзлаб, миннатдорлик билдириш мақсадида, қўлидаги пулни узатибди. У киши пулни олиб: “Ука, камбағал йигит экансиз, бешта фарзандингиз бор, пешона тери қилиб, ана шу аравани олгансиз, мен рози, бу пулни эса бола-чақангизга сарф қилинг”, деб пулни ушлаганича дуо қилиб, қайтариб берибди...

Фулом хаёл суриб, режалаштирган ишларини амалга оширишни ўйлаб ўтирганида, ҳузурига Аким кириб, Тилланинг бир зарур иши борлиги, аммо айтишга қўрқиб турганлигини билдирди. Фулом унга Тиллани чақиришни буюрди. Эргаш кириб, салом берди ва унинг имоси билан стулга ўтирди. Фулом унга бир тикилиб, сўнгра сўради:

— Хўш, Эргаш, қандай муаммо бор, мендан нима истайсан?

Эргаш чайналар, гапни нимадан бошлашни билмасди. Унинг иккиланаётганини кўрган Фулом уни дадиллантириш мақсадида кулимсираб, деди:

— Хўш, нега чайналасан қиз болага ўхшаб, бор гапингни эркакчасига айтсанг бўлмайдами, бошинг кетар тақдирда ҳам.

— Э, Фулом ака, тоғам келган эдилар, сизга бир илтимослари тушган, шунга мени элчи қилиб юбордилар, бир гаплашиб кўргин-чи, ёрдам берармикинлар деб, — деди.

— Тоғанг ким, нима иш қилади? Мени қаердан танийди? Қандай иш хусусида гаплашмоқчи? У кишини қабул қилишдан олдин мен, ахир, билишим керак-ку? — деб жавоб қайтарди. Шундан кейингина Эргаш ўзини тутиб олиб, тоғасининг келиш сабабларини сўзлаб берди.

Унинг ҳикоясига қараганда, тоғасининг ўғли Собир юк машинаси ҳайдар, авария содир этиб, уч йил муддатга қамалган, ҳозир икки йилини Шайхалидаги зонада ўтказибди. Фарзандлари катта бўлиб, мактабга боришадиган, шу сабабли тоғаси уларнинг қўлларини ҳалоллаб қўйиш учун саъй-ҳаракатда. Аммо тўйбоши қамоқда, бир ҳафтага бўлса ҳам рухсат беришса, тўйни ўтказиб оларкан, ана шу мақсадда унга мурожаат этишга аҳд қилган.

Эргаш унга шефи катта одамлиги, унча-мунча нарсага қўл узатса етишини айтган экан, шу кундан бери тинчлик

бермасмиш. Ўша одамнинг олдига мени олиб борасан, деб туриб олибди. У нима қилишини ҳам билмай қолибди, охири мажбур бўлиб, Акимдан илтимос қилибди. Фулом бу изоҳни эшитгандан сўнг бироз ўйланиб қолди. Шайхалидаги зона бошлиғини танимайди, кимга мурожаат қилиш керак, ана шу муаммо бошини қотирди. Ниҳоят, тоғасини чақиришни буюрди. Хонага ёши етмишлардан ошган, нуроний, оппоқ соқолли бир киши кириб келди. Фулом ўрнидан туриб, салом бериб кўришди ва олдидаги стулга ўтқазди. Меҳмон узундан-узун дуо қилиб, юзларига фотиҳа тортди. Фулом унга бир пиёла чой узатиб, сўнгра деди:

— Келинг, ака, менда қандай ишингиз борлигини жиянингиз айтди, кўлдан келадиган бўлса, албатта, ёрдам қиламиз.

— Раҳмат, ука, ишқилиб, кам бўлманг, топганингизга Худо барака берсин, ёрдамингизни аяманг, ўғлим армонда қолмасин. Сентябрь кириши билан катта набирам Саҳобжон мактабга боради, кўлини ҳалоллаб қўймасак бўлмайди. Дадаси эса қамоқда ўтирибди. Гап тўйнинг сарф-харажатида эмас, эл қатори унинг болаларини ҳам оч қўйганим йўқ, аммо ўзи тўйда бўлмаса, ҳар ҳолда, ота, ўзингиз тушунасиш, укам, боши берк кўчага кириб қолдим, шунинг учун сиздан нажот сўраб келдим, — деди отахон.

Фулом қамоқдаги йигитнинг исм-шарифини сўрагач, уч кундан сўнг хабар олишини айтди. Шу кuni кечқурун Фулом Қарши шаҳрига йўл олди. Рулда Аким, ўзи эса унинг ёнида қандайдир мумтоз кўшиқни куйлаб кетди. Азонлаб Қарши шаҳрига кириб боришди ва тўғри Бековнинг уйига йўналишди. Парвардигор ўзи ишни ўнглайман деса, шундай бўларкан, улар унинг уйи олдида тўхтаб ултурмасдан Султан Магамедович хизмат машинасига ўтираётган пайтга тўғри келишди.

Беков машинадан тушиб, Фулом билан қучоқ очиб сўрашди. Қўярда-қўймай уйига етаклади. Хонага кириб, фотиҳа ўқишмасдан хотини чой келтирди, стол устига қанд-қурсларни қўйиб, меҳмон билан сўрашди. Одатий салом-алик, соғлик-саломатлик тўғрисидаги гаплар тугагандан сўнг, Фаина эркакларнинг ўзаро гаплари борлигини тушуниб, бошқа хонага чиқиб кетди.

— Султан Магамедович, олдингизга бир илтимос билан келдим, — деди Фулом.

— Қўлимдан келадиган иш бўлса, марҳамат, айтаверинг, — деб жавоб берди у.

Шундан сўнг Фулом Шукуров Собирнинг қамалиши тарихини сўзлаб, отаси бир ҳафтага жавоб сўраётганини билдирди.

— Фулом ака, мен билан юринг, ҳозир йўл-йўлакай ўша лагерга кириб ўтамиз. Бошлиғи ажойиб йигит, яқиндагина тайинланди. Ўзингиз ҳам танийсиз, менда тезкор ишлар бўйича муовин бўлган эди. Эслайсизми, ўрта бўйли, қорачадан келган, у пайтда майор эди, ҳозир подполковник, фамилияси Ҳакимжон Хайриев, эсладингизми, — деди.

Фулом бош қимирлатиб, ёдига тушганлигини билдирди.

Улар Бековнинг машинасига ўтириб, Шайхалига қараб юришди. Зонага етиб келганларида аллақачон кундалик юмушлар бошланган, маҳбуслар иш жойларига саф тртиб кетишаётганди. Улар тўғри бошлиқнинг хизмат хонасига боришди. Кимдир Бековнинг келаётганини Хайриевга етказган, шекилли, остона олдида кутиб олиб, хонасига бошлади.

Зона бошлиғи Фуломга тикилиб, “э, ҳа, ўзимизнинг Граф-ку”, деб юборди ва қайта сўрашди. У навбатчига дарҳол кофе тайёрлашни буюрди, чунки Беков билан деярли олти йил бирга ишлади ва унинг барча авра-астарини биларди. Қаҳвадан ҳўплаганларидан сўнг Беков келишлари мақсадини айтди. У дарҳол тартиб бўлимидан Шукуров Собирнинг шахсий жилдини чақиртирди. Устоз ва шогирд уни ўқишга тушишди. Жилда маҳбуснинг ҳеч қандай тартиббузарлик қилмаганлиги, доимо берилган топшириқларни адо этгани ва ҳатто “условно досрочно”га чиқарилиши тўғрисида таклиф берилганлиги қайд қилинганди.

— Фулом ака, Шукуровни ўзингиз билан олиб кетасизми ёки ортингиздан етиб борсинми? Биз уни эртага қайта суд қилиб, Самарқанд автобекатидаги гишт заводига ишга юборамиз, — деди Хайриев.

— Бир кун минг кун эмас, кутаман, — деди Фулом.

— Келишдик, — деди Хайриев ва тартиб бўйича муовинини чақиртириб, тегишли топшириқни берди. Сўнгра

кимгадир қўнғироқ қилиб, меҳмонлар борлигини, тушликка ўша ерга етиб боришларини айтди. Анчагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Беков ишхонасига ўтиши зарурлигини билдириб, “Мингчинор”га ўзи боришини билдирди. Бу орада назоратчилар қурилиш бўлаётган ердан Шукуровни олиб келишди. У бегона одамлар суриштириб келишганидан бироз хавотирга ҳам тушди. Фулом унга отасининг илтимоси билан келганлигини айтиб, эртага суд бўлишини ва озодликка чиқишини билдирди. Йигит кўзларида ёш билан миннатдорлик билдирди.

Хайриев Фуломни, Акимни олиб, Шаҳрисабз – Китоб йўналишида жўнаб кетди. Фулом билан зона бошлиғи бир машинада, орқаларидан эса “ГАЗ — 21”да Аким машинани ҳайдаб борди. Уларни Мингчинорда Чори исми йигит кутиб олиб, салқин, оқар сув устига ўрнатилган сўрига таклиф қилди. Бироз салқинланиб олганларидан сўнг, шўрва келтирилди. Хайриев стол устидаги арман коньягини очиб, энди қуйган ҳам эдики, Султан Магамедович кириб келди. Хуллас, зиёфат зўр бўлди. Орадан уч соатлар чамаси ўтгандан сўнг қўлбола тандир кабоб келтирилди. Маза қилиб, мақтаб-мақтаб тановул қилишди.

Шу куни Фулом оромгоҳда тунаб қолишга аҳд қилди. Мезбонларнинг ҳар қанча зўрлашларига ҳам қулоқ солмай, шу ердаги хонадан икки кишига жой ажратишларини илтимос қилди. Буни мезбонларга шундай изоҳлади, “мен яна қачон бундай баҳаво, салқин жойга қадам ранжида қиламан, қўйинглар, бир маза қилиб ҳордиқ чиқарай”.

Хайриев кетаётиб, шу ерда бафуржа дам олиб туришини, маҳбусни эса эртага тушдан кейин бир йигит “Мингчинор”га келтиришини, у ёғини эса Фуломнинг ўзи “Самарқанд” шоҳбекатидаги гишт заводидан рўйхатдан ўтказиб қўйишини илтимос қилиб, қучоқлашиб, хайрлашди...

Нонуштага келган вақтида, Аким унинг ҳорғин юзига тикилиб, “что с тобой шеф?” деди. Фулом унга ички кечинмаларини гапирмасликка ҳаракат қилиб, яхши ухлай олмаганлигини айтди. Чойхоначи уларни тоғ асали, қаймоқ, иссиқ нон, майиз, ёнғоқ, ҳолва ва ҳўл мевалар билан тўлдирилган дастурхон олдида етаклади. Тоғ қўкатлари солиб дамланган чойни қуйди-да, “мен ҳозир” деб кетди. Бироздан

сўнг икки косада кечаси билан қайнаб, қиём бўлиб кетган шўрваларни патир нон билан бирга кўтариб келди. Фулом чойхоначининг қаршилигига қарамай, уни ҳам дастурхонга таклиф этди. Индамасдан нонушта қилишди. Нонуштадан сўнг, Фулом тоққа қараб юрди. Тепаликларга чиқди, тоғнинг тоза, шифобахш ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Тушга яқин бир капитан унвонли йигит Собир Шукуровни ўзининг “Жигули” русумли машинасида олиб келиб, Фуломнинг қўлига бандининг ҳибсдан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномани берди, ҳужжатлар эса тегишли идорага жўнатилишини айтиб, қайтиб кетди. Тушлик қилишиб, кечки салқинда йўлга тушишди. Ярим кечада Самарқандга етиб келишди, у ердаги бозордан нон харид қилишиб, бир пиёла чой ичишди, сўнг яна йўлга чиқишди ва тонг саҳарлаб Тошкентга киришди. Йигитнинг уйи трактор заводининг олдида экан, йўл-йўлакай уни маҳалласига ташлаб ўтишди. Собирнинг ҳар қанча илтимос қилишига қарамай, тўхташмади ва бир соатда Чирчиқ шаҳридаги уйларига етиб келишди.

Ана шу сафардан сўнг Фулом қандайдир бошқа одамга айлана бошлади. Доимо кўнгли танҳоликни истар, кўп ишларни ёрдамчиларига топшириб қўйган, тижорат ишлари бир маромда кетаётганди. Кунлардан бир куни Фулом яна бир ишчининг ўғирланган машинасини топиб, эгасига қайтарилишига сабабчи бўлди. Шундан сўнг бу иш билан шуғулланадиган гуруҳ бошлиғининг бир танобини тортиб қўйишга аҳд қилиб, Самиғ қўрбошини қароргоҳига чақиртирди. Қўрбоши лақаби унинг шогирдлари томонидан берилган, аммо у бирор марта ҳам қамоқхона тузини татиб кўрмаганди. Самиғ келганлиги тўғрисида Фуломга ахборот беришди.

— Ўтир, — деди Фулом кўлидаги тасбеҳини ўтирганича унга қараб, — менга қара, эй, инсофдан қайтган махлук, қачонгача камбағал, қашшоқ, бир умр машина минишни орзу қилган бечораларни қон қақшатасан, сенда диёнат борми ўзи?

— Фулом ака, бизнинг ишда ҳам брак бўлиб туради, янглиш бўлган бўлса ёки сизга қарашли одамларнинг машинасини билмасдан йигитларим олган бўлса, дарҳол қайтариб қўямиз.

Унинг бу сўзларидан Фуломнинг газаби қайнаб, ўзини зўрға тутиб турарди.

— Тур ўрнингдан, падарлаънат, — деди.

Бундай дағдагадан чўчиб кетган Самиғ ўрнидан сакраб турди, аммо шу оннинг ўзидаёқ яна ерга йиқилди, чунки Графнинг мушти зарб билан оғзи-бурни аралаш тушганди. Қон фонтан бўлиб отилди. Ичкарига кирган Аким уни судраб чиқиб, сув бўйига олиб тушди ва анча вақтгача сойнинг совуқ сувида ёрилган бурнига сочиқни пуркаб, тутиб турди. Қон тўхтагандан сўнг, қон доғлари бор қўйлагини сувга ташлаб, бошқа қўйлак берди. Бу пайтда Фуломнинг жаҳли анча босилган, Самиғни урганидан ўзи ҳам виждон азобида қийналмоқда эди. У қайта хонага киргандан сўнг деди:

— Бу сенга дарс бўлсин, энди ўғирлаган ҳар бир машина ҳақида Акимга ахборот берасан. То у рухсат бермагунча, турсин. Бой-бадавлат одамникини ўмарсанг, менинг ишим йўқ, обшакнинг ҳақини тўлаб қўйларинг-да, ялло қилиб юравер, чунки уларга етказилган зарар, чивин чаққандек бўлади, аммо камбағалникини ўғирлаб, таъмагирлик қилсанг, барингни жазолайман, бу иш билан шуғулланганларингта пушаймон бўласанлар, тушундингми?

— Ҳа, ҳа, Фулом ака, тушундим, шу бугуноқ барчасини йиғиб, тайинлаб қўяман, хотиржам бўлинг, — деб жавоб берди.

— Тушунган бўлсанг, энди йўқол, бошқа кўзимга кўринма, ҳар бир машина учун ҳисоботни Акимга топшириш эсингдан чиқмасин, акс ҳолда, яна бир марта, яъни охирги марта келишга мажбур бўласан, инсофсиз, — деди.

Самиғ қуллуқ қилиб, хонани тарк этди. Шундан сўнг машина ўғрилари ҳам анча инсофга келиб қолишди. Мабодо гастролёрлар келиб, шундай ишлар билан шуғулланишса, ўзлари танобини тортиб қўядиган бўлишди.

Одатдагидек жума намозидан сўнг Фулом “Комсомол кўли”даги қароргоҳига келди ва ўз ишлари билан шуғуллана бошлади. Кечки пайт Аким уни олиб кетиш учун янги харид қилинган “ГАЗ—2410” автомашинасида келди. Ҳар доимгидек машинани “Атеистлар тарихи музейи” ёнига қўйиб, ичкарига кирди. Фулом билан Аким чиқишганда, машина тугул, унинг расми ҳам қолмаганди. Бу иш бир томондан Фуломнинг завқини келтирса, иккинчи тарафдан машина ўғрилари

тарафидан унга қилинган чақириқдек туюлди. Қароргоҳига кириб, дарҳол Йўлчига қўнғироқ қилиб, машина ўғриларининг сардорини ҳузурига келтиришни буюрди. Йўлчи унинг амрини бажариб, жанггоҳда бўлаётган кураш мусобақаларини томоша қилаётган Самиғ қўрбошини судрагандек қилиб, Графнинг ҳузурига етаклаб келди. Бу ҳолатдан чўчиган Самиғ Фуломнинг унга тикилиб турган қаҳрли кўзларига қарай олмай, қандай айб қилиб қўйганлигини билмай, қалтираб турарди.

— Сен, падарлаънат, энди менинг мулкимни ҳам ўғирлашни бошладингми-а, жавоб бер, эй, муттаҳам? — деди Фулом.

— Қандай мулк, нима деяпсиз, шеф, наҳотки, мен шундай тубанликка борсам, келиб-келиб, сизнинг мулкингизни ўғирлайманми, мен ҳали яшамоқчиман, ўзи нима гап? — деб сўради Самиғ. Шундан сўнг, унинг беҳабарлигини билган Аким бўлган воқеани гапириб берди. У икки соат вақт сўраб, машинани дарҳол қайтариш ҳамда айбдорни тождор ўғрилар ҳукмига ҳавола қилишга ваъда берди. Орадан бир соат ўтмай, у қароргоҳга келиб, машинани ўғрилар олмаганлигини айтиб, одамлари ҳозир қидираётганлигини билдирди. Бу пайтда янги чиққан “Волга” русумли шахсий машиналар пойтахтда ўндан ошмасди. Орадан уч соат ўтгач, машинани унинг йигитларидан бири ҳайдаб келди. Машинанинг орқа ўриндиғида Самиғ бир ёш болани қўлидан ушлаб келганди. У Фуломга машинани ана шу бола ўғирлаганини билдирди, бу ахборотни эшитган Граф ишонгиси келмай, у билан суҳбатлашди. Боланинг ёши жуда нари борса 13–14 ларда эди.

— Болам, қани, айт-чи, машинани қандай қилиб ҳайдаб кетдинг, кейин уни нима қилмоқчи эдинг? — деди Фулом.

Бола ҳеч кўзларини яширмай, қўрқмай, қилган ишига пушаймон бўлмай, мағрур турар, кўзларидан ўт чақнарди. Фулом унинг ўзини тутишига маҳлиё бўлганича, ёшлиги кўз ўнгидан ўтар, у ҳам ана шундай хислатга эга эди.

— Амаки, машина сизга қарашли эдими? Мен билмабман, бу бирорта буржуйникими деб ўйлабман, шунинг учун ўғирлагандим. Машина эгаси ҳам шунақа лох бўладими,

эшигини очик қолдирибди, уни кўриб, машина ичига ўтирдим, симини тўғридан-тўғри қилиб уладим ва ҳайдаб кетдим. Уч соатдан сўнг манавилар ушлаб олишди, — деди болакай.

— Хўп, машинани нима қилмоқчийдинг? — савол берди Фулом.

— Ҳайдашга бир эслироқ одам топиб, машинани Ўратепага олиб бориб яширмоқчи, кейин, сотмоқчи эдим. Пулини эса менга шерик бўлган одам билан бўлишмоқчи эдим, — деб жавоб берди у.

Граф ўғирликнинг бунақа тажовузкорона амалга оширилишидан ҳайратга тушганича, эй, яшшавор, ота ўғил, деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Кимнинг ўғлисан, отанг нима иш қилади?

— Отам йўқ, онам ва акам билан турамиз, акам сартарош бўлиб ишлайдилар, — деди бола.

Фулом ўйланиб турди-да, сўнгра акасини олиб келишларини буюрди. Боланинг акаси эндигина йигирма ёшларга тўлган, оилада боқувчи бўлмаганлиги сабабли, армия хизматидан вақтинча озод қилинган йигит экан. У укасининг қилган қилиғини эшитгач, қалтираб, узр сўрай бошлади. Фулом нима қилишини ҳам билмай қолди, жазолай деса, ёш бола, бунинг устига, бундай ўғирликка ўзи ҳам тан берган эди. Кимсан, Графнинг шахсий машинасини ўғрилаш, жиноят оламида анча кулги бўлишини, эшитган қулоққа ишонмайдиган эртақ, деган фикр бир зумда хаёлидан ўтиб:

— Э, ҳалолнинг бўлсин, болам, Аким калитни узат, шу машина — мана шу боланики. Фақат, укам, — деди сартарошга қараб, — болакайни бу йўлдан қайтаринг, тушундингизми?

Йигит бу даҳшатли амаки тўғри гапиряптими ёки ҳазиллашяптими, билмай, тинмай кечирим сўрарди. Аким машинани топшириб, Фуломни Самиғларнинг “Жигули”сида жўнатиб юборди...

XXI фасл. ТОҶДОР ЎҒРИЛАР БИЛАН СЎНГГИ УЧРАШУВ...

Куз кириб, ҳаво тез-тез айний бошлади. Фулом тўрқовоқдаги беданаларни бирин-кетин хонага киритаётганида эшик олдида машина тўхтади. Машинадан башанг кийинган, бошида шляпа ва эгнида макинтош плашли одам тушиб келиб, ташқи эшикни очиб, ичкарига қадам қўйди. Фулом унинг қаршисига чиқиб, қучоқ очиб сўрашди. Марина ҳам югуриб келиб, меҳмон билан эски қалдронлардек омонлашди, ҳатто юзидан ўпиб қўйишга изн берди. Фулом меҳмонни уй ичига етаклади, ўтиришгандан сўнг Марина дарҳол иккита қаҳва тайёрлаб келди. Граф бу одамнинг уйига келишини ҳеч кутмаган, сабаби бу уларнинг олиб бораётган молиявий-иқтисодий ишларига салбий таъсир этиши мумкин эди. Демак, қандайдир фавқулодда ҳодиса юз берган-ки, у унинг уйига келишга мажбур бўлган. Нима бўлдийкин, деган ўйда меҳмонга қаради. Марина дарҳол, менинг ишларим бор эди, деб чиқиб кетди.

Графнинг тоқатсизланаётганини сезган меҳмон чўнтагидан “ВТ” сигаретасини олиб тутатди-да, сўнгга гап бошлади.

— Граф, келаси ойнинг охирида Ленинградда, марҳум устозимиз Адмиралнинг Васильев оролидаги қароргоҳида сходняк Кенгашининг йиғилиши бўлади, шунга сени таклиф этишяпти. Шу ҳақда сени огоҳлантириб қўйишни илтимос қилишди, — деди меҳмон. Бу Графнинг энг яқин шогирдларидан бири, ҳозир “Тошлимсувсавдо” бирлашмасининг бош директори, “Птица” лақабли ўғри Андрей Спиридонов эди.

— Яхши, мен, албатта бораман, — деди Граф.

— Граф, сен қамоқда ўтирганингда кўп нарсалар ўзгарган, смотрящий сенинг қатнашишингдан, бир томондан, хурсанд бўлса, иккинчи тарафдан, хавотирда, чунки устозларимиз оламдан ўтгач, улар олиб борган сиёсат, тождор ўғрилар ғояси бир мунча бошқа йўналишда кетган. Хуллас, мен сенинг бошингни оғритиб ўтирмай, ўзинг борганингдан сўнг тушуниб оласан, — деди.

— Птица чайналма, мен ҳамма ишларда аниқликни яхши кўришимни биласан. Хўш, нима ўзгарган, қаёққа қараб ўзгарган, тождор ўғрилар ғоясини кимлар бадном этяпти, гапир-чи, фақат ростини сўзла, акс ҳолда, дўстим бўлсанг ҳам, бир товоқдан овқат еб, сув ичган бўлсак ҳам, таъзирингни бериб қўйишим мумкинлигини биласан. Айлантирма, бор ҳақиқатни айт, мен шунга яраша тайёргарлик кўриб боришим шарт.

— Сенга бир нарса дедимми ўзи, нега бунақа бесабр бўлиб қолдинг, Граф. Гапириб бўлмасдан ёқадан оладиган одатинг йўқ эди, шекилли. Майли, эшит, ҳозир сходняк Кенгашининг ярмиси янги одамлар. Улар ҳақиқий ўғрилар эмас, шунинг учун гапирадиган сўзларингни ўйлаб, сўнгра гапир, акс ҳолда, сени Кенгаш аъзолигидан чиқариб юборишлари ҳам мумкин, бу эса Ўрта Осиё ва Қозоғистон учун катта мағлубият бўлади. Ўрнингта бошқа смотряшийни юборишлари бизга тўғри келмайди, ана шунини назарда тут, сендан илтимос, Граф.

Бу изоҳдан кейин Граф ўйланиб қолди. Демак, эски плеяданинг вақти ўтибдида, шамол бошқа ёқдан эсишни бошлабди. Эҳ, марҳум устозларимиз Дядя Толя, Дед Матвей, Адмирал, Марк Тульский, Бистрий, Филон, сафдошларимиз Ангел ва бошқаларнинг экиб кетган дарахтлари қурибди-да, кимлар бу ишнинг тепасида турибди. Наҳотки, Паша Симбирский, Интеллигентлар кемани бошқа қирғоққа қараб буриб юборишган бўлса деб ўйлади, аммо саволига жавоб тополмади.

— Андрей, дўстим, майли, бориб кўрай-чи, ўша ерда таҳлил қилиб оламан, жавобини ўша ерда бераман. Сен хавотирланма, ҳали Граф қариб, кучдан қолган эмас, мияси ҳам айнамаган, барча яхши-ёмон нарсаларни идрок этолади, фарқиға боради.

Бошқа бу мавзу бўйича суҳбатлашишмади, икки ўртоқ ош пиширишди, чунки Птица Графнинг ошини соғинган эди.

Граф ва Аким “СВ” вагонининг бир купесида кетишди. Аким энди доимо Графдан ажралмас, ҳатто баъзан ҳазиллашиб, мен Графнинг соясиға айланиб қолганман, деб ҳам қўярди. Тепловоз учинчи қуни Москваға етиб келди.

Улар Ленинградга қатнайдиган тезкор поезд “Стрела”га патта олиб чиқишди.

Поезд катта тезликда ҳаракат қилар, Фулом умрининг порлоқ дамлари ўтган Россия ўрмонларига қараб кетаркан, поезд Бологое, Тверь, Клин шаҳарларида қисқа муддат тўхтаб, яна тезликни ошириб кетарди. Оппоқ қор билан қопланган рус ўрмонининг ўзгача гашти ёдидан чиқа бошлаганини англади. Эман, пихта, листвинница, қайрағочнинг икки хили (оқ ва қора)нинг ҳатто фарқини ажратолмай қолганига ҳайрон бўларди. Ўзича, наҳотки, қаридим, ҳатто дарахтларнинг фарқига бормай қолибман, наҳотки, умр тугаб боряпти, деган ташвишли ўйлар кўнглига гулгула сола бошлади.

Ниҳоят, Ленинградга етиб келишди ва Интеллигент юборган одамлардан бири кутиб олди. Фулом бу йигитни биринчи кўриши эди. Тана тузилишидан спорт билан шуғулланганга ўхшайди, қадам ташлашлари ҳам енгил. Йўлда бир оғиз ҳам гаплашмай кетишди, ҳамроҳи ҳам салом-аликдан нари ўтмади. Васильев оролига қайрилиб, Адмиралнинг асосий қароргоҳига келишди. Ичкарига киришлари билан анча қариб қолган, пешоналарини ажин босган, калбош одам кутиб олди. Фулом уни кўриши билан қадамини тезлаштирди ва қучоғига босди. Бу ўша Адмиралнинг содиқ ошпази ва сафдоши Степа эди.

— Салом, салом Граф, сени кўрганимдан хурсандман, н, бошим осмонга етди, марҳабо, марҳабо.

Фуломни биринчи бор қадам қўйган Адмиралнинг ишчи хонасига бошлади. Афтидан, бу ерда уларни вокзалда кутиб олган йигит-у, Степадан бошқа одам йўқ эди. Адмиралнинг хонаси бундан қирқ йил олдин қандай бўлса, шундай сақланган. Фақат иконанинг жойи ўзгарибди, холос. Ўша пейзаж, ўша аквариум, ўша сайроқи қушлар, фақат бу хонадоннинг ҳақиқий эгаси аллақачон парвардигор ҳузурига равона бўлган. Қизик, Адмиралнинг гуноҳларини Яратган эгам кечирганмикин ёки йўқми? Фуломнинг миясига ана шундай фикрлар келар, нега бундай мушоҳадага берилаётганини ўзи ҳам тушунмасди. Степа бироздан сўнг яна ўша аравачасини итариб келди ва ёпқични очиб, ҳар доимгидек масаллиқ, газак ва бир шишани стол устига

қўйиб, сочиқ, пичоқ ва вилкаларни ҳар бир одамнинг қаршисига териб чиқди.

Аким ароқ очиб, учта стаканга қўймоқчи эди, уларни кутиб олган йигит машина ҳайдаши муносабати билан ичмаслигини қўли билан кўрсатди. Шундай бўлса ҳам, Аким учинчи стаканга ҳам қўйиб, Степага узатди. Ҳаммалари тик туриб, қадаҳдаги ароқни ичиб, тагидагисини тувакка тўкишди. Бу билан улар хонадон соҳиби, жиноят оламининг сўнгги қироли Адмиралнинг руҳини ёд олишди. Газак қилиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Марҳум Адмиралнинг васиятига мувофиқ уй барча жиҳозлари билан Степага ўтган, бу ерда ўғли, келини билан яшар эди. Фақат сходняк Кенгаши ўтказилиши муносабати билан уларни бир ҳафтага дала ҳовлига жўнатиб юборган экан.

Кечки пайт Степа уларни ошхонага таклиф қилиб, Адмирал севиб истеъмол қиладиган котлет, товуқ ва бошқа салатлар билан меҳмон қилди. Шундан сўнг телевизор кўришди. Унда эски рус романслари бериларди. Граф сходняк Кенгаши аъзоларидан бирортасини кўрмаганлигига ҳайрон бўлар, сабабини эса тушунолмасди. Вақт ярим кечага борганда Шарқий Сибирь ҳудудларининг смотрящийси, кейинчалик сходняк Кенгаши аъзолигига сайланган Сокол — Валентин Кручнев келди. У кирган заҳоти Фуломнинг бўйнига ташланди, анчагача қучоқлашиб туришди, сўнгра деди:

— Ўлай агар, Граф, сенинг келганингни эшитишим билан космик кема тезлигида учдим. Эҳ, братан, биласанми сени қандай соғинганимизни? Биродарларнинг гапига қараганда, иккинчи тожни ҳам кийибсан, табриклайман. Сендан бошқаси бўлганда, у ерларда тартиб ўрнатиши қийин бўларди, Граф и есть Граф, — деб қўйди. Хуллас, у бирор соатча гаплашиб ўтириб, сўнгра кетишга шайланди.

— Эртага учрашамиз, — деб хайрлашиб чиқиб кетди.

Фуломга негадир шаънига гапирилаётган сўзлар ясамадек туюлар, худди ҳеч ким уни ҳақиқатдан огоҳ этмаётгандек бўларди. Ётишдан олдин Фулом Степадан Герасим ҳақида суриштирди. У Герасимнинг касаллиқдан сўнг ниҳоятда озиб кетгани, ҳозир уйдан чиқиб оз-оз ҳаракат қилаётгани, аммо ҳеч ерга, ҳеч қандай анжуман, мажлис, йиғилишларга бормаслигини айтди. Фуломнинг унга тож кийдирилдими

деб берган саволига Степа “йўқ” дегандек қилиб, бош чайқаб қўйди. Сходняк Кенгаши йиғилиши эртага соат 18.00 да очилишидан хабар топган Фулом бомдод намозидан сўнг устозини зиёрат қилишини ниятлаб, дам олишга кириб кетди. Ётишдан олдин Ўзбекистондан келтирган икки яшикдаги ҳўл ва қуруқ мевалар, қовунларнинг бир қисмини яхшилаб ўраб қўйишни Степага топширди.

Эртасига Аким ва уларни кутиб олган йигит ҳамроҳлигида Инқилоб Майдони кўчасига, Герасимнинг уйига борди. Анча вақтгача эшик кўнғироғини босиб турди. Уй ичидан кимнингдир тонг саҳардан кимнинг иши бор экан, деган тўнғиллаган овози эшитилди. Сўнгра эшик занжири туширилиб, остонада ўрта ёшлардаги одам пайдо бўлди ва меҳмонларга ҳайрат билан тикилди. Фулом индамай уни бир чеккага суриб, ичкарига кирди. Ортидан Аким ҳам яшикни кўтарган ҳолда кириб борди.

Герасимнинг уйида Фулом бир неча марта бўлган, шунинг учун тўғри ётоқхонасига қараб юрди. Эшикни очиб, кароватда ётган, соч-соқоли ўсиб, ниҳоятда озиб, эскилигидан йиртилиб кетган оқ чойшабда ётган одамга кўзи тушди. Ўриндаги одам ҳам хира кўзлари билан келган меҳмонга қараб, ёнидаги жавон устидаги кўзойнагини пайпаслаб қидира бошлади. Фулом югуриб бориб, унинг қўлларини юзига суртиб, юзларидан ўпди, шунда бемор:

— Граф, ўғлим, омонмисан, кечагина тушимда кўргандим, сени жуда соғинганман, — деб йиғлаб юборди.

Аким ва эшикни очган одам остонада устоз ва шогирд учрашувини сукут сақлаб кузатиб туришарди. Ниҳоят, Герасим ўрнидан туриб, аста ўтирди. Фулом унинг ётган ўрни, кир, ифлос чойшабларига қараб бош чайқади.

— Тоза чойшаб, ўрин-кўрпаларинг йўқми?

— Йўқ, — деди уларни кутиб олган одам.

Фулом Акимни имлаб чақириб, унинг қулоғига бир нарсаларни айтди. У ҳўп бўлади дегандек бош қимирлатиб, пастга тушиб кетди. Фулом устози билан деярли уч соатча гаплашиб ўтирди. Герасим ниҳоят даражада қариб кетган, оғир бетоб бўлганлигидан озган, фақат суяклари туртиб чиқиб турарди. Бироздан сўнг хизматкор чой келтирди. Герасим фақат Фуломнинг аҳволини суриштирар, уни тирик

пайтида кўрганлигидан хурсандлигини яширмасди. Ниҳоят, Фулом унга бир қалтис савол берди:

— Устоз, наҳотки сизнинг ҳолингиздан Паша Симбирский, Интеллигент ёки бошқалар хабар олмай, шундай аҳволда ташлаб қўйишди?

Бу сўзларни эшитган қария индамай йиғлай бошлади, шунда Фулом устозининг қисмати шўр эканлигини тушунди. У ўйланиб қолди, Адмирал қароргоҳидаги тушкунлик, Птицанинг оғоҳлантиришлари бекорга эмаслигига ақли етди. Ўзича, шошмай турларинг, Паша, Интеллигент, йиғилишда бир савайки, умрбод эсларингдан чиқмасин, ноинсофлар, деб ўйлаб қўйди.

Шу пайт Аким ва машина ҳайдовчиси бир нечта чойшаб, сочиқ ва бошқа майда-чуйдалар кўтариб киришди. Фулом Акимга шундайгина пастга тушиб, биринчи қаватдаги “Табиат инъомлари” савдо марказидан икра, оқ, қизил балиқ, хуллас, организмга қувват бўладиган ноёб озиқ-овқат маҳсулотларидан харид қилишни айтди. У бош қимирлатиб, қайта чиқиб кетди.

— Устоз, сиз яхшилаб ювиниб, керакли нарсаларингизни бир жомадонга жойланг, сизни Ўзбекистонга олиб кетаман, — деди. Бу гапни эшитган Герасим худди ёш боладек ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Граф, мен ногирон бўлиб қолганман, ўзимни эплашим қийин, бир одам доимо олдимда бўлиши керак, у ерга борсам, биладан, ташлаб қўймайсан, таклифингга қандай жавоб беришни ҳам билмай қолдим, — деб баттар уввос солиб юборди.

Фулом унинг қалтираётган елкаларидан қучганича, тасалли берарди.

— Устоз, сизга Марина қарайди, керак бўлса, ўнга хизматкор хизматингизда бўлади, менинг уйимда яшайсиз, энг яхши хона — сизники, кўнглингиз нимани тусаса, муҳайё қилишади. Хизматингизда битта машина ҳайдовчиси билан бўлади, хоҳлаган тарафингизга бориб келасиз. Бўлди, шунга келишдик, — деб унинг хизматкорига топшириқ берди, — Герасимга энг зарур, ёдгорлик бўлган нарсаларни ўраб, анави жомадонга жойла, ювинтир, устоз мен билан бирга кетадилар.

Аким бир пакет нарсаларни кўтариб келди ва стол устига қўйди, шундан кейин Фулом устози билан вақтинчалик хайрлашиб, хонани тарк этди. Машинада кетар экан, тождор ўғрилар орасидаги парокандалик, масъулиятсизлик, оқибатсизлик иллатларига тушунгандек бўлди. Агар тождор ўғрилар оламининг Герасимдек вакилларига муносабат шундай бўлса, зонада ётган маҳбусларга қандай моддий кўмак берилаётган экан, демак, собиқ марҳум устозларимизнинг ғоялари ер билан битта бўлибди-да, деган ҳаёлда чуқур изтиробга тушди.

Қароргоҳга келиб, машинадан тушганларидан сўнг, Аким ҳайдовчини олдинга ўтказиб юбориб, унинг қўлидан тортди ва деди:

— Граф, тагин ўзинг биласан-у, менга бу воқеалар ёқмаяпти, падарига лаънат шу йиғилишларни, юртга қайтайлик.

— Аким, менинг кредомни биласан, қачон Граф тиз чўккан? Ҳеч қачон, анови каламушлар билан бир очиқчасига гаплашиб олишим керак. Дилимдаги сўзларимни бу номардларга айтиб кетмасам, армонда қоламан, Аким. Кенгашда Пашага, Фролга ана шу саволларни беришим, улардан жавоб беришларини талаб қилишим керак, ахир. Йўқ, йўқ, Граф умрида жанг майдонидан қочганини, наҳотки, эшитгансан, Аким, бўлмайди, йиғилишда, албатта, иштирок этаман, улардан сўрайман, ахир, бунга менинг ҳаққим бор-ку?

Аким уни фикридан қайтаролмаслигига амин бўлди:

— Граф, мен йиғилиш бўлаётган пайтда эшик олдида бўламан, бирор нарсани сезсанг ёки ножўя ҳаракат қилинса, ҳуштак чаласан, ўзинг яхши кўрган мумтоз куйинг бор-ку, шунда мен ҳар қандай тасодифга тайёр тураман, келишдикми?

— Ҳа, ҳа, Аким, менимча, бу сўнгги очиқ жанг бўлади. Мен шунга тайёргарлик кўрдим, барчасини очиқ гапираман, сўнгра вазиятга қараб иш кўрамыз. Улар менга очиқдан-очиқ қасд қилолмайдилар, чунки бундай ишни амалга оширсалар, ўғрилар олами бундай тожу тахтдан воз кечади. Бундай ҳолатни сир тутиб бўлмайди, зоналарга етиб боради,

маслакдошлар барчаси йўқ бўлиб кетмаган-ку, — деб ичкарига қадам қўйди.

Уйга киришганда, уларнинг қаршисига кучоқ очиб, Паша Симбирский ва Фрол Марчуклар чиқиб келишди. Фулом истамайгина улар билан кучоқлашди, аммо бу қўп йиллар кўришмаган қадрдонларнинг кучоқлашиши эмасди. Иккаласи ҳам буни сезишди ва бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Уларнинг бу нигоҳлари Фуломнинг назаридан қочмади. У то Кенгаш йиғилиши очилмагунча, ўз фикрларини ичида сақлашни лозим кўрди. Одатий салом-аликдан, аҳвол сўрашдан нарига ўтишмади.

Фуломнинг улар билан ўлганининг кунидан зўрға гаплашаётганини сезган Паша ва Фрол мулоқотни қисқа қилишди ва кун тартибидаги масалаларни айтишди. Паша Фуломнинг устози зиёратидан келаётганини аллақачон эшитган, Графнинг улар билан хоҳламай гаплашаётганини шунга йўйганди. Ўзича, “албатта, бу мен ва Фролнинг шахсий айбимиз, ахир, чол ўғрилар оламига беҳад хизмати сингган одам. Бунинг устига, тождор ўғрилар орасида улкан обрўга эга бўлган Графнинг устози, қиролнинг сафдоши. Наҳотки, шу нарсаларни билатуриб, шундай оқибатсизлик қилдик-а? Бу ерда Граф ҳақ эртага ўзимиз ҳам Герасимнинг аҳволига тушмаслигимизга ким кафолат беради, ҳеч ким. Дарҳақиқат, шахсан катта хатога йўл қўйдим, нима қилай поезд аллақачон кетиб бўлди. Граф келган заҳоти, унинг зиёратига борди. Ахир, унинг йиғилишга келишини бир ой олдин билган эдик-ку, шунда ҳам шунчалик эътиборсизлик қилдикми-а? Граф йиғилишда бу масалани кўтарармикин? Йўқ, йўқ, Граф ўлса ҳам ўз маслагидан қайтмайдиган одам, албатта, барчага дашном беради. Бўлар иш бўлди, энди пушаймоннинг ҳожати йўқ”, деб ўйлади. Улар мулоқот ёпишмаётганини кўриб, кечгача хайрлашиб чиқиб кетишди. Фулом ҳатто ўрнидан туриб, уларни эшик олдиғача кузатиб қўйишни лозим топмади.

Сходняк Кенгаши йиғилиши белгиланган вақтда очилди. Фулом Сокол билан ёнма-ён ўтирди. Кенгаш аъзоларига эътибор бераркан, булар тамоман янги, унга умуман таниш бўлмаган одамлар эканлигига амин бўлди. Эскилардан фақат

Паша, Интеллигент ва Соколлар бор эди. Кун тартиби ҳақида Паша гапириб, овозга қўймоқчи бўлди, аммо Фулом Кенгаш бу масалаларни муҳокама қилишдан олдин бир муаммони кўриб чиқиб, сўнгра асосий мавзунини ҳал этишини илтимос қилди. Барча Кенгаш аъзолари Фуломга ҳайрат билан тикилар, у тўғрисида эшитишган, аммо ўзини биринчи кўришлари эди. Иложсиз қолган Паша Фуломга сўз беришга мажбур бўлди. Фулом одат бўйича ўрнидан туриб, Кенгаш аъзоларига таъзим қилиб, ўз маърузасини бошлади:

— Қадрли Кенгаш аъзолари, энг аввало, тик туриб, бир дақиқа бу оламни тарк этган марҳум устозларимиз, сафдошларимиз Дядя Толя, Дед Матвей, Барон, Адмирал, Филон, Бистрий, Ангел, Марк Тульский, Турк ва бошқаларнинг руҳини ёд этайлик, — деди.

Ҳамма ўрнидан туриб, бир дақиқа сукут сақлашди.

Ўрниларига ўтирганларидан сўнг Фулом ўз маърузасини бошлади. Ўтган устозларнинг тождор ўғрилар салтанатини қуришда қилган хизматларини гапириб ўтиб, ҳозир бемор бўлиб, оғир ётганларга нисбатан эътиборсизлик қилган Паша Симбирский, Фрол Марчукларнинг бундай хатти-ҳаракатларига баҳо бериш таклифини киритди. Бундай таклифдан барча ҳайратланиб қолди ва бир чиройли кийинган, трубка чекиб ўтиргани орага луқма ташлади:

— Битта эсини еб қўйган чол учун шунчалик ваҳима, смотрящий ва ғазначини жавобгарликка тортиш, менимча, бу аҳмоқона таклиф, буни муҳокама қилиб ўтириш шарт эмас ва нотикқа сўз берилишини тўхтатиш керак, — деди. Фулом унга бир ёмон қараб давом этди:

— Ҳурматли биродарлар! Бу одамнинг кимлигини билмайман-у, аммо қамоқхона баландасини татиб кўрмаганга ўхшайди. Қандай қилиб бу одам тож кийган ва нега бу ерда ўтирибди, Паша? Саволга жавоб беришингни талаб қиламан?

Бу гапдан сўнг орага шундай сукунат чўкдики, пашша учса эшитиларди. Ҳамма ҳайрон, бу можаро нима билан тугашини тасаввур ҳам қилишолмасди.

— Бу Вадим Хрустальный, Клинтон шахридан, ўша ернинг смотрящийси, Кенгаш аъзоси, — деди Паша Симбирский.

— Паша, айт-чи, бу тождор ўғри неча йил зоналарда бўлган ва қайси хизматларига тож кийдирилган? — савол берди Граф.

— Вадим зонада бўлмаган, обшакка 500 минг сўм тўлагани учун тож кийдирилган, олдинги анжуманда Кенгаш аъзолигига сайланган.

— Паша, айт-чи, қачондан бошлаб тож сотиладиган бўлди ва бунинг ташаббускори ким? Илтимос қиламан, саволимга жавоб бер.

— Граф, сен зонада дам олаётганингда, Кенгаш маълум аъзолик бадали ҳисобига “апельсин”ларга тож кийдириш ҳақида қарор қабул қилди ва анжуманга тавсия киритди, у эса тасдиқлади. Акс ҳолда, зоналарга ўз вақтида “грев” бормасди, — деб жавоб берди Паша.

— Тушунарли, — деди Граф ва сўзини давом эттирди, — Паша, Фрол, Сокол, бу ерда сенлардан бошқа ҳақиқий тождор ўғрилар йўқлигини бир қарашдаёқ билганман. Паша, сени Бутуниттифоқ смотряшийси этиб сайлаётганимизда ичган қасаминг эсингдами? Ҳозир бу аҳволни марҳум устозларимиз кўрганларида сену менга раҳмат айтишармиди? Улар йиллаб ушбу салтанатни қуришди, ҳатто қирол бўлган Адмирал ҳам анжуман йиғилиши қарорисиз, мустақил бир ўзгартириш киритолмасди, сенларга нима бўлган ўзи? Устозларимизнинг руҳларини бадном қилиб, улар қурган салтанатни парчалашга, парокандаликка олиб боришга ким сенга ҳуқуқ берди? Адмирал ҳозир гўрида тикка турган бўлса керак, Паша? Сендан талабим, навбатдаги бутуниттифоқ анжуманини чақириш тўғрисида қарор қабул қил, бу Кенгашни ҳақиқий эмас деб топиб, тарқатиб юбориш масаласини анжуманга қўй, акс ҳолда, марҳум устозларимизнинг руҳлари азобда бўлади.

Мени эса ўша анжуманга асосий маърузачи қилиб тайинла, ўзим тождор ўғрилар умумиттифоқ йиғилишида фикрларимни баён этаман, энди эса Паша, Фрол, Сокол бу Кенгаш аъзолигидан мени ҳозирча озод қилинглар, юртимга қайтаман, марҳум устозларимиз салтанатини тиклай олсангизлар, Кенгаш аъзолиги вазифасини жон-танним билан бажараман, акс ҳолда, хайр, братва, — Фулом шу гапларни айтди-да, кескин ҳолатда залдан чиқиб кетди.

Ҳеч ким унинг сўзларига рад жавобини бера олмади ва унинг йиғилишни ташлаб чиқиб кетишига қаршилиқ қилолмади. Паша ва бошқа ҳақиқий тождор ўғрилар шундай бўлишини кутган эдилар...

Фулом Васильев оролидан чиқиб, Аким билан тўғри Герасимнинг уйига борди. Тайёргарлигини кўриб, сўнгра машина ёллаб, вокзалга боришди. “Стрела”га патта олиб, пойтахтга жўнашди, чунки Ленинграддан Тошкентга тўғридан-тўғри поезд қатнамасди. Москва — Тошкент йўловчилар ташиш поездига чиқиб, шу куннинг ўзидаёқ Москвани тарк этишди.

Фулом Герасимга Кенгаш йиғилишида бўлган ҳангомани афсус билан сўзлаб берди. У ҳам тождор ўғрилар ғоясининг бу даражагача бадном қилинганлигидан, Кенгашда ўтирган ва бошқараётган сафдошларининг бу масалада шундай тубанликка боришганидан ниҳоятда ғазабланди. Бундай аҳволнинг юзага келишига Совет Иттифоқида эсаётган илиқ шамоллар сабабчи бўлди. Михаил Горбачёв бошчилигидаги давлат эски андозалардан воз кечиб, “янгича фикрлаш” каби шиорларни ўртага ташлаган, илгари “кооператив” ниқоби остида ишлаган баъзи бир жиноий структуралар энди бизнесларини ҳимоялаш мақсадида тождор ўғрилар гуруҳи таркибига кириб, иш олиб бораётган эдилар. Шу сабабли улар тожни сотиб олиб, ўз бизнесларини ҳар хил салбий тасодифлардан ҳимоялаб қолишга уринишарди.

Йўлда уларни Посилний учратиб, деярли олти бекатгача бирга келди ва меҳмон қилди. Шундан бошқа тасодифлар юз бермай, Тошкентга етиб келишди. Вокзалда уларни Саша кутиб олиб, Чирчиқ шаҳридаги уйларига етказди. Шундан кейин Фулом Ленинградга бошқа бормади, чунки Адмирал қурган салтанат парчаланиб кетган, тождор ўғрилар ғояси буткул инқирозга учраганди. Фулом иқтисодий алоқаларни сақлаб қолгани, марказий обшакка маблағларни мунтазам ўтказгани билан борди-келдини тўлиқ узганди.

Энди у Ўрта Осиё ва Қозоғистонда мустақил тождор ўғрилар сиёсатини олиб борар, мутлақ ҳоким бўлиб қолганди. Паша Симбирский уни бутуниттифоқ тождор ўғрилар анжуманига таклиф қилмади ҳамда уни ўша охирги кунни Кенгаш аъзолигидан чиқариш ҳақидаги таклиф умумий

йиғилишда муҳокама қилиниб, кўпчилик овоз билан тасдиқланганини Птицадан эшитди. У бундай ҳолатдан афсусланмади, ҳатто ўз миннатдорлигини Паша Симбирский ва Интеллигентга етказишни илтимос қилди. Тўғри, ҳар замонда Интеллигент Графга кўнғироқ қилиб турар, Герасимнинг соғлиғига қизиқар, тижорат ишлари бўйича саволлар билан мурожаат қилар, аммо илгариги яқинлик, дўстлик алоқалари буткул узилганлигини суҳбатдошлар сўзсиз англашарди.

Бир куни Фрол кўнғироқ қилиб, буйраклари ниҳоятда оғриётгани, врачлар уни ёзнинг иссиқ кунларида Бухородаги “Ситорайи Моҳи Хоса” даволаш ва дам олиш уйига бориши кераклигини айтишгани, яқин кунларда Тошкентга бориши ва сўнгра Бухорога йўл олишини билдирди. Фулом уни Тошкентда кўришидан хурсанд бўлишини айтиб, Бухорога шахсан олиб бориб, жойлаштиришга, йўлланмани чўздириб беришга ваъда берди.

Дарҳақиқат, ўша даврларда Фролнинг намгарчиликдан доимо буйраклари оғрир, бу дард зонада ўтирганида, асосан, кўмир қазиб олишда чангдан юзага келган, мунтазам ёғингарчилик ва ҳавода нам миқдори кескин кўтарилганда, унга азоб берарди.

Июль бошларида Фрол Тошкентга учиб келди. Фулом уни аэропортда кутиб олиб, уйига олиб кетди. Герасим, Фрол ва Граф бир кун тўйиб суҳбатлашишди, аммо бирортаси ҳам мавзуни тождор ўғрилар оламига буришга жазм этмади. Шундан кейин, Граф, Аким Фролни янги “ГАЗ — 2410” русумли машинада Бухоро шаҳрига олиб кетишди. Чинозда тушиб, балиқхўрлик қилишди. Шундан сўнг Самарқандга келишди, Фулом унга тарихий аҳамиятга эга бўлган обидаларни кўрсатди. “Юбилейний” ресторанида овқатлантириб, кейин кечки салқинда йўлга тушишди. Каттақўрғонга келиб, бир колхоз раисининг меҳмонхонасида тунашди. Шу ерда икки партиядан биллиард ўйнаб, дам олишди. Тонг саҳарлаб, бомдод намозидан сўнг йўлга тушишди ва соат ўнларда Бухоро шаҳрига келиб, “Интурист” меҳмонхонасининг ресторанида нонушта қилишди.

Санаторияда уларни Бухорода анча обрўли бўлган, бир пайтлар ўғирлик қилиб қамалган, ҳозирда қандайдир умумий овқатланиш корхонасининг бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаётган Баҳриддин Нажмидинов кутиб олди. Меҳмонни бир кишилиқ люкс хонага жойлаштиришди, врачларга тайинлашди. Баҳриддиннинг ўзи ҳам битта жой олиб, меҳмонга қараши, йўлланмани яна бир муддатга чўздириб беришни ваъда қилиб, уларни Тошкентга жўнатиб юборди. Бу Фуломнинг тождор ўғрилар газначиси билан сўнгги учрашуви эди.

Ўттиз олти кун дам олган ва даволанган Фрол Марчук Москвага транзит патта харид қилган экан, Тошкент аэропортида уни Аким кутиб олиб, орадан икки соат ўтгач, Москвага учадиган самолётга ўтқазиб юборди. Фрол самолётга ўтиришидан олдин Аким унинг қўлига Графнинг бериб юборган омонатини топширди. Интеллигент Графнинг совғасини унинг олдида очди, ўралган бу кичкина картон қутининг ичида немис-фашист босқинчилари устидан ғалабадан сўнг Москва механика соатсозлик заводида чиқарилган “Победа” ҳамда Швейцариянинг “Ролекс” соатлари бор эди. Фрол чўнтагидан лупани чиқариб, бир муддат орқаларига ёзилган нақшларни кузатди-да, мамнунлик билан жилмайиб, туҳфаларни ички чўнтагига солди...

XXII фасл. ШАҲЗОДАНИНГ СЎНГГИ ОРЗУЛАРИ...

Фулом охирги пайтларда барча ишларни шогирдларига топширган, зеро ишни муносиб давом эттирадиган ёшлар етишиб чиққанди. Айниқса, Йўлчи исмли шогирди қўлидан ишларини олган, барча тижорат муаммоларини бемалол ҳал қилар, интизомсизлик қилган ёки ҳаддидан ошган гуруҳ раҳбарларини Фуломнинг рухсати билан мустақил жазоларди. Фулом аксарият вақтини “Комсомол қўли”да Герасим билан ўтказар, бирга қайиқда сузишар, табиат қўйнига чиқишар,

балиқ овига боришар, хуллас, кўнгиллари нимани истаса, шуни қилишарди. Герасим энди анча ўзини ўнглаб олган, касалдан фориг бўлган, унча-мунча олиб ҳам турарди.

Устоз ва шогирд кўпинча гуммахўрлик қилишар, шоҳмот ўйнашар, кураш ва бошқа спорт ўйинларини томоша қилишарди. Энди улар тождор ўғрилар оламининг фаолиятига деярли аралашишмас, фақат ҳар замонда бир-бири билан келишолмай, уруш бошланиб кетиш хавфи туғилганда, бу иккала гуруҳни бир битимга келиштиришда ҳакамлик вазифасини бажаришарди. Айбдор томонга катта миқдорда жарима солинар ва обшакка тўланишига мажбур этишарди.

Герасим Ўзбекистонга келганидан сўнг беш йил яшаб, бандаликни бажо келтирди. Фулом уни барча христиан урф-одатлари бўйича Боткин номли қабристонга дафн эттирди. Шундан сўнг анчагача талмовсираб юрди, кўнгли танҳоликни истар, ҳеч ким билан гаплашишга тоқати йўқ эди. Унинг бундай ҳолатидан Марина доимо ташвишланиб юрар, Саша, Акимга шикоят қилар, аммо натижа бўлмасди. Фулом қаерларгадир кетишни соғинар, қаёққа боришни ўзи ҳам билмасди. Фақат жума намози кунлари кўнгли хотиржам бўлар, ўша кун илгаригидек қувноқ, шеърхонлик қилар, шогирдлари ва сафдошлари билан давра суҳбати уюштириб, кўнгли чоғ бўлган ҳолда қайтарди. Аммо орадан бир-икки кун ўтмасдан, яна ўша тушкунлик кайфияти устунлик қиларди.

Андрей келиб тез-тез “балиқ, ўрдак, фоз ови” деб олиб кетар, сайилдан яхши кайфият билан қайтган Фулом орадан сал вақт ўтмай, яна асабийлаша бошларди. Бунинг устига кейинги пайтларда суяклари оғрийдиган бўлиб қолди. Ниҳоят, Фулом Бўстонлик туманидаги тайёрлов идорасига қарашли тахта омборхонасига қоровулчиликка ўтди. Аким дарҳол тайёрлов идорасининг бошлиғи Вазген Айрапетян билан келишиб, иккита хона, айвон, душ, ҳожатхона, таҳоратхона ва битта усти ёпиқ шийпон қурдиришни бошлаб юборди.

Ёз мавсумининг ўзидаёқ уй ва бошқа ёрдамчи хоналар қуриб битказилди. Шу ерга ишга келганидан сўнг олдинги асабийлашиш, сиқилишлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди. Фулом ишлар билан овора бўлиб, овуниб қолди. Аммо қатъий

шарти — ҳар пайшанба куни Чирчиқдаги уйига борар, ҳаммом қилар, сўнгра эрта билан бомдод намозини ўқигандан сўнг Тошкентга йўл оларди. Шогирдлари шунча зўрласалар ҳам машинага чиқмас, автобусда кетарди. Жума намозини “Хаста Имом” масжидида ўқиб, сўнгра “Комсомол қўли”даги қароргоҳига йўл оларди. Бу одатини то вафотига қадар тарк этмади.

Гулом Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистонда жойлашган қамоқхоналарнинг ҳам гревини бўйнига олган, шу мақсадда ҳар якшанба куни маълум одамлар олдига келар, ғазнадан маблағ махсус дипломатларга жойланиб, манзилларга етказиларди. Ғазна эса ўғрилاردан тушган бадаллар, тижоратдан келган даромад орқали мунтазам тўлдириб туриларди. Ҳар замонда ҳакамликдан ҳам жарима ундирилар, лекин бу қўшимча даромад ҳисобланиб, асосий маблағга кирмасди.

Гуломнинг ётадиган хонасида хуфия жой қилиниб, ташқаридан қараганда, яширин жой борлиги умуман билинмасди. Икки киши ётишига мўлжалланган кенг каровати ортида (унинг қачон чиқарилганлигини ҳатто ўзи ҳам билмасди) деворга каттагина одми гилам осилган, оёқларининг остида эса кўчириладиган тахта пол бўлиб, уни йўлини билмаган одам, фақат бузиб очиши мумкин эди. Девордаги плитус тагидан сурилиб, ясси қопқоққа ўхшаган ёғоч қоплама очилар, сирини билган одам бир сонияда суриб қўя оларди. Шундан сўнг қўл билан девордаги илгак олиниб, пастга зинали йўл очиларди.

Ҳамма томони бетондан қилинган зинали йўлакдан қарийб икки метрлар пастга тушилади. Ҳаво мунтазам алмашилиб туриши учун девор ичидан учта асбест қувур ўрнатилиб, томга чиқарилган, биттаси тоза ҳаво берса, иккинчиси ғазнада йиғилиб қолган газларни ташқарига чиқарарди. Учинчисига эса вентилятор уланган бўлиб, табиий ҳаво алмашилиши бузилса, у сунъий равишда сўриб олиларди. Ғазнага тушаётган одам чироқни ёқиши билан, у ҳам автоматик равишда чорак қувватда ишларди, мабодо зарурати туғилса, бор қувватига бураш мумкин эди. Ўша чорак қуввати ҳам ғазнада доимо соф ҳаво бўлишини таъминларди.

Шу ерда деворга ўрнатилган иккита катта сейф бўлиб, обшакка тегишли совет пуллари ва вақтинча сақланиши зарур бўлган қимматбаҳо заргарлик буюмлари, нумизматик аҳамиятга эга тангалар, кичик антиквар буюмлар ана шу қутиларда турарди. Ойнинг бошида нақд маблағларни маълум одамлар келтирар, зоналарга тарқатишда ҳам ҳар бир лагернинг танланган ўз вакиллари мавжуд эди. Сейф ичида махсус канцелярия журнали бўлиб, унда ҳар бир келтирувчининг лақаблари қайд қилинган, иккинчи журналда эса худди шунга ўхшаб олувчининг шахсияти рўйхатга тушган. Даромад ва буromад ана шу йўл билан ҳисоб-китоб қилиб бориларди.

Бундан ташқари, яна битта журнал бўлиб, ҳар эҳтимолга қарши, тождор ўғрига қандайдир мақсадлар учун маблағ керак бўлиб қолса, ғазнадан олинган пул шу китобда қайд қилинарди. Бундай журнал камдан-кам ишлатилганлиги сабабли, одатда, темир қутилардан бирининг ичида сақланарди. Темир қутиларнинг кодини фақат ғазначи билар, бошқа одам бу сирдан воқиф эмасди. Пулни олиб келувчилар ҳам, олиб кетувчилар ҳам маблағлар шу ернинг ўзида сақланишидан хабарсиз эдилар. Олиб келганлар топшириб кетар, олиб кетувчиларга эса келмасларидан ярим соатлар олдин чиқарилиб, картон қутига жойлаб қўйиларди. Олди-берди амалга оширилгандан сўнг ғазначи томонидан рўйхатга қайд қилинарди. Ҳар ойда бир марта Фулом ҳисобот қилиб, дафтар ичига тикиб қўярди.

Худди шундай сейфлар Фуломнинг одамлар назари илмас Чирчиқдаги уйида жойлашган бўлиб, у ерга фақат ҳаммом орқали кириш мумкин эди. Бу сейфларда узоқ муддатларга белгиланган маблағлар билан чет эллик ҳамкорлардан “Ферс секретюти банк”даги пулларнинг ҳаракатлари, олинган фойда, марказий обшак билан ўзаро ҳисоб-китоблар жамланганди. Бу ерда ҳам сейфлар борлигини ҳатто Марина ҳам билмасди. Сейфлар жойлашган манзиллардан фақат унинг энг яқин ёрдамчиси Аким хабардор, аммо код рақамларидан у ҳам огоҳлантирилмаганди. Ғазнага кирадиган жойларда Фуломнинг киши билмас белгилари бўлиб, мабодо бегона одам киришга уринган бўлса, ғазначига дарҳол, биринчи қарашдаёқ маълум бўларди.

Кундалик харажатлар учун Фуломга келадиган маблағ Сашанинг уйидаги сейфда сақланиб, ўша ердан косибларнинг ойлиги, ёрдам пуллари ва бошқа харажатлар амалга ошириларди. Бу маблағлар обшак ҳисобидан ўтмасди.

Фулом жума намозини мунтазам “Хаста Имом” масжидида адо этганлиги учун имом-хатиб, мутавалли ва бошқа обрўли намозхонлар таниб қолишган, баъзи пайтларда уни ҳам ўзларига қўшиб, худойи, маъракаларга таклиф этишар, у эса имкони бўлганда борарди.

Фулом ўғрилиқ йўли билан келган маблағлардан хайр-эхсон қилишни тўхтатиб, фақат одат бўлиб қолган етимлар уйига қорақўл теридан тикилган кийимликларни, тижоратнинг маблағидан бир қисмини доимий ўтказар, меҳнати орқасидан келган бор ойлик маошини сарф қилмай, жамлай бошлади. Анчагина пул тўплангандан сўнг, омборхонанинг ташқарисидан тандир қурдириб, ҳар куни нон ёптирадиган қилди. Водийдан келган бир йигитни ёллаб, бир ташландиқ уйни таъмирлатиб, оиласини кўчиртирди. У йигит ҳар куни нон ёпар, оиласи сотар, шу билан тирикчилик қиларди. Фулом ун, туз, седана, кўмир ва новвойга керакли бўлган асбоб-ускуналарни пешона тери билан топган пулига олиб берди ва фойдасига шерик бўлди. Шундай қилиб, асталик билан шахсий тижоратини йўлга қўйди. Аммо ҳамон ҳаёт кечирishi обшак орқали амалга оширилар, бу унинг қонуний ҳуқуқи эканлигини ич-ичидан сезарди.

Бир куни жума намозидан сўнг масжид мутаваллиси Фуломга ҳеч қаерга кетиб қолмасликни илтимос қилиб, бир худойига боришларини айтди. Саккиз-ўн чоғлик бўлишиб, маърака бўлаётган уйга ташриф буюришди. Улар кириб ўтирмасларидан қори ҳазратлари ташриф буюрди. Энди фотиҳа қилишганди, бир ғаройиб воқеа юз берди. Эшиқдан бир юпун кийинган, соч-соқоли ўсган, уст-бошлари кир, қўлига ҳасса ушлаган, девонасифат бир нотаниш одам кирди, аммо ўртада хизмат қилаётганлар жеркиётганларига кўзи тушди. Ул зот дарҳол ўрнидан туриб, хонадон эгаларига тегишли одамлардан бирига, ўша мусофирни олиб келиб, ёнларига ўтқазишни илтимос қилди. Бу ҳаракатдан барча

хайрон бўлиб қолди, аммо оғиз жуфтлаб сўрашга ҳеч ким ботинолмади.

Бу пайтлар қори ҳазратларининг кўзлари анча ожиз бўлиб қолган, беш-ўн қадам масофадаги одамни таний олмайдиган даражада эдилар, аммо бу ғарибу мискин инсонни кўриб қолганлари ва уни дастурхонга таклиф қилганларидан бир ажиб хосият борлигини ҳозир бўлганлар фараз қилдилар.

Қори жаноблари худойи, маърака ва бошқалардан тушган садақа пулларининг бирор тийинини ҳам ўз эҳтиёжларига ишлатмас, шаҳардаги етимлар уйига садақа қилар эди.

Мана шу воқеалар Фуломнинг дунёқарашига қандайдир бошқача таъсир этар, босиб ўтган йўлига ислом дини нуқтаи назаридан баҳо беришга мажбур қиларди. Шу сабабли Фулом ҳам тушган маблағнинг бир қисмини ана шу болалар уйига жўнатар, аммо бу ҳақда на директор, на яқинларига бирор нарсани айтмасди. У бу ишлардан ўзини узлатга олиб, қолган умрини тоат-ибодатда ўтказишни, қилган гуноҳларини яратган парвардигордан авф этишни астойдил сўрашни лозим кўрди.

Аммо уни доимо бир муаммо қийнар, яъни тождор ўғрилар салтанатини Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаларида соф ҳолда сақлаб қолиш, Санкт-Петербургдагига ўхшаб, поракандаликка, ғояга бошқа, ёт бўлган нарсалар кириб келишининг олдини олиш эди. “Мен оламдан ўтгандан сўнг ғояни ўзгартирмай ким сақлаб қолади?” деган ўй унинг олдида кўндаланг турарди. Лекин бу салтанатни кимга топшириб кетади, ким уни соф ҳолда сақлаб, бошқара олади? Ҳозир Йўлчи яна қамоқда, аммо тож кийдирилмаган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида бир қанча тождор ўғрилар бўлгани билан, қайси бири бу ғояга содиқ қолади? У ҳар кунни ана шу муаммо ҳақида бош қотирар, аммо бир қарорга кела олмасди. Фулом сафдошларини бирма-бир таҳлилдан ўтказар экан, улардан эътиқодни маҳкам ушлайдиганларни танлар, сўнгра қилган хизматларию юриш-туришларига баҳо берар, бирин-кетин бракка чиқарарди. У билан Ўзбекистонга бирга келган Аким, Саша ва кейинроқ “Тошлимсувсавдо” бирлашмасига бош директор лавозимига тайинланган Андрей Спиридоновлар бор, лекин улардан бирортаси ҳам тож киймаган, минтақадаги шу тоифадаги ўғрилар

бўйсунмаслиги ҳамда ғоя майда-майда бўлакларга бўлиниб кетиши ёки Россия сходняки яна назорат ўрнатиши мумкин, Гулом эса ўзгарган ғоянинг кириб келишига қарши. Бундан ташқари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида смотраший бўлиб мусулмон бандаси туришини истар, чунки унинг вафотидан сўнг Аким, Саша, Мариналарнинг умрбод Ўзбекистонда қолишларига ишонмас, улар фақат Граф учун бу ерларда юрганликларига ақли етарди.

“Хўш, шундай экан, салтанатни кимга топширади? Йўлчи, анча тажрибали, имони мустаҳкам, қаҳру ғазаби етарли, қарор қабул қилингандан сўнг ҳеч иккиланмайдиган, ниҳоятда тез, бу томонлари ижобий. Камчилиги, биринчидан анча ёш, буни вақт тўғрилайди, иккинчидан ҳали тож киймаган, учинчидан барча авторитетлар танимайди, аммо жуда тез, худди раҳматли Бистрийга ўхшайди, бир масалага киришдими, оқибати нима билан тугашига қарамай, зудлик билан ижро этишга киришади, нима учун бу хислатни салбийга чиқариш керак? Эс-ҳуши жойида, шогирдларининг ичида энг ақллиси, доимо “тушунча” билан яшашни орзу қилади ва атрофидагиларни ҳам шунга ундайди. Муҳтожларга меҳр-саховатли, Гуломнинг ишини бемалол давом эттириши мумкин, қолаверса ёнида-ку, бошида бироз қийналса, маслаҳатлари билан қўллаб юборади. Хўш, яна кимлар бор?

Ашхабодда Фаффорхон бор, тож кийган, салтанатга ва тождор ўғрилар ғоясига содиқ, аммо ҳаддан ташқари раҳмсиз, меҳр-оқибат деган тушунчалар унга ёт, ёши ҳам бир жойга бориб қолди, мендан атиги саккиз ёш кичик, хайр-худойи деган нарсаларни билмайди, тавба-тазарруни билмайди, аксарият вақтини кайфу сафода ўтказди. Йўқ, йўқ, унга салтанатни ишониб топшириб бўлмайди...

Душанбеда Саид Абдулло бор. Ўзига яраша обрўли, аммо катта ишларга ярамайди. Унга ўша смотрашийлик қилаётган Тожикистондан ортиғини ишониб бўлмайди. Обрўси Йўлчи, Фаффорхон, Сарсенларникидан паст, салтанат топширилса, бўйсунмасликлари мумкин, натижада парокандалик бошланиб, Россиядагига ўхшаб, парчаланиб кетиши ҳеч гапмас...

Сарсен Олмаотада, муносиб тождор ўғри, бир вақтлар ўзи тож кийдирилишига тавсия қилган. Унинг ҳам ёши бир жойга бориб қолди, иккинчидан, оғир касал, докторларнинг қўйган ташхиси бўйича сил дардига йўлиққан, албатта бу қамоқларнинг натижаси, узоққа бормайди. Хўш, яна кимлар бор?” Ана шу фикрлар билан у тонг оттирар, аммо ҳозирча ягона бир хулосага келолмасди.

Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб, барча авторитетларни Тошкентга йиғиб, салтанатни Йўлчига топширишга аҳд қилди. Бу пайтда Йўлчи Қоровулбозордаги зонада эди. Дарҳол лагерга малява киритди, у ерда миллати украин бўлган, тождор ўғри “Будайло” паханлик вазифасини бажарарди. Учта тождор ўғрилар — Граф, Ғаффорхон ва Сарсенларнинг тавсиясига биноан, Йўлчига “тождор ўғри” мақоми берилганлиги, тож кийдириш ҳақида қарор қилинганлигини хабар бериб, ушбу маросимнинг зонада ўтказилишига жавобгарлиги маълум қилинди.

Шундай қилиб, Фулом Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги барча авторитетларни анжуманга йиғди. Уларнинг кўпчилик овозлари билан Йўлчи, ўзи қамоқда бўлса ҳам, ана шу минтақанинг смотряшийси этиб сайланди, ана шундан сўнг Графнинг безовта кўнгли ором олди, аммо ҳозирча ғазнани ўз ихтиёрида қолдирди. Чунки “янги смотряший бошчилигида тубдан ўзгарган сходняк аъзоларининг ўзлари ишлаб пул топишсин, ғазнага ҳиссаларини қўшсинлар”, деган ниятда қилди бу ишни...

Фулом, энди кўпинча охират тадоригини ўйлар, қўлидан муқаддас китоб — Қуръони карим, Ҳадиси Шариф тушмас, кўпроқ уларни мутолаа қилар, имкони борича етим-есир, бева-бечора, муҳтожларга ёрдам беришга, ноинсофларни адолатга чақиришга, ўзи йўл қўйган хатоларни такрорлашларига йўл қўймасликларига ҳаракат қилар, шу билан биргаликда, биринчи бор тождор ўғрилар гоёсига қасам ичганлиги кўз ўнгидан кетмас, бу икки ўт орасида оташ бўлиб ёнарди. Шу сабабли кўнгли танҳоликни истар, ёшлар билан улфатчилик қилиб, биров бўлса-да овунарди. Аммо доимо қалбини бир азоб емириб борар, давосини эса тополмай, қийналиб юрарди.

Сўнгги пайтларда Фулом тез-тез ўсал бўладиган, оёқ суяклари оғрийдиган бўлиб қолди. Марина, Аким ва бошқаларнинг шифохонага ётиб даволаниш ҳақидаги таклифларини қатъиян рад этарди. Қоровулхонасида ётар, Марина кечаю кундуз беморни парваришларди. Шогирдлари муолажа учун керакли бўлган дори-дармон, тиббий майда-чуйдани келтириб қўйган, даволаш учун ташриф буюрадиган Носир дўхтир ҳам огзидан қандай дори-дармон чиқиши билан, дарҳол муҳайё қилинишидан ҳайрон бўлиб юрарди. У: “Битта қоровулга шунча иззат-икром, ҳурмат, кейин унинг атрофида гирдикапалак бўлаётганларнинг аксарияти рус миллатига мансуб инсонлар. Бунинг устига, бир марта келиб беморни кўриб, муолажаларни тайинлаб кетишига Аким исмли рус йигити деярли ярим маоши ҳисобида пул беради, бунинг тагида бир гап бўлиши керак?” деб ўйларди, аммо фикрини очиқ айтмасди, чунки чолнинг даҳшатли қарашидан анча чўчиб қолганди.

Бир марта беморнинг томирларини ушлаб, пульсини ўлчаётганда, бармоқларидаги ёзувни ўқишга ҳаракат қилиб, эътиборини қаратганди, касалнинг кўзларида пайдо бўлган қаҳрли қарашдан, сал бўлмаса эс-ҳушини йўқотаёзди. У дунёга келибдики, бундай қараш борлигини ҳеч эслай олмайди. Бу кўзларда шундай инсон тафаккури билан англай олмайдиган сеҳрли куч яширингандики, қўрққанидан тили калимага келмай, дудуқланиб қолди...

Унинг нигоҳи яна пульсни ҳисоблашга қаратилиши билан беморнинг кўзида пайдо бўлган қаҳрли қараш дарҳол алмашилиб, мулойимлашди, бироздан сўнг эса касал кулимсиради. Шифокор учун энг ажабланарлиси, у қандай ноёб, камчил дориларни тайинламасин, бу препаратлар бир куннинг ичидаёқ етказиб келинарди. Ҳатто бир марта район партия кўмитаси биринчи секретарининг аёли бемор бўлганда, бир дорини ёзиб берганди, бир ҳафтага яқин қидиришди. Фулом акага буюрилган ана шу турдаги дори эса дарҳол, эртасигаёқ топиб келинди. Бу уни бир томондан ажаблантирса, иккинчи тарафдан, қўрқувга солиб, ҳаяжонлантирарди. Хуллас, бошида бир оддий қоровул бўлиб кўринган бу одам, унда кейинчалик қўрқув, ҳадиксираш ва яна қандайдир ўзи билмайдиган ҳисларни чақира бошлади.

Ниҳоят, Фулом бир куни умри тугаб бораётганини ҳис қилиб, ғазнанинг жойлашуви, сейфларнинг коди ва бошқа сир-асрорларни шогирдларига топшириш даври келганлигини руҳан ҳис этиб, Йўлчи, Аким, Сашаларни бир даврага чақиртириб, барча ташвишлардан халос бўлиб, ғазнани ҳам, ўзининг қурган салтанатини ҳам бутунлигича топширди. Шу елкасидаги оғир юкдан халос бўлган Фулом бир қадар ўзини бардам ҳис қилиб, ҳатто ўзини анча ёшаргандек сеза бошлади. Шу йили сўнгги марта Марина билан Ялтадаги “Ўзбекистон” санаториясига ташриф буюриб, дам олиб қайтди.

Фулом кундан-кунга озиб, сўлиб борарди. Энди у масжидга бориб намоз ўқир, “Комсомол кўли”даги қароргоҳига бўйнидан боғланган ит каби ўзини зўрлаб борар, аммо кейинги вақтларда ҳеч нарса безовта кўнглига ором беролмасди. Ниҳоят, Акимдан Данғарага олиб бориб келишни тўхтовсиз илтимос қила бошлагандан сўнг Қўқонга йўл олишди. Данғарага келиб, Андарабод қишлоғига тушишди, аммо бу ҳудудлардан уруш йилларида Сирдарёнинг топиши натижасида одамлар буткул кўчиб кетганликлари, бир қисм аҳоли Бешариққа, қолганлари эса Боғдод туманига кетиб қолганликларини айтишди. Урушдан кейин эса баъзи оилалар қайтадан кўчиб келган, аммо улар бевосита ана шу қишлоқликлар эмасди, балки дарёнинг нариги қирғоғидан ўтганлар эди.

Шундан сўнг аввал Боғдод туманига боришди. Бу ерда “Ҳамза” номли совхоз ташкил этилган бўлиб, бир қисм андрабодликлар жойлашиб қолишган экан. Бир қария билан учрашиб, суҳбатлашишди. У Вадуд домлани, куёвини, ўғилларини эслашини, каттаси ёмон йўлга кириб кетиб қамалганини, кичиги Музроб урушга кетиб қайтмагани, қизлар эса турмушга чиқиб, кейинчалик, яъни сув тошгандан сўнг қаерга кўчганликларини билмаслигини, онаси урушдан сўнг фарзандлари доғида қуйиб ўлиб кетганлигини гапириб берди.

Ҳар эҳтимолга қарши Бешариқ туманига ҳам ташриф буюришди. Бир кеча “Рапқон” санаториясида тўхташди. Аммо бу ердан ҳам қариндош-уруғларининг дарагини тополмади. Шундай бўлса-да, Фулом ноумидликка тушмас, опаси Ойшахон ва синглиси Фаҳринсоларни сабр-чидам билан

барча ерлардан излай бошлади. Тошкентга қайтгандан сўнг, махсус бир неча кишидан иборат бўлган гуруҳга опаси, синглиси, мабодо катталар вафот этиб кетган бўлсалар, жиянларини излаб топишга топшириқ берди. Ташқи кўринишидан ҳеч қандай хасталик аломати сезилмаса-да, борган сари куч-қувватдан қолаётган, сўнгги кунларини яшаётганлиги ўзига ҳам аён бўла бошлаганди. Охирги кунлари тушига тез-тез марҳум отаси ва марҳума онаси кирар, уни ҳам ёнларига чорлашарди. Босинқираб уйғонар, ўрнидан турганда аъзои-баданини қалтироқ босиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетарди.

Ниҳоят, Фулом ўрнидан зўрға туриб, таҳоратга борадиган аҳволга келиб қолганидан сўнг Чирчиқдаги уйига келтирилди. У ҳар куни ғойибдан хабар кутар, ҳеч бўлмаса, синглиси, жиянларининг бир рухсорини кўриб ўлса, армонда кетмаслигини ўйларди. Аммо пешонада ёзилгани бўларкан, энди мустақиллик шабадаси эса бошлаган даврда, рамазон ойининг охирги кунларида афсонавий тождор Фулом ўғрининг абадий кўзи юмилди. Ўлим шаробини тотий пайтида олдида унинг доимий йўлдоши, вафодор ёри Марина сафдош ва шогирдлари Аким, Саша, Андрей, Йўлчи, Эргаш, Маҳкамлар бор эдилар.

Фулом ўзининг бир умр йўлдоши бўлган жуфти ҳалолига, сафдошларига жасадини ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги қабристонга дафн этиш, маъракаларини ортиқча дабабасиз ўтказиш, кафанлик ва дафн маросимида кетадиган харажатларга пешона тери билан топган ҳалол пули ҳисобидан сарфлашни васият этди. Мабодо маблағ ортиб қоладиган бўлса, етим-есир, бева-бечора, муҳтожларга садақа қилишни алоҳида илтимос қилди, чунки унинг ҳалол амалга оширган тижорат ишларидан ҳам маълум миқдорда маблағ йиғилиб қолган эди.

Унинг сўнгги сўзлари шундай бўлди: “Эй, ўн саккиз минг оламини яратган Парвардигор, бу фоний дунёда билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг мағфират қил, тавбаларимни қабул айла, дўзах азобини татиб кўришимдан ҳалос эт, чунки бу фоний оламдаги тамуқни кўрдим, энди боқий дунёда жаннат роҳатини кўришни насиби-рўз айлагил”.

Орадан уч кун ўтгандан сўнг унинг хоки бир қанча тождор ўғрилар иштирокида Данғара туманининг Андарабод қишлоғидаги қабристонга дафн этилди. Бу ерда яна каттагина қишлоқ пайдо бўлган, кўпчилик қайта кўчиб келган, ўша қабристон олдидаги юз эллик йиллик чинор ҳанузгача қаддини мағрур кўтариб, бўлиб ўтган суронли йиллардан гувоҳлик бериб турибди...

Қуйида унинг вафот этмасидан олдин айтиб кетган дил сўзларини хотирлаб, бир парча шеърини келтиришни лозим топдик:

Адолатсиз замоннинг зулмидин, э воҳ, адашдим,
Ёру дўстларга бегона бўлиб, тақдиримдин адашдим.
Аллоҳ тақиқлаган йўлда эл аро бўлдим афсона,
Зулмат диёри бўлди йўлдош, Ҳақдин адашдим.

Не қилайин, буюк Аллоҳим, каломингдин адашдим,
Бегона юртларда зулм айлаб, қадрдонлардин адашдим.
Ҳар намозу ибодатимда ёлғиз ўзингга илтижо қилиб,
Эй, Парвардигор, тавба қилиб, эътиқодимдин адашдим.

Адолат ўрнатмоқ мақсадинда, жафо айлаб, адашдим,
Разолат оламига ўзни ҳукмрон айлаб, адашдим.
Ўтди беҳосият бу умр, этолмадим халқимга хизмат,
Ё, Рабб, мен гуноҳкор бандангни узрин сўраб, адашдим.

Адашдим, адашдим, қоронғи зулмат диёрида адашдим,
Жафо бўлди касбим, топмай иззат, ўзида адашдим,
Фано олами тугаб, бақога этмакда рихлат, деди Ғулом,
Рўзи маҳшарда ўзинг кечиргин, фақат йўлингга адашдим.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
I фасл. Жиноят оламида. Пермь, 25/12-қамоқхона лагери	26
II фасл. Қирол ҳузурида	29
III фасл. Ўтиқод учун зулм. Адолат истаб	37
IV фасл. Тождор ўғрилар оламида. Мустақил қадамлар... ..	59
V фасл. Польша Миллий банкининг ғорат қилиниши	75
VI фасл. “Чўлоқ” операцияси ва унинг натижалари... ..	96
VII фасл. Нижний Новгород шаҳридаги ўғирлик	106
VIII фасл. Махфий хизмат домида	113
IX фасл. Зонадаги тутқунлик	125
X фасл. Яна Қирол ҳузурида	152
XV фасл. Тақдир сўқмоқлари	170
XII фасл. “Братва” кучоғида	191
XIII фасл. Свердловск области, 31/15-қамоқхона лагери	204
XIV фасл. Никитин ёки “Қора мушук” гуруҳининг зарарсизлантирилиши	236

XV фасл. Юртга қайтиш.....	254
XVI фасл. “Атлас” ва “Тошлимсувсавдо”даги ўғирлик операцияларининг амалга оширилиши.....	258
XVII фасл. “Бочарёв Ручей”даги учрашув.....	279
XVIII фасл. Совет Иттифоқидаги пул ислоҳоти ва унинг оқибатлари	288
XIX фасл. Тери хомашёси билан ишлайдиган яширин цехнинг ташкил этилиши ва тайёр маҳсулотнинг сотилиши	317
XX фасл. Одамлар орасида... ..	325
XXI фасл. Тождор ўғрилар билан сўнгги учрашув... ..	342
XXII фасл. Шаҳзоданинг сўнгги орзулари.....	354

Адабий-бадий нашр

Ўткир АБДУРАҲИМОВ

ЗУЛМАТДАГИ САЛТАНАТ

Детектив қисса

Биринчи китоб

Муҳаррир *Доно Исмоилова*
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Алимардон Ақилов*
Мусахҳиҳ *Зебо Ирисбоева*
Саҳифаловчи *Бехзод Ирисбоев*

Нашриёт лицензияси. АИ № 111.

Босишга 12.03.2018 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 21,0 б.т. Адади 3000 нусха

Газета қоғози. Шартнома 12/03-18. Буюртма 40.

Нархи келишилган асосда.

Оригинал макет “BILIK-PRINT” МЧЖ
матбаа корхонасида тайёрланди. 100131. Тошкент.
Учтепа тумани, катта Хирмонтепа кўчаси, 3 А-уй.

“Yangi nashr” нашриёти.

111812, Тошкент вил. Зангиота тум. Назарбек ф/й.

«Ҳаракат» маҳ. Бобур 2-тор кўч. 12-уй.

“ADAD PLYUS” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент ш. Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 28 уй.



Ўткир Абдурахимов – 1948 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган.

1980 – 1990 йилларда Афғонистон Республикасига агрозоветтоварлар етказиб бериш бўйича масъул вазифада ишлади ва бу ўлка ҳамда у ердаги муҳожир ватандошларимиз билан яқиндан танишди.

Муаллифнинг “Фироқ водийси” асарини ёзиб, чоп эттирди.

1990 – 2003 йилларда ҳукумат идораларида масъул вазифаларда хизмат қилди.

2003 йилдан “Мадад” сўғурта агентлигининг Тошкент вилояти филиалида директор вазифасида хизмат қилди.

2011 йил бевақт ўлим Ў.Абдурахимовни орамиздан олиб кетди.

